

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ



“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси

**“МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАРИ”**


фанидан

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2019

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА О‘РТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ



“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси

НОРБЕКОВ ДАВРОНБАЙ ЭШМУРАДОВИЧ
ОЧИЛОВ ИЛЁС КЕЛДИЁРОВИЧ
“МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАРИ”
ФАНИДАН
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Билим соҳалари: 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ.

Таълим соҳалари: 230 000 – Иқтисод.

Мутахассислик: 5А230901 – Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича); 5А230902 –Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича); 5А231501 “Баҳолаш иши ва риелторлик (объектлар бўйича)”

ТОШКЕНТ-2019

Ушбу ўқув услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201__ йил “___” _____даги “___”-сонли буйруғи билан тасдиқланган фан дастури асосида ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

Норбеков Д.Э. -ТМИ, “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси доценти, и.ф.н.

Очилов И.К. -ТМИ, “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси доценти, и.ф.н.

Такризчилар:

Ризаев Н.К. ЎЗР БМА, “Бухгалтерия ҳисоби , иқтисодий таҳлил ва аудит” кафедраси доценти, и.ф.д. (ташқи)

Каримов А.А. ТМИ, “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси мудири, и.ф.д.

Фаннинг ўқув услубий мажмуаси кафедранинг 2019 йил “___” _____даги “___”-сонли йиғилиш муҳокамасидан ўтказилган ва факултет Кенгашида кўриб чиқиш учун тавсия этилди.

Кафедра мудири:

А.Каримов

Фаннинг ўқув услубий мажмуаси “Ҳисоб ва аудит” факултетининг Кенгаши муҳокамасидан ўтказилган ва Институт Кенгашида кўриб чиқиш учун тавсия этилган. (2019 йил “___” _____даги “___”-сонли қарори).

Магистратура бўлим бошлиғи:

А.Жўраев

Келишилди:

Ўқув-услубий бўлим бошлиғи

Т.Баймуратов

Ўқув ишлари бўйича проректор

И.Кўзиёв

Фаннинг ўқув услубий мажмуаси институт ўқув-услубий Кенгашининг 2019 йил “___” _____даги “___”-сонли йиғилишида кўриб чиқилган ва тасдиқлаш учун тавсия этилган.

Фаннинг ўқув услубий мажмуаси институт Кенгашининг 201__ йил “___” _____даги “___”-сонли мажлис баёни билан маъқулланган.

№	Мавзулар	Бетлар
	Сўзбоши	5-7
1.	Ўқув материаллари	8-199
1.1	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига кириш	8-25
1.2	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида умумий масалалар	26-56
1.3	Тушумларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи	57-69
1.4	Нолиявий активларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи	70-140
1.5	Баҳолашни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи	141-161
1.6	Нолиявий мажбуриятларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи	162-182
1.7	Молиявий инструментларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи	183-231
1.8	Консолидациялаш асосларини ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи	232-245
1.9	Молиявий ҳисобот трансформацияси	246-302
2.	Мустақил таълим машғулоти	303-308
3.	Глоссарий	309-322
4.	Иловалар:	323-364
	- фан дастури;	
	- ишчи дастур;	
	- технологик харита;	
	- тарқатма материал;	
	- тестлар;	
	- ишчи фан дастурига мувофиқ баҳолаш мезонларини қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар;	
	- ўқув-услубий мажмуанинг электрон варианты.	

СЎЗ БОШИ

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида халқаро ҳисоб тизими тараққий еттирилишида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (БҲХС) муҳим ўрин тутди. БҲХСлар мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни, жумладан иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва мамлакатларда инвестицион муҳитни яхшилашда муҳим восита сифатида хизмат қилмоқда. Шунинг учун ҳам кун сайин халқаро стандартларни еътироф етувчи мамлакатлар сони ошиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳам БҲХСга ўтишининг ўзига хос йўлини танлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий етиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониغا асосан, 2015-2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр етиши ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказиши ва акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси 2015 йилнинг 1 июлига қадар акциядорлик жамиятларининг йиллик молиявий ҳисоботини халқаро стандартларга мувофиқ нашр етиш жадвалини тасдиқланиши лозимлиги белгиланган.

Бундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига асосан, акциядорлик жамиятларининг устав капиталига 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда хорижий инвесторларнинг улуши жалб қилиниши лозимлиги белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим етиш молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузилишига тўғри келади. Чунки, ундан хорижий инвесторлар акциядорлик жамиятларининг молиявийвий ҳисоботларини тўғридан тўғри тушунишига ва ишонч ҳосил қилиш лозимлигига еришади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХСлар) – бу Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича Кенгаши (МҲХСК) томонидан чиқарилган стандартлар ва шарҳлардир. Улар қуйидагиларни қамраб олади:

- (а) Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари;
- (б) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари номланиши

қуйидагича¹:

БҲҲС 1	Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш
БҲҲС 2	Заҳиралар
БҲҲС 7	Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот
БҲҲС 8	Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар
БҲҲС 10	Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар
БҲҲС 11	Қурилиш шартномалари
БҲҲС 12	Фойда солиқлари
БҲҲС 16	Асосий воситалар
БҲҲС 17	Ижара
БҲҲС 18	Одатдаги фаолиятдан олинган даромад
БҲҲС 19	Ходимларнинг даромадлари
БҲҲС 20	Давлат грантларини ҳисобга олиш ва давлат ёрдами тўғрисида маълумотларни очиқ бериш
БҲҲС 21	Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари
БҲҲС 23	Қарзлар бўйича харажатлар
БҲҲС 24	Ўзаро боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни очиқ бериш
БҲҲС 26	Пенсион тизимлар бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот
БҲҲС 27	Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар
БҲҲС 28	Қарам тадбиркорлик субъектларидаги ва қўшма корхоналардаги инвестициялар
БҲҲС 29	Гиперинфляцияли иқтисодиётларда молиявий ҳисобот бериш
БҲҲС 32	Молиявий инструментлар: тақдим этиш
БҲҲС 33	Бир акцияга тўғри келадиган фойда
БҲҲС 34	Оралиқ молиявий ҳисоботлар
БҲҲС 36	Активларнинг қадрсизланиши
БҲҲС 37	Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар
БҲҲС 38	Номоддий активлар
БҲҲС 39	Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш
БҲҲС 40	Инвестицион мулк
БҲҲС 41	Қишлоқ хўжалиги

¹ M.Bonham and others. Generally accepted Accounting practice under IFRS. Ernst & Young LLP, United States, 2010.- part 1. p.xxi-xxiii.

Молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг номланиши:

МҲҲС 1	“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш”
МҲҲС 2	“Акцияга асосланган тўлов”
МҲҲС 3	“Бизнес бирлашувлари “
МҲҲС 4	“Суғурта шартномалари”
МҲҲС 5	“Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва давом еттирилмайдиган фаолият “
МҲҲС 6	“Фойдали қазилмалар захираларини қидириш ва баҳолаш”
МҲҲС 7	“Молиявий инструментлар: маълумотларни очиб бериш”
МҲҲС 8	“Операцион сегментлар”
МҲҲС 9	“Молиявий инструментлар”
МҲҲС 10	“Жамланган (консолидациялашган) молиявий ҳисоботлар”
МҲҲС 11	“Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар”
МҲҲС 12	“Бошқа тадбиркорлик субъектларида иштирок етиш тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш”
МҲҲС 13	“Ҳаққоний қийматни баҳолаш”
МҲҲС 14	“Таъриф тузатишларини кейинга қолдириш ҳисоби”
МҲҲС 15	“Харидорлар билан шартномалар тузиш бўйича даромад”

Ушбу ўқув услубий мажмуа кейинги йилларда қабул қилинган халқаро ҳужжатлар, Қонун ва қонун ости меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (IAS), Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS), АҚШдаги GAAP, Буюк Британиядаги SSAPC, Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни каби меъёрий ҳужжатлар талаблари, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналари тажрибалари асосида тайёрланган. Шунингдек, ундан ўқитувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар, магистрлар, иқтисодчилар, бухгалтерлар ва аудиторлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

1-МАВЗУ. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА КИРИШ

Маъруза режаси

- 1.1. Молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг асосий мазмуни ва унинг бухгалтерларни тайёрлаш тизимидаги ўрни
- 1.2. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича қўмита (МҲХСК)нинг мақсади ва унинг тавсифи
- 1.3. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва фойдаланиш имкониятлари
- 1.4. МҲХС (IFRS) бўйича молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг концептуал асослари
- 1.5. МҲХС (IFRS) 1 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш”

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

Бухгалтерия ҳисобининг профессионаллашуви - бу бухгалтерия ишларининг ушбу соҳада маълум профессионал билимларга эга бўлган мутахассислар томонидан бажарилиши ҳамда мамлакат даражасида бухгалтерия ҳисобининг муаммолари, жумладан стандартлаштириш, бухгалтерларнинг профессионал малакасини ошириш, ушбу профессиянинг ахлоқ қоидаларини такомиллаштириш билан шуғулланадиган нотижорат ва нодавлат ташкилотларнинг фаолият юритиши.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро интеграциялашуви. Халқаро сармоядорлар, кредиторлар ва менежерларнинг халқаро бизнес фаолиятлари тўғрисида ахборотларга бўлган еhtiёжини қондириш мақсадида миллий бухгалтерия ҳисоби тамойиллари ва стандартларидаги умумий ва илғор тажрибаларни мужассамлантириш асосида ишлаб чиқилган бухгалтерия ҳисобининг халқаро ўлчовлари ва тамойилларига ўтиш жараёнидир.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича халқаро ташкилотлар. Бухгалтерия ҳисоби халқаро интеграциялашуви жараёни, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳисобининг халқаро муаммолари билан шуғулланувчи нотижорат профессионал ташкилотлар.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона – бу қатнашчиларидан бири албатта хорижий инвестор бўлган, хорижий инвестициянинг акция (ҳисса, пай)лар ёки устав капиталидаги ҳиссаси 30 фоиздан ва миқдори қонунчиликда белгиланган суммадан кам бўлмаган ва устав капиталини ўз вақтида шакллантирган ҳуқуқий шахс.

1.1. Молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг асосий мазмуни ва унинг бухгалтерларни тайёрлаш тизимидаги ўрни

Мулкчилик ва тармоқ шаклидан қатъий назар, барча хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботларини миллий стандартлардан халқаро стандартлар асосида тузиш муҳим ҳисобланиб, халқаро стандартлар асосида тузилган молиявий ҳисоботларни хорижий инвесторлар томонидан танишиш имкониятига эга бўлиши ва ўзининг сармоясини киритиш бўйича енгилликлар туғдиради.

Бухгалтерия ҳисоби маълум бир хўжалик юритувчи субъект тўғрисида молиявий маълумотларни аниқлаш, қайта ишлаш ва молиявий ҳисобот шаклида фаолият юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатига қизиқувчи фойдаланувчиларга маълумотни йетказиб беришни амалга оширадиган ахборот тизимдир. Бухгалтериянинг мақсади – турли фойдаланувчиларни маълумотга бўлган еҳтиёжини, ушбу маълумотни олиш учун енг кам сарф-харажатлар билан қондиришдир. Ўз-ўзидан маълумки қарорларни қабул қилиш учун ахборот тизимдан фойдаланиш натижасида олинishi мумкин бўлган иқтисодий нафлар ушбу тизимга кетган харажатлардан устун бўлиши лозим.

Демак, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари предмети бўлиб, халқаро стандартлар асосида пул ифодасида акс еттириладиган хўжалик маблағлари, шу маблағлар манбалари, уларнинг хўжалик фаолияти ва молиявий натижалари бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектларда моддий ва номоддий активлар, мажбуриятлар, капитал, даромад ва харажатлар, фойда ва зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган хўжалик, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг объектлари ҳисобланади.

Активлар - аввалги даврларда содир етилган ҳодисалар натижасида олинган ва корхона томонидан назорат қилинадиган, уларни фойдаланишдан келажакда иқтисодий наф олинishi кутиладиган ресурслардир.

Мажбуриятлар – бу аввалги даврларда содир етилган ҳодисалар натижасида пайдо бўлган корхонанинг жорий қарзи, ушбу қарзлар қайтарилиши натижасида корхонанинг иқтисодий нафни ўз ичига олган ресурсларни камайishiга олиб келади.

Хусусий капитал – бу барча мажбуриятларни айргандан кейин корхонанинг активлардаги бўлган улуши.

Фойда - бу хўжалик субъектига таъсир етадиган асосий ва асосий бўлмаган фаолият, ҳодисалар шароитлар натижасида капиталнинг кўпайishi бўлиб, хусусий капиталга тўланадиган капитал бундан мустаснодир.

Зарарлар – бу асосий фаолият ва барча хўжалик муомалалари, ҳодисалар, шароитлар натижасида хусусий капиталнинг камайishi бўлиб, харажатлар ёки хусусий капиталнинг тақсимланиши натижасидаги камайishi бундан мустаснодир.

Фойда фаолият натижаларини ўлчаида ёки бошқа кўрсаткичларни, яъни инвестицияни олиб келган фойдаси, бир акцияга тўғри келадиган фойда кабиларни асоси сифатида фойдаланади. Фойдани ўлчаи билан бевосита боғлиқ элементлар – бу даромадлар ва харажатлардир.

Даромадлар – бу активларни келиб тулиши ёки кўпайishi ёхуд мажбуриятларни камайishi шаклида вужудга келадиган ва пировард натижасида хусусий капитални оширадиган иқтисодий нафларни кўпайishi, аммо акциядор капиталга таъсисчилар томонидан тўланадиган бадаллар бундан мустаснодир.

Харажатлар - бу активларни сарфланиши ёки йемирилиши ёхуд мажбуриятларни кўпайishi шаклида вужудга келадиган ва пировард

натижасида хусусий капитални камайтирадиган иқтисодий нафларни камайиши, аммо акциядор капитални таъсисчилар орасида тақсимланиши бундан мустаснодир².

1.2.Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича қўмита(МХХСҚ)нинг мақсади ва унинг тавсифи

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бутун жаҳонда молиявий ҳисобот стандартларининг яқинлашишида, келишувида ва янада яхшиланишида муҳим рол ўйнади. Улардан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- кўпчилик мамлакатларда ҳисоб ва ҳисоботга қўйиладиган миллий талаблар учун асос бўлиб хизмат қилиш;

- ҳисоб ва ҳисоботга нисбатан ўз талабларини ишлаб чиқаётган алоҳида мамлакатлар учун халқаро еталон сифатида ишлатилиши (саноати рифожланган мамлакатлар билан бир қаторда энди ривожланиб бораётган бозорлар учун, масалан, Хитой, Осиёнинг бошқа мамлакатлари ҳамда собиқ Совет Иттифоқи мамлакатлари ҳам шулар жумласидандир);

- фонд биржалари ва тартибга солувчи органлар томонидан молиявий ҳисоботни Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига мос равишда тузилишини талаб қилган ҳолларда;

- капитал бозорлари учун стандартлар ишлаб чиқишда тўлиғича Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига асосланишга қарор қилган Йеуропа Комиссияси каби миллий органлар томонидан ишлатилиши;

- Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаб қилинмайдиган мамлакатларда ҳам компаниялар сони ортганлиги туфайли фойдаланилиши.

Юқоридагилар туфайли Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бутун жаҳонда янада кенгроқ фойдаланилмоқда ва тан олинмоқда. Ҳатто баъзи мамлакатлар Молиявий Ҳисоботлар Халқаро Стандартлар (МХХС) ни ўз стандартларидек ўзгаришларсиз ишлатишмоқда, баъзилари еса мамлакат хусусиятидан келиб чиқиб баъзи ўзгаришларни киритмоқдалар. Кўп миллатли йирик компаниялар еса Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларидан фойдаланиш улар учун қулайлигини таъкидлашмоқда.

Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларининг тан олиниши ва тобора кўпроқ ишлатилишини исботловчи энг муҳим воқеалардан бири бу Қимматбаҳо қоғозлар ва биржалар бўйича Комиссияларнинг Халқаро Ташкилоти томонидан хорижий котировкалар учун Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларининг асос қилиб олинишидир.

Европа Комиссияси еса Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига ҳисоботнинг ва умуман бухгалтерия ҳисобининг мувофиқлашиши нуқтаи назаридан Йеуропа Иттифоқида адолатли ва самарали рақобот муҳитини сақлашда муҳим еканлигини ётироф етмоқда. Йеуропа Комиссияси молиявий

² M.Bonham and others. Generally accepted Accounting practice under IFRS. Ernst & Young LLP, United States, 2010.- part 1. p.102-104.

ҳисобот стандартлари гармонизациясида МҲХСК билан ҳамкорлик қилиш самарали эканлигини расмий равишда ёшон қилган.

АҚШнинг Қимматбаҳо қоғозлар ва биржалар бўйича Комиссияси эса қуйидагилар ҳақида 1996 йил 11 апрелда маълум қилди:

- стандартлар бухгалтерия ҳисобининг кенг қамровли базисини тақдим етувчи бухгалтерлик талабларининг асосий қисмини ўз ичига олишлари керак;
- стандартлар юқори сифатли бўлишлари шарт, чунки улар маълумотларнинг таққосланувчанлиги, равшанлиги ҳамда тўлиқ ёритилишини таъминлашлари керак;
- стандартлар интерпретацияси бериб борилиши керак ва уларга сўзсиз амал қилиниши керак.

Шундай қилиб, МҲХСК томонидан ҳозиргача ишлаб чиқилган стандартлардан фойдаланиш халқаро ҳамжамиятга юқори самара бермоқда, деб хулоса қилиш мумкин.

1.3.Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва фойдаланиш имкониятлари

Ҳозирги вақтда акционерлар ва башқа фойдаланувчилар учун тайёрланаётган молиявий ҳисоботларда мамлакатдан мамлакатга ўтиб бораётган, айрим ҳолларда бир мамлакатдагина фойдаланиладиган бухгалтерлик принциплари ва қоидалари ишлатилмоқда. Шундай қилиб бухгалтерлик ҳисоботларида таққосланувчанлик йетишмаслиги мумкин. Бу ҳолатнинг ноқулайлиги шундаки, молиявий ҳисоботдан фойдаланадиган инвестицион таҳлиличилар ва бошқа фойдаланувчилар ҳисоботни таҳлил қилиш жараёнида унинг тарли стандартларга биноан тузилганлиги туфайли кўшимча харажатлар қилишига тўғри келади. Улар ҳисоботлар интерпретациясида чалкашликларга дуч келишлари ҳам мумкин. Ушбу жараён билан боғлиқ ҳолда капиталнинг жаҳон бозорида самарали рақобат ёмонлашиши, компаниялар эса капитални сақлаш бўйича юқори сарф-харажатларни ўз зиммаларига олишларига тўғри келади. Енг асосийси, турли мамлакатлар учун турлича фойда микдори кўрсатилиши оқибатида бухгалтерлик ҳисоботларига ишонч йўқолади. Ҳисоботларнинг халқаро миқёсдаги турли туманлиги қуйидагиларга олиб келади:

- молиявий ҳисоботларни тузишга кетадиган харажатларнинг мўлжалдан юқори даражада бўлиши – чунки транснационал компаниялар ўз фаолиятлари ҳақида турли мамлакатлар учун турлича ҳисоботлар тузишга мажбур бўладилар;

- тижорат компаниялари турли мамлакатлардаги фаолиятлари молиявий натижаларини баҳолаш учун ягона тизимга ега бўлиш еҳтиёжи туғилади. Компаниялар, бундан ташқари, уларнинг ташқи ҳисоботлари фаолиятни баҳолашнинг ички баҳолашларига мос тушишларини ҳам хоҳлайдилар. Бу икки мақсадга еришиш эса турли мамлакатлардаги ҳисоботлар турлича бўлгани ҳолда жуда мушкул ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари шунингдек, бухгалтерлик стандартларини ишлаб чиқувчи органлари ҳали тузилмаган ёки стандартларни ишлаб чиқишга ресурслари йетарли бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам жуда фойдалидир. Молиявий Ҳисобот Стандартларини ишлаб чиқиш ўзига яраша харажатларни талаб қилади, айниқса алоҳида мамлакат учун стандартлар ишлаб чиқиш чиқим нуқтаи назаридан самарасиздир.

Ташқи иқтисодий молиявий қарорларни қўллаб қувватлаш учун еса, албатта, бутун жаҳон учун молиявий ҳисоб ва ҳисобот бўйича таркибан бир хил, умумқабул қилинган ва мажбурий стандартлар тўплами зарурдир. Айнан ана шу вазифа МҲХСК зиммасига юклатилгандир.

Қуйида МҲХСКнинг 2000 йил 1 январ ҳолатига структурасини келтирамыз. 2001 йилда унинг таркиби қисман ўзгартирилганлигини айтиб ўтамыз³. МҲХСКнинг асосий тузилмаси унинг Устави билан белгиланган.

Юқорида айтиб ўтганимиздек МҲХСКнинг аъзолари асосан Бухгалтерлар Халқаро Федерациясига аъзо бўлган барча бухгалтер ва аудиторлар профессионал ташкилотлари аъзодирлар. Унинг аъзолари барча фаолият учун жавобгарликни унинг Уставига биноан МҲХСК Бошқарувига топширганлар. Бошқарув қатор ҳуқуқларга ега бўлиб, шу жумладан:

- жамоатчилик ҳукмига халқаро бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида тегишли мунозарали ва муаммоли масалаларни, агар уларни чоп этишга Бошқарув аъзоларининг кўпчилиги овоз берган бўлса, ҳавола этиш;

- МҲХСК номидан жамоатчилик ҳукмига “Стандартларнинг дастлабки (тахминий) вариантлари” кўринишидаги ҳужжатларни ҳавола этиш;

- Бошқарув аъзоларининг тўртдан уч қисми овоз берган ҳолларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ни нашр қилиш ва бошқалар.

МҲХСК томонидан Стандартни нашр қилиш жараёни:

- * Дастур ҳақида қарор;

- * Бошқарма томонидан Тайёрлов қўмитасининг тайинланиши;

- * Асосий моментларни режаслаштириш:

- лойиҳанинг амал қилиш соҳасини аниқлайди;

- тайёрлов қўмитаси тайёрлайди, бошқарма тасдиқлайди;

- * Принципларнинг лойиҳавий шакллантирилиши.

Изоҳларни йиғиш мақсадида Тайёрлов Комитети томонидан чиқарилади

- * Принципларнинг охирги тасдиқланиши:

- тайёрлов Комитети томонидан тайёрланади

- бошқарма томонидан тасдиқланади

- * Стандартнинг дастлабки варианты:

- тайёрлов Комитети томонидан тайёрланади;

- бошқарма томонидан тасдиқланади;

- жамоатчилик мулоҳазаларини ўрганиш мақсадида чоп этилади

МҲХСК расмий нашрлари уч асосий категорияларга бўлинади:

³ M.Bonham and others. Generally accepted Accounting practice under IFRS. Ernst & Young LLP, United States, 2010.- part 1. p.10-13.

- * *Молиявий Ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишининг Концепциялари;*
- * *Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартлари;*
- * *Интерпретациялар (изоҳлар).*

МҲХСК ўз Стандартларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари деб номланган серия сифатида нашр этади. Стандартлар тартиб билан рақамланган бўлиб, агар бирор бир стандарт қайта кўриб чиқилса, унинг ески рақами сақланиб қолади, лекин қайта кўриб чиқиш санаси қавс ичида кўрсатилади. Одатда Стандартлар МҲХСК томонидан у ишлаб чиқилган санадан бошлаб 30 кун ичида нашр қилинади. Таклиф қилинаётган стандартлар еса алоҳида рақамланиб, ТҚС каби белгиланади ва улар алоҳида нашр этилади. 1998 йилда “Делоитте & Тоуче” аудиторлик фирмасидан Стиг Еневолден МҲХСК Бошқарув Раиси этиб тайинланган эди. МҲХСК Бошқарувига Австралия, Канада, Франция, Германия, Ҳиндистон, Япония, Мексика, АҚШ каби мамлакатлар вакиллари аъзодирлар. Улар “Deloitte and Touche”, “KPMG”, “PricewaterhouseCoopers” каби йирик фирма ва компаниялар вакиллари дирлар. Бошқарув томонидан маъмурий масалалар бўйича Ижроия Комитет тайинланади. Ижроия Комитет томонидан қуйидаги вазифалар бажарилади:

- МҲХСКнинг структураси, режаси ва ташкил ‘тилиши;
- Стандартларни тавсия этиш бўйича фаолият;
- Бюджет ва молия;
- Тайёрлов Комитетларига аъзоликнинг шартлари ва тайинланиши;
- Бошқарув йиғилишларини ўтказиш жойи ва вақтини белгилаш;
- Бош Котибни тайинлаш;
- МҲХСКнинг мажбурий расмий жараёни;
- Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари ва аъзолари билан ўзаро алоқалар.

1981 йилда МҲХСК Бошқаруви Маслаҳат гуруҳига асос солди. Маслаҳат гуруҳига йирик ташкилотлар жалб қилинган бўлиб, улар жумласига

- * Европа Комиссияси;
- * Фонд Биржалар Халқаро Федерацияси;
- * АҚШ молиявий ҳисобот стандартлари бўйича Бошқаруви;
- * Халқаро Савдо Палатаси;
- * Бухгалтерлик Таълими ва тадқиқотлари Халқаро Ассоциацияси;
- * Меҳнат Конфедерацияси;
- * Халқаро Молиявий Корпорация (ИФС);
- * Баҳолаш Стандартлари бўйича Халқаро Комиссия;
- * Жаҳон Банки;
- * Халқаро иқтисодий Ҳамкорлик ва тараққиёт Ташкилоти;
- * БМТнинг транснационал корпорациялар ва инвестициялар бўйича бўлинмаси киради.

Стандартларни ишлаб чиқишда махсус Тайёрлов Комитети фаолият кўрсатади. Ушбу Комитет дастлабки тадқиқотларни ўтказиб, масалалар режасини ҳамда уларнинг шарҳини беради. Жамоатчилик фикр-

мулоҳазаларини ўрганиш асосида принципларнинг яқуний формулировкасини Бошқарувга тақдим этади. Комитет Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари лойиҳасининг дастлабки вариантини ишлаб чиқади ва тақдим этади.

Юқоридаги вазифаларни ўз вақтида амалга ошишини таъминлаш мақсадида Интерпретация бўйича Доимий Комитет тузилган.

Ҳозирги иқтисодий ривожланиш даврида молиявий ҳисоботнинг икки глобал тили янада кўпроқ тан олинмоқда: АКШ бухгалтерия ҳисоби умумқабул қилинган принциплари (УС ГААП) ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Молиявий ҳисобот аниқлиги ва яқунланганлиги, унинг глобал компаниялар томонидан фойдаланиш ехтиёжлари туфайли кўпроқ Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мурожаат етишмоқда. МҲХС асосида тайёрланган ҳисоботни жуда кўп мамлакатлар қимматбаҳо қоғозлар бозорлари томонидан еътироф етилмоқда.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича Комитет (МҲХСК) – нодавлат ташилот бўлиб, унга бутун жаҳон бухгалтерлик фаолияти соҳасининг вакиллари аъзодирлар. Комитет доимий равишда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиши ва ривожлантириши учун жавобгардир. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари эса, маълумки, бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисоботни тузиши бўйича халқаро миқёсда умумқабул қилинган қоидалардир.

МҲХСК – мустақил нотижорат ташилот бўлиб, у бутун жаҳонда тижорат корхоналари ва бошқа ташилотлар томонидан молиявий ҳисоботларни тузиши жараёнида қўлланиладиган бухгалтерлик принципларини мувофиқлаштиришига еришиши мақсадида тузилгандир.

Гап шундаки, БМТ давлатлараро эксперт гуруҳи бир қанча корпорациялар бўйича ҳисобни ташилот етиши амалиёти ва 46 миллий ҳисоб тизими бўйича ҳисобот берилишини ўрганиб чиқиб, кўп кўрсаткичлар бўйича миллий ҳисоб тизимларини таққослаб бўлмаслиги ҳақидаги хулосага келди. Марказ ҳисоботида шундай хулосага келинди: айрим ривожланган мамлакатларда кўп сонли компаниялар ҳисоб даврининг охиригача еълон қилинган фойдага тенглаш мақсадида турли резерв тизимларини ишлатадилар. Миллий ҳисоб тизимларида амалдаги барча белгилари бўйича ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда миллий тизимларни ажратиб турган бир қанча фарқлар ўрин егаллар экан.

Мутахассислар томонидан 13 та миллий ҳисоб тизимининг ўрганилиши шунини курсатдики, улардан фақат 4 тасидагина (Германия, АКШ, Англия, Япония) ресурсларни баҳолаш услубияти давлат томонидан қонуний равишда белгилаб қўйилар экан. Натижада ресурслар енг кам баҳолаш усулида ҳисобланиб, давлат фойдасини кўзлайди, чунки, компания бу ҳолда фойда суммасини максимал даражада кўрсатишига мажбур бўлади.

Бу миллий тизимларнинг яна 23 тасини ўрганиши шунини курсатадики, улардан 8 тасида (Австралия, Белгия, Канада, Франция, Италия, Норвегия, Швеция, Швейцария) давлат учун емас, балки корхона учун қулайроқ шароит

яратар екан. У ташиқи бозорда миллий иқтисодиётни ривожлантириши ва қатор бошиқа шароитларни тақазо этади. Тўла ишонч билан айтиши мумкинки, миллий бухгалтерия ҳисоби янги юналишларни ишлатиши ҳисоби билан мамлакат иқтисоди ривожланиши маълум тактик ва стратегик вазифаларини йечишига имкон беради. Бухгалтерия ҳисоби миллий тизимлари таҳлили нуқтаи назаридан фирмаларнинг маблағ ва ресурсларини чет ел валютасида акс еттирилиши қизиқиши уйғотади.

Баланс тузилган сананинг жорий курси бўйича баҳоланган чет ел валютасида баланс моддаларининг кенгайиши даражаси бўйича таҳлил ўтказилди ва маълумотлар тузилди. Бу жиҳатдан фирмаларга кўпроқ даражада қулайликлар Франция, Япония, Норвегия, Нидерландия, Англия, Швейцария мамлакатларида, Австралия ва АҚШ фирмалари учун еса камроқ қулайликлар мавжуд эканлиги аниқланди.

Миллий ҳисоб тизимларида иқтисодни тартибга солишига давлатнинг таъсир даражаси ҳам мутахассислар томонидан таҳлил қилинди. Аргентина, Мексика, Перу, Филиппин, Венесуела миллий тизимлари иқтисодни тартибга солишида сезиларли даражада таъсир кўрсатувчи давлатларга киради. Колумбия, Нигерия ва Заирда миллий ҳисоб тизимининг ишлатилиши воситаси билан давлат иқтисодига қисман таъсир этадиган давлатлардир. Қолган мамлакатларда турли даражада 20 дан 70% гача давлатнинг оралиқ таъсири кузатилади. Халқаро ҳисоб амалиёти таҳлили уларнинг шаклланишининг давлатлараро ташкилотлар, бухгалтерия ҳисоби халқаро профессионал ташкилотлари, халқаро профсоюз ташкилоти таъсирида шаклланишининг турли йўналишларини ҳам ажратилишига имкон яратди.⁴

Мамлакатлараро тизимнинг шаклланиши билан параллел ҳолда халқаро бухгалтерия ҳисоби тизими, ягона ҳисоб ва ҳисобот бериш халқаро тизимига миллий регионал ҳисоб тизимларининг яхлит бир бутун қилиб бирлаштирилиши бўлиб ўтди.

Гап шундаки, XX асрнинг иккинчи ярми халқаро иқтисодий муносабатларнинг кучайиши, мамлакатлараро ва қитъалараро меҳнат тақсмоти, ишлаб чиқаришнинг кооперациялашуви, ихтисослашуви билан характерланади. Илмий-техник тараққиёт натижаларидан фойдаланиш натижасида чет ел инвестициясини жалб қилиш, ишлаб чиқаришнинг интернационализацияшуви транснационал ва мултинационал корпорацияларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Транснационал корпорацияларга қуйидагилар мисол бўла олади: ИБМ (АҚШ), Тоёта Мотор (Япония), Дженерал Электрик (АҚШ), Тошиба (Япония), Дженерал Моторз (АҚШ), Дюпон (АҚШ). Муҳими шуки, бутун жаҳон миқёсидаги маҳсулотларининг асосий қисми 25 та шундай йирик корпорацияларда ишлаб чиқарилади. Шунинг билан бирга ишонч билан айтиш мумкинки, XX асрда иқтисодни интернационализация қилиш бўлиб ўтди ва у билан бирга

⁴ M.Bonham and others. Generally accepted Accounting practice under IFRS. Ernst & Young LLP, United States, 2010.- part 1. p.13-17.

бухгалтерия ҳисоби интернационализация килинди. Бу бир қанча муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келди:

- халқаро тажрибаларга асосланиб молиявий ҳисобот тузиш;
- халқаро ёки миллий ҳисоб қоидаларига бўйсунтириш;
- халқаро бизнес билан мосликда инфор­мацион-бошқарув тизимини ташкил қилиш;
- жорий ҳисоботлар учун кредитларни чет ел валютасида акс еттириш.

Қилинган ишлар натижасида БМТ вакиллари хулосага келишдики, турли мамлакатларда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботни топширишга хилма-хил қарашлар мавжуд бўлса ҳам, дунё хўжалиги ва молиявий бозорларнинг интернационализациялашувини акс еттирувчи умумий тамойилларни ишлаб чиқиш зарур. Шу мақсадлар учун ҳам Бухгалтерия ҳисоби Халқаро Андозалар ёки Стандартлар бўйича Комитет (Интернационал Ассоунтинс Стандарт Коммитее - IASC) ташкил топган.

Бу Комитетнинг бош мақсади имкон борча турли мамлакатларнинг ҳисоб андозалари ва ҳисоб сиёсатини уйғунлаштиришдир. IASC андозаларни ишлаб чиқишда фақат асосий ҳисоб параметрларига, андозаларни жуда мукамал қилишга уринмай, алоҳида олинган мамлакатда уларнинг қўлланилиши қийнаб қўймаслигига аҳамият беради.

1983 йилдан 2001 йилга қадар МҲХСК таркибига Бухгалтерлар Халқаро Федерациясига аъзо бўлган барча бухгалтер ва аудиторлар МҲХСКга 2 миллион бухгалтернинг вакили ҳисобланган 112 мамлакатнинг 153 аъзоси кирган. МҲХСК фаолиятига унинг аъзоси бўлмаган бошқа ташкилотлар ҳам жалб қилинган. МҲХСКнинг фаолиятини профессионал бухгалтерлардан ташқари кўпчилик бизнес ҳамжамиятлари, компаниялар молиявий раҳбарлари, молиявий таҳлилчилар, фонд биржалари, банкирлар, ҳуқуқшунослар ҳамда қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва уларни сотишни бошқарувчи агентлар қўллаб қувватламоқдалар.

МҲХСК стандартларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан шуғулланувчи миллий органлари билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. МҲХСК Йеуропа комиссияси, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон Банки ва АҚШнинг Халқаро Ривожланиш бўйича Агентлиги (ЮСАИД) билан ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатади.

МҲХСКнинг 1992 йилда Уставида кўрсатилишича мақсади куйидагича:

- Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш жараёнида фойдаланиш ҳамда жамоатчилик еҳтиёжи учун молиявий ҳисобот стандартларини шакллантириш ва чоп этиш, уларнинг қабул қилиниши ва уларга амал қилинишига ҳар томонлама ёндашиш;

- Молиявий ҳисоботни тақдим этишга алоқадор бўлган ҳисоб стандартлари ва жараёнлари, қоидаларини мувофиқлаштириш ва умумий ҳолда яхшилаб бориш устида иш олиб бориш.

1.4. МҲХС (IFRS) бўйича молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг концептуал асослари

Бухгалтерия ҳисоби маълум бир ҳўжалик юритувчи субъект тўғрисида молиявий маълумотларни аниқлаш, қайта ишлаш ва молиявий ҳисобот шаклида фаолият юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатига қизиқувчи фойдаланувчиларга маълумотни йетказиб беришни амалга оширадиган ахборот тизимдир. Бухгалтериянинг мақсади - турли фойдаланувчиларни маълумотга бўлган еҳтиёжини, ушбу маълумотни олиш учун енг кам сарф-харажатлар билан қондиришдир.

1. Фойдаланувчилар ва уларнинг ахборотга оид талаблари

Бухгалтерия ҳисоби фойдаланувчилар томонидан фойдаланиладиган молиявий маълумот ҳажми ва тавсифи билан боғлиқ.

Маълумот фойдаланувчилари икки гуруҳга бўлиниши мумкин: ички фойдаланувчилар, яъни корхона бошқарувчилари; ташқи фойдаланувчилар, яъни корхонадан ташаридагилар.

Ўз навбатида бухгалтерия маълумотидан фойдаланувчиларнинг ушбу гуруҳларини фойдаланувчиларнинг қуйидаги туркумларига ажратиш мумкин:

- корхонани бошқарувчилар;
- субъектдан ташқарида бўлиб, унда бевосита молиявий манфаатга ега бўлганлар;
- субъект фаолиятида билвосита молиявий манфаатга ега бўлганлар.
- Субъектдан ташқарида бўлиб, унда бевосита молиявий манфаатга ега бўлганларга қуйидагилар киради:
 - Мавжуд ва бўлғуси инвесторлар;
 - Мавжуд ва бўлғуси кредиторлар;
 - Харидорлар.
 - Субъект фаолиятида билвосита молиявий манфаатга ега бўлганларга қуйидагилар киради:
 - Солиқ органлари;
 - Тартибга солувчи органлар;
 - Статистик органлар;
 - Бошқа гуруҳлар (аудиторлар, маслаҳатчилар, истеъмолчилар гуруҳлари ва ҳок.)

Молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун фойдаланиладиган бухгалтерия тамойилларини халқаро миқёсида бир шаклга келтириш мақсадида Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича Қўмитаси (МҲХСК) тузилган. Ушбу Қўмита томонидан Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) ишлаб чиқилиб чоп етилган ва ҳамма жойларда тадбиқ этиш ва риоя қилиш учун тавсия етилгандир.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш каби МҲХСнинг асосий мақсадига еришиш учун қуйидагилар белгиланиши керак

- вазифаларни ечиш учун талаб етиладиган молиявий маълумот;
- ахборот тизимини тузиш тамойиллари;
- молиявий ҳисобот элементлари.

Молиявий ҳисоботнинг мақсади молиявий аҳвол, фаолият натижалари ва молиявий аҳволдаги ўзгаришлар ҳақида маълумот тақдим етишдан иборатдир. Ушбу маълумот кенг доирадаги фойдаланувчиларга қарорларни қабул қилиш учун зарурдир.

Молиявий ҳисобот фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган иқтисодий қарорлар, корхонани пул маблағлари ва уларни эквивалентларини яратиш ва кўпайтириш, шунингдек бу жараёни барқарорлиги ва ўз вақтида амалга оширилиши имкониятини баҳолашни талаб этади. Фойдаланувчилар, корхонанинг пул маблағлари ва уларни эквивалентларини яратиш қобилиятини баҳолаши учун, корхонанинг молиявий аҳволи, фаолият натижалари ва молиявий аҳволдаги ўзгаришларга йўналтирилган маълумотларга ега бўлиши керак.

Молиявий аҳвол тўғрисидаги маълумот асосан бухгалтерия мувозанатида (мувозанат ҳисоботида) берилади. Корхона фаолиятининг натижалари ҳақида маълумот асосан фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда келтирилади. Молиявий аҳволдаги ўзгаришлар молиявий ҳисоботда алоҳида ўрин егаллаган ҳисобот (хусусий капиталдаги ўзгаришлар) орқали кўрсатилади.

Молиявий ҳисоботнинг таркибий қисмлари бир-бири билан узвий боғлиқдир, чунки улар бир хил операциялар ва ҳодисаларни турли жавҳаларини акс еттиради. Ҳисоботнинг ҳар бир шакли бошқалардан фарқ қиладиган маълумотни беришига қарамасдан, ҳеч бири бир ашё яккаланиб қолмайди ва фойдаланувчилар учун муайян еҳтиёжларини акс еттирувчи керакли бўлган барча маълумотни йетказиб бера олмайди. Масалан, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот, мувозанат ва молиявий аҳволни ўзгариши ҳақидаги ҳисоботларнинг маълумотларисиз фойдаланса, корхонанинг молиявий натижалари ҳақида тўлиқ ахборотни бера олмайди.

Молиявий ҳисобот, шунингдек, иловаларни (тушунтириш хати), кўшимча материаллар ва бошқа маълумотларни ўз ичига олади. Масалан, у мувозанат, фойда ва зарарлар моддалари ҳақида, фойдаланувчилар еҳтиёжларини қондирувчи, кўшимча маълумотни акс еттириши мумкин. У, корхонага таъсир етадиган таваккалчилик ва ноаниқликларни, шунингдек мувозанатда акс еттирилмаган ҳар қандай ресурслар ва мажбуриятларни (фойдали қазилмалар заҳиралари каби) ёритиши мумкин. Географик ва саноат сегментлар, ва корхонага нархларни ўзгаришини таъсир етиши ҳақидаги маълумот ҳам кўшимча ахборот сифатида берилиши мумкин.

Белгиланган вазифаларни бажариш учун молиявий ҳисобот ҳисоблаш тамойили асосида тузилиши зарур. У ҳисобга олиш мезонларига мувофиқ даромадни қачон ҳисобга олиш ва уни қачон ҳисоботларда акс еттириш кераклигини белгилайди. Ҳисоблаш тамойилига мувофиқ, товарлар сотилишидан олинган даромад, харидор ушбу товарларнинг егаси бўлганда, яъни егалик қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган барча таваккалчиликлар ва мукофотлар унга ўтган пайтда ҳисобга олинади. Сотувчи ўз мажбуриятларини бажармагунча, даромад ҳисобга олинмаслиги лозим.

Молиявий ҳисобот одатда корхона фаолият кўрсатади ва яқин келажакда

фаолият кўрсатишни давом еттиради деган фараз асосида тузилади. Шундай қилиб, фараз қилинадикки, корхона тугатилиши ёки ўз фаолияти кўламини аҳамиятли равишда қисқартириш ёхуд тугатишга оид нияти ҳам йўқ ва бунга еҳтиёжи ҳам йўқ. Агар бундай ният ёки зарурият пайдо бўлса, молиявий ҳисобот бошқа асосда тузилиши ва бу қўлланилаётган асос ёритилиши зарур.

Молиявий ҳисоботда тақдим еттирилган маълумотнинг асосий сифати, бу фойдаланувчилар томонидан тушунарли бўлишидир. Бунда, фараз қилинадикки, фойдаланувчилар хўжалик ва иқтисодий фаолият соҳасида, бухгалтерия ҳисоби соҳасида йетарлича билимларга ега бўлиши, шунингдек талаб қилинадиган даражада кунт билан ҳаракат қилиш истаклари бўлиши лозим. Бироқ, мураккаб саволларга тааллуқли, фойдаланувчиларни иқтисодий қарорларни қабул қилиши учун ўринли бўлган маълумот, фақат маълум фойдаланувчилар томонидан тушуниш мураккаблиги сабабли чиқариб ташланиши мумкин эмас.

Фойдали бўлиш учун маълумот қарорлар қабул қилувчи фойдаланувчилар учун ўринли бўлиши керак. Фойдаланувчиларни иқтисодий қарорларига таъсир етиб, уларга ўтиб кетган, ҳозирги пайтда амалга ошириладиган ва келажакда бўладиган ҳодисаларни баҳолаш учун ёрдам берадиган ёки уларни тасдиқлайдиган ёхуд аввалги баҳоларни тузатиш имкониятини яратган маълумот ўринли деб ҳисобланади.

Маълумотнинг ўринлилигига унинг тавсифи ва муҳимлиги жиддий таъсир кўрсатади. Баъзи ҳолатларда фақат маълумот тавсифи унинг ўринлилигини аниқлаш учун йетарли бўлмайди. Масалан, янги сегмент ҳақидаги маълумот, ҳисобот даврида ушбу янги сегмент томонидан еришилган натижалар муҳимлигидан қатъи назар таваккалчилик ва имкониятларни баҳолашга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Фойдали бўлиши учун маълумот шунингдек ишончли бўлиши керак. Маълумот агар унда аҳамиятли хато ёки билиб қилинган бузиб кўрсатишлар бўлмаса, фойдаланувчилар ушбу маълумотга ҳаққоният билан тақдим етилганлигига таяниши мумкин бўлса, ишончли деб ҳисобланади.

Фойдали бўлиши учун, маълумот хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволи, операциялар натижалари, пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳаққоний ва холис тасаввур яратиши керак. Шундай қилиб, масалан, мувозанат операциялар ва бошқа ҳодисаларни ва уларни амалга ошириш натижаси бўлган, тан олиш мезонларига жавоб берадиган компаниянинг активлари, мажбуриятлари ва капиталини ҳаққоний ва холис акс еттириши керак.

Агар ҳисоб-китоб ҳужжатларида ва молиявий ҳисоботда ахборот операциялар ва воқеаларнинг мазмунини ишончли даражада акс еттирса, бундай ахборот унинг ҳуқуқий шакли билангина эмас, балки моҳияти ва ҳақиқийлиги билан мувофиқ ҳолда ҳисобга олинishi ва тақдим етилиши зарур. Операциялар ва бошқа ҳодисаларнинг мазмуни уларнинг ҳуқуқий ёки белгиланган шаклига ҳар доим ҳам мувофиқ келмайди.

Молиявий ҳисоботда бериладиган ахборот ишончли бўлиши учун тахминлардан мустақил бўлиши лозим. Молиявий ҳисобот маълумотнинг

танлаш ва тақдим етиши билан қарорларни қабул қилинишига ёки олдиндан белгиланган натижа ёки яқунга йетишиш мақсадида фикрни шакллантиришга ўз таъсирини кўрсаца у бетараф деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Қарорлар қабул қилишда эҳтиёткорлик қондасига риоя қилиш активлар ва даромад қайтадан баҳоланмаслиги, мажбуриятлар ёки харажатлар еса йетарлича баҳоланмаслигига йўл қўймаслик мақсадида ноаниқлик шароитида баҳо чиқариш учун зарурдир.

Молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини таъминлаш мақсадида ахборот йетарлича тўла ҳажмда тақдим етилиши керак.

Молиявий ахборот фойдали ва мазмунли бўлиши учун, бир ҳисобот давридаги ахборот бошқа ҳисобот давридагиси билан қиёсланадиган бўлиши керак. Фойдаланувчилар хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланадиган ҳисоб-китоб сиёсатидан, ана шу сиёсатдаги барча ўзгаришлардан ва шундай ўзгаришларнинг натижаларидан хабардор бўлишлари лозим.

Ҳисобот даврида бўлган даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги шуни англатадики, мазкур даврда ушбу ҳисобот давридаги даромадларни олишга асос бўлган харажатларгина акс еттирилади. Агар даромадлар билан харажатларнинг ўртасида бевосита боглиқликни ўрнатиш қийин бўлса, харажатлар бирои-бир тақсимлаш тизимига мувофиқ бир нечта ҳисобот даврлари ўртасида тақсимланади. Бу, масалан, бир неча йилга тақсимланадиган амортизация харажатларига тааллуқлидир.

Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳолаш қондаси шундан иборатки, уларнинг таннархи ёки сотиб олиш қиймати асосий баҳодир.

Стандартларда кўзда тутилган айрим ҳолларда ҳақиқий баҳо сотиб олиш қийматидан фарқ қилиши мумкин.

Ҳисоб сиёсати бир даврдан иккинчи даврга изчил ўтказилиб боради деб ҳисобланади. Фойдаланувчилар хўжалик юри^увчи субъектнинг молиявий аҳволидаги ўзгартириш тамойилини белгилаш учун ҳар хил ҳисобот даврида уларнинг молиявий ҳисоботларини таққослаш имкониятига ега бўлишлари керак.

Ҳисобот ахборотининг асоссиз даражада кечиктирилиши билан у ўзининг иқтисодий аҳамиятини йўқотади. Ахборотни ўз вақтида тақдим етиш учун битимнинг ёки бошқа воқеанинг барча жиҳатлари маълум бўлгунга қадар ҳисоботга зарурат пайдо бўлиши мумкин, бу еса унинг ишончилигини бузади.

Даромадлар ва харажатлар орасидаги мувозанат сифатга оид тавсиф эмас, аниқроғи тамойил бўйича чекловдир. Маълумотдан олинадиган наф унинг олиш учун сарфланган харажатлардан ошиқ бўлиши керак.

Амалиётда кўпинча сифат тавсифлари орасида мувозанат ёки ўзаро келишув бўлиши керак. Бундан мақсад тавсифлар орасида тегишли мувофиқликка йетишишдир. Турли шароитларда тавсифларни нисбий муҳимлиги - касбий мулоҳазанинг ишидир.

Молиявий ҳисобот операциялар ва бошқа ҳодисалар натижаларини, уларни кенг доирадаги умумий белгилари ва иқтисодий тавсифларига кўра

тоифаларга бирлаштирган ҳолда акс еттиради. Ушбу кенг доирадаги тоифалар молиявий ҳисоботнинг элементлари деб аталади. Мувозанатдаги молиявий аҳволни ўлчаш билан бевосита боғлиқ элементлар - бу активлар, мажбуриятлар ва хусусий капицтдир. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда фаолият натижаларини ўлчаш билан боғлиқ бўлган элементлари даромадлар, харажатлар, фойда ва зарарлардир.

Тан олиш - бу қуйида келтирилган элементларни тан олиш мезонига жавоб берадиган моддалардан бирини мувозанат ёки фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга киритишдир. Тан олиш -моддани сўз билан ифодалаш ва унинг пул қийматида акс еттириш, шунингдек ушбу суммани мувозанат ва фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс еттиришдир.

Элемент таърифига мос бўлган модда қуйидаги мезонларга риоя қилинганда тан олинishi керак:

(а) модда билан боғланган ҳар қандай қутилаётган наф корхона томониданолинишиёкиўқотилиши еҳтимоли мавжуд бўлиши керак,

(б) модда пул қийматида ўлчаш учун мақбул асосга ега бўлиши ва корхонаучунаҳамиятлибўлиши керак.

Ўлчаш ёки ҳисоблаш мезонлари тўртта микдорий кўрсаткичларга асосланади ва тегишли тартибда ҳисобга олинган моддалар тушунарлилиги, аҳамиятлилиги, ишончилиги ва шунингдек, таққосланувчанлиги билан фарқ қилади деб фараз қилинади:

Элементнинг аниқланиши. Модда молиявий ҳисоботнинг элементи таърифига мос келиши лозим.

Ўлчанувчанлик. Модда аниқ ўлчаниши мумкин бўлган мос келувчи аломат (тавсиф)га ега.

Долзарблик. Моддада мавжуд бўлган маълумотлар фойдаланувчилар томонидан қабул қилинадиган қарорларга таъсир етишга қодир.

Ишочлилик. Моддада мавжуд бўлган маълумотлар ишончли, бетарафли ва текширишқобилиятига ега ҳисобланади.

Баҳолаш - бу молиявий ҳисоботда акс еттириладиган элементларни пул суммаларини аниқлаш, тан олиш ва мувозанат ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга киритиш жараёнидир. Бунинг учун баҳолашнинг муайян усулини танлаб олиш зарур.

Молиявий ҳисоботда бир қатор турлича усуллардан фойдаланилади. Бу усулларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Тарихий қиймати. Активлар, уларни сотиб олиш вақтида тўланган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари, ёхуд уларга таклиф етилган ҳаққоний қиймати бўйича ҳисобга олинади. Мажбуриятлар қарз мажбуриятнинг алмаштириш евазига олинган тушум суммасида ҳисобга олинади, баъзи ҳолларда еса (масалан, фойда солиғи), ишларни одатий шароитини ҳисобга олган ҳолда, ушбу мажбуриятларни қайтариш учун керакли бўлган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасида акс еттирилиши мумкин.

Тиклаш қиймати. Активлар, уларни сотиб олиш вақтида ҳозирги пайтда худди шунга ўхшаш актив сотиб олингандаги тўланиши керак бўлган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари бўйича акс еттирилади. Мажбуриятлар, ҳозирги пайтда шу мажбуриятнинг қайтариши учун талаб етиладиган, пул маблағлари ва уларни эквивалентларини дисконтланмаган суммасида акс еттирилади.

Сотиш (қоплаш) қиймати. Активлар, уларни одатий шароитда сотиб олишда тўланиши зарур бўлган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари бўйича акс еттирилади. Мажбуриятлар, агар ҳозирги пайтда уларни қайтариши талаб етилса, тўланиши зарур бўлган пул маблағлари ва уларни эквивалентларини дисконтланмаган суммасида акс еттирилади.

Дисконтланган қиймат. Активлар, ишларни одатий тартибда юритилганини тахмин қилган тақдирда, ушбу актив томонидан яратилиши мумкин бўлган пул маблағларининг бўлғуси соф келиб тушишипи дисконтланган суммаларида акс еттирилади. Мажбуриятлар, ишларни одатий тартибда юритилганини тахмин қилган тақдирда ушбу мажбуриятларни қайтариш учун зарур бўлган пул маблағларининг бўлғуси соф камайишининг дисконтланган суммаларида акс еттирилади. Молиявий ҳисоботнинг тайёрлашда баҳолаш асоси сифатида корхоналар томонидан қабул қилинган энг кўп фойдаланиладиган баҳо - бу тарихий қиймат ҳисобланади. Одатда, у бошқа баҳолаш асослари билан биргаликда ишлатилади. Масалан, захиралар, одатда таннарх ёки соф сотиш баҳосидан энг паст баҳода ҳисобга олинади, бозорда айланиладиган қимматли қоғозлар уларнинг бозор нархида, нафақа мажбуриятлари еса уларнинг дисконтланган қиймати бўйича ҳисобга олинади.

1.5. МҲХС (IFRS) 1 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш”

МҲХС (IFRS) 1 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш” номли стандартнинг мақсади тадбиркорлик субъектининг МҲХСлар бўйича биринчи молиявий ҳисоботлари ва ушбу ҳисоботлар қамраб олган даврнинг бир қисми учун оралиқ молиявий ҳисоботлари:

(а) фойдаланувчилар учун шаффоф ва тақдим қилинган барча даврлар учун қиёсланувчан;

(б) бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига(МҲХСларга) мувофиқ юритиш учун муносиб таянч нуқтаси бўлиб хизмат қиладиган;

(в) ундан олинандиган нафдан ошмайдиган харажатлар сарфланиб тайёрланиши мумкин бўлган юқори сифатли маълумотларни ўз ичига олишини таъминлашдан иборатдир.

Тадбиркорлик субъекти мазкур МҲХСни:

(а) ўзининг МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботларида; ва

(б) у томонидан МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботлари қамраб олган даврнинг бир қисми учун МҲХС 34 “Оралиқ молиявий ҳисоботлар” га

мувофиқ тақдим қилинадиган ҳамма оралиқ молиявий ҳисоботларига нисбатан, агар шундай ҳисоботлари бўлса, қўллаши керак.

Тадбиркорлик субъекти ўзининг МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги бошланғич ҳисоботида ва унинг МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботлари қамраб олган ҳамма даврларда бир хил ҳисоб сиёсатларини қўллаши керак. Тадбиркорлик субъекти МҲХСларнинг олдинроқ амалда бўлган бошқа тахрирларини қўлламаслиги керак. Тадбиркорлик субъекти қўлланилиши ҳали шарт бўлмаган янги МҲХСни ушбу МҲХСни муддатидан олдин қўллаш рухсат етилганида қўллаши мумкин.

Бошқа белгиланган ҳолатлардан ташқари ҳолларда, тадбиркорлик субъекти ўзининг МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги бошланғич ҳисоботида:

(а) МҲХСлар бўйича тан олиниши талаб қилинган барча активлар ва мажбуриятларни тан олиши керак;

(б) МҲХСлар тан олинишига йўл қўймадиган активлар ва мажбуриятларни тан олмаслиги керак;

(в) олдинги БҲУТга кўра актив, мажбурият ёки капиталнинг битта тури сифатида тан олинган, лекин МҲХСларга мувофиқ актив, мажбурият ёки капиталнинг бошқа тури сифатида тан олинган моддаларни қайта таснифламаслиги керак; ва

(г) барча тан олинган активлар ва мажбуриятларни баҳолашда МҲХСларни қўллаши керак.

Тадбиркорлик субъекти ўзининг МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги бошланғич ҳисоботида қўллайдиган ҳисоб сиёсатлари у олдинги БҲУТ бўйича худди шу санага қўлаган ҳисоб сиёсатларидан фарқ қилиши мумкин. Бунинг натижасида юзага келадиган тузатишлар МҲХСларга ўтиш санадан олдин рўй берадиган операция ва ҳодисалар натижасида пайдо бўлади. Шу боис, тадбиркорлик субъекти ушбу тузатишларни МҲХСларга ўтиш санасида тўғридан-тўғри тақсимланмаган фойдада (ёки, ўринли бўлса, капиталнинг бошқа тоифасида) тан олиши керак.

Мазкур МҲХС бошқа МҲХСларнинг баъзи жиҳатларини ретроспектив қўллашни тақиқлайди.

1- таъқиқ. Тадбиркорлик субъекти қуйидаги истисноларни қўллаши керак:

(а) молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни ҳисобдан чиқариш;

(б) ҳежни ҳисобга олиш;

(в) назорат кучига ега бўлмаган улушлар;

(г) молиявий активларнинг танифланиши ва баҳоланиши;

(д) сингдирилган деривативлар; ва

(е) давлат заёмлари.

2- таъқиқ. МҲХС нинг бир қанча талабларидан озод бўлиш. Тадбиркорлик субъекти бир ёки бир қанча озод бўлишни танлаши мумкин.

(а) Бизнес бирлашувлари бўйича истисно ҳолатлар

Тадбиркорлик субъекти қуйидаги бир ёки ундан ортиқ истиснолардан

фойдаланишга қарор қилиши мумкин:

(а) акцияга асосланган тўловлар бўйича операциялар;

(б) суғурта шартномалари;

(в) шартли таннарх;

(г) ижара;

(е) ҳисоботни бир валютадан бошқасига ўтказиш бўйича йиғилган фарқлар;

Мисол: МҲХСларнинг энг охириги таҳририни изчил равишда қўллаш бўйича дастлабки маълумотлар:

“А” тадбиркорлик субъектининг МҲХС бўйича биринчи ҳисобот даврининг охири 2015 й 31 декабрга тўғри келади. “А” тадбиркорлик субъекти ушбу молиявий ҳисоботларидаги қиёсланадиган маълумотларни фақат бир йил учун тақдим қилишга қарор қилди. Шунинг учун, унинг МҲХСларга ўтиш санаси 2014 й 1 январда иш куни бошига (ёки, эквивалент равишда, 2013 й 31 декабрда иш куни охирига) тўғри келади. “А” тадбиркорлик субъекти ўзининг молиявий ҳисоботларини 31 декабрда яқунланадиган ва 2014 й 31 декабргача бўлган (шу жумладан 2014 й 31 декабрни ҳам ўз ичига олган) ҳар йили учун унинг олдинги Бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган Талабларни қўллаш “А” тадбиркорлик субъекти 2015 й 31 декабрда тугайдиган даврлар учун амалда бўлган (кучга кирган) МҲХСларни қуйидагиларга нисбатан қўллаши лозим:

(а) 2014 й 1 январ ҳолатига МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги бошланғич ҳисоботни тайёрлашда ва тақдим қилишда; ва

(б) 2015 й 31 декабр ҳолатига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни (шунингдек 2014 й учун қиёсланадиган маълумотларни), 2015 й 31 декабрда яқунланган йил учун умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботни, капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни (шунингдек 2014 й учун қиёсланадиган маълумотларни) ҳамда очиб бериладиган маълумотларни (шунингдек 2014 й учун қиёсланадиган маълумотларни) тайёрлашда ва тақдим қилишда.

Агар янги МҲХСнинг қўлланиши шарт бўлмаса, лекин муддатидан олдин қўлланишига рухсат етилса, “А” тадбиркорлик субъектига ушбу МҲХСни унинг МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботларида қўллаш рухсат етилади, лекин талаб қилинмайди. тамоийллари (БХУТга) мувофиқ тақдим қилган.

(ж) шўба тадбиркорлик субъекти, қарам тадбиркорлик субъекти ва қўшма корхоналарга инвестициялар;

(з) шўба тадбиркорлик субъектлари, қарам тадбиркорлик субъектлари ва қўшма корхоналарнинг активлари ва мажбуриятлари;

(и) мураккаб молиявий инструментлар;

(й) олдин тан олинган молиявий инструментларни белгилаш;

(к) молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятларни дастлаб тан олишда уларнинг ҳаққоний қийматлари бўйича баҳолаш;

(л) объектларни фойдаланишдан чиқаришга тегишли бўлган ва асосий воситаларнинг таннархига киритилган мажбуриятлар;

(м) МҲХСШҚ 12 “Хизмат кўрсатиш бўйича концессион шартномалар” га кўра ҳисобга олинган молиявий активлар ёки номоддий активлар;

(н) қарзлар бўйича харажатлар;

(о) харидорлардан активларни ўтказиш;

(п) молиявий мажбуриятларни уларнинг ўрнига улушли инструментларни бериш орқали сўндириш;

(р) кучли гиперинфляция;

(с) биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар; ва

(т) конни очиқ усулда қазииш босқичидаги тозалаш харажатлари.

Тадбиркорлик субъекти ушбу истисноларни ўхшашлик асосида бошқа моддаларга нисбатан қўлламаслиги керак.

(а) МҲХС 9 бўйича қиёсий маълумотларни қайта ҳисоблаш талабидан истисно;

(б) молиявий инструментлар тўғрисида очиб бериладиган маълумотлар;

(в) ходимларнинг даромадлари ;

(г) инвестицион тадбиркорлик субъектлари.

Тадбиркорлик субъекти томонидан МҲХСларга ўтиш санасида МҲХСларга мувофиқ қилинган тахминий баҳолашлари ушбу санада олдинги БҲУТларга мувофиқ қилинган тахминий баҳолашларига (ҳисоб сиёсатларидаги фарқларни акс еттириш учун тузатишлар киритилганидан кейин) мос келиши керак, агар бу тахминий баҳолашлар нотўғри эканлигига объектив далил бўлмаса.

Тадбиркорлик субъектининг МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботлари камида учта молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни, иккита фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботни, иккита алоҳида фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботни (агар тақдим қилинадиган бўлса), иккита пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни ва иккита капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни ҳамда тегишли изохларни, шу жумладан ҳамма тақдим қилинадиган ҳисоботларга қиёсланадиган маълумотларни, ўз ичига олиши керак.

Тадбиркорлик субъекти олдинги БҲУТлардан МҲХСларга ўтиш унинг ҳисоботида кўрсатилган молиявий ҳолати, фаолиятининг молиявий натижалари ва пул оқимларига қандай таъсир ўтказганини тушунтириши керак.

МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботлари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

(а) қуйидаги саналарнинг иккаласи учун ҳам ҳисоботларда олдинги БҲУТларга мос равишда акс етирилган капитал билан МҲХСлар талабларига мувофиқ бўлган капитал ўртасидаги солиштирмани:

- МҲХСларга ўтиш санаси; ва

- тадбиркорлик субъектининг олдинги БҲУТларга мос бўлган охириги йиллик молиявий ҳисоботи тақдим қилинган энг сўнгги даврнинг охири.

(б) тадбиркорлик субъектининг охириги йиллик молиявий ҳисоботлари қамраб олган энг сўнгги давр учун МҲХСларга мувофиқ бўлган жами умумлашган даромаднинг солиштирмаси. Бундай солиштирма айнан ўша давр

учун олдинги БХУТларга мувофиқ шаклланган жами умумлашган даромаддан, ёки, тадбиркорлик субъекти бундай жами умумлашган даромадни олдин ҳисоботларда кўрсатмаган бўлса, олдинги БХУТларга мувофиқ шаклланган фойда ёки зарардан бошланиши керак.

(в) агар тадбиркорлик субъектининг МХХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги бошланғич ҳисоботида қадрсизланишдан олинган зарар биринчи марта тан олинган ёки қайта тикланган бўлса, тадбиркорлик субъекти томонидан МХХСларга ўтиш санасидан бошланадиган даврда ушбу қадрсизланишдан олинган зарар тан олинган ёки қайта тикланганида МХХС 36 “Активларнинг қадрсизланиши” билан очиб берилиши талаб қилинган маълумотларни.

Агар тадбиркорлик субъекти ўзининг МХХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги бошланғич ҳисоботида асосий воситалар, инвестицион мулк ёки номоддий активнинг ҳаққоний қийматини уларнинг *шартли таннархи* сифатида олса (фойдаланса), ушбу тадбиркорлик субъекти МХХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги бошланғич ҳисоботининг ҳар бир сатрида кўрсатилган модда бўйича қуйидагиларни ўзининг МХХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботларида очиб бериши керак:

(а) ушбу ҳаққоний қийматларининг умумий суммасини; ва

(б) олдинги БХУТлар бўйича кўрсатилган баланс қийматларига тузатишларнинг умумий суммасини.

2-МАВЗУ. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИДА УМУМИЙ МАСАЛАЛАР

Маъруза режаси

2.1. БҲХС №1 “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши

2.2. БҲХС (IAS) 7 “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши

2.3. БҲХС (IAS) 8 “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”

2.4. БҲХС (IAS) 10 “Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар”. БҲХС (IAS) 21 “Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари”

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХСлар) – бу Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари Кенгаши (МҲХСК) томонидан чиқарилган Стандартлар ва Шарҳлардир. Улар қуйидагиларни қамраб олади:

- (а) Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари;
- (б) Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари;
- (в) МҲХСларни Шарҳлаш бўйича Қўмита (МҲХСШҚ) томонидан чиқарилган Шарҳлар; ва
- (г) Шарҳлаш бўйича Доимий Қўмита (ШДҚ) томонидан чиқарилган Шарҳлар .

МҲХСлар бўйича биринчи молиявий ҳисоботлар - Тадбиркорлик субъекти МҲХСларга мувофиқлик тўғрисида аниқ ва шарқиз билдириб Молиявий Ҳисоботларнинг Халқаро Стандартлари (МҲХСлар)ни қўллаган биринчи йиллик молиявий ҳисоботлар.

Олдинги БҲУТ - МҲХСларни биринчи марта қўллайдиган тадбиркорлик субъекти МҲХСларни қабул қилишидан бевосита олдин қўллаган бухгалтерия ҳисобининг асоси.

МҲХС бўйича биринчи ҳисобот даври - Тадбиркорлик субъектининг МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботлари қамраб олган енг охириги ҳисобот даври.

МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги бошланғич ҳисобот - Тадбиркорлик субъектининг МҲХСларга ўтиш санасига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи.

Шартли таннарх - берилган санага таннархнинг ёки амортизацияланган қийматнинг ўрнини босувчи сумма. Кейинчалик ескириш ёки амортизация ҳисобланганида тадбиркорлик субъекти активни ёки мажбуриятни ушбу берилган санада дастлабки марта тан олган ва ушбу активнинг ёки мажбуриятнинг таннархи шартли таннархга тенг бўлган деб фараз қилинади.

Умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботлар (“молиявий ҳисоботлар” деб аталади) – бу шундай фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган талабларини қондиришга қаратилган молиявий ҳисоботларки,

бу фойдаланувчилар уларнинг ахборотга бўлган махсус талабларига мослаштирилган ҳисоботларни хўжалик субъектидан талаб қила олмайди.

Аҳамиятли тушириб қолдиришлар ёки бузилишлар – бунда моддаларнинг тушириб қолдирилиши ёки бузилиши аҳамиятли бўлиб ҳисобланадики, агарда улар фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботлар асосида қабул қиладиган иқтисодий қарорларига, алоҳида ёки биргаликда, таъсир ета олганда. Аҳамиятлилик тушириб қолдиришнинг ёки бузилишнинг улар содир бўлган шароитларни ҳисобга олган ҳолда аниқланадиган ҳажми ва хусусиятига боғлиқ бўлади. Модданинг ҳажми ёки хусусияти, ёки иккаласининг бирикмаси, ҳал қилувчи омил бўлиши мумкин.

Фойда ёки зарар – бубошқа умумлашган даромаднинг таркибий қисмларидан ташқари жами даромаддан харажатлар чегирилганидан кейин қолган натижа.

Бошқа умумлашган даромад бошқа МҲХСларда талаб етилганидек ёки рухсат етилганидек фойда ёки зарар сифатида тан олинмайдиган даромад ва харажат моддаларини (жумладан қайта таснифлаш бўйича тузатишларини) камраб олади.

Мулк егалари – бу улушли инструментлар сифатида таснифланган инструментларнинг егалари.

Фойда ёки зарар – бубошқа умумлашган даромаднинг таркибий қисмларидан ташқари жами даромаддан харажатлар чегирилганидан кейин қолган натижа.

Қайта таснифлаш бўйича тузатишлар – бу жорий ёки олдинги даврлардаги бошқа умумлашган даромадда тан олинган, лекин жорий даврда фойда ёки зарар сифатида қайта таснифланган суммалар.

Жами умумлашган даромад – бу капиталдаги давр мобайнида операциялар ва бошқа ҳодисалар натижасида юзага келадиган ўзгариш бўлиб, мулк егалари билан уларнинг мулк егалари сифатида амал қилишидаги операциялардан юзага келадиган ўзгаришлар бундан мустаснодир.

Пул маблағлари - нақд пул ва талаб қилиб олгунча депозитларни ўз ичига олади.

Пул маблағларининг эквивалентлари - белгиланган суммадаги пул маблағларига осон айлантириладиган ва қийматининг ўзгариши жиҳатидан сезиларсиз даражадаги ҳатарга ега бўлган, қисқа муддатли ва юқори ликвидли инвестициялардир. Пул маблағларининг эквивалентлари инвестиция ёки бошқа мақсадлари учун емас, балки қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича тўловларни амалга ошириш учун фойдаланилади. Инвестицияни пул эквиваленти деб ҳисоблаш учун, у белгиланган суммадаги пул маблағига осон айлантириладиган ва қийматидаги ўзгаришлар ҳатари сезиларсиз даражада бўлиши лозим. Шу сабабли, инвестиция одатда унинг сўндириш муддати қисқа бўлсагина, яъни харид қилинган пайдан бошлаб тахминан уч ой ёки ундан кам муддат ичида тўланадиган бўлса, пул маблағларининг эквиваленти деб ҳисобланиши мумкин. Улушли инвестициялар пул эквивалентларига кирмайди, бундан улар, аслини олганда, пул маблағларининг эквивалентлари бўлган

ҳолатлари истисно, масалан сўндирилишига қисқа муддат қолганда сотиб олинган ва сўндирилиш муддати аниқ белгиланган имтиёзли акциялар мисолида каби. Ошиқча пул маблағларини уларнинг эквивалентларига инвестиция қилиш пул маблағларини бошқариш бўлиб ҳисобланади.

Пул оқимлари - пул маблағлари ва пул эквивалентларининг кирими ва чиқими.

Операцион фаолият - хўжалик субъектининг асосий даромад келтирувчи фаолияти ҳамда инвестицион ва молиявий фаолият ҳисобланмаган бошқа фаолият турлари.

Инвестицион фаолият - узоқ муддатли активларнинг ҳамда пул эквивалентларига кирмайдиган бошқа инвестицияларнинг сотиб олиниши ва чиқиб кетиши.

Молиявий фаолият - хўжалик субъектининг қўйилган капитали ва қарз маблағларининг миқдори ва таркибидаги ўзгаришларни келтириб чиқарувчи фаолият.

Ҳисоб сиёсати – бу хўжалик субъекти томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ва тақдим етишда қўлланиладиган муайян тамойиллар, усуллар, одатлар, қоидалар ва амалиётлардир.

Бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашдаги ўзгариш - активлар ва мажбуриятларнинг жорий ҳолатини ҳамда улар билан боғлиқ бўлган, келгусида кутилаётган манфаат ва мажбуриятларни баҳолаш натижасида, актив ёки мажбуриятнинг баланс қийматини, ёки активдан даврий фойдаланиш суммасини тузатишдир. Бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашдаги ўзгаришлар янги маълумотлар олиниши ёки янги ҳодисалар рўй бериши натижасида юзага келади, ва, шу сабабдан, хатоларни тузатиш бўлиб ҳисобланмайди.

Олдинги давр хатолари хўжалик субъектининг бир ёки ундан ортиқ олдинги даврлари учун молиявий ҳисоботларидаги бузилишлар ва тушириб қолдиришлардир; улар ишончли ахборотдан фойдаланмаслик ёки нотўғри фойдаланиш натижасида юзага келади ва ушбу ахборот:

(а)мазкур даврлар учун молиявий ҳисоботлар чиқарилиши рухсат етилганида мавжуд бўлган; ва

(б)мазкур молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим етиш чоғида олиниши ва ҳисобга олиниши оқилона равишда кутилиши мумкин бўлган ахборотдир.Бундай хатолар математик янглишишлар, ҳисоб сиёсатини қўллашда йўл қўйилган хатолар, еътиборсизлик ёки фактларни нотўғри талқин етиш оқибатларини ҳамда фирибгарликни ўз ичига олади.

Ретроспектив қўллаш - янги ҳисоб сиёсатини операциялар, бошқа ҳодисалар ва вазиятларга нисбатан ушбу сиёсат олдин ҳам ҳар доим қўлланилганидек тарзда қўллаш.

Ретроспектив қайта ҳисоблаш - молиявий ҳисоботлардаги элементлар суммаларинининг тан олиниши, баҳоланиши ва ошкор қилинишини олдинги даврда хатога ҳеч қачон йўл қўйилмаганидек тарзда тузатиш.

Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар - ҳисобот даври тугаган сана билан

молиявий ҳисоботларни еълон қилиш учун тасдиқлаш санаси ўртасидаги ораликда юзага келган, ижобий ва салбий, ҳодисалардир. Ҳодисалар икки хил бўла олади:

(а) ҳисобот даврининг охирида мавжуд бўлган шарт-шароитларни тасдиқлайдиган ҳодисалар (тузатишлар киритилишини талаб етадиган ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар); ва

(б) ҳисобот давридан кейин юзага келган шарт-шароитларни кўрсатадиган ҳодисалар (тузатишлар киритилишини талаб етмайдиган ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар).

2.1. БҲХС №1 “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши

БҲХС (IAS) 1 “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш” стандарти умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш асосини хўжалик субъектининг олдинги даврлардаги молиявий ҳисоботлари ҳамда бошқа хўжалик субъектларининг молиявий ҳисоботлари билан қиёсийлигини таъминлаш мақсадида белгилайди. У молиявий ҳисоботларни тақдим этишга нисбатан умумий талабларни, уларнинг тузилишига оид кўрсатмаларни ҳамда уларнинг мазмунига доир минимал талабларни ўрнатади.

Хўжалик субъекти мазкур стандартни умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХСлари) мувофиқ тайёрлашда ва тақдим этишда қўллаши лозим. Бошқа МҲХСлар муайян операциялар ва бошқа ҳодисаларни тан олиш, баҳолаш ва ошкор этиш бўйича талабларини белгилайди.

Молиявий ҳисоботлар - хўжалик субъектининг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларининг тартибга солинган ҳолда ифодаланишидир. Молиявий ҳисоботларнинг мақсади кенг кўламдаги фойдаланувчилар учун иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдали бўлган хўжалик субъектининг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларни таъминлашдан иборатдир. Молиявий ҳисоботлар раҳбарият томонидан унга ишониб топширилган ресурслар бошқарилишининг натижаларини ҳам акс эттиради. Ушбу мақсадга еришиш учун, молиявий ҳисоботлар хўжалик субъектига тегишли бўлган қуйидаги жиҳатлар тўғрисида маълумотларни таъминлайди:

(а) активлар;

(б) мажбуриятлар;

(в) капитал;

(г) даромад ва харажатлар, жумладан фойда ва зарарлар;

(д) мулк егалари томонидан уларнинг мулк егалари сифатида амал қилишидаги қилинган қўйилмалар ва уларга тақсимланадиган суммала; ва

(е) пул оқимлари⁵.

Ушбу маълумотлар, изоҳлардаги бошқа маълумотлар билан бирга,

⁵ M.Bonham and others. Generally accepted Accounting practice under IFRS. Ernst & Young LLP, United States, 2010.- part 1. p.162.

молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларга хўжалик субъектининг келгуси пул оқимларини ва, хусусан, уларнинг муддатини ва аниқчилигини олдиндан тахминан билишда ёрдам беради.

Молиявий ҳисоботларнинг тўлиқ тўплами қуйидагиларни қамраб олади:

(а) давр охиридаги молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот;

(б) давр учун фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот;

(в) давр учун капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот;

(г) давр учун пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;

(д) изоҳлар, яъни муҳим ҳисоб сиёсатларининг ва бошқа тушунтириш маълумотларининг қисқа баёнини қамраб олган изоҳлар;

(е) олдинги давр бошига молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот, қачонки хўжалик субъекти ҳисоб сиёсатини ретроспектив тарзда қўлласа, ёки ўзининг молиявий ҳисоботларидаги моддаларни ретроспектив тарзда қайта ҳисоблашни амалга оширса, ўзининг молиявий ҳисоботларидаги моддаларни қайта таснифласа⁶.

Хўжалик субъекти мазкур Стандартда фойдаланилган ҳисобот номларидан ташқари номлардан фойдаланиши мумкин. Масалан, хўжалик субъекти “фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот” ўрнига “умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот” номидан фойдаланиши мумкин.

Молиявий ҳисоботлар хўжалик субъектининг молиявий ҳолатини, молиявий натижаларини ва пул оқимларини ҳаққоний тарзда тақдим этиши лозим. Ҳаққоний тақдим этиш операцияларнинг, бошқа ҳодисаларнинг ва шароитларнинг оқибатларини *Концептуал асосда* келтирилган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатларнинг таърифларига ва тан олиш мезонларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этишни талаб этади. МХХСларни, зарур бўлганда қўшимча маълумотларни ошкор этиш билан бирга, қўллаш ҳаққоний тақдим этишни таъминлайдиган молиявий ҳисоботларга олиб келади деб кўзда тутилади.

Молиявий ҳисоботлари МХХСларга мувофиқ бўлган хўжалик субъекти изоҳларда бундай мувофиқликни аниқ ва шарқиз таъкидлаши лозим. Молиявий ҳисоботлар МХХСларнинг барча талабларига мувофиқ бўлмагунча, хўжалик субъекти уларни МХХСларга мувофиқ деб таъкидламаслиги лозим.

Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш пайтида, раҳбарият хўжалик субъекти фаолиятини узлуксиз давом этиши қобилиятини баҳолаши лозим. Қачонки раҳбарият хўжалик субъектининг фаолиятини тугатишни ёки савдони тўхтатишни мўлжаллаётган бўлмаса ёки бундай чораларни амалга оширишдан бошқа амалий муқобил чоралар мавжуд бўлмаган ҳолат юзага келмаса, хўжалик субъекти молиявий ҳисоботларни фаолиятнинг узлуксизлиги асосида тайёрлаши лозим. Агар раҳбарият, баҳолашни амалга ошираётганда, хўжалик субъекти фаолиятини узлуксиз давом этиши қобилияти тўғрисида аҳамиятли

⁶ M.Bonham and others. Generally accepted Accounting practice under IFRS. Ernst & Young LLP, United States, 2010.- part 1. p.167-168.

шубҳа тўғдириши мумкин бўлган ҳодисалар ёки шароитларга тегишли аҳамиятли ноаниқликлардан хабардор бўлса, хўжалик субъекти ушбу ноаниқликларни ошкор етиши лозим. Агар хўжалик субъекти молиявий ҳисоботларни фаолиятнинг узлуксизлиги асосида тайёрламаса, у ушбу фактни, молиявий ҳисоботлар қайси асосда тайёрланганлигини ҳамда хўжалик субъекти фаолиятнинг узлуксизлигини таъминлай олмайди деб ҳисобланишининг сабаби билан бирга, ошкор етиши лозим.

Хўжалик субъекти ўзининг, пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларидан ташқари, молиявий ҳисоботларини бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш усули асосида тайёрлаши лозим.

Бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш усули қўлланилганда, хўжалик субъекти моддаларни активлар, мажбуриятлар, капитал, даромадлар ва харажатлар (молиявий ҳисоботлар элементларини) сифатида тан олади, қачонки улар Концептуал асосда келтирилган ушбу элементларнинг таърифларига ва тан олиш мезонларига тўғри келса.

Хўжалик субъекти ўхшаш моддаларнинг ҳар бир аҳамиятли туркумини алоҳида тақдим етиши лозим. Бир биридан фарқ қиладиганли хусусиятга ёки вазифага ега бўлган моддаларни, улар аҳамиятсиз бўлмаса, хўжалик субъекти алоҳида тақдим етиши лозим.

Молиявий ҳисоботлар ўз хусусиятига ёки функциясига кўра туркумларга бирлаштириладиган катта ҳажмдаги операциялар ёки бошқа ҳодисаларни қайта ишлаш натижасида юзага келади. Бирлаштириш ва таснифлаш жараёнининг охириги босқичи йиғилган ва таснифланган маълумотларни тақдим етиш ҳисобланиб, у молиявий ҳисоботларнинг сатрларида акс еттириладиган моддаларини шакллантиради. Агар сатрдаги модда алоҳида олинганда аҳамиятли бўлмаса, у ушбу ҳисоботларда ёки изоҳларда бошқа моддалар билан бирлаштирилади. Ушбу ҳисоботларда алоҳида сатрда акс еттириш учун йетарли даражада аҳамиятли бўлмаган модда, изоҳларда алоҳида акс еттирилиши муҳим бўлиши мумкин.

МҲХС да талаб етилмагунча ёки рухсат етилмагунча, хўжалик субъекти активлар билан мажбуриятларни ёки даромадлар билан харажатларни ўзаро ҳисоб-китоб қилмаслиги лозим.

Хўжалик субъекти активлар билан мажбуриятларни ҳам даромадлар билан харажатларни ҳам алоҳида акс еттиради. Ўзаро ҳисоб-китоб қилиш операциянинг ёки бошқа ҳодисанинг моҳиятини акс еттирадиган ҳолатдан ташқари, фойда ёки зарар ва бошқа умумлаштирилган даромадлар ёки молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот(лар)да ўзаро ҳисоб-китоб қилиш фойдаланувчиларнинг содир бўлган операциялар, бошқа ҳодисалар ва шароитларни тушуниш ҳамда хўжалик субъектининг келгуси пул оқимларини баҳолаш қобилиятини сусайтиради.

Хўжалик субъекти молиявий ҳисоботларнинг (жумладан қиёсий маълумотни) тўлиқ тўпламини камида йиллик асосда тақдим етиши лозим.

Одатда, хўжалик субъекти бир меъёрда бир йиллик давр учун молиявий ҳисоботларни тайёрлайди. Бироқ, амалий сабаблар туфайли, айрим хўжалик

субъектлари, масалан, 52-ҳафталик давр учун молиявий ҳисоботларни тақдим етишни афзал кўрадилар. Мазкур Стандарт ушбу амалиётни тақиқламайди.

Хўжалик субъекти бир даврдан кейинги даврга молиявий ҳисоботлардаги моддаларни акс еттиришни ёки таснифлашни ўзгартирмасдан қолдириши лозим, бунда:

(а) хўжалик субъекти фаолияти хусусиятининг аҳамиятли ўзгариши ёки унинг молиявий ҳисоботларини қайта кўриб чиқиш натижасида, МҲХС 8 даги ҳисоб сиёсатларини танлаш ва қўллаш учун мезонларни инобатга олган ҳолда бошқа тақдимот ёки таснифлаш ўринлироқ бўлиши мумкинлиги очиқ намоён бўлмагунча; ёки

(б) МҲХС тақдимотда ўзгаришни талаб етмагунча.

Хўжалик субъекти молиявий ҳисоботларни аниқ белгилаши ва айнан бир хил чоп етилган ҳужжатдаги бошқа маълумотлардан фарқлаши лозим.

МҲХСлар фақатгина молиявий ҳисоботларга нисбатан қўлланилиб, йиллик ҳисоботда тақдим етилган бошқа маълумотларга, меъёрий маълумотларга, ёки бошқа ҳужжатга нисбатан зарурий тарзда қўлланилмайди. Шу туфайли, фойдаланувчилар МҲХСларга асосан тайёрланадиган маълумотларни фойдаланувчилар учун фойдали бўлиши мумкин бўлган аммо ушбу талаблар остида бўлмаган бошқа маълумотлардан фарқлай олиши муҳимдир.

Хўжалик субъекти ҳар бир молиявий ҳисоботни ва изоҳларни аниқ белгилаши лозим. Шу билан бирга, хўжалик субъекти қуйидаги маълумотларни аниқ ажратиб кўрсатиши ва уларни тақдим етилган маълумотлар тушунарли бўлиши учун зарур бўлганда такрорлаши лозим:

(а) Ҳисобот берадиган хўжалик субъектининг номи ёки аниқлашнинг бошқа усуллари ва олдин келадиган ҳисобот даври охиридан бошлаб ушбу маълумотдаги ҳар қандай ўзгариш;

(б) молиявий ҳисоботлар алоҳида хўжалик субъектига ёки хўжалик субъектлари гуруҳига тегишлилиги;

(в) ҳисобот даври охирининг санаси ёки молиявий ҳисоботлар тўплами ёки изоҳлар қамраб олган давр;

(г) МҲХС 21 да таърифланганидек тақдимот валютаси;

(д) молиявий ҳисоботларда миқдорларни тақдим етишда фойдаланилган яхлитлаш даражаси.

Минимум даражада, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги миқдорларни акс еттирадиган сатрларда кўрсатиладиган моддаларини ўз ичига олиши лозим:

(а) асосий воситалар;

(б) инвестицион мулк;

(в) номоддий активлар;

(г) молиявий активлар ((д), (з) ва (б) ларда келтирилган миқдорлардан ташқари);

(д) улушбай иштирок етиш усулидан фойдаланган ҳолда ҳисобга олинган инвестициялар;

- (е) биологик активлар;
- (ж) товар-моддий захиралар;
- (з) савдо бўйича ва бошқа дебиторлик қарзлари;
- (и) нақд пуллар ва нақд пул эквивалентлари;
- (й) МҲХС 5 Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолиятлар га мувофиқ сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган активлар ва сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариладиган моддаларнинг гуруҳларига киритилган активлар жами;
- (к) савдо бўйича ва бошқа кредиторлик қарзлари;
- (л) захиралар;
- (м) молиявий мажбуриятлар ((к) ва (л) ларда келтирилган миқдорлардан ташқари);
- (н) БҲХС 12 «Даромад солиғи» да таърифланганидек, жорий солиқ бўйича мажбуриятлар ва активлар;
- (о) БҲХС 12да таърифланганидек, муддати кечиктирилган солиқ мажбуриятлари ва муддати кечиктирилган солиқ активлари;
- (п) МҲХС 5 га мувофиқ сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариладиган моддаларнинг гуруҳларига киритилган мажбуриятлар;
- (р) капитал таркибида акс еттирилган назорат кучига ега бўлмаган ҳиссалар; ва
- (с) бош хўжалик субъектининг мулк егаларига тегишли чиқарилган капитал ва захиралар.⁷

Хўжалик субъекти молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот сатрларида кўрсатиладиган қўшимча моддаларини, сарлавҳаларни ва жамиларни тақдим етиши лозим, қачонки бундай тақдим етиш хўжалик субъектининг молиявий ҳолатини тушунишда ўринли бўлса.

Агар хўжалик субъекти ўзининг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботида жорий ва узоқ муддатли активларни ҳамда жорий ва узоқ муддатли мажбуриятларни алоҳида туркумлар сифатида акс еттирса, у муддати кечиктирилган солиқ активларини (мажбуриятларини) жорий активлар (мажбуриятлар) сифатида таснифламаслиги лозим.

Хўжалик субъекти жорий ва узоқ муддатли активларни ҳамда жорий ва узоқ муддатли мажбуриятларни ўзининг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботида алоҳида гуруҳлар сифатида тақдим етиши лозим, ликвидлилик асосида тақдим етиш ишончли ва ўринлироқ бўлган маълумотларни таъминлайдиган ҳолат бундан мустасно. Агар бу истисно қўлланилса, хўжалик субъекти барча активларни ва мажбуриятларни уларнинг ликвидлиги бўйича тақдим етиши лозим.

Тақдим етишнинг қайси усули қабул қилинишидан қатъий назар, хўжалик субъекти:

- (а) ҳисобот давридан сўнг ўн икки ойдан ортиқ бўлмаган ва

⁷ M.Bonham and others. Generally accepted Accounting practice under IFRS. Ernst & Young LLP, United States, 2010.- part 1. p.175.

(б) ҳисобот даврдан сўнг ўн икки ойдан ортиқ бўлган давр мобайнида қопланадиган ёки ҳисоб-китоб қилинадиган миқдорларни қамраб оладиган ҳар бир актив ва мажбуриятнинг сатрларда кўрсатиладиган моддасига нисбатан ўн икки ойдан ортиқ даврдан сўнг қопланадиган ёки ҳисоб-китоб қилинадиган суммани ошкор етиши лозим.

Хўжалик субъекти активни жорий сифатида таснифлаши лозим, қачонки:

(а) у ўзининг одатий операцион цикли давомида активни пулга айлантиришни мўлжаллаган бўлса, ёки уни сотишни ёки истеъмол қилишни режалаштирса;

(б) у асосан савдо учун активни ўзида сақласа;

(в) у активни ҳисобот даврдан сўнг ўн икки ой ичида пулга айлантиришни мўлжаллаган бўлса; ёки

(г) актив (БҲХС 7 да таърифланганидек) пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти бўлса, бунда ҳисобот даврдан сўнг камида ўн икки ой мобайнида актив алмаштирилиши ёки мажбуриятни сўндириш учун фойдаланилиши тақиқланмаган бўлса.

Хўжалик субъекти бошқа барча активларни узоқ муддатли сифатида таснифлаши лозим.

Хўжалик субъекти мажбуриятни жорий сифатида таснифлаши лозим, қачонки:

(а) у ўзининг одатий операцион цикли давомида мажбуриятни сўндиришни мўлжаллаган бўлса;

(б) у асосан савдо учун мажбуриятни ўзида сақласа;

(в) мажбурият ҳисобот даврдан сўнг ўн икки ой ичида сўндирилиши лозим бўлса; ёки

(г) у мажбуриятнинг сўндирилишини ҳисобот даврдан сўнг камида ўн икки ой муддатга узайтириш бўйича шарциз ҳуқуққа ега бўлмаса. Мажбуриятнинг, контрагентнинг ҳоҳиши бўйича, уни улушли инструментлар чиқариш орқали сўндирилишига олиб келиши мумкин бўлган шартлари, унинг таснифланишига таъсир етмайди.

Хўжалик субъекти бошқа барча мажбуриятларни узоқ муддатли сифатида таснифлаши лозим.

Хўжалик субъекти, ёки молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда, унинг фаолиятига тўғри келадиган равишда таснифланган ва акс еттирилган, сатрларда кўрсатиладиган моддаларининг иккиламчи батафсилроқ қилиб таснифланган моддаларини ошкор етиши лозим.

Иккиламчи таснифлашда тақдим етиладиган тафсилот даражаси МҲХСларнинг талабларига ва қамраб олинган моддаларнинг катталиги, хусусияти ва вазифасига боғлиқ бўлади. Ошкор қилинадиган маълумотлар ҳар бир модда учун фарқланади, масалан:

(а) Асосий воситалар БҲХС 16 га мувофиқ туркумларга ажратилади;

(б) Дебиторлик қарзлари харидорлардан (савдо бўйича) олиннадиган счётлар, ўзаро алоқадор томонлардан олиннадиган счётлар, бўнақларга ва бошқа тўлов суммаларига ажратилади;

(в) Товар-моддий захиралар, БҲХС 2 “Товар-моддий захиралар”га мувофиқ, товарлар, ишлаб чиқариш захиралари, хом-ашёлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотлар каби таснифларга ажратилади;

(г) захиралар (резервлар) ходимларга ҳақ тўлаш бўйича захиралар ва бошқа моддаларга ажратилади; ва

(д) акциядорлик капитали ва захиралар (резервлар) тўланган капитал, қўшилган капитал ва захиралар каби ҳар хил туркумларга ажратилади.

Хўжалик субъекти, ёки молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ёки капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда, ёки изоҳларда, қуйидагиларни ошкор етиши лозим:

(а) акциядорлик капиталининг ҳар бир туркуми бўйича:

- чиқаришга рухсат етилган акциялар миқдори;

- чиқарилган ва тўлиқ тўланган акциялар сони ҳамда чиқарилган аммо тўлиқ тўланмаган акциялар сони;

- ҳар бир акциянинг номинал қиймати, ёки акциялар номинал қийматга ега эмаслиги;

- муомаладаги акциялар сонининг давр бошига ва охирига солиштирмаси;

- ушбу туркумга бириктириладиган ҳуқуқлар, имтиёзлар ва чекловлар, жумладан дивидендларни тақсимлаш ва капитални қайтариш бўйича чекловлар,

- хўжалик субъекти ёки унинг шуъба ёки қарам хўжалик жамиятлари егалик қилаётган хўжалик субъектидаги ҳиссалари; ва

- опционлар ва акцияларни сотиш шартномалари бўйича чиқариш учун сақланаётган акциялар, шу жумладан уларнинг шартлари ва суммалари; ва

(б) капиталдаги ҳар бир захира хусусияти ва мақсадининг тавсифи.

Акциядорлик капиталига ега бўлмаган хўжалик субъекти, масалан ширкат ёки траст, талаб етилган эквивалент бўлган маълумотларни ошкор етиши лозим, бунда акциядорлик улушининг ҳар бир тоифасидаги давр мобайнидаги ўзгаришларни ва акциядорлик улушининг ҳар бир тоифасига бириктириладиган ҳуқуқлар, имтиёзлар ва чекловларни акс еттирган ҳолда.

Агарда хўжалик субъекти:

(а) улушли инструмент сифатида таснифланган қайта сотиладиган молиявий инструментни, ёки

(б) фақат ликвидация жараёнида хўжалик субъектига унинг соф активларидаги пропорционал улушни бошқа томонга йетказиб бериш мажбуриятини юклайдиган ва улушли инструмент сифатида таснифланадиган инструментномолиявий мажбуриятлардан капиталга ёки капиталдан молиявий мажбуриятларга қайта таснифлаганида, у бир тоифадан бошқа тоифага қайта таснифланган суммани (молиявий мажбуриятлардан капиталга ёки капиталдан молиявий мажбуриятларга) ҳамда ушбу қайта таснифлашнинг вақтини ва сабабини ошкор етиши лозим.

Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот (умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот), фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар бобларига қўшимча тарзда, қуйидагиларни тақдим

етиши лозим:

- (а) фойда ёки зарар;
- (б) жами бошқа умумлашган даромадлар;
- (в) жами фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадларни камраб

олган ҳолда, давр учун умумлашган даромадлар.

Агар хўжалик субъекти алоҳида фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботни тақдим еца, у умумлашган даромадларни акс еттирадиган ҳисоботда фойда ёки зарар бўлимини тақдим етмайди.

Хўжалик субъекти, фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар БОБларига кўшимча тарзда, давр фойдаси ёки зарари ва бошқа умумлашган даромадларининг тақсимланиши сифатида қуйидаги моддаларни ошкор етиши лозим:

(а) қуйидагиларга тегишли бўлган давр фойдаси ёки зарари:

- назорат ҳуқуқини бермайдиган улушлар, ва
- бош хўжалик субъектининг мулк егалари.

(б) давр учун қуйидагиларга тегишли бўлган умумлашган даромадлар:

- назорат ҳуқуқини бермайдиган улушлар;
- бош хўжалик субъектининг мулк егалари.

Агарда хўжалик субъекти фойда ёки зарарни алоҳида ҳисоботда тақдим еца, у (а) ни ушбу ҳисоботда тақдим етиши лозим.

Бошқа МҲХСларда талаб етилган моддаларга кўшимча тарзда, фойда ёки зарар бўлими ёки фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисобот давр учун қуйидаги суммаларни акс еттирадиган, сатрларда кўрсатиладиган моддаларини ўз ичига олиши лозим:

(а) асосий фаолиятдан олинадиган даромад;

(б) амортизацияланган қиймат бўйича ҳисобга олинадиган молиявий активларни тан олишни тўхтатишдан юзага келадиган фойда ва зарарлар;

(в) молиявий харажатлар;

(г) улушли иштирок усули бўйича ҳисобга олинган қарам хўжалик жамиятларининг ва кўшма корхоналарининг фойда ёки зараридаги улуши;

(д) агар молиявий актив қайта таснифланиб, ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олинадиган бўлса, олдинги баланс қиймати билан унинг қайта таснифлаш санасидаги ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқдан юзага келадиган ҳар қандай фойда ёки зарар (МҲХС 9 да таърифланганидек);

(е) солиқ харажати;

(ж) жами тугатилган фаолиятлар бўйича ягона сумма (МҲХС 5 га қаранг).

Бошқа умумлашган даромадлар бўлими давр учун бошқа умумлашган даромадларнинг сатрларда кўрсатиладиган моддаларини тақдим етиши лозим, бунда улар хусусияти бўйича таснифланган (жумладан, улушли иштирок етиш усули бўйича ҳисобга олинган қарам хўжалик жамиятларининг ва кўшма корхоналарининг бошқа умумлашган даромадларидаги улуши) ва шундай гуруҳларга гуруҳланган бўлиши керакки, улар бошқа МҲХСларга мувофиқ:

(а) кейинчалик фойда ёки зарар сифатида қайта таснифланмайди; ва

(б) муайян шартлар бажарилгандан кейин фойда ёки зарар сифатида қайта таснифланади.

Хўжалик субъекти фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадларни акс еттирадиган ҳисобот(лар)да қўшимча сатрларда кўрсатиладиган моддаларини, сарлавҳаларни ва жамиларни тақдим етиши лозим, қачонки бундай тақдимот хўжалик субъектининг молиявий натижаларини тушунишда ўринли бўлса.

Хўжалик субъекти фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадларни акс еттирадиган ҳисобот(лар)да ёки изоҳларда даромад ёки харажатнинг ҳар қандай моддаларини фавқулодда моддалар сифатида акс еттирмаслиги лозим.

МҲХС бошқа ҳолларда талаб етилмагунча ёки рухсат берилмагунча, хўжалик субъекти давр учун даромад ва харажатнинг барча моддаларини фойда ёки зарарда тан олиши лозим.

Хўжалик субъекти бошқа умумлашган даромадларнинг ҳар бир моддасига тегишли даромад солиғи миқдорини, жумладан қайта таснифлаш бўйича тузатишларини, фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда ошкор етиши лозим.

Хўжалик субъекти бошқа умумлашган даромадларнинг моддаларини:

(а) тегишли солиқ таъсирларини чегирган ҳолда, ёки

(б) ушбу моддаларнинг уларга тегишли даромад солиғи солингунча бўлган қийматини алоҳида ва умумий даромад солиғининг ягона суммасини алоҳида кўрсатган ҳолда тақдим етиши мумкин.

Агар хўжалик субъекти (б) муқобилини танласа, у солиқ суммасини фойда ёки зарар бўлимига кейинчалик қайта таснифланиши мумкин бўлган моддалар ва фойда ёки зарар бўлимига кейинчалик қайта таснифланмайдиган моддалар ўртасида тақсимлаши лозим.

Хўжалик субъекти бошқа умумлашган даромадларнинг таркибий қисмларига тегишли бўлган қайта таснифлаш бўйича тузатишларни ошкор етиши лозим.

Даромад ёки харажат моддалари аҳамиятли бўлса, хўжалик субъекти уларнинг хусусиятини ва суммасини алоҳида ошкор етиши лозим.

Даромад ва харажат моддаларининг алоҳида ошкор етилишини талаб етиши мумкин бўлган ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

(а) товар-моддий захираларни соф сотиш қийматигача ёки асосий воситаларни қопланадиган суммасигача камайтириш ҳамда бундай камайтиришларнинг қайта тикланиши ҳолати;

(б) хўжалик субъекти фаолияти реструктуризацияси ва реструктуризация х харажатлари бўйича қилинган ҳар қандай захираларнинг тикланиши;

(в) асосий воситалар моддаларининг ҳисобдан чиқарилиши;

(г) инвестицияларнинг ҳисобдан чиқарилиши;

(д) тугалланган фаолиятлар;

(е) суд жараёнидаги ҳисоб-китоблар; ва

(ж) қилинган захираларнинг бошқа қайта тикланиши.

Хўжалик субъекти фойда ёки зарарда тан олинган харажатлар таҳлилини уларнинг хусусиятига ёки хўжалик субъектидаги вазифасидан келиб чиққан таснифлашдан фойдаланган ҳолда, бунда қайси бири ишончли ва ўринлироқ маълумотларни таъминлашига қараб, тақдим етиши лозим.

Харажатлар, молиявий натижаларнинг таркибий қисмларини ажратиш кўрсатиш мақсадида, тез-тез такрорланиши, фойда ёки зарар келтириш потенциали ва уларни олдиндан билиш мумкинлигига қараб фарқланиши мумкин бўлган иккиламчи туркумларга таснифланади. Бундай таҳлил иккита шаклдан бирида таъминланади.

Таҳлилнинг биринчи шакли «харажатнинг хусусияти» бўйича таснифлаш усулидир. Хўжалик субъекти харажатларни фойда ёки зарарда уларнинг хусусиятига (масалан, ескириш, хом-ашёлар хариди, транспорт харажатлари, ходимларга ҳақ тўлаш ва реклама харажатлари) қараб бирлаштиради ва уларни хўжалик субъектидаги функциялар бўйича қайта тақсимламайди. Ушбу усул қўллаш учун оддий бўлиши мумкин, чунки харажатларни функционал туркумларга тақсимлаш зарурияти йўқ. Харажатнинг хусусияти бўйича таснифлаш усулини қўллаган ҳолда таснифлашга мисол қуйида келтирилган:

Асосий фаолиятдан олинган даромадлар	X
Бошқа даромадлар	X
Тайёр маҳсулотлар захираларидаги ва тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар	X
Фойдаланилган хом-ашёлар ва материаллар	X
Ходимларга ҳақ тўлаш харажатлари	X
Ескириш ва амортизация харажатлари	X
Бошқа харажатлар	X
Жами харажатлар	(X)
Солиққача бўлган фойда	X

Таҳлилнинг иккинчи шакли «харажатнинг функцияси» ёки «сотиш таннархи» усули бўлиб, у харажатларни сотиш таннархининг таркибий қисми сифатида уларнинг вазифасига қараб таснифлайди, масалан, сотиш ёки маъмурий харажатлари. Хўжалик субъекти ушбу усулда камида ўзининг сотиш таннархини бошқа харажатлардан алоҳида ошкор етади. Ушбу усул фойдаланувчиларга харажатларнинг хусусияти бўйича таснифланишига нисбатан ўринлироқ маълумотларни таъминлаши мумкин, аммо харажатларни вазифаларга қараб тақсимлаш ихтиёрий тақсимлашларни ва анча ҳукм чиқаришни талаб етиши мумкин. Харажатнинг функцияси бўйича таснифлаш усулини қўллаган ҳолда таснифлашга мисол қуйида келтирилган:

Асосий фаолиятдан олинган даромадлар	X
Сотиш таннархи	(X)
Ялпи фойда	X
Бошқа даромадлар	X
Сотиш харажатлари	(X)

Маъмурий харажатлар	(X)
Бошқа харажатлар	(X)
Солиққача бўлган фойда	X

Харажатларни функцияси бўйича таснифлайдиган хўжалик субъекти харажатларнинг хусусияти, жумладан ескириш ва амортизация харажатлари ва ходимларга ҳақ тўлаш харажатлари, бўйича қўшимча маълумотларни ошкор етиши лозим.

Капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

(а) давр учун жами умумлашган даромад, бунда унинг бош хўжалик субъекти егаларига ва назорат ҳуқуқини бермайдиган улушлар егаларига тегишли жами миқдорларни алоҳида кўрсатган ҳолда;

(б) капиталнинг ҳар бир қисми учун, МҲХС 8 га мувофиқ тан олинган ретроспектив қўллашнинг ёки ретроспектив қайта ҳисоблашнинг таъсирлари; ва

(в) капиталнинг ҳар бир қисми учун, давр бошидаги ва охиридаги баланс қиймати ўртасидаги солиштирма, бунда қуйидагилардан юзага келадиган ўзгаришларни алоҳида ошкор етган ҳолда:

- фойда ёки зарар;
- бошқа умумлашган даромадлар; ва
- мулк егалари билан уларнинг мулк егалари сифатида амал қилишидаги операциялар, бунда мулк егалари томонидан қилинган қўйилмаларни ва уларга тақсимланган суммаларни ҳамда назоратни йўқотишга олиб келмайдиган шўъба хўжалик жамиятларидаги егалик улушидаги ўзгаришларни алоҳида кўрсатган ҳолда.

Капиталнинг ҳар бир қисми бўйича хўжалик субъекти ёки капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда, бошқа умумлашган даромадларни моддама-модда таҳлилини тақдим етиши лозим.

Хўжалик субъекти ёки капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда, давр мобайнида мулк егаларига тақсимотлар сифатида тан олинган дивидендлар суммасини ва битта акцияга тўғри келадиган дивидендлар суммасини тақдим етиши лозим.

Пул оқимлари тўғрисидаги маълумотлар, молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар хўжалик субъектининг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ҳосил қилиш қобилиятини ҳамда хўжалик субъектининг ушбу пул оқимларидан фойдаланиш еҳтиёжини баҳолаши учун асос яратадилар. БҲХС 7 пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларини тақдим етиш ва ошкор етиш учун талабларни белгилайди.

Фойдаланувчилар молиявий ҳисоботларни тушуниши ва уларни бошқа хўжалик субъектларининг молиявий ҳисоботлари билан таққослаши осон бўлиши учун, хўжалик субъекти одатда изоҳларни қуйидаги тартибда тақдим этади:

- (а) МҲХСларга мувофиқлик тўғрисида бирдириш;
- (б) қўлланилган муҳим ҳисоб сиёсатларининг қисқа баёни;

(в) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботларда, фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот(лар)да, капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботларда ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботларда тақдим етилган моддалар бўйича ёрдамчи маълумотлар, бунда уларнинг тартиби ҳар бир ҳисобот ва ҳар бир модда тақдим етиладиган тартибда бўлади; ва

(г) бошқа ошкор етиладиган маълумотлар, жумладан:

- шартли мажбуриятлар (МҲХС 37 га қаранг) ва тан олинмаган шартнома мажбуриятлари, ва

- номолиявий ошкор етишлар, масалан хўжалик субъектининг молиявий хатарни бошқариш мақсадлари ва сиёсатлар (МҲХС 7 га қаранг).

Хўжалик субъекти муҳим ҳисоб сиёсатларининг қисқа баёнида қуйидагиларни ошкор етиши лозим:

(а) молиявий ҳисоботларни тайёрлашда фойдаланилган баҳолаш асослари ва

(б) молиявий ҳисоботларни тушунишда ўринли бўлган қўлланилган бошқа ҳисоб сиёсатлари.

Хўжалик субъекти изоҳларда қуйидагиларни ошкор етиши лозим:

(а) молиявий ҳисоботларни чоп етишга рухсат етилишидан олдин тақлиф қилинган ёки ёлон қилинган, аммо давр давомида мулк егаларига тақсимот сифатида тан олинмаган дивидендлар суммаси ҳамда бундай дивидендларнинг битта акцияга тўғри келадиган суммаси; ва

(б) тан олинмаган ҳар қандай кумулятив имтиёзли дивидендлар суммаси.

Хўжалик субъекти қуйидагиларни ошкор етиши лозим, агарда молиявий ҳисоботлар билан чоп етилган бирор маълумотларда ошкор етилмаган бўлса:

(а) хўжалик субъектининг доимий юридик адреси ва унинг юридик шакли, унинг ташкил етилган мамлакати, унинг рўйхатдан ўтган офиснинг манзили (ёки бизнеснинг асосий жойи, агарда рўйхатдан ўтган офисининг адресидан фарқ қилса);

(б) хўжалик субъекти операциялари ва асосий фаолияти хусусиятининг тавсифи;

(в) гуруҳнинг бош хўжалик субъекти ва якуний бош хўжалик субъектининг номи; ва

(г) агар хўжалик субъектининг фаолияти муддати чекланган бўлса, унинг фаолиятининг муддати тўғрисидаги маълумотлар.

2.2. БҲХС (IAS) 7 “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши

Хўжалик субъектининг пул оқимлари тўғрисидаги ахборот, молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун, хўжалик субъектининг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ҳосил қилиш қобилятига ҳамда ушбу пул оқимларидан фойдаланиш еҳтиёжларига баҳо бериш асоси сифатида фойдалидир. Фойдаланувчилар томонидан иқтисодий қарорлар қабул

қилиниши учун, хўжалик субъектининг пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларини ҳосил қилиш қобилиятига ҳамда бунинг муддати ва аниқлигига баҳо бериш талаб етилади.

Хўжалик субъекти пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни мазкур Стандартнинг талабларига мос равишда тайёрлаб, молиявий ҳисоботлар тақдим етиладиган ҳар бир даврда молиявий ҳисоботларнинг ажралмас қисми сифатида тақдим етиши шарт.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот давр давомидаги пул оқимларини операцион, инвестицион ва молиявий фаолиятлар бўйича таснифланган ҳолда кўрсатиши керак.

Операцион фаолият натижасида келиб чиқадиган пул оқимларининг суммаси - хўжалик субъекти, молиялаштиришнинг ташқи манбаларига мурожат қилмасдан, ўз операцион фаолиятидан юзага келган қарзларини тўлаш, ўзининг операцион фаолиятини юргизиш қобилиятини сақлаш, дивидендларни тўлаш ва янги инвестициялар қилиш учун йетарли бўлган пул оқимларини қай даражада ҳосил қилганлигини акс еттирувчи асосий кўрсаткичдир. Операцион фаолиятидан олдинги даврларда келиб чиққан пул оқимларининг алоҳида таркибий қисмлари тўғрисидаги маълумот, бошқа маълумотлар билан биргаликда, операцион фаолият бўйича ҳосил бўладиган келгуси пул оқимларини прогноз қилишда фойдалидир.

Операцион фаолият бўйича пул оқимлари асосан хўжалик субъектининг асосий даромад келтирувчи фаолиятидан келиб чиқади. Бинобарин, улар асосан фойда ёки зарарни шакллантирадиган операциялар ёки бошқа ходисалар натижасида келиб чиқади. Операцион фаолият натижасидаги пул оқимларига қуйидагилар киради:

(а) товарларни сотиш ва хизматларни кўрсатишдан келиб тушган пул маблағлари;

(б) роялти, хизматлар ҳақи, комиссия тўловлар ва бошқа даромадлар кўринишида келиб тушган пул маблағлари;

(в) мол етказиб берувчиларга товарлар ва хизматлар учун тўловлар;

(г) ходимларга ва ходимлар номидан тўловлар;

(д) суғурта ташкилотининг суғурта полислари бўйича мукофотлари ва талабларлари, аннуитетлар ва бошқа суғурта тўловлари бўйича пул тушумлари ва пул тўловлари;

(е) даромад солиғи бўйича тўловлар ҳамда солиқларнинг қайтарилиши, агар улар молиявий ёки инвестицион фаолият билан аниқ боғлиқ бўлмаса; ва

(ж) воситачилик ёки олди-сотди мақсадларида тузилган шартномалар бўйича пул тушумлари ва тўловлари.

Асосий воситани сотиш каби айрим операциялар, тан олинadиган фойда ёки зарарга киритилadиган фойда ёки зарарга олиб келиши мумкин. Бундай операцияларга таалуқли пул оқимлари инвестицион фаолиятдан пул оқимлари бўлиб ҳисобланади. Аммо, БҲХС 16 “*Асосий воситалар*”да таъкидланишича, ижарага бериш ва кейинчалик сотиш учун мўлжалланган активларни ишлаб чиқариш ёки сотиб олиш учун қилинадиган тўловлар операцион фаолиятдан

келадиган пул оқимлари сифатида хизмат қилади. Бундай активларни ижарага бериш ва кейинчалик сотишдан олинадиган пул тушумлари ҳам операцион фаолиятга тегишли пул оқимларидир.

Хўжалик субъекти қуйидагилардан бирини қўллаган ҳолда операцион фаолияти бўйича пул оқимларини ҳисоботда кўрсатиши керак:

(а) бевосита усул, бунда ялпи пул тушумлари ва ялпи пул тўловларининг асосий тоифалари кўрсатилади ; ёки

(б) билвосита усул. Бу усулда фойда ёки зарар пулга дахли бўлмаган операцияларнинг ва ўтган ёки келгуси давр операцион пул тушумлари ёки тўловларининг ҳар қандай кечиктирилиши ёки ҳисобланишининг натижаларини, ҳамда инвестицион ёки молиявий пул оқимлари билан боғлиқ даромад ёки ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда тўғриланади.

Инвестицион фаолият натижасидаги пул оқимларини алоҳида ошкор этиш муҳимдир, чунки бундай пул оқимлари келажакдаги даромад ва пул оқимларини олиш учун мўлжалланган ресурслар учун қанча ҳаражатлар сарфланганини акс еттиради. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда актив тан олинишига олиб келадиган ҳаражатларгина инвестицион фаолият сифатида таснифланиши мумкин. Инвестицион фаолият натижасида келиб чиқадиган пул оқимларининг мисоллари қуйида келтирилган:

(а) асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотиб олиш учун қилинган тўловлар. Бу тўловларга, шунингдек, тажриба-конструкторлик ишларига ажратилган ва капиталлаштириладиган ҳаражатлар ва ўз еҳтиёжлари учун (хўжалик ҳисоби усулида) қўрилган асосий воситалар бўйича тўловлар киради;

(б) асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни сотишдан келган пул тушумлари;

(в) бошқа хўжалик субъектларининг улушли ёки қарз инструментларини сотиб олиш ҳамда қўшма корхоналарда улушга ега бўлиш учун амалга оширилган тўловлар (пул маблағлари эквивалентлари бўлиб ҳисобланадиган ёки воситачилик ва олди-сотди учун мўлжалланган инструментлар учун қилинган тўловлардан ташқари);

(г) бошқа хўжалик субъектларининг улушли ёки қарз қарз инструментларини ва қўшма корхоналардаги улушларни сотишдан келган пул тушумлари (пул маблағлари эквивалентлари бўлиб ҳисобланадиган ёки воситачилик ва олди-сотди учун мўлжалланган инструментлар бўйича келган тушумлардан ташқари);

(д) бошқа томонларга берилган бўнақлар ва қарзлар (молиявий институтлар томонидан берилган бўнақлар ва қарзлардан ташқари);

(е) бошқа томонларга берилган бўнақлар ва қарзларнинг қайтарилиши натижасидаги пул тушумлари (молиявий институтлар томониан берилган бўнақлар ва қарзлардан ташқари);

(ж) фючерс шартномалари, форвард шартномалари, опцион шартномалари ва своп шартномалари бўйича пул тўловлари, бундан бу шартномалар воситачилик ёки олди-сотди учун мўлжалланган ҳолатлар , ёки

тўловлар молиявий фаолият сифатида таснифланадиган ҳолатлар мустасно; ва
(з) фьючерс шартномалари, форвард шартномалари, опцион шартномалари ва своп шартномалари бўйича пул тушумлари, бундан бу шартномалар воситачилик ёки олди-сотди учун мўлжалланган ҳолатлар, ёки тўловлар молиявий фаолият сифатида таснифланадиган ҳолатлар мустасно.

Шартнома муайян позицияни хежлаш сифатида ҳисобга олинганида, шартнома бўйича пул оқимлари хежланувчи позиция бўйича пул оқимлари билан бир хил тарзда таснифланади.

Молиявий фаолиятдан келиб чиқадиган пул оқимларини алоҳида кўрсатиш муҳимдир, чунки бу хўжалик субъектини молиялаштирадиган томонлар келгуси пул оқимларига бўлган талабларни олдиндан билиши учун фойдалидир. Молиявий фаолият натижасида келиб чиқадиган пул оқимларининг мисоллари қуйида келтирилган:

(а) акциялар ёки бошқа улушли инструментларни чиқаришдан келадиган пул тушумлари;

(б) хўжалик субъектининг акцияларини сотиб олиш ёки муомаладан чиқариш учун мулк егаларига тўловлар;

(в) қарз мажбуриятларини чиқариш, қарзлар бериш, векселлар, облигациялар, ипотекалар ва бошқа қисқа муддатли ёки узоқ муддатли қарз мажбуриятларини чиқаришдан олинган пул тушумлари;

(г) қарзлар бўйича тўловлар; ва

(д) ижарага олувчи томонидан молиявий ижара бўйича мажбуриятини камайтириш учун

Хўжалик субъекти инвестицион ва молиявий фаолиятлардан келиб чиқадиган ялпи пул тушумлари ва ялпи пул тўловларининг асосий тоифаларини ҳисоботда алоҳида кўрсатиши керак.

Қуйидаги операцион, инвестицион ёки молиявий фаолиятлар бўйича келиб чиқадиган пул оқимлари ҳисоботда соф асосда кўрсатилиши мумкин:

(а) мижозлар номидан олинган пул тушумлари ва амалга оширилган тўловлар, агар пул оқимлари хўжалик субъектнинг емас, балки мижознинг фаолиятини акс еттирсас; ва

(б) тез айланадиган, катта миқдорлардаги ва сўндириш муддати қисқа бўлган моддалар бўйича пул тушумлари ва тўловлари.

Молиявий институтнинг қуйидаги фаолиятларидан келиб чиқадиган пул оқимлари ҳисоботда соф асосда кўрсатилиши мумкин:

(а) сўндириш санаси қатъий белгиланган омонатларни қабул қилиш ва қайтариб бериш бўйича пул тушумлари ва тўловлари;

(б) бошқа молиявий институтларда омонатларни жойлаштириш ва қайтариб олиш; ва

(в) мижозларга ажратилган бўнақлар ва кредитлар ҳамда бўнақлар ва кредитларнинг қайтарилиши.

Чет ел валютасидаги операциялар натижасида келиб чиқадиган пул оқимлари, ушбу пул оқими санасидаги хўжалик субъектининг функционал валютаси билан чет ел валютаси орасидаги айирбошлаш курсини чет ел

валютаси суммасига кўпайтирган ҳолда хўжалик субъектининг функционал валютасида акс еттирилиши лозим.

Хорижий шўба хўжалик субъектининг пул оқимлари, ушбу пул оқимлари санасидаги функционал валюта билан чет ел валютаси орасидаги айирбошлаш курси бўйича функционал валютасига ўтказилиши (қайта ҳисобланиши) лозим.

Чет ел валютасида акс еттирилган пул оқимлари БҲХС 21 “Валютани айирбошлаш курсларидаги ўзгаришларнинг таъсири”га мувофиқ тарзда тақдим қилинади. Бунда ҳақиқатдаги курсга тахминан тенг бўлган айирбошлаш курсини қўллашга руҳсат етилади. Масалан, чет ел валютасидаги операцияларни акс еттириш ёки чет ел шўба хўжалик субъектининг пул оқимларини бир валютадан бошқа валютага ўтказиш учун маълум давр учун ўртача тортилган айирбошлаш курси қўлланилиши мумкин. Бироқ, БҲХС 21-га мувофиқ чет ел шўба хўжалик субъектининг пул оқимларини функционал валютага ўтказишда ҳисобот даврининг охиридаги айирбошлаш курсини қўллашга руҳсат етилмайди.

Олинган ва тўланган фоизлар ва дивидендлар кўринишидаги пул оқимларининг ҳар бири алоҳида акс еттирилиши лозим. Уларнинг ҳар бири даврдан даврга изчил равишда операцион, инвестицион ёки молиявий фаолиятга тегишли пул оқими сифатида таснифланиши лозим.

Даромад солиқлари натижасида келиб чиқадиган пул оқимлари алоҳида кўрсатилиши ва операцион фаолият натижасидаги пул оқимлари сифатида таснифланиши лозим, агар улар молиявий ва инвестицион фаолиятларига маҳсус боғлиқ бўлмаса.

Қарам хўжалик жамияти, қўшма корхонаси ёки шўбаларга қилинган инвестициялар ҳисоби улуш бўйича ҳисобга олиш усули ёки таннарх бўйича ҳисобга олиш усулини қўллаган ҳолда олиб борилса, инвестор пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда фақат унинг ўзи ва инвестиция объекти ўртасидаги пул оқимларини, масалан дивидендлар ва бўнақларни, кўрсатиши билан чегараланади.

Хўжалик субъекти, ҳисобот даври давомида, умумий суммада, шўба хўжалик субъектлари ёки бошқа корхоналарда назоратни қўлга киритиш ҳамда йўқотиш бўйича қуйидагиларнинг ҳар бирини ошкор етиши лозим:

(а) инвестиция учун умумий тўланган ёки олинган товон;

(б) ушбу товоннинг пул маблағлари ва пул эквивалентларидан ташкил топган қисми;

(в) назорати қўлга киритилган ёки йўқотилган шўба хўжалик субъектлари ёки бошқа корхоналаридаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари суммаси; ва

(г) назорати қўлга киритилган ёки йўқотилган шўба хўжалик субъектлари ёки бошқа корхоналаридаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларидан ташқари активлар ва мажбуриятлар суммаси, асосий тоифалари бўйича жамланган ҳолда.

Пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларидан фойдаланишни тақозо

етмайдиган инвестицион ва молиявий операциялар пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда акс еттирилмайди. Бундай операциялар молиявий ҳисоботларнинг бошқа жойида ушбу инвестицион ва молиявий фаолиятлар тўғрисида барча тегишли маълумотларни акс еттирадиган тарзда ошкор етилиши лозим.

Хўжалик субъекти пул ва пул эквивалентларининг таркибий қисмларини ошкор етиши ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботидаги суммаларнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс еттирилган эквивалент моддалари билан солиштирмасини тақдим етиши лозим.

Хўжалик субъекти раҳбарият изоҳлари билан биргаликда, хўжалик субъектида мавжуд бўлган, аммо гуруҳ томонидан фойдаланиш имкони бўлмаган катта миқдордаги пул маблағлари ва пул эквивалентлари суммасини ошкор етиши лозим.

2.3. БҲХС (IAS) 8 “Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар”

БҲХС (IAS) 8 “Ҳисоб сиёсатлари, бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатолар” номли стандартнинг мақсади ҳисоб сиёсатини танлаш ва ўзгартириш учун мезонларни ўрнатиш ҳамда ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар, бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатоларни тузатишни ҳисобга олиш тартибини ва уларга тегишли ошкор қилинадиган маълумотни белгилашдан иборатдир. Ушбу Стандарт хўжалик субъектининг молиявий ҳисоботларида акс еттирилган ахборотнинг ўринлилиги ва ишончилиги ҳамда бу молиявий ҳисоботларининг даврларо ва бошқа хўжалик субъектларининг молиявий ҳисоботлари билан қиёсийлигини оширишга қаратилган.

Мазкур Стандарт ҳисоб сиёсатини танлашда ва қўллашда, шунингдек ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни, бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашлардаги ўзгаришларни ва олдинги давр хатоларини тузатишни ҳисобга олишда қўлланилиши керак.

Олдинги давр хатоларини тузатишнинг ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни қўллаш учун қилинган ретроспектив тузатишларнинг солиқларга бўлган таъсири МҲХС 12 “Даромад солиқлари”га мувофиқ ҳисобга олинади ва ошкор етилади.

Қандайдир МҲХС операцияга, бошқа ҳодисага ёки шароитга аниқ тегишли бўлганида, унга нисбатан қўлланиладиган ҳисоб сиёсати ёки сиёсатлари ушбу МҲХСни қўллаш билан аниқланиши керак.

Операция, бошқа ҳодиса ёки шароитга аниқ тегишли бўлган МҲХС мавжуд бўлмаганида, хўжалик субъектининг раҳбарияти қўйидаги хусусиятларга ега бўлган ахборотни шакллантирадиган ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва қўллашда ўз ҳукмини чиқариши керак:

(а) фойдаланувчиларнинг иқтисодий қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ талаблари учун ўринли бўлган; ва

(б) молиявий ҳисоботлар қўйидагиларни таъминлагани туфайли ишончли бўлган:

- хўжалик субъектининг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимларини ишончли кўрсатади;
- операциялар, бошқа ҳодисалар ва шароитларнинг нафақат юридик шакли, балки иқтисодий моҳиятини акс еттиради;
- бетараф, яъни холис;
- еҳтиёткор; ва
- ҳамма аҳамиятли томондан тўлиқ.

Юқорида қайд қилинганидек ҳукм чиқаришда, раҳбарият қўйидаги манбаларга қараши ва уларнинг қўлланилиши мумкинлигини пасайиб борувчи тартибда кўриб чиқиши керак:

(а) МҲХСларда шунга ўхшаш ёки боғлиқ масалаларга тегишли талаблар; (б) Концептуал асос келтирилган активлар, мажбуриятлар, даромадлар ва харажатларнинг таърифлари, тан олиш мезонлари ва баҳолаш концепциялари.

Ҳукм чиқаришда, раҳбарият, шунингдек, стандартларни ўрнатадиган ва бухгалтерия ҳисоби бўйича стандартларни ишлаб чиқишда ўхшаш концептуал асосдан, бошқа бухгалтерлик адабиётлардан ва ушбу соҳада қабул қилинган амалиётлардан фойдаланадиган бошқа идоралар томонидан энг сўнгги чиқарилган стандарт тусидаги ҳужжатларни еътиборга олиши мумкин.

Хўжалик субъекти ўхшаш операциялар, бошқа ҳодисалар ва шароитларга тегишли ҳисоб сиёсатларини изчил равишда танлаши ва қўллаши керак, агар қандайдир МҲХС моддаларнинг ҳар хил ҳисоб сиёсатлари тўғри келиши мумкин бўлган тоифаларга бўлинишини алоҳида талаб етмаса ёки рухсат етмаса. Агар қандайдир МҲХС моддаларнинг бундай тоифаларга бўлинишини талаб еца ёки рухсат еца, бундай ҳар бир тоифага тегишли бўлган ҳисоб сиёсати изчил равишда танланиши ва қўлланилиши керак.

Хўжалик субъекти ҳисоб сиёсатини фақат қўйидаги ҳолларда ўзгартириши керак:

(а) агар ўзгартириш МҲХС томонидан талаб етилса; ёки

(б) агар ўзгартиришнинг натижасида молиявий ҳисоботларда хўжалик субъектининг молиявий ҳолатига, молиявий натижаларига ёки пул оқимларига операцияларнинг, бошқа ҳодисаларнинг ва шароитларнинг таъсири тўғрисида ишончли ва ўринлироқ маълумотлар акс еттирилса.

Қўйидагилар ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш бўлиб ҳисобланмайди:

(а) олдин содир бўлган операциялар, бошқа ҳодисалар ёки шароитлардан моҳияти бўйича фарқланадиган операциялар, бошқа ҳодисалар ёки шароитларга нисбатан қандайдир ҳисоб сиёсатини қўллаш; ва

(б) олдин содир бўлмаган ёки аҳамияtsiz даражадаги бўлган операциялар, бошқа ҳодисалар ёки шароитларга нисбатан янги ҳисоб сиёсатини қўллаш.

МҲХС 16 “Асосий воситалар” ёки МҲХС 38 “Номоддий активлар”га мувофиқ активларни қайта баҳолаш сиёсатини биринчи марта қўллаш – мазкур стандартга мувофиқ емас, балки МҲХС 16 ёки МҲХС 38га мувофиқ қайта баҳолаш сифатида қараладиган ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш бўлиб ҳисобланади.

Истисно ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда:

(а) хўжалик субъекти қандайдир МҲХСни биринчи марта қўллаши натижасида юзага келадиган ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришни ушбу МҲХСда белгиланган, агар белгиланган бўлса, махсус ўтиш қоидаларига мувофиқ ҳисобга олиши керак; ва

(б) агар қандайдир МҲХСда қилинаётган ўзгаришга тегишли бўлган махсус ўтиш қоидалари белгиланмаган бўлиб, хўжалик субъекти ушбу МҲХСни биринчи марта қўллаш пайтида ҳисоб сиёсатини ўзгартирса, ёки у ҳисоб сиёсатини ихтиёрий равишда ўзгартирса, бунда ушбу хўжалик субъекти ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни ретроспектив тарзда қўллаши керак.

Истисно ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш ретроспектив тарзда қўлланилганида, хўжалик субъекти тақдим қилинган олдинги даврларнинг энг дастлабки даври учун ушбу ўзгариш таъсир қилган капиталдаги таркибий қисмларнинг бошланғич қолдиқларига ва ҳар битта тақдим қилинган олдинги давр учун ошкор қилинган бошқа қиёсий маълумотларга, худди янги ҳисоб сиёсати ҳамма вақт қўлланилганидек қилиб, тузатиш киритиши керак.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш ретроспектив тарзда қўлланилиши керак, бундан ўзгаришнинг бирор-бир даврга тегишли таъсирини ёки йиғилган таъсирини аниқлашни амалий иложи йўқ бўлган ҳолатлар истисно.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришнинг тақдим қилинган бир ёки ундан ортиқ олдинги даврлар учун қиёсий маълумотга нисбатан бирор-бир даврга тегишли бўлган таъсирини аниқлашни амалий иложи йўқ бўлганида, хўжалик субъекти янги ҳисоб сиёсатини ретроспектив қўллашни амалий иложи бўлган даврлардан энг биринчи даври, бу жорий давр ҳам бўлиши мумкин, бошига бўлган активлар ва мажбуриятларнинг баланс қийматига нисбатан қўллаши керак, ҳамда ушбу даврдаги капиталнинг таъсир қилинган ҳар қандай таркибий қисмининг бошланғич қолдиғига тегишли тузатиш киритиши лозим.

Жорий даврнинг бошида янги ҳисоб сиёсатини ҳамма олдинги даврларга нисбатан қўллашнинг йиғилган таъсирини аниқлашни амалий иложи бўлмаса, хўжалик субъекти янги ҳисоб сиёсатини қўллашни амалий иложи пайдо бўлган энг дастлабки санадан бошлаб истиқболли қўллаш мақсадида, қиёсий маълумотларга тузатиш киритиши керак.

Қандайдир МҲХСни биринчи марта қўллаш жорий даврга ва ҳар қандай олдинги даврга таъсир қилганида, ёки ушбу даврга таъсир қилиши мумкин бўлганида, ёки келгуси даврларга таъсир қилиши мумкин бўлганида, бундан тузатиш суммасини аниқлашни амалий иложи йўқ бўлган ҳолатлар истисно, хўжалик субъекти қўйидагиларни ошкор етиши керак:

(а) ушбу МҲХСнинг номи;

(б) ўринли бўлса, ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш ушбу стандартнинг ўтиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилганлиги;

(в) ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришнинг хусусияти;

(г) тегишли бўлганда, ўтиш қоидаларининг тавсифи;

(д) тегишли бўлганда, келгуси даврларга таъсир қилиши мумкин

бўлган ўтиш қоидалари;

(е) жорий давр ва ҳар бир тақдим етилган олдинги давр учун, иложи борича, қуйидагилар бўйича тузатиш суммаси:

- молиявий ҳисоботнинг таъсир кўрсатилган ҳар қандай моддаси; ва
- агар МҲХС 33 “*Битта акцияга тўғри келадиган фойда*” ушбу хўжалик субъектига тегишли бўлса, битта акцияга тўғри келадиган базавий ва камайтирилган фойда;

(ж) иложи борича, тақдим қилинган даврлардан олдинги даврларга тегишли бўлган тузатиш суммаси.

Кейинги даврларнинг молиявий ҳисоботларида юқорида қайд етилган маълумотларни қайтадан ошкор етиш шарт емас.

Ҳисоб сиёсатига ихтиёрий равишда ўзгартириш киритиш жорий даврга ёки ҳар қандай олдинги даврга таъсир қилганида, ушбу даврга таъсир қилиши мумкин бўлганида, бундан тузатиш суммасини аниқлашни амалий иложи йўқ бўлган ҳолатлар истисно, ёки келгуси даврларга таъсир қилиши мумкин бўлганида, хўжалик субъекти қуйидагиларни ошкор етиши керак:

(а) ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришнинг хусусияти;

(б) янги ҳисоб сиёсатини қўллаш натижасида ишончли ва ўринлироқ ахборот таъминланишининг сабаблари;

(в) иложи борича, жорий давр ва тақдим қилинган ҳар қандай олдинги давр учун қуйидагилар бўйича тузатиш суммаси:

- молиявий ҳисоботнинг таъсир кўрсатилган ҳар қандай моддаси; ва
- агар МҲХС 33 “*Битта акцияга тўғри келадиган фойда*” ушбу хўжалик субъектига тегишли бўлса, битта акцияга тўғри келадиган базавий ва камайтирилган фойда;

(г) иложи борича, тақдим қилинган даврлардан олдинги даврларга тегишли бўлган тузатиш суммаси; ва

(д) агар ретроспектив қўллашни бирор олдинги давр учун ёки тақдим қилинган даврлардан олдинги даврлар учун амалга оширишни амалий иложи бўлмаса, бундай вазият бўлишига олиб келган шароитлар ва ҳисоб сиёсатидаги ўзгариш қачондан бошлаб ва қандай қилиб қўлланилганлигининг тавсифи.

Кейинги даврларнинг молиявий ҳисоботларида юқорида қайд етилган маълумотларни қайтадан ошкор етиш шарт емас.

Хўжалик субъекти янги чиқарилган, аммо ҳалигача кучга кирмаган МҲХСни қўлламаган бўлса, хўжалик субъекти қуйидагиларни ошкор етиши лозим:

(а) ушбу фактни ўзини; ва

(б) ушбу янги МҲХСни биринчи марта қўллашнинг хўжалик субъектининг молиявий ҳисоботларига мумкин бўлган таъсирини баҳолаш учун маълум бўлган ёки оқилона равишда баҳоланиши мумкин бўлган ўринли маълумотлар.

Тадбиркорлик фаолиятига хос бўлган ноаниқликлар мавжуд бўлиши натижасида, молиявий ҳисоботлардаги кўпгина моддалар аниқ баҳолана олмайди ва фақат тахминий баҳоланиши мумкин. Тахминий баҳолашлар энг

сўнгги ишончли ахборотга таянган ҳолда ҳукм чиқаришни қамраб олади. Масалан, куйидагиларни тахминий баҳолаш зарур бўлиши мумкин:

- (а) умидсиз қарзлар;
- (б) товар-моддий захираларнинг қадрсизланиши;
- (в) молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятларнинг ҳаққоний қиймати;
- (г) ескирадиган активларнинг фойдали хизмат муддати ёки уларда мужассамланган келгуси иқтисодий наф қай тарзда олиниши; ва
- (д) кафолат мажбуриятлари.

Бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашдаги ўзгаришнинг таъсири, бунда уни куйидаги давр фойдаси ёки зарарида акс еттириш орқали истиқболли равишда тан олиниши керак:

- (а) ўзгариш рўй берган давр, агар ўзгариш фақат ушбу даврга таъсир қилса; ёки
- (б) ўзгариш рўй берган давр ва келгуси даврлар, агар ўзгариш иккаласига ҳам таъсир қиладиган бўлса.

Бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашдаги ўзгариш қай даражада активлар ва мажбуриятларнинг ўзгаришини келтириб чиқарса, ёки капиталнинг қандайдир моддасига тегишли бўлса, у тегишли бўлган активларнинг, мажбуриятларнинг ёки капитал моддасининг баланс қийматини тузатиш йўли билан ўзгариш рўй берган даврда тан олиниши керак.

Хўжалик субъекти жорий даврга таъсир қиладиган ёки келгуси даврларга таъсир қилиши кутилаётган бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашдаги ўзгаришнинг хусусиятини ва суммасини ошкор етиши керак, бундан келгуси даврларга бўлган таъсирини, ушбу таъсирни баҳолашни амалий иложи йўқ бўлганида, ошкор етиш истисно.

Агар келгуси даврларга бўлган таъсир суммаси, ушбу таъсирни баҳолашни амалий иложи йўқ бўлгани туфайли, ошкор етилмаса, хўжалик субъекти ушбу фактни ошкор етиши лозим.

Хўжалик субъекти олдинги даврлардаги аҳамиятли хатоларни, улар топилганидан кейин чиқарилиши рухсат етилган молиявий ҳисоботларнинг биринчи тўпламида, ретроспектив тарзда куйидагича тузатиши лозим:

- (а) хато пайдо бўлган, тақдим етилган олдинги давр(лар) учун қиёсий маълумотларни қайта ҳисоблаш йўли билан;
- (б) агар хато тақдим етилган олдинги даврларнинг энг даслабки давридан олдин юзага келган бўлса, олдинги тақдим етилган даврларнинг энг даслабки давридаги активлар, мажбуриятлар ва капиталнинг бошланғич қолдиқларини қайта ҳисоблаш йўли билан.

Олдинги давр хатоси ретроспектив қайта ҳисоблаш йўли билан тузатилиши керак, бундан хатонинг бирор-бир даврга тегишли таъсирини ёки йиғилган таъсирини аниқлашни амалий иложи йўқ бўлган ҳолатлар истисно.

Хатонинг тақдим қилинган бир ёки ундан ортиқ олдинги даврлар учун қиёсий маълумотга нисбатан бирор-бир даврга тегишли бўлган таъсирини аниқлашни амалий иложи бўлмаганида, хўжалик субъекти ретроспектив қайта

ҳисоблашни амалий иложи бўлган даврлардан энг биринчи давридаги (бу жорий давр ҳам бўлиши мумкин) активларнинг, мажбуриятларнинг ва капиталнинг бошланғич қолдиқларини қайта ҳисоблаши лозим.

Жорий даврнинг бошида хатонинг ҳамма олдинги даврларга бўлган йиғилган таъсирини аниқлашни амалий иложи бўлмаганида, хўжалик субъекти қайта ҳисоблашни амалий иложи пайдо бўлган энг дастлабки санадан бошлаб хатони истиқболли равишда тузатиш мақсадида қиёсий маълумотларни қайта ҳисоблаши керак.

Хўжалик субъекти қуйидагиларни ошкор этади:

(а) олдинги даврдаги хатонинг хусусияти;

(б) тақдим қилинган ҳар бир олдинги давр учун, амалий иложи борича, тузатишнинг қуйидагилар бўйича суммаси:

- молиявий ҳисоботнинг таъсир кўрсатилган ҳар қандай моддаси; ва

- агар МҲХС 33 “*Битта акцияга тўғри келадиган фойда*” ушбу хўжалик субъектига тегишли бўлса, битта акцияга тўғри келадиган базавий ва камайтирилган фойда;

(в) тақдим қилинган олдинги даврлардан энг дастлабки давр бошига тузатишнинг суммаси; ва

(г) агар ретроспектив қайта ҳисоблашни бирор олдинги давр учун амалга оширишни амалий иложи бўлмаса, бундай вазият бўлишига олиб келган шароитлар ва хато қачондан бошлаб ва қандай қилиб тузатилганлигининг тавсифи.

Кейинги даврларнинг молиявий ҳисоботларида юқорида қайд етилган маълумотларни қайтадан ошкор этиш шарт эмас.

Баъзи вазиятларда, жорий давр билан қиёсийликка еришиш учун бир ёки ундан ортиқ даврлар учун қиёсий маълумотни тузатишни амалий иложи бўлмайди. Масалан, янги ҳисоб сиёсатини ретроспектив қўллаш ёки олдинги давр хатосини тузатиш учун ретроспектив қайта ҳисоблаш имкониятини яратадиган тарзда маълумотлар олдинги даврларда йиғилмаган бўлиши мумкин, ва бундай маълумотларни қайтадан пайдо қилишни амалий иложи йўқ бўлиши мумкин.

2.4. БҲХС (IAS) 10 “Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар”. БҲХС (IAS) 21 “Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари”

БҲХС (IAS) 10 “Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар” стандартининг мақсади қуйидагиларни белгилашдан иборатдир:

(а) хўжалик субъекти ўз ҳисоботларига ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар учун тузатишлар киритиши керак бўлган пайтни; ва

(б) хўжалик субъекти томонидан унинг молиявий ҳисоботларини еълон қилиш учун тасдиқлаш санаси ҳамда ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар ҳақида ошкор этилиши керак бўлган маълумотлар.

Ушбу Стандарт, агар ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар фаолият узлуксизлиги тўғрисидаги фаразнинг хўжалик субъекти учун ўринли эмаслигини кўрсаца, бундай хўжалик субъектининг молиявий ҳисоботлари

фаолият узлуксизлиги асосида тайёрланмаслигини ҳам талаб этади.

БҲХС (IAS) 10 “Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар” номли стандарт ҳисобот давридан кейинги ҳодисаларни ҳисобга олишда ва уларни ошкор этишда қўлланилади.

Баъзи ҳолларда, хўжалик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини молиявий ҳисоботлар ёлон қилинганидан сўнг акциядорларнинг тасдиғига ҳавола этиши талаб қилинади. Бундай ҳолларда, акциядорлар молиявий ҳисоботларни тасдиқлаган санасида эмас, балки молиявий ҳисоботлар ёлон қилинган санасида улар ёлон қилиш учун тасдиқланган бўлиб ҳисобланади.

Мисол. Хўжалик субъектининг раҳбарияти 20X1 йилнинг 31 Декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳисоботларнинг дастлабки тўпламини 20X2 йилнинг 28 Февралида яқунлади. 20X2 йилнинг 18 Мартида Бошқарув аъзолари молиявий ҳисоботларни кўриб чикди ва уларнинг ёлон қилинишини тасдиқлади. Хўжалик субъекти ўз фойдасини ва бошқа танланган молиявий маълумотларни 20X2 йилнинг 19 Мартида ёлон қилди. Молиявий ҳисоботлар акциядорлар ва бошқалар еътиборига 20X2 йилнинг 1 Апрельда тақдим етилди. Акциядорлар молиявий ҳисоботларни 20X2 йилнинг 15 Майида ўтказилган акциядорларнинг йиллик йиғилишида тасдиқлади ва тасдиқланган молиявий ҳисоботлар тартибга солувчи давлат идорасига 20X2 йилнинг 17 Майида топширилди.

20X2 йилнинг 18 Мартида молиявий ҳисоботларнинг ёлон қилиниши тасдиқланди (Бошқарув аъзолари молиявий ҳисоботларнинг ёлон қилинишини тасдиқлаган сана).

Баъзи ҳолларда, хўжалик субъектининг раҳбарияти молиявий ҳисоботларни (ижрочи бўлмаган шахслардангина ташкил топган) кузатув кенгашига, молиявий ҳисоботлар улар томонидан тасдиқланиши учун, тақдим этиши талаб қилинади. Бундай ҳолларда, раҳбарият молиявий ҳисоботларни кузатув кенгашига тақдим этилишини тасдиқлаган сана молиявий ҳисоботларни ёлон қилиш учун тасдиқлаш санаси бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик субъекти тузатишлар киритилишини талаб етадиган ҳисобот давридан кейинги ҳодисаларни акс еттириш мақсадида ўз молиявий ҳисоботларида тан олинган суммаларга тузатишларни киритиши шарт.

Қуйида хўжалик субъектидан ўз молиявий ҳисоботларида тан олинган суммаларга тузатишлар киритишни, ёки олдин тан олинмаган моддаларни тан олишни талаб қиладиган ҳисобот давридан кейинги ҳодисаларга мисоллар келтирилган:

(а) Хўжалик субъектининг ҳисобот даврининг якунида жорий мажбурияти бор бўлганлигини тасдиқлаган, суд ишининг ҳисобот давридан кейин ҳал бўлиши. Хўжалик субъекти ушбу суд иши юзасидан олдин тан олинган ҳар қандай захираларга МҲХС 37 “*Захиралар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар*” га мувофиқ тузатиш киритади ёки янги захирани тан олади. Хўжалик субъекти фақат шартли мажбуриятни ошкор этиш билан чегараланмайди, чунки суд ишининг ҳал бўлиши натижасида МҲХС 37га мувофиқ еътиборга олиниши керак бўлган қўшимча далиллар таъминланади.

Мисол. 20X5 йилнинг 18 Мартида хўжалик субъектининг раҳбарияти молиявий ҳисоботларни кузатув кенгашига тақдим етилиши учун тасдиқлайди. Кузатув кенгаши ижрочи бўлмаган шахслардангина ташкил топган бўлиб, ўз ичига ходимлар ва бошқа ташқи манфаатдор томонларнинг вакиллари олиган бўлиши мумкин. Кузатув кенгаши 20X5 йилнинг 26 мартда молиявий ҳисоботларни тасдиқлади. Молиявий ҳисоботлар акциядорлар ва бошқалар еътиборига 20X5 йилнинг 1 апрелида тақдим етилди. Акциядорлар молиявий ҳисоботларни 20X5 йилнинг 15 майида ўтказилган акциядорларнинг йиллик йиғилишида тасдиқлади ва тасдиқланган молиявий ҳисоботлар тартибга солувчи давлат идорасига 20X5 йилнинг 17 майида топширилди.

Молиявий ҳисоботлар 20X5 йилнинг 18 мартда еълон етиш учун тасдиқланди (раҳбарият молиявий ҳисоботларни кузатув кенгашига тақдим етиш учун тасдиқлаган сана).

(б) ҳисобот даври охирида актив қадрсизланганлиги ёки бу актив бўйича олдин тан олинган зарар суммасига тузатиш киритилиши кераклигидан далолат берадиган маълумот ҳисобот даври тугаганидан кейин олинishi. Масалан:

- ҳисобот даври тугаганидан сўнг мижозлардан бири банкротликка учраши ҳисобот даври охирида савдога оид дебиторлик қарздорлиги бўйича зарар мавжуд бўлганлигини ва хўжалик субъекти дебиторлик қарздорлигининг баланс қийматига тузатиш киритishi кераклигини тасдиқлайди; ва

- товар-моддий захираларнинг ҳисобот даври тугаганидан сўнг сотилиши уларнинг ҳисобот даврининг охиридаги соф сотиш қиймати тўғрисида далил бериши мумкин.

(в) ҳисобот даври тугалланишидан олдин сотиб олинган активларнинг таннархи ёки сотилган активлардан тушган тушумнинг ҳисобот даври тугаганидан сўнг аниқланиши.

(г) ҳисобот даври тугаганидан сўнг фойдадан тақсимланадиган тўловлар ёки мукофотлар суммасининг аниқланиши, агар хўжалик субъектининг ҳисобот даври охирида бу санадан олдин юз берган ҳодисаларнинг натижасида бундай тўловларни амалга ошириш бўйича жорий юридик ёки конструктив мажбурияти мавжуд бўлган бўлса (БҲХС 19 “*Ходимларга ҳақлар*” га қаранг).

(д) молиявий ҳисоботларнинг нотўғри еканлигини кўрсатувчи фирибгарлик ёки хатоларнинг топилиши.

Агар хўжалик субъекти улушли инструмент егаларига дивидендларни (БҲХС 32 “*Молиявий инструментлар: тақдим етиш*” да кўрсатилганидек) ҳисобот даври тугаганидан кейин еълон қилса, хўжалик субъекти бу дивидендларни ҳисобот даврининг охирида мажбурият сифатида тан олмайди.

Агар дивидендлар ҳисобот даври тугаганидан сўнг, аммо молиявий ҳисоботларни еълон қилиш учун тасдиқлаш санасига қадар еълон қилинса, дивидендлар ҳисобот даврининг охирида мажбурият сифатида тан олинмайди, чунки айнан ана шу пайтда мажбуриятлар мавжуд бўлмаган. Бундай дивидендлар БҲХС 1 “*Молиявий ҳисоботларни тақдим етиш*” га биноан изоҳларда ошкор қилинадиган маълумот сифатида кўрсатилади.

Агар ҳисобот даври тугаганидан кейин хўжалик субъектининг раҳбарияти хўжалик субъектини тугатиш ёки унинг савдо фаолиятини тўхтатиш қарорига келса ёки бундай йўл тутишдан бошқа чораси йўқ эканлигини аниқласа, хўжалик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини фаолият узлуксизлиги асосида тайёрламаслиги керак.

БҲХС 1 қуйидаги ҳолатларда ошкор етилиши талаб қилинадиган маълумотларни белгилайди:

(а) молиявий ҳисоботлар фаолият узлуксизлиги асосида тайёрланмаган бўлганида; ёки

(б) хўжалик субъектининг раҳбарияти фаолият узлуксизлиги фаразига жиддий шубҳа уйғотиши мумкин бўлган ҳодисалар ёки вазиятларга алоқадор бўлган аҳамиятли ноаниқликлардан хабардор бўлганида. Ошкор етилишини талаб етувчи ҳодисалар ёки вазиятлар ҳисобот давридан кейин юзага келиши мумкин.

Хўжалик субъекти молиявий ҳисоботларни еълон қилиш учун тасдиқлаш санасини ҳамда бу ким томонидан тасдиқланганлиги ҳақида маълумотни ошкор қилиши керак. Агар хўжалик субъектининг мулк егалари ёки бошқа томонлар молиявий ҳисоботлар еълон қилинганидан кейин уларга ўзгартиришлар киритиш ваколатларига ега бўлса, хўжалик субъекти бу фактни ошкор етиши керак.

Ҳисобот даври охиридаги шарт-шароитлар тўғрисидаги ошкор қилинадиган маълумотларни янгилаш

Агар хўжалик субъекти ҳисобот даври тугаганидан кейин ҳисобот даври охирида мавжуд бўлган шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотни қўлга кирица, у ушбу шарт-шароитларга тегишли ошкор қилинган маълумотларни янги маълумотга таянган ҳолда ўзгартириши керак.

Агар тузатишлар киритилишини талаб етмайдиган ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар аҳамиятли бўлса, улар тўғрисида маълумотларни ошкор етмаслик фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботлар асосида қабул қилинадиган иқтисодий қарорларига таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун ҳам, хўжалик субъекти тузатишлар киритилишини талаб етмайдиган ҳисобот давридан кейинги ҳодисаларнинг ҳар бир аҳамиятли тоифаси бўйича қуйидагиларни ошкор етиши керак:

(а) ҳодисанинг табиати; ва

(б) унинг молиявий таъсирини тахминан баҳолаш, ёки бундай тахминий баҳолашнинг имкони йўқлигини таъкидлаш.

Қуйида ошкор етилиши керак бўлган маълумотлар тақдим етилишига сабаб бўлувчи тузатишлар киритилиши талаб етилмайдиган ҳисобот давридан кейинги ҳодисаларга мисоллар келтирилган:

(а) Ҳисобот давридан кейин амалга ошган йирик бизнес бирлашуви (МҲХС 3 “*Бизнес бирлашувлари*” бундай ҳолатларда муайян маълумотлар ошкор етилишини талаб етади) ёки йирик шўъба хўжалик субъектининг чиқиб кетиши;

(б) фаолиятни тўхтатиш режасини еълон қилиш;

(в) активларни катта суммада сотиб олиш, МҲХС 5 “*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тўхтатилган фаолият*” га мувофиқ сотиш учун мўлжалланган активларнинг таснифланиши, активларнинг бошқача йўллар билан чиқиб кетиши ёки давлат томонидан йирик активларнинг мусодара қилиниши;

(г) ҳисобот давридан кейин йирик ишлаб чиқариш заводининг ёнғин натижасида вайрон бўлиши;

(д) йирик реструктуризация режасини ёлон қилиш ёки уни амалга оширишни бошлаш (БҲХС 37 га қаранг);

(е) Ҳисобот давридан кейин оддий ва потенциал оддий акциялар билан амалага оширилган йирик операциялар (БҲХС 33 «*Битта акцияга тўғри келадиган фойда*» хўжалик субъектидан бундай операцияларнинг тавсифини ошкор етишни талаб этади, лекин бундай операцияларга БҲХС 33 га мувофиқ тузатишлар киритилиши керак бўлган капитализация ёки акцияларни имтиёзли шартларда чиқариш, акциялар бўлиниши ёки акцияларни яхлитлашни ўз ичига оладиган операциялар киритилмайди);

(ж) ҳисобот давридан кейин активлар нархлари ёки валюта айрибошлаш курсларидаги ғайриоддий даражада катта ўзгаришлар;

(з) жорий ва муддати кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятларига катта таъсир қиладиган, ҳисобот давридан кейин солиқ ставкаси ёки амалдаги солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар (МҲХС 12 «*Даромад солиқлари*» га қаранг);

(и) Катта мажбуриятлар ёки шартли мажбуриятларни олиш, масалан, катта суммадаги кафолат хатларини чиқариш орқали; ва

(к) Фақат ҳисобот давридан кейинги ҳодисалардан келиб чиққан йирик суд жараёнининг бошланиши.

БҲХС (IAS) 21 “Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари”

Ташкилот икки усулда хориждаги бўлинмаларни амалга ошириши мумкин. У хорижий валюталардаги операцияларни амалга ошириши мумкин ёки у хориждаги бўлинмага ега бўлиши мумкин. Шу билан бирга, ташкилот ўз молиявий ҳисоботларини хорижий валютада тақдим етиши мумкин. Мазкур стандартнинг мақсади хорижий валюталардаги операцияларни ва хориждаги бўлинмани қандай қилиб молиявий ҳисоботларда акс еттиришни ҳамда молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш валютасига қандай ўтказишни белгилашдан иборатдир.

Асосий масалалар – қайси валюта курс(лар)идан фойдаланиш ва молиявий ҳисоботларда валюта курсларидаги ўзгаришлар таъсирларини қандай қилиб тақдим етиш ҳисобланади.

Мазкур Стандарт қуйидаги ҳолатларда қўлланилиши лозим:

(а) хорижий валюталардаги операцияларни ва қолдиқларни ҳисобга олишда, бунда МҲХС 9 «*Молиявий инструментлар*» нинг қўллаш доирасидаги дериватив операциялар ва қолдиқлардан ташқари;

(б) жамлаш ёки улуши бўйича ҳисобга олиш усули орқали

ташкilotнинг молиявий ҳисоботларида акс еттирилган хориждаги бўлинманинг фаолият натижаларини ва молиявий ҳолатини бир валютадан бошқа валютага ўтказишда; ва

(в) ташкilotнинг фаолият натижаларини ва молиявий ҳолатини тақдим қилиш валютасига ўтказишда.

Ташкilot фаолият юритадиган асосий иқтисодий муҳит бўлиб одатда у асосан пул маблағини ишлаб топадиган ва харажат қиладиган муҳит ҳисобланади. Ташкilot ўзининг функционал валютасини аниқлашда қуйидаги омилларни инобатга олади:

(а) валюта, қайсики:

- асосан товарлар ва хизматларнинг сотиш нархларига таъсир қиладиган (бу кўп ҳолларда унинг товарлари ва хизматларининг сотиш нархлари белгиланадиган ва ҳисоб-китоб қилинадиган валюта бўлади); ва

- асосан рақобат шартлари ва меъёрий базалари унинг товарлари ва хизматларининг сотиш нархларини аниқлайдиган мамлакатнинг валютаси.

(б) товарлар ёки хизматларни таъминлашда асосан ишчи кучи, хом-ашё ва бошқа харажатларга таъсир қиладиган валюта (бу кўп ҳолларда бундай харажатлар белгиланадиган ва ҳисоб-китоб қилинадиган валюта бўлади).

Қуйидаги омиллар ҳам ташкilotнинг функционал валютасининг далилини таъминлаши мумкин:

(а) молиялаштириш фаолиятларидан (яъни, қарз ва капитал инструментлар чиқариш) фондлар ҳосил қилинадиган валюта.

(б) операцион фаолиятларидан тушумлар одатда сақланадиган валюта.

Ташкilot хориждаги бўлинмадан олинадиган ёки унга тўланадиган монетар моддага ега бўлиши мумкин. Ҳисоб-китоб қилиниши яқин келажакда на режалаштирилган ва на содир бўлиш еҳтимоли мавжуд модда, моҳиятан, ташкilotнинг ушбу хориждаги бўлинмага соф инвестициясининг қисми бўлади. Бундай монетар моддалар узоқ муддатли дебиторлик қарзларини ёки кредитларни ўз ичига олиши мумкин. Улар савдо бўйича дебиторлик қарзларини ва кредиторлик қарзларини ўз ичига олмайди.

Монетар модданинг асосий жиҳати бу валюта бирликларининг ўзгармас ёки аниқланадиган суммасини олиш ҳуқуқидир (ёки йетказиб бериш мажбуриятидир). Мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади: пул маблағида тўланадиган нафақалар ва бошқа ходимларнинг даромадлари; пул маблағида ҳисоб-китоб қилинадиган резервлар; мажбурият сифатида тан олинган пул маблағидаги дивидендлар. Худди шунингдек, олинадиган (ёки йетказиб бериладиган) ҳаққоний қиймат валюта бирликларининг ўзгармас ёки аниқланадиган суммасига тенг бўлган ҳолатдаги ташкilotнинг улушли инструментларининг ўзгарувчан суммасини ёки активларнинг ўзгарувчан қийматини олиш (ёки йетказиб бериш) шартномаси – монетар модда ҳисобланади. Аксинча, номонетар модданинг асосий жиҳати бу валюта бирликларининг ўзгармас ёки аниқланадиган суммасини олиш ҳуқуқининг (ёки йетказиб бериш мажбуриятининг) мавжуд бўлмастидир. Мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади: товарлар ва хизматлар учун олдиндан тўланган

қийматлар (масалан, ижара бўнақлари); гудвилл; номоддий активлар; товар-моддий захиралар; асосий воситалар; ва номонетар активни йетказиб бериш орқали ҳисоб-китоб қилинадиган резервлар.

Хорижий валютадаги операция хорижий валютада белгиланган ёки ҳисоб-китобни талаб этадиган операциядир, жумладан ташкилот қуйидагиларни амалга оширганда юзага келадиган операциялардир:

(а) нархи хорижий валютада белгиланган товарлар ёки хизматларни сотиб олиш ёки сотиш;

(б) тўланадиган ёки олинадиган қийматлар хорижий валютада белгиланган ҳолда, пул маблағларини қарзга олиш ёки қарзга бериш; ёки

(в) бошқа ҳолларда хорижий валютада белгиланган активларни харид қилиш ёки чиқиб кетиши, ёки мажбуриятларни ҳосил қилиш ёки ҳисоб-китоб қилиш.

Хорижий валютадаги операция, функционал валютада дастлабки тан олинимида, хорижий валютадаги қийматга операция санасидаги функционал валюта билан хорижий валюта ўртасидаги спот валюта курсини қўллаган ҳолда қайд қилиниши лозим.

Операция санаси операция МҲҲСларга мувофиқ дастлабки тан олиш мезонини қаноатлантирган санадир. Амалий сабаблар учун, операция санасидаги курсга яқинроқ курс кўп ҳолларда фойдаланилади, масалан, ҳафта ёки ой учун ўртача курс ушбу давр мобайнида содир бўладиган ҳар бир хорижий валютадаги барча операциялар учун фойдаланилиши мумкин. Бироқ, агарда валюта курслари аҳамиятли тарзда тебранса, давр учун ўртача ўртача курсдан фойдаланиш ноўрин бўлади.

Ҳар бир ҳисобот даври охирида:

(а) хорижий валютадаги монетар моддалар охириги курсдан фойдаланган ҳолда бир валютадан бошқа валютага ўтказилиши лозим;

(б) хорижий валютада бошланғич қиймат бўйича ҳисобланган номонетар моддалар операция санасидаги валюта курсидан фойдаланган ҳолда бир валютадан бошқа валютага ўтказилиши лозим; ва

(в) хорижий валютада ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобланган номонетар моддалар ҳаққоний қиймат баҳоланган санасидаги валюта курсларидан фойдаланган ҳолда бир валютадан бошқа валютага ўтказилиши лозим.

Монетар моддаларнинг ҳисоб-китобидан ёки монетар моддаларни давр мобайнида ёки олдинги молиявий ҳисоботларда дастлабки тан олинимида фойдаланилган курслардан бошқа курсларда бир валютадан бошқа валютага ўтказишда юзага келадиган курс фарқлари фойда ёки зарарда улар юзага келган даврда тан олиними лозим.

Қачонки номонетар модда бўйича фойда ёки зарар бошқа умумлашган даромадда тан олинса, ушбу фойда ёки зарарнинг ҳар қандай валюта қисми бошқа умумлашган даромадда тан олиними лозим. Аксинча, қачонки номонетар модда бўйича фойда ёки зарар фойда ёки зарарда тан олинса, ушбу фойда ёки зарарнинг ҳар қандай валюта қисми фойда ёки зарарда тан олиними лозим.

Ҳисобот берувчи ташкилотнинг хориждаги бўлинмага соф инвестициясининг қисмини ташкил этадиган монетар моддадан юзага келадиган курс фарқлари, ўринлигини инобатга олиб, ҳисобот берувчи ташкилотнинг алоҳида молиявий ҳисоботларидаги ёки хориждаги бўлинманинг алоҳида молиявий ҳисоботларидаги фойда ёки зарарда тан олиниши лозим. Хориждаги бўлинма ва ҳисобот берувчи ташкилотни ўз ичига олган молиявий ҳисоботларда (масалан, хориждаги бўлинма шўъба бўлган ҳолатдаги жамланган молиявий ҳисоботлар), бундай курс фарқлари дастлаб бошқа умумлашган даромадда тан олиниши лозим ва соф инвестицияни чиқиб кетишида капиталдан фойда ёки зарарда қайта таснифланиши лозим.

Мисол. Компания функционал валютаси ш.б. Компания ишлаб чиқариш ускунасини хорижий ҳамкордан сотиб олмақда. Ускуна қиймати 100000 доллар. 1 декабр 20____ йилда компания шартнома шартига кўра олдиндан 50% тўловни амалга оширди. 20 декабрда компания ускунани олиб келди. Усқунанинг қолган суммаси 20____ йил январда компания томонидан тўланади.

Ш.б.нинг долларга нисбатан курси саналар бўйича қуйидагича:

1 декабр 20____ йилда 1.20 ш.б.

20 декабр 20____ йилда 1.22 ш.б.

31 декабр 20____ йилда 1.23 ш.б.

1 декабр 20____ йилдаги проводка:

Дт Асосий воситаларни сотиб олиш учун аванслар (М1010) 60000

Кт Валюта счёти (М5200) 60000

$100000 \times 50\% \times 1.2 = 60000$ ш.б.

20 декабр 20____ йилдаги проводка:

Дт Асосий воситалар (М0100) 121000

Кт Асосий воситаларни сотиб олиш учун аванслар (М1010) 60000

Кт Мол йетказиб берувчиларга тўланадиган счётлар (М6010) 61000

Асосий воситаларни сотиб олиш учун мол йетказиб берувчиларга аванслар номонетар моддалар ҳисобланади ва шу сабабли хорижий валютадаги маблағни уни алмаштириш курси бўйича тарихий қийматда акс еттирилади.

31 декабр 20____ йилдаги проводка:

Дт Валюта курси фарқидан зарар (М9620) 500

Кт Мол йетказиб берувчиларга тўланадиган счётлар (М6010) 500

$10000 \times 50\% \times (1.23 - 1.22) = 500$ ш.б.

Мол йетказиб берувчиларга тўланадиган счётлар монетар моддалар ҳисобланади ва шу сабабли хорижий валютадаги маблағни уни ёпиладиган курси бўйича қийматда акс еттирилади.

Ташкилот ўзининг молиявий ҳисоботларини ҳар қандай валютада (ёки валюталарда) тақдим этиши мумкин. Агарда тақдим қилиш валютаси ташкилотнинг функционал валютасидан фарқ қилса, у ўзининг фаолият натижаларини ва молиявий ҳолатини тақдим қилиш валютасига ўтказди. Масалан, гуруҳ турли функционал валюталарга ега алоҳида ташкилотларидан иборат бўлса, ҳар бир ташкилотнинг фаолият натижалари ва молиявий ҳолати

умумий валютада ифодалангани ва бунинг натижасида жамланган молиявий ҳисоботлар тақдим этилиши мумкин.

Функционал валютаси гиперинфляция иқтисодиётининг валютаси бўлмаган ташкилотнинг фаолият натижалари ва молиявий ҳолати қуйидаги тартиблардан фойдаланган ҳолда бошқа тақдим қилиш валютасига ўтказилиши лозим:

(а) тақдим этиладиган ҳар бир молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот учун активлар ва мажбуриятлар (яъни, жумладан қиёсий маълумотлар) ушбу молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот санасидаги охириги курсда ўтказилиши лозим;

(б) фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадни акс эттирадиган ҳар бир ҳисобот учун даромад ва харажатлар (яъни, жумладан қиёсий маълумотлар) операциялар саналаридаги валюта курсларида ўтказилиши лозим; ва

(в) барча натижавий курс фарқлари бошқа умумлашган даромадда тан олиними лозим.

Амалий сабаблар учун, операциялар саналаридаги валюта курсларига яқинроқ курс, масалан давр учун ўртача курс, кўп ҳолларда даромад ва харажат моддаларини ўтказишда фойдаланилади. Бироқ, агарда валюта курслари сезиларли тарзда тебранса, давр учун ўртача курсдан фойдаланиш ноўриндир.

Курс фарқлари қуйидагилардан юзага келади:

(а) даромад ва харажатларни операциялар саналаридаги валюта курсларида ва актив ва мажбуриятларни охириги курсларда ўтказиш.

(б) бошланғич соф активларни олдинги охириги курсдан фарқ қиладиган охириги курсда ўтказиш.

Функционал валютаси гиперинфляция иқтисодиётининг валютаси бўлган ташкилотнинг фаолият натижалари ва молиявий ҳолати қуйидаги тартиблардан фойдаланган ҳолда бошқа тақдим қилиш валютасига ўтказилиши лозим:

(а) барча суммалар (яъни активлар, мажбуриятлар, капитал моддалар, даромад ва харажатлар, жумладан қиёсий маълумотлар) молиявий ҳолат тўғрисидаги энг яқин ҳисобот санасидаги охириги курсда ўтказилиши лозим, бундан қуйидаги мустасно

(б) суммалар ногиперинфляция иқтисодиётининг валютасига ўтказилганда, қиёсланувчан суммалар сумматегишли ўтган йилнинг молиявий ҳисоботларида жорий йил суммаларисумма сифатида тақдим этилган суммалар сумма бўлиши лозим (яъни нарх даражасидаги кейинги ўзгаришларга ёки валюта курсларидаги кейинги ўзгаришларга тўғриланмаган).

Ташкилот қуйидагиларни очиб бериши лозим:

(а) фойда ёки зарарда тан олинган курс фарқларининг суммаси, бунда МҲХС 9 га мувофиқ фойда ёки зарар орқали ҳаққоний қийматда баҳоланган молиявий инструментлардан юзага келадиган курс фарқларидан ташқари; ва

(б)

бошқа умумлашган даромадда тан олинган ва капиталнинг алоҳида таркибий

қисмида йиғилган соф курс фарқлари, шу билан бирга бундай курс фарқлари суммасининг давр бошидаги ва охиридаги солиштирмаси.

3- МАВЗУ. ТУШУМЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СТАНДАРТЛАРИНИНГ ТАВСИФИ

3.1. БҲХС (IAS) 11 “Қурилиш шартномалари”

БҲХС (IAS) 11 “Қурилиш Шартномалари” номли стандартнинг мақсади қурилиш шартномалари билан боғлиқ даромадлар ва ҳаражатларнинг бухгалтерия ҳисобини белгилашдан иборатдир. Қурилиш шартномалари асосида амалга ошириладиган фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли шартнома бўйича фаолиятнинг бошланиши санаси ва тугаши санаси одатда ҳар хил ҳисобот даврларига тўғри келади. Шунинг учун, қурилиш шартномаларини ҳисобга олишнинг асосий вазифаси шартнома бўйича даромадлар ва ҳаражатларни қурилиш ишлари амалга ошириладиган ҳисобот даврларида тўғри тақсимлашдир. Қурилиш шартномаси бўйича даромадлар ва ҳаражатлар умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда қачон тан олиниши кераклигини аниқлаш учун мазкур Стандартда Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг Концептуал Асоси да белгиланган тан олиш мезонларидан фойдаланилади. Шунингдек, ушбу мезонларнинг қўлланишида амалий йўриқномалар ҳам берилади.

Ушбу Стандартнинг талаблари одатда ҳар бир қурилиш шартномасига алоҳида қўлланилади. Аммо, муайян вазиятларда, ушбу Стандартни шартнома ёки шартномалар гуруҳининг моҳиятини акс еттириш мақсадида битта шартноманинг алоҳида ажратиладиган қисмларига ёки шартномалар гуруҳига нисбатан қўллаш талаб этилади.

Агар шартнома бўйича бир қанча активларнинг қўрилиши кўзда тутилса, қуйидаги ҳолларда ҳар бир активнинг қурилиши алоҳида қурилиш шартномаси сифатида ҳисобга олинади:

(а) ҳар бир актив учун алоҳида таклифлар берилганида;

(б) ҳар бир активнинг қурилиши шартлари юзасидан алоҳида музокаралар олиб борилган, ҳамда пудратчи ва буюртмачи шартноманинг ҳар бир активга тегишли бўлган қисмини қабул қилиш ёки рад этиш имкнтиятига ега бўлганида; ва

(в) ҳар бир активга тегишли бўлган ҳаражатлар ва даромадларни аниқлаш мумкин бўлганида.

Шартномалар гуруҳи, ягона буюртмачи ёки бир қанча буюртмачилар билан тузилганидан қатъий назар, қуйидаги ҳолларда ягона шартнома сифатида ҳисобга олинади:

(а) шартномалар гуруҳи юзасидан ягона тўплам сифатида музокаралар олиб борилганида;

(б) шартномалар шунчалик бир бирига чамбарчас боғланган бўлиб, амалда улар умумий фойда меъёрига ега бўлган ягона лойиҳанинг бир қисмини ташкил қилганида; ва

(в) шартномалар бир вақтнинг ўзида ёки бирин кетин амалга оширилганида.

Шартнома буюртмачининг истагига кўра қўшимча активнинг

қурилишини кўзда тутиши мумкин, ёки қўшимча активнинг қурилиши учун шартномага ўзгартириш киритилиши мумкин. Қўшимча активнинг қурилиши қуйидаги ҳолларда алоҳида қурилиш шартномаси сифатида ҳисобга олиниши керак:

(а) қўшимча актив дастлабки шартномада кўрсатилган актив ёки активлардан ўзининг лойиҳаси, технологияси ёки вазифаси билан жиддий даражада фарқ қилади; ёки

(б) қўшимча активнинг нархи дастлабки шартнома нархидан қатъий назар келишилади.

Шартнома бўйича даромадлар қуйидагилардан таркиб топади:

(а) шартномада келишилган дастлабки сумма; ва

(б) шартномада кўзда тутилган ишлар ўзгаришидан олинадиган даромадлар, даъволар ва рағбатлантириш суммалари:

- улар даромад олинишига олиб келиши еҳтимоллиги бор даражада; ва

- уларни ишончли баҳолаш мумкин бўлган даражада.

Шартнома бўйича даромад, олинган ёки олинадиган товоннинг ҳаққоний қийматида, баҳоланади. Келгуси ҳодисаларнинг натижасига боғлиқ бўлган турли ноаниқликлар шартнома бўйича даромаднинг баҳоланишига таъсир қилади. Ҳодисалар рўй бериши ва ноаниқликлар ҳал бўлиши сари тахминий баҳолашлар тез-тез қайта кўриб чиқилиши талаб етилади. Шу боис ҳам, шартнома бўйича даромаднинг суммаси бир даврдан иккинчи даврга ўтганда бир кўпайиб бир камайиши мумкин. Масалан:

(а) пудратчи ва буюртмачи шартнома дастлабки тузилганидан кейин келадиган даврда шартнома бўйича даромадни кўпайтирадиган ёки камайтирадиган ўзгаришларни ёки даъволарни келишиб олиши мумкин;

(б) нархи қатъий белгиланган шартномада келишилган даромаднинг суммаси ҳаражатларнинг қайта кўриб чиқилиши шартига биноан кўтарилиши мумкин;

(в) шартнома бўйича даромаднинг суммаси шартномани бажариш давомида пудратчининг айби билан йўл қўйилган кечиктирилишлар туфайли юзага келган жарималар натижасида камайиши мумкин; ёки

(г) нархи қатъий белгиланган шартнома қурилиш ишларининг бирлиги бўйича қатъий белгиланган нархни кўзда туца, шартнома бўйича даромад ишлар бирликларининг сони ошгани сари кўпайиб боради.

Ўзгартириш - бу шартнома бўйича бажариладиган ишлар кўламига ўзгартириш киритилишига буюртмачи томонидан берилган кўрсатмадир. Ўзгартириш шартнома бўйича даромаднинг ўсиши ёки камайишига олиб келиши мумкин. Ўзгартириш мисоли бўлиб шартнома муддатини ўзгартириш ёки қурилиш объектига қўйиладиган техник талабларни ёки унинг лойиҳасини ўзгартириш хизмат қилади. Ўзгартириш суммаси қуйидаги ҳолларда шартнома бўйича даромадга киритилади:

(а) агар ўзгартириш ва ўзгартириш натижасида юзага келувчи даромад суммаси буюртмачи томонидан тасдиқланиши еҳтимоли мавжуд бўлса; ва

(б) даромаднинг суммаси ишончли равишда баҳоланиши мумкин бўлса.

Даъволар бўйича даромадлар - бу шартнома нархига киритилмаган харажатларнинг буюртмачи ёки бошқа шахс томонидан қопланиши сифатида пудратчи томонидан олинishi кутилаётган сумма. Даъво қуйидагилар натижасида юзага келиши мумкин: масалан, буюртмачининг айби билан йўл қўйилган кечиктиришлар, қурилиш объектига қўйиладиган техник талаблардаги ёки унинг лойиҳасидаги йўл қўйилган хатолар, ва шартнома бўйича ишларга тортишувга сабаб бўладиган ўзгартиришларни киритиш. Даъволар натижасида юзага келувчи даромад суммаси юқори даражадаги ноаниқлик билан баҳоланиши мумкин, ва кўпинча музокаралар натижасига боғлиқ. Шу боис, даъволар шартномала бўйича даромадларга фақат қуйидаги ҳолларда киритилади:

(а) музокаралар буюртмачи томонидан даъво қабул қилинишини кутиш мумкин даражасига йетганида; ва

(б) буюртмачи томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган сумма ишончли даражада баҳоланиши мумкин бўлганда.

Рағбатлантириш тўловлари шартномада белгиланган ишларни бажаришнинг меъерий кўрсаткичларига еришилганда ёки ошириб бажарилганда пудратчига тўланадиган қўшимча суммалардир. Масалан, пудратчига шартномани муддатидан олдин бажаргани учун рағбатлантириш тўлови амалга оширилиши шартномада кўзда тутилиши мумкин. Рағбатлантириш тўловлари шартнома бўйича даромадга қуйидаги ҳолларда киритилади:

(а) шартнома, унда белгиланган меъерий кўрсаткичларга еришилиши ёки уларнинг ошириб бажарилишини кутиш мумкин бўлган, у бўйича ишлар тугалланиши даражасига йетганида; ва

(б) рағбатлантириш тўлови суммасини ишончли даражада баҳолаш мумкин бўлганда.

Шартнома бўйича харажатлар қуйидагилардан таркиб топади:

(а) муайян шартнома билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар;

(б) шартнома бўйича фаолиятга умуман таалукли бўлган ва шартнома қийматида тақсимланиши мумкин бўлган харажатлар; ва

(в) шартнома шартлари остида буюртмачи томонидан алоҳида қопланадиган каби харажатлар.

Муайян шартнома билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларга қуйидагилар киради:

(а) қурилишга оид меҳнат ҳақини тўлаш бўйича харажатлар, шу жумладан қурилиш майдонини кузатиш харажатлари;

(б) қурилишда ишлатилган хомашё ва материаллар;

(в) шартномани бажаришда фойдаланилган асосий воситаларнинг ескириши;

(г) асосий воситаларни ва материалларни қурилиш майдонига олиб келиш ва олиб чиқиш бўйича харажатлар;

(д) асосий воситаларнинг ижараси бўйича харажатлар;

(е) шартнома билан бевосита боғлиқ бўлган конструкторлик ва техник

ёрдам бўйича харажатлар;

(ж) камчиликларни йўқотиш ва кафолатланган ишлар ҳажмини бажариш бўйича тахминий баҳоланган харажатлар, шу жумладан кафолатланган хизмат кўрсатиш бўйича кутилаётган харажатлар; ва

(з) учинчи томонларнинг даъво-еътирозлари.

Ушбу харажатлар шартнома бўйича даромадга киритилмаган тасодифий даромадлар олиниши натижасида камайиши мумкин, масалан, ортиқча материалларни сотишдан олинган даромадлар ёки шартнома муддати тугагач у бўйича фойдаланилган асосий воситаларни сотишдан олинган даромадлар натижасида.

Шартнома бўйича фаолиятга умуман таалукли бўлган ва муайян шартнома қийматига тақсимланиши мумкин бўлган харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

(а) суғурта харажатлари;

(б) муайян шартномага бевосита тегишли бўлмаган конструкторлик ва техник ёрдам бўйича харажатлар; ва

(в) қурилиш бўйича устама харажатлари.

Бундай харажатлар систематик ва рационал ҳамда ўхшаш хусусиятларга ега бўлган барча харажатларга изчил равишда қўлланиладиган усуллар ёрдамида тақсимланади. Харажатлар қурилиш ишлари бажарилишининг нормал суръатларига асосланган ҳолда тақсимланади. Қурилиш бўйича устама харажатлари, масалан қурилиш бўйича ишчиларга тўланадиган иш ҳақини ҳисоблаш ва тўлов қайдномаларини тайёрлашга оид харажатларни, ўз ичига олади. Шартнома бўйича фаолиятга умуман таалукли бўлган ва муайян шартнома қийматига киритилиши мумкин бўлган харажатлар қарзлар бўйича харажатларни қамраб олади.

Шартнома шартлари остида буюртмачи томонидан алоҳида қопланадиган харажатлар шартномада қопланиши алоҳида белгиланган баъзи умумий маъмурий харажатларни ва тажриба-конструкторлик харажатларини қамраб олиши мумкин.

Шартнома бўйича фаолиятга таалукли бўлмаган ёки муайян шартнома қийматига тақсимлаб киритиб бўлмайдиган харажатлар қурилиш шартномаси бўйича харажатларга киритилмайди. Бундай харажатларни қуйидагиларни ўз ичига олади:

(а) қопланиши шартномада алоҳида белгиланмаган умумий маъмурий харажатлар;

(б) сотиш бўйича харажатлар;

(в) қопланиши шартномада алоҳида белгиланмаган тадқиқот ва тажриба-конструкторлик харажатлари; ва

(г) муайян шартномани бажаришда фойдаланилмаган бекор турган асосий восита.

Шартнома бўйича харажатлар шартнома тузилиши кафолатланган санадан бошлаб шартномани тўлиқ бажаришгача бўлган даврда шартномага тегишли бўлган харажатлардан таркиб топади. Бироқ, шартномага бевосита

боғлиқ бўлган харажатлар ва шартнома тузилишини кафолатлаш учун амалга оширилган харажатлар ҳам шартнома бўйича харажатларнинг бир қисми сифатида ҳисобга олинади, агар уларни алоҳида ажратиш ва ишончли даражада баҳолаш мумкин бўлса ҳамда шартнома тузилишининг еҳтимоли мавжуд бўлса. Шартномани тузиш учун амалга оширилган сарфлар харажатлар сифатида улар амалга оширилган даврда тан олинганида, улар кейинги даврда шартнома тузилганидан кейин шартнома бўйича харажатларга киритилмайди.

Қурилиш шартномасининг натижаси ишончли равишда баҳоланиши мумкин бўлганида, қурилиш шартномаси билан боғлиқ бўлган шартнома даромадлари ва харажатлари ҳисобот даври охиридаги шартнома бўйича қурилиш ишларининг тугалланиши даражаси (фоизи)га боғлиқ равишда даромадлар ва харажатлар сифатида тан олинishi керак. Нархи қатъий белгиланган қурилиш шартномасининг натижаси қуйидаги барча шартларга риоя этилганида ишончли баҳоланиши мумкин:

(а) шартнома бўйича жами даромад суммаси ишончли даражада баҳоланганида;

(б) шартнома билан боғлиқ бўлган иқтисодий наф ташкилот томонидан олинishi еҳтимоли мавжуд бўлганида;

(в) шартномани тўлиқ бажариш бўйича харажатларни ва шартнома бажарилишининг ҳисобот даври охиридаги даражасини ишончли баҳолаш мумкин бўлса; ва

(г) шартномага таалуқли бўлган харажатларни, шартнома бўйича ҳақиқатда амалга оширилган харажатларни олдинги тахминий баҳолашлар билан таққослаш мумкин бўладиган даражада, аниқлаш ва ишончли баҳолаш мумкин бўлса.

“Харажатлар плюс” шартномасининг натижаси қуйидаги барча шартларга риоя этилганида ишончли баҳоланиши мумкин:

(а) шартнома билан боғлиқ бўлган иқтисодий наф ташкилот томонидан олинishi еҳтимоли мавжуд бўлганида; ва

(б) шартномага таалуқли бўлган харажатларни, улар алоҳида қопланиши ёки қопланмаслигидан қатъий назар, аниқлаш ва ишончли баҳолаш мумкин бўлса.

Даромадлар ва харажатларни шартноманинг тугалланиши даражасига боғлиқ равишда тан олиш тугалланиш даражаси усули деб юритилади. Бу усулга кўра шартнома бўйича даромадлар шартноманинг маълум тугалланиш даражасига йетиш учун шартнома бўйича амалга оширилган харажатлар билан солиштирилади, бунинг натижасида қурилиш ишларининг тугалланган қисмига тегишли бўлиши мумкин бўлган даромадлар, харажатлар ва фойда мутаносиб равишда тан олинади. Бу усул шартнома бўйича қурилиш ишларининг ҳажми ва фаолият натижалари тўғрисида фойдали маълумот таъминлайди.

Тугалланиш даражаси усули қўлланилганда шартнома бўйича даромадлар қурилиш ишлари бажарилган ҳисобот даврларида даромад сифатида фойда ёки зарар таркибида тан олинади. Шартнома бўйича харажатлар улар тегишли бўлган қурилиш ишлари бажарилган ҳисобот даврларида харажат сифатида

фойда ёки зарар таркибида, одатда, тан олинади.

Пудратчи томонидан шартнома бўйича келгуси фаолиятга тегишли бўлган харажатлар амалга оширилган бўлши мумкин. Бундай харажатлар актив сифатида, агар улар қопланишининг еҳтимоли мавжуд бўлса, тан олинishi керак. Бундай харажатлар буюртмачидан олинadиган суммани ифода қилиб, кўпинча тугалланмаган ишлаб чиқариш (қурилиш) сифатида таснифланади.

Қурилиш шартномасининг натижаси фақат шартнома билан боғлиқ иқтисодий наф ташкилот томонидан олинishi еҳтимоли мавжуд бўлганида ишончли баҳоланиши мумкин. Бироқ, шартнома бўйича даромадга киритилган ва фойда ёки зарар таркибида тан олинган сумманинг олинishi шубҳа тўғдирса, олиб бўлмайдиган сумма ёки олинishi еҳтимоли бўлмаган сумма шартнома бўйича даромаднинг тузатилиши эмас, балки харажат сифатида тан олинishi керак.

Ташкилот одатда шартнома натижасини ишочли баҳола олади, агар у қуйидагиларни аниқ белгиладиган шартномага келишган бўлса:

(а) қурилиши керак бўлган актив (қурилиш объекти) бўйича ҳар қайси томоннинг юридик кучга ега ҳуқуқлари;

(б) қурилиш объекти евазига олинadиган товон; ва

(в) ҳисоб-китобларнинг шакли ва шартлари.

Ташкилот учун, шунингдек, самарали ички молиявий режалатириш ва ҳисобот тизимига ега бўлиш муҳимдир. Ташкилот, зарур бўлганида, шартнома бўйича баҳоланган даромадлар ва харажатларни шартнома бажарилиши сари қайта кўриб чиқади. Бундай қайта кўриб чиқишлар зарурати мавжудлиги шартноманинг натижасини ишончли баҳолаб бўлмайдигани эмас.

Шартноманинг тугалланиши даражаси бир нечта усуллар билан аниқланиши мумкин. Ташкилот бажарилган ишларни ишончли даражада баҳоладиган усулдан фойдаланади. Шартноманинг хусусиятидан келиб чиқиб, бу усулларга қуйидагилар киритилиши мумкин:

(а) шартнома бўйича маълум санагача тугалланган ишларга оид амалга оширилган харажатларнинг шартнома бўйича жами баҳоланган харажатларга нисбатини аниқлаш;

(б) бажарилган ишларнинг назорат ўлчовини ўтказиш; ёки

(в) шартнома бўйича тугалланган ишларнинг физик кўрсаткичлардаги тугалланиш даражасини ҳисоблаш.

Буюртмачилар томонидан ишлар бажарилиши сари амалга ошириладиган тўловлар ва олинган бўнақлар кўпинча иш бажарилиши даражасини кўрсатмайди.

Тугалланиш даражаси маълум санагача амалга оширилган шартнома харажатларига боғлиқ равишда аниқланганида, шартнома бўйича харажатларнинг тугалланган ишларни акс еттирувчи қисмигина ушбу санагача амалга оширилган харажатларга киритилади. Уларга киритилмайдиган харажатларнинг мисоллари қуйидагича:

(а) шартнома бўйича келгуси фаолиятга тегишли бўлган шартнома харажатлари, масалан қурилиш майдонига йетказилган ёки шартнома бўйича

фойдаланиш учун олиб қўйилган, лекин шартномани бажаришда ҳалигача ўрнатилмаган, ишлатилмаган ёки фойдаланилмаган материаллар бўйича харажатлар, бундан шартнома учун махсус тайёрланган материаллар харажатлари мустасно; ва

(б) иккиламчи пудрат бўйича пудратчиларга иккиламчи пудрат шартномаси бўйича олдиндан бажарилган ишлар учун амалга оширилган тўловлар.

Қурилиш шартномасининг натижасини ишончли даражада баҳолаб бўлмаганда:

(а) даромадлар, қопланиши мумкин бўлган шартнома харажатларининг ҳажмидагина, тан олиниши керак; ва

(б) шартнома бўйича харажатлар улар амалга оширилган даврда харажат сифатида тан олиниши керак.

Қурилиш шартномаси бўйича кутилаётган зарар дарҳол харажат сифатида тан олиниши керак.

Кўпинча шартнома бажарилишининг илк босқичларида шартноманинг натижасини ишончли даражада баҳолаб бўлмайди. Шунга қарамасдан, ташкилот шартнома бўйича амалга ошириладиган харажатларни қоплаши еҳтимоли мавжуд бўлиши мумкин. Шунинг учун, шартнома бўйича даромад қопланиши кутилаётган харажатларнинг қисмидагина тан олинади. Шартноманинг натижасини ишончли даражада баҳолаш мумкин бўлмагани туфайли, фойда тан олинмайди. Бироқ, шартноманинг натижасини ишончли баҳолаш мумкин бўлмасада, шартнома бўйича жами харажатлар шартнома бўйича жами даромадлардан ошиб кетиши еҳтимоли мавжуд бўлиши мумкин.

Қопланиши еҳтимоли бўлмаган шартнома харажатлари дарҳол харажатлари сифатида тан олиниши керак. Амалга оширилган шартнома харажатларининг қопланиши еҳтимоли бўлмаган ва бундай харажатлар дарҳол харажатлар сифатида тан олиниши керак бўлиши мумкин бўлган вазиятлар мисолига қуйидаги шартномалар киради:

(а) улар тўлиқ юридик кучга ега эмас, яъни уларнинг ҳақиқийлиги жиддий шубҳа тўғдиради;

(б) уларнинг тугалланиши ҳал бўлмаган суд иши натижасига ёки қонунчиликка боғлиқ;

(в) мусодара ёки экспроприация қилиниши еҳтимоли бор мулкка тегишли;

(г) буюртмачи ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмас; ёки

(д) пудратчи шарномани ниҳоясига йетказиш ёки шартнома бўйича мажбуриятларни бошқача қилиб бажаришга қодир эмас.

Шартнома бўйича жами харажатлар шартнома бўйича жами даромадлардан ошса, кутилаётган зарар дарҳол харажат сифатида тан олиниши керак.

Бундай зарарнинг суммаси қуйидагилардан қатъий назар аниқланиши керак:

(а) шартнома бўйича ишлар бошланганлиги ёки бошланмаганлиги;

(б) шартнома бўйича ишларнинг тугалланиши даражаси; ёки

(в) қурилиш шартномаси сифатида ҳисобга олинмайдиган бошқа шартномалар бўйича олинishi кутилаётган фойда суммаси.

Тугалланиш даражаси (фоизи) усули кумулятив асосда шартнома бўйича даромадлар ва харажатларнинг жорий баҳоланган суммаларига нисбатан ҳар ҳисобот даврида қўлланилади. Шунинг учун, шартнома бўйича даромадлар ва харажатларнинг баҳоланишидаги ўзгаришларнинг оқибатлари, ёки шартнома натижасини баҳолашдаги ўзгаришнинг оқибати, бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашдаги ўзгариш каби ҳисобга олинади (БҲҲС 8 “*Ҳисоб сиёсатлари, бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатолар*” га қаранг). Ўзгарган баҳоланган суммалар ўзгариш рўй берган давр ва кейинги даврларнинг фойдаси ёки зарари таркибида тан олинган даромадлар ва харажатлар суммасига таъсир қилади.

3.2. БҲҲС (IAS) 18 “Одатдаги фаолиятдан олинadиган даромад”

БҲҲС (IAS) 18 “Одатдаги фаолиятдан олинadиган даромад” стандартининг мақсади даромад “Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал асоси” да қуйидагича аниқланади: “даромад – бу активларнинг келиб тушиши ёки кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайиши шаклида иқтисодий нафнинг ҳисобот даврида ўсишидир, ва ушбу ўсиш капиталнинг мулк егаларининг капиталга қўйилмалари билан боғлиқ бўлмаган кўпайишига олиб келади”. Даромад тушунчаси одатдаги фаолиятдан олинadиган даромад ва бошқа даромадни ўз ичига олади. Одатдаги фаолиятдан олинadиган даромад (кейинги матнда «даромад») ташкилотнинг одатдаги фаолияти доирасида ҳосил бўлади ва турлича номланади, шу жумладан сотишдан тушум, йиғимлар, фоизлар, дивидендлар, роялти ва ижара ҳақи. Ушбу Стандартнинг мақсади айрим турдаги операциялар ва ҳодисалар натижасида ҳосил бўладиган даромадни ҳисобга олиш тартибини белгилашдан иборатдир.

Даромадни ҳисобга олишдаги асосий масала бўлиб ушбу даромад қачон тан олинishi кераклигини аниқлаш ҳисобланади. Даромад келгуси иқтисодий наф ташкилот томонидан олинishi еҳтимоли мавжуд бўлганида ва ушбу наф ишончли даражада баҳоланиши мумкин бўлганда тан олинади. Мазкур стандарт ушбу мезонлар бажараладиган ва, шу боис, даромад тан олинadиган ҳолатларни белгилайди. У, шунингдек, ушбу мезонларни қўллаш бўйича амалий кўрсатмаларни беради.

Ушбу Стандарт қуйидаги операция ва ҳодисалар натижасида ҳосил бўладиган даромадни ҳисобга олишда қўлланилиши керак:

(а) товарларни сотиш;

(б) хизматларни кўрсатиш; ва

(в) бошқа томонлар ташкилотнинг фоизлар, роялти ва дивидендлар кўринишидаги даромадларни келтирадиган активларидан фойдаланиши.

Товарларга ташкилот томонидан сотиш мақсадида ишлаб чиқарилган товарлар ҳамда қайта сотиш учун харид қилинган товарлар, масалан чакана

савдо билан шуғулланадиган сотувчи томонидан харид қилинган товарлар ёки қайта сотиш мақсадида сақланаётган йер ва бошқа мулклар киради.

Хизмат кўрсатиш одатда ташкилот шартномада белгилаб қўйилган топшириқни келишилган давр давомида бажаришини ўз ичига олади. Хизматлар битта ёки бир неча даврлар давомида кўрсатилиши мумкин. Хизмат кўрсатишга оид айрим шартномалар қурилиш шартномалари билан бевосита боғлиқ бўлади, масалан, архитекторлар ва лойиха бошқарувчилари хизматига оид шартномалар. Бундай шартномалар бўйича юзага келадиган даромадлар мазкур стандартга биноан емас, балки БҲХС 11 “Қурилиш шартномалари” да қурилишга оид шартномалар бўйича белгиланган талабларга мувофиқ ҳисобга олинади.

Ташкилотнинг активларидан бошқа томонлар фойдаланиши натижасида қуйидаги кўринишдаги даромадлар юзага келади:

(а) фоизлар— Ташкилотга қарашли бўлган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентларидан ёки ташкилотга тўланиши керак бўлган суммалардан фойдаланилгани учун олинадиган ҳақ;

(б) роялти— Ташкилотга қарашли бўлган узоқ муддатли активлар, масалан патентлар, савдо белгилари, авторлик ҳуқуқлари ва дастурий таъминотлардан фойдаланилгани учун олинадиган ҳақ; ва

(в) дивидендлар— улушли инвестицияларнинг егаларига уларнинг айрим турдаги капиталдаги улушига мутаносиб равишда фойданинг тақсимланиши.

Ушбу стандарт қуйидагилардан келадиган даромадларга нисбатан қўлланилмайди:

(а) ижара шартномалари (БҲХС 17 “Ижара” га қаранг);

(б) улуш бўйича ҳисобга олиш усулида акс еттириладиган инвестициялардан олинадиган дивидендлар (БҲХС 28 “Қарам хўжалик субъектлари ва қўшма корхоналарга инвестициялар” га қаранг);

(в) МҲХС 4 “Суғурта шартномалари” нинг қўллаш доирасидаги бўлган суғурта шартномалари;

(г) молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятларнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар ёки уларнинг чиқиб кетиши (МҲХС 9 “Молиявий инструментлар” га қаранг);

(д) бошқа жорий активларнинг қийматидаги ўзгаришлар;

(е) қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли бўлган биологик активларни дастлабки тан олиш ва уларнинг ҳаққоний қиймати ўзгариши (БҲХС 41 “Қишлоқ хўжалиги”);

(ж) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини дастлабки тан олиш (БҲХС 41 га қаранг); ва

(з) минерал маъданларни қазиб олиш.

Даромад олинган ёки олинадиган товоннинг ҳаққоний қиймати бўйича баҳоланади.

Операция натижасида ҳосил бўладиган даромад суммаси одатда ташкилот билан харидор ёки активдан фойдаланувчи ўртасидаги келишув

асосида аниқланади. У олинган ёки олинадиган товоннинг ҳаққоний қиймати бўйича баҳоланади, бунда ташкилот томонидан рухсат етилган ҳар қандай савдо чегирмалари ёки улгуржи савдо чегирмалари ҳисобга олинади.

Ақсарият ҳолларда, товон пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари шаклида бўлади, ва даромаднинг суммаси бўлиб олинган ёки олинадиган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммаси хизмат қилади. Бироқ, пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари тушими кечиктирилган бўлса, товоннинг ҳаққоний қиймати олинган ёки олинадиган пул маблағларининг номинал қийматидан кам бўлиши мумкин. Масалан, ташкилот харидорга фоизсиз кредит бериши ёки сотилган товарга ҳақ сифатида харидор томонидан берилган ва бозор нархидан камроқ фоиз ставкасига ега бўлган векселни акцептлаши мумкин. Келишув амалда молиялаштириш операцияси бўлганида, товоннинг ҳаққоний қиймати барча келгуси тушимларни ҳисоблаб топилган фоиз ставкаси бўйича дисконтлаш орқали аниқланади. Ҳисоблаб топилган фоиз ставкаси – бу қуйидаги иккита ставкадан аниқроқ аниқланадигани:

(а) Кредит рейтинги бир хил бўлган емитентнинг ўхшаш молиявий инструментлари бўйича устувор ставкаси; ёки

(б) молиявий инструментнинг номинал қийматини товарлар ёки хизматларнинг сотиш нархларига тенг бўлгунча дисконтлайдиган фоиз ставкаси.

Агар товарлар ёки хизматлар қиймати тенг бўлган ёки ўхшаш товарлар ёки хизматларга алмаштирилса, бундай операция даромад келтирмайдиган операция бўлиб ҳисобланади. Бу кўпинча мой ёки сут каби маҳсулотларга ҳос, бунда мол йетказиб берувчилар муайян жойда ушбу маҳсулотларга бўлган талабни ўз вақтида қондириш мақсадида бошқа-бошқа жойларда жойлашган товар-моддий захиралар билан алмашишади. Товарлар ёки хизматлар ўхшаш бўлмаган товарлар ёки хизматларга алмаштирилиши йўли билан сотилса, бундай алмашиш даромад келтирадиган операция бўлиб ҳисобланади. Даромад олинган товарлар ёки хизматларнинг ушбу операцияда ўтказилган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига тузатилган ҳаққоний қиймати бўйича баҳоланади. Агар олинган товарлар ёки хизматларнинг ҳаққоний қийматини ишончли даражада баҳолаб бўлмаса, даромад берилган товарлар ёки хизматларнинг ушбу операцияда ўтказилган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига тузатилган ҳаққоний қиймати бўйича баҳоланади.

Стандартда келтирилган тан олиш мезонлари, одатда, ҳар бир алоҳида операцияга нисбатан қўлланилади. Бироқ, айрим ҳолатларда, тан олиш мезонларини битта операциянинг алоҳида ажратиладиган таркибий қисмларига нисбатан, ушбу операциянинг моҳиятини акс еттириш мақсадида, қўллаш зарур бўлади. Масалан, маҳсулотнинг сотиш нархи сотишдан сўнгги хизмат кўрсатиш учун алоҳида аниқлаб бўладиган суммани ўз ичига олса, бу сумма кечиктирилади ва хизмат кўрсатиладиган давр мобайнида даромад сифатида тан олинади. Ва тескари, тан олиш мезонлари иккита ва ундан ортиқ операцияларга нисбатан биргаликда қўлланилади, агар ушбу операциялар

уларнинг тижорат натижасини фақат бир қатор операцияларни бир бутун операция сифатида ҳисобга олганда тушуниб бўладиган тарзда бир-бирига боғлиқ бўлса. Масалан, ташкилот товарларни сотиши мумкин, ва, шу пайтнинг ўзида, ушбу товарларни кейинчалик қайта сотиб олишга қаратилган алоҳида шартнома тузиши ва бу билан операциянинг натижасини йўққа чиқариши мумкин. Бундай ҳолатда, иккита операция биргаликда ҳисобга олинishi керак.

Товарларни (маҳсулотларни) сотишдан даромад қуйидаги шартларнинг ҳаммаси бажарилганда тан олинishi керак:

(а) ташкилот товарларга егалик қилиш билан боғлиқ рисклар ва мукофотларнинг анча қисмини харидорга ўтказганида;

(б) ташкилот одатда егалик ҳуқуқига ҳос бўлган даражада сотилган товарларни ендиликда бошқара олмаганда ва уларни самарали даражада назорат қила олмаганда;

(в) даромаднинг суммасини ишончли даражада баҳолаб бўлганда;

(г) ташкилот томонидан операция билан боғлиқ бўлган иқтисодий нафнинг олинishi еҳтимоли мавжуд бўлганида; ва

(д) операция бўйича амалга оширилган ёки амалга ошириладиган харажатлар ишончли даражада баҳолана олганда.

Мулкка егалик қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ рисклар ва мукофотларнинг анча қисми ташкилот томонидан харидорга ўтказилиши пайтини аниқлаш учун операциянинг жиҳатларини ўрганиш талаб етилади. Аксарият ҳолларда, егалик ҳуқуқи билан боғлиқ рисклар ва мукофотларнинг ўтказилиши харидорга юридик егалик қилиш ҳуқуқи ёки тасарруф қилиш ҳуқуқининг ўтиши пайтига тўғри келади. Бу аксарият чакана савдо операцияларига ҳосдир. Бошқа ҳолларда, егалик ҳуқуқи билан боғлиқ рисклар ва мукофотларнинг ўтказилиши юридик егалик қилиш ҳуқуқи ёки тасарруф қилиш ҳуқуқининг ўтиши пайтига тўғри келмайди.

Ташкилот мулкка егалик қилиш билан боғлиқ рискларнинг анча қисмини сақлаб қолса, бундай операция сотиш бўлиб ҳисобланмайди ва даромад тан олинмайди. Ташкилот мулкка егалик қилиш билан боғлиқ рискларнинг анча қисмини турли ҳолатларда сақлаб қолиши мумкин. Ташкилот мулкка егалик қилиш билан боғлиқ рисклар ва мукофотларнинг анча қисмини сақлаб қоладиган ҳолатларга мисоллар қуйидагича:

(а) ташкилот маҳсулотнинг оддий кафолат шартлари билан қопланмаган ёмон ишлаши учун жавобгарликни сақлаб қолганида;

(б) муайян сотишдан даромад олиш харидор товарларни сотиши натижасида даромад олишига боғлиқ бўлганида;

(в) ўрнатишни талаб қиладиган товарлар сотилиб, ўрнатиш ташкилот томонидан охиригача бажарилмаган шартноманинг муҳим қисми бўлганида;

(г) харидор олди-сотди шартномасида келишилган сабабга кўра харидни бекор қилиш ҳуқуқига ега бўлганда ва ташкилотни даромад олишига ишончи комил бўлмаганида.

Ташкилот егалик қилиш билан боғлиқ рискнинг фақат аҳамиятсиз қисмини сақлаб қолганида, операция сотиш бўлиб ҳисобланади ва даромад тан

олинади. Масалан, сотувчи товарларга егалик қилиш ҳуқуқини олинishi лозим бўлган сумманинг ундирилишини таъминлаш мақсадидагина сақлаб қолиши мумкин. Бундай ҳолатда, агар ташкилот егалик ҳуқуқи билан боғлиқ рисклар ва мукофотларнинг анча қисмини ўтказган бўлса, операция сотиш бўлиб ҳисобланади ва даромад тан олинади. Ташкилот егалик қилиш билан боғлиқ рискнинг фақат аҳамияtsiz қисмини сақлаб қолишининг яна битта мисоли бўлиб харидор харид билан мамнун бўлмаганида унга пуллари қайтарилиши таклиф қилинган чакана сотув ҳисобланиши мумкин. Бундай ҳолларда даромад сотиш пайтида тан олинади, агар сотувчи келгусида товарларнинг қайтарилишини ишончли даражада баҳола олса ҳамда олдинги тажриба билан бошқа тегишли омиллар асосида қайтариладиган товарлар учун мажбуриятни тан олса.

Даромад операция билан боғлиқ бўлган иқтисодий наф ташкилот томонидан олинishi еҳтимоли мавжуд бўлганидагина тан олинади. Баъзи ҳолларда, бундай еҳтимол, товон олинмагунча ёки ноаниқлик бартараф бўлмагунча, мавжуд бўлмаслиги мумкин. Масалан, чет ел ҳукумати сотишдан олинган товонни хорижга ўтказилишига рухсат бериши ноаниқ бўлиши мумкин. Бундай рухсат берилганида, ноаниқлик бартараф бўлади ва даромад тан олинади. Бироқ, даромадга киритилган сумманинг ундириб олинishi тўғрисида шубҳа (ноаниқлик) тўғилганида, ундириб олиб бўлмайдиган ёки қопланиши еҳтимоли бўлмаган сумма олдин тан олинган даромад суммасининг тузатилиши емас, балки харажат сифатида тан олинади.

Хизматларни кўрсатиш бўйича операциянинг натижасини ишончли баҳолаб бўлса, операция билан боғлиқ бўлган даромад операциянинг ҳисобот даври охиридаги тугалланиши даражасига боғлиқ равишда тан олинади. Операциянинг натижасини қуйидаги шартлар бажарилганда ишончли баҳолаш мумкин бўлади:

- (а) даромаднинг суммасини ишончли даражада баҳолаш мумкин;
- (б) операция билан боғлиқ иқтисодий наф ташкилот томонидан олинishi еҳтимоли мавжуд;
- (в) операциянинг ҳисобот даври охиридаги тугалланиш даражасини ишончли баҳолаш мумкин; ва
- (г) операция бўйича амалга оширилган харажатларни ҳамда операцияни охирига йетказиш учун зарур харажатларни ишончли баҳолаш мумкин.

Даромадларнинг операциянинг тугалланиши даражасига боғлиқ равишда тан олинishi, кўпинча, тугалланиш даражаси (фоизи) усули деб юритилади. Бу усул бўйича, даромад хизматлар кўрсатилган ҳисобот даврларида тан олинади. Даромаднинг ушбу усул бўйича тан олинishi давр давомида кўрсатилган хизматларнинг ҳажми ва фаолият натижалари тўғрисида фойдали маълумот беради. БҲХС 11 ҳам даромадларнинг ушбу усул бўйича тан олинishини талаб этади. БҲХС 11нинг талаблари одатда хизматларни кўрсатишни камраб оладиган операция бўйича даромадларни ва улар билан боғлиқ харажатларни тан олишда қўлланилиши мумкин.

Даромад операция билан боғлиқ бўлган иқтисодий наф ташкилот томонидан олиниши еҳтимоли мавжуд бўлганидагина тан олинади. Бирок, даромадга киритилган сумманинг ундириб олиниши тўғрисида шубҳа (ноаниқлик) туғилганида, ундириб олиб бўлмайдиган ёки қопланиши еҳтимоли бўлмаган сумма олдин тан олинган даромад суммасинининг тузатилиши эмас, балки харажат сифатида тан олинади.

Ташкилот операцияда иштироқ етувчи бошқа томонлар билан қуйидагилар бўйича келишганидан сўнг, одатда, даромадни ишочли баҳола олади:

(а) кўрсатиладиган ва операциянинг томонлари томонидан қабу қилинадиган хизмат юзасидан ҳар қайси томоннинг юридик кучга ега ҳуқуқлари;

(б) хизматлар евазига олинадиган товон; ва

(в) ҳисоб-китобларнинг шакли ва шартлари.

Ташкилот учун, шунингдек, самарали ички молиявий режалатириш ва ҳисобот тизимига ега бўлиш муҳимдир. Ташкилот, зарурият тўғилганда, баҳоланган даромадларни хизматлар бажарилиши сари қайта кўриб чиқади. Бундай қайта кўриб чиқишлар зарурати мавжудлиги операциянинг натижасини ишончли баҳолаб бўлмайдигани дегани эмас.

Операциянинг тугалланиши даражаси бир нечта усуллар билан аниқланиши мумкин. Ташкилот кўрсатилган хизматларни ишончли даражада баҳолайдиган усулдан фойдаланади. Операциянинг хусусиятидан келиб чиқиб, бу усулларга қуйидагилар киритилиши мумкин:

(а) бажарилган ишларнинг назорат ўлчовини ўтказиш;

(б) маълум санагача кўрсатилган хизматларнинг жами кўрсатиладиган хизматларга нисбатини (фоизларда) аниқлаш; ёки

(в) операция бўйича маълум санагача амалга оширилган харажатларнинг операция бўйича жами баҳоланган харажатларга нисбатини аниқлаш. Маълум санагача амалга оширилган харажатларга фақат ўша санагача кўрсатилган хизматларни акс еттирадиган харажатлар киритилади. Операция бўйича жами баҳоланган харажатларга кўрсатилган ёки кўрсатилиши керак бўлган хизматлар бўйича харажатлар киритилади.

Буюртмачилар томонидан хизматлар кўрсатилиши сари амалга ошириладиган тўловлар ва олинган бўнақлар кўпинча хизматлар кўрсатилиши даражасини кўрсатмайди.

Ташкилотнинг фоизлар, роялти ва дивидендлар кўринишидаги даромадларни келтирувчи активларидан бошқа томонлар фойдаланиши натижасида ҳосил бўладиган даромад қуйидагича тан олиниши керак:

(а) операция билан боғлиқ бўлган иқтисодий наф ташкилот томонидан олиниши еҳтимоли мавжуд бўлганида; ва

(б) даромаднинг суммасини ишончли даражада баҳолаб бўлганда.

Даромад қуйидаги асосда тан олиниши лозим:

(а) фоизлар БҲХС 39да белгиланганидек эффектив фоиз ставкаси усулида тан олиниши керак;

(б) роялти тегишли шартноманинг моҳиятига кўра ҳисоблаш усули бўйича тан олинishi керак; ва

(в) дивидендлар, ҳиссадор томонидан тўлов олинishi ҳуқуқи кучга кирганида, тан олинishi керак.

Таянч сўзлар.

Одатдаги фаолиятдан олинадиган даромад (кейинги матнда “даромад”) - маълум давр мобайнида ташкилотнинг одатдаги фаолияти натижасида олинадиган иқтисодий нафнинг ялпи тушими бўлиб, ушбу тушим мулк егаларининг капиталга қўйилмалари билан боғлиқ бўлмаган капиталнинг кўпайишига олиб келади.

Даромад ташкилотнинг фақат ўзи учун олинган ёки олинадиган иқтисодий нафнинг ялпи тушимини қамраб олади. Учинчи томонлар номидан ундириб олинган суммалар, масалан сотишдан солиқлар, товарлар ва хизматлардан олинадиган солиқлар, қўшилган қиймат солиғи, ташкилотга келиб тушадиган иқтисодий наф бўлиб хизмат қилмайди ва капиталнинг кўпайишига олиб келмайди. Шу боис, улар даромадга киритилмайди. Шунга ўхшаш, воситачилик муносабатларида, иқтисодий нафнинг ялпи тушими буюртмачи номидан ундириладиган суммаларни қамраб олади, лекин ташкилотнинг капитали ошишига олиб келмайди. Буюртмачи номидан ундирилган суммалар даромад бўлиб ҳисобланмайди. Аксинча, даромад бўлиб воситачилик ҳақи ҳисобланади.

Тушум – бу ҳисоб даврида компаниянинг одатдаги фаолияти давомида юзага келган иқтисодий нафларнинг ялпи тушуми бўлиб, қачонки унинг натижаси акционерларнинг бадаллари ҳисобига капиталнинг ўсишидан фарқ қиладиган капиталнинг ўсиши ҳисобланса.

4- МАВЗУ. НОМОЛИЯВИЙ АКТИВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СТАНДАРТЛАРИНИНГ ТАВСИФИ

4.1. БҲХС (IAS) 2 “Захиралар”

БҲХС (IAS) 2 “Захиралар” номли стандартнинг мақсади товар-моддий захираларни (ТМЗларни) ҳисобга олиш тартибини белгилашдан иборатдир. ТМЗларни ҳисобга олишда асосий масала бўлиб ТМЗларнинг таннархи қандай суммада актив сифатида тан олинishi ва улар билан боғлиқ бўлган даромадлар келгуси даврларда тан олингунча ҳисобга олинishi кераклиги ҳисобланади. Ушбу Стандарт таннарх ва унинг кейинчалик харажат сифатида тан олинishi, шу жумладан унинг ҳар қандай соф сотиш қийматигача камайтирилиши бўйича кўрсатмаларни беради. У, шунингдек, товар-моддий захираларнинг таннарҳини аниқлашда қўлланиладиган таннарҳни ҳисоблаш формулалари бўйича кўрсатмаларни келтиради.

Ушбу стандарт, қуйидагилардан ташқари, барча товар-моддий захираларга нисбатан қўлланилади⁸:

- қурилиш шартномалари, шу жумладан улар билан бевосита боғлиқ бўлган хизмат шартномалари остида келиб чиқадиган тугалланмаган ишлаб чиқариш (БҲХС 11 “Қурилиш Шартномалари” га қаранг);
- молиявий инструментлар (БҲХС 32 “Молиявий Инструментлар: Тақдим етиш” ва МҲХС 9 “Молиявий Инструментлар” га қаранг); ва
- қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли биологик активлар ва йиғим жараёнидаги қишлоқ хўжалиги ҳосиллари (БҲХС 41 “Қишлоқ хўжалиги”).

Ушбу Стандарт қуйидагилар еғалигидаги товар-моддий захираларга нисбатан қўлланилмайди:

- қишлоқ ва ўрмон хўжаликлари маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар, йиғимдан сўнгги қишлоқ хўжалиги ҳосиллари, фойдали қазилмалар ва қазилма маҳсулотлари, агар улар шу соҳаларда ўрнатилган илғор амалиётларга мувофиқ соф сотиш қиймати бўйича баҳоланадиган бўлса. Агар бундай ТМЗлар соф сотиш қиймати бўйича баҳоланадиган бўлса, ушбу қийматдаги ўзгаришлар шу ўзгариш рўй берган даврдаги фойда ёки зарарида тан олинади.

- ўз ТМЗларини сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймат бўйича баҳолайдиган, товарларни сотувчи брокер-трейдерлари. Бундай ТМЗлар сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олинганида, сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматдаги ўзгаришлар ўзгариш рўй берган даврдаги фойда ёки зарарида тан олинади.

Товар-моддий захиралари таннарҳи ёки соф сотиш қийматидан қайси бири камроқ бўлса, ўша бўйича баҳоланиши лозим.

Товар-моддий захиралар таннарҳига ТМЗларни сотиб олиш, қайта ишлаш ва уларни ҳозирги пайтдаги жойлашиши ҳамда ҳолатига келтириш учун амалга оширилган бошқа жами харажатлар киритилиши лозим.

Товар-моддий захиранинг сотиб олиш харажатларига харид нарҳи,

⁸ M.Bonham and others. Generally accepted Accounting practice under IFRS. Ernst & Young LLP, United States, 2010.- part 2. p.1327-1328.

импорт божлари ва бошқа солиқлар (солиқ идоралари томонидан хўжалик субъектига кейинчалик қайтариладиганлардан ташқари), ташиш, ортиш-тушириш ҳамда тайёр маҳсулотлар, материаллар ва хизматларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бошқа жами харажатлар киради. Савдо чегирмалари, қоплаб беришлар ва шу кабилар сотиб олиш харажатларидан чегирилиб ташланиши лозим.

Товар-моддий захираларни қайта ишлаш харажатларига маҳсулотни ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ харажатлар, масалан бевосита меҳнат харажатлари, киради. Уларга, шунингдек, материалларни тайёр маҳсулотга айлантиришда амалга ошириладиган ва систематик тарзда тақсимланадиган доимий ва ўзгарувчан устама харажатлар ҳам киради. Доимий ишлаб чиқариш устама харажатлари - бу ишлаб чиқариш ҳажмидан қатъий назар нисбатан доимий бўлиб қоладиган билвосита ишлаб чиқариш харажатларидир, масалан ишлаб чиқариш бинолари ва ускуналарининг ескириши ва уларни сақлаш харажатлари ҳамда ишлаб чиқаришни бошқариш харажатлари. Ўзгарувчан ишлаб чиқариш устама харажатлари бу ишлаб чиқариш ҳажмига тўғридан-тўғри ёки деярли тўғридан-тўғри боғлиқликда ўзгарадиган билвосита ишлаб чиқариш харажатларидир, масалан билвосита материаллар ва билвосита меҳнат харажатлари.

Бошқа харажатлар ТМЗлар таннархига, фақатгина ТМЗларни ҳозирги пайтдаги жойлашиши ва ҳолатига келтириш учун сарфланган харажатлар ҳажмидагина, киритилади. Масалан, но-ишлаб чиқариш устама харажатлари ёки махсус мижозлар учун маҳсулотларни ясаш харажатларини товар-моддий захиралар таннархига киритиш ўринли бўлиши мумкин.

Товар-моддий захиралар таннархига киритилмайдиган ва улар келиб чиққан давр харажатлари сифатида тан олинадиган харажатлар мисолига қуйидагилар киради⁹:

(а) меъёридан ташқари сарфланган хом ашё, меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш харажатлари суммаси;

(б) сақлаш харажатлари, агар бу харажатлар ишлаб чиқариш жараёнининг кейинги босқичлари учун талаб етилмаса;

(в) товар-моддий захираларни ҳозирги пайтдаги жойлашиши ва ҳолатига келтириш билан боғлиқ бўлмаган маъмурий устама харажатлар; ва

(г) сотиш харажатлари.

МҲХС 23 “Қарзлар бўйича харажатлар” олинган қарзлар бўйича харажатлар товар-моддий захиралар таннархига киритиладиган камдан-кам ҳолларини белгилайди.

Хўжалик субъекти товар-моддий захираларни кечиктириб тўлаш шартларида сотиб олиши мумкин. Агар бундай келишув амалда молиялаштириш элементини ўз ичига олса, бу элемент, масалан, одатдаги шартларда кредитга сотиб олиш нарҳи ва тўлов суммаси орасидаги фарқ, ушбу молиялаштириш даврида фоиз харажатлари сифатида тан олинishi шарт.

⁹ M.Bonham and others. Generally accepted Accounting practice under IFRS. Ernst & Young LLP, United States, 2010.- part 2. p.1331-1334.

1-мисол.

Ишлаб чиқариш компанияси ТМЗлар пртиясини сотиб олмоқда. Материалнинг переёскурант баҳоси 12 ш.б. Сотувчи 500 тадан 1000 тагача материал сотиб олса 4%, 1000 тадан ортиқ сотиб олса 8% чегирма беради. Компания 900 та материални ҳозир, келгусида 300 та сотиб олишни режалаштирмоқда. Сотувчи сотув баҳосидан 20% ҚҚС тўлайди. Омбога олиб келишгача транспорт харажатлари 1300 ш.б.

Сотиб олиш таннархини аниқланг.

Ечим.

Сотиб олиш таннархи = $900 \times 12 \times (100\% - 4\%) + 1300 = 11668$ ш.б.

2-мисол.

Компания тўловни кечиктириш шарти билан товарлар партиясини сотиб олмоқда. Компания 3 ойдан кейин 76800 ш.б. тўлайди. Ўз вақтида тўланса товар партияси 75000 ш.б. туради.

1. Сотиб олишдаги проводка:

Дт Хом ашё ва материаллар (М2010) 75000

Кт Мол йетказиб берувчиларга тўланадиган счёилар (М6010) 75000

2. Ойлик харажатни тан олиш (фоиз харажатлари)

Дт Фоиз харажатлари (М9610) 600

Кт Мол йетказиб берувчиларга тўланадиган счёилар (М6010) 600

$(76800 - 75000) / 3 \text{ ой} = 600$ ш.б.

3-мисол.

Компания олти ой давомида ойига 90000 иш соат меъёрини ўрнатди. Ойлик ишлаб чиқариш устама харажатлари 144000 ш.б. Компания 1 ойда 80000 иш соат, 2 ойда 105000 иш соат ишлади.

Ишлаб чиқариш устама харажатларини тақсимланг:

1. Биринчи ой учун тақсимланмаган устама харажатларни фойда ва зарарга ҳисобдан чиқарилади:

Дт Сотилган таннархи (М9110)

ёки Дт Бошқа операцион харажатлар (М9430) 16000

Кт Умумишлаб чиқариш харажатлари (М2400) 16000

$144000 / 90000 \times (90000 - 80000) = 16000$ ш.б.

2. Иккинчи ой учун ортиқча пайдо бўлган харажатни қайта тиклаш керак:

Дт Умумишлаб чиқариш харажатлари (М2400) 24000

Кт Асосий ишлаб чиқариш (М2100)

ёки Кт Сотилган таннархи (М9110) 24000

4-мисол.

Чакана савдо ташкилоти захираларини чакана савдо усулида баҳолайди. Озиқ овқат маҳсулотлари учун 20 % ли ўртача маржа усулини қўллайди. Бу маҳсулотнинг ой бошига қолдиги 40000 ш.б. (таннархи), 8000 ш.б. (савдо

устамаси) Ой давомида 360000 ш.б. (таннархи) маҳсулот сотиб олинди ва 450000 ш.б. маҳсулот сотилди.

Сотилган маҳсулотларнинг савдо устамаси ва сотиш баҳосини топинг

1. Сотилган маҳсулот савдо устамаси:

$40000 + 360000 - 450000 / (100\% + 20\%) = 25000$ ш.б.

2. Сотиш баҳоси:

$450000 / (100\% + 20\%) = 375000$ ш.б.

Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар товар-моддий захираларга ега бўлганида, улар бу ТМЗларни ишлаб чиқариш харажатлари суммасида баҳолайдилар. Бу харажатлар, асосан, хизмат кўрсатишда бевосита банд бўлган ходимлар, шу жумладан уларни назорат қиладиган ходимлар билан боғлиқ бўлган меҳнат ҳақи ва бошқа харажатлар, ҳамда тегишли устама харажатлардан ташкил топади. Хизматларни сотишда банд бўлган ва умумий маъмурий ходимларга тегишли бўлган меҳнат ҳақи ва бошқа харажатлари таннархга киритилмайди, ва улар келиб чиққан даврнинг харажатлари сифатида тан олинади. Аксарият ҳолларда, хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ТМЗлари таннархига улар томонидан хизмат нарҳига киритиладиган фойда меъёри ёки тақсимланмайдиган устама харажатлар киритилмайди.

МҲХС 41 “Қишлоқ хўжалиги”га асосан хўжалик субъекти ўзининг биологик активларидан йиғиб олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўз ичига оладиган товар-моддий захиралари, уларни дастлабки тан олишда йиғим пайтидаги сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати бўйича баҳоланади. Бу ўша санадаги товар-моддий захираларнинг, мазкур стандарт қўлланилиши мақсадидаги, таннархидир.

ТМЗлар таннархини баҳолаш учун, қулайлик мақсадида, меъёрий харажатлар бўйича таннархни ҳисоблаш усули ёки чакана усули каби усуллардан фойдаланиш мумкин, агарда уларни қўллаш натижалари тахминан таннархга тенг бўлса. Меъёрий харажатларда хом ашё ва материаллар, ишчи кучи, самарадорлик ва қувватдан фойдаланишнинг нормал даражаси ҳисобга олинади. Меъёрлар доимий тарзда таҳлил қилиб турилади, ва, зарур ҳолларда жорий шарт-шароитларга қараб қайта кўриб чиқилади.

Чакана усули кўпинча чакана савдо соҳасида кўп сонли, тез-тез ўзгариб турувчи, ва бир хил фойда олиб келадиган шундай ТМЗларни баҳолаш учун фойдаланиладики, улар таннархини ҳисоблаш учун бошқа усулларни қўллашни амалий иложи бўлмайди. Товар-моддий захиранинг таннархи ушбу ТМЗнинг сотиш қийматини ялпи фойданинг тегишли фоизига камайтириш йўли билан аниқланади. Қўлланиладиган фоизни аниқлашда, қиймати дастлабки сотиш нарҳидан камайтирилган товар-моддий захиралари ҳисобга олинади. Кўпинча ҳамма чакана савдо БОБлари бўйича ўртача фоиз қўлланилади.

5-мисол.

Ой бошига компанияда А товардан 200 дона 15 ш.б. дан бор еди. Келгуси ой давомида А товар бўйича қуйидаги сотиб олиш ва сотишлар амалга оширилди:

Кунлар	Сотиб олиш	Сотиш
--------	------------	-------

5 кун		160 дона
14 кун	380 дона 15.1 ш.б.дан	
18 кун		50 дона
22 кун	270 дона 15.3 ш.б. дан	
27 кун		560 дона

ФИФО усули:

Сотилган = $200 \times 15 + 380 \times 15,1 + 190 \times 15,3 = 11645$ ш.б.

Қолдиқ = $200 \times 15 + 380 \times 15,1 + 270 \times 15,3 - 11645$ ш.б. = 1224 ш.б.

Ўртача тортилган усул:

Ўртача қиймат бирлик = $(200 \times 15 + 380 \times 15,1 + 270 \times 15,3) / (200 + 380 + 270) = 15.14$ ш.б.

Сотилган = $(160 + 50 + 560) \times 15.14 = 11657.80$ ш.б.

Қолдиқ = $200 \times 15 + 380 \times 15,1 + 270 \times 15,3 - 11657.8$ ш.б. = 1211.20 ш.б.

Одатда бир-бирини ўрнини босмайдиган (бир-бирини алмаштира олмайдиган) ТМЗлар моддаларининг ҳамда махсус лойиҳалар учун ишлаб чиқарилган ва ажратилган товарлар ва хизматларнинг таннархи уларга тегишли алоҳида харажатларнинг махсус аниқланиши йўли билан баҳоланади.

Таннархни махсус аниқланиши деганда алоҳида харажатларнинг товар-моддий захираларнинг алоҳида аниқланган моддаларига олиб борилиши тушунилади. Бу махсус лойиҳа учун ажратилган ТМЗларни ҳисобга олишда, улар сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган бўлишидан қатъий назар, тўғри ёндашув ҳисобланади. Аммо, кўп миқдордаги, одатда бир-бирини ўрнини босадиган ТМЗлар моддалари мавжуд бўлганида, харажатларнинг махсус аниқланиши ноўрин ҳисобланади. Бундай ҳолларда, фойда ёки зарар шаклланишида олдиндан белгиланган натижаларга еришиш мақсадида товар-моддий захираларда қоладиган моддаларни танлаш усулини қўллаш мумкин.

Товар-моддий захиралар таннархи биринчи-кирим, биринчи-чиқим (ФИФО) усули ёки ўртача тортилган қиймат формуласи орқали аниқланиши лозим. Хўжалик субъекти, унинг учун бир хил хусусиятга ега бўлган ва бир хил тарзда фойдаланиладиган барча товар-моддий захиралар бўйича бир хил таннархни аниқлаш формуласидан фойдаланиши шарт. Ҳар хил хусусиятга ега бўлган ва ҳар хил йўналишда ишлатиладиган товар-моддий захиралар учун ҳар хил таннархни аниқлаш формулаларидан фойдаланиш мумкин.

Масалан, товар-моддий захиралардан битта операцион сегментида фойдаланиш тарзи хўжалик субъектининг бошқа операцион сегментида шу турдаги товар-моддий захиралардан фойдаланиш тарзидан фарқланиши мумкин. Аммо, товар-моддий захираларнинг географик жойлашувидаги (ёки солиқ қоидаларига нисбатан) фарқ ўз-ўзидан ҳар хил таннарх формулаларидан фойдаланишга асос бўла олмайди.

Товар-моддий захираларнинг таннархи агар ушбу захиралар шикастланган, ёхуд бутунлай ёки қисман ескирган, ёки уларнинг сотиш

нархлари камайган бўлса, қопланмаслиги мумкин. Товар-моддий захираларнинг таннархи, шунингдек, ишлаб чиқаришни охирига йетказиш бўйича баҳоланган харажатлар ёки сотувни амалга ошириш бўйича баҳоланган харажатлар ошган тақдирда ҳам қопланмаслиги мумкин. Товар-моддий захиралар қийматини таннархдан паст бўлган соф сотиш қийматиғача камайтириш амалиёти шундай нуқтаи назар билан тўғри келадики, бунда активлар уларнинг сотилиши ёки фойдаланишидан олиниши кутилаётган суммадан ошмаган қийматда ҳисобга олиниши зарур.

Одатда товар-моддий захиралар моддама-модда соф сотиш қийматиғача камайтиради. Аммо айрим ҳолларда, бир хил ёки ўзаро боғлиқ моддаларни гуруҳлаштириш ўринли бўлиши мумкин. Бу товар-моддий захираларнинг бир хил мақсадда ёки бир хил якуний истеъмолчилар учун ишлаб чиқариладиган, бир хил географик ҳудудда ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган маҳсулот тури билан боғлиқ бўлган, ҳамда ушбу маҳсулот турига кирадиган бошқа моддалардан амалда алоҳида баҳолана олмайдиган моддаларига тегишли бўлиши мумкин. Товар-моддий захираларнинг таннархини, уларнинг таснифланиши, масалан, тайёр маҳсулотлар ёки маълум бир оператив сегментдаги барча товар-моддий захиралар, асосида камайтириш нотўғридир. Хизмат кўрсатувчи ташкилотлар одатда алоҳида сотиш наҳи белгиланадиган ҳар бир хизмат бўйича харажатларни тўплайдилар. Шу туфайли, ҳар бир бундай хизматга алоҳида модда сифатида қаралади.

Соф сотиш қийматининг баҳоланиши сотилиши кутилаётган товар-моддий захираларнинг суммаси баҳоланган пайтида мавжуд бўлган енг ишончли далилларга асосланади. Бундай баҳоланда, давр тугашидан кейин рўй берадиган ҳодисалар билан бевосита боғлиқ бўлган нархнинг ёки таннархнинг ўзгаришлари ҳисобга олинади, агар бундай ҳодисалар давр охирига мавжуд бўлган шарт-шароитларни тасдиқласа.

Товар-моддий захиралар сотилганида, ушбу захираларнинг баланс қиймати харажат сифатида, улар билан боғлиқ бўлган даромад тан олинадиган даврда, тан олиниши лозим. Ҳар қандай товар-моддий захирани соф сотиш қийматиғача камайтириш суммаси ва захиралар бўйича йўқотишлар ушбу камайтириш ёки йўқотиш рўй берган даврда харажат сифатида тан олиниши лозим. Соф сотиш қийматининг ошиши натижасида келиб чиқадиган товар-моддий захираларини камайтиришнинг ҳар қандай қайта тиклаш суммаси, харажат бўлиб тан олинган ТМЗлар суммасининг камайиши сифатида бундай қайта тиклаш рўй берган даврда тан олиниши лозим.

Баъзи товар-моддий захираларнинг қиймати бошқа активлар счётига олиб борилиши мумкин, масалан, ўз кучи билан қурилган асосий воситанинг таркибий қисми сифатида. Бундай усул билан бошқа активларга киритилган товар-моддий захиранинг қиймати, ушбу активдан фойдаланиш муддати давомида харажат сифатида тан олинади.

4.2. БҲХС (IAS) 16 “Асосий воситалар”

БҲХС (IAS) 16 “Асосий воситалар” номли стандартининг мақсади

молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар тадбиркорлик субъектининг асосий воситаларига қилган инвестицияларини ва бундай инвестициялардаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларни тушуниши учун асосий воситаларни ҳисобга олиш тартибини белгилаб беришдан иборатдир. Асосий воситаларни ҳисобга олишда асосий масалалар бўлиб активларни тан олиш, уларнинг баланс қийматини аниқлаш ва улар бўйича ескириш харажатларини ва қадрсизланиш бўйича зарарларни тан олиш ҳисобланади.

Ушбу Стандарт асосий воситаларни ҳисобга олишда қўлланилиши лозим, бироқ бошқа Стандартлар асосий воситаларни ўзгача ҳисобга олишни талаб етган ёки рухсат етган ҳоллари бундан мустасно.

Ушбу Стандарт қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди¹⁰:

(а) МҲХС 5 “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва давом еттирилмайдиган фаолият” га асосан сотиш учун мўлжалланган деб таснифланмайдиган асосий воситалар;

(б) қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли биологик активлар (БҲХС 41 “Қишлоқ хўжалиги” га қаранг);

(в) фойдали қазилмаларни қидириш ва аниқлашда ушбу фойдали қазилмаларнинг тан олиниши ва баҳоланиши (МҲХС 6 “Фойдали қазилмаларни қидириш ва аниқлаш” га қаранг); ёки

(г) нефт, табиий газ ва шунга ўхшаш қайта тикланмайдиган ресурслар каби фойдали қазилмаларга ҳуқуқлар ва фойдали қазилмаларнинг заҳиралари.

Бироқ, ушбу Стандарт (б)–(г) бандларда қайд қилинган активларни қазиб олиш ёки ишлатишда фойдаланиладиган асосий воситаларга нисбатан қўлланилади.

Баланс қиймати – бу ҳар қандай жамғарилган ескириш ва йиғилган қадрсизланиш бўйича зарарлар чегириб ташланганидан сўнг активнинг тан олинадиган суммасидир.

Таннарх – бу активни унинг хариди ёки қурилиши пайтида сотиб олиш учун тўланган пул маблағи ёки пул маблағи эквивалентидаги қиймат ёки бошқа турдаги унинг евазига берилган товоннинг ҳаққоний қиймати ёки, тегишли ҳолларда, бошқа МҲХСларнинг, масалан МҲХС 2 “Акцияга асосланган тўлов” нинг аниқ талабларига мувофиқ ушбу активнинг дастлабки тан олинишидаги қийматдир.

Ескириш ҳисобланадиган қиймат – бу активнинг тугатиш қиймати чегирилгандаги таннархи ёки таннарх ўрнига акс еттириладиган бошқа қийматдир.

Ескириш – бу активнинг ескириш ҳисобланадиган қийматини унинг фойдали хизмат муддати давомида систематик тарзда харажатларга олиб боришдир.

Тадбиркорлик субъектига хос қиймат - бу тадбиркорлик субъекти томонидан активдан давомий фойдаланишидан ва фойдали хизмат муддати охирида балансдан чиқаришдан ёки мажбурият сўндирилганида қутиладиган

¹⁰ M.Bonham and others. Generally accepted Accounting practice under IFRS. Ernst & Young LLP, United States, 2010. - part 2. p.1122-1123.

пул оқимларининг келтирилган қийматидир.

Ҳаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишда олинishi мумкин бўлган ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши мумкин бўлган нархдир. (МҲХС 13 “Ҳаққоний қийматни баҳолаш” га қаранг).

Қадрсизланиш бўйича зарар - бу активнинг баланс қийматининг унинг қопланадиган қийматидан ошадиган қисмидир.

Асосий воситалар – қуйидагилар учун мўлжалланган моддий активлардир:

(а) маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки йеткизиб бериш, ёки хизматларни кўрсатиш, ёки бошқа томонларга ижарага бериш, ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган; ва

(б) бир даврдан узоқроқ муддат давомида фойдаланилиши кутилган.

Қопланадиган қиймат – бу активнинг қуйидаги қийматларидан юқорироғи: сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати ва унинг фойдаланишдаги қиймати.

Активнинг тугатиш қиймати - бу активнинг чиқиб кетиши бўйича баҳоланган харажатлар чегирилган ҳолда, тадбиркорлик субъекти айна пайтда худди актив фойдали хизмат муддати охирида кутилган муддати ва ҳолатида бўлганидек активнинг чиқиб кетишидан оладиган баҳоланган қийматидир.

Фойдали хизмат муддати бу¹¹:

(а) активнинг тадбиркорлик субъекти томонидан фойдаланиши учун яроқли бўлиши кутилган давр; ёки

(б) тадбиркорлик субъекти томонидан активдан олинishi кутилган ишлаб чиқариш ҳажми (миқдори) ёки шунга ўхшаш бирликлар сони.

Асосий воситалар объектининг таннархи фақатгина қуйидаги шартлар бажарилганда актив сифатида тан олинади:

(а) тадбиркорлик субъекти томонидан асосий восита билан боғлиқ келгуси иқтисодий наф олинishi еҳтимоли мавжуд бўлса; ва

(б) активнинг таннархи ишончли баҳолана олса.

Еҳтиёт қисмлар, ёрдамчи ва таъмирловчи жиҳозлар каби моддалар асосий воситалар таърифига мос келганида ушбу МҲХСга мувофиқ тан олинади. Акс ҳолларда бундай моддалартовар-моддий захиралар сифатида таснифланади.

Ушбу Стандарт тан олиш учун ўлчов бирлигини, яъни асосий восита объекти нимадан ташкил топишини белгилаб бермайди. Шунинг учун, тадбиркорлик субъектининг ўзига хос шарт-шароитларида тан олиш мезонларини қўллаш учун мулоҳаза қилиш талаб етилади. Қолиплар, дастаклар ва муҳрлар каби алоҳида муҳим бўлмаган моддаларни бирлаштириш ва тан олиш мезонларини ушбу бирлаштирилган қийматга нисбатан қўллаш ўринли бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик субъекти барча асосий воситалар билан боғлиқ харажатларни уларнинг келиб чиқиш пайтига қараб ушбу тан олиш мезонлари

¹¹ M.Bonham and others. Generally accepted Accounting practice under IFRS. Ernst & Young LLP, United States, 2010. - part 2. p.1128.

асосида баҳолайди. Бундай харажатлар ўз ичига асосий восита объектини сотиб олиш ёки қуриш билан боғлиқ бошланғич харажатларни, ҳамда асосий воситани кейинчалик кенгайтириш, қандайдир қисмини алмаштириш ёки унга техник хизмат кўрсатиш учун амалга оширилган харажатларни қамраб олади.

Асосий воситалар объектлари хавфсизлик ёки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларида сотиб олинishi мумкин. Бу каби асосий воситаларни сотиб олиш мавжуд бўлган қандайдир асосий восита объектдан олинadиган келгуси иқтисодий нафни бевосита оширмасада, тадбиркорлик субъекти бошқа активларидан келгусида иқтисодий наф олиши учун зарур бўлиши мумкин. Бундай асосий воситалар объектлари актив сифатида тан олинади, чунки улар ёрдамида тадбиркорлик субъекти томонидан улар билан боғлиқ бўлган активлардан келгусида олинadиган иқтисодий наф бундай объектлар сотиб олинмаганида олинadиган нафдан кўра кўпроқ бўлади. Масалан, кимёвий махсулотларни ишлаб чиқарувчи корхона хавфли кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш ва сақлаш билан боғлиқ экологик талабларга риоя этиш мақсадида янги кимёвий моддалар билан ишлаш технологияларини жалб этиши мумкин; тегишли янги технологиялар актив сифатида тан олинади, чунки уларсиз тадбиркорлик субъекти кимёвий махсулотларни ишлаб чиқара ва сота олмайди. Бироқ, бундай актив ва у билан боғлиқ бўлган активларнинг баланс қиймати қадрсизланганлиги БҲХС 36 “Активларнинг қадрсизланиши” га мувофиқ текширилади.

Айрим компаниялар асосий воситалари таркибида ижтимоий объектлар мавжуд. Масалан, уй жойлар, боғча ва шу кабилар, ходимларни пулсиз кўринишда рағбатлантиришни ифодалайди ва натижада, ходимларга пуллик харажатларни камайишига сабаб бўлади.

Тан олиш мезонларига кўра, тадбиркорлик субъекти асосий восита объектнинг баланс қийматига объектнинг кундалик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатларини киритмайди. Бундай харажатлар келиб чиқиш пайтида фойда ёки зарар таркибида тан олинади. Кундалик хизмат кўрсатиш харажатлари асосан меҳнат ҳақи ва материаллардан ташкил топади, ҳамда ўз ичига майда ехтиёт қисмлар қийматини ҳам олиши мумкин. Бу каби харажатларнинг мақсади кўпинча асосий воситалар объектига “жорий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш” сифатида изоҳланади.

Айрим асосий воситалар объектларининг қисмлари мунтазам равишда алмаштирилиши талаб этилиши мумкин. Масалан, печнинг футеровкаси маълум ишлаш соатлари ўтганидан сўнг алмаштирилиши керак бўлиши мумкин, самолётлардаги ўриндиклар ва ошхона каби асбоб-ускуналар самолётнинг фойдали хизмат муддати давомида бир неча марта алмаштирилиши мумкин. Асосий воситаларнинг объектлари бинонинг ички деворларини алмаштириш каби алмаштиришларни камроқ такрорлаш ёки такрорланмайдиган қилиб алмаштириш мақсадида сотиб олинishi мумкин. Тан олиш мезонларига кўра, тадбиркорлик субъекти асосий воситанинг баланс қийматида унинг бир қисмини алмаштириш бўйича харажатларни ушбу харажатлар амалга оширилган пайтда тан олиши керак, агар бунда харажатлар

тан олиш мезонларига мос келса. Алмаштирилган қисмларнинг баланс қиймати ушбу Стандартдаги ҳисобдан чиқариш қоидаларига мувофиқ ҳисобдан чиқарилади.

1-мисол

Компания 2011 йил 1 апрелда қиймати 342000 ш.б. бўлган ускунани сотиб олди. Фойдали муддати 9 йил. Қолиқ қиймати йўқ. Бу ускунага компания тўғри чизикли амортизация усулини қўллайди. Ҳар уч йилда ускунанинг айрим агрегатлари алмаштирилади. Бу агрегатлар қиймати 126000 ш.б.ни ташкил қилади.

Сотиб олгандан сўнг компания амортизация ҳисоблашда иккита алоҳида фойдали муддати турли бўлган компонентни ҳисобга олади: “А” компонент фойдали муддати 9 йил, қиймати 216000 ш.б. (342000-126000), “В” компонент фойдали муддати 3 йил, қиймати 126000 ш.б. 1 апрел 2014 йилгача 3 йил давомида компания ҳар ойда 5500 ш.б. $(216000/9 \times 1/12) + (126000/3 \times 1/12)$ амортизация ҳисоблайди.

2014 йил 1 апрелда агрегат 133200 ш.б. га алмаштирилди. Фойдали муддати ўзгармади.

2014 йил 1 апрелда компания “В” агрегатни тўла амортизация қилгани учун, 0 қийматда ҳисобдан чиқаради ва ўрнига қиймати 133200 ш.б. бўлган янги “В” агрегатни асосий воситалари таркибига киритади. Усқунанинг янги баланс қиймати шу санага 277200 ш.б.ни ташкил қилади $(342000 - 5500 \times 12 \times 3 + 133200)$, шу жумладан, “А” компонент қиймати 144000 $(277200 - 133200)$ ш.б. га тенг. Келгуси 3 йил давомида (фойдали муддати ўзгармаса) ҳисобланадиган амортизация суммаси 5700 ш.б.ни ташкил қилади $(144000/6 \times 1/12 + 133200/3 \times 1/12)$.

Асосий воситалар объектининг айрим қисмларини алмаштирилиши ёки алмаштирилмаслигидан қатъий назар, нуқсонлар пайдо бўлганлигини аниқлаш учун мунтазам равишда катта кўламдаги техник кўриқларини ўтказиш шу объектдан (масалан самолётдан) фойдаланишни давом етишнинг шартларидан бири бўлиши мумкин. Ҳар бир катта кўламдаги техник кўриқ ўтказилганда, у бўйича харажатлар тан олиш мезонлари бажарилганда асосий воситалар объектининг баланс қийматида қисман алмаштириш сифатида тан олинади. Ҳар қандай олдинги техник кўриқ бўйича харажатларнинг активнинг баланс қийматидаги қолдиғи (ехтиёт қисмлардан ташқари) ҳисобдан чиқарилади. Бундай ҳисобдан чиқариш олдинги текширув харажатлари объект сотиб олинishi ёки қурилиши пайтидаги операцияда тан олинганлиги ёки олинмаганлигидан қатъий назар амалга оширилади. Зарур бўлганда, объект сотиб олинishi ёки қурилиши пайтидаги баланс қийматига қўшилган техник кўриқ харажатларини аниқлашда шу каби келгуси текширув харажатларнинг баҳоланган суммасидан фойдаланиш мумкин.

2-мисол.

Компания 2011 йил 1 октябрда қиймати 900000 ш.б. бўлган саноат объектини курди. Фойдали муддати 15 йил. Қолиқ қиймати йўқ. Бу бинога компания тўғри чизикли амртизация усулини қўллайди. Ҳар икки йилда бинони

техник кўриқдан ўтказиш керак, техник кўриқ харажатлари 72000 ш.б. бино таннархига киритилган.

Компания амортизация ҳисоблашда иккита алоҳида фойдали муддати турли бўлган компонентни ҳисобга олади: “А” компонент фойдали муддати 15 йил, қиймати 82800 ш.б. (90000-72000), “В” компонент фойдали муддати 2 йил, қиймати 72000 ш.б. 1 октябр 2014 йилгача 2 йил давомида компания ҳар ойда 7600 ш.б. $(828000/15 \times 1/12) + (72000/2 \times 1/12)$ амортизация ҳисоблайди. Келгуси техник кўриқда харажат асосий восита таннархига киритилади.

Активни тан олиш мезонларига мос келадиган асосий восита объекти таннарх бўйича баҳоланиши лозим.

Асосий воситанинг таннархи қуйидагилардан ташкил топади:

(а) савдо чегирмаларини ва имтиёзларини чегирган ҳолда, унинг харид нархи, жумладан импорт божлари ва сотиб олиш билан боғлиқ қопланмайдиган солиқлар.

(б) активни ундан тадбиркорлик субъектининг раҳбарияти томонидан қўзланган ҳолда фойдаланиш учун зарур бўлган жой ва ҳолатига олиб келиш билан боғлиқ бевосита харажатлар.

(в) тадбиркорлик субъектининг товар-моддий захиралар яратиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда қандайдир объектни сотиб олиш ёки ундан қандайдир давр мобайнида фойдаланиш пайтида ўз зиммасига оладиган асосий восита объектини демонтаж ва йўқ қилиш ҳамда у егаллаган йер участкасида табиий ресурсларни қайта тиклаш харажатларининг бошланғич баҳоси активни демонтаж қилиш ва олиб ташлаш ҳамда у жойлашган майдондаги табиий ресурсларни қайта тиклаш билан боғлиқ харажатларнинг даслабки баҳоланиши, агар тадбиркорлик субъекти булар бўйича мажбуриятга актив сотиб олинганида ёки ундан маълум давр мобайнида товар-моддий қимматликларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш натижасида ега бўлса.

Қуйидагилар бевосита харажатларга мисоллардир:

(а) асосий восита объектини барпо етиш (қуриш) ёки сотиб олиш натижасида бевосита ҳосил бўладиган ходимларга ҳақ тўлаш харажатлари (БҲҲС 19 “Ходимларнинг даромадлари” да келтирилганидек);

(б) жойни тайёрлаш харажатлари;

(в) етказиб бериш ва ортиш-тушириш билан боғлиқ бошланғич харажатлар;

(г) ўрнатиш ва монтаж бўйича харажатлар;

(д) активнинг тўғри ишлашини синаб кўриш харажатларидан активни тегишли жойга ва ҳолатга келтириш пайтида ишлаб чиқарилган маҳсулотни (ускуналарни синовдан ўтказишда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар каби) сотишдан олинган соф тушумнинг айирмаси; ва

(е) малакали хизматлар учун ҳақлар.

Тадбиркорлик субъекти объектдан маълум бир давр мобайнида товар-моддий захиралар ишлаб чиқариш учун фойдаланиши оқибатида пайдо бўладиган объектни демонтаж қилиш ва олиб ташлаш ҳамда у егаллаган йер

майдонида табиий ресурсларни қайта тиклаш мажбуриятлари бўйича харажатларга нисбатан БҲХС 2 “Товар-моддий захиралар” ни қўллайди. БҲХС 2 ёки БҲХС 16 га мос равишда ҳисобланадиган харажатлар бўйича мажбуриятлар БҲХС 37 “Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” га мос равишда тан олинади ва баҳоланади.

Асосий воситалар объектига кирмайдиган харажатларга қуйидагилар мисол бўла олади:

(а) янги ишлаб чиқариш объектини ташкил этиш харажатлари;

(б) янги маҳсулот ёки хизмат турини татбиқ этиш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, реклама ва маркетинг фаолияти харажатлари);

(в) тижоратни янги жойга ёки мижозларнинг янги тоифасига мослаштириш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, ходимларни қайта тайёрлаш харажатлари); ва

(г) маъмурий ва бошқа умумий устама харажатлар.

Асосий воситалар объекти ундан тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан қўзланган ҳолда фойдаланиш учун зарур бўлган жой ва ҳолатига келтирилганида бу объектнинг баланс қийматига қўшиладиган харажатларнинг тан олинishi тўхтатилади. Шу боис, объектдан фойдаланиш ёки уни бошқа жойга кўчиришда ҳосил бўладиган харажатлар шу объектнинг баланс қийматига киритилмайди. Масалан, қуйидаги харажатлар асосий воситалар объектнинг баланс қийматига киритилмайди:

(а) раҳбарият томонидан қўзланган ҳолда фойдаланиш учун тайёр бўлган объект ҳалигача фойдаланишга топширилмаган ёки тўлиқ қувватидан паст даражада фойдаланилганда ҳосил бўлган харажатлар;

(б) бирламчи операцион зарарлар, масалан объект ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳсулотга талаб ҳосил бўлиши давридагилар каби; ва

(в) тадбиркорлик субъекти қувватларини қисман ёки тўла қайта кўчириш ёки қайта ташкил этиш харажатлари.

Айрим операциялар асосий воситалар объектини қуриш ёки барпо этиш билан боғлиқ бўлади, аммо бу объектни ундан тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан қўзланган ҳолда фойдаланиш учун зарур бўлган жой ва ҳолатига келтириш учун зарур бўлмайди. Бу ёрдамчи операциялар қурилиш ёки барпо этиш ишлари давомида ёки ундан олдин рўй бериши мумкин. Масалан, қурилиш майдонидан қурилиш ишлари бошланишидан олдин автостоянка сифатида фойдаланишдан фойда олинishi мумкин. Ёрдамчи операциялар объектни раҳбарият томонидан қўзланган ҳолда фойдаланиш учун зарур бўлган жой ва ҳолатига келтириш учун зарур бўлмаганлиги сабабли, ёрдамчи операциялар билан боғлиқ даромад ва харажатлар фойда ёки зарарнинг таркибидан тан олинади ва даромад ёки харажатларнинг тегишли гуруҳларига киритилади.

Хўжалик усулида қурилган активнинг таннархи худди сотиб олинган актив таннаrxини аниқлаш тамойилларини қўллаш орқали аниқланади. Агар тадбиркорлик субъекти активларни ўзининг асосий фаолияти доирасида сотиш учун барпо еца, активнинг таннархи сотиш учун қурилган актив билан бир хил

бўлади (МХХС 2 га қаранг). Шу сабабли, бу каби таннархларни аниқлашда ҳар қандай ички фойда айириб ташланади. Шунга ўхшаш, активни хўжалик усулида қуришда меъеридан ортиқ сарфланган материал, меҳнат, ёки бошқа ресурслар харажати активнинг таннархига киритилмайди. БХХС 23 “Қарзлар бўйича харажатлар” фоизларни хўжалик усулида қурилган асосий воситалар баланс қийматининг бир қисми сифатида тан олиш мезонларини белгилаб беради.

3- мисол.

2011 йил 1 июлда компания кечиктириб тўлаш шарт билан усқунани сотиб олди. Шартнома шартларига кўра 188600 ш.б. тўлов 20х2 йил 30 июнда амалга оширилади. Агар усқунани ҳозир сотиб олинса 164000 ш.б. тўланади.

Компания усқунани сотиб олиш пайтида қуйидаги проводка берилади:

Дт Асосий воситалар 164000

Кт Мол йетказиб берувчиларга тўланадиган счётлар 164000

Ҳар ойда компания фоиз харажатларини тан олиб боради:

Дт Фоиз харажатлари 2050

Кт Кт Мол йетказиб берувчиларга тўланадиган счётлар 2050

$(188600-164000)/12=2050$

Асосий воситаларнинг бир ёки ундан кўп объекти номонетар актив ёки активларга алмаштириш, ёки монетар ва номонетар активларнинг гуруҳига алмаштириш орқали сотиб олиниши мумкин. Қуйида кўриб чиқилган қоидалар битта номонетар активни бошқа номонетар активга алмаштиришга ҳамда юқоридаги гапда тавсифланган барча алмашишларга нисбатан қўлланилади. Бундай асосий восита объектининг таннархи унинг ҳаққоний қийматида баҳоланади, бундан қуйидаги ҳолатлар истисно: (а) алмашиш операция тижорат мақсадларида фойда олиш учун амалга оширилаётган бўлмаса ёки (б) олинган ёки берилган активнинг ҳаққоний қиймати ишончли тарзда баҳолана олмаса. Олинган актив унинг ҳаққоний қийматида баҳоланади, агар тадбиркорлик субъекти бериладиган активни дарҳол ҳисобдан чиқара олмаса. Агар олинган актив ҳаққоний қийматида баҳолана олмаса, унинг таннархи бўлиб бериладиган активнинг баланс қиймати хизмат қилади.

Тадбиркорлик субъекти алмашиш операцияси тижорат мақсадларига ега бўлишини келгуси пул оқимлари операциянинг натижасини қай даражада ўзгартириши мумкинлигини инобатга олган ҳолда аниқлайди. Алмашиш операцияси тижорат мақсадларига ега бўлади, агар:

(а) олинган актив бўйича пул оқимларининг тузилиши (яъни rischi, муддати ва суммаси) берилган актив бўйича пул оқимларининг тузилишидан фарқ қилса; ёки

(б) тадбиркорлик субъектининг операция таъсир қилган фаолияти қисмининг тадбиркорлик субъектига хос бўлган қиймати алмашиш натижасида ўзгарса; ва

(в) (а) ёки (б) даги фарқ алмаштириладиган активларнинг ҳаққоний қийматига нисбатан катта бўлса.

Алмашиш операцияси тижорат мақсадларига ега эканлигини аниқлаш

учун, тадбиркорлик субъектининг операция таъсир қилган фаолияти қисмининг тадбиркорлик субъектига хос бўлган қиймати солиқ солингандан кейинги пул оқимларини акс еттириши керак. Бундай таҳлилнинг натижаси батафсил ҳисоб-китоблар амалга оширилмасдан аниқ бўлиши мумкин.

Активнинг ҳаққоний қийматини ишончли тарзда баҳолаш мумкин бўлади, агар (а) ҳаққоний қийматларнинг ишончли баҳоланишидаги ўзгарувчанлик ушбу актив учун катта бўлмаса ёки (б) ҳаққоний қийматни баҳолашда диапазон ичидаги турли баҳоланган қийматларнинг еҳтимоллик даражалари ишончли тарзда баҳоланиши ва ишлатилиши мумкин бўлса. Агар тадбиркорлик субъекти олинган ёки берилган активнинг ҳаққоний қийматини ишончли тарзда баола олса, олинган активнинг таннархини баҳолаш учун берилган активнинг ҳаққоний қиймати олинади, бироқ олинган активнинг ҳаққоний қиймати аниқроқ ҳолда аён бўлмаса.

4- мисол.

Компания усқунани ўзининг юк автомобилига айрибошламоқда. Келишув тижорат характериға еға. Усқунанинг ҳаққоний қиймати 100000 ш.б.(ишончли баҳоланган). Юк автомобилининг баланс қиймати 60000 ш.б. (дастлабки қиймати 80000 ш.б.) унинг ҳаққоний қиймати 85000 ш.б. (ишончли баҳоланган). Усқуна сотувчисига компания 10000 ш.б. пул маблағи тўлайди.

1-ечим. Усқунанинг ҳаққоний қиймати 100000 ш.б. ишончлироқ деб баҳоласа,

Дт Асосий восита (M0130)	100000
Дт Асосий воситанинг ескириши (M0260)	20000
Кт Асосий восита (M0160)	80000
Кт Пул маблағлари (M5110)	10000
Кт Асосий воситанинг чиқиб кетиши (M9210)	30000
Дт Асосий воситанинг чиқиб кетиши (M9210)	30000
Кт Асосий воситанинг чиқиб кетишидан фойда (M9310)	30000

2-ечим. Усқунанинг ҳаққоний қиймати 100000 ш.б. ишончлироқ емас деб баҳоласа, компания усқунанинг қийматини айрибошланаётган актив ҳаққоний қиймати ва пул тўловлари йиғиндисини сифатида акс еттиради:

Дт Асосий восита (M0130)	95000 (85000+10000)
Дт Асосий воситанинг ескириши (M0260)	20000
Кт Асосий восита (M0160)	80000
Кт Пул маблағлари (M5110)	10000
Кт Асосий воситанинг чиқиб кетиши (M9210)	25000
Дт Асосий воситанинг чиқиб кетиши (M9210)	25000
Кт Асосий воситанинг чиқиб кетишидан фойда (M9310)	25000

Тадбиркорлик субъекти таннарх бўйича ҳисобга олиш моделини ёки қайта баҳолаш моделини ўзининг ҳисоб сиёсати сифатида қабул қилиши керак ва ушбу сиёсатни асосий воситаларнинг алоҳида бутун туркумига нисбатан қўллаши керак.

Актив сифатида тан олинганидан сўнг, асосий восита объекти унинг таннархидан ҳар қандай жамғарилган ескириш суммаси ва ҳар қандай

қадрсизланиш бўйича йиғилган зарарлар чегириб ташланган қийматда ҳисобга олиниши керак.

5- мисол.

1 апрел 2011 йилда компания 120000 ш.б. ка ускуна сотиб олди. У тўғридан-тўғри фойдаланишга топширилади. Фойдали муддати 8 йил. Қолдиқ қиймати йўқ. Тўғри чизиқли усулда амортизация ҳисоблайди ва ҳақиқий харажат модели бўйича ҳисобга олади. 31 декабр 20x1 йилда компания ускунанинг қиймати 5000 ш.б.га қадрсизланганлигини аниқлади. Бу қадрсизланишни зарар сифатида баҳолади.

1. Амортизация ҳисобланиши:

Дт Умумишлаб чиқариш харажатлари (М2400) 11250

Кт Жамланган амортизация ускуна (М0230) 11250
(120000/8x9/12)

2. 31 декабр 2011 йилда актив қадрсизланиши ҳисоби:

Дт Номолиявий активлар қадрсизланишидан зарар (М9440) 5000

Кт Асосий воситалар қадрсизланиши бўйича жамланган зарар (М0330) 5000

Усқунанинг 31 декабр 2011 йилга баланс қиймати (120000-11250-5000)= 103750 ш.б.

Актив сифатида тан олинганидан сўнг, ҳаққоний қиймати ишончли тарзда баҳоланиши мумкин бўлган асосий восита объекти қайта баҳоланган қиймати бўйича ҳисобга олиниши керак. Бунда унинг қайта баҳоланган қиймати бўлиб уни қайта баҳолаш санасига бўлган ҳаққоний қийматидан кейинчалик жамғарилган ескириш суммаси ва кейинчалик йиғилган қадрсизланиш бўйича зарарлар чегирилгандаги қиймати ҳисобланади. Активнинг баланс қиймати ҳисобот даври охиридаги ҳаққоний қиймати асосида аниқланадиган қийматидан аҳамиятли даражада фарқ қилмаслиги учун қайта баҳолашлар йетарлича мунтазам равишда амалга оширилиши керак.

Қайта баҳолашларнинг мунтазам равишда такрорланиши қайта баҳоланаётган асосий восита объектининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлади. Қайта баҳоланаётган активнинг ҳаққоний қиймати унинг баланс қийматидан аҳамиятли даражада фарқ қилмаслиги учун, кейинги қайта баҳолашларни ўтказиш талаб етилади. Айрим асосий воситаларнинг ҳаққоний қийматида катта даражада ва ўзгарувчан тебранишлар кузатилиши мумкин, бунинг натижасида қайта баҳолашларни йиллик асосда ўтказиш талаб етилади. Бундай қайта баҳолашларни тез-тез ўтказиш ҳаққоний қиймати фақатгина катта бўлмаган даражада ўзгариб турадиган асосий воситалар объектлари учун талаб етилмайди. Аксинча, бундай объектлар фақатгина уч ёки беш йилда бир марта қайта баҳоланиши талаб етилиши мумкин.

Асосий восита объекти қайта баҳоланганида, қайта баҳолаш санасигача жамғарилган ҳар қандай ескириш суммаси қуйидаги усулларнинг бири ёрдамида тузатилади:

(а) активнинг ялпи баланс қийматидаги ўзгаришга пропорционал тарзда қайта ҳисобланадигани, натижада қайта баҳолашдан сўнг активнинг

баланс қиймати унинг қайта баҳоланган қийматига тенг бўлади. Ушбу усулдан активнинг қайта тиклаш қийматини аниқлаш учун индекс қўлланилганида кўпинча фойдаланилади (МҲХС 13 га қаранг).

(б) активнинг ялпи баланс қийматидан чегириб ташланади ва соф баланс қиймати активнинг қайта баҳоланган қиймати суммасида акс еттирилади. Ушбу усулдан кўпинча бинолар учун фойдаланилади.

Жамғарилган ескиришни қайта ҳисоблаш ёки чегириб ташлашда юзага келадиган тузатиш суммаси баланс қийматининг қўпайиши ёки камайишининг бир қисмини ташкил этади.

Агар асосий восита объекти қайта баҳоланса, ушбу актив тегишли бўлган асосий воситаларнинг бутун туркуми ҳам қайта баҳоланиши керак.

Асосий воситаларнинг туркуми – бу бир хил хусусиятга ва тадбиркорлик субъектининг фаолиятида фойдаланиш мақсадларига ега бўлган активларнинг гуруҳидир. Қуйидагилар алоҳида туркумларга мисоллардир:

- (а) ер;
- (б) ер ва бинолар;
- (в) асбоб-ускуна;
- (г) кемалар;
- (д) самолёт;
- (е) транспорт воситалари;
- (ё) мебел ва жиҳозлар; ва
- (ж) офис асбоб-ускунаси.

Асосий воситаларнинг туркумидаги объектлар активларнинг ихтиёрий равишда турлича қайта баҳоланишига ҳамда молиявий ҳисоботларда ҳар хил саналарга бўлган таннарх ва қийматларнинг аралашмаси акс еттирилишига йўл қўймаслик мақсадида бир пайтда қайта баҳоланади. Бироқ, активларнинг туркуми ўзгарувчи график асосида активлар туркумининг қайта баҳоланиши қисқа давр ичида тугалланиши ва қайта баҳолашлар янгилиниши шарти билан амалга оширилиши мумкин.

Агар қайта баҳолаш натижасида активнинг баланс қиймати ошса, ошган қисм бошқа умумлашган даромадда тан олиними ва капитал таркибидаги бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси ҳисобга олинмаган счётада йиғилиши лозим. Бироқ, ошган қисм фойда ёки зарарларда шу даражада тан олиними лозимки, бунда олдин айнан шу активни қайта баҳолаш натижасида фойда ёки зарарларда тан олинган унинг камайиши суммаси олдин қопланиши лозим.

Агарда активнинг баланс қиймати қайта баҳолаш натижасида камайса, камайган қисм фойда ёки зарар таркибида тан олиними лозим. Бироқ, камайган қисм бошқа умумлашган даромадда ушбу актив бўйича бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси ҳисобга олинмаган счётининг ҳар қандай кредит салдосига тенг миқдорда тан олиними лозим. Бошқа умумлашган даромадда тан олинган камайган қисм капитал таркибидаги бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси ҳисобга олинмаган счётада йиғилган суммани камайтиради.

Капиталда бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси ҳисобга олинадиган счёта асосий восита объекти бўйича жамланган сумма тўғридан-тўғри тақсимланмаган фойдага ўтказилиши мумкин, қачонки бу актив ҳисобдан чиқарилганида. Жами бундай сумма активнинг фойдали хизмат муддати тугаганида ёки у баланسدан чиқарилганида ўтказилиши мумкин. Бироқ, бу счётадаги сумманинг маълум қисми актив тадбиркорлик субъекти томонидан фойдаланилаётганида ўтказилиши мумкин. Бунда ўтказиладиган сумма – активнинг қайта баҳоланган баланс қиймати асосида ҳисобланган ескириш суммаси билан активнинг бошланғич таннархи асосида ҳисобланган ескириш суммаси ўртасидаги фарққа тенг бўлади. Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси тақсимланмаган фойдага ўтказилганда фойда ёки зарарларда акс еттирилмайди.

Асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши натижасида юзага келадиган фойда солиқларига бўлган таъсир БҲХС 12 “Фойда солиғи” га мувофиқ тан олинади ва у бўйича маълумотлар очиб берилади.

6- мисол.

1 июл 2011 йилда компания 2 млн. ш.б. га бино сотиб олди. Фойдаланиш муддати 40 йил. Қолдиқ қиймати йўқ. Тўғри чизикли усулда амортизация ҳисоблайди ва қайта баҳолаш модели бўйича ҳисобга олади. Қайта баҳолашда жамғарилган амортизация объектнинг ялпи баланс қийматидан ҳисобдан чиқарилади.

Уч йил давомида бинонинг 31 декабр ҳолатига қайта баҳолаш қиймати:

2011 йил 31 декабр 2106000 ш.б.

2012 йил 31 декабр 1900000 ш.б.

2013 йил 31 декабр 1924000 ш.б.

2011 йил

Олти ойда йиғилган амортизация суммаси: $2000000/40 \times 6/12 = 25000$ ш.б.

Дт Жамғарилган амортизация бино (М0220) 25000

Кт Асосий воситалар бино (М0120) 25000

Қайта баҳолашгача бинонинг баланс қиймати (2011 йил 31 декабр):

$2000000 - 25000 = 1975000$ ш.б.

Баланс қийматини қайта баҳолаш (2011 йил 31 декабр):

Дт Асосий восита (М0120) 131000

Кт Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича захира (М8510, М8010) 131000

$(2106000 - 1975000) = 131000$ ш.б.

Қайта баҳолашдан сўнг бинонинг баланс қиймати (20х1 йил 31 декабр): 2106000 ш.б.

2012 йил

Йиллик йиғилган амортизация суммаси: $2000000/39 = 54000$ ш.б.

Дт Жамғарилган амортизация бино (М0220) 54000

Кт Асосий воситалар бино (М0120) 54000

Қайта баҳолашгача бинонинг баланс қиймати (2012 йил 31 декабр):

$2106000 - 54000 = 2052000$ ш.б.

Баланс қийматини қайта баҳолаш (2012 йил 31 декабр):

Дт Асосий воситаларни қайта баҳолаш бўйича захира (М8510, М8010)
131000

Дт Номолиявий активлар қадрсизланишидан зарар (М9440) 21000

Кт Асосий восита (М0120) 131000

Кт Асосий воситаларни қадрсизланишидан зарар (М0330) 21000

$2052000 - 1900000 = 152000 - 131000 = 21000$ ш.б.

Қайта баҳолашдан сўнг бинонинг баланс қиймати (2012 йил 31 декабр):
1900000 ш.б.

2013 йил

Йиллик йиғилган амортизация суммаси: $1900000 / 38 = 50000$ ш.б.

Дт Жамғарилган амортизация бино (М0220) 50000

Кт Асосий воситалар бино (М0120) 50000

Қайта баҳолашгача бинонинг баланс қиймати (2013 йил 31 декабр):

$1900000 - 50000 = 1850000$ ш.б.

Баланс қийматини қайта баҳолаш (2013 йил 31 декабр):

Дт Асосий воситалар бино (М0120) 53000

Дт Асосий воситалар қадрсизланиши бўйича жамланган зарар (М0330)
21000

Кт Асосий воситани қайта баҳолаш бўйича захира (М8510, М8010)
53000

Кт Қадрсизланиш бўйича зарарни реверсирлаш (М9440) 21000

$1924000 - 1850000 = 74000 - 21000 = 53000$ ш.б.

Қайта баҳолашдан сўнг бинонинг баланс қиймати (2013 йил 31 декабр):
1924000 ш.б.

Асосий восита объектининг қандайдир қисмининг таннархи ушбу объектнинг умумий таннархига нисбатан катта бўлганида, бундай ҳар бир қисм бўйича ескириш алоҳида ҳисобланиши керак.

Тадбиркорлик субъекти асосий восита объекти бўйича дастлаб тан олинган суммани унинг катта бўлган қисмлари ўртасида тақсимлайди ва бундай ҳар бир қисм бўйича ескиришни алоҳида ҳисоблайди. Масалан, самолётнинг корпуси ва мотори бўйича ескиришни алоҳида ҳисоблаш тўғри бўлиши мумкин, бу самолёт тадбиркорлик субъектининг ўзиники бўлиши ёки молиявий ижарага олинганлигидан қатъий назар. Шунга ўхшаш, агар тадбиркорлик субъекти асосий воситаларни оператив ижарага бериш учун сотиб олса ва ушбу оператив ижарада у ижарага берувчи бўлиб ҳисобланса, ижаранинг бозор шароитларига нисбатан ижобий ёки салбий шартларига тегишли бўлган ва ушбу активнинг таннархида акс еттирилган алоҳида суммалар бўйича ескиришни алоҳида ҳисоблаш ўринли бўлиши мумкин.

Асосий восита объектининг катта қисми бўйича фойдали хизмат муддати ва ескиришни ҳисоблаш усули ушбу активнинг бошқа катта қисми бўйича фойдали хизмат муддати ва ескиришни ҳисоблаш усули билан бир хил бўлиши мумкин. Бундай қисмлар ескириш харажатларини аниқлаш мақсадида гуруҳланиши мумкин.

Тадбиркорлик субъекти асосий восита объектнинг айрим қисмлари бўйича ескиришни алоҳида ҳисоблаганида, у ушбу активнинг қолган қисми бўйича ҳам ескиришни алоҳида ҳисоблайди. Қолган қисми алоҳида катта бўлмаган қисмлардан иборат бўлади. Агар тадбиркорлик субъектининг ушбу қисмлардан фойдаланиш режалари ўзгарса, объектнинг қолган қисми бўйича ескиришни ҳисоблаш учун унинг қисмларидан фойдаланиш тарзини ёки фойдали хизмат муддатини тўғри ақс еттирадиган тахминий ҳисоблаш усулларида фойдалани зарур бўлиши мумкин

Тадбиркорлик субъекти асосий восита объектнинг таннархи ушбу объектнинг умумий таннархига нисбатан катта бўлмаган қисмлар бўйича ескиришни алоҳида ҳисоблашга қарор қилиши мумкин.

Ҳар бир давр учун ескириш харажатлари, улар бошқа активнинг баланс қийматига қўшилмаганида, фойда ёки зарар таркибида тан олиниши керак.

Ескириш харажатлари одатда фойда ёки зарар таркибида тан олинади. Бироқ, баъзида, активда мужжасамлаштирилган келгуси иқтисодий наф бошқа активларга ишлаб чиқариш жараёнида ўтказилади. Бундай ҳолатда, ескириш харажатлари бошқа активлар таннархининг бир қисмини ташкил этади ва унинг баланс қийматига қўшилади. Масалан, ишлаб чиқариш заводининг ва асбоб-ускунанинг ескириши товар-моддий захираларини қайта ишлаш қийматига киритилади (БҲҲС 2 га қаранг). Шунга ўхшаш, тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишда фойдаланилган асосий воситаларнинг ескириши МҲҲС 38 “Номоддий активлар” га мувофиқ номоддий активнинг таннархида ҳисобга олиниши мумкин.

Активнинг ескириш ҳисобланадиган қиймати систематик тарзда унинг фойдали хизмат муддати давомида тақсимланиши керак.

Активнинг тугатиш қиймати ва фойдали хизмат муддати камида ҳар молиявий йилнинг охирида қайта кўриб чиқилиши керак ва, кутишлар олдинги баҳолашлардан фарқ қилса, ўзгариш (лар) бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашдаги ўзгариш сифатида МҲҲС 8 “Ҳисоб сиёсатлари, бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашдаги ўзгаришлар ва хатолар” га мувофиқ ҳисобга олиниши керак.

Ескириш хаттоки активнинг ҳаққоний қиймати унинг баланс қийматидан кўпроқ бўлганида ҳам тан олинади, агар активнинг тугатиш қиймати унинг баланс қийматидан ошмайдиган бўлса. Активнинг таъмирланиши ва унга техник хизмат кўрсатилиши у бўйича ескириш ҳисобланиши заруратини инкор қилмайди.

Активнинг ескириш ҳисобланадиган қиймати унинг тугатиш қиймати чегирилганидан сўнг аниқланади. Амалиётда, активнинг тугатиш қиймати кўпинча катта бўлмайди ва шу боис ескириш ҳисобланадиган қийматни ҳисоблашда аҳамиятли бўлмайди.

Активнинг тугатиш қиймати активнинг баланс қийматига тенг бўлган ёки ундан ошган суммагача кўпайиши мумкин. Бундай ҳолатда, активнинг ескириш суммаси нолга тенг бўлади, агар унинг тугатиш қиймати кейинчалик активнинг баланс қийматидан паст бўлган суммагача камаймаса.

Актив бўйича ескириш ҳисобланиши ушбу актив фойдаланиш учун яроқли ва мавжуд бўлганидан сўнг бошланади, яъни у раҳбарият томонидан кўзланган ҳолда фойдаланиш учун зарру бўлган жой ва ҳолатига келтирилганида. Актив бўйича ескириш ҳисобланиши актив МҲХС 5 га мувофиқ сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган (лекин сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган чиқиб кетиш гуруҳига киритилган) сана ва актив ҳисобдан чиқарилган санадан қайси бири ертароқ келадиган бўлса, ўша санада тўхтатилиши керак. Шунинг учун, ескириш ҳисобланиши актив тўхтаб қолганида ёки фаол фойдаланишдан чиқарилганида, токи актив бўйича тўлиқ ескириш ҳисобланмагунча, тўхтатилмайди. Бироқ, ескиришни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш бирликлари усулида ишлаб чиқариш йўқлиги туфайли ескириш суммаси нолга тенг бўлиши мумкин.

Активда мужассамлаштирилган келгуси иқтисодий нафни тадбиркорлик субъекти асосан ундан фойдаланиш орқали ўзлаштиради. Бироқ, бошқа омиллар, масалан техник ёки тижорат ескириш ёки актив тўхтаб турганида жисмоний ескириш кўпинча ушбу активдан олинishi мумкин бўлган иқтисодий нафнинг камайишига олиб келади. Бунинг натижасида, активнинг фойдали хизмат муддатини аниқлашда қуйидаги барча омиллар ҳисобга олинади:

(а) активдан кўзланган фойдаланиш. Фойдаланиш активнинг ҳисобланган қуввати ёки физик маҳсулдорлиги асосида аниқланиши мумкин.

(б) актив фойдаланадиган сменалар сони, уни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш дастури, актив тўхтаб турганида унга техник хизмат кўрсатиш каби операцион омилларга боғлиқ бўлган қутилган жисмоний ескириш.

(в) ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар ёки такомиллаштиришлар, ёки актив фойдаланалишида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки кўрсатилаётган хизматга бозор талаби ўзгариши натижасида техник ёки тижорат ескириш.

(г) активдан фойдаланишга қўйиладиган юридик ёки шунга ўхшаш чекловлар, масалан тегишли ижара келишувлари муддатининг тугаши саналари.

Активнинг фойдали хизмат муддати активнинг тадбиркорлик субъекти учун қутилган фойдалилиги нуқтаи назаридан аниқланади. Тадбиркорлик субъектининг активларни бошқариш сиёсати активлар чиқиб кетишини махсус вақтдан сўнг ёки активда мужассамлаштирилган келгуси иқтисодий нафни маълум қисми ўзлаштирилганидан сўнг кўзда тутиши мумкин. Шунинг учун, активнинг фойдали хизмат муддати унинг иқтисодий фойдаланиш муддатидан қисқароқ бўлиши мумкин. Активнинг фойдали хизмат муддатини баҳолаш тадбиркорлик субъектининг ўхшаш активлар билан тажрибаси асосида мулоҳаза қилган ҳолда амалга оширилади.

Ер ва бинолар бир биридан ажратилиши мумкин бўлган активлар ва улар биргаликда сотиб олинган бўлсада алоҳида ҳисобга олинади. Айрим истисноларни ҳисобга олган ҳолда, масалан чиқиндилар учун ажратиладиган йерлар сифатида ишлатиладиган карерлар ва майдонларни, йернинг фойдали хизмат муддати чегараланмаган ва шу боис унинг ескириши ҳисобланмайди. Биноларнинг фойдали хизмат муддати чегараланган ва шунинг учун улар

бўйича ескириш ҳисобланади. Бино турган йер майдонининг қиймати ошиши бинонинг ескириш ҳисобланадиган қийматига таъсир етмайди.

Ернинг таннархи унда жойлашган асосий воситаларнинг демонтажи ва олиб ташланиши, йер майдонидаги табиий ресурсларни тиклаш бўйича харажатларни ўз ичига олса, йер активининг ушбу қисми бундай харажатларни амалга оширишдан нафлар олиниши даврини қамраб олади. Айрим ҳолатларда, йернинг ўзи чегараланган фойдали хизмат муддатига ега бўлиши мумкин, бундай ҳолатда йер у бўйича олинадиган нафларни акс еттирадиган тарзда ескириши ҳисобланиши керак.

Ескириш усули тадбиркорлик субъекти томонидан активдан олинадиган келгуси иқтисодий нафлар қай тарзда сарфланишини акс еттириши керак.

Актив бўйича қўлланиладиган ескириш усули камида ҳар молиявий йилнинг охирида қайта кўриб чиқилиши керак ва, активда мужассамланган келгуси иқтисодий нафлар олиниши кутилаётган тарзда жиддий ўзгариш пайдо бўлганида, ушбу ўзгарган тарзни акс еттириш учун қўлланиладиган усул ҳам ўзгартирилиши керак. Бундай ўзгариш бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашдаги ўзгариш сифатида МҲХС 8 га мувофиқ ҳисобга олиниши керак.

Активнинг ескириш ҳисобланадиган қийматини унинг фойдали хизмат муддати давомида систематик тарзда харажатларга олиб бориш учун турли ескиришни ҳисоблаш усулларида фойдаланиш мумкин. Ушбу усуллар тўғри чизиқли (бир текис маромдаги) усул, камайиб борувчи қолдиқ усули ва ишлаб чиқариш бирлиги усулини қамраб олади. Ескиришни ҳисоблашнинг тўғри чизиқли усули активнинг тугатиш қиймати ўзгармаганида активнинг фойдали хизмат муддати давомида бир хил (ўзгармас) суммаси харажатларга олиб борилишига олиб келади. Камайиб борувчи қолдиқ усули қўлланилганда активнинг фойдали хизмат муддати давомида камайиб борадиган сумма харажатларга олиб борилишига олиб келади. Ишлаб чиқариш бирликлари усули кутилаётган фойдаланиш ёки ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлган сумма харажатларга олиб борилишига олиб келади. Тадбиркорлик субъекти активда мужассамланган келгуси иқтисодий наф қай тарзда сарфланишини аниқроқ акс еттирадиган усулни танлаши керак. Ушбу усул изчил равишда даврдан даврга, келгуси иқтисодий наф сарфланиши тарзи ўзгармаганида, қўлланилиши керак.

7- мисол.

2011 йил 1 январда компания асосий воситани 260000 ш.б.га сотиб олди. Фойдали муддати дастлаб 8 йил ва қолдиқ қиймати 10000ш.б. белгиланган еди. 2011, 2012 йилларда бу баҳолаш асосида ҳисоб юритилди. Тўғри чизиқли усулда амортизация ҳисоблайди ва ҳақиқий харажат модели бўйича ҳисобга олади. 2013 йил бошида компания асосий восита фойдали муддатини 5 йилга ва қолдиқ қийматини 7000 ш.б. га баҳолади.

Ечим.

МҲХС (IAS) 8 “Ҳисоб сиёсатлари, бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатолар”га кўра аввалги йиллар амортизацияси тузатилмайди яни переспектив ҳисобга олинади.

2011 йилга ескириш $(260000-10000)/8$ йил = 31250 ш.б.

2012 йилга ескириш $(260000-10000)/8$ йил = 31250 ш.б.

Йил охирига баланс қиймати $260000-31250-31250 = 197500$ ш.б.

2013 йилга ескириш $(197500-7000)/5$ йил = 38100 ш.б.

Асосий восита объекти қадрсизланганлигини аниқлаш учун тадбиркорлик субъекти МҲХС 36 “Активларнинг қадрсизланиши” ни қўллаши керак. Ушбу стандартда тадбиркорлик субъекти активларнинг баланс қийматини қандай қилиб қайта кўриб чиқиши, активнинг қопланадиган қийматини қандай қилиб аниқлаши ва қадрсизланиш бўйича зарарлар қачон тан олиними ва тикланиши кераклиги тушунтирилган.

Қадрсизланган, йўқолган ёки арзонроқ бериб юборилган асосий воситалар учун учинчи томонлардан олинадиган қоплаш суммаси у олиними лозим бўлганида фойда ёки зарар таркибида акс еттирилиши керак.

Асосий воситаларнинг қадрсизланиши ёки йўқолиши, қоплаб бериш бўйича тегишли даъволар ёки учинчи томонлар тарафидан тўланадиган қоплаш суммалари, бундай активларнинг ўрнига кейинчалик янги активлар сотиб олиними ёки қурилиши алоҳида иқтисодий ҳодисалар бўлиб, улар қуйидагича алоҳида ҳисобга олинади:

(а) асосий воситаларнинг қадрсизланиши МҲХС 36 га мувофиқ тан олинади;

(б) тўлиқ ескирган ёки чиқиб кетган асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши ушбу стандартга мувофиқ аниқланади;

(в) қадрсизланган, йўқолган ёки арзонроқ бериб юборилган асосий воситалар учун учинчи томонлардан олинадиган қоплаш суммаси у олиними лозим бўлганида фойда ёки зарарда акс еттирилади; ва

(г) олдинги активлар ўрнига қайта тикланган, сотиб олинган ёки қурилган асосий воситаларнинг таннархи ушбу стандартга мувофиқ аниқланади.

Асосий восита объектининг баланс қиймати қуйидаги ҳолатларда ҳисобдан чиқарилиши керак:

(а) у чиқиб кетганида; ёки

(б) ундан фойдаланишдан ёки унинг чиқиб кетишидан ҳеч қандай келгуси иқтисодий наф кутилмаганида

Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришдан юзага келган фойда ёки зарар асосий восита объекти ҳисобдан чиқарилганида фойда ёки зарар таркибида акс еттирилиши керак (бунда МҲХС 17 да сотиш ва қайта ижарага олиш бўйича бошқа талаблар белгиланмаган бўлса). Фойда асосий фаолиятдан даромад сифатида таснифланмаслиги керак.

Бирок, ўзининг оддий фаолияти доирасида бошқа томонларга оператив ижарага бериш мақсадида сақлаб турган асосий воситаларини мунтазам равишда сотадиган тадбиркорлик субъекти бундай активларни, улар ижарага берилиши тўхтатилиб сотиш учун мўлжалланган бўлганида, товар-моддий захираларга уларнинг баланс қиймати бўйича ўтказиши керак. Бундай активларни сотишдан олинган тушумлар даромад сифатида БҲХС 18

“Даромад” га мувофиқ тан олиними керак. Оддий фаолият доирасида сотиш учун мўлжалланган активлар товар-моддий захираларга ўтказилганида МҲХС 5 қўлланилмайди.

Асосий воситалар бир неча йўллар билан чиқиб кетиши мумкин (масалан, сотиш орқали, молиявий ижара келишувини тузиш орқали ёки ҳада етиш орқали). Бундай активнинг чиқиб кетиши санасини аниқлашда, тадбиркорлик субъекти товарларни сотишдан тушган даромадларни тан олиш бўйича БҲХС 18 “Даромад” даги мезонларни қўллайди. Сотиш ва қайта ижарага олиш орқали активларнинг чиқиб кетишига нисбатан БҲХС 17 қўлланилади.

Агарда тадбиркорлик субъекти асосий воситанинг баланс қийматида ушбу активнинг қисмини алмаштириш таннархини тан олса, у ески алмаштирилган қисмнинг баланс қийматини, ушбу қисм бўйича ескириш алоҳида ҳисобланган ёки ҳисобланмаганлигидан қатъиназар, ҳисобдан чиқаради. Агарда тадбиркорлик субъекти учун алмаштирилган қисмнинг баланс қийматини аниқлашнинг амалий имкони бўлмаса, у алмаштириш таннархидан алмаштирилган қисмнинг қиймати у сотиб олинганида ёки қурилганида қанча бўлганлигини кўрсатадиган кўрсаткич сифатида фойдаланиши мумкин.

Асосий восита объектининг ҳисобдан чиқарилиши натижасида юзага келадиган фойда ёки зарар активнинг чиқиб кетишидан олинандиган соф тушумлар, агарда бўлса, билан активнинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланиши лозим.

8- мисол.

Компания баланс қиймати 30000 ш.б., йиғилган амортизация 80000 ш.б., қайта баҳолаш захираси 15000 ш.б. бўлган ески ускунани 40000 ш.б. га сотмоқда.

Сотиш проводкалари:

Дт Жамғарилган амортизация ускуна 80000

Дт Пул маблағлари 40000

Кт Асосий восита 110000

Кт Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши 10000

Дт Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши 10000

Кт Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда 10000

Дт Асосий воситани қайта баҳолаш бўйича захира 15000

Кт Тақсимланмаган фойда 15000

Асосий воситанинг чиқиб кетишида унинг ўрнига олинандиган товон дастлаб унинг ҳаққоний қийматида тан олинади. Агарда асосий восита учун тўлов кечиктирилса, олинган товон дастлаб пул маблағидаги нарх эквивалентида тан олинади. Товоннинг номинал қиймати билан пул маблағидаги нарх эквиваленти ўртасидаги фарқ МҲХС 18 га мувофиқ фоизли даромад сифатида тан олинади ва бу еса дебиторлик қарз бўйича эффектив даромадлиликни акс еттиради.

Молиявий ҳисоботларда асосий воситаларнинг ҳар бир туркуми бўйича қуйидаги маълумотлар очиқ берилиши керак:

(а) ялпи баланс қийматини аниқлаш учун қўлланилган баҳолаш асослари;

(б) ескиришни ҳисоблаш учун фойдаланилган усуллар;

(в) фойдали хизмат муддатлари ва ескиришни ҳисоблашнинг фойдаланилган меъёрлари;

(г) давр бошига ва охирига бўлган ялпи баланс қиймати ва жамғарилган ескириш суммаси (қадрсизланиш бўйича йиғилган зарарлар билан умумлаштирилган); ва

(д) давр бошига ва охирига бўлган баланс қийматининг қуйидагиларни кўрсатадиган солиштирмаси:

- асосий воситаларнинг кирими;

- МҲХС 5га мувофиқ сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган ёки сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариш гуруҳига киритилган активлар ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар;

- бизнес бирлашуви орқали сотиб олинган асосий воситалар;

- БҲХС 36 га мувофиқ бошқа умумлашган даромадда тан олинган ёки тикланган қадрсизланиш бўйича зарарлар натижасида юзага келган кўпайишлар ёки камайишлар;

- БҲХС 36 га мувофиқ фойда ёки зарарларда тан олинган қадрсизланиш бўйича зарарлар;

- БҲХС 36 га мувофиқ фойда ёки зарарларда тикланган қадрсизланиш зарарлари;

- ескириш;

- тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳисоботларини функционал валютадан ундан фарқ қиладиган тақдимот валютасига ўтказиш ва хорижий бўлинмани тақдимот валютасига ўтказиш натижасида юзага келган соф курс фарқлари; ва

- бошқа ўзгаришлар.

Молиявий ҳисоботларда қуйидаги маълумотлар ҳам очиб берилиши керак:

(а) асосий воситаларга егалик ҳуқуқининг чекловлари мавжудлиги ва суммалари, ва мажбуриятлар бўйича гаровга берилган асосий воситалар;

(б) асосий восита объекти курилиши давомида унинг баланс қийматида тан олинган харажатлар суммаси;

(в) асосий воситаларни сотиб олиш бўйича келишилган мажбурит суммаси; ва

(г) умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида очиб берилмаса, қадрсизланган, йўқолган ёки арзонроқ бериб юборилган асосий воситалар учун учинчи томонлардан олинган ва фойда ёки зарар таркибида акс еттирилган қоплаш суммаси.

Агар асосий воситалар объекти қайта баҳоланган қиймати бўйича акс еттирилса, МҲХС 13га мувофиқ очиб берилиши талаб етилган маълумотларга қўшимча равишда қуйидагилар очиб берилиши керак:

(а) қайта баҳолаш ўтказилган сана;

(б) мустақил баҳоловчи иштирок етгани;

(в) қайта баҳоланган асосий воситаларнинг ҳар бир туркуми бўйича унинг таркибидаги активлар таннарх бўйича ҳисобга олиш модели бўйича ҳисобга олинганида уларнинг тан олинган бўлган баланс қийматлари; ва

(г) бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси, бу суммани акс еттирадиган счёта давр мобайнидаги ўзгаришларни кўрсатган ҳолда ҳамда қолдиқни акциядорларга тақсимлашдаги ҳар қандай чекловларни акс еттирган ҳолда.

4.3. БҲХС (IAS) 23 “Қарзлар бўйича харажатлар”

Маълум талабларга жавоб берадиган активни сотиб олинишига, қурилишига ёки ишлаб чиқарилишига бевосита тегишли бўлган қарзлар бўйича харажатлар ушбу актив таннархининг қисмини ташкил этади. Бошқа қарзлар бўйича харажатлар давр харажати сифатида тан олинади.

Ташкилот мазкур Стандартни қарзлар бўйича харажатларни ҳисобга олишда қўллаши лозим.

Стандарт капиталнинг ҳақиқий ёки ҳисоблаб топилган қийматига, жумладан мажбурият сифатида таснифланмаган имтиёзли капиталга, нисбатан қўлланилмайди.

Ташкилотдан Стандартни қуйидагиларнинг сотиб олинишига, қурилишига ёки ишлаб чиқарилишига бевосита тегишли бўлган қарзлар бўйича харажатларга нисбатан қўллашни талаб етмайди:

(а) ҳаққоний қийматда баҳоланган маълум талабларга жавоб берадиган маълум талабларга жавоб берадиган активнинг, масалан биологик активнинг; ёки

(б) такрорий асосда кўп миқдорда ишлаб чиқариладиган, ёки бошқа ҳолларда барпо этиладиган, товар-моддий захиралар.

Қарзлар бўйича харажатлар - бу ташкилот томонидан пул маблағларини қарзга олишда амалга ошириладиган фоиз ва бошқа харажатлардир.

Маълум талабларга жавоб берадиган актив - бу кўзланган фойдаланиш ёки сотув учун тайёр бўлишига жуда узоқ даврни зарурий талаб этадиган активдир.

Қарзлар бўйича харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

(а) БҲХС 39 «Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш» да изоҳланганидек эффектив фоиз усулидан фойдаланган ҳолда ҳисобланган фоиз харажати;

(б) БҲХС 17 «Ижара» га мувофиқ тан олинган молиявий ижара келишувларга нисбатан молиявий харажатлар; ва

(с) хорижий валютада қарз олишлардан юзага келадиган курс фарқлари, бунда улар фоиз сарфларига тўғриланишлар сифатида ҳисобланган даражада ҳисобга олинади.

Вазиятга қараб, қуйидагилардан бири маълум талабларга жавоб берадиган активлар бўлиши мумкин:

(а) товар-моддий захиралар

- (б) ишлаб чиқариш корхоналари
- (с) електроенергия ишлаб чиқарадиган қувватлар
- (д) номоддий активлар
- (е) инвестицион мулклар.

Молиявий активлар ҳамда қисқа давр мобайнида ишлаб чиқариладиган, ёки бошқа ҳолларда барпо этиладиган, товар-моддий захиралар маълум талабларга жавоб берадиган активлар бўлиб ҳисобланмайди. Сотиб олинганда улар бўйича кўзланган фойдаланиш ёки сотишга тайёрга активлар маълум талабларга жавоб берадиган активлар бўлиб ҳисобланмайди.

Ташкилот маълум талабларга жавоб берадиган активнинг сотиб олиншига, қурилишига ёки ишлаб чиқарилишига бевосита тегишли бўлган қарзлар бўйича харажатларни ушбу актив таннархининг қисми сифатида капитализация қилиши лозим. Ташкилот бошқа қарзлар бўйича харажатларни давр харажати сифатида уларни амалга оширадиган даврда тан олиши лозим.

Маълум талабларга жавоб берадиган активнинг сотиб олиншига, қурилишига ёки ишлаб чиқарилишига бевосита тегишли бўлган қарзлар бўйича харажатлар ушбу активнинг таннархига киритилади. Бундай қарз бўйича харажатлар актив таннархининг қисми сифатида капитализация қилинади, қачонки улар ташкилотга келгуси иқтисодий манфаатларни олиб келишининг еҳтимоли мавжуд бўлса ва харажатлар ишончли баҳоланиши мумкин бўлса. Қачонки ташкилот БҲХС 29 «Гиперинфляция иқтисодиётларида молиявий ҳисобот бериш» ни қўлласа, у БҲХС 29 га мувофиқ қарзлар бўйича харажатларнинг инфляцияни қоплайдиган қисмини айнан бир давр мобайнида харажат сифатида тан олади.

Маълум талабларга жавоб берадиган активнинг сотиб олиншига, қурилишига ёки ишлаб чиқарилишига бевосита тегишли бўлган қарзлар бўйича харажатлар шундай қарзлар бўйича харажатларки, бунда маълум талабларга жавоб берадиган актив бўйича сарф амалга оширилмаганда еди, уларни четлаб ўтиш мумкин бўлар еди. Қачонки ташкилот хусусан маълум талабларга жавоб берадиган муайян активга ега бўлиш мақсадида пул маблағларини қарзга олса, ушбу маълум талабларга жавоб берадиган активга бевосита тегишли бўлган қарзлар бўйича харажатлар осонгина аниқланиши мумкин.

Муайян қарзлар билан маълум талабларга жавоб берадиган актив ўртасидаги бевосита боғлиқликни аниқлаш ва бошқа ҳолларда четлаб ўтилиши мумкин бўлган қарзларни аниқлаш қийин бўлиши мумкин. Бундай қийинчилик, масалан, ташкилотнинг молиялаштириш фаолияти марказлашган ҳолда бошқарилганда содир бўлади. Шу билан бирга, гуруҳ турли фоиз ставкаларида пул маблағларини қарзга олиш учун бир қатор қарз инструментларидан фойдаланганда ва ушбу пул маблағларини гуруҳ ичидаги бошқа ташкилотларига турли шартларда кредитга берганда ҳам қийинчиликлар юзага келади. Бошқа қийинчиликлар, қачонки гуруҳ юқори инфляцион иқтисодиётларда фаолият юритаётганда, хорижий валюталарда белгиланган ёки бириктирилган кредитлардан фойдаланиш натижасида ва валюта курсларидаги тебранишлардан юзага келади. Бунинг натижасида, маълум талабларга жавоб

берадиган активнинг сотиб олинишига бевосита тегишли бўлган қарзлар бўйича харажатларнинг қийматини аниқлаш қийин бўлади ва мулоҳаза қилиш талаб этилади.

Ташкилот хусусан маълум талабларга жавоб берадиган активга ега бўлиш мақсадида пул маблағларини қарзга олиш даражасида, ташкилот капитализация қилинадиган қарзлар бўйича харажатлар қийматини давр мобайнида ушбу қарз бўйича амалга оширилган қарз бўйича ҳақиқий сарфлардан ушбу қарзларнинг вақтинчалик инвестицияси бўйича ҳар қандай инвестицион даромадни чегириш орқали аниқлаши лозим.

Маълум талабларга жавоб берадиган актив бўйича молиялаштириш келишуви пул маблағларининг айрим қисми ёки барчаси маълум талабларга жавоб берадиган актив бўйича сарфларга йўналтирилишидан олдин ташкилотнинг қарз маблағларига ега бўлишига ва қарз бўйича тегишли сарфларни амалга оширишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатларда, пул маблағлари маълум талабларга жавоб берадиган актив бўйича сарфлар муддати келгунча кўп ҳолларда вақтинчалик инвестиция қилинади. Давр мобайнида капитализация қилинадиган қарзлар бўйича харажатлар қийматини аниқлашда, бундай пул маблағлари бўйича ўзлаштирилган ҳар қандай инвестицион даромад амалга оширилган қарзлар бўйича харажатлардан чегирилади.

1- мисол.

Компания 1 феврал 2011 йилда ишлаб чиқариш биносини банкнинг мақсадли кредити ҳисобига қуришга киришди. Қурилиш 2011 йил 30 ноябрда тугалланди. Қурилиш даври давомида қисман тўланган кредит ҳисобига қуйидаги тўловлар амалга оширилди:

	Қурилиш учун тўланган тўловлар ш.б	Олинган кредит суммаси ш.б.
1 феврал 2011 йил	1000000	1000000
1 апрел 2011 йил	800000	1000000
1 июл 2011 йил	700000	1000000
1 октябр 2011 йил	500000	
жами	3000000	3000000

Кредитнинг самарали фоиз ставкаси 15 %. Фойдаланилмаган маблағни компания банкка 4 % ставка бўйича қўяди.

	Олинган кредит суммаси ш.б.	Вақтинчалик коэффициент	Фоиз ставкаси	Қарзлар бўйича ҳақиқий харажатлар ш.б.
1 феврал 2011 йил	1000000	10/12	15%	125000
1 апрел 2011 йил	1000000	8/12	15%	100000
1 июл 2011 йил	1000000	5/12	15%	62500
1 октябр 2011 йил				0
жами	3000000			287500

Вақтинча фойдаланилмаган кредитдан олинган инвестицион даромад:
 $200000 \times 4\% \times 3/12 + 500000 \times 4\% \times 3/12 = 7000$ ш.б.

Қарз бўйича капитализациялаштириладиган сумма: $287500 - 7000 = 280500$ ш.б.

Ташкилот умуман пул маблағларини қарзга олганда ва улардан маълум талабларга жавоб берадиган активга ега бўлиш мақсадида фойдаланганида, ташкилот капитализация қилинадиган қарзлар бўйича харажатлар қийматини аниқлаш учун ушбу актив бўйича қилинадиган сарфларга капитализация ставкасини кўпайтириши керак. Капитализация ставкаси давр мобайнида ташкилот қарзларининг тўланмаган қисмига тегишли бўлган қарзлар бўйича харажатларнинг ўртача тортилган фоизига тенг бўлиши лозим, бунда хусусан маълум талабларга жавоб берадиган активга ега бўлиш мақсадида жалб етилган қарзлардан ташқари. Ташкилот давр мобайнида капитализация қиладиган қарзлар бўйича харажатларнинг қиймати ушбу даврда у амалга оширган қарзлар бўйича харажатларнинг қийматидан ошмаслиги лозим.

Баъзи ҳолатларда, бош ташкилотнинг ва унинг шўъбаларининг барча қарзларини қарзлар бўйича харажатларнинг тортилган ўртачасини ҳисоблашда инобатга олиш ўринли бўлади; бошқа ҳолатларда, ҳар бир шўъба ташкилот учун ўзларининг қарзларига тегишли бўлган қарзлар бўйича харажатларнинг тортилган ўртачасидан фойдаланиш ўринли бўлади.

2- мисол.

Компания 1 феврал 2011 йилда ишлаб чиқариш биносини қуришга киришди. Қурилиш 2011 йил 30 ноябрда тугалланди. Қурилиш даври давомида қисман тўланган кредит ҳисобига қуйидаги тўловлар амалга оширилди:

	Қурилиш учун тўланган тўловлар ш.б
1 феврал 2011 йил	1000000
1 апрел 2011 йил	800000
1 июл 2011 йил	700000
1 октябр 2011 йил	500000
жами	3000000

Қурилишни амалга ошириш учун компания мақсадли кредит олмади. Шундай бўлсада компанияда қуйидаги мақсадсиз қарз маблағлари бор еди:

Қисқа муддатли банк кредити 2000000 ш.б. 15 % йиллик

Узоқ муддатли банк кредити 3000000 ш.б. 12,5 % йиллик

Капитализациялашнинг ўртача ставкасини аниқлаш:

$(2000000 \times 15\% + 3000000 \times 12.5\%) / (2000000 + 3000000) = 13.5\%$

Қарзлар бўйича капитализациялаштириладиган харажатлар суммаси

Муддати	Қурилиш учун тўланган тўловлар ш.б	Вақтинчалик коефициент	Фоиз ставкаси	Қарзлар бўйича ҳақиқий харажатлар ш.б.

1 феврал 2011 йил	1000000	10/12	13,5%	112500
1 апрел 2011 йил	800000	8/12	13,5%	72000
1 июл 2011 йил	700000	5/12	13,5%	39375
1 октябр 2011 йил	500000	2/12	13,5%	11250
жами	3000000			235125

Қачонки маълум талабларга жавоб берадиган активнинг баланс қиймати ёки кутилган якуний қиймати унинг қопланадиган суммасидан ёки соф сотиш қийматидан ошса, баланс қиймат бошқа Стандартларнинг талабларига мувофиқ қисман ёки тўлиқ ҳисобдан чиқарилади. Муайян ҳолатларда, қисман ёки тўлиқ ҳисобдан чиқарилган қиймат бошқа Стандартларга мувофиқ қайта тикланади.

Ташкилот қарзлар бўйича харажатларни маълум талабларга жавоб берадиган актив таннархининг қисми сифати капитализацияни бошланиш санасидан бошлаши лозим. Капитализация учун бошланиш санаси ташкилот қуйидаги барча шартларни дастлаб қаноатлантирадиган санадир:

(а) у актив бўйича сарфларни амалга оширса;

(б) у қарзлар бўйича харажатлар ни амалга оширса; ва

(с) у актив бўйича кўзланган фойдаланиш ва сотиш учун уни тайёрлашда зарур бўлган чораларни амалга оширса.

Маълум талабларга жавоб берадиган актив бўйича сарфлар фақатгина шундай сарфларни ўз ичига оладики, улар пул маблағларининг тўланишига, бошқа активларнинг ўтказилишига ёки фоизли мажбуриятларнинг қабул қилинишига олиб келади. Сарфлар актив билан боғлиқ тарзда олинган ҳар қандай оралиқ тўловларга ва олинган грантларга (МХХС 20 «Давлат грантларини ҳисобга олиш ва давлат ёрдамни очиб бериш» га қаранг) камайтиради. Давр мобайнидаги активнинг ўртача баланс қиймати, шу билан бирга олдин капитализация қилинган қарзлар бўйича харажатлар, одатда ушбу даврда капитализация ставкаси қўлланиладиган харажатларнинг асосли тахмини бўлиб ҳисобланади.

Активни кўзланган фойдаланишга ёки сотишга тайёрлаш учун зарур чоралар активнинг фақатгина жисмоний барпо етилиши қамраб олмайди. Улар жисмоний барпо етилиши бошланишигача бўлган техник ва маъмурий ишларни, масалан жисмоний барпо етилиши бошланишигача рухсатларни олиш билан боғлиқ чораларни, ўз ичига олади. Бироқ, бундай чоралар активнинг ҳолатини ўзгартирадиган ҳеч қандай ишлаб чиқариш ёки такомиллаштириш содир бўлмаётган пайтда активга егалик қилишни ўз ичига олмайди. Масалан, йерни такомиллаштириш пайтида амалга оширилган қарзлар бўйича харажатлар такомиллаштиришга тегишли чоралар амалга оширилаётган давр мобайнида капитализация қилинади. Бироқ, қурилиш мақсадларида сотиб олинган йер ҳеч қандай тегишли такомиллаштириш чорасисиз егалик қилинаётганда амалга оширилган қарзлар бўйича харажатлар капитализация қилиш бўйича талабларга жавоб бермайди.

3- мисол.

Компания 1 январ 2011 йилда ишлаб чиқариш комплексини қуриш учун банкдан мақсадли кредит олди. Компания 1 феврал 2011 йилда материалларни

сотиб олди. 1 март 2011 йилда компания қурилиш ишларини амалга ошириш учун техник ва маъмурий ишларни ўтказди. 1 апрел 2011 йилда қурилиш бошланди.

Капитализацияни бошлаш муддати 1 март 2011 йил.

Ташкилот қарзлар бўйича харажатларнинг капитализациясини у маълум талабларга жавоб берадиган активни фаол такомиллаштиришни тўхтатган ўзайтирилган даврлар мобайнида тўхтатиши лозим.

Ташкилот активни кўзланган фойдаланиш ёки сотиш учун тайёрлашда зарур чораларни тўхтатган ўзайтирилган давр мобайнида қарзлар бўйича харажатларни амалга ошириши мумкин. Бундай харажатлар қисман тугалланган активларга егалик қилиш билан боғлиқ харажатлар бўлиб, капитализация қилиш учун талабларга жавоб бермайди. Бироқ, ташкилот одатда у аҳамиятли техник ва маъмурий ишларни амалга ошираётган давр мобайнида қарзлар бўйича харажатларни капитализация қилишни тўхтатмайди. Ташкилот вақтинчалик бекор тўхтаб туриш активни кўзланган фойдаланиш ёки сотиш учун тайёрлаш жараёнининг зарурий қисми бўлганида ҳам қарзлар бўйича харажатларни капитализация қилишни тўхтатмайди. Масалан, капитализация юқори сув сатҳлари кўприк қурилишини кечиктирадиган давр мобайнида давом этади, агарда бундай юқори сув сатҳлари тегишли географик ҳудудда қурилиш даври мобайнида одатий ҳолат бўлса.

Ташкилот маълум талабларга жавоб берадиган активни кўзланган фойдаланиш ёки сотиш учун тайёрлашда зарур бўлган чораларнинг деярли барчаси тугаган пайтда қарзлар бўйича харажатларнинг капитализация қилинишини тугатиши лозим.

Актив одатда кўзланган фойдаланиш ёки сотиш учун тайёр бўлади, қачонки активнинг жисмоний барпо этилиши одатий маъмурий иш ҳануз давом этиши мумкинлигига қарамасдан тугалланган бўлса. Агарда амалда фақат кичик ўзгартиришлар, масалан мулкни харидор ёки фойдаланувчининг хусусий талабларига қараб безатиш, қолган бўлса, бу деярли барча ишлар тугалланганлигини кўрсатади.

Қачонки ташкилот маълум талабларга жавоб берадиган активнинг қурилишини қисмларда тугаца ва ҳар бир қисм бошқа қисмларда қурилиш давом этаётган пайтда фойдаланишга яроқли бўлса, ташкилот ушбу қисмни кўзланган фойдаланиш ёки сотиш учун тайёрлашда зарур бўлган чораларнинг деярли барчасини тугатган пайтда қарзлар бўйича харажатларнинг капитализация қилинишини тўхтатиши лозим.

Ҳар биридан алоҳида фойдаланиш мумкин бўлган бир қатор биноларни қамраб оладиган бизнес-марказ - ҳар бир қисм бошқа қисмларда қурилиш давом этаётган пайтда фойдаланишга яроқли бўлган маълум талабларга жавоб берадиган активга мисол бўлади. Бирор қисмидан фойдаланиш мумкин бўлишидан олдин тугалланиши зарур бўлган маълум талабларга жавоб берадиган активга, масалан металлургия комбинати каби, айнан бир жойда турли қисмлари кетма-кетликда амалга ошириладиган бир неча жараёнларни қамраб оладиган саноат корхонасини мисол сифатида келтириш мумкин.

Ташкилот қуйидагиларни очиб бериши лозим:

(а) давр мобайнида капитализация қилинган қарзлар бўйича харажатлар қийматини; ва

(б) капитализация қилинадиган қарзлар бўйича харажатлар қийматини аниқлашда фойдаланилган капитализация ставкасини.

4.4. БҲХС (IAS) 40 “Инвестицион мулк”

Мазкур стандартнинг мақсади инвестицион мулкни ҳисобга олиш ҳамда тегишли маълумотларни очиб бериш бўйича талабларни белгилашдан иборат.

Мазкур Стандарт инвестицион мулкни тан олишда, баҳолашда ва очиб беришда қўлланилиши лозим.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур Стандарт ижара олувчининг молиявий ҳисоботларида молиявий ижара сифатида ҳисобга олинган ижара шартномаси асосида егалик қилинаётган инвестицион мулкдаги улушларини баҳолашда ҳамда ижара берувчининг молиявий ҳисоботларида оператив ижара шартномаси асосида ижарага олувчига берилган инвестицион мулкни баҳолашда қўлланилади. Мазкур Стандарт МҲХС 17 “Ижара” да камраб олинган масалаларга нисбатан қўлланилмайди.

Мазкур Стандарт қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

(а) қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли биологик активларга (БҲХС 41 “Қишлоқ хўжалиги” га қаранг); ва

(б) фойдали қазилмалар бўйича ҳуқуқларга ва фойдали қазилмалар захираларига, масалан, нефт, табиий газ ва шунга ўхшаш қайта тикланмайдиган ресурсларга.

Баланс қиймати - бу активнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинадиган қийматидир.

Таннарх - бу активни унинг хариди ёки қурилиши пайтида сотиб олиш учун тўланган пул маблағлари ёки пул маблағларининг эквивалентидаги сумма ёки бошқа турдаги товоннинг ҳаққоний қиймати ёки, тегишли ҳолларда, бошқа МҲХСларнинг, масалан МҲХС 2 “Акцияга асосланган тўлов” нинг аниқ талабларига мувофиқ ушбу активнинг дастлабки тан олинимидаги қийматидир.

Ҳаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишда олиними мумкин бўлган ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши мумкин бўлган нархдир (МҲХС 13 “Ҳаққоний қийматни баҳолаш” га қаранг).

Инвестицион мулк – бу ижарадан даромад олиш мақсадида ёки капиталнинг қиймати қимматлашиши учун ёки иккаласи учун (мулк егаси ёки молиявий ижара шартномаси асосида ижара олувчи томонидан) егалик қилинаётган мулк (ер ёки бино – ёки бинонинг қисми – ёки иккаласи) бўлиб, бундан қуйидаги мулклар кирмайди:

(а) ишлаб чиқаришда ёки товарлар йетказиб бериш ёки хизматлар кўрсатишда ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиладиган; ёки

(б) оддий хўжалик фаолиятидаги сотишга мўлжалланган мулклар.

Мулк-мулк-егаси-егаллаган мулк – бу (мулк егаси ёки молиявий ижара

шартномаси асосида ижара олувчи томонидан) ишлаб чиқаришда ёки товарлар йетказиб бериш ёки хизматлар кўрсатишда ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиладиган егаликдаги мулк.

Қуйидагилар инвестицион мулкка мисолдир:

(а) оддий хўжалик фаолияти доирасида қисқа муддатда сотиш учун емас, балки узоқ муддат давомида капиталнинг қиймати қимматлашиши учун егалик қилинадиган йер.

(б) келгусида қайси мақсадда фойдаланилиши аниқланмаган егаликдаги йер. (Агарда тадбиркорлик субъекти йердан мулк-егаси-егаллаган мулк сифатида фойдаланишини ёки оддий хўжалик фаолияти доирасида қисқа муддатда сотиш учун фойдаланишини аниқламаган бўлса, йер капиталнинг қиймати қимматлашиши мақсадида сақланаётган деб ҳисобланади.)

(в) тадбиркорлик субъекти томонидан егалик қилинадиган (ёки молиявий ижара шартномаси асосида тадбиркорлик субъекти томонидан егалик қилинадиган) ҳамда бир ёки бир неча оператив ижара шартномалари асосида ижарага берилган бино.

(г) банд бўлмаган, аммо бир ёки бир неча оператив ижара бўйича ижарага беришга мўлжалланган бино.

(д) келгусида инвестицион мулк сифатида фойдаланиш учун курилаётган ёки такомиллаштирилаётган мулк.

Қуйидагилар инвестицион мулк бўлмаган моддаларга мисолдир ва шунинг учун улар мазкур Стандартнинг қўлланиш доирасидан ташқаридадир:

(а) оддий хўжалик фаолиятидаги сотишга мўлжалланган ёки бундай сотишга мўлжалланган курилиш ёки такомиллаштириш жараёнидаги мулк (МҲХС 2 “Товар-моддий захиралар” га қаранг), масалан, фақатгина яқин келажакда қайта сотиш ёки такомиллаштириш ва қайта сотиш мақсадида харид қилинган мулк.

(б) учинчи томон номидан курилаётган ёки такомиллаштирилаётган мулк (БҲХС 11 “Курилиш шартномалари” га қаранг).

(в) мулк-егаси-егаллаган мулк (МҲХС 16 га қаранг), шу жумладан (шу ўринда) келгусида мулк-егаси-егаллаган мулк сифатида фойдаланиладиган егаликдаги мулк, келгусида такомиллаштириладиган ва ўз навбатида мулк-егаси-егаллаган мулк сифатида фойдаланиладиган егаликдаги мулк, ходимлар томонидан банд қилинган мулк (ходимлар бозор ставкасида ижара ҳақи тўлаши ёки тўламаслигидан қатъий назар) ва балансдан чиқаришга мўлжалланган мулк-егаси-егаллаган мулк.

(г) бошқа тадбиркорлик субъектига молиявий ижара бўйича ижарага берилган мулк¹².

Баъзи мулклар ҳам ижарадан даромад олиш ёки капитал қийматининг қимматлашиши мақсадида егалик қилинадиган қисмни ҳам товарлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш ёки йетказиб бериш ёки маъмурий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган қисмни қамраб олиши мумкин. Агар ушбу

¹² M.Bonham and others. Generally accepted Accounting practice under IFRS. Ernst & Young LLP, United States, 2010. - part 2. p.1166-1174.

қисмларни алоҳида сотиш (ёки молиявий ижара бўйича алоҳида ижарага бериш) мумкин бўлса, тадбиркорлик субъекти қисмларни алоҳида ҳисобга олади. Агарда ушбу қисмларни алоҳида сотиш мумкин бўлмаса, мулк инвестицион мулк бўлади, қачонки катта бўлмаган қисми товарлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш ёки йеткилиб бериш ёки маъмурий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган бўлса.

Баъзи ҳолатларда, тадбиркорлик субъекти ўз егалигидаги мулкни банд қилганларга қўшимча хизматлар кўрсатади. Тадбиркорлик субъекти ушбу мулкни инвестицион мулк сифатида ҳисобга олади, қачонки хизматлар бутун шартноманинг катта бўлмаган қисми бўлса. Мисол тариқасида, офис биноси егаси томонидан бинони банд қиладиган ижарачиларга қўриқлаш ва сақлаш хизматларини кўрсатишини келтириш мумкин.

Бошқа ҳолатларда, кўрсатиладиган хизматлар катта даражада бўлиши мумкин. Масалан, агарда тадбиркорлик субъекти меҳмонхонага егалик қилса ва уни бошқарса, меҳмонларга кўрсатиладиган хизматлар бутун шартноманинг катта қисмини ташкил еца. Шу туфайли, егаси-бошқарадиган меҳмонхона инвестицион мулк эмас, балки мулк-егаси-егаллаган мулкдир.

Баъзида, қўшимча хизматлар шунчалик катта даражада бўлиши мумкин ва бунда мулк инвестицион мулк сифатида таснифланмаслигини аниқлаш қийиндир. Масалан, баъзи ҳолларда меҳмонхона егаси бошқарув шартномаси асосида айрим жавобгарликларни учинчи томонга ўтказиши мумкин. Бундай шартномаларнинг шартлари турли хил бўлади. Бир томондан, мулк егаси моҳиятан пассив инвестор бўлиши мумкин. Бошқа томондан, мулк егаси меҳмонхона фаолиятдан келадиган пул оқимлари ўзгаришининг хатарига катта даражада дучорлигини сақлаган ҳолда, кунлик функцияларни бошқа томонга ўтказиб юборган бўлади.

Мулк инвестицион мулк сифатида таснифланишини аниқлаш учун мулоҳаза қилиши зарур. Тадбиркорлик субъекти мезон ишлаб чиқади ва натижада инвестицион мулк таърифига мувофиқ келадиган мулоҳазани қўллаш имконига ега бўлади.

Баъзи ҳолатларда, тадбиркорлик субъекти егалигидаги мулк унинг бош ташкилоти ёки бошқа шуъба тадбиркорлик субъекти томонидан ижарага олинган ва банд қилинган бўлади. Жамланган молиявий ҳисоботларда ушбу мулк инвестицион мулк сифатида таснифланмайди, чунки мулк гуруҳ нуқтаи назаридан мулк-егаси-егаллаган мулкдир. Бироқ, мулкка егалик қилаётган тадбиркорлик субъекти нуқтаи назаридан қараганда, агарда мулк ижарадан даромад олиш мақсадида ёки капиталнинг қиймати қимматлашиши учун ёки иккаласи учун егалик қилинса, у инвестицион мулкдир. Шу туфайли, ижарага берувчи ўз молиявий ҳисоботларида мулкни инвестицион мулк сифатида ҳисобга олади.

Инвестицион мулк актив сифатида тан олинishi лозим, фақатгина қачонки:

(а) тадбиркорлик субъекти томонидан инвестицион мулк билан боғлиқ келгуси иқтисодий фойда олинishi еҳтимоли мавжуд бўлса; ва

(б) инвестицион мулкнинг таннархи ишончли баҳоланиши мумкин бўлса.

Тадбиркорлик субъекти ушбу тан олиш мезонига асосан инвестицион мулкнинг барча харажатларини улар сарфланган пайтда баҳолайди. Ушбу харажатлар дастлаб инвестицион мулкни сотиб олиш учун сарфланган харажатларни ҳамда кейинчалик мулкка нисбатан амалга оширилган қўшимчалар, ўзгартиришлар ёки хизматлар харажатларини қамраб олади.

Инвестицион мулк дастлаб унинг таннархида баҳоланиши лозим. Битимга оид харажатлар дастлабки баҳолаш таркибига киритилиши лозим.

Сотиб олинган инвестицион мулкнинг таннархи унинг сотиб олиш нархи ва ҳар қандай бевосита тегишли харажатларни қамраб олади. Бевосита тегишли харажатларга, масалан, профессионал юридик хизматларга харажатлар, мулкни ўтказиш бўйича солиқлар ва бошқа битимга оид харажатлари кириши мумкин.

Ижара бўйича егалик қилинадиган ва инвестицион мулк сифатида таснифланадиган мулк улушининг бошланғич таннархи МҲХС 17да белгиланган молиявий ижарага мос равишда аниқланиши лозим.

МҲХС 8 “Ҳисоб сиёсатлари, бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатолар”да таъкидланадигани, ўз ихтиёрига кўра ҳисоб сиёсатини фақатгина ўзгариш молиявий ҳисоботларда операцияларнинг, бошқа ҳодисалар ёки шароитларнинг тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳолатига, молиявий натижаларига ёки пул оқимларига таъсири тўғрисида ишончли ва ўринлироқ маълумотларни таъминлаган ҳолда ўзгартириш мумкин. Ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олиш моделини таннарх бўйича ҳисобга олиш моделига ўзгартириш ўринлироқ маълумот тақдим этишига олиб келиш еҳтимоли жудаям пастдир.

Мазкур Стандарт барча тадбиркорлик субъектларидан баҳолаш (агар тадбиркорлик субъекти ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олиш моделидан фойдаланса) ёки очиб бериш (агар у таннарх бўйича ҳисобга олиш моделидан фойдаланса) мақсадида инвестицион мулкнинг ҳаққоний қийматини баҳолашни талаб этади. Тадбиркорлик субъекти тан олинган ва тегишли профессионал малакага ега ҳамда баҳоланаётган инвестицион мулк жойида ва тоифасида яқин тажрибага ега мустақил баҳоловчи томонидан нархлаш асосида инвестицион мулкнинг ҳаққоний қийматини аниқлаши маъқулланади, аммо талаб этилмайди.

Дастлаб тан олингандан сўнг, ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олиш моделини танлайдиган тадбиркорлик субъекти ўзининг барча инвестицион мулкларини ҳаққоний қийматда баҳолаши лозим.

Инвестицион мулкнинг ҳаққоний қийматининг ўзгариши натижасида вужудга келадиган фойда ёки зарар у қайси даврда вужудга келган бўлса, ўша даврнинг фойда ёки зарарида тан олинishi лозим.

МҲХС 13 га мувофиқ инвестицион мулкнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш пайтида, тадбиркорлик субъекти шуни таъминлаши лозимки, ҳаққоний қиймат, шу ўринда, жорий ижара келишувларидан ижара даромадларини ҳамда бозор иштирокчилари жорий бозор шароитларида инвестицион мулкларни нархлашда фойдаланиши мумкин бўлган бошқа

фаразларни акс еттиради.

1-мисол.

2011 йил 1 июлда компания қиймати 600000 ш.б. бўлган маъмурий бинони келгусида операцион ижарага бериш мақсадида сотиб олди. Воситачи учун бино умумий қийматининг 0,7% миқдорида комиссия мукофот берилди. Компания инвестицион мулкни ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олиш моделидан фойдаланади. 2011 йил 31 декабрда бино ҳаққоний қиймати 610000 ш.б. ни ташкил етди.

Инвестицион мулк қиймати сотиб олинган пайтда 2011 йил 1 июлда $600000 + 600000 \times 0.7\% = 604200$ ш.б.

2011 йил 31 декабрда инвестицион мулк қиймати ўзгарганда:

Дт Инвестицион мулк (M0400) 5800

Кт Ҳаққоний қийматнинг ўсиши (M9391) 5800

$610000 - 604200 = 5800$ ш.б.

2012 йил 31 декабрда инвестицион мулкнинг ҳаққоний қиймати пасайди ва 605000 ш.б.ни ташкил қилди:

Дт Ҳаққоний қийматнинг камайиши (M9491) 5000

Кт Инвестицион мулк (M0400) 5000

$(605000 - 610000) = 5000$

Ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олиш модели асосида инвестицион мулкнинг баланс қийматини аниқлашда, тадбиркорлик субъекти алоҳида активлар ва мажбуриятлар сифатида тан олинган активлар ва мажбуриятларни икки марта ҳисобга олмайди. Масалан:

(а) Ускуналар, масалан лифтлар ёки кондиционерлар, алоҳида активлар сифатида тан олинмайди, балки улар бинонинг ажралмас қисми бўлиб, умуман олганда инвестицион мулкнинг ҳаққоний қиймати таркибига киритилган бўлади.

(б) Агарда офис мебеллар билан ижарага берилган бўлса, офиснинг ҳаққоний қиймати мебелларнинг ҳаққоний қийматини ҳам ўз ичига олади, чунки ижарадан даромад мебелли офисга тааллуқлидир. Қачонки мебеллар инвестицион мулкнинг ҳаққоний қийматига киритилганда, тадбиркорлик субъекти ушбу мебелларни алоҳида актив сифатида тан олмайди.

(в) Инвестицион мулкнинг ҳаққоний қиймати таркибига оператив ижарадан даромадлар бўйича олдиндан тўлов ёки ҳисобланган даромад кирмайди, чунки тадбиркорлик субъекти уни алоҳида актив ёки мажбурият сифатида тан олади.

(г) Ижара бўйича егалик қилинаётган инвестицион мулкнинг ҳаққоний қиймати кутилаётган пул оқимларини акс еттиради (шу жумладан, тўланиши мумкинлиги кутилаётган шартли ижара ҳақлари). Шу туфайли, агар мулкни баҳолаш амалга оширилиши кутилаётган барча соф тўловлар бўлса, ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олиш модели асосида инвестицион мулкнинг ҳаққоний қийматини аниқлаш учун ҳар қандай тан олинган ижара мажбуриятини ушбу тўловларга қайта қўшиш зарур.

Тадбиркорлик субъектининг доимий асосда инвестицион мулкнинг

ҳаққоний қийматини ишончли аниқлай олишини рад етадиган фараз мавжуд. Бироқ, истисно ҳолатларда, қачонки тадбиркорлик субъекти инвестицион мулкни дастлаб сотиб олганда (ёки фойдаланишдаги ўзгариш натижасида мавжуд мулк дастлаб инвестицион мулкка айланганда), инвестицион мулкнинг ҳаққоний қийматини доимий асосда ишончли аниқлаб бўлмаслиги аниқ далили мавжуд бўлади. Бундай ҳолат содир бўлади, фақатгина қачонки қийсий мулклар бозори фаол бўлмаса (масалан, яқин саналардаги операциялар жуда кам, белгиланган нархлар жорий эмас ёки кузатилган операция нархлари шуни кўрсатадики сотувчи сотишга мажбур бўлган) ва ҳаққоний қийматининг муқобил ишончли баҳолари (масалан, дисконтланган пул оқимлари режаларига асосланган) мавжуд бўлмаса. Агар тадбиркорлик субъекти қурилиш жараёнидаги инвестицион мулкнинг ҳаққоний қиймати ишончли аниқланмаслигини аниқласа, аммо қурилиш тугаганда мулкнинг ҳаққоний қийматини ишончли аниқлашни тахмин қилса, унинг ҳаққоний қиймати ишончли аниқлангунча ёки қурилиш тугагунча (қайси бири вақтликроқ бўлса), тадбиркорлик субъекти ушбу қурилиш жараёнидаги инвестицион мулкни таннархда баҳолаши лозим. Агар тадбиркорлик субъекти инвестицион мулкнинг (қурилиш жараёнидаги инвестицион мулкдан ташқари) ҳаққоний қийматини доимий асосда ишончли аниқлаб бўлмаслигини аниқласа, тадбиркорлик субъекти ушбу инвестицион мулкни БҲХС 16 даги таннарх бўйича ҳисобга олиш моделидан фойдаланган ҳолда баҳолаши лозим. Инвестицион мулкнинг қолдиқ қиймати нол деб фараз қилиниши лозим. Тадбиркорлик субъекти инвестицион мулкни баланسدан чиқаргунча БҲХС 16 ни қўллаши лозим.

Қачонки тадбиркорлик субъекти олдин таннархда баҳоланган қурилиш жараёнидаги инвестицион мулкнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш имконига ега бўлса, у ушбу мулкни унинг ҳаққоний қийматида баҳолаши лозим. Ушбу мулкнинг қурилиши тугаганда, ҳаққоний қиймат ишончли баҳолалиши мумкин деб фараз қилинади. Агар бундай ҳолат бўлмаса, мулк БҲХС 16 даги таннарх бўйича ҳисобга олиш моделидан фойдаланган ҳолда ҳисобга олиниши лозим.

Қурилиш жараёнидаги инвестицион мулкнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш мумкинлиги тўғрисидаги фараз фақатгина дастлабки тан олишда рад етилиши мумкин. Қурилиш жараёнидаги инвестицион мулк объектини ҳаққоний қийматда баҳолаган тадбиркорлик субъекти қурилиши тугаган инвестицион мулкнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш мумкин эмаслиги тўғрисида хулоса қила олмайди.

Истисно ҳолатларда, МҲХС 16даги таннарх бўйича ҳисобга олиш моделидан фойдаланган ҳолда баҳолашга мажбур бўлса, у бошқа инвестицион мулкларни, шу жумладан қурилиш жараёнидаги инвестицион мулкни, ҳаққоний қийматда баҳолайди. Бундай ҳолатларда, тадбиркорлик субъекти таннарх бўйича ҳисобга олиш моделини битта инвестицион мулкка нисбатан қўлласа ҳам, тадбиркорлик субъекти қолган мулкларнинг ҳар бирини ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олиш моделидан фойдаланган ҳолда ҳисобга олишни

давом еттириш лозим.

Агарда тадбиркорлик субъекти олдин инвестицион мулкни ҳаққоний қийматда баҳолаган бўлса, қиёсий бозор битимлари тез-тез юз бермай қолиши ёки бозор нархлари кам мавжуд бўлиб қолишига қарамасдан, у баланسدан ташқарига чиқаргунча (ёки мулк мулк-егаси-егаллаган мулк бўлгунча ёки тадбиркорлик субъекти оддий хўжалик фаолиятидаги сотиш учун мулкни такомиллаштиришни бошлагунча) мулкни ҳаққоний қийматда баҳолашни давом еттириш лозим.

Дастлабки тан олингандан сўнг, таннарх бўйича ҳисобга олиш моделини танлайдиган тадбиркорлик субъекти ўзининг барча инвестицион мулкларини ушбу бўйича ҳисобга олиш моделига нисбатан БҲХС 16 нинг талабларига мувофиқ баҳолаши лозим, бундан МҲХС 5 “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва давом еттирилмайдиган фаолият” га мувофиқ сотишга мўлжалланган таснифининг мезонларини қаноатлантирадиганлар (ёки сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган баланسدан чиқариш гуруҳига киритилганлар) мустасно. Сотишга мўлжалланган таснифининг мезонларини қаноатлантирадиган (ёки сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган баланسدан чиқариш гуруҳига киритилган) инвестицион мулклар МҲХС 5 га мувофиқ баҳоланиши лозим.

Инвестицион мулк таснифига, ёки таснифидан, ўтказмалар амалга оширилиши лозим, фақат ва фақат, фойдаланишда ўзгариш бўлиши қуйидагилар орқали тасдиқланганда:

(а) инвестицион мулкдан мулк-егаси-егаллаган мулкка ўтказма учун, егаси томонидан егаллашнинг бошланиши;

(б) инвестицион мулкдан товар-моддий захираларга ўтказма учун, сотишни кўзлаб такомиллаштиришни бошланиши;

(в) мулк-егаси-егаллаган мулкдан инвестицион мулкка ўтказма учун, егаси томонидан егаллашнинг тугаши; ёки

(г) товар-моддий захиралардан инвестицион мулкка ўтказма учун, бошқа томон билан оператив ижаранинг бошланиши.

Тадбиркорлик субъектидан мулкни инвестицион мулкдан товар-моддий захираларга ўтказишни талаб еца, фақатгина қачонки сотишни кўзлаб такомиллаштиришни бошлаш оқибатида фойдаланишда ўзгариш бўлса. Тадбиркорлик субъекти инвестицион мулкни такомиллаштирамасдан баланسدан чиқаришга қарор қилса, уни тан олишни тухтатгунча (молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдан чиқариб ташлагунча) инвестицион мулк сифатида ҳисобга олишни давом еттиради ва товар-моддий захиралар сифатида ҳисобламайди. Худди шунингдек, агар тадбиркорлик субъекти келгусида инвестицион мулк сифатида фойдаланишни давом еттириш учун амалдаги инвестицион мулкни қайта такомиллаштиришни бошласа, мулк инвестицион мулк сифатида қолади ва у қайта такомиллаштириш мобайнида мулк-егаси-егаллаган мулк сифатида қайта таснифланмайди.

Ҳаққоний қийматда акс еттирилган инвестицион мулкдан мулк-егаси-егаллаган мулкка ёки товар-моддий захираларга ўтказмада, МҲХС 16 ёки

МҲҲС 2 га мувофиқ кейинги ҳисоб-китоб учун мулкнинг назарда тутилган қиймати фойдаланишда ўзгариш бўлган санадаги унинг ҳаққоний қиймати бўлиши лозим.

Тадбиркорлик субъекти ўша санада МҲҲС 16 га мувофиқ мулкнинг баланс қиймати билан унинг ҳаққоний қиймати орасидаги ҳар қандай фарқни МҲҲС 16 га мувофиқ қайта баҳолаш каби ҳисобга олиши лозим.

Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси тақсимланмаган фойдага ўтказилганда у фойда ёки зарарга таъсир қилмайди.

Товар-моддий заҳиралардан ҳаққоний қийматда акс еттириладиган инвестицион мулкка ўтказма учун, мулкнинг ўша санадаги ҳаққоний қиймати билан унинг олдинги баланс қиймати ўртасидаги ҳар қандай фарқ фойда ёки зарарда тан олинishi лозим.

Товар-моддий заҳиралардан ҳаққоний қийматда акс еттириладиган инвестицион мулкка ўтказмаларнинг ёндашуви товар-моддий заҳираларнинг сотилишининг ёндашвиға мутаносибдир.

Тадбиркорлик субъекти ҳаққоний қийматда акс еттириладиган ўзи томонидан қурилайётган инвестицион мулкнинг қурилишини ёки такомиллаштирилишини тугатганда, мулкнинг ўша санадаги ҳаққоний қиймати билан унинг олдинги баланс қиймати ўртасидаги ҳар қандай фарқ фойда ёки зарарда тан олинishi лозим.

2-мисол.

Уй жой қуриб сотувчи компания сотиш учун қурган уйларида бирини 2011 йил 1 октябрида яқин йиллар учун операцион ижарага беришга қарор қилди. Бу уйнинг таннари 740000 ш.б.ни ташкил қилади. Инвестицион мулкнинг ҳаққоний қиймати 1000000 ш.б.га тенг.

1 октябр 2011 йилда компания ўз заҳирасини инвестицион мулкка ўтказиш операцияси учун қуйидаги проводка беради:

Дт Инвестицион мулк (М0400) 1000000
Кт Ҳаққоний қийматнинг ўсиши (М9391) 260000
Кт Тайёр маҳсулот (М2700) 740000

Ҳисобдан чиқаришда, ёки қачонки инвестицион мулк узоқ муддатда фойдаланишда бўлмаганда ва унинг ҳисобдан чиқарилишидан келгуси иқтисодий манфаатлар кутилмаганда, инвестицион мулкнинг тан олинishi тўхтатилиши (молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдан чиқарилиши) лозим.

Инвестицион мулкни ҳисобдан чиқариш уни сотиш орқали ёки молиявий ижарага бериш орқали амалга оширилиши мумкин. Инвестицион мулкни ҳисобдан чиқариш санасини аниқлашда, тадбиркорлик субъекти товарларни сотишдан даромадни тан олиш бўйича БҲҲС 18 да келтирилган мезонларни қўллайди ва БҲҲС 18 да келтирилган мисоллардаги тегишли кўрсатмаларни ётиборга олади. БҲҲС 17 молиявий ижарага бериш орқали ҳисобдан чиқаришга ҳамда сотиш ва қайта ижарага олишга нисбатан қўлланилади.

Инвестицион мулкнинг фойдалилик муддати тугаши ёки ҳисобдан чиқарилиши натижасида вужудга келадиган фойдалар ёки зарарлар ҳисобдан

чиқариш бўйича соф тушумлар билан унинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланиши лозим ҳамда фойдалилик муддати тугаши ёки балансдан чиқарилиши давридаги фойда ёки зарарда тан олинishi лозим (БҲХС 17 сотиш ва қайта ижарага олишга нисбатан бошқасини талаб етмагунча).

Инвестицион мулкнинг ҳисобдан чиқарилишида олинishi мумкин бўлган қийматни қоплаш дастлаб ҳаққоний қийматда тан олинади. Хусусан, агар инвестицион мулк учун тўлов кечиктирилса, олинадиган қийматни қоплаш дастлаб пул маблағи эквивалентида тан олинади. Қийматни қоплашнинг номинал қиймати билан пул маблағи эквиваленти ўртасидаги фарқ БҲХС 17 га мувофиқ самарали фоиз бўйича ҳисобга олиш моделини қўллаган ҳолда фоиз даромадлари сифатида тан олинади.

Шикастланган, йўқотилган ёки тақдим етилган инвестицион мулкларнинг учинчи томондан қопланиши фойда ёки зарарда тан олинishi лозим, қачонки қоплаш олинishi мумкин бўлса.

Инвестицион мулкларнинг шикастланиши ёки йўқотилиши, учинчи томондан талаб қилинадиган ёки тўланадиган тегишли қоплашлар ва алмаштириладиган активларнинг сотиб олинishi ёки қурилиши алоҳида иқтисодий ходисалардир ва улар қуйидагича алоҳида ҳисобга олинади:

(а) инвестицион мулкларнинг шикастланиши БҲХС 36 га мувофиқ тан олинади;

(б) инвестицион мулкнинг фойдаланиш муддати тугаши ёки ҳисобдан чиқарилиши қачонки инвестицион мулк узоқ муддатда фойдаланишда бўлмаганда ва унинг ҳисобдан чиқарилишидан келгуси иқтисодий манфаатлар кутилмаганда, инвестицион мулкнинг тан олинishi тухтатилиши (молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдан чиқарилиши) тан олинади;

(в) шикастланган, йўқотилган ёки тақдим етилган инвестицион мулкларнинг учинчи томондан қопланиши фойда ёки зарарда тан олинishi лозим, қачонки қоплаш олинishi мумкин бўлса; ва

(г) алмаштиришлар сифатида тикланган, сотиб олинган ёки қурилган активларнинг қиймати дастлаб унинг таннархида баҳоланиши лозим. Битимга оид харажатлар дастлабки баҳолаш таркибига киритилиши лозим.

Тадбиркорлик субъекти қуйидагиларни очиб бериши лозим:

(а) у ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олиш моделини ёки таннарх бўйича ҳисобга олиш моделини қўллаётганини.

(б) агар у ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олиш моделини қўлласа, оператив ижара келишуви асосида егалик қилинаётган мулк улушлари инвестицион мулк сифатида таснифланганини ва ҳисобга олинганини ва бу қандай ҳолатларда амалга оширилганини.

(в) қачонки таснифлаш қийин бўлганда, мулк-егаси-егаллаган мулкдан ва оддий хўжалик фаолиятидаги сотишга мўлжалланган мулкдан инвестицион мулкни фарқлаш учун у қўллайдиган мезонларни.

(г) инвестицион мулкнинг (молиявий ҳисоботларда баҳоланган ёки очиб берилган) ҳаққоний қиймати қай даражада тан олинган ва тегишли профессионал малакага ега ҳамда баҳоланаётган инвестицион мулк жойида ва

тоифасида яқин тажрибага ега мустақил баҳоловчи томонидан нархлашга асосланганлигини. Бундай нархлаш бўлмаган бўлса, ушбу факт очиб берилиши лозим.

(д) Қуйидагилар бўйича фойда ёки зарарда тан олинган суммалар:

- инвестицион мулкдан ижара даромадлари;
- давр мобайнида ижара даромадлари келтирган инвестицион мулкка нисбатан бевосита оператив харажатлар (жумладан, таъмирлаш ва сақлаш харажатлари); ва

- давр мобайнида ижара даромадлари келтирмаган инвестицион мулкка нисбатан бевосита оператив харажатлар (жумладан, таъмирлаш ва сақлаш харажатлари).

- таннарх бўйича ҳисобга олиш модели фойдаланилган тўпلامдан ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олиш модели фойдаланилган тўпلامга инвестицион мулкнинг сотилиши бўйича фойда ёки зарарда тан олинган ҳаққоний қийматдаги йиғилган ўзгариш.

(е) инвестицион мулкнинг сотилиши, ёки ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадларнинг ва тушумларнинг ўтказилиши бўйича чекловларнинг мавжудлиги ва суммалари.

(ж) инвестицион мулкни сотиб олиш, қуриш ёки такомиллаштириш бўйича ёки таъмирлаш, сақлаш ёки яхшилаш бўйича шартномавий мажбуриятлар.

4.5. БҲҲС (IAS) 38 “Номоддий активлар”

Мазкур Стандартнинг мақсади бошқа Стандарт қамраб олмаган номоддий активлар учун бухгалтерия ҳисобининг ёндашувини белгилашдан иборатдир. Мазкур Стандарт тадбиркорлик субъектидан номоддий активни у фақатгина белгиланган мезонларга жавоб берганида тан олишни талаб этади. Ушбу Стандарт номоддий активларнинг баланс қийматини қандай баҳолашни белгилайди ва номоддий активлар тўғрисида муайян маълумотлар очиб берилишини талаб этади.

Стандарт номоддий активларни ҳисобга олишда қўлланиши лозим, бундан қуйидагилар мустасно:

(а) бошқа Стандарт қўллаш доирасидаги номоддий активлар;

(б) БҲҲС 32 “Молиявий инструментлар: Тақдим етиш” да таърифланган молиявий активлар;

(д) активларнинг қидируви ва баҳоланишини тан олиш ва баҳолаш (МҲҲС 6 “Минерал ресурсларнинг қидируви ва баҳоланиши” га қаранг); ва

(г) Фойдали қазилмалар, нефт, табиий газ ва шунга ўхшаш қайта тикланмайдиган ресурсларни қайта ишлаш ва қазиб олиш харажатлари.

Стандарт қуйидагилар учун қўлланилмайди:

(а) тадбиркорлик субъекти томонидан оддий бизнес фаолиятида сотиш учун егалик қилинаётган номоддий активлар (БҲҲС 2 “Товар-моддий заҳиралар” ва БҲҲС 11 “Қурилиш шартномалари” га қаранг).

(б) кечиктирилган солиқ активлари (БҲҲС 12 «Фойда солиқлари» га

қаранг).

(в) БҲҲС 17 «Ижара» нинг қўллаш доирасидаги ижаралар.

(г) Ходимларга ҳақ тўлашдан юзага келадиган активлар (БҲҲС 19 «Ходимларнинг даромадлари» га қаранг).

(д) БҲҲС 32 да таърифланган молиявий активлар. Баъзи молиявий активларнинг тан олинishi ва баҳолаinishи МҲҲС 10 “Жамланган молиявий ҳисоботлар”, БҲҲС 27 «Алоҳида молиявий ҳисоботлар» ва БҲҲС 28 «Қарам тадбиркорлик субъектларидаги ва қўшма корхоналардаги инвестициялар» да қамраб олинган.

(е) Бизнес бирлашувида сотиб олинган гудвилл (МҲҲС 3 «Бизнес бирлашувлари» га қаранг).

(ж) МҲҲС 4 «Суғурта шартномалари» нинг қўллаш доирасидаги суғурта шартномалари асосидаги суғуртачининг шартномавий ҳуқуқларидан келиб чиқадиган кечиктирилган харид ҳаражатлари ва номоддий активлар. МҲҲС 4 ушбу номоддий активлар учун емас, балки ушбу кечиктирилган харид ҳаражатлари учун аниқ маълумотлар очиб берилиши талабларини белгилайди. Шу туфайли, мазкур Стандартдаги маълумотларни очиб бериш бўйича талаблар ушбу номоддий активлар учун қўлланилади.

(з) МҲҲС 5 «Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва давом еттирилмайдиган фаолият» га мувофиқ сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган (ёки сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариш гуруҳига киритилган) узоқ муддатли номоддий активлар¹³.

Баъзи номоддий активлар моддий кўринишда сақланиши мумкин, масалан, компакт диск (компютер дастури мисолида), ҳуқуқий ҳужжатлар (лицензия ёки патент мисолида) ёки филм. Номоддий ва моддий жиҳатларга ега активни БҲҲС 16 “Асосий воситалар” бўйича ҳисобга олинishi ёки мазкур Стандарт бўйича номоддий активлар сифатида ҳисобга олинishини аниқлаш учун, тадбиркорлик субъекти қайси жиҳат аҳамиятлироқлигини баҳолашда ҳукм чиқаришдан фойдаланади. Масалан, аниқ бир компютер дастурисиз фаолият кўрсатмайдиган компютер-назорат-киладиган ускуна учун компютер дастури тегишли еҳтиёт қисмининг ажралмас қисмидир ва у асосий восита сифатида ҳисобга олинади. Айнан шу ёндашув компютернинг операцион тизимига нисбатан қўлланилади. Қачонки дастур тегишли еҳтиёт қисмининг ажралмас қисми бўлмаса, компютер дастури номоддий актив сифатида ҳисобга олинади.

Шу билан бирга, мазкур Стандарт реклама, тренинг, бизнесни бошлаш, тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш фаолиятлари бўйича ҳаражатлар учун қўлланилади. Тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш фаолиятлари билимни ривожлантиришга йўналтирилгандир. Шу туфайли, ушбу фаолиятлар натижаси моддий кўринишдаги активга (масалан, намуна) олиб келишига қарамасдан, активнинг моддий жиҳати унинг номоддий қисмига иккиламчидир, яъни унда билим сингдирилгандир.

¹³ M.Bonham and others. Generally accepted Accounting practice under IFRS. Ernst & Young LLP, United States, 2010. - part 2. p.1036-1037.

Молиявий ижара ҳолатида, асосдаги актив моддий ёки номоддий бўлиши мумкин. Дастлаб тан олингандан сўнг, ижарага олувчи молиявий ижара келишуви асосида егаллик қилинаётган номоддий активни мазкур Стандартга мувофиқ ҳисобга олади. Тасвирий филмлар, видео тасмалари, ёзма асарлар, қўлёзмалар, патентлар ва авторлик ҳуқуқлари каби моддалар учун лицензиялаш келишувлари асосидаги ҳуқуқлар БҲХС 17 қўллаш доирасидан чиқарилгандир ва мазкур стандарт қўллаш доирасидадир.

Агарда фаолиятлар ёки операциялар шунчалик махсулаштирилиб, бошқача ёндашув зарур бўладиган бухгалтерия ҳисобини қўллашга олиб келса, мазкур Стандартнинг қўллаш доирасидан истисно бўлиши мумкин. Бундай масалалар қазиб олиш соҳасида нефт, газ ва минерал депозитларни қидирув ёки қайта ишлаш ва қазиб чиқариш ҳаражатларини ҳисобга олишда ҳамда суғурта шартномалари ҳолатларида юзага келади. Шу туфайли, мазкур Стандарт бундай фаолиятлардаги ҳаражатлар ва шартномалар учун қўлланилмайди. Бироқ, мазкур Стандарт қазиб олиш соҳаларида ёки суғуртачилар томонидан фойдаланилган бошқа номоддий активлар (масалан, компьютер дастури) ва сарфланган бошқа ҳаражатлар (масалан, бизнесни бошлаш ҳаражатлари) учун қўлланилади.

Амортизация - бу номоддий активнинг ескириш ҳисобланадиган қийматини унинг фойдали хизмат муддати давомида систематик тарзда ҳаражатларга олиб боришдир.

Актив - ресурс бўлиб, у:

(а) олдинги ҳодисалар натижасида тадбиркорлик субъекти томонидан назорат қилинади; ва

(б) ундан тадбиркорлик субъекти томонидан келгусида иқтисодий наф олиниши кутилади.

Баланс қиймати - бу шундай қийматки, бунда актив ҳар қандай жамғарилган амортизация ва йиғилган қадрсизланиш бўйича зарарларни чегирилгандан сўнг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинади.

Таннарх - бу активни унинг хариди ёки қурилиши пайтида сотиб олиш учун тўланган пул маблағи ёки пул маблағи эквивалентидаги қиймат ёки бошқа турдаги унинг евазига берилган товоннинг ҳаққоний қиймати ёки, тегишли ҳолларда, бошқа БҲХСларнинг, масалан БҲХС 2 “Акцияга асосланган тўлов” нинг аниқ талабларига мувофиқ ушбу активни дастлабки тан олиншидаги қийматдир.

Ескириш ҳисобланадиган қиймат - бу активнинг тугатиш қиймати чегирилгандаги таннархи ёки таннарх ўрнига акс етириладиган бошқа қийматдир.

Тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш - бу тижорат мақсадларида ишлаб чиқариш ёки фойдаланишни бошлашдан олдин, янги ёки сезиларли тарзда такомиллашган материаллар, ускуналар, товарлар, жараёнлар, тизимлар ёки хизматларни ишлаб чиқариш режасига ёки дизайнига нисбатан тадқиқот топилмаларини ёки бошқа билимларни қўллашдир.

Тадбиркорлик субъектига хос қиймат - бу тадбиркорлик субъекти

томонидан активдан давомий фойдаланишидан ва фойдали хизмат муддати охирида балансдан чиқаришдан ёки мажбурият учун ҳисоб-китоб қилинганда кутиладиган пул оқимларининг келтирилган қийматидир.

Ҳаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишда олинishi мумкин бўлган ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши мумкин бўлган нархдир. (МҲХС 13 “Ҳаққоний қийматни баҳолаш” га қаранг)

Қадрсизланиш бўйича зарар - бу активнинг баланс қийматининг унинг қопланадиган қийматидан ортиқ қисмидир.

Номоддий актив - бу моддий-ашёвий мазмунга ега бўлмаган аниқланадиган номонетар актив.

Монетар активлар - бу егаликдаги пул маблағлари ва қатъий белгиланган ёки аниқланадиган пул миқдорларида олинадиган активлардир.

Тадқиқот - бу янги илмий ёки техник билимга ва тушунчага еришиш истиқболлини кўзлаб амалга оширилган асл ва режалаштирилган изланишдир.

Номоддий активнинг тугатиш қиймати - бу активнинг чиқиб кетиши бўйича баҳоланган ҳаражатлар чегирилган ҳолда, тадбиркорлик субъекти айна пайтда худди актив фойдали хизмат муддати охирида кутилган муддати ва ҳолатида бўлганидек активнинг чиқиб кетишидан оладиган баҳоланган қийматидир.

Фойдали хизмат муддати - бу:

(а) тадбиркорлик субъекти активдан фойдаланиши учун ушбу активнинг яроқли бўлиши кутилган давр; ёки

(б) тадбиркорлик субъекти томонидан активдан олинishi кутилган ишлаб чиқариш ҳажми (миқдори) ёки шунга ўхшаш бирликлар сони.

Тадбиркорлик субъектлари номоддий активларни, масалан, илмий ёки техник билим, янги жараёнлар ёки тизимлар дизайни ва амалга оширилиши, лицензиялар, интеллектуал мулк, бозор билими ва савдо мулкларини (жумладан, бренд номлар ва чоп этиш номлари) сотиб олишда, такомиллаштиришда, сақлаш ёки яхшилашда тез-тез ресурсларни кенгайтирадилар ёки мажбуриятларни тан оладилар. Ушбу кенг кўламни қамраб оладиган оддий мисолларга компьютер дастури, патентлар, авторлик ҳуқуқлари, тасвирий филмлар, мижозлар рўйхатлари, ипотекага хизмат кўрсатиш ҳуқуқлари, балиқ овлаш лицензиялари, импорт квоталари, франчайзинглар, мижоз ёки таъминотчи алоқалари, мижоз содиқлиги, бозор улуши ва маркетинг ҳуқуқларини келтириш мумкин¹⁴.

Масалан, аниқланган еканлигига, ресурс устидан назорат ва келгуси иқтисодий манфаатларнинг мавжудлигига тўғри келмайди. Агарда модда мазкур Стандартни қўллаш доирасида номоддий актив таърифини қаноатлантирмаса, уни сотиб олиш ёки ички яратиш ҳаражатлари улар сарфланган пайтда ҳаражатлар сифатида тан олинади. Бироқ, агарда модда бизнес бирлашувида сотиб олинган бўлса, у харид санасида гудвиллнинг

¹⁴ M.Bonham and others. Generally accepted Accounting practice under IFRS. Ernst & Young LLP, United States, 2010.- part 2. p.1040-1042.

маълум қисмини ташкил этади.

Номоддий актив таърифи уни гудвиллдан фарқлаш учун номоддий активни аниқланадиган бўлишини талаб этади. Бизнес бирлашувида тан олинган гудвилл бизнес бирлашувида сотиб олинган бошқа активлардан келадиган келгуси иқтисодий манфаатларни ифода етувчи актив бўлиб, у алоҳида аниқланмайди ва тан олинмайди. Келгуси иқтисодий манфаатлар сотиб олинганда аниқланадиган активлар ёки алоҳида олганда молиявий ҳисоботларда тан олинмайдиган активлардан биргаликда фойдаланишдан келиши мумкин.

Актив аниқланадиган ҳисобланади, агарда у ёки:

(а) ажратиладиган бўлса, масалан, тадбиркорлик субъектидан ажратиш ва бўлиниш ёки алоҳида ёки тегишли шартнома, аниқланадиган актив ёки мажбурият билан бирга сотилиши, ўтказилиши, лицензия сифатида берилиши, ижарага берилиши ёки алмашилиши имконига ега бўлса, бунда тадбиркорлик субъекти буни амалга оширишни кўзлаганлигидан қатъий назар; ёки

(б) шартномавий ёки бошқа юридик ҳуқуқлар натижасида юзага келса, бунда ушбу ҳуқуқлар ўтказиладиган ёки тадбиркорлик субъектидан ёки бошқа ҳуқуқлар ва мажбуриятлардан ажратилишидан қатъий назар.

Тадбиркорлик субъекти активни назорат қилади, агарда тадбиркорлик субъекти асосий ресурсдан оқиб келадиган келгуси иқтисодий манфаатларни олиш ва бошқаларнинг ушбу манфаатларга ега бўлишини чеклаш имкониятига ега бўлса. Тадбиркорлик субъектининг номоддий активдан келадиган келгуси иқтисодий манфаатларни назорат қилиш имконияти одатда ҳуқуқий кучга ега юридик ҳуқуқлар негизида бўлади. Юридик ҳуқуқлар мавжуд бўлмаганда, назоратни намойиш етиш қийинроқдир. Бироқ, ҳуқуқнинг юридик кучга егалиги назорат учун зарурий шарт эмас, чунки тадбиркорлик субъекти келгуси иқтисодий манфаатларни айрим бошқа усуллар билан назорат қилиши мумкин.

Бозор ва техник билим келгуси иқтисодий манфаатларни ўсишига олиб келиши мумкин. Тадбиркорлик субъекти ушбу манфаатларни назорат қилади, агарда, масалан, билим юридик ҳуқуқ билан ҳимояланган, жумладан, авторлик ҳуқуқи, савдо келишуви чеклови (руҳсат етилган жойда) ёки махфийликни сақлаш учун ходимларнинг юридик мажбурияти билан ҳимояланган бўлса.

Тадбиркорлик субъекти малакали ходимлар гуруҳига ега бўлиши мумкин ва тренинг орқали келгуси иқтисодий манфаатларга олиб борадиган малакали ходимларни аниқлай олиши мумкин. Тадбиркорлик субъекти шуни ҳам кўзда тутиши мумкинки, ходимлар тадбиркорлик субъекти фаолиятида ўз кўникмаларини намойиш етишда давом етиши мумкин. Бироқ, тадбиркорлик субъекти одатда малакали ходимлар гуруҳидан ва тренингдан келадиган кутилган келгуси иқтисодий манфаатлар устидан йетарли бўлмаган назоратга ега бўлиши мумкин ва натижада ушбу моддалар номоддий актив таърифини қаноатлантирмаслиги мумкин. Шу сабабли, муайян бошқарув ва техник қобилият номоддий актив таърифини қаноатлантирмаслик еҳтимоли мавжуд, бунда у ундан фойдаланиш ва келгуси иқтисодий манфаатлар олиш бўйича юридик ҳуқуқ билан ҳимояланмагунча ва таърифнинг айрим қисмларини

қаноатлантирмагунча.

1-мисол.

А футбол командаси Б футбол командаси хужумчисни (форвард) 45000 ш.б. га сотиб олди. Ўйинчи А футбол командаси билан 3 йилга шахсий шартнома тузди. Шартномада унинг иш хақи, мукофоти, бошқа жавобгарлик ва мажбуриятлари келтирилган.

Шартномада ўйинчининг маҳорати ва ўйнаш тартиблари кўриб чиқилганлиги сабабли А футбол клуби ўйинчининг келтирадиган фойдасидан келиб чиқиб, 3 йиллик шартномани номоддий актив сифатида тан олади.

Тадбиркорлик субъекти мижозлар портфелига ёки бозор улушига ега бўлиши мумкин ва тадбиркорлик субъекти, мижоз билан алоқаларни ва уларнинг содиқлигини ҳосил қилиш ҳаракатлари туфайли, мижозлар тадбиркорлик субъекти билан савдо олиб боришни давом еттиришини кутиши мумкин. Бироқ, ҳимоя қилишнинг юридик ҳуқуқлари ёки назоратнинг бошқа йўллари, мижозлар билан алоқалар ёки тадбиркорлик субъектига мижозларнинг содиқлиги мавжуд бўлмаганда, тадбиркорлик субъекти номоддий актив таърифини қаноатлантирадиган даражада мижоз алоқаларидан ва содиқлигидан (масалан, мижозлар портфели, бозор улушлари, мижоз билан алоқалар ва содиқлик) келадиган кутилган иқтисодий манфаатлар устидан йетарлича назоратга ега эмас. Мижоз алоқаларини ҳимоя қилишнинг юридик ҳуқуқлари мавжуд бўлмаганда, бир хил ёки ўхшаш ношартномавий мижоз алоқалари (бизнес бирлашуви қисмидан ташқари) бўйича айирбошлаш операциялари шунини тасдиқлайдики, тадбиркорлик субъекти бунга қарамасдан, мижоз билан алоқалардан оқиб келадиган кутилаётган келгуси иқтисодий манфаатларни назорат қила олади. Чунки бундай айирбошлаш операциялари яна шунини тасдиқлайдики, мижоз билан алоқалар ажраладиган, ҳамда ушбу мижоз билан алоқалар номоддий актив таърифини қаноатлантиради.

Номоддий активдан келиб тушадиган келгуси иқтисодий манфаатлар товарлар ёки хизматлар сотувидан, харажат тежашларидан ёки тадбиркорлик субъекти томонидан активдан фойдаланишдан юзага келадиган бошқа даромадларни қамраб олиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнида интеллектуал мулкдан фойдаланиш келгуси даромадларни кўпайтирмаган ҳолда келгуси ишлаб чиқариш ҳаражатларни камайтириши мумкин.

Моддани номоддий актив сифатида тан олиш тадбиркорлик субъектидан модда қўйидагиларни қаноатлантиришини намоёйиш етишини талаб этади:

- (а) номоддий актив таърифини; ва
- (б) тан олиш мезонларини.

Ушбу талаб номоддий активни сотиб олишда ёки ички яратишда сарфланган ҳамда қисмни кўшиш, алмаштириш ёки унга хизмат кўрсатишда сарфланган ҳаражатларга нисбатан қўлланилади.

Номоддий активларнинг хусусияти шундаки, кўп ҳолларда, уларга қўшимча қилинадиган актив ёки алмаштириладиган қисм бўлмайди. Демак, кейинги ҳаражатларнинг қўпчилиги ушбу Стандартдаги номоддий активнинг таърифини ва тан олиш мезонини қаноатлантириш ўрнига амалдаги номоддий

активда мужассамланган кутилган келгуси иқтисодий манфаатларни сақлаши мумкин. Шу билан бирга, одатда кейинги харажатларни бевосита бутун бизнесга нисбатан маълум номоддий активга тегишли эканлигини аниқлаш қийинроқдир. Шу туфайли, фақат камдан-кам ҳолларда кейинги харажатлар – сотиб олинган номоддий активнинг дастлабки тан олингандан ёки ички яратилган номоддий актив тугагандан кейинги сарфланган харажатлар – активнинг баланс қийматида тан олинади. (ташқи сотиб олинган ёки ички яратилган бўлишига қарамасдан) брендлар, титул номлари, нашр номлари, миждозлар рўйхатлари ва моҳиятан ўхшаш моддалар бўйича кейинги харажатлар сарфланганда доимо фойда ёки зарарда тан олинади. Бунга сабаб шуки, бундай харажатлар бутун бизнесни ривожлантиришга йўналтириладиган харажатлардан фарқлана олинмайди.

Номоддий актив тан олиними лозим, фақатгина агарда:

(а) тадбиркорлик субъекти томонидан номоддий актив билан боғлиқ келгуси иқтисодий манфаатлар олиними еҳтимоли мавжуд бўлса; ва

(б) активнинг таннархи ишончли баҳолана олса.

Активнинг фойдали хизмат муддати давомида мавжуд бўладиган иқтисодий шароитлар мажмуи бўйича раҳбариятнинг энг яхши баҳолашини акс еттирадиган оқилона ва тасдиқловчи фаразлардан фойдаланган ҳолда, тадбиркорлик субъекти кутилган келгуси иқтисодий манфаатларнинг еҳтимолини баҳолаши лозим.

Тадбиркорлик субъекти активдан фойдаланишдан келадиган келгуси иқтисодий манфаатлар оқимининг аниқлик даражасини баҳолашда малакали мулоҳаза қилишдан фойдаланади, бунда дастлабки тан олиш пайтида мавжуд далилларга, кўпроқ ташқи далилларга асосланади.

Номоддий актив дастлаб таннархда баҳоланиши лозим.

Одатда, тадбиркорлик субъекти номоддий активни алоҳида сотиб олишда тўлайдиган нарх активда мужассамланган кутилаётган келгуси иқтисодий манфаатларнинг тадбиркорлик субъекти томонидан олиними еҳтимоли тўғрисидаги кутилишларни акс еттиради. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий манфаатлар оқимининг вақти ёки суммаси бўйича ноаниқлик мавжуд бўлишидан қатъий назар, тадбиркорлик субъекти иқтисодий манфаатлар олиними кутади. Шу билан бирга, алоҳида сотиб олинган номоддий активнинг таннархи одатда ишончли баҳоланади. Хусусан, бундай ҳолат юз беради, қачонки активнинг сотиб олинимида ўрнига бериладиган товон пул маблағи ёки бошқа монетар активлар шаклида бўлса.

Алоҳида сотиб олинган номоддий активнинг таннархи қуйидагиларни қамраб олади:

(а) савдо чегирмаларини ва имтиёзларини чегирган ҳолда, унинг сотиб олиш нархини, жумладан импорт божлари ва қопланмайдиган сотиб олиш солиқларини; ва

(б) активдан кўзланган фойдаланишга тайёрлаш учун сарфланган ҳар қандай бевосита харажатлар.

Қуйидагилар бевосита харажатларга мисолдир:

(а) активни ишчи ҳолатига келтириш бўйича бевосита юзага келадиган ходимларга тўланадиган ҳақ бўйича харажатлар (МҲХС 19 да таърифлангандек);

(б) активни ишчи ҳолатига келтириш бўйича бевосита юзага келадиган профессионал ҳақлар; ва

(с) актив тўғри ишлаётганлигини текшириш бўйича харажатлар.

Қуйидагилар номоддий активнинг таннархида ҳисобга олинмайдиган сарфларга мисолдир:

(а) янги маҳсулотнинг ёки хизматнинг намоиш харажатлари (шу жумладан, рекламага ва сотиш бўйича чораларга харажатлар);

(б) янги жойда ёки янги мижозлар билан бизнесни амалга ошириш харажатлари (жумладан ходимлар учун тренинг харажатлари); ва

(в) маъмурий ва бошқа умумий устама харажатлар.

Номоддий активнинг баланс қийматида харажатларни тан олиш тўхтатилади, қачонки номоддий актив раҳбарият кўзлагандек ишлай оладиган ҳолатга келтирилганда. Шу туфайли, номоддий активдан фойдаланиш ёки уни бошқа жойга кўчириш билан боғлиқ харажатлар унинг баланс қийматига киритилмайди. Масалан, қуйидаги харажатлар номоддий активнинг баланс қийматига киритилмайди:

(а) номоддий актив раҳбарият кўзлагандек ишлай оладиган ҳолатга келтирилган, лекин фойдаланилмаган пайтда сарфланган харажатлар; ва

(б) активнинг маҳсулотига талаб шаклланаётган даврдаги зарарлар каби дастлаб кўрилган операцион зарарлар.

Айрим операциялар номоддий активни тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш билан боғлиқ ҳолда содир бўлади, аммо улар номоддий активни раҳбарият кўзлагандек ишлай оладиган ҳолатга келтириш учун зарур емас. Ушбу иккинчи даражали операциялар тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишдан олдин ёки тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш давомида содир бўлиши мумкин. Иккинчи даражали операциялар активни раҳбарият кўзлагандек ишлай оладиган ҳолатга келтириш учун зарур бўлмаганлиги туфайли, иккинчи даражали операциялар бўйича даромадлар ва тегишли харажатлар бевосита фойда ёки зарарда тан олинади ва улар даромад ва харажатнинг тегишли таснифларига киритилади.

Агарда номоддий актив учун тўлов одатий кредит шартлари доирасидан ташқарида кечиктирилса, унинг қиймати пул маблағидаги нарх эквивалентига тенг бўлади. Мазкур қиймат билан жами тўловлар орасидаги фарқ МҲХС 23 “Қарзлар бўйича харажатлар” га мувофиқ капитализация қилинмагунча, кредит даври мобайнида фоизли харажат сифатида тан олинади.

2-мисол.

Компания харидорлар билан ишлашни такомиллаштириш ва автоматлаштириш мақсадида компьютер дастури сотиб олди. Дастурнинг сотиб олиш нархи 100000 ш.б., урнатиш ва тестдан ўтказиш 6000 ш.б. ни ташкил қилади, ходимларни ўқитиш 2000 ш.б., келгусида дастурни янгилаб бориш ва хизмат кўрсатиш учун 3000 ш.б. керак бўлади.

Номоддий актив таннархини аниқлаш учун харажатларни ҳисоблаймиз. (100000+6000) 106000 ш.б. Ходимларни ўқитиш харажати фойда ва зарарларга, дастурни янгилаб бориш ва хизмат кўрсатиш учун харажатлар пайдо бўлган даврида тан олинади.

МҲХС 3 “Бизнес бирлашувлари” га мувофиқ, агарда номоддий актив бизнес бирлашуви жараёнида сотиб олинса, ушбу номоддий активнинг таннархи харид санасидаги унинг ҳаққоний қийматига тенг бўлади. Номоддий активнинг ҳаққоний қиймати активда мужассамланган кутилаётган келгуси иқтисодий манфаатларнинг тадбиркорлик субъекти томонидан олиниши еҳтимоли тўғрисидаги кутишларни акс еттиради. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий манфаатлар оқимининг муддати ёки суммаси бўйича ноаниқлик мавжуд бўлишидан қатъий назар, тадбиркорлик субъекти иқтисодий манфаатлар олинишини кутади. Шу туфайли, бизнес бирлашуви жараёнида сотиб олинган номоддий активлар учун доимо қаноатлантирилган деб инобатга олинади. Агарда бизнес бирлашуви жараёнида сотиб олинган актив ажраладиган бўлса ёки шартномавий бошқа юридик ҳуқуқлар натижасида юзага келса, активнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаш учун йетарлича маълумот мавжуд бўлади. Шу туфайли, бизнес бирлашуви жараёнида сотиб олинган номоддий активлар учун доимо қаноатлантирилган деб инобатга олинади.

Тадбиркорлик субъектининг тугалланмаган тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш лойиҳаси жараёни номоддий актив таърифини қаноатлантиради, қачонки у:

- (а) актив таърифини қаноатлантирса; ва
- (б) аниқланадиган, яъни ажраладиган бўлса ёки шартномавий бошқа юридик ҳуқуқлар натижасида юзага келса.

Агарда бизнес бирлашуви жараёнида сотиб олинган номоддий актив ажраладиган бўлса ёки шартномавий бошқа юридик ҳуқуқлар натижасида юзага келса, активнинг ҳаққоний қийматини ишончли баҳолашда йетарлича маълумот мавжуд бўлади. Қачонки номоддий активнинг ҳаққоний қийматини ҳисоблашда фойдаланиладиган баҳолар учун турли хил еҳтимолларга ега мумкин бўлган натижалар кенглиги мавжуд бўлса, ушбу мавҳумлик активнинг ҳаққоний қийматини ҳисоблашда инобатга олинади.

Бизнес бирлашуви жараёнида сотиб олинган номоддий актив ажраладиган бўлиши мумкин, бироқ у фақатгина тегишли шартнома, аниқланадиган актив ёки мажбурият билан бирга ажраладиган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда, харидор номоддий активни гудвилдан алоҳида тарзда, бироқ тегишли модда билан бирга тан олади.

Харидор бир бирини тўлдирувчи номоддий активлар гуруҳини ягона актив сифатида тан олиши мумкин, фақатгина алоҳида активларнинг фойдаланиш муддати бир хил бўлганда. Масалан, “Бренд” ва “Бренд номи” атамалари савдо белгилари ва бошқа белгилар учун синонимлар сифатида фойдаланилади. Бироқ, “Бренд” ва “Бренд номи” атамалари умумий маркетинг атамалари бўлиб, улар одатда бир бирини тўлдирувчи активларга, масалан,

савдо белгиси (ёки хизмат белгиси) ва унинг тегишли савдо номи, формулалари, таркиблари ва технологик эксперт билимларига нисбатан фойдаланилади.

Тадқиқот ёки тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш харажати бу-алоҳида ёки бизнес бирлашувида сотиб олинган ва номоддий актив сифатида тан олинган тугалланмаган тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш лойиҳасига тегишли; ва

Бизнес бирлашувида сотиб олинган ва номоддий актив сифатида тан олинган тугалланмаган тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш лойиҳаси бўйича навбатдаги харажатлар:

(а) сарфланган пайтда харажат сифатида тан олинади, агарда у тадқиқот харажати бўлса;

(б) сарфланган пайтда харажат сифатида тан олинади; ва

(в) сотиб олинган тугалланмаган тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш лойиҳасининг баланс қийматига киритилади.

Баъзи ҳолларда, номоддий актив давлат гранти ёрдамида бепул ёки ўрнига номинал товонни бериш евазига олинishi мумкин. Бундай ҳолат давлат тадбиркорлик субъектига номоддий активларни, масалан, аэропортдаги қуниш ҳуқуқлари, радио ёки телевидение станцияларини бошқариш лицензиялари, импорт лицензиялари ёки квоталари ёки бошқа чекланган ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларини тақдим етганда ёки ажратганда юз бериши мумкин. МҲХС 20 “Давлат грантларини ҳисобга олиш ва давлат ёрдамини очиб бериш” га мувофиқ, тадбиркорлик субъекти ҳам номоддий активни ҳам грантни дастлаб ҳаққоний қийматда тан олишни танлаши мумкин. Агарда тадбиркорлик субъекти активни дастлаб ҳаққоний қийматда тан олмасликни танласа, тадбиркорлик субъекти активни дастлаб номинал қийматда тан олади (МҲХС 20 томонидан рухсат етилган муқобил ёндашув) ва бунга активни кўзда тутилган фойдаланиш ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ ҳар қандай харажатлар қўшилади.

Бир ёки бир неча номоддий активлар номонетар актив ёки активлар ёки монетар ва номонетар активлар бирикмаси евазига сотиб олинishi мумкин. Қуйида келтирилган мулоҳаза бир номонетар активни бошқасига айирбошлашга тегишлидир, бироқ у юқорида қайд етилган барча айирбошлашларга нисбатан ҳам қўлланилади. Бундай номоддий активнинг қиймати ҳаққоний қийматда баҳоланади, қачонки (а) айирбошлаш операцияси тижорат мақсадлариг ега бўлмагунча ёки (б) қабул қилинган активнинг ҳам топширилган активнинг ҳам ҳаққоний қиймати ишончли баҳоланмагунча. Сотиб олинган актив худди шу усулда баҳоланади, ҳаттоки агарда тадбиркорлик субъекти топширилган активни тан олишни тезда тўхтата олмаса ҳам. Агарда сотиб олинган актив ҳаққоний қийматда баҳоланмаса, унинг қиймати топширилган активнинг баланс қийматида баҳоланади.

Тадбиркорлик субъекти айирбошлаш операцияси тижорат мақсадларига егалигини операция натижасида унинг келгуси пул оқимлари қанчалик даражада ўзгариши кутилишини инобатга олган ҳолда аниқлайди. Айирбошлаш

операцияси тижорат мақсадларига ега, агарда:

(а) қабул қилинган актив бўйича пул оқимларининг таркибий тузилмаси (масалан, хатар, муддат ва сумма) топширилган актив бўйича пул оқимларининг таркибий тузилмасидан фарқ қилса; ёки

(б) тадбиркорлик субъекти фаолиятининг операция таъсир қилган қисмининг тадбиркорлик субъектига-хос қиймати айирбошлаш натижасида ўзгарса; ва

(в) (а) ёки (б) даги тафовут айирбошланган активларнинг ҳаққоний қийматига нисбатан катта бўлса.

Айирбошлаш операцияси тижорат мақсадларига ега еканлигини аниқлаш учун, тадбиркорлик субъекти фаолиятининг операция таъсир қилган қисмининг тадбиркорлик субъектига-хос қиймати солиқдан сўнгги пул оқимларини акс еттириши лозим. Ушбу таҳлилларнинг натижаси тадбиркорлик субъекти батафсил ҳисоб-китобларни амалга оширмасидан аниқ бўлиши мумкин.

Номоддий активни тан олиш шарт бу активнинг қиймати ишончли баҳоланишидир. Номоддий активларнинг ҳаққоний қиймати ишончли баҳоланади, агарда (а) оқилна ҳаққоний қиймат баҳолари кенглигидаги ўзгариш ушбу актив учун аҳамиятли эмас ёки (б) кенгликдаги турли баҳоларнинг еҳтимоллари оқилна баҳоланиши мумкин ва ҳаққоний қийматни аниқлашда фойдаланилиши мумкин. Агар тадбиркорлик субъекти ёки қабул қилинган ёки топширилган активнинг ҳаққоний қийматини ишончли аниқлай олса, бунда қабул қилинган активнинг ҳаққоний қиймати яққолроқ намоён бўлмагунча, топширилган активнинг ҳаққоний қийматидан таннархни ҳисоблашда фойдаланилади.

Ички яратилган гудвилл актив сифатида тан олинмаслиги лозим.

Баъзи ҳолатларда, келгуси иқтисодий манфаатларни келтириб чиқариш учун харажат амалга оширилади, бироқ у мазкур Стандартдаги тан олиш мезонини қаноатлантирадиган номоддий активни пайдо бўлишига олиб келмайди. Бундай харажат одатда ички яратилган гудвиллнинг қисми сифатида инобатга олинади. Ички яратилган гудвилл актив сифатида тан олинмайди, чунки тадбиркорлик субъекти назоратида бўлган ҳолда, аниқланадиган ресурс (яъни, у на ажраладиган ва на шартномавий ёки бошқа юридик ҳуқуқлардан келиб чиқадиган ресурс) эмас, қайсики таннархда ишончли баҳоланади.

Тадбиркорлик субъектининг ҳаққоний қиймати билан унинг аниқланадиган соф активларининг ҳар қандай пайтдаги баланс қиймати ўртасидаги фарқ тадбиркорлик субъектининг ҳаққоний қийматига таъсир этадиган бир қатор омилларни қамраб олиши мумкин. Бироқ, бундай фарқлар тадбиркорлик субъекти томонидан назорат қилинадиган номоддий активларнинг қийматини акс еттирмайди.

Қуйидаги муаммолар туфайли, баъзида ички ишлаб чиқилган номоддий актив тан олиш мезонини қаноатлантиришини аниқлаш қийин бўлади:

(а) кутилган келгуси иқтисодий манфаатларни келтириб чиқарадиган аниқланадиган актив мавжудлигини ва қачон мавжуд бўлишини аниқлаш; ва

(б) актив қийматини ишончли аниқлаш. Баъзи ҳолларда, номоддий

активни ички тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш харажатларини тадбиркорлик субъектининг ички яратилган гудвиллини сақлаш ёки яхшилаш ёки кунлик фаолиятини амалга ошириш харажатларидан фарқлай олинмайди.

Шу туфайли, номоддий активни тан олиш ва дастлабки баҳолаш бўйича умумий талабларни қондиришга қўшимча тарзда, тадбиркорлик субъекти барча ички ишлаб чиқилган номоддий активларга нисбатан талабларни ва қўлланмани қўллайди.

Ички ишлаб чиқилган номоддий актив тан олиш мезонини қаноатлантиришини аниқлаш мақсадида, тадбиркорлик субъекти активни тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш жараёнини икки қисмга бўлади:

(а) тадқиқот босқичи; ва

(б) тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш босқичи.

“тадқиқот” ва “тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш” атамалари таърифланган бўлсада, мазкур Стандарт мақсади учун “тадқиқот босқичи” ва “тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш босқичи” атамалари кенгроқ маънога ега.

Агар тадбиркорлик субъекти номоддий активни яратиш бўйича ички лойиҳанинг тадқиқот босқичини тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш босқичидан фарқлай олмаса, тадбиркорлик субъекти ушбу лойиҳа бўйича харажатларни, худдики улар фақатгина тадқиқот босқичида сарфланган сифатида, инobatга олади.

Тадқиқот (ёки ички лойиҳанинг тадқиқот босқичи) натижасида юзага келган ҳеч қандай номоддий актив тан олинмайди. Тадқиқот (ёки ички лойиҳанинг тадқиқот босқичи) бўйича сарфлар улар амалга оширилганда харажат сифатида тан олинини лозим.

Ички лойиҳанинг тадқиқот босқичида, тадбиркорлик субъекти еҳтимолли келгуси иқтисодий манфаатларни келтирадиган номоддий актив мавжудлигини намоиш эта олмайди. Шу туфайли, ушбу сарф у амалга оширилганда харажат сифатида тан олинади.

Қуйидагилар тадқиқот фаолиятларига мисол бўла олади:

(а) янги билимларни егаллашга мўлжалланган фаолият;

(б) тадқиқот топилмаларини ёки бошқа билимларни излаш, баҳолаш ва якуний танлаб олиш, қўллаш;

(в) хом-ашёлар, ускуналар, маҳсулотлар, жараёнлар, тизимлар ёки хизматлар учун муқобиллар излаш; ва

(г) янги ёки такомиллаштирилган хом-ашёлар, ускуналар, маҳсулотлар, жараёнлар, тизимлар ёки хизматлар учун мумкин бўлган муқобилларни яратиш, дизайн тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш, баҳолаш ва якуний танлаб олиш.

Тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш (ёки ички лойиҳанинг тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш босқичи) натижасида юзага келган номоддий актив тан олинади, фақатгина агарда тадбиркорлик субъекти қуйидагиларни барчасини намоиш эта олса:

(а) Номоддий активни фойдаланишга ёки сотишга тайёр қилиш бўйича

уни тугаллашнинг техник имкониятини.

(б) Ўзининг номоддий активни тугаллаш ва ундан фойдаланиш ёки уни сотиш бўйича мойиллигини.

(в) Ўзининг ундан фойдаланиш ёки уни сотиш қобилиятини.

(г) Номоддий актив қай тарзда еҳтимолли келгуси иқтисодий манфаатларни келтиришини. Шу ўринда, тадбиркорлик субъекти номоддий активнинг маҳсулотига ёки номоддий активнинг ўзига нисбатан бозор мавжудлигини, ёки агарда у ички фойдаланишга мўлжалланган бўлса, номоддий активнинг фойдалилигини намоиш етиши мумкин.

(д) Номоддий активни тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишни тугаллаш ва ундан фойдаланиш ёки уни сотиш учун мувофиқ техник, молиявий ва бошқа ресурсларнинг мавжудлигини.

(е) Тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш мобайнида номоддий активга тегишли сарфларни ишончли баҳолаш қобилиятини.

Ички лойиҳанинг тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш босқичида, тадбиркорлик субъекти, баъзи ҳолларда, номоддий активни аниқлай олиши ва номоддий актив еҳтимолли келгуси иқтисодий манфаатларни келтиришини намоиш ета олиши мумкин. Бунга сабаб шуки, лойиҳанинг тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш босқичи тадқиқот босқичига нисбатан янада такомиллашган бўлишидир.

Қуйидагилар тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш фаолиятларига мисоллардир:

(а) ишлаб чиқариш ёки фойдаланишдан олдинги андозаларни ва моделларнинг дизайни, ясалиши ва синови;

(б) янги технологияни қамраб олган ускуналар, андозалар, шакллар ва қолиплар дизайни;

(в) тижорий ишлаб чиқариш учун иқтисодий мақсадга мувофиқ ҳажмда бўлмаган дастлабки корхона дизайни, қурилиши ва фаолияти; ва

(г) янги ёки такомиллашган хом-ашёлар, ускуналар, маҳсулотлар, жараёнлар, тизимлар ёки хизматлар учун танланган муқобиллар дизайни, ясалиши ва синови.

Номоддий актив қайтарзда еҳтимолли келгуси иқтисодий манфаатларни келтиришини кўрсатиш мақсадида, тадбиркорлик субъекти МҲХС 36 “Активлар қадрсизланиши” даги тамойиллардан фойдаланган ҳолда активдан олинадиган келгуси иқтисодий манфаатларни баҳолайди. Агарда актив фақатгина бошқа активлар билан бирга иқтисодий манфаатларни келтирса, тадбиркорлик субъекти БҲХС 36 даги пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликлар тамойилини қўллайди.

Номоддий активни тугаллаш, фойдаланиш ва манфаатлар олиш учун ресурсларнинг мавжудлиги, масалан, зарурий техник, молиявий ва бошқа ресурсларни ва тадбиркорлик субъектининг ушбу ресурсларни таъминлай олиш қобилиятини акс еттирадиган бизнес режа орқали кўрсатилиши мумкин. Баъзи ҳолларда, тадбиркорлик субъекти ташқи молиялаштириш мавжудлигини намоиш етиши мумкин, бунда тадбиркорлик субъекти кредиторнинг режани

молиялаштиришга мойиллиги бўйича кўрсатмасига ега бўлган ҳолда кўрсатади.

Тадбиркорлик субъектининг харажат тизимлари одатда номоддий активни ички тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш харажатларини, масалан, иш ҳақлари ва авторлик ҳуқуқларига ёки лицензияларга ега бўлишга ёки компютер дастурини тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишга сарфланган харажатларни ишончли баҳолай олади.

Ички ишлаб чиқилган брендлар, титул маълумотлари (номланишлар), нашр номлари, миждозлар рўйхати ва моҳиятан бир хил моддалар номоддий активлар сифатида тан олинмаслиги лозим.

Ички ишлаб чиқилган брендлар, титул маълумотлари (номланишлар), нашр номлари, миждозлар рўйхати ва моҳиятан бир хил моддалар бўйича сарфлар бутун бир бизнесни ривожлантириш харажатларидан фарқ қилмаслиги мумкин. Шу туфайли, бундай моддалар номоддий активлар сифатида тан олинмайди.

Ички ишлаб чиқилган номоддий активнинг таннархи активни раҳбарият кўзлагандек ишлай оладиган қилиб яратиш, ишлаб чиқариш ва тайёрлашга зарур бўлган барча бевосита тегишли харажатларни қамраб олади. Бевосита тегишли харажатларга мисоллар қуйидагилардир:

(а) номоддий активни тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишда фойдаланилган ёки истеъмол қилинган хом-аёшлар ва хизматлар харажатлари;

(б) номоддий активни тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш бўйича юзага келадиган ходимларга ҳақ тўлаш харажатлари (МҲХС 19 да таърифлангандек);

(в) юридик ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш ҳақлари; ва

(г) номоддий активни тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишда фойдаланилган патентлар ва лицензияларнинг амортизацияси.

БҲХС 23 да фоизни ички ишлаб чиқилган номоддий актив таннархининг қисми сифатида тан олиш мезони таъкидланади.

Қуйидагилар ички ишлаб чиқилган номоддий актив таннархининг қисмлари емас:

(а) сотиш, маъмурий ва бошқа умумий устама харажатлари, бунда ушбу харажатлар активни фойдаланиш учун тайёрлашга тегишли бевосита харажатлар бўлмагунча;

(б) актив белгиланган фаолият кўрсатишга еришишидан олдин аниқланган самарадорсизликлар ва дастлабки операцион зарарлар; ва

(в) активдан фойдаланиш учун ходимларни тайёрлаш харажатлари.

3-мисол. Тадбиркорлик субъекти янги ишлаб чиқариш жараёнини шакллантирмоқда. 2014 йил мобайнида, сарфланган харажатлар 1000 ш.б.(а) бўлиб, улардан 900 ш.б. 2014 йил 1 декабрдан олдин сарфланган ва 100 ш.б. 2014 йил 1 декабр билан 2014 йил 31 декабр орасида сарфланган. Тадбиркорлик субъекти 2014 йил 1 декабрда ишлаб чиқариш жараёни номоддий актив сифатида тан олиш мезонини қаноатлантирганини кўрсата олади. Жараёнга сингдирилган ноу-хаунинг қопланадиган қиймати (жараён фойдаланишга тайёр бўлишидан олдин уни тугаллаш бўйича келгуси пул чиқимлари билан бирга) 500 ш.б. тенг бўлиши баҳоланган. 2014 йил якунида, ишлаб чиқариш жараёни

100 ш.б. миқдорида (тан олиш мезони қаноатлантирилган санадан, яъни 2014 йил 1 декабрдан бошлаб сарфланган харажатлар) номоддий актив сифатида тан олинади. 2014 йил 1 декабрдан олдин сарфланган 900 ш.б. харажат сифатида тан олинади, чунки тан олиш мезони 2014 йил 1 декабрда қаноатлантирилмаган. Ушбу харажатлар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган ишлаб чиқариш жараёни қийматининг қисмини ташкил етмайди.

2015 йил мобайнида, сарфланган харажатлар 2 000 ш.б. га тенг. Жараёнга сингдирилган ноу-хаунинг қопланадиган қиймати (жараён фойдаланишга тайёр бўлишидан олдин уни тугаллаш бўйича келгуси пул чиқимлари билан бирга) 1 900 ш.б. тенг бўлиши баҳоланган.

2015 йил якунида, ишлаб чиқариш жараёнининг таннархи 2 100 ш.б. га тенг (2014 йил якунида тан олинган 100 ш.б. харажатлар ва 2015 йил якунида тан олинган 2 100 ш.б. харажатлар). Тадбиркорлик субъекти кадрсизланиш бўйича зарардан олдинги жараённинг баланс қийматини (2 100 ш.б.) унинг қопланадиган қийматига тўғрилаш учун 200 ш.б. миқдорида кадрсизланиш бўйича зарарни тан олади. Ушбу кадрсизланиш бўйича зарар кейинги даврда тикланиши мумкин, агарда МҲХС 23 да келтирилган кадрсизланиш бўйича зарарни тиклашга талаблар бажарилганда. (а) Мазкур Стандартда пул миқдорлари “Валюта Бирликлари (ш.б.)” да ифодаланган.

Номоддий модда бўйича харажат у сарфланганда харажат сифатида тан олинади, қачонки:

(а) харажат тан олиш мезонини қаноатлантирадиган номоддий актив қийматининг таркиби бўлмагунча; ёки

(б) модда бизнес бирлашувида сотиб олинган бўлиб, номоддий актив сифатида тан олинмагунча. Бундай ҳолатда, харажат харид санасида гудвилл сифатида тан олинган қийматнинг таркибини ташкил этади (МҲХС 3 га қаранг).

Баъзи ҳолатларда, келгуси иқтисодий манфаатларга ега бўлиш мақсадида харажатлар сарфланади, лекин тан олиниши мумкин бўлган ҳеч қандай номоддий актив ёки бошқа актив сотиб олинмайди ёки яратилмайди. Товарларни йетказиб бериш ҳолатида, тадбиркорлик субъекти бундай сарфни унда ушбу товарлардан фойдаланиш ҳуқуқи бўлган пайтда харажат сифатида тан олади. Хизматлар кўрсатиш ҳолатида, тадбиркорлик субъекти сарфни хизматларни қабул қилиб олган пайтда харажат сифатида тан олади. Масалан, тадқиқот бўйича харажат у сарфланган пайтда харажат сифатида тан олинади, у бизнес бирлашуви таркиби сифатида сотиб олинган ҳолат бундан истисно. Сарфга у амалга оширилганда харажат сифатида тан олинадиган бошқа мисоллар қуйидагиларни қамраб олади:

(а) янги бизнесни бошлаш фаолияти бўйича харажатлар (яъни ташкилий харажатлари), бунда ушбу харажатлар БҲХС 16 га мувофиқ асосий воситалар моддасининг таркибига киритилмагунча. Ташкилий харажатлар ташкил этиш харажатларини қамраб олиши мумкин, масалан, юридик ташкилотни ташкил этишга сарфланган юридик ва котибият харажатлари (яъни

очишдан олдинги харажатлар) ёки янги фаолиятларни бошлаш ёки янги маҳсулотларни ёки жараёнларни ишга тушириш бўйича харажатлар (яъни фаолиятдан олдинги харажатлар).

(б) Тренинг фаолиятлари бўйича харажатлар.

(в) Реклама ва сотиш фаолиятлари бўйича харажатлар (почта орқали буюртма рўйхатлари).

(г) Тадбиркорлик субъектини тўлиқ ёки қисман бошқа жойга кўчириш ёки қайта ташкил этиш бўйича харажатлар.

Тадбиркорлик субъекти товарлардан фойдаланиш ҳуқуқига ега, қачонки у товарларга егалик қилса. Худди шунингдек, тадбиркорлик субъекти товарлардан фойдаланиш ҳуқуқига ега, қачонки улар йетказиб бериш шартномаси шартларига мувофиқ йетказиб берувчи томонидан яратилганда ва тадбиркорлик субъекти тўлов евазига уларни йетказиб берилишини талаб қила олганда. Хизматлар қабул қилинган бўлади, қачонки уларни тадбиркорлик субъектига йетказиб бериш шартномасига мувофиқ йетказиб берувчи томонидан кўрсатилганда, аммо тадбиркорлик субъекти улардан бошқа хизматни кўрсатишда фойдаланган пайтда эмас, масалан, мижозларга рекламани йетказиб беришда.

Дастлаб харажат сифатида тан олинган номоддий модда бўйича харажат кейинги санада номоддий актив таннархининг қисми сифатида тан олинмаслиги лозим.

Агарда номоддий актив қайта баҳолаш моделидан фойдаланган ҳолда ҳисобга олинса, унинг туркумидаги барча бошқа активлар ҳам айнан шу моделдан фойдаланган ҳолда ҳисобга олиниши лозим, бунда ушбу активлар бўйича фаол бозор мавжуд бўлмагунча.

Номоддий активларнинг туркуми активларнинг бир хил хусусияти ва тадбиркорлик субъекти фаолиятида фойдаланилиши жиҳатидан гуруҳланишидир. Номоддий активлар туркумидаги моддалар бир вақтда қайта баҳоланади, бунда активларни танланма қайта баҳолашдан ҳамда молиявий ҳисоботларда турли саналарда таннархлар ва қийматлар бирикмасини акс еттирадиган микдорларни тақдим этиш четлаб ўтилади.

Дастлабки тан олишдан сўнг, номоддий актив унинг таннархидан ҳар қандай жамғарилган амортизацияни ва ҳар қандай йиғилган қадрсизланиш бўйича зарарни чегирилгандаги қийматда ҳисобга олиниши лозим.

Дастлабки тан олишдан сўнг, номоддий актив қайта баҳоланган қийматда, яъни қайта баҳолаш санасидаги унинг ҳаққоний қийматидан ҳар қандай кейинги жамғарилган амортизацияни ва ҳар қандай кейинги йиғилган қадрсизланиш бўйича зарарни чегирилгандаги қийматда ҳисобга олиниши лозим. Мазкур Стандартдаги қайта баҳолашлар мақсадида, ҳаққоний қиймат фаол бозор инobatга олинган ҳолда аниқланиши лозим. Қайта баҳолашлар шундай меъёрда амалга оширилиши лозимки, ҳисобот даври охирида активнинг баланс қиймати унинг ҳаққоний қийматидан аҳамиятли фарқ қилмаслиги керак.

Қайта баҳолаш модели бўйича қуйидагиларга рухсат берилмайди:

(а) олдин актив сифатида тан олинмаган номоддий активларни қайта баҳолаш; ёки

(б) таннархдан бошқа қийматларда номоддий активларни дастлаб тан олиш.

Қайта баҳолаш модели актив дастлаб таннархда тан олингандан сўнг қўлланилади. Бироқ, агарда номоддий актив жараёндан ўтиш мобайнида тан олиш мезонини қаноатлантирмаганлиги туфайли, унинг таннархининг фақат маълум қисми актив сифатида тан олинган бўлса, қайта баҳолаш модели ушбу активнинг бутун қисмига қўлланиши мумкин. Шу билан бирга, қайта баҳолаш модели давлат гранти орқали қабул қилинган ва номинал қийматда тан олинган номоддий активларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

Номоддий актив учун фаол бозор мавжуд бўлиши одатий ҳол эмас, лекин бу содир бўлиши мумкин. Масалан, айрим юрисдикцияларда еркин ўтказиладиган такси лицензиялари, балиқ овлаш лицензиялари ёки ишлаб чиқариш квоталари учун фаол бозор мавжуд бўлиши мумкин. Бироқ, брендлар, газета номлари, мусиқа ва филм нашр етиш ҳуқуқлари, патентлар ва савдо белгилари учун фаол бозор мавжуд бўла олмайди, чунки бундай активнинг ҳар бири ягонадир. Шу билан бирга, номоддий активлар олди-сотди қилинса ҳам, шартномалар алоҳида сотувчилар ва харидорлар ўртасида тузилади ва операциялар камдан-кам ҳолатда содир бўлади. Шулар туфайли, бир актив учун тўланган нарх бошқасининг ҳаққоний қиймати тўғрисида йетарлича далил ҳисобланмаслиги мумкин. Бундан ташқари, нархлар кўпгина ҳолларда жамоатга маълум бўлмайди.

Қайта баҳолаш даврийлиги қайта баҳоланаётган номоддий активлар ҳаққоний қийматининг ўзгарувчанлигига боғлиқдир. Агарда қайта баҳоланган активнинг ҳаққоний қиймати унинг баланс қийматидан аҳамиятли фарқ қилса, яна қайта баҳолаш зарурдир. Айрим номоддий активларнинг ҳаққоний қийматида аҳамиятли ва ўзгарувчан тебранишлар кузатилиши мумкин, бундай ҳолат йиллик қайта баҳолаш заруриятини келтириб чиқаради. Бундай тез-тез қайта баҳолашлар ҳаққоний қийматида фақатгина аҳамиятсиз тебранишларга ега номоддий активлар учун зарур эмас.

Агарда номоддий актив қайта баҳоланса, қайта баҳолаш санасидаги ҳар қандай жамғарилган амортизация:

(а) активнинг ялпи баланс қийматидаги ўзгаришга пропорционал тарзда қайта ҳисобланадики, натижада қайта баҳолашдан сўнг активнинг баланс қиймати унинг қайта баҳоланган қийматига тенг бўлади; ёки

(б) активнинг ялпи баланс қийматидан чегириб ташланади ва соф баланс қиймати активнинг қайта баҳоланган қиймати суммасида акс еттирилади.

Агарда қайта баҳоланган номоддий активлар туркумидаги номоддий активни ушбу актив учун фаол бозор мавжуд бўлмаганлиги туфайли қайта баҳолаш имкони бўлмаса, актив унинг таннархидан ҳар қандай жамғарилган амортизация ва қадрсизланиш бўйича зарарларнинг чегирилган қийматида ҳисобга олиниши лозим.

Агарда қайта баҳоланган номоддий активнинг ҳаққоний қийматини фаол бозор орқали аниқлаш имкони бошқа мавжуд бўлмаса, активнинг баланс қиймати унинг фаол бозор орқали охирги қайта баҳолаш санасидаги қайта баҳоланган қийматидан ҳар қандай жамғарилган амортизация ва ҳар қандай кейинги йиғилган қадрсизланиш бўйича зарарларнинг чегирилган қиймати бўлиши лозим.

Қайта баҳоланган номоддий актив учун бундан буён фаол бозор мавжуд бўлмаслиги тўғрисидаги маълумот шуни аниқлаши мумкинки, актив қадрсизланган ва унинг БҲХС 36 га мувофиқ текширилиши зарурдир.

Агарда кейинги маълум ҳисобга олиш санасида активнинг ҳаққоний қийматини фаол бозор орқали аниқлаш имкони бўлса, қайта баҳолаш модели ўша санадан бошлаб қўлланилади.

Агарда номоддий активнинг баланс қиймати қайта баҳолаш натижасида ошса, ошган қисм бошқа умумлашган даромадда тан олинishi ва капитал таркибидаги бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси ҳисобга олинadиган счётада йиғилиши лозим. Бироқ, ошган қисм фойда ёки зарарларда шу даражада тан олинishi лозимки, бунда олдин айнан шу активни қайта баҳолаш натижасида фойда ёки зарарларда тан олинган камайган қисмни қоплаши лозим.

Агарда номоддий активнинг баланс қиймати қайта баҳолаш натижасида камайса, камайган қисм фойда ёки зарарларда тан олинishi лозим. Бироқ, камайган қисм бошқа умумлашган даромадда ушбу актив бўйича бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси ҳисобга олинadиган счётининг ҳар қандай кредит салдосига тенг миқдорда тан олинishi лозим. Бошқа умумлашган даромадда тан олинган камайган қисм капитал таркибидаги бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси ҳисобга олинadиган счётада йиғилган суммани камайтиради.

Капиталда бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси ҳисобга олинadиган счётада жамланган сумма тўғридан-тўғри тақсимланмаган фойдага ўтказилиши мумкин, қачонки бу сумма ўзлаштирилганда. Жами бундай сумма активнинг фойдали хизмат муддати тугаганда ёки у баланسدан чиқарилганда ўзлаштирилиши мумкин. Бироқ, бу счётадаги сумманинг маълум қисми актив тадбиркорлик субъекти томонидан фойдаланилаётганда ўзлаштирилиши мумкин; бунда ўзлаштириладиган сумма – активни қайта баҳоланган баланс қийматига асосланган амортизация билан активнинг тарихий баланс қийматига асосланиб, тан олинishi мумкин бўлган амортизация ўртасидаги фарққа тенг. Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси тақсимланмаган фойдага ўтказилганда фойда ёки зарарларда акс еттирилмайди .

Тадбиркорлик субъекти номоддий активнинг фойдали хизмат муддати аниқлиги ёки аниқсизлигини ва агарда аниқ бўлса, фойдали хизмат муддатини ташкил етадиган даврни ёки ишлаб чиқариш ёки шунга ўхшаш бирликлар сонини баҳолаши лозим. Номоддий актив тадбиркорлик субъекти томонидан аниқсиз фойдали хизмат муддатига ега деб ҳисобланиши лозим, қачонки барча

тегишли омилларнинг таҳлилига асосланган ҳолда, актив тадбиркорлик субъекти учун соф пул тушумларини олиб келиши кутилган даврнинг кўринадиган чегараси мавжуд бўлмаганда.

Номоддий активни ҳисобга олиш унинг фойдали хизмат муддатига асосланади. Фойдали хизмат муддати аниқ бўлган номоддий актив амортизация қилинади, фойдали хизмат муддати аниқсиз бўлган номоддий актив амортизация қилинмайди. Мазкур Стандартга илова қилинган тасвирий мисолларда турли номоддий активлар учун фойдали хизмат муддатни аниқлаш ва кейин ушбу активларни аниқланган фойдали хизмат муддатларига асосланган ҳолда ҳисобга олиш кўрсатилган.

Номоддий активнинг фойдали хизмат муддатини аниқлашда кўпгина омиллар инobatга олинади, шу жумладан:

(а) тадбиркорлик субъекти томонидан активдан кутилган фойдаланиш ва активнинг бошқа бошқарув гуруҳи томонидан самарали бошқарилиши мумкинлиги;

(б) актив бўйича оддий маҳсулот фойдаланиш даври ўхшаш усулда фойдаланиладиган ўхшаш активларнинг фойдалилик муддатларининг еҳтимоллари бўйича оммавий маълумот;

(в) ескиришнинг техник, технологик, тижорий ва бошқа турлари;

(г) активдан фойдаланадиган соҳанинг барқарорлиги ва активдан юзага келадиган маҳсулотлар ёки хизматларга бўлган бозор талабидаги ўзгаришлар;

(д) рақобатчилар ёки потенциал рақобатчилар томонидан кутилган ҳаракатлар;

(е) активдан кутилган келгуси иқтисодий манфаатларга ега бўлиш учун талаб етилган сақлаш харажатларининг даражаси ва бундай даражага еришишда тадбиркорлик субъектининг имконияти ва ҳоҳиши;

(ж) актив устидан назорат даври ва активдан фойдаланишга юридик ёки шунга ўхшаш чекловлар, масалан, тегишли ижараларнинг тугаш саналари; ва

(з) актив фойдали хизмат муддатининг тадбиркорлик субъектининг бошқа активлари фойдали хизмат муддатига боғлиқлиги.

4-мисол.

Почта рекламаси билан шуғилланувчи маркетинг компанияси мижозлар рўйхатини тайёрлади ва ундан камида бир йил кўпи билан уч йил фойдаланишни мўлжалляпти.

Бу номоддий активга компания раҳбарияти белгилаган фойдали муддатда масалан 18 ойда амортизация ҳисоблаши мумкин. Мижозлар рўйхати 36 БҲХС га асосан қадрсизланиб боради.

5-мисол.

Камида 15 йил давомида фойда келтириши кутилаётган патент сотиб олинган. Уни бошқа компания 5 йилдан сўнг унинг ҳаққоний қийманининг 60 % га сотиб олишни режалаштирмоқда ва компания уни 5 йилдан сўнг сотишни режалаштирмоқда.

Компания патентни 5 йил давомида ҳаққоний қийманининг 60 % ни амаортизация қилади. Ҳар йили патентнинг қадрсизланиши 36 БҲХС га асосан

ҳисоблаб борилади.

“Аниқсиз” атамаси “чексиз” маъносини англатмайди. Номоддий активнинг фойдали хизмат муддати фақатгина активни унинг фойдали хизмат муддатини баҳолаш пайтида ҳисобланган ишлаш стандартида сақлаш учун талаб етилган келгуси сақлаш сарфлари даражасини ҳамда тадбиркорлик субъектининг бундай даражага еришишдаги имконияти ва хоҳишини акс еттиради. Номоддий активнинг фойдали хизмат муддати аниқсизлиги тўғрисидаги хулоса активни ушбу ишлаш стандартида сақлаш учун талаб етилгандан ортиқ режалаштирилган келгуси сарфларга асосланмаслиги керак.

Технологиядаги тез ўзгаришлар тарихини инобатга олганда, компютер дастурий таъминоти ва кўпгина бошқа номоддий активлар технологик ескиришларга учрайдилар. Шу туфайли, уларнинг фойдали хизмат муддати қисқа бўлиш еҳтимоли мавжуд.

Номоддий активнинг фойдали хизмат муддати жуда узоқ ёки ҳаттоки аниқсиз бўлиши мумкин. Ноаниқлик номоддий активнинг фойдали хизмат муддатини еҳтиёткорлик билан ҳисоблашни таъкидлайди, бироқ у нореал қисқа муддатни танлашни таъкидламайди.

Шартномавий ёки бошқа юридик ҳуқуқлардан келиб чиқадиган номоддий активнинг фойдали хизмат муддати шартномавий ёки юридик ҳуқуқларнинг муддатидан ошмаслиги лозим, бироқ тадбиркорлик субъекти активдан фойдаланишининг кутилаётган даврига боғлиқ ҳолда қисқарок бўлиши мумкин. Агарда шартномавий ёки бошқа юридик ҳуқуқлар янгилашиши мумкин бўлган чекланган муддатга тақдим етилса, номоддий активнинг фойдали хизмат муддати янгиланадиган даврни қамраб олиши лозим, фақатгина қачонки янгилашни тадбиркорлик субъекти томонидан аҳамиятсиз харажатлар евазига амалга ошириш далили мавжуд бўлса. Бизнес бирлашувидаги номоддий актив сифатида тан олинган қайта сотиб олинган ҳуқуқнинг фойдали хизмат муддати ҳуқуқ тақдим етилган битимнинг қолган шартномавий даври бўлади ва янгиланадиган даврларни ўз ичига олмаслиги лозим.

Номоддий активнинг фойдали хизмат муддатига таъсир етадиган ҳам иқтисодий ҳам юридик омиллар мавжуд бўлиши мумкин. Иқтисодий омиллар тадбиркорлик субъекти томонидан олинадиган келгуси иқтисодий манфаатларнинг даврини аниқлаши мумкин. Юридик омиллар ушбу манфаатлардан фойдаланиш ҳуқуқи бўйича тадбиркорлик субъекти назорат қиладиган даврни чеклаши мумкин. Фойдали хизмат муддати ушбу омиллар асосида аниқланган даврларнинг қисқароғидир.

Шу ўринда, куйидаги омилларнинг мавжудлиги шуни таъкидлайдики, тадбиркорлик субъекти шартномавий ёки бошқа юридик ҳуқуқларни аҳамиятсиз харажатлар евазига янгилай олади:

(а) еҳтимол тажрибага асосланган ҳолда, шундай далил мавжудки, шартномавий ёки бошқа юридик ҳуқуқлар янгиланади. Агарда янгилаш учинчи томоннинг розилиги шарти остида бўлса, учинчи томон ўз розилигини тақдим етиши бўйича далил мавжуд;

(б) шундай далил мавжудки, янгилашга еришиш учун зарур бўлган хар

қандай шартлар қаноатлантирилади; ва

(в) янгилашдан тадбиркорлик субъектига оқими кутилган келгуси иқтисодий манфаатлар билан солиштирилганда, тадбиркорлик субъекти учун янгилаш харажати аҳамиятли емас.

6-мисол.

Радио ешиттиришлар учун олинган лицензиянинг муддати номаълум. Уни маълум даврда тўлов қилиш орқали муддатини ноаниқ муддатга узайтириб туриш мумкин. Ўтган даврларда лицензия муддатини узайтириш бўйича қаршиликлар бўлмаган. Бу олинган лицензия компания томонидан ноаниқ муддатда ишлатилишини билдиради.

Радио ешиттиришлар учун олинган лицензиянинг муддати номаълум бўлганлиги сабабли унинг муддати аниқ бўлгунча амортизация ҳисобланмайди. Унинг фойдали муддати аниқ бўлгач, амортизация ҳисобланади. 36 БҲХС га асосан унинг қадрсизланиши ҳар йили аниқлаб турилади.

7-мисол.

6-мисолдаги радио ешиттиришлар учун олинган лицензиянинг муддатини узайтириш даврида орган томонидан яна 3 йилдан сўнг уни тўхтатилиши айтилди.

Радио ешиттиришлар учун олинган лицензиянинг муддати аниқ 3 йил бўлганлиги сабабли унга амортизация ҳисобланади. Унинг фойдали муддати аниқ бўлгач, 3 йил давомида амортизация ҳисобланади. 36 БҲХС га асосан унинг қадрсизланиши ҳар йили аниқлаб турилади.

Агарда янгилашдан тадбиркорлик субъектига оқими кутилган келгуси иқтисодий манфаатлар билан солиштирилганда, тадбиркорлик субъекти учун янгилаш харажати аҳамиятли бўлса, янгилаш қиймати моҳиятан янгилаш санасида янги номоддий активни сотиб олиш қийматини акс еттиради.

Аниқ фойдали хизмат муддатларига ега номоддий активлар

Аниқ фойдали хизмат муддатига ега номоддий активнинг ескириш ҳисобланадиган қиймат унинг фойдали хизмат муддати давомида систематик тарзда тақсимланиши лозим. Амортизация бошланиши лозим, қачонки актив фойдаланишда бўлса, яъни қачонки у раҳбарият томонидан кўзланган ишлай олиш ҳолати учун зарур бўлган жойда ва шароитда бўлса. Амортизация вақтлроқ санада, яъни актив МҲХС 5 га мувофиқ сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган (ёки сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариш гуруҳига киритилган) сана билан активни балансдан чиқариш санаси солиштирилгандаги вақтлроқ санада тўхтатилиши лозим. Фойдаланилган амортизация усули тадбиркорлик субъекти томонидан активнинг келгуси иқтисодий манфаатлари ўзлаштирилиши кўзда тутилган ҳолатини акс еттириши лозим. Агар ушбу ҳолат ишончли аниқланмаса, тўғри чизиқли (бир текис маромда) усул қўлланилиши лозим. Ҳар бир давр учун амортизация суммаси фойда ёки зарарларда тан олинishi лозим, бунда мазкур ёки бошқа Стандарт бошқа активнинг баланс қийматига киритишга рухсат бермагунча ёки талаб қилмагунча.

Активнинг ескириш ҳисобланадиган қийматини унинг фойдали хизмат

муддати давомида систематик тарзда харажатларга олиб бориш учун турли амортизация усулларида фойдаланиш мумкин. Ушбу усуллар тўғри чизиqli усул, камайиб борувчи қолдиқ усули ва ишлаб чиқариш бирлиги усулини қамраб олади. Фойдаланадиган усул активда мужассамланган кутилган келгуси иқтисодий манфаатларни истеъмол қилишнинг кўзда тутилган ҳолатга асосланган ҳолда танланади ва даврдан даврга мувофиқ тарзда қўлланилади, бунда ушбу келгуси иқтисодий манфаатларни истеъмол қилишнинг кўзда тутилган ҳолатида ўзгаришлар бўлмагунча.

Амортизация одатда фойда ёки зарарда тан олинади. Бироқ, айрим ҳолатларда активда мужассамланган келгуси иқтисодий манфаатлар бошқа активларни юзага келтириш учун ўзлаштирилади. Бундай ҳолатда, амортизация миқдори бошқа актив таннархининг таркибий қисмини ташкил этади ва унинг баланс қийматига киритилади. Масалан, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган номоддий активларнинг амортизацияси товар-моддий заҳираларнинг баланс қийматига киритилади (МҲХС 2 “Товар-моддий заҳиралар” га қаранг).

Аниқ фойдали хизмат муддатига ега номоддий активнинг тугатиш қиймати нолга тенг деб фараз қилиниши лозим, бунда қуйидагилар содир бўлмагунча:

(а) активнинг фойдали хизмат муддати охирида учинчи томоннинг уни сотиб олиш бўйича мажбурияти мавжуд бўлиши; ёки

(б) актив учун фаол бозор (МҲХС 13 да таърифлангандек) мавжуд ва:

- тугатиш қиймат ушбу бозор маълумотлари асосида аниқланиши мумкин; ва

- активнинг фойдали хизмат муддати охирида бундай бозор мавжуд бўлиш ехтимоли бор.

Аниқ фойдали хизмат муддатига ега активнинг ескириш ҳисобланадиган қиймат тугатиш қийматни чегиргандан сўнг аниқланади. Нолга тенг бўлмаган тугатиш қиймат шуни англатадики, тадбиркорлик субъекти номоддий активни унинг иқтисодий муддати якунланишидан олдин ҳисобдан чиқаришни кўзда тутди.

Активнинг тугатиш қийматини баҳолаш ҳисобдан чиқаришда қопланадиган қийматга асосланади, бунда баҳолаш санасида фойдали хизмат муддати тугаган ва активдан фойдаланадиган ўхшаш шароитларда ишлаган ўхшаш активнинг сотилиши бўйича нархлардан фойдаланилади. Тугатиш қиймат камида ҳар молиявий йил якунида кўриб чиқилади. Активнинг тугатиш қийматидаги ўзгариш БҲХС 8 “Ҳисоб сиёсатлари, бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатолар” га мувофиқ бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашдаги ўзгариш сифатида ҳисобга олинади.

Номоддий активнинг тугатиш қиймати активнинг баланс қийматига тенг ёки кўпроқ миқдорда ошиши мумкин. Агарда шундай бўлса, активнинг амортизация миқдори нолга тенг бўлади, бунда унинг тугатиш қиймати кейинчалик активнинг баланс қийматидан паст суммагача камаймагунча.

Аниқ фойдали хизмат муддатига ега номоддий актив учун амортизация

даври ва амортизация усули камида ҳар молиявий йилнинг якунида қайта кўриб чиқилиши лозим. Агарда активнинг кутилган фойдали хизмат муддати олдинги баҳолашлардан фарқ қилса, амортизация даври мувофиқ тарзда ўзгартирилиши лозим. Агарда активда мужассамланган келгуси иқтисодий манфаатларни истеъмол қилишнинг кўзда тутилган ҳолатида ўзгаришлар мавжуд бўлса, амортизация усули ўзгарган ҳолатни акс етитриш учун ўзгартирилиши лозим. Бундай ўзгаришлар МҲХС 8 га мувофиқ бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашлардаги ўзгаришлар сифатида ҳисобга олиниши лозим.

Номоддий активнинг муддати давомида, унинг фойдали хизмат муддатининг баҳоланиши ноўринлиги яққол намоён бўлиши мумкин. Масалан, кадрсизланиш бўйича зарарни тан олиш шунини кўрсатиши мумкинки, амортизация даври ўзгартирилиши зарур.

Давр мобайнида, номоддий активдан тадбиркорлик субъектига оқими кутилган келгуси иқтисодий манфаатларнинг ҳолати ўзгариши мумкин. Амортизациянинг тўғри чизиқли усули емас, балки камайиб борувчи қолдиқ усули ўринлиги яққол намоён бўлиши мумкин. Бошқа мисол сифатида лицензияда акс еттирилган ҳуқуқлардан фойдаланиш кечиктирилишини, қайсики бизнес режанинг бошқа қисмларини тухтатиб қўйган ҳолатини, келтириш мумкин. Бундай ҳолатда, активдан оқиб келадиган иқтисодий манфаатлар кейинги даврларгача олинмаслиги мумкин.

Аниқсиз фойдали хизмат муддатига ега бўлган номоддий актив амортизация қилинмаслиги лозим.

БҲХС 8 га мувофиқ, тадбиркорлик субъектидан аниқсиз фойдали хизмат муддатига ега номоддий активнинг унинг қопланадиган қийматини унинг баланс қийматига солиштирган ҳолда,

(а) ҳар йили ва

(б) қачонки номоддий активнинг кадрсизланиши мумкин бўлган пайтда кадрсизланишга текширилиши талаб етилади.

Амортизация қилинмайдиган номоддий активнинг фойдали хизмат муддати ҳодиса ва шароитлар ушбу активнинг фойдали хизмат муддати аниқсиз деб баҳоланишига ҳалигача асос беришини аниқлаш учун ҳар даврда қайта кўриб чиқилиши лозим. Агар улар бундай хулоса учун асос бермаса, фойдали хизмат муддатининг баҳоланиши аниқсиздан аниққа ўзгариши БҲХС 8 га мувофиқ бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашдаги ўзгариш сифатида ҳисобга олинади.

БҲХС 36 га мувофиқ, номоддий активнинг фойдали хизмат муддатини аниқсиз емас, балки аниқ деб қайта кўриб чиқиш шунини кўрсатадики, активга зарар йетказилган бўлиши мумкин. Натижада, тадбиркорлик субъекти активнинг БҲХС 36 га мувофиқ аниқланган қопланадиган қийматини унинг баланс қийматига солиштириш орқали кадрсизланишга текширади ва баланс қийматининг қопланадиган қийматдан ҳар қандай ошган қисмини кадрсизланиш бўйича зарар сифатида тан олади.

Номоддий активга зарар йетказилганлигини аниқлаш учун тадбиркорлик субъекти МҲХС 36 ни қўллайди. Ушбу Стандартда тадбиркорлик субъекти

қачон ва қандай қилиб ўз активларининг баланс қийматини кўриб чиқиши, қандай қилиб активнинг қопланадиган қийматини аниқлаши ва қачон қадрсизланиш бўйича зарарни тан олиши ёки тикланиши кераклиги тушунтирилади.

Қуйидаги ҳолатларда номоддий актив ҳисобдан чиқарилиши лозим:

(а) актив чиқиб кетганида; ёки

(б) ундан фойдаланишдан ёки унинг чиқиб кетишидан ҳеч қандай келгуси иқтисодий манфаатлар кутилмаганида.

Номоддий активнинг ҳисобдан чиқарилиши натижасида юзага келадиган фойда ёки зарар активнинг чиқиб кетишидан олинадиган соф тушумлар, агарда бўлса, билан активнинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланиши лозим. У фойда ёки зарарда тан олиниши лозим, қачонки актив ҳисобдан чиқарилса (бунда МҲХС 17 да сотиш ва қайта ижарага олиш бўйича бошқа талаблар белгиланмаган бўлса). Фойда асосий фаолиятдан даромад сифатида таснифланмаслиги лозим.

Номоддий актив бир неча йўллар билан чиқиб кетиши мумкин (масалан, сотиш орқали, молиявий ижара келишувини тузиш орқали ёки ҳадя етиш орқали). Бундай активнинг чиқиб кетиши санасини аниқлашда, тадбиркорлик субъекти товарларни сотишдан тушган даромадларни тан олиш бўйича БҲХС 18 “Даромад” даги мезонларни қўллайди. БҲХС 17 сотиш ва қайта ижарага олиш орқали активларнинг чиқиб кетишига нисбатан қўлланилади.

Тадбиркорлик субъекти активнинг баланс қийматида номоддий активнинг қисмини алмаштириш танархини тан олса, у ески алмаштирилган қисмнинг баланс қийматини ҳисобдан чиқаради. Агарда тадбиркорлик субъекти учун алмаштирилган қисмнинг баланс қийматини аниқлаш имкони бўлмаса, у алмаштириш таннархидан алмаштирилган қисмнинг қиймати у сотиб олинганда ёки ички ишлаб чиқилганда қанча бўлганлигини кўрсатадиган кўрсаткич сифатида фойдаланиши мумкин.

Бизнес бирлашувида қайта сотиб олинган ҳуқуқ ҳолатида, агарда ҳуқуқ учинчи томонга кейинчалик қайта чиқарилган (сотилган) бўлса, тегишли баланс қиймати, агарда бўлса, қайта чиқарилиш бўйича фойда ёки зарарни аниқлашда фойдаланилади.

Номоддий активнинг чиқиб кетишида унинг ўрнига олинадиган товон дастлаб унинг ҳаққоний қийматида тан олинади. Агарда номоддий актив учун тўлов кечиктирилса, олинган товон дастлаб пул маблағидаги нарх эквивалентида тан олинади. Товоннинг номинал қиймати билан пул маблағидаги нарх эквиваленти ўртасидаги фарқ БҲХС 18 га мувофиқ фоизли даромад сифатида тан олинади ва бу еса дебиторлик қарз бўйича эффектив даромадлиликни акс еттиради.

Аниқ фойдали хизмат муддатига ега номоддий активнинг амортизацияси тўхтатилмайди, агар номоддий актив бошқача тарзда фойдаланилмаса, бунда актив бўйича тўлиқ ескириш ҳисобланган бўлмаса ёки у МҲХС 5 га мувофиқ сотишга мўлжалланган сифатида таснифланмаган бўлса (ёки сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариш гуруҳига

киритилмаган бўлса).

Тадбиркорлик субъекти номоддий активларнинг ҳар бир туркуми учун қуйидагиларни очиб бериши лозим, бунда ички ишлаб чиқилган номоддий активлар билан бошқа номоддий активларни фарқлаган ҳолда:

(а) фойдали хизмат муддатлари аниқсиз ёки аниқлиги ва агарда аниқ бўлса, фойдали хизмат муддатлари ва фойдаланилган амортизация ставкаси;

(б) аниқ фойдали хизмат муддатларига ега номоддий активлар учун фойдаланилган амортизация усуллари;

(в) давр бошидаги ва охиридаги жами баланс қиймати ва (йиғилган кадрсизланиш бўйича зарарлар билан умумлашган) ҳар қандай жамғарилган амортизация;

(г) умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботдаги номоддий активларнинг ҳар қандай амортизацияси киритилган модда қатор(лар)и;

(д) давр бошидаги ва охиридаги баланс қийматининг солиштирмаси, бунда қуйидагиларни акс еттирган ҳолда:

- қўшимчалар, бунда ички ишлаб чиқилганларини, алоҳида сотиб олинганларини ва бизнес бирлашуви орқали сотиб олинганларини алоҳида кўрсатган ҳолда;

- МҲХС 5 га мувофиқ сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган ёки сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариш гуруҳига киритилган активлар ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар;

- БҲХС 36 га мувофиқ бошқа умумлашган даромадда тан олинган ёки тикланган кадрсизланиш бўйича зарарлар (агарда бўлса) натижасида давр мобайнида юзага келадиган кўпайишлар ёки камайишлар;

- БҲХС 36 га мувофиқ давр мобайнида фойда ёки зарарларда тан олинган кадрсизланиш бўйича зарарлар (агарда бўлса);

- БҲХС 36 га мувофиқ давр мобайнида фойда ёки зарарларда тикланган кадрсизланиш зарарлари (агарда бўлса);

- давр мобайнида тан олинган ҳар қандай амортизация;

- молиявий ҳисоботларни тадбиркорлик субъектининг тақдимот валютасига ўтказиш ва хорижий бўлинмани тақдимот валютасига ўтказиш натижасида юзага келадиган соф курс фарқлари; ва

(виини) давр мобайнида баланс қийматидаги бошқа ўзгаришлар.

Номоддий активларнинг туркуми активларнинг ўхшаш хусусиятлари ва тадбиркорлик субъекти фаолиятида фойдаланиши бўйича гуруҳлашни акс еттиради. Алоҳида туркумлар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

(а) бренд номлари;

(б) титул маълумотлари (номланишлар) ва нашр номлари;

(в) компьютер дастур таминотлари;

(г) лицензиялар ва франчайзинглар;

(д) авторлик ҳуқуқлари, патентлар ва бошқа индустриал мулк ҳуқуқлари, хизмат ва амалиёт ҳуқуқлари;

(е) рецептлар, формулалар, моделлар, дизайнлар ва андозалар; ва

(ж) тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш жараёнидаги номоддий

активлар.

Юқорида қайд қилинган туркумлар кичикроқ (кенгрок) туркумларга ажратилади (умумлаштирилади), агарда бу молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун янада ўринлироқ маълумотларга олиб келса.

Тадбиркорлик субъекти БҲХС 36 га мувофиқ қадрсизланган номоддий активлар бўйича маълумотларни очиб беради.

БҲХС 36 тадбиркорлик субъектидан жорий даврда аҳамиятли таъсирга ега ёки кейинги даврларда аҳамиятли таъсирга ега бўлиши кутилган бухгалтерия ҳисоби мақсадилда баҳолашдаги ўзгаришнинг хусусияти ва миқдорини очиб беришни талаб этади. Бундай маълумотлар очиб берилиши қуйидагилардаги ўзгаришлардан юзага келиши мумкин:

- (а) номоддий активнинг фойдали хизмат муддатининг баҳоланиши;
- (б) амортизация усули; ёки
- (в) тугатиш қийматлар.

Тадбиркорлик субъекти қуйидагиларни ҳам очиб бериши лозим:

(а) аниқсиз фойдали хизмат муддатга ега деб ҳисобланган номоддий активлар учун, ушбу активнинг баланс қиймати ва аниқсиз фойдали хизмат муддати деб ҳисобланишини тасдиқлайдиган сабаблар. Ушбу сабабларни қайд қилишда, тадбиркорлик субъекти шундай омил(лар)ни акс еттириши лозимки, қайсики активни аниқсиз фойдали хизмат муддатга егалигини аниқлашда аҳамиятли ўрин тутган.

(б) Тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳисоботларида аҳамиятли бўлган ҳар қандай алоҳида номоддий активнинг изоҳи, баланс қиймати ва қолган амортизация даври.

(в) Давлат гранти орқали сотиб олинган ва дастлаб ҳаққоний қийматда тан олинган номоддий активлар учун:

- ушбу активлар бўйича дастлаб тан олинган ҳаққоний қиймат;
- уларнинг баланс қиймати; ва
- тан олингандан сўнг улар таннарх бўйича ҳисобга олиш модели асосида ёки қайта баҳолаш модели асосида баҳоланганлиги.

(г) Егалик ҳуқуқи чекланган номоддий активларнинг мавжудлиги ва баланс қийматлари ҳамда мажбуриятлар учун таъминот сифатида ажратилган номоддий активларнинг баланс қийматлари.

(д) Номоддий активларни сотиб олиш бўйича шартномавий мажбуриятларнинг суммаси.

Агарда номоддий активлар қайта баҳоланган қийматларда ҳисобга олинса, тадбиркорлик субъекти қуйидагиларни очиб бериши лозим:

(а) номоддий активларнинг туркуми бўйича:

- қайта баҳолаш санаси;
- қайта баҳоланган номоддий активларнинг баланс қиймати; ва
- баланс қиймат, қайсики номоддий активларнинг қайта баҳоланган туркуми тан олингандан сўнг таннарх бўйича ҳисобга олиш моделидан фойдаланган ҳолда баҳоланганда тан олинадиган; ва

(б) Давр бошида ва охирида номоддий активларга тегишли бошланғич

қийматига нисбатан қайта баҳолаш қийматининг ошган суммаси, бу счётадаги давр мобайнидаги ўзгаришларни ҳамда қолдиқни акциядорларга тақсимлашдаги ҳар қандай чекловларни акс еттирган ҳолда.

Қайта баҳоланган активлар туркумларини очиб бериш мақсадларида кенгроқ туркумларга умумлаштириш зарур бўлиши мумкин. Бироқ туркумлар умумлаштирилмайди, агарда бу ҳам таннарх бўйича ҳиобга олиш модели ҳам қайта баҳолаш модели бўйича ҳисобланган қийматларни қамраб олган номоддий активлар туркумининг бирикмасини келтириб чиқарса.

Тадбиркорлик субъекти давр мобайнида харажат сифатида тан олинган тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш сарфларининг жами суммасини очиб бериши лозим.

Тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш сарфлари бевосита тадқиқот ёки тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш фаолиятларига тегишли барча сарфларни қамраб олади.

Тадбиркорлик субъекти томонидан қуйидаги маълумотларнинг очиб берилиши маъқулланади, бироқ талаб етилмайди:

(а) ҳар қандай тўлиқ амортизация қилинган номоддий активнинг изоҳи, қайсики ханузгача фойдаланишда бўлса; ва

(б) Тадбиркорлик субъекти томонидан назорат қилинадиган, аммо активлар сифатида тан олинмаган, аҳамиятли номоддий активларнинг қисқача изоҳи, бунда активлар сифатида тан олинмаслигига сабаб шуки, улар мазкур Стандартдаги тан олиш мезонини қаноатлантирмаган.

4.6. МҲХС (IFRS) 5 “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва давом еттирилмайдиган фаолият”

МҲХС нинг мақсади сотиш учун мўлжалланган активларни ҳисобга олиш ва давом еттирилмайдиган фаолият тўғрисида маълумотларни тақдим етиш ва очиб бериш бўйича талабларни белгилашдан иборадир. Хусусан, МҲХС қуйидагиларни талаб этади:

(а) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаш мезонларини қаноатлантирадиган активлар баланс қиймаит билан сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймат ўртасидаги камроғида баҳоланишини ва бундай активлар бўйича ескиришни ҳисоблаш тўхтатилишини; ва

(б) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаш мезонларини қаноатлантирадиган активлар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида тарзда тақдим етилишини ва давом еттирилмайдиган фаолиятларнинг натижалари умумий даромад тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида тарзда тақдим етилишини.

Ушбу МҲХС нинг таснифлаш ва тақдим етиш бўйича талаблари тадбиркорлик субъектининг барча тан олинган узоқ муддатли активларига ва барча ҳисобдан чиқариш гуруҳларига нисбатан қўлланилади. Мазкур МҲХС нинг баҳолаш талаблари барча тан олинган узоқ муддатли активларига ва барча ҳисобдан чиқариш гуруҳларига нисбатан қўлланилади.

БҲҲС 1 «Молиявий ҳисоботларни тақдим етиш» га мувофиқ узоқ муддатли сифатида таснифланган активлар улар мазкур МҲҲС га мувофиқ сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланиш мезонларини қаноатлантиргунга қадар жорий активлар сифатида қайта таснифланмаслиги лозим. Фақатгина қайта сотиш мақсади билан сотиб олинган ҳолда, тадбиркорлик субъекти одатда узоқ муддатли сифатида ҳисоблаши мумкин бўлган туркум активлари жорий сифатида таснифламаслиги лозим, бунда улар мазкур МҲҲС га мувофиқ сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланиш мезонларини қаноатлантирмагунча.

Айрим ҳолатларда, тадбиркорлик субъекти активлар гуруҳини, еҳтимол баъзи бевосита боғлиқ мажбуриятлар билан бирга, ягона операцияда ҳисобдан чиқаради. Бундай ҳисобдан чиқариш гуруҳи пулни юзага келтирадиган бирликлар гуруҳи, ягона пулни юзага келтирадиган бирлик, ёки пулни юзага келтирадиган бирлик қисми бўлиши мумкин. Гуруҳ тадбиркорлик субъектининг ҳар қандай активларини ва ҳар қандай мажбуриятларини, жумладан жорий активларни, жорий мажбуриятларни ва мазкур МҲҲС нинг баҳолаш талабларидан истисно қилинган активларни, ўз ичига олиши мумкин. Агарда мазкур МҲҲС нинг баҳолаш талаблари доирасидаги узоқ муддатли актив ҳисобдан чиқариш гуруҳининг қисми бўлса, мазкур МҲҲС нинг баҳолаш талаблари бутун гуруҳга нисбатан қўлланилиб, бунинг натижасида гуруҳ унинг баланс қиймати билан сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати ўртасидаги камроғида баҳоланади. Мазкур МҲҲС нинг баҳолаш шартлари куйидаги активларга (қайсики келтирилган МҲҲСлар орқали камраб олинади) нисбатан, алоҳида активлар сифатида ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳининг қисми сифатида, қўлланилмайди:

(а) муддати узайтирилган солиқ активлари (МҲҲС 12 «Фойда солиқлари»).

(б) ходимлар даромадларидан юзага келадиган активлар (МҲҲС 19 «Ходимлар даромадлари»).

(в) МҲҲС 9 «Молиявий инструментлар» нинг қўллаш доирасидаги молиявий активлар.

(г) БҲҲС 40 «Инвестицион мулк» даги ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олиш моделига мувофиқ ҳисобга олинadиган узоқ муддатли активлар.

(д) БҲҲС 41 «Қишлоқ хўжалиги» га мувофиқ сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматда баҳоланадиган узоқ муддатли активлар.

(е) МҲҲС 4 «Суғурта шартномалари» да таърифланган суғурта шартномалари асосида шартномавий ҳуқуқлар.

Сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланадиган узоқ муддатли активларга (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳига) нисбатан қўлланиладиган мазкур МҲҲС даги таснифлаш, тақдим етиш ва баҳолаш талаблари ўзларининг мақоми бўйича мулк егалари сифатида фаолият юритадиган мулк егалари учун тақсимотга мўлжалланган сифатида таснифланадиган (мулк егалари учун тақсимотга мўлжалланган) узоқ муддатли активларга (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳига) нисбатан ҳам қўлланилади.

Мазкур МХХС сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активларга (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳларига) ёки давом еттирилмайдиган фаолиятларга нисбатан талаб етилган очиб беришларни белгилайди. Бошқа МХХС лардаги маълумотларни очиб бериш бўйича талаблар бундай активларга (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳларига) нисбатан қўлланилмайди, бунда ушбу МХХСлар қуйидагиларни талаб етмагунча:

(а) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активларга (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳларига) ёки давом еттирилмайдиган фаолиятларга нисбатан муайян маълумотларни очиб бериш; ёки

(б) МХХС 5 нинг баҳолаш талаби доирасида бўлмаган ҳисобдан чиқариш гуруҳидаги активлар ва мажбуриятларнинг баҳоланиши тўғрисидаги маълумотлар очиб берилиши ва бундай очиб берилмайдиган маълумотлар молиявий ҳисоботларга бошқа изоҳларда олдин таъминланмаган бўлиши.

Сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активларга (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳларига) ёки давом еттирилмайдиган фаолиятлар тўғрисидаги қўшимча маълумотларни очиб бериш МХХС 1 нинг умумий талабларига, мосликни таъминлаш учун зарур бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик субъекти узоқ муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳини) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаши лозим, агарда унинг баланс қиймати узлуксиз фойдаланиш орқали емас, балки асосан сотув операцияси орқали қопланса.

Буни амалга ошириш учун, актив (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳи) ўзининг жорий ҳолатида бевосита сотув учун мавжуд бўлиши шарт, бунда у фақатгина бундай активлар (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳлари) бўйича одатий ва мажбурий бўлган шартларга шартли равишда бўлади ва унинг сотуви юқори еҳтимолли бўлиши шарт.

Сотув юқори еҳтимолли бўлиши учун, раҳбариятнинг тегишли даражаси активни (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳини) сотиш режасини қабул қилиши шарт ва харидорни излаш ва режани бажариш бўйича фаол дастурнинг ташаббуси амалга оширилиши шарт. Бундан ташқари, активни (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳини) унинг жорий ҳаққоний қийматига нисбатан оқилона нархда сотиш бўйича фаол чоралар амалга оширилиши шарт. Шу билан бирга, сотув таснифлаш санасидан бошлаб бир йил ичида тугатилган сотув сифатида тан олинишни қаноатлантириши кўзда тутилиши лозим ва режани бажариш учун талаб етилган чоралар шуни кўрсатиши лозимки, режага нисбатан йирик ўзгаришлар амалга оширилишининг ёки режа бекор қилинишининг еҳтимоли жуда кам. Акциядорларнинг тасдиқлаш еҳтимоли (агарда қонунчиликда талаб етилса) сотув юқори еҳтимолли бўлишини баҳолашнинг қисми сифатида кўриб чиқилиши керак.

Шўба тадбиркорлик субъекти устидан назоратни йўқотишни қамраб оладиган сотув режасини қабул қилмайдиган тадбиркорлик субъекти ушбу шўбанинг жами активларини ва мажбуриятларини сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаши лозим, бунда тадбиркорлик субъекти сотувдан сўнг ўзининг собиқ шўбасида назорат қилинмайдиган улушни сақлаб қолишидан

қатъий назар.

Ҳодисалар ёки ҳолатлар сотувни тугаллаш даврини бир йилдан ортиқ муддатга узайтириши мумкин. Сотувни тугаллаш учун талаб етилган даврнинг узайтирилиши активни (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳини) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланишидан тўсмайди, агарда муддатини узайтиришга тадбиркорлик субъектининг назоратидан ташқарида бўлган ҳодисалар ёки ҳолатлар сабаб бўлса ва тадбиркорлик субъекти активни (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳини) сотиш бўйича ўз режасини сақлаб қолиши тўғрисида йетарлича далил мавжуд бўлса. Сотув операциялари узок муддатли активларни бошқа узок муддатли активларга айирбошлашларни ўз ичига олади, қачонки айирбошлаш БҲХС 16 “Асосий воситалар” га мувофиқ тижорий моҳиятга ега бўлса.

Қачонки тадбиркорлик субъекти узок муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳини) фақатгина уни кейин ҳисобдан чиқариш мақсади билан сотиб олса, у узок муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳини) сотиб олиш санасида сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаши лозим.

Қачонки тадбиркорлик субъекти узок муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳини) мулк егаларига тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилса, актив (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳи) мулк егаларига тақсимот учун мўлжалланган сифатида таснифланади. Бундай ҳолат бўлиши учун, активлар ўзларининг жорий ҳолатида бевосита тақсимланиш учун мавжуд бўлиши шарт ва тақсимлаш юқори еҳтимолга ега бўлиши шарт. Тақсимлаш юқори еҳтимолли бўлиши учун, тақсимлашни тугаллаш чоралари ташаббуси амалга оширилган бўлиши шарт ва таснифлаш санасидан бошлаб бир йил ичида тугалланиши кўзда тутилиши керак. Тақсимлашни тугаллаш учун талаб етилган чоралар шуни кўрсатиши лозимки, тақсимлашга нисбатан йирик ўзгаришлар амалга оширилишининг ёки тақсимлаш бекор қилинишининг еҳтимоли жуда кам. Акциядорларнинг тасдиқлаш еҳтимоли (агарда қонунчиликда талаб етилса) тақсимлаш юқори еҳтимолли бўлишини баҳолашнинг қисми сифатида кўриб чиқилиши керак.

Тадбиркорлик субъекти фойдаланилиши тўхтатиладиган узок муддатли активларни (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳини) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифламаслиги лозим. Бунга сабаб шуки, унинг баланс қиймати асосан уклуксиз фойдаланишдан қопланади. Фойдаланилиши тўхтатиладиган узок муддатли активлар (ҳисобдан чиқариш гуруҳлари) ўзларининг иқтисодий фойдаланиш муддатлари охирига қадар фойдаланиладиган узок муддатли активларни (ҳисобдан чиқариш гуруҳларини) ҳамда сотиладиган емас, балки ёпиладиган узок муддатли активларни (ҳисобдан чиқариш гуруҳларини) ўз ичига олади.

Тадбиркорлик субъекти фойдаланишдан вақтинчалик озод етилган узок муддатли активни худдики ундан фойдаланиш тўхтатилгандек ҳисобга олмаслиги лозим.

1-мисол. Компания бош бошқармаси биносини сотиш

Компания бош бошқарма биносини сотиш режасини тузди.

А) Компания харидорга бинони тўла бўшатгандан сўнг беради. Бўшатиш учун кетадиган вақт шундай сотишлар учун умумий вақт каби қаралади. Демак, активни тезда сотиш талаби бажарилмоқда.

В) Компания бу бинони янги бино тўла битгунча ишлатади. Бу кечиктириш компания томонидан бинони тезда сотиш зарур эмаслигини билдиради. Мазкур мезон янги бинони тўла битирмагунча кўчиб ўтиш мумкин эмаслигини ифодалайди.

Сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узок муддатли активларни (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳларини) баҳолаш

Узок муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳини) баҳолаш

Тадбиркорлик субъекти сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узок муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳини) унинг баланс қиймати билан сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати ўртасидаги камроғида баҳолаши лозим.

Тадбиркорлик субъекти мулк егаларига тақсимлаш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узок муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳини) унинг баланс қиймати билан тақсимлаш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати ўртасидаги камроғида баҳолаши лозим.

Агарда янги сотиб олинган актив (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳи) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланиш мезонларини қаноатлантирса, дастлабки тан олинишда активни (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳини) унинг баланс қиймати, агарда шундай таснифланмаган бўлса (маслан, таннархда), билан сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати ўртасидаги камроғида баҳоланишига олиб келади. Демак, агарда актив (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳи) бизнес бирлашувининг қисми сифатида сотиб олинса, у сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматда баҳоланиши лозим.

Қачонки сотув бир йилдан ортиқ муддатда содир бўлиши кутилса, тадбиркорлик субъекти сотиш харажатларини уларнинг келтирилган қийматида баҳолаши лозим. Вақт ўтишидан юзага келадиган сотиш харажатларининг келтирилган қийматидаги ҳар қандай кўпайиш фойда ёки зарарда молиялаштириш харажати сифатида тақдим етилиши лозим.

Активнинг (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳининг) сотиш учун мўлжалланган сифатида дастлабки таснифланишидан бевосита олдин, активнинг (ёки гуруҳдаги барча активлар ва мажбуриятларнинг) баланс қийматлари ўринли МҲХСларга мувофиқ баҳоланиши лозим.

Ҳисобдан чиқариш гуруҳининг кейинги қайта баҳоланишида, ҳисобдан чиқариш гуруҳининг сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати қайта баҳоланишидан олдин, мазкур МҲХС нинг баҳолаш талаблари доирасида бўлмаган, аммо сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариш гуруҳига киритилган, ҳар қандай активларнинг ва мажбуриятларнинг баланс қийматлари ўринли МҲХСларга мувофиқ қайта баҳоланиши лозим.

Тадбиркорлик субъекти активни (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳини) сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматгача ҳар қандай дастлабки ёки кейинги қисман ҳисобдан чиқариш бўйича қадрсизланиш зарарини тан олиши

лозим.

Тадбиркорлик субъекти активнинг сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматидаги ҳар қандай кейинги кўпайиш бўйича фойдани тан олиши лозим, аммо бу мазкур МҲХС га мувофиқ ёки олдин БҲХС 36 “Активларнинг қадрсизланиши” га мувофиқ тан олинган йиғилган қадрсизланиш зараридан ортиқ суммада бўлмаслиги лозим.

Тадбиркорлик субъекти ҳисобдан чиқариш гуруҳининг сотиш харажатлар чегирилгандаги ҳаққоний қийматидаги ҳар қандай кейинги кўпайиш бўйича фойдани тан олиши лозим:

(а) буни амалга ошириш ҳисобдан чиқариш гуруҳининг сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати қайта баҳоланишидан олдин, мазкур МҲХС нинг баҳолаш талаблари доирасида бўлмаган, аммо сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариш гуруҳига киритилган, ҳар қандай активларнинг ва мажбуриятларнинг баланс қийматлари ўринли МҲХСларга мувофиқ

мувофиқ тан олинмаган даражада бўлади; аммо

(б) бу мазкур МҲХС га мувофиқ ёки олдин МҲХС 36 га мувофиқ, мазкур МҲХС нинг баҳолаш талаблари доирасида бўлган узоқ муддатли активлар бўйича тан олинган йиғилган қадрсизланиш зараридан ортиқ суммада бўлмаслиги лозим.

Узоқ муддатли актив (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳи) сотувининг санаси ҳолатига олдин тан олинмаган фойда ёки зарар ҳисобдан чиқариш санасида тан олинishi лозим.

Тадбиркорлик субъекти узоқ муддатли актив бўйича у сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланганда ёки сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариш гуруҳининг қисми бўлганда ескириш (ёки амортизация) ҳисобламаслиги лозим. Сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариш гуруҳининг мажбуриятларига тегишли фоизли ва бошқа харажатларнинг тан олинishi давом еттирилиши лозим.

2-мисол.

1 ноябр 2011 йилда компания ўзининг бир маъмурий биносини сотишга кўйди. 1 декабр 2011 йилда бино баҳоловчи томонидан аниқланган ҳаққоний қиймати 800000 ш.б. да сотувга кўйилди. Сотиш харажатлари бино қийматининг 5 % ни ташкил қилади. 1 декабр 2011 йилда бинонинг баланс қиймати 870000 ш.б. Бино учун компания қайта баҳолаш моделидан фойдаланади. 1 декабр 2011 йилда бинонинг қайта баҳолаш бўйича захира счётида (капитал счёти) 90000 ш.б. мавжуд. 31 декабр 2011 йил ва 1 феврал 2012 йилда бино сотилмаган ва унинг қиймати ўзгармаган. 1 декабр 2011 йилдан бинога амаортизация ҳисобланмаяпти.

Активни сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активга амлмаштириш керак.

Агарда тадбиркорлик субъекти активни (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳини) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаган бўлса,

тадбиркорлик субъекти активни (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳини) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлашни тўхтатиши лозим.

Тадбиркорлик субъекти сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланиши тўхтайдиган (ёки сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариш гуруҳига киритилиши тўхтайдиган) узоқ муддатли активни қуйидагиларнинг камроғида баҳолаши лозим:

(а) актив (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳи) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланишидан олдинги унинг баланс қийматининг шундай ескириш, амортизация ёки қайта баҳолашлар суммасига тўғриланганики, қайсики тан олинган бўлар еди, агарда актив (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳи) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланмаганда еди, ва

(б) кейинги сотмаслик қарори санасидаги унинг тиклаш суммаси.

Тадбиркорлик субъекти сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланишдан тўхтайдиган узоқ муддатли активнинг баланс қийматига нисбатан ҳар қандай тўғрилашни давомий фаолиятлардан фойда ёки зарарда ҳисобга олиши лозим. Сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланишдан буён даврлар бўйича молиявий ҳисоботлар мос тарзда ўзгартирилиши лозим, агарда сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланишдан тўхтайдиган ҳисобдан чиқариш гуруҳи ёки узоқ муддатли актив шуъба тадбиркорлик субъекти, биргаликдаги фаолият, кўшма корхона, қарам тадбиркорлик субъекти, ёки кўшма корхонадаги ёки қарам тадбиркорлик субъектидаги улушнинг қисми бўлса. Агарда тадбиркорлик субъекти сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариш гуруҳидан алоҳида актив ёки мажбуриятни чиқариб ташласа, сотиладиган ҳисобдан чиқариш гуруҳининг қолган активлари ва мажбуриятлари гуруҳ сифатида баҳоланишда давом этиши лозим. Акс ҳолда, сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланиш мезонларини алоҳида тарзда қаноатлантирадиган гуруҳнинг қолган узоқ муддатли активлари алоҳида тарзда уларнинг баланс қийматлари билан ушбу санадаги сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматлари ўртасидаги камроғида баҳоланиши лозим.

Тадбиркорлик субъекти молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларга давом еттирилмайдиган фаолиятлар ва узоқ муддатли активларнинг (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳларининг) молиявий таъсирларини баҳолашда ёрдам берадиган маълумотларни тақдим этиши ва очиб бериши лозим.

Тадбиркорлик субъектининг бўлаги тадбиркорлик субъектининг қолган қисмидан, операцион тарзда ва молиявий ҳисобот мақсадлари бўйича, аниқ фарқланиши мумкин бўлган фаолиятларни ва пул оқимларини қамраб олади. Бошқача айтганда, тадбиркорлик субъектининг бўлаги фойдаланишда бўлган пайтида пулни юзага келтирадиган бирлик ёки пулни юзага келтирадиган бирликлар гуруҳи бўлади.

Давом еттирилмайдиган фаолият тадбиркорлик субъектининг шундай бўлаги бўладики, қайсики ҳисобдан чиқарилган бўлади, ёки сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган бўлади, ҳамда

(а) бизнеснинг асосий йўналишини ёки фаолиятларнинг географик

жойини акс еттиради,

(б) бизнеснинг асосий йўналишини ёки фаолиятларнинг географик жойини ҳисобдан чиқариш бўйича ягона мувофиқлаштирилган режанинг қисми бўлади ёки

(в) фақатгина қайта сотиш мақсади билан сотиб олинган шуъба тадбиркорлик субъекти бўлади.

Тадбиркорлик субъекти қуйидагиларни очиб бериши лозим:

(а) умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагиларнинг жамини қамраб оладиган ягона суммани:

- давом еттирилмайдиган фаолиятларнинг солиқдан сўнгги фойда ёки зарари ва

- сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматда баҳолаш бўйича ёки давом еттирилмайдиган фаолиятни ташкил етадиган активлар ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳ(лар)ининг ҳисобдан чиқарилиши бўйича тан олинган солиқдан сўнгги фойда ёки зарар.

(б) (а) даги ягона сумманинг қуйидагилар асосида таҳлили:

- давом еттирилмайдиган фаолиятларнинг даромади, харажатлари ва солиқдан олдинги фойда ёки зарари;

- БҲХС 12 орқали талаб етилган тегишли даромад солиғи харажати; ва

- сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматда баҳолаш бўйича ёки давом еттирилмайдиган фаолиятни ташкил етадиган активлар ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳ(лар)ининг ҳисобдан чиқарилиши бўйича тан олинган солиқдан сўнгги фойда ёки зарар.

Таҳлил изоҳларда ёки умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тақдим етилиши мумкин. Агарда у умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тақдим етилса, у давом еттирилмайдиган фаолиятларга тегишли сифатида белгиланган бобда, яъни давомий фаолиятлардан алоҳида тарзда, тақдим етилиши лозим. Таҳлил сотиб олинганда сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланиш мезонларини қаноатлантирадиган янги сотиб олинган шуъба тадбиркорлик субъектлари бўлган ҳисобдан чиқариш гуруҳлари учун талаб етилмайди.

(в) давом еттирилмайдиган фаолиятларнинг операцион, инвестицион ва молиялаштириш фаолиятларига тегишли соф пул оқимлари. Ушбу очиб бериладиган маълумотлар изоҳларда ёки молиявий ҳисоботларда тақдим етилиши мумкин. Ушбу очиб бериладиган маълумотлар сотиб олинганда сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланиш мезонларини қаноатлантирадиган янги сотиб олинган шуъба тадбиркорлик субъектлари бўлган ҳисобдан чиқариш гуруҳлари учун талаб етилмайди.

(г) бош ташкилотнинг мулк егаларига тегишли бўлган давомий фаолиятлардан ва давом еттирилмайдиган фаолиятлардан даромад суммаси. Ушбу очиб бериладиган маълумотлар изоҳларда ёки умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тақдим етилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъекти аълумотларни молиявий ҳисоботларда тақдим

етилган олдинги даврлар учун қайта тақдим етиши лозимки, бунда очиб бериладиган маълумотлар тақдим етилган энг охирги давр бўйича ҳисобот даври охири ҳолатига давом еттирилмайдиган барча фаолиятларга тегишли бўлади.

Олдинги даврдаги давом еттирилмайдиган фаолиятнинг ҳисобдан чиқарилишига бевосита тегишли бўлган давом еттирилмайдиган фаолиятларда олдин тақдим етилган суммаларга нисбатан жорий даврдаги тўғриланишлар давом еттирилмайдиган фаолиятларда алоҳида тарзда таснифланиши лозим. Бундай тўғрилашларнинг хусусияти ва суммаси очиб берилиши лозим. Ушбу тўғриланишлар юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларга мисоллар куйидагиларни ўз ичига олади:

(а) ҳисобдан чиқариш операциясининг шартларидан юзага келадиган ноаниқликларнинг бартараф етилиши, масалан сотиб олувчи билан сотиб олиш нархи тўғриланишларини ва қоплаш масалаларини ҳал қилиш.

(б) қисмнинг ҳисобдан чиқарилишидан олдин унинг фаолиятларидан ва унга бевосита тегишли бўлган ҳолда юзага келадиган ноаниқликларнинг бартараф етилиши, масалан сотувчи томонидан сақланадиган экологик ва маҳсулот кафолати бўйича мажбуриятлар.

(в) ходимларнинг ҳақлари тизими мажбуриятини ҳисоб-китоб қилиниши, бунда ҳисоб-китоб ҳисобдан чиқариш операциясига бевосита боғлиқ бўлиш шarti остида бўлади.

Агарда тадбиркорлик субъекти тадбиркорлик субъектининг қисмини сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлашни тўхтаца, давом еттирилмайдиган фаолиятларда тақдим етилган қисм фаолиятларининг натижалари қайта таснифланиши ва тақдим етилган барча даврлар бўйича давомий фаолиятлардан даромад таркибига киритилиши лозим. Олдинги даврлар учун суммалар қайта тақдим етилгандек тасвирланиши лозим.

Давом еттирилмайдиган фаолият таърифини қаноатлантирмайдиган ва сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳини) қайта баҳолаш бўйича ҳар қандай фойда ёки зарар давомий фаолиятлардан фойда ёки зарарда акс еттирилиши лозим.

Сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активни ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳини тақдим етиш.

Тадбиркорлик субъекти сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активни ва сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариш гуруҳининг активларини молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда бошқа активлардан алоҳида тарзда тақдим етиши лозим. Сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариш гуруҳининг мажбуриятлари молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда бошқа мажбуриятлардан алоҳида тарзда тақдим етилиши лозим. Ушбу активлар ва мажбуриятлар ўзаро ҳисоб-китоб қилинмаслиги ва ягона сумма сифатида тақдим етилмаслиги лозим. Сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган активлар ва мажбуриятларнинг асосий туркумлари молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда алоҳида тарзда тақдим етилиши лозим. Тадбиркорлик

субъекти сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активга (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳига) тегишли ҳолда бошқа умумлашган даромадда тан олинган ҳар қандай йиғилган даромад ёки харажатни алоҳида тарзда тақдим етиши лозим.

Агарда ҳисобдан чиқариш гуруҳи сотиб олишда сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаш мезонини қаноатлантирадиган янги сотиб олинган шуъба тадбиркорлик субъекти бўлса, активлар ва мажбуриятларнинг асосий туркумларининг очиб берилиши талаб етилмайди.

Тадбиркорлик субъекти енг охириги тақдим етилган давр учун молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда таснифлашни акс еттириш мақсадида олдинги даврлар учун молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активлар ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳларининг активлари ва мажбуриятлари бўйича тақдим етилган суммаларни қайта таснифламаслиги ёки қайта тақдим етмаслиги лозим.

Тадбиркорлик субъекти узоқ муддатли актив (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳи) сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган ёки сотилган даврдаги изоҳларда қуйидаги маълумотларни очиб бериши лозим:

(а) узоқ муддатли активнинг (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳининг) изоҳи;

(б) сотувга тегишли бўлган ёки кутилган ҳисобдан чиқаришга олиб келадиган далиллар ва ҳолатларнинг изоҳи ва ушбу ҳисобдан чиқаришнинг тарзи ва муддати;

(в) агарда умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида тақдим етилмаган бўлса, умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда ушбу фойда ёки зарарни қамраб оладиган боб;

(г) агарда қўллаш мумкин бўлса, узоқ муддатли актив (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳи) МҲХС 8 “Операцион сегментлар”га мувофиқ тақдим етиладиган ҳисобот сегменти.

Агар узоқ муддатли активни (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳини) сотиш режасини ўзгартириш қарорининг даврида, тадбиркорлик субъекти қарорга олиб келадиган далиллар ва ҳолатларнинг изоҳини ва қарорнинг давр ва тақдим етилган олдинги даврлар учун фаолиятлар натижаларига таъсирини очиб бериши лозим.

МҲХС сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаш мезонини қаноатлантирадиган узоқ муддатли активларга (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳларига) ва давом еттирилмайдиган сифатида таснифлаш мезонини қаноатлантирадиган фаолиятларга нисбатан МҲХС нинг кучга кириш санасидан кейин проспектив тарзда қўлланилиши лозим. Тадбиркорлик субъекти МҲХС нинг талабларини сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифлаш мезонини қаноатлантирадиган барча узоқ муддатли активларга (ёки ҳисобдан чиқариш гуруҳларига) ва давом еттирилмайдиган сифатида таснифлаш мезонини қаноатлантирадиган фаолиятларга нисбатан МҲХС нинг кучга кириш санасидан олдинги ҳар қандай санадан кейин қўллаши мумкин, агарда МҲХС ни қўллаш учун зарур бўлган баҳолашлар ва бошқа маълумотлар

ушбу мезонлар дастлаб қаноатлантирилган пайтда олинган бўлса.

Номолиявий активларни баҳолаш

Стандартлар	Дастлабки баҳолаш	Қайта баҳолаш	Қадрсизланиш (36 БҲМС)
БҲХС (IAS) 2 “Товар-моддий захиралар”		Таннарх ва соф сотиш қийматидан енг кичиги	Қўлланилмайди
МҲХС (IFRS) 5 “Сотиш учун мўлжалланган узок муддатли активлар		Баланс ва ҳаққоний қийматидан енг кичиги минус сотиш харажатлари (амортизацияланмайди)	Қўлланилмайди
БҲХС (IAS) 16 “Асосий воситалар”	Таннарх	Ҳақиқий харажатлар модели (амортизацияланади йердан ташқари)	Қўлланилади
БҲХС (IAS) 40 “Инвестицион мулк”	Таннарх	Ҳақиқий харажатлар модели (амортизацияланади)	Қўлланилади
БҲХС (IAS) 38 “Номоддий активлар”	Таннарх	Ҳақиқий харажатлар модели (амортизацияланади муддациз активлар)	Қўлланилади

Таянч сўзлар.

Мулк, бино, машина ва асбоб-ускуналар – моддий активдир, улар: а) корхоналар томонидан ишлаб чиқаришда ёки товар ва хизматларни таъмин етишда, ёки маъмурий мақсадларда қўлланилишга мўлжалланган ва бир қанча активларни тутиб туриш ёки таъмир ўтказишда қўлланиладиган воситаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин; б) давом етиш асосида фойдаланиш мақсадида харид қилинган ёки қурилган; с) бизнеснинг одатдаги курси бўйича сотишга мўлжалланмаган воситалардир.

Мулк, бино, машина ва асбоб-ускуналарнинг тасарруф қилиниши – бу ушбу активларнинг реализацияси, тўлиқ ескириши ва яроқсизлиги туфайли тугатилиши, бузиб ташланиши, алмаштирилиши ва бошқа чиқарилишидир.

Номоддий активлар – бу жисмоний шаклга ега бўлмаган идентификацияланадиган номоддий актив бўлиб, ишлаб чиқариш ёки товарларни сотиш ва хизматларни кўрсатиш, бошқа шахсларга ижарага бериш ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган пул бўлмаган активдир.

Депресиация - бу мулк, машина ва асбоб-ускуналар (ер кирмайди) таннархининг уларнинг фойдали хизмат қилиш муддатига систематик ва ўзаро боғлиқ ҳолда тақсимлашдир.

Амортизация - бу номоддий активларни харид қилиб олиш таннархини

уларнинг фойдали хизмат қилиш муддатига систематик ва ўзаро боғлиқ ҳолда тақсимлашдир.

Капитал харажатлар – бу (1) сифатини юксалтириш (импрове қуалитй) (беттерменц ор импровеменц); (2) активларнинг хизмат қилиш муддатини узайтиришга олиб келадиган (ехтент тхе лифе) сарфларга айтилади.

Заҳираларнинг таннархи – бу 1. Заҳираларнинг хариди билан боғлиқ барча харажатлар; 2. Қайта ишлаш харажатлари; ва 3. Заҳираларни жорий ҳолатга ва жорий жойлаштириш жойига йетказиш билан боғлиқ бошқа харажатлардир.

Реализациянинг соф қиймати – яхши хабардор бўлган, ушбу операцияни амалга оширишда ҳайрихоҳ бўлган тамон билан умумий шартларда амалга ошириладиган битимларнинг юз бериши натижасида активларни чиқарилишига оид харажатларни чигириб ташлагандан кейин реализация қилишдан олинган суммасидир.

Қадрсизланишдан кўрилган зарар – активнинг баланс қийматининг қопланадиган миқдордан ортган суммасидир. Қурилиш Шартномаси - бирон бир активни ёки ўзининг лойиҳаси, технологияси ва вазифаси ёки якуний фойдаланиш мақсади бўйича ўзаро алоқадор ва бир бирига чамбарчас боғлиқ активлар гуруҳини куриш учун махсус келишилган шартномасидир.

Нархи қатъий белгиланган шартнома - қатъий белгиланган нархга ёки курилиш ишларининг бирлигига қатъий белгиланган ставкага (бу ставка баъзи ҳолларда харажатлар ўзгариши сабабли қайта кўриб чиқилади) пудратчи рози бўлган курилиш шартномасидир.

“Харажатлар плюс” шартномаси – бундай шартномага кўра пудратчига йўл қўйилиши мумкин бўлган ёки бошқача қилиб олдиндан белгиланган харажатлар ва уларга қўшимча ушбу харажатлар суммасининг маълум фоизи ёки қатъий белгиланган мукофот суммаси қопланади.

Товар-моддий заҳиралар – бу қуйидаги активлардир:

(а) одатдаги фаолият доирасида сотиш учун мўлжалланган ;
(б) бундай сотув учун ишлаб чиқариш жараёнида бўлган; ёки
(в) ишлаб чиқариш жараёнида ёки хизматлар кўрсатилишида фойдаланилиши кўзланган хом ашё ва материаллар кўринишидаги активлар.

Соф сотиш қиймати - бу одатдаги фаолият давомида ишлаб чиқаришни охирига йетказиш бўйича харажатлар ва сотишни амалга ошириш учун зарур бўлган ва тахминий баҳоланган харажатлар чегириб ташланган сотиш баҳосидир.

Ҳаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишда олиниши мумкин бўлган ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши мумкин бўлган нархдир (МҲХС 13 “Ҳаққоний қийматни баҳолаш” га қаранг.)

5- Мавзу. Баҳолашни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи

5.1. БҲҲС (IAS) 36 “Активларнинг қадрсизланиши”

Мазкур Стандартнинг мақсади тадбиркорлик субъекти томонидан қўлланиладиган шундай тартибларни белгилашдан иборатки, бунда унинг активлари уларнинг қопланадиган қопланадиган қийматдан ортиқ бўлмаган суммада ҳисобга олинганлиги таъминланади. Актив унинг баланс қиймати активдан фойдаланиш ёки уни сотиш орқали қопланадиган суммадан ошса, ушбу актив ўзининг қопланадиган қийматидан ортиқ суммада ҳисобга олинган бўлади. Агарда ушбу ҳолат юз берса, актив қадрсизланган деб ҳисобланади ва мазкур Стандарт тадбиркорлик субъектидан қадрсизланиш зарарини тан олишни талаб этади. Ушбу Стандарт тадбиркорлик субъекти қадрсизланиш зарарини қачон қайта тиклаши кераклигини ҳамда очиб берилиши лозим бўлган маълумотларни белгилайди.

Мазкур стандарт қуйидагилардан ташқари барча активларнинг қадрсизланишини ҳисобга олишда қўлланилиши лозим:

(а) товар-моддий заҳиралар (БҲҲС 2 «Товар-моддий заҳиралар» га қаранг);

(б) қурилиш шартномаларидан юзага келадиган активлар (БҲҲС 11 «Қурилиш шартномалари» га қаранг);

(в) муддати кечиктирилган солиқ активлари (БҲҲС 12 «Фойда солиқлари» га қаранг);

(г) ходимларга ҳақларни тўлашдан юзага келадиган активлар (БҲҲС 19 «Ходимларнинг даромадлари»га қаранг);

(д) МҲҲС 9 «Молиявий инструментлар» нинг қўллаш доирасида бўлган молиявий активлар;

(е) ҳаққоний қийматда баҳоланган инвестицион мулк (БҲҲС 40 «Инвестицион мулк» га қаранг);

(ж) чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматда баҳоланган ва қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли биологик активлар (БҲҲС 41 «Қишлоқ хўжалиги» га қаранг);

(з) МҲҲС 4 «Суғурта шартномалари» нинг қўллаш доирасидаги суғурта шартномалари остида суғурталовчининг шартномавий ҳуқуқларидан юзага келадиган муддати кечиктирилган сотиб олиш харажатлари ва номоддий активлар; ва

(и) МҲҲС 5 “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва давом еттирилмайдиган фаолият” га мувофиқ сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган узоқ муддатли активлар (ёки чиқиб кетиш гуруҳлари).

Мазкур Стандарт товар-моддий заҳираларга, қурилиш шартномаларидан юзага келадиган активларга, муддати кечиктирилган солиқ активларига, ходимларга ҳақларни тўлашдан юзага келадиган активларга, ёки сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган (ёки сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган чиқиб кетиш гуруҳларига киритилган) активларга нисбатан

қўлланилмайди, чунки ушбу активлар учун ўринли бўлган жорий МҲХСлар ушбу активларни тан олиш ва баҳолашга нисбатан талабларни қамраб олади.

Мазкур Стандарт қуйидагича таснифланган молиявий активларга нисбатан қўлланилади:

(а) МҲХС 10 «Жамланган молиявий ҳисоботлар» да таърифланган шўъба тадбиркорлик субъектлари;

(б) МҲХС 28 «Қарам тадбиркорлик субъектлари ва қўшма корхоналардаги инвестициялар» да таърифланган қарам тадбиркорлик субъектлари; ва

(в) МҲХС 11 «Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар» да таърифланган қўшма корхоналар.

Бошқа молиявий активларнинг қадрсизланиши бўйича МҲХС 39 га мурожаат етинг.

Мазкур Стандарт МҲХС 9 нинг қўллаш доирасида бўлган молиявий активларга, БҲХС 40 нинг қўллаш доирасидаги ҳаққоний қийматда баҳоланган инвестицион мулкка, ёки БҲХС 41 нинг қўллаш доирасидаги чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматда баҳоланган ва қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли биологик активларга нисбатан қўлланилмайди. Бироқ, мазкур Стандарт МҲХС 16 «Асосий воситалар» ва МҲХС 38 «Номоддий активлар» даги қайта баҳолаш модели каби бошқа Стандартларга мувофиқ қайта баҳоланган қийматда (яъни ҳар қандай кейинги жамғарилган ескириш суммаси ва кейинги йиғилган қадрсизланиш зарарлари чегирилган ҳолда қайта баҳолаш санасидаги ҳаққоний қийматда) ҳисобга олинган активларга нисбатан қўлланилади. Активнинг ҳаққоний қиймати билан унинг чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати ўртасидаги ягона фарқ активнинг чиқиб кетишига тегишли бевосита қўшимча харажатлардир.

(а) Агарда чиқиб кетиш харажатлари сезиларсиз бўлса, қайта баҳоланган активнинг қопланадиган қиймат унинг қайта баҳоланган қийматига яқинроқ, ёки ундан кўпроқ, бўлади. Бундай ҳолатда, қайта баҳолаш талаблари қўлланилгандан сўнг, қайта баҳоланган актив қадрсизланган бўлиш еҳтимоли мавжуд эмас ва қопланадиган қийматнинг баҳоланиши шарт эмас.

(б) Агарда чиқиб кетиш харажатлари сезиларсиз бўлмаса, қайта баҳоланган активнинг чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати унинг ҳаққоний қийматидан камроқ бўлади. Шу туфайли, қайта баҳоланган актив қадрсизланади, агарда унинг фойдаланишдаги қиймати унинг қайта баҳоланган қийматидан камроқ бўлса. Бундай ҳолатда, қайта баҳолаш талаблари қўлланилгандан сўнг, тадбиркорлик субъекти ушбу Стандартни актив қадрсизланган бўлиши мумкинлигини аниқлаш учун қўллайди.

Актив қадрсизланган бўлади, қачонки унинг баланс қиймати унинг қопланадиган қийматдан ошса. Агарда ушбу ишоралардан бири мавжуд бўлса, тадбиркорлик субъектидан қопланадиган қийматнинг расмий баҳоланишини аниқлаш талаб етилади. Стандарт тадбиркорлик субъектидан қопланадиган қийматнинг расмий баҳоланишини аниқлашни талаб етмайди, агарда қадрсизланиш зарарининг ҳеч қандай ишораси мавжуд бўлмаса.

Тадбиркорлик субъекти ҳар бир ҳисобот даври охирида актив қадрсизланган бўлиши мумкинлигининг бирор ишораси мавжудлигини текшириши лозим. Агарда бирор бундай ишора мавжуд бўлса, тадбиркорлик субъекти активнинг қопланадиган қийматини баҳолаши лозим.

Қадрсизланишнинг ҳар қандай ишораси мавжуд бўлишидан қатъий назар, тадбиркорлик субъекти:

(а) ноаниқ фойдали хизмат муддатига ега номоддий активни ёки ҳануз фойдаланишда бўлмаган номоддий активни қадрсизланишга ҳар йили текшириши лозим, бунда унинг баланс қиймати унинг қопланадиган қиймати билан таққосланади. Ушбу қадрсизланиш текшируви йиллик давр мобайнида ҳар қандай пайтда амалга оширилиши мумкин, бироқ шундай шарт биланки, у ҳар йили бир хил пайтда амалга оширилади. Турли хил номоддий активлар турли пайтларда қадрсизланишга текширилиши мумкин. Бироқ, бундай номоддий актив дастлаб жорий йиллик даврда тан олинган бўлса, ушбу номоддий актив жорий йиллик давр охиридан олдин қадрсизланишга текширилиши лозим.

(б) бизнес бирлашувида сотиб олинган гудвиллни ҳар йили қадрсизланишга текшириши лозим.

Номоддий актив фойдаланишда мавжуд бўлган ҳолатга нисбатан актив фойдаланишда мавжуд бўлишидан олдинги ҳолатда, номоддий активнинг ўз баланс қийматини тиклаш учун йетарли келгуси иқтисодий манфаатлар келтириш қобилияти одатда юқориноқ ноаниқликка дучор бўлади. Шу туфайли, мазкур Стандарт тадбиркорлик субъектидан ҳануз фойдаланишда бўлмаган номоддий активнинг баланс қийматини, камида ҳар йили, қадрсизланишга текширишни талаб этади.

Актив қадрсизланган бўлиши мумкинлигининг бирор ишораси мавжудлигини текширишда, тадбиркорлик субъекти, камида, қуйидаги ишораларни кўриб чиқиши лозим:

Маълумотларнинг ташқи манбалари:

(а) шундай кузатиладиган ишоралар мавжудки, бунда активнинг қиймати вақт ўтиши ёки меъёрий фойдаланиш натижасида кутилиши мумкин бўлган камайишга нисбатан давр мобайнида сезиларли даражада камайган.

(б) тадбиркорлик субъектига нисбатан салбий таъсирга ега жиддий ўзгаришлар тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатадиган технологик, бозор, иқтисодий ёки юридик муҳитда ёки актив тегишли бўлган бозорда давр мобайнида содир бўлди, ёки яқин келажакда содир бўлади.

(в) бозор фоиз ставкалари ёки инвестициялар бўйича бошқа бозор фойдалилик кўрсаткичлари давр мобайнида ошди ва ушбу ошишларнинг фойдаланишдаги активнинг қийматини ҳисоблашда қўлланилган дисконт ставкасига таъсир етиш ҳамда активнинг қопланадиган қийматини аҳамиятли камайтириш еҳтимоли мавжуд.

(г) тадбиркорлик субъектининг соф активларининг баланс қиймати унинг бозор капитализациясидан кўпроқдир.

Маълумотларнинг ички манбалари:

(д) активнинг маънавий ескириши ёки жисмоний шикастланишига далил мавжуд.

(е) тадбиркорлик субъектига нисбатан салбий таъсирга ега жиддий ўзгаришлар активдан фойдаланилган ёки фойдаланилиши кутилган даражада, ёки ундан фойдаланиш ҳолатида, давр мобайнида содир бўлди, ёки яқин келажакда содир бўлиши кутилади. Ушбу ўзгаришлар активдан фойдаланилмаган ҳолатни, актив тегишли бўлган фаолиятни тўхтатиш ёки қайта ташкил этиш режаларини, активни аввал кутилган санадан олдин ҳисобдан чиқариш режаларини ва активнинг фойдали хизмат муддатини ноаниқдан аниқ сифатига қайта баҳолашни ўз ичига олади.

(ж) активнинг ишлатилишидан иқтисодий натижалар кутилганидан салбийроқ бўлганлигини, ёки бўлишини, кўрсатадиган далил ички ҳисобот асосида аниқланган.

(з) шўъба тадбиркорлик субъекти, қўшма корхона ёки қарам тадбиркорлик субъектидаги инвестиция учун, инвестор инвестиция бўйича дивидендни тан олади ва шундай далил мавжудки, бунда:

- алоҳида молиявий ҳисоботлардаги инвестициянинг баланс қиймати жамланган молиявий ҳисоботлардаги инвестиция объектининг соф активларининг, жумладан тегишли гудвиллнинг, баланс қийматларидан ошади; ёки

- дивиденд еълон қилинган даврда дивиденд шўъба тадбиркорлик субъекти, қўшма корхона ёки қарам тадбиркорлик субъектининг жами умумлашган даромадидан ошади.

Тадбиркорлик субъекти актив қадрсизланган бўлиши мумкинлигининг бошқа ишораларини аниқлаши мумкин ва улар тадбиркорлик субъектидан активнинг қопланадиган қийматни аниқлашни, ёки гудвилл ҳолатида, қадрсизланиш текширувини амалга оширишни ҳам талаб этиши мумки.

Актив қадрсизланган бўлиш мумкинлигини кўрсатадиган ички ҳисобот далили қуйидагиларнинг мавжудлигини ўз ичига олади:

(а) активни сотиб олиш бўйича пул оқимлари, ёки ундан фойдаланиш ёки уни сақлаш учун кейинчалик зарур бўладиган пул маблағларининг дастлаб режалаштирилган бюджет маблағларидан сезиларли даражада кўпроқ бўлиши;

(б) актив бўйича ҳақиқий соф пул оқимларининг ёки операцион фойда ёки зарарнинг режалаштирилган бюджет кўрсаткичларига нисбатан сезиларли тарзда салбий бўлиши;

(в) актив бўйича режалаштирилган соф пул оқимларининг ёки операцион фойданинг сезиларли даражада камайиши ёки режалаштирилган зарарнинг сезиларлаи даражада кўпайиши; ёки

(г) жорий давр суммалари келгуси давр учун режалаштирилган суммалар билан жамланганида актив бўйича операцион зарарлар ёки соф пул чиқимлари пайдо бўлиши.

Стандарт ноаниқ фойдали хизмат муддатига ега номоддий актив ёки ҳануз фойдаланишда бўлмаган номоддий актив ва гудвилл қадрсизланишга камида ҳар йили текширилишини талаб этади. Масалан, агарда олдинги ҳисоб-

китоблар активнинг қопланадиган қиймат унинг баланс қийматидан сезиларли тарзда кўпроқ бўлганини акс еттирса, тадбиркорлик субъекти ушбу фарқни юқотиши мумкин бўлган ҳеч қандай ҳодиса содир бўлмаганда активнинг қопланадиган қийматни қайта баҳолаши зарур эмас.

Стандарт қопланадиган қийматни активнинг ёки пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати билан унинг фойдаланишдаги қиймати ўртасидаги юқорироғи сифатида таърифлайди. Ушбу талаблар «актив» атамасидан фойдаланади, аммо улар алоҳида активга ёки пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликка нисбатан тенг тарзда қўлланилади.

Ҳам чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги активнинг ҳаққоний қийматини ҳам унинг фойдаланишдаги қийматини аниқлаш ҳар доим ҳам зарур эмас. Агарда ушбу суммаларнинг бири активнинг баланс қийматидан ошса, актив қадрсизланмаган бўлади ва иккинчи суммани баҳолаш зарур бўлмайди.

Ҳаттоки маълум актив учун фаол бозордаги белгиланган нарх мавжуд бўлмаса ҳам, чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматни баҳолаш мумкин бўлади. Бироқ, айрим ҳолатларда чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматни баҳолаш имконияти бўлмаслиги мумкин, чунки жорий бозор шароитларида баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасида активни сотиш бўйича одатий операциянинг содир бўлиши мумкин бўлган нархни ишончли баҳолаш учун асос мавжуд бўлмайди. Бундай ҳолатда, тадбиркорлик субъекти активнинг фойдаланишдаги қийматидан унинг қопланадиган қиймат сифатида фойдаланиши мумкин.

Агарда активнинг фойдаланишдаги қиймати унинг чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматидан аҳамиятли тарзда ошишига кутиш учун ҳеч қандай сабаб бўлмаса, активнинг чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматидан унинг қопланадиган қиймат сифатида фойдаланиш мумкин. Бу кўп ҳолларда сотиш учун мўлжалланган актив ҳолатида бўлади. Бунга сабаб шуки, сотиш учун мўлжалланган активдан унинг сотилишига қадар узлуксиз фойдаланишдан келадиган келгуси пул оқимлари сезиларсиз бўлиш еҳтимоли туфайли, активнинг фойдаланишдаги қиймати асосан сотишдан олинадигансоф тушумлардан ташкил топади.

Алоҳида актив бошқа активлардан ёки активлар гуруҳларидан келадиган пул киримларидан катта даражада мустақил бўлган пул киримларини юзага келтирмаган ҳолатдан ташқари ҳолатларда, қопланадиган қиймат алоҳида актив учун аниқланади. Агарда ушбу ҳолат юз берса, қопланадиган қиймат актив тегишли бўлган пул маблағларини ҳосил қиладиган бирлик учун аниқланади, бунда:

(а) активнинг чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати унинг баланс қийматидан кўпроқ бўлмагунча; ёки

(б) активнинг фойдаланишдаги қиймати унинг чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматига яқин бўлган ҳолда баҳоланиши ва чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати баҳоланиши мумкин бўлмагунча.

1-мисол.

Компания ўзининг баланс қиймати 100000 ш.б. бўлган асосий воситасининг кадрсизланиши белгиларини аниқлади ва унинг қопланадиган қийматини аниқлади. Асосий воситанинг ҳаққоний қиймати сотиш харажатларини чигириб ташлагандан сўнг 80000 ш.б. ни ташкил қилади. Компания бу воситани яқин даврда сотмоқчи эмас ва унинг ҳаққиний қиймати фойдаланиш даврида ўсиб боради деб ҳисобламоқда.

Бундай ҳолатда компания фойдаланиш орқали олинадиган қийматни еътиборга олиб қопланадиган қийматни ҳаққоний қийматдан (сотиш харажати ва фойдаланиш қиммати чегиргандан сўнг) юқори деб қарайди.

Фараз қилайлик, фойдаланиш қиймати ортиши евазига 105000 ш.б.ни ташкил қилади. Бундай ҳолатда актив кадрсизланмаган ҳисобланади ва баланс қийматида баҳоланади.

Ноаниқ фойдали хизмат муддатига ега номоддий активни унинг баланс қийматини унинг қопланадиган қийматга қиёслаш орқали ҳар йили кадрсизланишга текширишни талаб этади, бунда у кадрсизланган бўлиши мумкинлигининг бирор ишораси мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар. Бироқ, бундай активнинг қопланадиган қийматининг бевосита олдинги даврда амалга оширилган энг яқин батафсил ҳисоб-китоби жорий даврда ушбу актив учун кадрсизланиш текширувида қўлланилиши мумкин, бунда қуйидаги барча мезонлар қаноатлантирилган ҳолда:

(а) агарда номоддий актив узлуксиз фойдаланишда бошқа активлардан ёки активлар гуруҳларидан келадиган пул киримларидан катта даражада мустақил бўлган пул киримларини юзага келтирмаганда ва шу туфайли у тегишли бўлган пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг қисми сифатида кадрсизланишга текширилганда, ушбу бирликни ташкил этадиган активлар ва мажбуриятлар қопланадиган қийматнинг энг яқин орадаги ҳисоб-китобидан буён сезиларли тарзда ўзгармаган;

(б) қопланадиган қийматнинг энг яқин орадаги ҳисоб-китоби активнинг баланс қийматидан сезиларли тафовут билан ошган суммага олиб келган; ва

(в) қопланадиган қийматнинг энг яқин орадаги ҳисоб-китобидан буён содир бўлган ҳодисалар ва ўзгарган ҳолатлар таҳлиliga асосланган ҳолда, жорий қопланадиган қиймат активнинг баланс қийматидан камроқ бўлиши мумкинлигининг еҳтимоли камроқ.

Мажбуриятлар сифатида тан олинганлардан ташқари чиқиб кетиш харажатлари - чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматни баҳолашда чегирилади. Бундай харажатларга мисоллар юридик харажатларни, герб йиғимларини ва шунга ўхшаш операция солиқларини, активни йўқотиш харажатларини ҳамда активни унинг сотилиш шароитига келтириш учун бевосита қўшимча харажатларни ўз ичига олади. Бироқ, ишдан бўшашда олинадиган нафақа (МҲХС 19 да таърифлангандек) ва активни сотишдан сўнг бизнесни қисқартириш ёки қайта ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар активни чиқиб кетиши бўйича бевосита қўшимча харажатлар ҳисобланмайди.

Қуйидаги жиҳатлар активнинг фойдаланишдаги қийматини ҳисоблашда акс еттирилиши лозим:

(а) тадбиркорлик субъекти томонидан активдан олинishi кутилган келгуси пул оқимларининг баҳоланиши;

(б) ушбу келгуси пул оқимларининг суммасидаги ёки муддатидаги еҳтимолий ўзгаришлар бўйича кутишлар;

(в) жорий бозор хатардан-ҳоли фоиз ставкаси орқали акс еттирилган ҳолда, пулнинг вақтдаги қиймати;

(г) активга хос бўлган ноаниқлик учун нарх; ва

(д) тадбиркорлик субъекти томонидан активдан олинishi кутилган келгуси пул оқимларини нархлашда бозор иштирокчилари акс еттирадиган бошқа омиллар, масалан ноликвидлилиқ.

Активнинг фойдаланишдаги қийматини баҳолаш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

(а) активдан узлуксиз фойдаланиш ва унинг якуний чиқиб кетиши орқали юзага келадиган келгуси пул киримлари ва чиқимларини баҳолаш; ва

(б) ушбу келгуси пул оқимларига нисбатан ўринли дисконт ставкасини қўллаш.

Фойдаланишдаги қийматни баҳолашда тадбиркорлик субъекти:

(а) пул оқими режаларида ўринли ва тасдиқланган фаразларга асосланиши лозимки, бунда ушбу фаразлар активнинг қолган фойдали хизмат муддати давомида мавжуд бўладиган бир қатор иқтисодий шароитлар бўйича раҳбариятнинг энг яхши баҳосини акс еттиради. Қўпроқ еътибор ташқи далилга қаратилиши лозим.

(б) пул оқими режаларида раҳбарият томонидан тасдиқланган энг яқин орадаги молиявий бюджетларга/лойиҳаларга асосланиши лозим, аммо келгуси қайта ташкил етилишлардан ёки активдан фойдаланишни яхшилашдан ёки такомиллаштиришдан юзага келиши кутилган ҳар қандай баҳоланган келгуси пул киримларини ёки чиқимларини инобатга олмаслиги лозим. Ушбу бюджетларга/лойиҳаларга асосланган режалар энг кўпи билан беш йиллик даврни қамраб олиши лозим, бунда узоқроқ давр асосланиши мумкин бўлмагунча.

(в) энг яқин орадаги молиявий бюджетларда/лойиҳаларда қамраб олинган даврдан ташқари пул оқими режаларини кейинги йиллар бўйича барқарор ёки қамаювчи ўсиш суръатини қўллаган ҳолда бюджетларга/лойиҳаларга асосланган режаларни кенгайтириш орқали баҳолаши лозим, бунда ўсувчи суръат асосланиши мумкин бўлмагунча. Ушбу ўсиш суръати тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатадиган маҳсулотлар, соҳалар, ёки мамлакат ёки мамлакатлар бўйича, ёки актив фойдаланиладиган бозор бўйича узоқ муддатли ўртача ўсиш суръатидан ошмаслиги лозим, бунда юқорироқ суръат асосланиши мумкин бўлмагунча.

Келгуси пул оқимларининг баҳоланиши қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

(а) активдан узлуксиз фойдаланишдан келадиган пул киримларининг

режалари;

(б) активдан узлуксиз фойдаланишдан келадиган пул киримларини юзага келтириш учун зарурий тарзда сарфланган (жумладан активни фойдаланишга тайёрлаш учун пул чиқимлари) ва активга ўринли ва мос равишда бевосита акс еттирилиши, ёки тақсимланиши мумкин бўлган пул чиқимларининг режалари; ва

(в) активнинг фойдали хизмат муддати охирида чиқиб кетиши учун олиннадиган (ёки тўланадиган) соф пул оқимлари, агарда мавжуд бўлса.

Келгуси пул оқимларининг ва дисконт ставкасининг баҳоланиши умумий инфляцияга тегишли нарх ўсишлари бўйича мос фаразларни акс еттиради. Шу туфайли, агарда дисконт ставкаси умумий инфляцияга тегишли нарх ўсишларининг таъсирини ўз ичига олса, келгуси пул оқимлари номинал суммаларда баҳоланади. Агарда дисконт ставкаси умумий инфляцияга тегишли нарх ўсишларининг таъсирини ўз ичига олмаса, келгуси пул оқимлари реал суммаларда баҳоланади (аммо келгуси муайян нарх ўсишлари ёки камайишларини ўз ичига олади).

Пул чиқимларининг режалари активни сақлаш бўйича кунлик харажатларни ҳамда активдан фойдаланишга нисбатан ўринли ва мос равишда бевосита акс еттирилиши, ёки тақсимланиши мумкин бўлган келгуси устама харажатларини ўз ичига олади.

Қачонки активнинг баланс қиймати у фойдаланишга ёки сотувга тайёр бўлишидан олдин сарфланадиган барча пул чиқимларини ҳали тўлиқ ўз ичига олмаганда, келгуси пул чиқимларининг баҳоланиши актив фойдаланишга ёки сотувга тайёр бўлишидан олдин сарфланиши кутилган ҳар қандай навбатдаги пул чиқимларининг баҳоланишини ўз ичига олади. Масалан, бу қурилиш остида бўлган бино ёки ҳали тугалланмаган ишлаб чиқиш лойиҳаси ҳолатида бўлади.

Иккита марта ҳисоблашга йўл қўймаслик учун, келгуси пул оқимларининг баҳоланиши қуйидагиларни ўз ичига олмайди:

(а) кўриб чиқилаётган активдан келадиган пул киримлардан кўпроқ тарзда мустақил бўлган пул киримларини юзага келтирадиган активлардан келадиган пул оқимлари (масалан, дебиторлик қарзлари каби молиявий активлар); ва

(б) мажбуриятлар сифатида тан олинган жавобгарликларга тегишли пул чиқимлари (масалан, кредиторлик қарзлари, нафақалар ёки резервлар).

Келгуси пул оқимларининг баҳоланиши дисконт ставкаси аниқланадиган усулга мос бўлган фаразларни акс еттиради. Акс ҳолда, айрим фаразларнинг таъсири икки марта ҳисобга олинади ёки инкор етилади. Пулнинг муддатдаги қиймати баҳоланган келгуси пул оқимларини дисконтлаш орқали инобатга олиниши сабабли, ушбу пул оқимлари молиялаштириш фаолиятлари бўйича пул киримлари ёки чиқимларини ўз ичига олмайди. Худди шунингдек, дисконт ставкаси солиқ олдинги асосда аниқланиши туфайли, келгуси пул оқимлари ҳам солиқдан олдинги асосда аниқланади.

Активнинг фойдали хизмат муддати охирида чиқиб кетиши учун

олинадиган (ёки тўланадиган) соф пул оқимларининг баҳоси шундай сумма бўлиши лозимки, бунда ушбу сумма, баҳоланган чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандан сўнг, тадбиркорлик субъекти томонидан ўзаро хабардор, хоҳловчи ва мустақил томонлар ўртасидаги битимда активни чиқиб кетишидан олиниши кутилади.

Активнинг фойдали хизмат муддати охирида чиқиб кетиши учун олинадиган (ёки тўланадиган) соф пул оқимларининг баҳоланиши активнинг чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматига ўхшаш усулда аниқланади, ушбу соф пул оқимларини баҳолашда қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

(а) тадбиркорлик субъекти ўзларининг фойдали хизмат муддати охирига еришган ва актив фойдаланиладиган шароитларга ўхшаш шароитларда фаолият кўрсатган ўхшаш активлар учун баҳолаш санасида мавжуд бўлган нархлардан фойдаланади.

(б) тадбиркорлик субъекти ушбу нархларни ҳам умумий инфляция туфайли келгуси нарх ошишларининг ҳам муайян келгуси нарх ошишларининг ёки камайишларининг таъсирига тўғрилайди. Бироқ, агарда активдан узлуксиз фойдаланишдан келадиган келгуси пул оқимлари ва дисконт ставкаси умумий инфляция таъсирини ўз ичига олмаса, тадбиркорлик субъекти ушбу таъсирни чиқиб кетиш бўйича соф пул оқимларининг баҳоланишида ҳам инобатга олмайди.

2-мисол.

Компания активдан фойдаланиш қийматини баҳоламоқда. Сўнги прогнозларга асосан келгуси 5 йилда қуйидагича пул оқимлари харакати аниқланди:

йиллар	Кириш	Чиқим	Соф пул оқими
1	200000	140000	60000
2	170000	135000	35000
3	150000	130000	20000
4	130000	120000	10000
5	100000	95000	5000

Солиқ солишгача мақбул ставка 12 %.

Қопланадиган қиймат (фойдаланиш қиймати)

$$60000 \times 1/1,12 + 35000 \times 1/1,12^2 + 20000 \times 1/1,12^3 + 10000 \times 1/1,12^4 + 5000 \times 1/1,12^5 = 1$$

04901 ш.б.

Келгуси пул оқимлари улар юзага келтириладиган валютада баҳоланади ва сўнгра ушбу валюта учун ўринли бўлган дисконт ставкаси орқали дисконтланади. Тадбиркорлик субъекти фойдаланишдаги қийматни ҳисоблаш санасидаги спот валюта курси орқали келтирилган қийматни бир валютадан бошқа валютага ўтказилади.

Дисконт ставкаси (ставкалари) солиқдан олдинги ставка (ставкалар) бўлиши лозим, қайсики қуйидагиларнинг жорий бозор баҳоланишларини акс эттиради:

(а) пулнинг вақтдаги қиймати; ва

(б) активга хос бўлган ва келгуси пул оқимларининг баҳоланиши тўғриланмаган хатарлар.

Пулнинг вақтдаги қийматининг ва активга хос хатарларнинг жорий бозор баҳоланишларини акс еттирадиган ставка бу шундай фойдалиликки, қайсики инвесторлар томонидан талаб етилган бўлар еди, агарда улар тадбиркорлик субъекти томонидан активдан олиниси кутилган пул оқимларининг суммаларига, муддатига, хатар даражасига эквивалент бўлган пул оқимларини юзага келтириши мумкин бўлган инвестицияни танлаганда еди. Ушбу ставка ўхшаш активлар бўйича жорий бозор операцияларидан келиб чиқадиган ставка орқали ёки кўриб чиқиладиган активга нисбатан фойдаланиш потенциали ва хатарлари жиҳатидан ўхшаш бўлган ягона актив (ёки активлар портфелига) ега листинг қилинган тадбиркорлик субъекти капиталининг тортилган ўртача қиймати орқали баҳоланади. Бироқ, активнинг фойдаланишдаги қийматини баҳолашда қўлланилган дисконт ставка(лар)и келгуси пул оқимларининг баҳоланиши тўғриланмаган хатарларни акс еттирмаслиги лозим. Акс ҳолда, айрим фаразларнинг таъсири икки марта ҳисобга олинади.

Қачонки активга хос ставка бевосита бозор маълумотлари асосида аниқлана олмаса, тадбиркорлик субъекти дисконт ставкасини баҳолашда ўриндошлардан фойдаланади. А-илова бундай ҳолатларда дисконт ставкасини баҳолаш бўйича қўшимча йўриқномани таъминлайди.

Гудвилдан ташқари алоҳида актив учун қадрсизланиш зарарларини тан олиш ва баҳолаш талабларини белгилайди. Пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликлар ва гудвилл учун қадрсизланиш зарарларини тан олиш ва баҳолаш кўриб чиқилади.

Фақатгина агарда активнинг қопланадиган қиймати унинг баланс қийматидан камроқ бўлса, активнинг баланс қиймати унинг қопланадиган қийматига қадар камайтирилиши лозим. Бундай камайиш қадрсизланиш бўйича зарардир.

3-мисол.

Ҳақиқий харажат модели бўйича ҳисобга олинадиган номоддий активнинг қадрсизланиши ҳисобга олинмоқда. Активнинг баланс қиймати 74000 ш.б. Ҳаққоний қиймат 75000 ш.б.(малакали баҳоловчи хулосаси). Сотиш харажатлари умумий таннархнинг 4%ни ташкил қилади. Активдан фойдаланиш қиймати 70000 ш.б.га тенг.

Қопланадиган қиймат 72000 ш.б.га тенг.(74000-74000x4%). Актив қадрсизланишидан зарар 2000 ш.б. (74000-72000).

Дт Номолиявий активнинг қадрсизланиши бўйича зарар (М9440) 2000

Кт Номоддий активнинг қадрсизланишидан йиғлган зарар (М0900)
2000

Агарда актив қадрсизланган бўлиши мумкинлигининг бирор ишораси мавжуд бўлса, қопланадиган қиймат алоҳида актив учун баҳоланиши лозим. Агарда алоҳида активнинг қопланадиган қийматни баҳолашнинг имкони бўлмаса, тадбиркорлик субъекти актив тегишли бўлган пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг (активнинг пулни юзага келтирадиган бирлиги)

қопланадиган қийматни аниқлаши лозим.

Алоҳида активнинг қопланадиган қийматни аниқлаш мумкин бўлмайди, агарда:

(а) активнинг фойдаланишдаги қийматини унинг чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматига яқин бўлган ҳолда баҳолаш мумкин бўлмаса (масалан, активдан уклуксиз фойдаланишдан келадиган келгуси пул оқимлари аҳамиятсиз деб баҳоланмаганда); ва

(б) актив бошқа активлардан келадиган пул киримларидан кўпроқ мустақил бўлган пул киримларини юзага келтирмаса.

Бундай ҳолатларда, фойдаланишдаги қиймат ва, шу туфайли, қопланадиган қиймат фақатгина активнинг пулни юзага келтирадиган бирлиги учун аниқланиши мумкин.

4-мисол. Қазиб олувчи тадбиркорлик субъекти ўзининг қазиб фаолиятини амалга ошириши учун хусусий темир йўлга ега. Хусусий темир йўл темир парчасининг қиймати бўйича сотилиши мумкин ва у коннинг бошқа активларидан келадиган пул киримларидан катта даражада мустақил бўлган пул киримларини юзага келтирмайди.

Хусусий темир йўлнинг қопланадиган қийматини баҳолаш мумкин бўлмайди, чунки унинг фойдаланишдаги қийматини аниқлашни имкони йўқ ва у темир парчасининг қийматидан еҳтимол фарқ қилади. Шу туфайли, тадбиркорлик субъекти хусусий темир йўл тегишли бўлган пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг, яъни бутун коннинг қопланадиган қийматини баҳолайди.

Активнинг пулни юзага келтирадиган бирлиги активларнинг енг кичик гуруҳи бўлиб, ушбу гуруҳ активни ўз ичига олади ҳамда бошқа активлардан ёки активлар гуруҳларидан келадиган пул киримларидан катта даражада мустақил бўлган пул киримларини юзага келтиради. Активнинг пулни юзага келтирадиган бирлигини аниқлаш мулоҳаза қилинишини ўз ичига олади. Агарда қопланадиган қийматни алоҳида актив учун аниқлаш мумкин бўлмаса, тадбиркорлик субъекти катта даражада мустақил бўлган пул киримларини юзага келтирадиган активларнинг енг қуйи жамланмасини аниқлайди.

5-мисол. Автобус компанияси бешта алоҳида йўналишларнинг ҳар бири бўйича минимум хизмат кўрсатишни талаб этадиган ва тегишли ҳокимият билан тузилган шартнома асосида хизматларни кўрсатади. Ҳар бир йўналишга ажратилган активлар ва ҳар бир йўналиш бўйича пул оқимлари алоҳида аниқланиши мумкин. Йўналишлардан бири сезиларли зарар билан фаолият кўрсатади. Тадбиркорлик субъекти бирор автобус йўналишини қисқартириш имконига ега бўлмаганлиги сабабли, бошқа активлардан ёки активлар гуруҳларидан келадиган пул киримларидан катта даражада мустақил бўлган ҳолда аниқланадиган пул киримларининг енг қуйи даражаси бўлиб бутун бешта йўналиш томонидан юзага келтириладиган пул киримлари ҳисобланади. Ҳар бир йўналиш учун пул маблағларини ҳосил қиладиган бирлик бўлиб бутун автобус компанияси ҳисобланади.

Пул киримлари бу тадбиркорлик субъектига нисбатан ташқи

томонлардан олинадиган пул маблағи ва пул маблағи эквивалентларининг киримларидир. Активдан (ёки активлар гуруҳидан) келадиган пул киримлари бошқа активлардан (ёки активлар гуруҳларидан) келадиган пул киримларидан кўпроқ мустақил бўлиши ёки бўлмаслигини аниқлашда, тадбиркорлик субъекти турли омилларни, жумладан раҳбарият тадбиркорлик субъектининг операцияларини (масалан, маҳсулот турлари, бизнеслар, алоҳида жойлашувлар, туманлар ёки ҳудудий жойлар бўйича) қандай назорат қилишини ёки раҳбарият тадбиркорлик субъекти активларининг ва операцияларининг давом етиши ёки чиқиб кетиши тўғрисида қандай қарорлар қабул қилишини, кўриб чиқади.

Пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг қопланадиган қиймати – пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати билан унинг фойдаланишдаги қиймати ўртасидаги кўпроғи ҳисобланади. Пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг қопланадиган қийматини аниқлаш мақсадида, “актив”га ҳар қандай ҳавола “пул маблағларини ҳосил қиладиган бирлик”ка ҳавола сифатида ўқилади.

Пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг баланс қиймати пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг қопланадиган қийматини аниқлаш усулига мувофиқ бўлган асосда аниқланиши лозим.

Пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг баланс қиймати:

(а) фақатгина пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликка нисбатан ўринли ва мос равишда бевосита акс еттирилиши, ёки тақсимланиши мумкин бўлган активларнинг баланс қийматини ўз ичига олади ва пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг фойдаланишдаги қийматини аниқлашда фойдаланиладиган келгуси пул киримларини юзага келтиради; ва

(б) ҳар қандай тан олинган мажбуриятнинг баланс қийматини ўз ичига олмайди, бунда пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг қопланадиган қиймат ушбу мажбуриятни инобатга олмаган ҳолда аниқланиши мумкин бўлмагунча.

Бунга сабаб шуки, пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати ва фойдаланишдаги қиймати пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг қисми бўлмаган активларга ва тан олинган мажбуриятларга тегишли пул оқимларини инобатга олмаган ҳолда аниқланади.

Пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликларда гудвиллни тақсимлаш

Қадрсизланишга текшириш мақсадида, бизнес бирлашувида сотиб олинган гудвилл харид санасидан бошлаб сотиб олувчининг, бирлашув фаолиятидан манфаат олиши кутилган, пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликларининг ҳар бирига, ёки пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликлар гуруҳларига, тақсимланиши лозим, бунда сотиб олинувчининг бошқа активлари ёки мажбуриятлари ушбу бирликларга ёки бирликлар гуруҳларига бириктирилган бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар. Гудвилл бундай тақсимланган ҳар бир бирлик ёки бирликлар гуруҳи:

(а) тадбиркорлик субъекти ичидаги гудвилл ички бошқарув мақсадларида

назорат қилинадиган енг қуйи даражани акс еттириши лозим; ва

(б) умумлаштиришдан олдин МҲХС 8 “Операцион сегментлар”да таърифланган операцион сегментдан каттароқ бўлмаслиги лозим.

6-Мисол. Тадбиркорлик субъекти гудвилл тақсимланган пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг қисми бўлган фаолиятни 100ВБ га сотади. Бирликка тақсимланган гудвилл, ихтиёрий равишдан ташқари, ушбу бирликдан пастроқ бўлган даражада аниқланиши ёки актив гуруҳига боғлиқ бўлиши мумкин бўлмайди. Пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг сақлаб қолинган қисмининг қопланадиган қиймати 300ВБ га тенгдир. Пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликка тақсимланган гудвилл ихтиёрий равишсиз ушбу бирликдан пастроқ бўлган даражада аниқланиши ёки актив гуруҳига боғлиқ бўлиши мумкин бўлмаганлиги сабабли, чиқиб кетган фаолиятга боғлиқ гудвилл чиқиб кетган фаолият билан бирликнинг сақлаб қолинган қисмининг нисбий қийматлари асосида баҳоланади. Шу туфайли, пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликка тақсимланган гудвиллнинг 25 фоизи сотиладиган фаолиятнинг баланс қийматига киритилади.

Агарда тадбиркорлик субъекти гудвилл тақсимланган бир ёки бир неча пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликларнинг таркибини ўзгартирадиган усулда ўзининг ҳисобот тузилмасини қайта ташкил еца, гудвилл таъсир етилган бирликларга қайта тақсимланиши лозим. Ушбу қайта тақсимлаш тадбиркорлик субъекти пул маблағларини ҳосил қиладиган бирлик ичидаги фаолиятнинг чиқиб кетишини амалга оширганда қўллайдиган нисбий қиймат ёндашувига ўхшаш ёндашув орқали амалга оширилиши лозим, бунда тадбиркорлик субъекти бошқа баъзи усул чиқиб кетган фаолият билан боғлиқ гудвиллни яхшироқ акс еттиришини кўрсата олмагунча.

7-Мисол. Гудвилл аввал пул маблағларини ҳосил қиладиган бирлик А га тақсимланган. А га тақсимланган гудвилл, ихтиёрий равишдан ташқари, А дан пастроқ бўлган даражада аниқланиши ёки актив гуруҳига боғлиқ бўлиши мумкин бўлмайди. А бўлиниши лозим ва бошқа учта пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликларга Б, В ва Г бирлаштирилиши лозим.

А га тақсимланган гудвилл ихтиёрий равишсиз А дан пастроқ бўлган даражада аниқланиши ёки актив гуруҳига боғлиқ бўлиши мумкин бўлмагани сабабли, у Б, В ва Г бирликларга А нинг учта қисмларининг нисбий қийматлари асосида ушбу қисмлар Б, В ва Г лар билан бириктирилишидан олдин қайта тақсимланади.

Гудвилл тақсимланган пул маблағларини ҳосил қиладиган бирлик учун йиллик қадрсизланиш текшируви йиллик давр мобайнида ҳар қандай пайтда амалга оширилиши мумкин, бунда текширув ҳар йили бир хил пайтда амалга оширилиши лозим. Турли пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликлар қадрсизланишга турли пайтларда текширилиши мумкин. Бироқ, пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликка тақсимланган гудвиллнинг айрим қисми ёки барчаси жорий йиллик давр мобайнида бизнес бирлашувида сотиб олинган бўлса, ушбу бирлик жорий йиллик даврнинг охиридан олдин қадрсизланишга текширилиши лозим.

Корпоратив активлар тадбиркорлик субъектининг бош офисининг ёки бўлинмасининг биноси, электрон маълумотларни қайта ишлаш ускуналари ёки тадқиқот маркази каби гуруҳ ёки бўлинма активларини ўз ичига олади. Тадбиркорлик субъектининг тузилиши актив муайян пул маблағларини ҳосил қиладиган бирлик учун мазкур Стандартда келтирилган корпоратив активлар таърифини қаноатлантириши ёки қаноатлантирмаслигини белгилайди. Корпоратив активларнинг фарқловчи хусусиятлари шуки, улар бошқа активлар ёки активлар гуруҳларидан мустақил равишда пул киримларини юзага келтирмайди ва уларнинг баланс қийматини кўриб чиқиладиган пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликка тўлиқ акс еттирилмайди.

Корпоратив активлар алоҳида пул киримларини юзага келтирмаслиги туфайли, алоҳида корпоратив активнинг қопланадиган қиймати аниқланмайди, бунда раҳбарият активнинг чиқиб кетишини амалга оширишга қарор қилмагунча. Натижада, агарда корпоратив актив қадрсизланган бўлиши мумкинлигининг ишораси мавжуд бўлса, қопланадиган қиймат корпоратив актив тегишли бўлган пул маблағларини ҳосил қиладиган бирлик ёки пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликлар гуруҳи учун аниқланади ва у ушбу пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг ёки пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликлар гуруҳининг баланс қиймати билан қиёсланади.

Қадрсизланиш бўйича зарар пул маблағларини ҳосил қиладиган бирлик (гудвилл ёки корпоратив актив тақсимланган пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликларнинг энг кичик гуруҳи) учун тан олиниши лозим, фақатгина агарда бирликнинг (бирликлар гуруҳининг) қопланадиган қиймати бирликнинг (бирликлар гуруҳининг) баланс қийматидан кам бўлса. Қадрсизланиш бўйича зарар бирлик (бирликлар гуруҳи) активларининг баланс қийматини камайтириш учун қуйидаги тартибда тақсимланиши лозим:

(а) аввал пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликка (бирликлар гуруҳига) тақсимланган ҳар қандай гудвиллнинг баланс қийматини камайтиришга; ва

(б) кейин бирликнинг (бирликлар гуруҳининг) бошқа активларига бирликдаги (бирликлар гуруҳидаги) ҳар бир активнинг баланс қийматига пропорционал равишда.

Баланс қийматлардаги ушбу камайтиришлар алоҳида активлар бўйича қадрсизланиш зарарлари сифатида инобатга олиниши лозим.

8-Мисол Ускуна жисмоний шикастланган, аммо у шикастланишидан олдинги ҳолатдагидек яхши ишламаса ҳам, хануз ишламоқда. Ускунанинг чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати унинг баланс қийматидан камроқ. Ускуна мустақил пул киримларини юзага келтирмайди. Ускунани ўз ичига олган ва бошқа активлардан келадиган пул киримларидан кўпроқ мустақил бўлган пул киримларини юзага келтирадиган активларнинг энг кичик аниқланадиган гуруҳи – ускуна тегишли бўлган ишлаб чиқариш линияси ҳисобланади. Ишлаб чиқариш линиясининг қопланадиган қиймати шуни кўрсатадики, бутун ишлаб чиқариш линияси қадрсизланмаган. Фараз 1: раҳбарият томонидан тасдиқланган бюджетлар/лойиҳалар ускунани

алмаштириш бўйича раҳбариятнинг ҳеч қандай мажбуриятини акс еттирмайди.

Ускунанинг қопланадиган қийматининг ўзини баҳолаш имконсиздир, чунки ускунанинг фойдаланишдаги қиймати:

(а) унинг чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматидан фарқ қилиши мумкин; ва

(б) фақатгина ускуна тегишли бўлган пул маблағларини ҳосил қиладиган бирлик (ишлаб чиқариш линияси) учун аниқланиши мумкин.

Ишлаб чиқариш линияси қадрсизланмаган. Шу туфайли, ҳеч қандай қадрсизланиш бўйича зарар ускуна учун тан олинмайди. Шунга қарамасдан, тадбиркорлик субъекти ускуна учун ескириш даврини ёки ескиришни ҳисоблаш усулини қайта баҳолаши зарур бўлиши мумкин. Балки, қисқароқ ескириш даври ёки тезроқ ескириш ҳисоблаш усули ускунанинг кутилган қолган фойдали хизмат муддатини ёки тадбиркорлик субъекти томонидан иқтисодий манфаатларнинг ўзлаштирилиши кутилган ҳолатни акс еттириш учун талаб етилади.

Фараз 2: раҳбарият томонидан тасдиқланган бюджетлар/лойиҳалар ускунани алмаштириш ва уни яқин келажакда сотиш бўйича раҳбариятнинг мажбуриятини акс еттиради. Ускунанинг чиқиб кетишига қадар ундан уклуксиз фойдаланиш бўйича пул оқимлари сезиларсиз деб баҳоланган.

Ускунанинг фойдаланишдаги қийматини унинг чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматига яқин бўлган ҳолда баҳолаш мумкин. Шу туфайли, ускунанинг қопланадиган қиймати аниқланиши мумкин ва ускуна тегишли бўлган пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликка (яъни ишлаб чиқариш линиясига) ҳеч қандай еътибор қаратилмайди. Ускунанинг чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати унинг баланс қийматидан камроқ бўлгани туфайли, қадрсизланиш зарари ускуна учун тан олинади.

Ушбу талаблар «актив» атамасидан фойдаланади, аммо улар алоҳида активга ёки пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликка нисбатан тенг тарзда қўлланилади. Тадбиркорлик субъекти ҳар бир ҳисобот даврининг охирида гудвиллдан ташқари актив учун олдинги даврларда тан олинган қадрсизланиш бўйича зарари бундан буён мавжуд бўлмаслигининг ёки камайган бўлиши мумкинлигининг бирор ишораси мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигини баҳолаши лозим. Агарда бундай ишора мавжуд бўлса, тадбиркорлик субъекти ушбу активнинг қопланадиган қийматини баҳолаши лозим.

Қадрсизланиш бўйича зарарга тегишли гудвиллдан ташқари активнинг ошган баланс қиймати шундай баланс қийматдан ошмаслиги лозимки, қайсики аниқланган бўлар еди (амортизациядан ёки ескиришдан ҳоли), агарда ҳеч қандай қадрсизланиш бўйича зарар актив учун олдинги йилларда тан олинмаганда еди.

5.2. МҲҲС (IFRS) 13 “Ҳаққоний қийматни баҳолаш”

МҲҲС (IFRS) 13 “Ҳаққоний қийматни баҳолаш” номли стандартнинг мақсади бўлиб,

- (а) ҳаққоний қийматни таърифлайди;
- (б) ягона МҲХС да ҳаққоний қийматни баҳолаш бўйича концептуал асосни белгилайди; ва
- (в) ҳаққоний қийматни баҳолашлар тўғрисидаги очиб беришларни талаб этади.

Ҳаққоний қиймат тадбиркорлик субъектига-хос баҳолаш эмас, балки бозорга-асосланган баҳолашдир. Айрим активлар ва мажбуриятлар учун, кузатиладиган бозор операциялари ва бозор маълумотлари мавжуд бўлмаслиги мумкин. Бироқ, ҳаққоний қийматни баҳолашнинг мақсади икки ҳолатда ҳам бир хилдир – жорий бозор шароитларига асосан баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги активни сотиш ёки мажбуриятни ўтказиш бўйича одатий операцияда содир бўлиши мумкин бўлган нархни баҳолашдир (яъни актив ёки мажбуриятга ега бўлган бозор иштирокчиси нуктаи назаридан баҳолаш санасидаги чиқиш нархи).

Ҳаққоний қийматнинг таърифида активлар ва мажбуриятларга етибор қаратилади, чунки улар бухгалтерия баҳолашининг асосий предмети ҳисобланади. Шу билан бирга, мазкур МҲХС тадбиркорлик субъектининг ҳаққоний қийматда баҳоланган ўз улушли инструментларига нисбатан қўлланилиши лозим.

МҲХС бошқа МҲХС ҳаққоний қийматни баҳолашларни ва ҳаққоний қийматни баҳолашлар тўғрисидаги очиб бериладиган маълумотларни (ҳамда сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймат каби ҳаққоний қийматга асосланган баҳолашларни ва ушбу баҳолашлар тўғрисидаги маълумотларни) очиб беришни талаб етганда ёки уларга рухсат берганда қўлланилади.

МҲХСнинг баҳолаш ва очиб бериш талаблари қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

- (а) МҲХС 2 «Акцияга-асосланган тўлов» нинг қўллаш доирасидаги акцияга-асосланган тўлов операциялари;
 - (б) БҲХС 17 «Ижара» нинг қўллаш доирасидаги ижара операциялари;
- ва

(в) ҳаққоний қийматга нисбатан баъзи ўхшашликларга ега аммо ҳаққоний қиймат бўлмаган баҳолашлар, масалан МҲХС 2 «Товар-моддий захиралар» даги соф сотиш қиймати ёки МҲХС 36 «Активларнинг қадрсизланиши» даги фойдаланишдаги қиймат.

Ушбу БҲХСда маълумотларни очиб бериш талаблари қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

- (а) БҲХС 19 «Ходимларнинг даромадлари» га мувофиқ ҳаққоний қийматда баҳоланган тизим активлари;
- (б) БҲХС 26 «Пенсион тизимлар бўйича бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи» га мувофиқ ҳаққоний қийматда баҳоланган нафақа тизими инвестициялари; ва

(в) қопланадиган қиймати БҲХС 36 га мувофиқ ҳисобдан чиқариш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймат бўлган активлар.

Ҳаққоний қиймат муайян актив ёки мажбурият бўйича баҳоланади. Шу

туфайли, ҳаққоний қийматни баҳолашда тадбиркорлик субъекти актив ёки мажбуриятнинг хусусиятларини инобатга олиши лозим, агарда бозор иштирокчилари баҳолаш санасида актив ёки мажбуриятни нархлашда ушбу хусусиятларни инобатга олиши мумкин бўлса. Бундай хусусиятлар, масалан, қуйидагиларни ўз ичига олади:

(а) активнинг ҳолати ва жойлашуви; ва

(б) актив сотилиши ёки фойдаланилиши бўйича чекловлар, агарда мавжуд бўлса.

Ҳаққоний қийматда баҳоланган актив ёки мажбурият қуйидагиларнинг бири бўлиши мумкин:

(а) мустақил актив ёки мажбурият (масалан молиявий инструмент ёки номолиявий актив); ёки

(б) активлар гуруҳи, мажбуриятлар гуруҳи ёки активлар ва мажбуриятлар гуруҳи (масалан пулни юзага келтирадиган бирлик ёки бизнес).

Актив ёки мажбурият тан олиш ёки очиб бериш мақсадларида мустақил актив ёки мажбурият, активлар гуруҳи, мажбуриятлар гуруҳи ёки активлар ва мажбуриятлар гуруҳи бўлиши унинг ўлчов бирлигига боғлиқ бўлади. Актив ёки мажбурият учун ўлчов бирлиги ҳаққоний қийматни баҳолашни талаб этадиган ёки унга рухсат берадиган МХҲС га мувофиқ аниқланиши лозим, бундан мазкур МХҲС да таъминланган ҳолатлар мустасно.

Ҳаққоний қийматни баҳолашда шундай фараз қилинадикки, актив ёки мажбурият жорий бозор шароитларига асосан баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги активни сотиш ёки мажбуриятни ўтказиш бўйича одатий операцияда айирбошланади.

Ҳаққоний қийматни баҳолашда шундай фараз қилинадикки, активни сотиш ёки мажбуриятни ўтказиш бўйича операция қуйидаги бозорлардан бирида содир бўлади:

(а) актив ёки мажбурият бўйича асосий бозорда; ёки

(б) асосий бозор мавжуд бўлмаганда, актив ёки мажбурият бўйича енг афзал бозорда.

Тадбиркорлик субъекти бозор иштирокчилари активни ёки мажбуриятни нархлашда фойдаланиши мумкин бўлган фаразлар орқали актив ёки мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини баҳолаши лозим, бунда бозор иштирокчилари ўзларининг енг мақбул иқтисодий манфаатлари учун ҳаракат қилишлари фараз қилинади.

Ушбу фаразларни шакллантиришда, тадбиркорлик субъекти муайян бозор иштирокчиларини аниқлаши шарт эмас. Бунинг ўрнига, тадбиркорлик субъекти бозор иштирокчиларини умумий ҳолда фарқлайдиган хусусиятларни аниқлаши лозим, бунда барча қуйидагиларга хос омиллар инобатга олинади:

(а) актив ёки мажбурият;

(б) актив ёки мажбурият бўйича асосий (ёки енг афзал) бозор; ва

(в) тадбиркорлик субъекти ушбу бозорда битим тузиши мумкин бўлган бозор иштирокчилари.

Ҳаққоний қиймат бу жорий бозор шароитларида баҳолаш санасида

асосий (ёки энг афзал) бозордаги одатий операцияда активни сотишда олинити ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши мумкин бўлган нархдир (яъни чиқиш нархидир), бунда ушбу нарх бевосита кузатиладиган бўлиши ёки бошқа баҳолаш усули орқали баҳоланишидан қатъий назар.

Номолиявий активнинг ҳаққоний қийматини баҳолаш активдан унинг энг юқори ва энг унумли фойдаланилиши орқали ёки активни ундан энг юқори ва энг унумли фойдаланиши мумкин бўлган бозор иштирокчисига сотиш орқали бозор иштирокчисининг иқтисодий нафларни юзага келтириш имкониятини инобатга олади.

Номолиявий активдан энг юқори ва энг унумли фойдаланиш, қуйидаги тарзда, жисмоний мумкин бўлган, қонуний рухсат етилган ва молиявий имконли бўлган ҳолда активдан фойдаланишни инобатга олади:

(а) жисмоний мумкин бўлган фойдаланиш бозор иштирокчилари активни нархлашда инобатга олиши мумкин бўлган активнинг жисмоний хусусиятларини инобатга олади (масалан, мулкнинг жойи ва ҳажми).

(б) қонуний рухсат етилган фойдаланиш бозор иштирокчилари активни нархлашда инобатга олиши мумкин бўлган активдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай қонуний чекловларни инобатга олади (масалан, мулкка нисбатан қўлланиладиган ҳудудий меъёрий ҳужжатлар).

(в) молиявий имконли бўлган фойдаланиш бозор иштирокчилари ушбу фойдаланиш орқали ушбу активга инвестициядан талаб етиши мумкин бўлган инвестицион даромадни юзага келтириш мақсадида жисмоний мумкин бўлган ва қонуний рухсат етилган ҳолда активдан фойдаланиш йетарли даромадни ёки пул оқимларини (активни ушбу фойдаланишига мослаш харажатларини инобатга олган ҳолда) юзага келтириши ёки келтирмаслигини инобатга олади.

Номолиявий активдан энг юқори ва энг унумли фойдаланиш қуйидаги тарзда активнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда фойдаланиладиган баҳолашнинг дастлабки шартини белгилайди:

(а) номолиявий активдан энг юқори ва энг унумли фойдаланиш ундан бошқа активлар билан биргаликда гуруҳ сифатида (фойдаланиш учун ўрнатилган ёки бошқа ҳолларда созланган ҳолда) ёки бошқа активлар ва мажбуриятлар билан биргаликда (масалан, бизнес) фойдаланиш орқали бозор иштирокчиларига максимум қийматни таъминлаши мумкин.

- Агарда активдан энг юқори ва энг унумли фойдаланиш активдан бошқа активлар билан ёки бошқа активлар ва мажбуриятлар билан биргаликда фойдаланиш бўлса, активнинг ҳаққоний қиймати актив бошқа активлар ёки бошқа активлар ва мажбуриятлар билан биргаликда фойдаланилиши мумкинлигини ва ушбу активлар ва мажбуриятлар (яъни унинг тўлдирувчи активлари ва уларга боғлиқ мажбуриятлар) бозор иштирокчилари учун мавжуд бўлиши мумкинлигини фараз қилган ҳолда активни сотиш бўйича жорий операцияда олинити мумкин бўлган нархдир.

- актив билан ва тўлдирувчи активлар билан боғлиқ мажбуриятлар айланма капитални молиялаштирадиган мажбуриятларни ўз ичига олади, аммо активлар гуруҳи ичидаги активлардан ташқари бўлган активларни

молиялаштиришда фойдаланиладиган мажбуриятларни ўз ичига олмайди.

- номолиявий активдан энг юқори ва энг унумли фойдаланиш тўғрисидаги фаразлар актив фойдаланилиши мумкин бўлган активлар гуруҳидаги ёки активлар ва мажбуриятлар гуруҳидаги барча (енг юқори ва энг унумли фойдаланиш ўринли бўлган) активларга нисбатан мос бўлиши лозим.

(б) номолиявий активдан энг юқори ва энг унумли фойдаланиш мустақил асосда бозор иштирокчилари учун максимум қийматни таъминлаши мумкин. Агарда активдан энг юқори ва энг унумли фойдаланиш ундан мустақил асосда фойдаланиш бўлса, активнинг ҳаққоний қиймати активдан мустақил асосда фойдаланиши мумкин бўлган бозор иштирокчиларига активни сотиш бўйича жорий операцияда олиниши мумкин бўлган нархдир.

Ҳаққоний қийматни баҳолашда шу нарса фараз қилинадикки, молиявий ёки номолиявий мажбурият ёки тадбиркорлик субъектининг ўз улушли инструменти (масалан бизнес бирлашувида товон сифатида чиқарилган капиталдаги улушлар) баҳолаш санасида бозор иштирокчисига ўтказилади. Мажбурият ёки тадбиркорлик субъектининг ўз улушли инструментиининг ўтказмаси қуйидагиларни назарда тутди:

(а) Мажбурият амалда қолади ва бозор иштирокчиси бўлган қабул қилувчидан мажбуриятни бажариш талаб этилади. Мажбурият баҳолаш санасида контрагент билан ҳисоб-китоб қилинмайди ёки бошқа ҳолларда сўндирилмайди.

(б) Тадбиркорлик субъектининг ўз улушли инструменти амалда қолади ва бозор иштирокчиси бўлган қабул қилувчи томон инструмент билан боғлиқ ҳуқуқларни ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади. Инструмент баҳолаш санасида бекор қилинмайди ёки бошқа ҳолларда сўндирилмайди.

Қачонки бир хил ёки ўхшаш мажбуриятнинг ёки тадбиркорлик субъектининг ўз улушли инструментиининг ўтказмаси бўйича белгиланган нарх мавжуд бўлмаса ва бир хил моддага бошқа томон актив сифатида егалик қилмаса, тадбиркорлик субъекти мажбуриятга ега ёки капиталга нисбатан ҳуқуқни чиқарган бозор иштирокчиси нуктаи назаридан баҳолаш усули орқали мажбуриятнинг ёки улушли инструментнинг ҳаққоний қийматини баҳолаши лозим.

Масалан, келтирилган қиймат усулини қўллашда тадбиркорлик субъекти қуйидагилардан бирини инобатга олиши мумкин:

(а) Бозор иштирокчиси мажбуриятни бажаришда сарфлашни кўзда тутиши мумкин бўлган келгуси пул чиқимлари, жумладан бозор иштирокчиси мажбуриятни қабул қилишда талаб этиши мумкин бўлган қоplash.

(б) Бозор иштирокчиси бир хил мажбуриятни ёки улушли инструментни тузиш ёки чиқаришда олиши мумкин бўлган сумма, бунда бозор иштирокчилари бир хил шартномавий шартларга ега мажбуриятни ёки улушли инструментни чиқаришда асосий (ёки энг афзал) бозордаги бир хил моддани (масалан бир хил кредит хусусиятларига ега) нархлашда фойдаланиши мумкин бўлган фаразлардан фойдаланилади.

Мажбуриятнинг ҳаққоний қиймати мажбуриятларни бажармаслик

рискнинг таъсирини акс еттиради. Мажбуриятларни бажармаслик rischi тадбиркорлик субъектининг ўз кредит riskини (МҲХС 7 «Молиявий инструментлар: маълумотларни очиб бериш» да таърифлангандек) ўз ичига олади, ammo бу билан чекланмаслиги мумкин. Мажбуриятларни бажармаслик rischi мажбурият ўтказмасидан олдин ва кейин бир хил бўлиши фарз қилинади.

Мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда, тадбиркорлик субъекти ўзининг кредит riskини (кредит ҳолати) ҳамда мажбурият бажарилиши ёки бажарилмаслигининг еҳтимолига таъсир етиши мумкин бўлган бошқа омилларни инобатга олиши лозим. Ушбу таъсир мажбуриятга қараб фарқланиши мумкин, масалан:

(а) мажбурият пул маблағини йетказиб бериш мажбурияти (молиявий мажбурият) ёки товарлар ва хизматларни йетказиб бериш мажбурияти (номолиявий мажбурият) бўлиши.

(б) мажбуриятга тегишли кредит яхшиланишининг шартлари, агарда мавжуд бўлса.

Талаб жиҳатига ега молиявий мажбуриятнинг (масалан талаб қилингунча депозит) ҳаққоний қиймати сумма тўланиши талаб етилиши мумкин бўлган биринчи санадан бошлаб дисконтланган ҳолда талаб қилинганда тўланадиган суммадан кам бўлмайди.

Бозор riskлари ёки контрагент кредит riskидаги ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳолатларига ега молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларга нисбатан қўллаш

Тадбиркорлик субъектининг муайян бозор riskига (ёки riskларига) соф дучорлиги асосида бошқариладиган молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар гуруҳининг ҳаққоний қийматини баҳолаш учун тадбиркорлик субъекти ҳолатларда ҳаққоний қийматнинг энг мақбул вакили бўлган таклиф-талаб маржаси ичидаги нархни тадбиркорлик субъектининг муайян бозор riskларига нисбатан қўллаши лозим.

Худди шунингдек, молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлардан юзага келадиган тадбиркорлик субъектининг муайян бозор riskига (ёки riskларига) дучорлигининг давомийлиги деярли бир хил бўлиши лозим. Масалан, фақатгина ушбу молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлардан ташкил топган гуруҳ ичидаги беш-йиллик молиявий инструментга нисбатан 12 ойликка тенг фоиз ставкаси rischi дучорлигига боғланган пул оқимларига қарши 12-ойлик фьючерс шартномасидан фойдаланадиган тадбиркорлик субъекти соф асосда 12-ойлик фоиз ставкаси riskига дучорлигининг ва ялпи асосда қолган фоиз ставкаси rischi дучорлигининг (яъни 2-5 йиллар) ҳаққоний қийматини баҳолайди.

Муайян контрагент билан тузилган молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар гуруҳининг ҳаққоний қийматини баҳолаш учун тадбиркорлик субъекти ҳаққоний қийматни баҳолашга ушбу контрагентнинг кредит riskига тадбиркорлик субъектининг соф дучорлигининг ёки тадбиркорлик субъектининг кредит riskига контрагентнинг соф дучорлигининг таъсирини

киритиши лозим, қачонки бозор иштирокчилари дефолт ҳолатида кредит риск дучорлигини камайтирадиган ҳар қандай мавжуд келишувларни инобатга олиши мумкин бўлса (масалан контрагент билан бош ҳисоб-китоб келишуви ёки ҳар бир томоннинг бошқа томоннинг кредит рискига соф дучорлиги асосида гаровни айирбошлашни талаб етадиган келишув). Ҳаққоний қийматни баҳолаш бундай келишувлар дефолт ҳолатида юридик кучга ега бўлиши мумкинлигининг еҳтимоли бўйича бозор иштирокчиларининг кутилишларини акс еттириши лозим.

Қачонки актив ёки мажбурият бўйича айирбошлаш операциясида ушбу актив сотиб олинса ёки мажбурият зиммага олинса, операция нархи активни сотиб олиш учун тўланган ёки мажбуриятни зиммага олишда олинган нархдир (кириш нархи). Аксинча, актив ёки мажбуриятнинг ҳаққоний қиймати активни сотишда олинishi ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши мумкин бўлган нархдир (чиқиш нархи). Тадбиркорлик субъектлари активларни уларни сотиб олиш учун тўланган нархларда зарурий тарзда сотмайдилар. Худди шунингдек, тадбиркорлик субъектлари мажбуриятларни уларни зиммага олиш учун олинган нархларда зарурий тарзда ўтказмайдилар.

Агарда ҳаққоний қийматда баҳоланган актив ёки мажбурият таклиф нархи ва талаб нархига (масалан дилерлик бозоридаги бошланғич маълумот) ега бўлса, ҳолатларда ҳаққоний қийматни енг яхши акс еттирувчиси бўлган таклиф-талаб маржаси ичидаги нарх ҳаққоний қийматни баҳолашда фойдаланилиши лозим, бунда бошланғич маълумот ҳаққоний қиймат иерархиясида (яъни 1, 2 ёки 3-даража) тоифаланган бўлишидан қатъий назар. Актив позициялари бўйича таклиф нархларидан фойдаланишга ва мажбурият позициялари бўйича талаб нархларидан фойдаланишга рухсат етилади, аммо талаб етилмайди.

Мазкур МҲХС таклиф-талаб маржаси ичидаги ҳаққоний қийматни баҳолашда оралик-бозор нархларидан ёки бозор иштирокчилари томонидан амалий мақсадга муфовиклик сифатида фойдаланиладиган бошқа нархлаш келишувларидан фойдаланишни тўсмайди.

Ҳаққоний қийматни баҳолашлардаги ва тегишли очиб беришлардаги мосликни ва қиёсланувчанликни ошириш учун, мазкур МҲХС ҳаққоний қиймат иерархиясини белгилайди ва ушбу иерархия ҳаққоний қийматни баҳолашда фойдаланиладиган баҳолаш усулларига бошланғич маълумотларни учта даражага тоифалайди. Ҳаққоний қиймат иерархияси бир хил активлар ёки мажбуриятлар бўйича фаол бозорлардаги белгиланган (тўғриланмаган) нархларга (1-даражали бошланғич маълумотлар) енг юқори устунликни ва кузатилмайдиган бошланғич маълумотларга (3-даражали бошланғич маълумотлар) енг паст устунликни белгилайди.

Айрим ҳолатларда, актив ва мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини баҳолашда фойдаланиладиган бошланғич маълумотлар ҳаққоний қиймат иерархиясининг турли тоифаларида тоифаланиши мумкин. Ушбу ҳолатларда, ҳаққоний қийматни баҳолаш унинг бутунлигича бутун баҳолаш учун аҳамиятли бўлган енг паст даража бошланғич маълумоти каби бир хил ҳаққоний қиймат

иерархиясининг даражасида тоифаланади. Бутун баҳолашга нисбатан муайян бошланғич маълумотнинг аҳамиятлилигини баҳолаш мулоҳазани талаб этиб, бунда актив ёки мажбуриятга хос омиллар инобатга олинади. Ҳаққоний қийматга асосланган баҳолашларни ҳосил қилишга нисбатан тўғриланишлар, масалан сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қийматни баҳолашдаги сотиш харажатлари, ҳаққоний қийматни баҳолаш тоифаланган ҳаққоний қиймат иерархиясининг даражасини аниқлашда инобатга олинмаслиги лозим.

1-даражали бошланғич маълумотлар

1-даражали бошланғич маълумотлар баҳолаш санасида тадбиркорлик субъекти фойдаланиши мумкин бўлган бир хил активлар ёки мажбуриятлар бўйича фаол бозорлардаги белгиланган нархлардир (тўғриланмаган).

2-даражали бошланғич маълумотлар

2-даражали бошланғич маълумотлар 1-даражага киритилган белгиланган нархлардан ташқари бошланғич маълумотлар бўлиб, улар бевосита ёки билвосита актив ёки мажбурият бўйича кузатилади.

3-даражали бошланғич маълумотлар

3-даражали бошланғич маълумотлар актив ёки мажбурият бўйича кузатилмайдиган бошланғич маълумотлардир.

Баҳолаш санасида, агарда мавжуд бўлса, актив ёки мажбурият бўйича жуда кичик бозор мавжуд бўлиш ҳолатларига қарамасдан, ўринли кузатиладиган бошланғич маълумотлар мавжуд бўлмаган даражада ҳаққоний қийматни баҳолаш учун кузатилмайдиган бошланғич маълумотлардан фойдаланиш лозим. Бироқ, ҳаққоний қийматни баҳолаш мақсади, яъни актив ёки мажбуриятга ега бозор иштирокчиси нуқтаи назаридан баҳолаш санасидаги чиқиш нархи, бир хил бўлиб қолади. Шу туфайли, кузатилмайдиган бошланғич маълумотлар бозор иштирокчилари актив ёки мажбуриятни нархлашда фойдаланиши мумкин бўлган фаразларни, жумладан риск бўйича фаразларни акс еттириши лозим.

Тадбиркорлик субъекти унинг молиявий ҳисоботларидан фойдаланувчиларга қуйидагиларнинг иккаласини ҳам баҳолашга кўмак берадиган маълумотларни очиб бериши лозим:

(а) дастлаб тан олишдан кейин қайталанадиган ёки қайталанмайдиган асосда ҳаққоний қийматда баҳоланадиган активлар ва мажбуриятлар учун, баҳолаш усуллари ва ушбу баҳолашларни ишлаб чиқишда фойдаланиладиган бошланғич маълумотлар.

(б) йирик кузатилмайдиган бошланғич маълумотлар (3-даражали) орқали қайталанадиган ҳаққоний қийматни баҳолашлар учун, баҳолашларнинг давр бўйича фойда ёки зарарга ёки бошқа умумлашган даромадга таъсири.

Тадбиркорлик субъекти барча қуйидагиларни кўриб чиқиши лозим:

(а) очиб бериш талабларини қаноатлантириш учун зарур тафсилотлар даражаси;

(б) турли талабларнинг ҳар бирига қанчалик еътибор ажратилиши;

(в) қанчалик умумлаштиришни ёки бўлаклашни амалга ошириш; ва

(г) молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар очиб берилган микдорий

маълумотларни баҳолаш учун қўшимча маълумотларга муҳтожлиги.

Таянч сўзлар.

Баланс қиймати - бу активнинг у бўйича ҳар қандай жамғарилган ескириш (амортизация) суммасини ва кейинги йиғилган кадрсизланиш зарарларини чегиргандан сўнг тан олинадиган қийматидир.

Пул маблағларини юзага келтирадиган бирлик - бу активларнинг кичик аниқланадиган гуруҳи бўлиб, у бошқа активлар ёки активлар гуруҳидан келиб тушадиган пул оқимларидан катта даражада мустақил бўлган келиб тушадиган пул оқимларини юзага келтиради.

Корпоратив активлар - бу гудвилдан ташқари активлар бўлиб, улар пул маблағларини ҳосил қиладиган ўрганилаётган бирлик ва бошқа пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликлар бўйича келгуси пул оқимлари ҳосил бўлишига ўз ҳиссасини қўшади.

Чиқиб кетиш харажатлари - бу активнинг ёки пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг чиқиб кетишига тегишли бевосита қўшимча харажатлар бўлиб, бунда молиялаштириш харажатлари ва фойда солиғи харажати инобатга олинмайди.

Ескириш ҳисобланадиган сумма - бу активнинг таннархидан, ёки молиявий ҳисоботларда унинг қийматини акс еттирадиган бошқа суммадан, унинг қолдиқ қийматининг чегирилганидир.

Ескириш (Амортизация) - бу активнинг ескириш ҳисобланадиган суммасини унинг фойдали хизмат муддати давомида систематик тарзда харажатларга олиб боришдир.

Ҳаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишда олинishi мумкин бўлган ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши мумкин бўлган нархдир (МҲХС 13 “Ҳаққоний қийматни баҳолаш” га қаранг).

Қадрсизланиш зарари - бу активнинг ёки пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг баланс қийматининг унинг қопланадиган қийматидан ошган қисмидир.

Активнинг ёки пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликнинг қопланадиган қиймати - бу унинг чиқиб кетиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати билан унинг фойдаланишдаги қиймати ўртасидаги юқорироғи ҳисобланади.

Фойдали хизмат муддати - бу:

(а) актив тадбиркорлик субъекти томонидан фойдаланилиши кутилган муддат; ёки

(б) тадбиркорлик субъекти томонидан активдан олинishi кутилган ишлаб чиқариш ёки ўхшаш бирликлар миқдори.

Фойдаланишдаги қиймат - бу активдан ёки пул маблағларини ҳосил қиладиган бирликдан олинishi кутилган келгуси пул оқимларининг келтирилганкелтирилган қийматидир.

фаол бозор - Актив ёки мажбурият бўйича операциялар уклуксиз равишда нархлаш маълумотларини таъминлаш учун йетарли даврийлик ва ҳажмда содир

бўладиган бозордир.

таннарх усули- Активнинг хизмат кўрсатиш қувватини алмаштириш учун жорий пайтда талаб етилиши мумкин бўлган суммани акс еттирадиган баҳолаш усулидир (кўп ҳолларда жорий алмаштириш қиймати деб юритилади).

кириш нархи- Айирбошлаш операциясида активни сотиб олишда тўланган ёки мажбуриятни зиммага олишда олинган нархдир.

чиқиш нархи- Активни сотиш учун олинishi ёки мажбуриятни ўтказиш учун тўланиши мумкин бўлган нархдир

кутилган пул оқими- Еҳтимолий келугси пул оқимларининг еҳтимолга-тортилган ўртачаси (яъни тақсимотнинг ўртачаси).

6- МАВЗУ. НОМОЛИЯВИЙ МАЖБУРИЯТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СТАНДАРТЛАРИНИНГ ТАВСИФИ

6.1. БҲХС (IAS) 37 “Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”

БҲХС 37 “Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” номли стандартнинг мақсади резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активларга нисбатан тўғри тан олиш мезонлари ва баҳолаш асослари қўлланилишини ҳамда фойдаланувчилар ушбу резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активларнинг моҳиятини, вақтини ва суммасини тушуниши учун молиявий ҳисоботларга изоҳларда йетарлича маълумотлар очиб берилишини таъминлашдан иборатдир.

Ушбу стандарт ҳамма тадбиркорлик субъектлари томонидан қуйидагилардан ташқари резервларни, шартли мажбуриятларни ва шартли активларни ҳисобга олишда қўлланилиши лозим:

(а) охиргача йетказилмаган шартномалардан келиб чиқадиганлар, агар бу шартномалар оғирлик қиладиган шартномалар бўлмаса; ва

(б) бошқа стандартнинг қўллаш доирасида бўлган резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар.

Ушбу стандарт МҲХС 9 “*Молиявий инструментлар*” нинг қўллаш доирасида бўлган молиявий инструментларга (шу жумладан кафолатларга) нисбатан қўлланилмайди.

Охиргача йетказилмаган шартномалар бўлиб томонларининг ҳеч бириси шартномада белгиланган ўз мажбуриятларнинг ҳеч бир қисмини бажармаган ёки иккита томон ҳам ўз мажбуриятларини тенг тарзда қисман бажарган шартномалар ҳисобланади. Ушбу стандарт бундай шартномаларга нисбатан, агар улар оғирлик қиладиган шартномалар бўлмаса, қўлланилмайди.

Айрим турдаги резерв, шартли мажбурият ёки шартли актив бошқа стандартда кўриб чиқилганида, тадбиркорлик субъекти ушбу стандартнинг ўрнига ўша стандартни қўллаши керак. Масалан, резервларнинг баъзи турлари қуйидагилар бўйича стандартларда кўриб чиқилган:

(а) курилиш шартномалари (БҲХС 11 “*Курилиш шартномалари*” га қаранг);

(б) фойда солиқлари (БҲХС 12 “*Фойда солиқлари*” га қаранг);

(с) ижара келишувлари (БҲХС 17 “*Ижара*” га қаранг). Бирок, БҲХС 17 да оператив ижара бўйича оғирлик қилиб бошлаган шартномаларга нисбатан ҳеч қандай талаблар қўйилмагани учун, ушбу стандарт бундай ҳолатларга нисбатан қўлланилади;

(д) ходимларнинг даромадлари (БҲХС 19 “*Ходимларнинг даромадлари*” га қаранг);

(е) суғурта шартномалари (МҲХС 4 “*Суғурта шартномалари*” га қаранг). Бирок, суғурталовчининг МҲХС 4 нинг қўллаш доирасидаги суғурта шартномалари остида пайдо бўладиган шарномавий мажбуриятлари ва ҳуқуқларидан юзага келадиганлардан ташқари резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активларга нисбатан ушбу стандарт қўлланилади.

Резервлар сифатида қараладиган баъзи суммалар даромаднинг тан олинishi билан боғлиқ бўлиши мумкин, масалан тадбиркорлик субъекти ҳақ евазига кафолатлар берадиган ҳолларда. Ушбу стандартда бундай даромадларнинг тан олинishi кўриб чиқилмайди. БҲҲС 18 “Даромад” даромадлар тан олинадиган ҳолатларни белгилайди ва тан олиш мезонларининг қўлланиши бўйича амалий йўриқнома беради. Ушбу стандарт БҲҲС 18 нинг талабларини ўзгартирмайди.

Ушбу стандарт резервларни ноаниқ муддат ёки суммага ега бўлган мажбуриятлар сифатида аниқлайди. Баъзи мамлакатларда “резерв” атамаси ескириш, активларнинг қадрсизланиши ёки шубҳали қарзлар каби моддаларга тегишлилигида фойдаланилади: бундай резервлар активларнинг баланс қийматларига тузатиш бўлиб ҳисобланади ва ушбу стандартда кўриб чиқилмайди.

Бошқа стандартларда харажатлар активлар ёки харажатлар сифатида ҳисобга олинishi белгиланади. Бу масалалар ушбу стандартда кўриб чиқилмайди. Шу сабабдан, ушбу стандарт резерв шаклланганида тан олинадиган харажатларнинг капитализациясини талаб ҳам қилмайди тақиқлаб ҳам қўймайди.

Ушбу стандарт реструктуризация (шу жумладан, давом еттирилмайдиган фаолият) бўйича резервларга нисбатан қўлланилади. Реструктуризация давом еттирилмайдиган фаолият таърифига тўғри келганида, МҲҲС 5 “*Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва давом еттирилмайдиган фаолият*” томонидан қўшимча маълумотлар очиб берилиши талаб етилиши мумкин.

Резервлар бошқа мажбуриятлардан, масалан савдо бўйича тўланадиган счётлар ёки ҳисобланган кредиторлик қарзларидан, улар ҳисоб-китоб қилинишида келгуси харажатларнинг амалга оширилиши вақти ёки суммаси ноаниқлиги туфайли фарқланиши мумкин. Фарқли ўлароқ:

(а) савдо бўйича тўланадиган счётлар – бу олинган ёки йетказиб берилган товарлар ёки хизматлар учун тўланадиган ва мол йетказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоби талаб етилган ёки у билан расмий келишилган мажбуриятлардир; ва

(б) ҳисобланган кредиторлик қарзлари – олинган ёки йетказиб берилган, лекин тўланмаган товарлар ёки хизматлар учун тўланиши лозим бўлган ва мол йетказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоби талаб етилган ёки у билан расмий келишилган мажбуриятлардир, шу жумладан ходимларга тўланиши лозим бўлган суммалар (масалан, ҳисобланган таътил пулига тегишли суммалар). Ҳисобланган кредиторлик қарзларининг муддатини ва суммасини баъзида баҳолаш қийин бўлсада, бундаги ноаниқлик резервлар бўйича ноаниқликдан одатда анча камдир.

Ҳисобланган кредиторлик қарзлари кўпинча савдо бўйича тўланадиган счётлар ва бошқа кредиторлик қарзларнинг бир қисми сифатида акс еттирилади, резервлар еса ҳисоботда алоҳида кўрсатилади.

Умуман олганда, ҳамма резервлар шартлидир, чунки уларнинг муддати ёки суммаси ноаниқдир. Бироқ, ушбу стандартнинг доирасида “шартли” тушунчаси тан олинмайдиган активлар ва мажбуриятларга нисбатан

ишлатилади, чунки уларнинг мавжудлиги тадбиркорлик субъектининг тўлиқ назорати остида бўлмаган келгуси ноаниқ ҳодисаларнинг бири ёки бир нечтаси содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги натижасида тасдиқланади. Бундан ташқари, ʻшартли мажбуриятʼ тушунчаси тан олиш мезонларига жавоб бермайдиган мажбуриятларга нисбатан ишлатилади.

Ушбу стандарт қуйидагиларни фарқлайди:

(а) резервлар – мажбуриятлар сифатида тан олинади (ишончли баҳоланиши мумкинлиги шарти билан), чунки улар тадбиркорлик субъектининг ҳозирги пайтда мавжуд бўлган мажбуриятлари бўлиб, уларни сўндириш натижасида тадбиркорлик субъектидан иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетиши еҳтимоли бор; ва

(б) шартли мажбуриятлар – мажбуриятлар сифатида қуйидагилар туфайли тан олинмайди:

- улар мумкин бўлган мажбуриятлардир, чунки тадбиркорлик субъекти иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган ва ҳозирги пайтда мавжуд бўлган мажбуриятга ега бўлиши ҳали тасдиқланиши керак; ёки

- улар ушбу стандарт белгиладиган тан олиш мезонларига жавоб бермайдиган ҳозирги пайтда мавжуд бўлган мажбуриятлардир (чунки мажбуриятни сўндириш учун иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетиши талаб етилиши еҳтимоли йўқ ёки мажбуриятнинг суммаси йетарлича ишончли даражада баҳолана олмайди).

Резервлар тан олиниши керак, қачонки:

(а) тадбиркорлик субъекти бўлиб ўтган ҳодисалар натижасида ҳозирги пайтда мавжуд бўлган (юримдик ёки конструктив) мажбуриятга ега бўлса;

(б) мажбуриятни сўндириш учун иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетиши талаб етилиши еҳтимоли мавжуд бўлса; ва

(с) мажбуриятнинг суммасини ишончли баҳолаш мумкин бўлса.

Бу шартлар бажарилмаса, ҳеч қандай резерв тан олинмаслиги керак.

Камдан-кам ҳолатларда ҳозирги пайтда мажбурият мавжуд эканлиги аниқ бўлмайди. Бундай ҳолатларда, бўлиб ўтган ҳодиса ҳозирги пайтда мавжуд бўлган мажбуриятни (кейинги матнда “ҳозирги мажбурият”) юзага келтиради деб ҳисобланади, агар, барча бор бўлган далилларни инобатга олган ҳолда, ҳисобот даврининг охирида бундай мажбуриятнинг мавжудлиги еҳтимоли унинг мавжуд емаслиги еҳтимолидан кўпроқ бўлса.

Деярли барча ҳолатларда бўлиб ўтган ҳодиса ҳозирги мажбуриятни юзага келтирганлиги ёки келтирмаганлиги шубҳа тўғдирмайди. Камдан-кам ҳолатларда, масалан суд жараёнида, муайян ҳодисалар содир бўлгани ёки бу ҳодисалар ҳозирги мажбуриятни юзага келтирганлигини тўғрисида баҳсларни тўғдириши мумкин. Бундай ҳолатда, тадбиркорлик субъекти, барча бор бўлган далилларни, шу жумладан, масалан экспертларнинг фикрини, инобатга олган ҳолда, ҳисобот даврининг охирида ҳозирги мажбурият мавжуд эканлигини аниқлайди. Инобатга олинмаган далиллар ҳисобот даври тугашидан кейин содир бўладиган ҳодисалар таъминлаган ҳар қандай қўшимча далилларни ўз ичига олади. Бундай далиллар асосида:

(а) ҳозирги мажбурият ҳисобот даврининг охирида мавжудлиги еҳтимоли унинг мавжуд эмаслиги еҳтимолидан кўпроқ бўлса, тадбиркорлик субъекти резервни тан олади (агар тан олиш мезонлари бажарилса); ва

(б) ҳисобот даврининг охирида ҳозирги мажбурият мавжуд эмаслиги еҳтимоли кўпроқ бўлса, тадбиркорлик субъекти шартли мажбуриятни очиб беради, лекин иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетиши еҳтимолдан узоқ бўлмаса.

Ҳозирги мажбуриятни юзага келтирадиган бўлиб ўтган ҳодиса мажбурловчи ҳодиса деб айтилади. Ҳодиса мажбурловчи ҳодиса бўлиши учун тадбиркорлик субъекти ушбу ҳодиса натижасида юзага келган мажбуриятни сўндиришдан бошқа амалий муқобили бўлмаслиги керак. Бу фақатгина шунда содир бўлади, қачонки:

(а) мажбурият қонунчилик билан мажбурий равишда сўндирилиши мумкин бўлса; ёки

(б) конструктив мажбурият ҳолатида, ҳодиса (бу тадбиркорлик субъектининг хатти-ҳаракати ҳам бўлиши мумкин) тадбиркорлик субъекти мажбуриятни бажариши тўғрисида бошқа томонларда кутиш тўғдирса.

Молиявий ҳисоботлар тадбиркорлик субъектининг келгусида мумкин бўлган молиявий ҳолатини эмас, ҳисобот даври охиридаги молиявий ҳолатини кўрсатади. Шунинг учун, келгусида фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган харажатлар бўйича ҳеч қандай резерв тан олинмайди. Тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботда тан олинмаган мажбуриятлар – бу фақат ҳисобот даври охирида мавжуд бўлган мажбуриятлардир.

Бу фақат шундай мажбуриятларки, улар тадбиркорлик субъектининг келгуси хатти-ҳаракатларига (яъни келгусида бизнесини амалга оширишига) боғлиқ бўлмаган ҳолда бўлиб ўтган ҳодисалар натижасида юзага келади ва резервлар сифатида тан олинади. Бундай мажбуриятларга атроф-муҳитга ноқонуний йетказилган зарарни бартараф етиш харажатлари ёки бундай зарарни йетказиш учун жарималар мисол бўла олади. Иккаласи ҳам ҳисоб-китоб қилинишида тадбиркорлик субъектининг келгуси хатти-ҳаракатларидан қатъий назар иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетишига олиб келади. Шунга ўхшаш, тадбиркорлик субъекти нефт қазиб оладиган қурилма ёки атом электростанциясини эксплуатациядан чиқариш харажатлари бўйича, тадбиркорлик субъекти аллақачон йетказилган зарарни қоплашга мажбур даражасида, резервни тан олади. Ва бунинг тескараси, тижорат шартлари остида ёки юридик талабларга кўра тадбиркорлик субъекти келгусида муайян йўналишда фаолият юргизиши учун харажатларни амалга оширишни (масалан, муайян турдаги заводда тутунга қарши филтрларни ўрнатишни) режалаштирган ёки бундай харажатларни амалга ошириш зарур бўлиши мумкин. Тадбиркорлик субъекти келгуси харажатлардан ўзининг келгуси хатти-ҳаракатлари ёрдамида, масалан фаолият юритиш тартибини ўзгартириш орқали, қочиши мумкин бўлгани туфайли у ушбу келгуси харажатлар учун ҳеч қандай мажбуриятга ега эмас ва, бинобарин, резерв тан олинмайди.

Мажбурият мавжуд бўлганида ҳар доим бошқа томон иштирок этади, яъни

бу бошқа томон олдида мажбурият мавжуд бўлади. Бироқ, бу томон ким еканлигини билиш шарт эмас — аслида, мажбурият бутунки жамият олдида бўлиши мумкин. Мажбурият ҳар доим бошқа томоннинг олдида мажбуриятни кўзда тутганлигидан шу нарса келиб чиқадики, раҳбариятнинг ёки кенгашнинг қарори ҳисобот даври охирида конструктив мажбуриятни келтириб чиқармайди, агар бу қарор ҳисобот даври тугашидан олдин бу қарор таъсир қиладиган томонларга уларда тадбиркорлик субъекти томонидан мажбурият бажарилиши тўғрисида асосли кутиш тўғдирадиган йетарлича аниқ тарзда йетказилган бўлмаса.

Мажбуриятни дарҳол юзага келтирмайдиган ҳодиса уни кейинроқ санада қонунчилик ўзгариши ёки тадбиркорлик субъектининг хатти-ҳаракати (масалан, жамият олдида йетарлича аниқ билдиргиси) конструктив мажбуриятни келтириб чиқарганлиги туфайли юзага келтириши мумкин. Мисол сифатида, атроф-муҳитга зарар йетказилганда, бунинг натижаларни бартараф етиш бўйича мажбурият бўлмаслиги мумкин. Бироқ, янги қонунчилик йетказилган зарарни бартараф етишни талаб қилганида ёки тадбиркорлик субъекти конструктив мажбуриятни келтириб чиқарадиган равишда зарарни бартараф етиш бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олишини омма олдида билдирганида бундай зарар йетказиш мажбурловчи ҳодисага айланади.

Янги таклиф етилган қонунчилик ҳужжатининг тафсилотлари ҳали охиригача муҳокама қилиниши талаб етилганида, мажбурият фақатгина янги қонун унинг лойиҳасида келтирилган таҳрирда кучга кириши аслида аниқ бўлганида юзага келади. Ушбу стандарт мақсадларида, бундай мажбурият юридик мажбурият сифатида қаралади. Қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш ва кучга киритиш тартибларидаги фарқлар қонун кучга киришини аслида аниқ таъминлайдиган ягона ҳодисани аниқлашни имкони йўқлигига олиб келади. Кўпгина ҳолатларда, қонунчилик ҳужжати расмий қабул қилинмагунча унинг қабул қилиниши аслида аниқ деб бўлмайди.

Мажбурият тан олиш мезонларига жавоб бериши учун нафақат ҳозирги мажбурият мавжуд бўлиши, балки мажбуриятни бажариш учун иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетиши еҳтимоли ҳам мавжуд бўлиши керак. Ушбу стандартнинг мақсадларида, ресурсларнинг чиқиб кетиши ёки бошқа ҳодисанинг содир бўлиши еҳтимоли мавжуд бўлади, агар ҳодисанинг содир бўлиши унинг содир бўлмаслиги еҳтимолидан кўпроқ бўлса. Ҳозирги мажбурият мавжуд бўлиши еҳтимоли бўлмаса, тадбиркорлик субъекти шартли мажбуриятнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни очиб беради, лекин иқтисодий нафни мужассамлантирадиган ресурсларнинг чиқиб кетиши еҳтимолдан узоқ бўлмаса.

Бир қатор ўхшаш мажбуриятлар мавжуд бўлганида (масалан, маҳсулотбўйича кафолатлар ёки шунга ўхшаш шартномалар) ресурсларнинг чиқиб кетиши еҳтимоли мажбуриятлар туркумини бутунлигича кўриб чиқиш орқали аниқланади. Ҳар бир шартнома бўйича ресурсларнинг чиқиб кетиши еҳтимоли кам бўлиши мумкинлигига қарамасдан, мажбуриятларнинг туркумини бутунлигича олганда, ушбу туркум бўйича мажбуриятларни бажариш учун бир қанча ресурсларнинг чиқиб кетишини талаб етиши еҳтимоли йетарлича юқори

бўлиши мумкин. Шундай экан, резерв тан олинади (бошқа тан олиш мезонлари бажарилиши шарт билан).

Тахминий баҳолашлардан фойдаланиш молиявий ҳисоботлар тайёрланишининг муҳим қисмидир ва уларнинг ишончлигини пасайтирмайди. Бу айниқса резервларларга нисбатан тўғри, чунки улар ўз моҳиятига кўра молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг кўпгина бошқа моддаларига қараганда кўпроқ даражада ноаниқ бўлади. Жуда камдан-кам ҳолатлардан ташқари ҳолатларда тадбиркорлик субъекти еҳтимоли бор натижалар диапазонини аниқлай олади ва резервни тан олиш учун йетарлича ишончли бўлган даражада мажбуриятни баҳолаши мумкин.

Жудаям камдан-кам ҳолатларда, ишончли баҳоланиши мумкин бўлмаганда, тан олиб бўлмайдиган мажбурият мавжуд бўлади. Бундай мажбурият шартли мажбурият сифатида очиб берилади.

Тадбиркорлик субъекти мажбурият учун биргаликдаги жавобгарликка ега бўлганида, мажбуриятнинг бошқа томонлар бажариши кутилайтган қисми шартли мажбурият сифатида қаралади. Тадбиркорлик субъекти мажбуриятнинг иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурслар чиқиб кетиши еҳтимоли бор қисми учун резервни тан олади, бундан уни ишончли баҳолаб бўлмайдиган жудаям камдан-кам ҳолатлар истисно.

Шартли мажбуриятлар дастлаб кутилмаган тарзда ўзгариши мумкин. Шу боис, улар иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурслар чиқиб кетиши еҳтимоли пайдо бўлганини аниқлаш мақсадида мунтазам равишда қайта кўриб чиқилади. Агар олдин шартли мажбурият сифатида таснифланган мажбурият бўйича иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурслар чиқиб кетиши талаб етилиши еҳтимоли пайдо бўлса, еҳтимолликда ўзгариш содир бўлган даврда молиявий ҳисоботларда резерв тан олинади (мажбуриятни ишончли баҳолаш мумкин бўлмаган жудаям камдан-кам ҳолатлар бундан мустасно).

Шартли активлар одатда тадбиркорлик субъекти томонидан иқтисодий наф олинishi еҳтимолини келтириб чиқарадиган, режалаштирилмаган ёки бошқа кутилмаган ҳодисалар натижасида пайдо бўладилар. Мисол сифатида тадбиркорлик субъекти суд орқали натижаси аниқ бўлмаган даъво қўзғатишини келтириш мумкин.

Шартли активлар молиявий ҳисоботларда тан олинмайди, чунки улар ҳеч қачон олинмаслиги мумкин даромаднинг тан олинishiга олиб келиши мумкин. Бироқ, даромаднинг олинishi аслида аниқ бўлганида, тегишли актив шартли актив бўлиб ҳисобланмайди ва унинг тан олинishi тўғри бўлади.

Шартли актив мавжудлиги тўғрисидаги маълумот очиб берилиши керак, агар иқтисодий нафнинг олинishi еҳтимоли мавжуд бўлса.

Шартли активлар улардаги ўзгаришлар молиявий ҳисоботларда тегишли равишда акс еттирилиши мақсадида мунтазам равишда қайта кўриб чиқилади. Агар иқтисодий наф келиб тушиши аслида аниқ бўлса, ўзгариш содир бўлган даврда молиявий ҳисоботларда актив ва тегишли даромад тан олинади. Иқтисодий нафнинг келиб тушиши еҳтимоли пайдо бўлганида, тадбиркорлик субъекти шартли актив тўғрисида маълумотларни очиб беради.

Резерв сифатида тан олинадиган сумма бўлиб ҳисобот даври охирида

ҳозирги мажбуриятни сўндириш учун талаб етиладиган харажатнинг энг тўғри тахминий баҳоланиши хизмат қилиши керак.

Ҳозирги мажбуриятни сўндириш учун талаб етиладиган харажатнинг энг тўғри баҳоланиши – бу тадбиркорлик субъекти томонидан ҳисобот даври охирида мажбуриятни сўндириш учун ёки уни ўша пайтда учинчи томонга ўтказиш учун оқилона равишда тўланадиган суммадир. Кўпгина ҳолларда мажбуриятни ҳисобот охирида сўндириш ёки ўтказиш имкони бўлмайди ёки ҳаддан ташқари қимматга тушади. Бироқ, тадбиркорлик субъекти томонидан мажбуриятни сўндириш ёки ўтказиш учун оқилона тўланадиган сумманинг баҳоланиши ҳозирги мажбуриятни ҳисобот даври охирида сўндириш учун талаб етиладиган харажатнинг энг тўғри баҳоланишини таъминлайди.

Мажбуриятнинг оқибатларини ва молиявий таъсирини баҳолаш тадбиркорлик субъекти раҳбариятининг мулоҳазалари, ва уларга қўшимча равишда ўхшаш операцияларни ўтказиш тажрибасига ҳамда баъзи ҳолатларда мустақил экспертларнинг ҳисоботларига таяниш асосида аниқланади. Кўриб чиқиладиган далиллар ҳисобот даври тугаганидан кейин содир бўладиган ҳодисалар таъминлайдиган ҳар қандай қўшимча далилларни ўз ичига олади.

Резерв сифатида тан олинishi керак бўлган суммага тегишли ноаниқликларни бартараф етиш учун вазиятга қараб ҳар хил усуллардан фойдаланилади. Резерв баҳоланишида тахминларнинг катта жамланмаси кўриб чиқилганида, мажбурият тахминларнинг барча мумкин бўлган натижаларини уларга тегишли бўлган еҳтимолликларни ҳисобга олган ҳолда тортилган қийматини аниқлаш орқали баҳоланади. Баҳолашнинг бу статистик усули “кутилган қиймат (математик кутиш)” деб номланади. Шунинг учун, бу суммани тўлаш еҳтимоли, масалан 60 фоизга ёки 90 фоизга тенг бўлишига қараб, резерв суммаси ҳар хил бўлади. Агар мумкин бўлган натижаларнинг диапазони узлуксиз бўлса, ва диапазоннинг ҳар бир нуқтасида еҳтимоллик даражаси бир хил бўлса, диапазондаги ўртача қиймат олинади.

Мисол. Тадбиркорлик субъекти товарларни кафолат билан сотади, бу кафолат бўйича харидорларга хариддан сўнг олти ой давомида аниқланган ҳар қандай ишлаб чиқариш нуқсонларини бартараф етиш (таъмирлаш) харажатлари қопланади. Агар барча сотилган маҳсулотларда кичкина нуқсонлар аниқланадиган бўлса, таъмирлаш харажатлари 1 миллионга тенг бўлади. Агар барча сотилган маҳсулотларда катта нуқсонлар аниқланадиган бўлса, таъмирлаш харажатлари 4 миллионга тенг бўлади. Тадбиркорлик субъектининг олдинги тажрибаси ва келгуси кутишлари кейинги йилда сотиладиган маҳсулотларнинг 75 фоизи нуқсонларга ега бўлмаслигини, 20 фоизи кичкина нуқсонларга ега бўлишини ва 5 фоизи катта нуқсонларга ега бўлишини кўрсатади. Таъмирлаш харажатларининг кутилган қиймати қуйидагига тенг:

$$(\text{нолнинг } 75\%) + (1 \text{ миллионнинг } 20\%) + (4 \text{ миллионнинг } 5\%) = 400.000$$

Агар битта мажбурият баҳоланадиган бўлса, еҳтимоли энг катта бўлган ягона тахминий натижа мажбуриятнинг энг тўғри баҳоланиши бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бироқ, бундай ҳолда бўлса ҳам, тадбиркорлик субъекти бошқа мумкин бўлган натижаларни кўриб чиқиши керак. Еҳтимоли энг юқори бўлган натижага қараганда бошқа мумкин бўлган натижалар асосан юқорироқ ёки

пастроқ бўлган қийматга ега бўлганида, енг тўғри баҳолаш бўлиб ушбу юқорироқ ёки пастроқ қиймат хизмат қилади. Масалан, тадбиркорлик субъекти у томонидан харидор учун қурилган асосий қурилманинг жиддий нуқсонини бартараф етиши керак бўлса, алоҳида еҳтимоли енг юқори бўлган натижа бўлиб нуқсонни биринчи уринишда 1.000 сарфлаб таъмирлаш орқали бартараф етиш мумкинлиги ҳисобланади, лекин резерв каттароқ суммада тан олиниши керак, агар бошқа уринишлар ҳам талаб етилиши имконияти катта бўлса.

Резерв солиққача бўлган суммада баҳоланади, чунки резервнинг ва ундаги ўзгаришларнинг солиқ оқибатлари БҲХС 12 га мувофиқ ҳисобга олинади.

Кўпгина ҳодисалар ва шарт-шароитларга муқаррар равишда хос бўладиган рисклар ва ноаниқликлар резервнинг енг тўғри баҳоланишини аниқлашда ҳисобга олиниши лозим.

Риск кутилган натижанинг ҳар хил бўлишини тавсифлайди. Рискни ҳисобга олган ҳолда тузатиш киритиш мажбурият баҳоланган сумманинг ошишига олиб келиши мумкин. Ноаниқлик шароитларида даромадлар ва активлар оширилиб ҳамда харажатлар ва мажбуриятлар камайрилиб кўрсатилмаслиги учун мулоҳазалар еҳтиёткорлик билан қилиниши керак. Бироқ, ноаниқликнинг мавжудлиги ҳаддан ташқари кўп резервлар яратилиши ёки мажбуриятлар суммаси атайлаб оширилиб кўрсатилишини оқламайди. Масалан, агар қандайдир ҳодисанинг жуда салбий натижаси бўйича тахмин қилинган харажатлар еҳтиёткорлик билан баҳоланган бўлса, бу натижа у аслида ега бўлган еҳтимолга қараганда кўпроқ еҳтимолга ега деб атайлаб ҳисобланмайди. Риск ва ноаниқликни ҳисобга олиш мақсадида тузатишлар икки марта киритилишига, ва бинобарин резервнинг оширилиб кўрсатилишига йўл қўймаслик учун еҳтиёткорлик талаб етилади.

Пулнинг вақтдаги қиймати таъсири аҳамиятли бўлганида, резервнинг суммаси мажбуриятни сўндириш учун талаб етилиши кутиладиган харажатларнинг келтирилган қийматига тенг бўлиши керак.

Пулнинг вақтдаги қиймати туфайли ҳисобот давридан кейин қисқа муддатда чиқиб кетадиган пул оқимлари бўйича резервлар айнан шу суммада кейинроқ чиқиб кетадиган пул оқимлари бўйича резервлардан оғирроқ бўлади. Шу боис, резервларнинг таъсири аҳамиятли бўлганида, резервлар дисконтланади.

Дисконт ставкаси (ёки ставкалари) бўлиб пулнинг вақтдаги қийматининг жорий бозор баҳоланишини ва мажбуриятга хос бўлган рискларни акс еттирадиган солиққача бўлган ставкаси (ёки ставкалари) хизмат қилиши керак. Дисконт ставкаси (ставкалари) келгуси пул оқимлари тузатилган рискларни акс еттирмаслиги керак.

Мажбуриятни сўндириш учун талаб етиладиган суммага таъсир қилиши мумкин бўлган келгуси ҳодисалар, улар содир бўлишига йетарлича объектив далиллар мавжуд бўлганида, резерв суммасида ўз аксини топиши керак.

Кутилаётган келгуси ҳодисалар резервларни баҳолашда айниқса муҳим бўлиши мумкин. Масалан, тадбиркорлик субъекти йер майдонини ундан фойдаланиш муддати тугаганида тозалаш харажатлари келгусида технологиялардаги ўзгаришлар туфайли камайиши мумкин деб ўйлаши мумкин.

Тан олинадиган сумма барча мавжуд далилларни ҳисобга олган ҳолда тозалаш пайтида мавжуд бўладиган технологиялари юзасидан йетарлича малакали, ҳолисона кузатувчиларнинг оқилона кутишларини акс еттиради. Шунинг учун, мавжуд бўлган технологиядан фойдаланиш тажрибаси ошиши билан харажатларнинг кутилаётган камайиши ёки олдин амалга оширилган тозалаш ишларига нисбатан мураккаброқ ва каттароқ кўламдаги тозалаш ишларини амалга ошириш учун мавжуд бўлган технологияни ишлатишдан кутилаётган харажатларни тан олинадиган суммага киритиш тўғри бўлади. Бироқ, тадбиркорлик субъекти тозалаш ишларини амалга ошириш учун умуман янги технологиянинг ишлаб чиқилишини умид қилиши керак эмас, агар бу йетарлича объектив далиллар билан асосланган бўлмаса.

Янги кутилаётган қонунчилик киритилиши таъсири мавжуд бўлган мажбуриятни баҳолашда ҳисобга олиниши керак, агар қонунчилик қабул қилиниши аслида аниқ еканлигига йетарлича объектив далиллар бор бўлса. Амалиётда юзага келадиган шарт-шароитларнинг ҳар хиллиги ҳар бир ҳолатда йетарли, объектив далилни таъминлайдиган ягона ҳодисани аниқлашни имкони йўқлигига олиб келади. Далиллар ушбу қонунчилик нимани талаб етиши ва унинг тегишли тарзда қабул қилиниши ва қўлланилиши аслида аниқ бўлиши учун талаб етилади. Кўпгина ҳолатларда, янги қонунчили қабул қилинмагунча йетарли объектив далил мавжуд бўлмайди.

Активларнинг кутилаётган чиқиб кетишидан олинадиган фойда резервни баҳолашда ҳисобга олинмайди, агарда бу активларнинг чиқиб кетиши мажбуриятни келтириб чиқарган ҳодиса билан чамбарчас боғлиқ бўлса ҳам. Аксинча, тадбиркорлик субъекти активларнинг чиқиб кетишидан олинадиган фойдани ушбу активларга тегишли бўлган стандарт белгиланган тартибда тан олади.

Резервни сўндириш учун талаб етиладиган харажатнинг тўла суммасини ёки унинг бир қисмини бошқа томон қоплаб бериши кутилса, бу қоплаш суммаси фақатгина тадбиркорлик субъекти томонидан мажбурият сўндирилганида қоплаш суммасининг олиниши аслида аниқ бўлса тан олиниши керак. Қоплаш суммаси алоҳида актив сифатида ҳисобга олиниши керак. Қоплаш бўйича тан олинган сумма резерв суммасидан ошмаслиги керак.

Умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда, резерв билан боғлиқ бўлган харажат қоплаш суммаси чегириб ташланган ҳолда кўрсатилиши мумкин.

Баъзида, тадбиркорлик субъекти резервни сўндиришда зарур бўладиган харажатнинг тўлалигича ёки унинг бир қисмини тўлаш учун бошқа томонга мурожаат етиши мумкин (масалан, суғурта шартномалари, шартноманинг зарарлар қопланиши тўғрисидаги шартлари ёки мол йетказиб берувчиларнинг кафолатлари ёрдамида). Бошқа томон тадбиркорлик субъекти томонидан тўланган суммаларни қоплаши ёки ўзи бевосита тўлаши мумкин.

Аксарият ҳолларда тадбиркорлик субъекти белгиланган сумманинг бутун қисми учун жавобгар бўлиб қолади, шунинг учун тадбиркорлик субъекти бутун суммани тўлалигича тўлашига тўғри келади, агар учинчи томон қандайдир сабабга кўра тўла олмаса. Бундай ҳолатда, резерв мажбуриятнинг тўла суммасида тан олиниши керак, ва тадбиркорлик субъекти мажбуриятни

сўндирганида қоплаш суммаси олиними аслида аниқ булганида, кутилаётган қоплаш суммаси бўйича алоҳида актив тан олинади.

Баъзи ҳолларда, учинчи томон қоплаш суммасини тўла олмаганида тадбиркорлик субъекти кўриб чиқиладиган харажатлар учун жавобгар бўлмайди. Бундай ҳолатда тадбиркорлик субъекти ушбу харажатлар учун мажбуриятга ега бўлмайди ва уларни резервга киритмайди.

Резервлар ҳар ҳисобот даври охирида қайта кўриб чиқилиши керак ва уларга жорий енг тўғри бўлган баҳолашни акс еттириш мақсадида тузатиш киритилиши керак. Мажбуриятни сўндириш учун иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурслар чиқиб кетиши талаб етилиши еҳтимоли ендиликда мавжуд бўлмаса, резерв бўйича харажатлар тескари проводка билан қайта тикланиши керак.

Дисконтлаш қўлланилганида, резервнинг баланс қиймати вақт ўтишини акс еттириш мақсадида ҳар бир даврда кўпайтирилади. Бу кўпайиш қарзлар бўйича харажатлар сифатида тан олинади.

Резервдан фақатгина ушбу резерв дастлаб қайси харажатлар бўйича тан олинган бўлса, ўша харажатлар учун фойдаланиш керак.

Дастлаб тан олинган резервга тегишли бўлган харажатларгина, унинг ҳисобидан қопланиши керак. Харажатларни дастлаб бошқа мақсад учун тан олинган резерв ҳисобидан қоплаш иккита фарқланадиган ҳодисанинг таъсирини яширади.

Резервлар келгуси операцион зарарлар бўйича тан олинмаслиги керак.

Келгуси операцион зарарларнинг кутилиши муайян операцион активлар қадрсизланган бўлиши мумкинлигининг белгисидир. Тадбиркорлик субъекти ушбу активларни қадрсизланишга БҲХС 36 *“Активларнинг қадрсизланиши”* га мувофиқ текширади.

Тадбиркорлик субъекти оғирлик қиладиган шартномага ега бўлса, ушбу шартнома бўйича ҳозирги пайтда мавжуд бўлган мажбурият резерв сифатида тан олиними ва баҳоланиши керак.

Кўпгина шартномалар (масалан, мол йетказиб бериш бўйича баъзи одатдаги шартномалар) бошқа томонга жарима ва пеня тўланмасдан бекор қилиниши мумкин, ва, бинобарин, мажбурият мавжуд бўлмайди. Бошқа шартномалар бўйича ҳар бир шартнома томонининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгиланган бўлиши мумкин. Ҳодисалар натижасида бундай шартнома оғирлик қиладиган шартномага айланганида, шартнома ушбу стандартнинг қўллаш доирасида бўлади ва тан олиннадиган мажбурият мавжуд бўлади. Оғирлик қиладиган охиригача бажарилмаган шартномалар ушбу стандартнинг қўллаш доирасидан ташқаридадир.

Ушбу стандартда оғирлик қиладиган шартнома у бўйича мажбуриятларни бажариш учун муқаррар амалга оширилиши зарур бўлган харажатлар ушбу шартнома бўйича олиними кутилаётган иқтисодий нафдан ошиб кетадиган шартнома сифатида таърифланади. Шартнома бўйича муқаррар амалга оширилиши зарур бўлган харажатлар шартномадан чиқиш учун керак бўладиган минимал соф харажатларни акс етиради. Бу минимал харажатлар қуйидагилардан қайси бириси камроқ бўлса, ўша суммага тенг бўлади:

шартномани бажариш учун талаб етиладиган харажатлар ва уни бажармаслик натижасида юзага келадиган ҳар қандай компенсациялар ёки жарималар.

Оғирлик қиладиган шартнома бўйича алоҳида резерв яратилишидан олдин, тадбиркорлик субъекти ушбу шартнома учун ажратилган активларнинг ҳар қандай қадрсизланиши бўйича зарарни тан олади (БҲХС 36 га қаранг).

Қуйидагилар реструктуризация таърифига тўғри келиши мумкин бўлган ҳодисаларга мисоллардир:

- (а) бизнес йўналишини сотиш ёки тугатиш;
- (б) мамлакат ёки ҳудуд ичидаги бўлинмаларни ёпиш ёки тадбиркорлик фаолиятини бир мамлакатдан ёки ҳудуддан бошқасига кўчириш;
- (с) бошқариш тузилмасида ўзгаришлар, масалан, бошқаришнинг қандайдир поғонасини олиб ташлаш; ва
- (д) тадбиркорлик субъекти операцияларининг табиатига ва йўналишига аҳамиятли даражада таъсир қиладиган фундаментал қайта ташкил етишлар.

Реструктуризация қилиш бўйича конструктив мажбурият фақатгина тадбиркорлик субъекти қуйидагиларни бажарганида пайдо бўлади:

(а) минимал равишда қуйидагиларни аниқлайдиган батафсил расмий режага ега бўлганида:

- реструктуризация қилинадиган бизнес ёки бизнеснинг бир қисми;
- реструктуризация таъсир қиладиган асосий жойлар;
- хизматларидан воз кечилиши учун компенсация қилинадиган ходимларнинг жойлашиши, вазифалари ва тахминий сони;
- амалга ошириладиган харажатлар; ва
- режа амалга оширилиши пайти; ва

(б) реструктуризация таъсир қиладиган томонларда у реструктуризацияни амалга ошириши юзасидан асосли кутишни реструктуризация режасини бажаришни бошлаш ёки унинг асосий жиҳатларини ёллон қилиш орқали тўғдирганида.

Тадбиркорлик субъекти реструктуризация режасини бошлаганининг далилини, масалан, асбоб-ускунани демонтаж қилиш ёки активларни сотиш ёки ушбу режанинг асосий жиҳатларини ёллон қилиш орқали таъминлайди. Реструктуризация қилиш бўйича батафсил режани ёллон қилиш реструктуризация бўйича конструктив мажбуриятни ҳосил қилади, агар фақатгина тадбиркорлик субъекти у реструктуризацияни амалга ошириши юзасидан харидорлар, мол йетказиб берувчилар ва ходимлар (ёки уларнинг вакиллари) каби бошқа томонларда асосли кутишни тўғдирадиган тарзда ва йетарлича батафсил равишда (яъни режанинг асосий жиҳатларини белгилаб) қилинган бўлса.

Режа у таъсир қиладиган томонларга маълум қилинганида конструктив мажбуриятни келтириб чиқариш учун йетарли бўлиши учун унинг имкони борида тезроқ бажариб бошланиши керак ва режага катта ўзгаришлар киритилиши еҳтимолини йўққа чиқарадиган муддатда тугалланиши керак. Агар реструктуризация давомли кечиктириш билан бошланиши ёки реструктуризация ҳаддан ташқари узоқ вақт давомида амалга оширилиши кутилса, режа тадбиркорлик субъекти ҳозирги пайтда реструктуризацияни амалга ошириши

бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олгани тўғрисида бошқа томонларда асосли кутишни тўғдириши еҳтимолдан узоқдир, чунки вақт муддати тадбиркорлик субъектига ўз режаларини ўзгартиришига имконият беради.

Раҳбарият ёки кенгашнинг реструктуризацияни амалга ошириш тўғрисида ҳисобот даври охиригача қабул қилинган қарори ҳисобот даври охирида конструктив мажбуриятни келтириб чиқармайди, агар тадбиркорлик субъекти ҳисобот даври охиригача:

(а) реструктуризация бўйича режани бажаришни бошламаган; ёки

(б) реструктуризация бўйича режанинг асосий жиҳатларини тадбиркорлик субъекти реструктуризацияни амалга ошириши юзасидан ушбу режа таъсир қиладиган томонларда асосли кутиш тўғдириш учун йетарлича аниқ равишда уларга еълон қилган бўлса.

Агар тадбиркорлик субъекти фақатгина ҳисобот даври охиридан кейин реструктуризация бўйича режани бажаришни бошласа ёки унинг асосий жиҳатларини у таъсир қиладиган томонларга еълон қилган бўлса, БҲХС 10 “*Ҳисобот даврдан кейинги ҳодисалар*” га мувофиқ маълумотлар очиб берилиши керак, агар реструктуризация аҳамиятли бўлса ва бундай маълумотларни очиб бермаслик фойдаланувчилар молиявий ҳисоботлар асосида қабул қиладиган иқтисодий қарорларига таъсир етиши мумкин бўлса.

Конструктив мажбурият ёлғиз раҳбариятнинг қарори билан пайдо бўлмаслигига қарамасдан, мажбурият ушбу қарор билан бирга бошқа олдинги ҳодисалар натижасида келиб чиқиши мумкин. Масалан, ишдан бўшатиш билан боғлиқ бўладиган тўловлар бўйича ходимларнинг вакиллари билан музоқаралар ёки бизнесни сотиш бўйича харидолар билан музоқаралар натижалари фақат кенгаш томонидан тасдиқланганидан сўнг қабул қилиниши мумкин. Бундай тасдиқлаш олинганидан кейин ёки бошқа томонларга маълум қилинганидан кейин, тадбиркорлик субъекти конструктив мажбуриятга ега бўлади.

Баъзи мамлакатларда, қарор қабул қилиш бўйича енг юқори ваколат кузатув кенгашига берилган бўлиши, бунда кенгаш аъзоларига раҳбариятдан ташқари манфаатдор томонларнинг (масалан ходимларнинг) вакиллари киради, ёки кенгаш қарор қабул қилишидан олдин бундай вакилларга хабар қилиши талаб етилиши мумкин. Бу кенгаш томонидан қабул қилинадиган қарор бундай вакилларга маълум қилиниши туфайли у реструктуризация бўйича конструктив мажбурият пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Бизнесни сотиш бўйича мажбурият тадбиркорлик субъекти бундай сотув бўйича мажбурият олмагунча, яъни сотув бўйича мажбурий кучга ега келишув мавжуд бўлмагунча, мажбурият пайдо бўлмайди.

Ҳаттоки тадбиркорлик субъекти бизнесни сотиш тўғрисида қарор қабул қилган бўлса ва бу тўғрисида очиқ еълон қилган бўлса, у сотиш бўйича мажбурият олган деб ҳисобланмайди, токи харидор аниқланмагунча ва сотув бўйича мажбурий кучга ега келишув мавжуд бўлмагунча. Сотув бўйича мажбурий кучга ега келишув мавжуд бўлмаса, тадбиркорлик субъекти ўз қарорини ўзгартириши мумкин ва ҳақиқатда ҳам, мақбул шартларда харидор топилмаса, бошқача йўналишдаги хатти-ҳаракатларни амалга оширишга мажбур бўлиши мумкин. Бизнесни сотиш реструктуризациянинг битта қисми сифатида

кўзланганида, бизнеснинг активлари қадрсизланишга БҲХС 36 га мувофиқ текширилиши керак. Сотиш реструктуризациянинг фақатгина бир қисми бўлганида, сотув бўйича мажбурий кучга ега келишув келишилган бўлмагунича реструктуризациянинг бошқа қисмлари бўйича конструктив мажбурият пайдо бўлиши мумкин.

Реструктуризация бўйича резерв реструктуризация бўйича юзага келадиган фақатгина бевосита харажатларни қамраб олиши керак. Бу бевосита харажатлар бўлиб қуйидаги иккита хусусиятга ҳам ега бўлган харажатлар ҳисобланади:

(а) реструктуризация натижасида муқаррар пайдо бўладиган харажатлар; ва

(б) тадбиркорлик субъектининг давом етадиган фаолияти билан боғлиқ харажатлар.

Реструктуризация бўйича резерв қуйидагилар каби харажатларни қамраб олмайди:

(а) қолган ходимларни қайта тайёрлаш ёки бошқа жойга кўчириш;

(б) маркетинг; ёки

(с) янги тизимларга ва сотиш тармоқларига маблағларни сарф қилиш.

Ушбу харажатлар бизнесни келгусида юритишга таалукли бўлади ва ҳисобот даврининг охирида реструктуризация бўйича мажбуриятларни ифода етмайди. Бундай харажатлар улар реструктуризацияга боғлиқ бўлмаган ҳолда пайдо бўлганидек бир хил асосда тан олинади.

6.2. БҲХС (IAS) 12 “Фойда солиқлари”

Ушбу стандартнинг мақсади фойда солиқларини ҳисобга олиш тартибини белгилашдан иборатдир. Фойда солиқларини ҳисобга олишдаги асосий масала бўлиб қуйидагиларнинг жорий ва келгуси солиқларга бўлган таъсири қай тарзда ҳисобга олиниши кераклиги ҳисобланади:

(а) хўжалик субъектининг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботда тан олинadиган активлар (мажбуриятлар)нинг баланс қиймати келгусида қопланиши (тўланиши); ва

(б) хўжалик субъектининг молиявий ҳисоботларида тан олинган жорий давр учун операциялар ва бошқа ҳодисалар.

Ушбу стандарт, шунингдек, солиқ зарари ёки солиқ имтиёзларидан фойдаланмаслик натижасида келиб чиқадиган, муддати кечиктирилган солиқ активларини тан олиш, фойда солиқларини молиявий ҳисоботда акс еттириш ҳамда фойда солиқларига тегишли бўлган маълумотларни ошкор етишни қамраб олади.

Мазкур стандарт фойда солиқларини ҳисобга олишда қўлланилиши керак.

Ушбу стандарт мақсадларида, фойда солиқлари, солиққа тортиладиган фойдадан олинadиган ҳамма ички ва ҳорижий фаолиятлар бўйича солиқларни, қамраб олади. Фойда солиқларига, шунингдек, ҳисобот берувчи хўжалик субъекти фойдасига шуъба хўжалик субъектлари, қарам хўжалик жамиятлари ёки кўшма корхоналар томонидан тўланадиган суммалардан олинadиган ва тўлов манбаида ушлаб қолинadиган солиқлар киради.

Мазкур стандарт давлат грантлари (МҲХС 20 “Давлат грантларининг бухгалтерия ҳисоби ва давлат ёрдами ошкор қилиш” га қаранг) ёки инвестициялар бўйича солиқ имтиёзларини ҳисобга олиш усулларини қамраб олмайди. Аммо, шундай грантлар ёки инвестициялар бўйича солиқ имтиёзлари натижасида пайдо бўладиган вақтинчалик фарқларнинг ҳисобга олиниши ушбу стандартда кўриб чиқилади.

Активнинг солиқ базаси – бу активнинг баланс қиймати қопланганида хўжалик субъекти томонидан олинадиган ҳар қандай солиқ солинадиган иқтисодий нафдан солиқ мақсадларида чегириб ташланадиган суммадир. Агар бу иқтисодий наф солиққа тортиладиган бўлмаса, активнинг солиқ базаси унинг баланс қийматига тенг бўлади.

Мисол. Асбоб-ускунанинг таннархи 100 тенг. Солиқ мақсадларида, 30 тенг ескириш қиймати жорий ва олдинги даврларда чегириб ташланган. Қолган қиймати келгуси даврларда асбоб-ускунанинг ескирилиши суммаси сифатида ёки унинг чиқиб кетишида чегириладиган сумма сифатида чегирилиши мумкин. Асбоб-ускунадан фойдаланишдан олинадиган даромад солиққа тортилади. Асбоб-ускуна чиқиб кетишидан олинадиган ҳар қандай фойда солиққа тортилади, бундай чиқиб кетишдан олинадиган ҳар қандай зарар еса солиқ мақсадларида чегириб ташланади. Асбоб-ускунанинг солиқ базаси 70 тенг.

Олинадиган фоизларнинг баланс қиймати 100 тенг. Уларга тегишли фоизли даромадлар касса усули бўйича солиққа тортилади. Олинадиган фоизларнинг солиқ базаси нолга тенг.

Савдо бўйича олинадиган счётларнинг баланс қиймати 100 тенг. Уларга тегишли бўлган даромад солиқ солинадиган фойдага (солиқ зарарига) киритилиб бўлган. Савдо бўйича олинадиган счётларнинг солиқ базаси 100 тенг.

Шўъба хўжалик юритувчи субъектдан олинадиган дивидендларнинг баланс қиймати 100 тенг. Дивидендлар солиққа тортилмайди. Аслида, активнинг тўла баланс қиймати иқтисодий нафдан чегирилиши мумкин. Шундай қилиб, олинадиган дивидендларнинг солиқ базаси 100 тенг. Берилган кредитнинг баланс қиймати 100 тенг. Кредитнинг тўланиши солиққа таъсир қилмайди. Кредитнинг солиқ базаси 100 тенг. Бундай таҳлил қилганда, келгусида солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ мавжуд эмас. Муқобил таҳлилда, ҳисобланган олинадиган дивидендларнинг солиқ базаси нолга тенг ва натижада 100 тенг бўлган келгусида солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ нолга тенг бўлган солиқ ставкасига кўпайтирилади. Иккита таҳлилда ҳам, муддати кечиктирилган солиқ мажбурияти пайдо бўлмайди.

Мажбуриятнинг солиқ базаси – унинг баланс қийматидан ушбу мажбурият бўйича келгуси даврларда солиқ мақсадларида чегириладиган ҳар қандай сумма чегирилгандаги ҳосил бўладиган қиймат. Масалан, олдиндан олинган даромад натижасида юзага келадиган мажбуриятнинг солиқ базаси – бу унинг баланс қийматидан келгуси даврларда солиққа тортилмайдиган ҳар қандай даромад суммасини айириб ташлаганда ҳосил бўладиган қийматдир.

2-Мисол. Жорий мажбуриятлар баланс қиймати 100 тенг бўлган ҳисобланган харажатларни ўз ичига олади. Уларга тегишли бўлган харажатлар солиқ мақсадларида касса усули бўйича чегирилади. Ҳисобланган

харажатларнинг солиқ базаси нолга тенг. Жорий мажбуриятлар баланс қиймати 100 тенг бўлган олдиндан олинган фоизли даромадларни ўз ичига олади. Уларга тегишли бўлган фоизли даромадлар касса усулида солиққа тортилган. Олдиндан олинган фоизларнинг солиқ базаси нолга тенг. Жорий мажбуриятлар баланс қиймати 100 тенг бўлган ҳисобланган харажатларни ўз ичига олади. Уларга тегишли бўлган харажатлар солиқ мақсадларида чегирилиб ташланган. Ҳисобланган харажатларнинг солиқ базаси 100 тенг. Жорий мажбуриятлар баланс қиймати 100 тенг бўлган ҳисобланган жарималарни ўз ичига олади. Жарималар солиқ мақсадларида чегирилмайди. Ҳисобланган жарималарнинг солиқ базаси 100 тенг. Тўланадиган кредитнинг баланси қиймати 100 тенг. Кредитнинг тўланиши солиққа таъсир қилмайди. Кредитнинг солиқ базаси 100 тенг. Бундай таҳлил қилганда, келгусида чегириладиган вақтинчалик фарқ мавжуд эмас. Муқобил таҳлилда, ҳисобланган тўланадиган жарималарнинг солиқ базаси нолга тенг ва натижада 100 тенг бўлган келгусида чегириладиган вақтинчалик фарқ нолга тенг бўлган солиқ ставкасига кўпайтирилади. Иккита таҳлилда ҳам, муддати кечиктирилган солиқ активи пайдо бўлмайди.

Жорий ва олдинги даврлар учун жорий солиқнинг тўланмаган қисми мажбурият сифатида тан олинishi керак. Агар жорий ва олдинги даврлар учун тўланган солиқ суммаси ушбу даврларда тўланиши керак бўлган солиқ суммасидан кўп бўлса, ошиқча сумма актив сифатида тан олинishi керак.

Олдинги давр жорий солиғини қоплаш учун солиқ зарарини олдинги даврларга ўтказиш имконияти натижасида олинадиган наф актив сифатида тан олинishi керак.

Муддати кечиктирилган солиқ мажбурияти келгусида солиқ солинадиган жамиики вақтинчалик фарқлар бўйича тан олинishi керак, бундан муддати кечиктирилган солиқ мажбурияти қуйидагилар натижасида юзага келиши ҳолатлари мустасно:

(а) гудвилнинг дастлабки тан олинishi; ёки

(б) актив ёки мажбуриятнинг қуйидаги ҳолларда дастлабки тан олинishi:

- бизнес бирлашуви бўлмаган операцияларда; ва
- операция содир бўлиши пайтда бухгалтерия ҳисоби бўйича фойдага ҳам солиқ солинадиган фойдага (солиқ зарарига) ҳам таъсир қилмайдиган операцияларда.

Бироқ, шубҳа хўжалик юритувчи субъектларга, филиалларга, қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳамда қўшма фаолиятдаги улушлар билан боғлиқ бўлган келгусида солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар бўйича муддати кечиктирилган солиқ мажбурияти тан олинishi керак.

Активни тан олишда, табиийки, унинг баланс қиймати хўжалик субъектига келгуси даврларда келиб тушадиган иқтисодий наф кўринишида қопланади. Активнинг баланс қиймати унинг солиқ базасидан ошиқча бўлса, солиқ солинадиган иқтисодий нафнинг суммаси солиқ мақсадларида чегириб ташланиши мумкин бўлган суммадан ошиб кетади. Ушбу фарқ келгусида солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ бўлиб ҳисобланади, ҳамда унинг натижасида келгуси даврларда фойда солиқларини тўлаш бўйича келиб чиқадиган

мажбурият, муддати кечиктирилган солиқ мажбурияти бўлиб ҳисобланади. Хўжалик субъекти активнинг баланс қийматини қоплаб олиши сари, келгусида солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ тикланади ва хўжалик субъектининг солиқ солинадиган фойдаси пайдо бўлади. Бунинг натижасида, иқтисодий наф солиқ тўловлари кўринишида хўжалик субъектидан чиқиб кетиши еҳтимоли вужудга келади.

3-Мисол. Таннархи 150 тенг бўлган активнинг баланс қиймати 100. Жамғарилган ескириш суммаси солиқ мақсадларида 90 тенг ва солиқ ставкаси 25%.

Активнинг солиқ базаси 60 ташкил этади (150 тенг таннархдан 90 тенг жамғарилган ескириш айирилади). 100 тенг бўлган баланс қийматини қоплаш учун, хўжалик субъекти 100 тенг бўлган солиқ солинадиган даромадни ишлаб топиши керак, лекин ундан фақат 60 тенг бўлган солиқ қоидалари бўйича аниқланадиган ескириш суммасини чегириб ташлаши мумкин. Бунинг натижасида, хўжалик субъекти, активнинг баланс қийматини қоплаганида, 10 тенг бўлган фойда солиғини тўлайди (40кўпайтирилган 25%). 100 тенг баланс қиймати билан 60 тенг солиқ базаси орасидаги фарқ, 40 тенг келгусида солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун, хўжалик субъекти 10 тенг (40 кўпайтирилган 25%)муддати кечиктирилган солиқ мажбуриятини тан олади. Ушбу мажбурият хўжалик субъекти томонидан активнинг баланс қиймати қопланганида тўланадиган фойда солиқларини ифода қилади.

Вақтинчалик фарқлар қуйидаги ҳолларда пайдо бўлади:

(а) бизнес бирлашувида сотиб олинган активлар ва қабул қилинган мажбуриятлар МҲХС 3 “Бизнес бирлашувлари”га мувофиқ уларнинг ҳаққоний қиймати бўйича тан олинганида, бироқ бу уларга солиқ қоидалари бўйича қуйиладиган талаблар нуқтаи назаридан ҳеч қандай эквивалент ўзгариш келтириб чиқармаганида;

(б) активларнинг қайта баҳоланганида, бироқ бундай баҳолаш ушбу активларга солиқ қоидалари бўйича қуйиладиган талаблар нуқтаи назаридан ҳеч қандай эквивалент ўзгариш келтириб чиқармаганида;

(в) бизнес бирлашувида гудвил пайдо бўлганида;

(г) актив ёки мажбурият дастлабки тан олинганида ушбу актив ёки мажбуриятнинг солиқ базаси унинг бошланғич қийматидан фарқ қилганида, масалан, хўжалик субъекти активларга тегишли бўлган давлат грантларидан наф кўрганида; ёки

(д) шуъба хўжалик юритувчи субъектларга, филиалларга ва қарам хўжалик жамиятларига инвестицияларнинг ҳамда кўшма фаолиятдаги улушларнинг баланс қиймати бундай инвестициялар ёки улушларнинг солиқ базасидан фарқ қилганида.

Чегараланган истисно ҳолатлардан ташқари ҳолларда, бизнес бирлашувида сотиб олинган активлар ва қабул қилинган мажбуриятлар уларни сотиб олиш санасидаги ҳаққоний қийматлари бўйича тан олинади. Сотиб олинган активларнинг ва қабул қилинган мажбуриятларнинг солиқ базалари бизнес бирлашуви натижасида ўзгармай қолганида ёки бошқача қилиб

ўзгарганида вақтинчалик фарқлар пайдо бўлади. Масалан, активнинг баланс қиймати ҳаққоний қийматгача ошганида, бироқ унинг солиқ базаси ушбу активнинг олдинги егаси учун бўлган таннархда қолганида, келгусида солиқ солинадиган вақтинчалик фарқ пайдо бўлади ва у муддати кечиктирилган солиқ мажбуриятини юзага келтиради. Натижада ҳосил бўладиган муддати кечиктирилган солиқ мажбурияти гудвилга таъсир қилади.

МҲХСлар айрим активларни ҳаққоний қиймат бўйича ҳисобга олинишини талаб этади ёки рухсат қилади (масалан, МҲХС “Асосий воситалар”, МҲХС 38 “Номоддий активлар”, МҲХС 40 “Инвестицион мулк” ва МҲХС 9 Молиявий инструментлар” га қаранг). Баъзи мамлакатларда, активнинг ҳаққоний қийматигача қайта баҳоланиши ёки бошқача қилиб қайта ҳисобланиши жорий давр учун солиқ солинадиган фойдага (солиқ зарарига) таъсир қилади. Натижада, активнинг солиқ базаси ўзгаради ва вақтинчалик фарқ юзага келмайди. Бошқа мамлакатларда, активнинг қайта баҳоланиши ёки бошқача қилиб қайта ҳисобланиши ушбу қайта баҳоланган ёки қайта ҳисоблаш амалга оширилган даврда солиқ солинадиган фойдага (солиқ зарарига) таъсир қилмайди, бунинг натижасида, активнинг солиқ базаси ўзгармайди. Бунга қарамасдан, актив баланс қийматининг келажакда қопланиши хўжалик субъекти томонидан солиқ солинадиган иқтисодий наф олинишига олиб келади, ҳамда солиқ мақсадларида чегириб ташланадиган сумма ушбу иқтисодий нафнинг суммасидан фарқ қилади. Қайта баҳоланган активнинг баланс қиймати ва унинг солиқ базаси орасидаги фарқ вақтинчалик фарқ бўлиб, у муддати кечиктирилган солиқ мажбурияти ёки активини юзага келтиради. Бу қуйидаги шартлар мавжуд бўлганида ҳам тўғри бўлади:

(а) хўжалик субъектининг активни сотиш нияти бўлмаганида. Бундай ҳолларда, активнинг қайта баҳоланган баланс қиймати ушбу активдан фойдаланиш орқали қопланади, бу еса келгуси даврларда чегирилиши мумкин бўлган ескириш суммасидан ошадиган солиқ солинадиган даромадни ҳосил қилади; ёки

(б) агар активнинг чиқиб кетишидан олинадиган тушумлар унга ўхшаш активларга сармоя қилинса, капитал қиймати ошишига солинадиган солиқнинг муддати кечиктирилмаганида. Бундай ҳолларда, актив сотилган пайтда ёки унга ўхшаш активлардан фойдаланилганида пировардида солиқ тўланиши керак бўлади.

Бизнес бирлашувида пайдо бўладиган гудвил, қуйидаги (а) бандида келтирилган сумманинг (б) бандида келтирилган суммадан ошган қиймати сифатида баҳоланади:

- (а) қуйидагиларнинг йиғиндиси:
- МҲХС 3 га мувофиқ баҳоланадиган ва одатда сотиб олиш санасидаги ҳаққоний қийматини аниқлашни талаб қиладиган, сотиб олинаётган активлар евазига бериладиган товон;
 - МҲХС 3 га мувофиқ сотиб олинадиган хўжалик субъектида назорат ҳуқуқини бермайдиган ҳар қандай улушнинг тан олинадиган қиймати; ва
 - босқичма-босқич амалга оширилган бизнес бирлашувида, сотиб олувчининг сотиб олинадиган хўжалик субъекти капиталидаги олдинги

улушининг сотиб олиш санасидаги ҳаққоний қиймати.

(б) МҲХС 3 га мувофиқ баҳоланадиган сотиб олинган активлар ва қабул қилинган мажбуриятларнинг сотиб олиш санасидаги соф қийматлари.

Актив ёки мажбуриятнинг дастлабки тан олиншида вақтинчалик фарқ пайдо бўлиши мумкин, масалан, актив таннархининг бутун ёки айрим қисми солиқ мақсадларида чегирилиб ташланмайдиган бўлса. Бундай вақтинчалик фарқни ҳисобга олиш усули актив ёки мажбуриятнинг дастлабки тан олиншига олиб келган операциянинг табиатига боғлиқ бўлади:

(а) бизнес бирлашувида, хўжалик субъекти ҳар қандай муддати кечиктирилган солиқ мажбурияти ёки активи тан олади ва бу у томонидан тан олинадиган гудвилнинг ёки қулай шартларда сотиб олишдан олинадиган фойданинг суммасига таъсир қилади;

(б) агар операция бухгалтерия ҳисоби бўйича фойдага ёки солиқ солинадиган фойдага таъсир қилса, хўжалик субъекти ҳар қандай муддати кечиктирилган солиқ мажбурияти ёки активи тан олади, ҳамда бунинг натижасида юзага келадиган муддати кечиктирилган солиқ харажати ёки даромадини фойда ёки зарар таркибида тан олади;

(в) агар операция бизнес бирлашуви бўлмасдан, бухгалтерия ҳисоби бўйича фойдага ҳам солиқ солинадиган фойдага ҳам таъсир қилмаса, хўжалик субъекти юзага келадиган муддати кечиктирилган солиқ мажбуриятини ёки активи тан олган бўлар еди ҳамда актив ёки мажбуриятнинг баланс қийматига худди шу суммадаги тузатиш киритган бўлар еди. Бундай тузатишлар молиявий ҳисоботларнинг шаффофлигини камайтириши мумкин. Шунинг учун, мазкур Стандарт, натижада юзага келадиган муддати кечиктирилган солиқ мажбуриятини ёки активи дастлабки тан олиш ҳамда кейинчалик тан олиш мақсадида (қуйида келтирилган мисолга қаранг) хўжалик субъекти томонидан тан олиншига йўл қўймайди. Бундан ташқари, хўжалик субъекти тан олинмаган муддати кечиктирилган мажбурият ёки активдаги кейинчалик, актив ескириши сари, келиб чиқадиган ўзгаришларни тан олмайди.

Муддати кечиктирилган солиқ активи ҳамма келгусида чегириладиган вақтинчалик фарқлар бўйича тан олинши керак, агар келгусида чегириладиган вақтинчалик фарқни чегириб ташлаш учун йетарли солиқ солинадиган фойда бўлиши еҳтимоли мавжуд бўлса. Бундан муддати кечиктирилган актив мажбуриятнинг ёки активнинг қуйидаги каби операцияда дастлабки тан олиншидан келиб чиқадиган ҳолатлар мустасно:

(а) бизнес бирлашуви эмас; ва

(б) операция пайтида, бухгалтерия ҳисоби бўйича фойдага ҳам солиқ солинадиган фода (солиқ зарарига) ҳам таъсир қилмайди.

Қуйида муддати кечиктирилган солиқ активини келтириб чиқарадиган келгусида чегириладиган вақтинчалик фарқларнинг мисоллари келтирилган:

(а) нафақалар бўйича харажатлар бухгалтерия ҳисоби бўйича фойдани ҳисоблашда ходимлар томонидан хизматлар кўрсатилиши (улар ишлаётгани) сари чегирилиши мумкин, бироқ солиқ солинадиган фойдани аниқлашда улар ёки нафақа жамғармасига тўловлар амалга оширилганида ёки нафақалар хўжалик субъекти томонидан тўланганида чегирилади. Вақтинчалик фарқ

мажбуриятнинг баланс қиймати билан солиқ базаси ўртасида пайдо бўлади; мажбуриятнинг солиқ базаси одатда нолга тенг. Бундай келгусида чегириладиган вақтинчалик фарқ, нафақа жамғармасига бадаллар тўланганида ёки нафақалар хўжалик субъекти томонидан тўланганида хўжалик субъектига иқтисодий наф солиқ солинадиган фойдадан чегириладиган сумма кўринишида келиб тушиши билан, муддати кечиктирилган солиқ активини келтириб чиқаради;

(б) тадқиқот харажатлари улар пайдо бўлган даврда бухгалтерия ҳисоби бўйича фойдани ҳисоблашда харажат сифатида тан олинади, бироқ кейинроқ келадиган давргача солиқ солинадиган фойдани (солиқ зарарини) аниқлашда чегирилиб ташланишига йўл қўйилмаслиги мумкин. Тадқиқот бўйича харажатларнинг солиқ базаси, яъни солиқ идоралари томонидан келгуси даврларда чегириб ташланишига рухсат бериладиган қиймат, билан нолга тенг баланс қиймати ўртасидаги фарқ – келгусида чегириладиган вақтинчалик фарқ бўлиб, унинг натижасида муддати кечиктирилган солиқ активи пайдо бўлади;

(в) чегараланган истисноларни ҳисобга олган ҳолда, хўжалик субъекти бизнес бирлашувида сотиб олинган активларни ва қабул қилинган мажбуриятларни уларнинг сотиб олиш санасидаги бўлган ҳаққоний қиймати бўйича тан олади. Қабул қилинган мажбурият сотиб олиш санасида тан олинганида, лекин унга тегишли харажатлар кейинчалик келадиган давргача солиқ солинадиган фойдани ҳисоблашда чегириб ташланмаганида, келгусида чегириладиган вақтинчалик фарқ пайдо бўлади, ва у муддати кечиктирилган солиқ активини юзага келтиради. Муддати кечиктирилган солиқ активи, шунингдек, сотиб олинган активларнинг ҳаққоний қиймати уларнинг солиқ базасидан кам бўлганида келиб чиқади. Иккита ҳолда ҳам, келиб чиқадиган муддати кечиктирилган солиқ активи гудвилга таъсир қилади; ва

(г) айрим активлар ҳаққоний қиймати бўйича ҳисобга олинishi мумкин, ёки қайта баҳоланиши мумкин, бироқ бу ўзгаришлар солиқ қоидалари бўйича қуйиладиган талаблар нуктаи назаридан ҳеч қандай эквивалент ўзгариш келтириб чиқармаслиги мумкин. Келгусида чегириладиган ватинчалик фарқ активнинг солиқ базаси унинг баланс қийматидан ошиб кеца пайдо бўлади.

Солиқларни режалаштириш имкониятлари – бу солиқ зарарини келгуси ёки олдинги даврларга ўтказиш муҳлати тугамасдан хўжалик субъекти томонидан солиқ солинадиган даромадни муайян даврда шакллантириш ёки кўпайтириш учун амалга оширилиши мумкин бўлган чоралардир. Масалан, баъзи мамлакатларда солиқ солинадиган фойда қуйидаги йўллар билан шакллантирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин:

(а) фоизли даромад солиққа тортилишининг иккита усулидан бирини танлаш: олинган даромадни ёки олинадиган даромадни солиққа тортиш;

(б) солиқ солинадиган фойдадан чегириб ташланадиган айрим суммаларнинг чегириб ташланиши муддатини кечиктириш;

(в) қиймати ошган, бироқ бундай ошишни акс еттириш учун солиқ базаси ўзгармаган, активларни сотиш, ва еҳтимол, қайтадан ижарага олиш; ва

(г) солиқ солинмайдиган даромадни келтирадиган активни (масалан, баъзи мамлакатларла, давлат облигацияларини) солиқ солинадиган даромадни

келтирадиган бошқа инвестицияни сотиб олиш мақсадида сотиш.

Муддати кечиктирилган солиқ активи фойдаланилмаган солиқ зарарлари ва фойдаланилмаган солиқ имтиёзларини келгуси даврларга ўтказиш бўйича тан олинishi керак, бунда у фойдаланилмаган солиқ зарарлари ва фойдаланилмаган солиқ имтиёзларидан келажакда фойдаланиш имконини берадиган йетарлича келгуси солиқ солинадиган фойдага ега бўлиши еҳтимоли мавжуд бўлган даражада тан олинishi керак.

Жорий ва олдинги даврлар учун жорий солиқ мажбуриятлари (активлари) солиқ идораларига ҳисобот даври охиригача кучга кирган ёки аслида кучга кирган солиқ ставкалари (ва солиқ қонунчилиги) бўйича тўланиши (солиқ идораларидан қайтарилиши) кутилаётган суммада баҳоланиши керак.

Муддати кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятлари актив қопланадиган ёки мажбурият тўланадиган даврда қўлланиши кутилаётган солиқ ставкалари бўйича, ҳисобот даври охиригача кучга кирган ёки аслида кучга кирган солиқ ставкалари (ва солиқ қонунчилиги) асосида баҳоланиши керак.

Жорий ва муддати кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятлари одатда амалдаги бўлган солиқ ставкалари (ва солиқ қонунчилиги) бўйича баҳоланади. Бироқ, баъзи мамалкатларда, ҳукумат томонидан солиқ ставкаларининг (ва солиқ қонунчилигининг) еълон қилиниши аслида улар кучга кирганлигини билан бир хил таъсирга ега бўлади, улар бир неча ойдан кейин кучга кирса ҳам. Бундай вазиятда, солиқ активлари ва мажбуриятлари еълон қилинган солиқ ставкаси (ва солиқ қонунчилиги) бўйича баҳоланади.

Муддати кечиктирилган солиқ активлари ва мажбуриятлари дисконтланмаслиги керак.

Операция ёки бошқа ҳодисанинг жорий ёки муддати кечиктирилган солиқ оқибатларни ҳисобга олиш ушбу операция ёки бошқа ҳодисанинг ўзи ҳисобга олинishiга билан мос бўлади.

Жорий ва муддати кечиктирилган солиқ даромад ва харажат сифатида тан олинishi керак ва давр фойдаси ёки зарари таркибида ҳисобга олинishi керак, агар бу солиқ қуйидагилар натижасида юзага келган бўлмаса:

(а) айнан шу ёки бошқа даврда фойда ёки зарарда емас, балки бошқа умумлашган даромадда ёки тўғридан-тўғри капиталнинг ўзида тан олинадиган операция ёки бошқа ҳодиса; ёки

(б) бизнес бирлашуви (БҲХС 10 “Жамланган молиявий ҳисоботлар”га мувофиқ ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлари фойда ёки зарарда ҳисобга олинishi талаб этиладиган шуъба хўжалик субъектининг инвестицион хўжалик субъекти томонидан сотиб олинishi ҳолатларидан ташқари).

Жорий ва муддати кечиктирилган солиқ фойда ёки зарар таркибида тан олинмаслиги керак, агар бу солиқ айнан шу ёки бошқа даврда фойда ёки зарар таркибида тан олинмаган моддаларга тегишли бўлса. Шунинг учун, айнан шу ёки бошқа даврда тан олинган моддаларга тегишли бўлган жорий ва муддати кечиктирилган солиқ:

(а) ушбу моддалар бошқа умумлашган даромадда ҳисобга олинган бўлса, солиқ ҳам бошқа умумлашган даромадда тан олинishi керак.

(б) ушбу моддалар тўғридан-тўғри капиталда ҳисобга олинган бўлса,

солиқ ҳам капиталда тўғридан-тўғри тан олиниши керак.

Таянч сўзлар.

Мажбурият – бу тадбиркорлик субъектининг бўлиб ўтган ҳодисалардан юзага келадиган ҳозирги пайтда мавжуд бўлган мажбурияти бўлиб, уни сўндириш натижасида тадбиркорлик субъектидан иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурсларнинг чиқиб кетиши кутилади.

Конструктив мажбурият - тадбиркорлик субъектининг қуйидаги ҳолатлардаги хатти-ҳаракатларидан келиб чиқадиган мажбурият:

(а) унинг олдинги шаклланган амалиёти, чоп етилган сиёсатлари ёки йетарлича аниқ бўлган жорий билдиргиси асосида тадбиркорлик субъекти маълум жавобгарликларни олишини намоён етган; ва

(б) бунинг натижасида, тадбиркорлик субъекти у ушбу жавобгарликларни бажаради деган асосли кутишларни бошқа томонларда туғдирган.

Шартли мажбурият - бу:

(а) бўлиб ўтган ҳодисалардан юзага келиши мумкин бўлган мажбурият. Унинг мавжудлиги фақатгина тадбиркорлик субъектининг тўлиқ назорати остида бўлмаган келгуси ноаниқ ҳодисаларнинг бири ёки бир нечтаси содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги натижасида тасдиқланади; ёки

бўлиб ўтган ҳодисалардан юзага келадиган, лекин қуйидагилар туфайли тан олинмайдиган ҳозирги пайтда мавжуд бўлган мажбурият:

- ушбу мажбуриятни сўндириш учун иқтисодий нафни мужассамлаштирган ресурслар чиқиб кетишининг талаб етилиши еҳтимоли йўқ; ёки

- ушбу мажбуриятнинг суммаси йетарлича ишончли тарзда баҳолана олмайди.

Шартли актив – бу бўлиб ўтган ҳодисалардан юзага келиши мумкин бўлган ва унинг мавжудлиги фақатгина тадбиркорлик субъектининг тўлиқ назорати остида бўлмаган келгуси ноаниқ ҳодисаларнинг бири ёки бир нечтаси содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги натижасида тасдиқланадиган активдир.

Реструктуризация – бу раҳбарият томонидан режалаштирилган ва назорат қилинадиган дастур бўлиб, у қуйидагиларни аҳамиятли равишда ўзгартиради:

(а) тадбиркорлик субъекти томонидан амалга ошириладиган бизнеснинг кўламини; ёки

(б) ушбу бизнес амалга оширилиши тарзини.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича фойда – бу солиқ харажатлари чегириб ташланмагунча бўлган давр фойдаси ёки зарари.

Солиқ солинадиган фойда (солиқ зарари) –бу солиқ идоралари томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ аниқланган ва ундан фойда солиқлари тўланиши (қопланиши) талаб етиладиган давр фойдаси (зарари).

Солиқ харажати (солиқ даромади) –бу давр фойдаси ёки зарари аниқланишида ҳисобга олинган жорий ва муддати кечиктирилган солиқ бўйича умумий сумма.

Жорий солиқ -бу давр учун солиқ солинадиган фойда (солиқ зарари)дан

тўланадиган (қопланадиган) фойда солиқлари суммаси.

Муддати кечиктирилган солиқ мажбуриятлари -бу келгусида солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар бўйича келгуси даврларда тўланадиган фойда солиқларининг суммаси.

Муддати кечиктирилган солиқ активлари – фойда солиқларининг қуйидагилар бўйича келгуси даврларда қопланадиган суммаси:

- (а) келгусида чегириладиган вақтинчалик фарқлар;
- (б) фойдаланилмаган солиқ зарарларини келгуси даврларга ўтказиш; ва
- (в) фойдаланилмаган солиқ имтиёзларини келгуси даврларга ўтказиш.

Вақтинчалик фарқлар – бу молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс еттирилган актив ёки мажбуриятнинг баланс қиймати билан унинг солиқ базаси ўртасидаги фарқлардир. Вақтинчалик фарқлар қуйидагича бўлиши мумкин:

(а) келгусида солиқ солинадиган вақтинчалик фарқлар - вақтинчалик фарқлар бўлиб, улар актив ёки мажбуриятнинг баланс қиймати қопланадиган ёки тўланадиган келгуси даврларнинг солиқ солинадиган фойдасини (солиқ зарарини) ҳисоблашда солиқ солинадиган суммалар юзага келишига олиб келади; ёки

(б) келгусида чегириладиган вақтинчалик фарқлар - вақтинчалик фарқлар бўлиб, улар актив ёки мажбуриятнинг баланс қиймати қопланадиган ёки тўланадиган келгуси даврларнинг солиқ солинадиган фойдасини (солиқ зарарини) ҳисоблашда чегириб ташланадиган суммалар юзага келишига олиб келади.

Актив ёки мажбуриятнинг солиқ базаси – ушбу актив ёки мажбуриятнинг солиқ мақсадларидаги қиймати.

Солиқ харажати (солиқ даромади) жорий солиқ бўйича харажатни (жорий солиқ бўйича даромадни) ҳамда муддати кечиктирилган солиқ бўйича харажатни (муддати кечиктирилган солиқ бўйича даромадни) қамраб олади.

7- МАВЗУ. МОЛИЯВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СТАНДАРТЛАРИНИНГ ТАВСИФИ

7.1. БҲХС (IAS) 32 “Молиявий инструментлар: тақдим етиш”

Мазкур Стандартнинг мақсади молиявий инструментларни мажбуриятлар ёки капитал сифатида тақдим етиш ҳамда молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тамойилларини белгилашдан иборатдир. У молиявий инструментларни, эмитент нуқтаи назаридан, молиявий активларга, молиявий мажбуриятларга ва улушли инструментларга таснифланишига; тегишли фоиз, дивидендлар, фойда ва зарарларнинг таснифланишига; ҳамда молиявий активлар билан молиявий мажбуриятлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши керак бўлган ҳолатларга нисбатан қўлланилади.

Мазкур Стандартдаги тамойиллар МҲХС 9 “Молиявий инструментлар”даги молиявий активлар билан молиявий мажбуриятларни тан олиш ва баҳолаш ҳамда МҲХС 7 “Молиявий инструментлар: маълумотларни очиб бериш”даги улар тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш тамойилларини тўлдиради.

Мазкур Стандарт барча ташкилотлар томонидан барча турдаги молиявий инструментларга нисбатан қўлланилиши лозим, бундан қуйидагилар истисно:

(а) БҲХС 10 “Жамланган молиявий ҳисоботлар”, БҲХС 27 “Алоҳида молиявий ҳисоботлар” ёки БҲХС 28 “Қарам ташкилотлардаги ва ва қўшма корхоналардаги инвестициялар”га мувофиқ ҳисобга олинган шўъба ташкилотлари, қарам ташкилотлар ёки қўшма корхоналардаги улушлар. Бироқ, айрим ҳолатларда БҲХС 27 ёки БҲХС 28 ташкилотга МҲХС 9 дан фойдаланган ҳолда шўъба ташкилотлари, қарам ташкилотлар ва қўшма корхоналардаги улушларни ҳисобга олишга рухсат беради; бундай ҳолатларда, ташкилотлар ушбу Стандартнинг талабларини қўллаши лозим. Ташкилотлар ушбу Стандартни шўъба ташкилотлари, қарам ташкилотлар ва қўшма корхоналардаги улушларга боғланган барча деривативларга нисбатан ҳам қўллаши лозим.

(б) БҲХС 19 “Ходимларнинг даромадлари” қўлланиладиган ходимларга ҳақ тўлаш тизимларига асосан иш берувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

(в) МҲХС 4 “Суғурта шартномалари” да таърифланган суғурта шартномалари. Бироқ, ушбу Стандарт суғурта шартномаларига сингдирилган деривативларга нисбатан қўлланилади, агарда МҲХС 9 ташкилотдан уларни алоҳида ҳисобга олишни талаб еца. Бундан ташқари, эмитент мазкур Стандартни молиявий кафолат шартномалари учун қўллаши лозим, агарда эмитент шартномаларни тан олишда ва баҳолашда МҲХС 9 ни қўлласа, аммо МҲХС 4 ни қўллаши лозим, агарда ташкилот МҲХС 4га мувофиқ уларни тан олишда ва баҳолашда МҲХС 4 ни танласа.

(г) МҲХС 4 нинг қўллаш доирасидаги молиявий инструментлар, чунки улар ихтиёрий қатнашиш хусусиятига егадир. Бироқ, ушбу инструментларга мазкур Стандартнинг бошқа барча талаблари тегишлидир. Бундан ташқари, мазкур Стандарт ушбу инструментларга сингдирилган деривативларга нисбатан қўлланилади (МҲХС 9 га қаранг).

(д) МҲХС 2 “Акцияга асосланган тўлов” қўлланиладиган акцияга-

асосланган тўлов операциялари асосидаги молиявий инструментлар, шартномалар ва мажбуриятлар.

Мазкур Стандарт пул маблағида ёки бошқа молиявий инструментда нетто ёки, худдики шартномалар молиявий инструментлар бўлгани каби, молиявий инструментларни айирбошлаш орқали ҳисоб-китобни амалга ошириш мумкин бўлган номолиявий моддани сотиб олиш ёки сотиш шартномалари учун қўлланилиши лозим, бундан ташкилотнинг кўзда тутган хариди, сотуви ёки фойдаланиш талабларига мувофиқ номолиявий моддани қабул қилиш ёки йетказиб бериш мақсадида тузилган ва сақланаётган шартномалар мустасно.

Номолиявий моддани сотиб олиш ёки сотиш шартномалари пул маблағида ёки бошқа молиявий инструментда нетто ёки молиявий инструментларни айирбошлаш орқали ҳисоб-китоб қилиниши мумкин бўлган бир неча усуллар мавжуд. Булар қуйидагиларни ўз ичига олади:

(а) қачонки шартнома шартлари бирор томонга уни пул маблағида ёки бошқа молиявий инструментда нетто ёки молиявий инструментларни айирбошлаш орқали ҳисоб-китоб қилишга рухсат берганда;

(б) қачонки пул маблағида ёки бошқа молиявий инструментда нетто ёки молиявий инструментларни айирбошлаш орқали ҳисоб-китоб қилиш имконияти шартнома шартларида аниқ белгиланмаган, аммо ташкилот шунга ўхшаш шартномаларни пул маблағида ёки бошқа молиявий инструментда нетто ёки молиявий инструментларни айирбошлаш орқали (бунда, контрагент билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш шартномаларини тузиш орқали ёки шартнома бажарилишидан ёки муддати тугашидан олдин шартномани сотиш орқали) ҳисоб-китоб қилиш тажрибасига ега бўлса;

(в) шунга ўхшаш шартномалар учун, қачонки ташкилот таянч активнинг йетказиб берилишини қабул қилиш ҳамда йетказиб берилгандан сўнг қисқа муддат ичида нархдаги ёки дилер маржасидаги қисқа муддатли тебранишлардан фойда олиш мақсадида уни сотиш тажрибасига ега бўлганда; ва

(г) қачонки шартнома предмети бўлган номолиявий модда пул маблағига осонгина айлантирилса.

(б) ёки (в) қўлланиладиган шартномалар ташкилотнинг кўзда тутган хариди, сотуви ёки фойдаланиш талабларига мувофиқ номолиявий моддани қабул қилиш ёки йетказиб бериш мақсадида тузилган эмас, ва шу туфайли, у мазкур Стандартнинг қўллаш доирасидадир. Ташкилотнинг кўзда тутган хариди, сотуви ёки фойдаланиш талабларига мувофиқ номолиявий моддани қабул қилиш ёки йетказиб бериш мақсадида тузилганлигини ва сақланаётганлигини, ва ўз навбатида, улар мазкур Стандарт қўллаш доирасидалигини аниқлаш учун баҳоланади.

Пул маблағида ёки бошқа молиявий инструментда нетто, ёки молиявий инструментларни айирбошлаш орқали, ҳисоб-китобни амалга ошириш мумкин бўлган номолиявий моддани сотиб олиш ёки сотиш бўйича чиқарилган опцион мазкур Стандартнинг қўллаш доирасидадир. Бундай шартнома ташкилотнинг кўзда тутган хариди, сотуви ёки фойдаланиш талабларига мувофиқ номолиявий моддани қабул қилиш ёки йетказиб бериш мақсадида тузилиши мумкин эмас.

- Молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг амортизацияланган

қиймати

- ҳисобдан чиқариш
- дериватив
- эффектив фоиз усули
- молиявий кафолат шартномаси
- ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар фойда ёки зарардаҳисобга

олинадиган молиявий мажбурият

- қатъий мажбурият
- прогнозланадиган битим
- хеж самарадорлиги
- хежланган модда
- хежлаш инструменти
- савдо учун мўлжалланган
- одатий олди-сотди
- битимга оид харажатлар.

Мазкур Стандартда “шартнома” ва “шартномавий” икки ёки ундан ортиқ томонлар ўртасидаги иқтисодий оқибатларга ега келишувга тегишли бўлиб, бунда томонлар ушбу оқибатларни четлаб ўтиш бўйича, агарда мавжуд бўлса, жуда кам ихтиёрга ега бўладилар, чунки одатда келишув қонун томонидан амалга ошириладиган бўлади. Шартномалар, ва демак молиявий инструментлар, турли шаклда бўлади ва ёзма шаклда бўлиши зарур эмас.

Мазкур Стандартда ташкилот жисмоний шахсларни, ширкатларни, акционер жамиятларини, траст компанияларини ва давлат ташкилотларини ўз ичига олади.

Молиявий инструмент эмитенти дастлабки тан олишда инструментни ёки унинг таркибий қисмларини, шартномавий келишувнинг моҳиятига ҳамда молиявий мажбурият, молиявий актив ва улушли инструмент таърифларига мувофиқ молиявий мажбурият, молиявий актив ёки улушли инструмент сифатида таснифланиши лозим.

Қачонки эмитент молиявий инструмент молиявий мажбурият эмас, балки улушли инструмент эканлигини аниқлаш учун қўлласа, инструмент улушли инструмент бўлади, фақат ва фақат, қуйидаги иккала (а) ва (б) шартлар қаноатлантирилганда.

(а) Инструмент қуйидагилар бўйича шартномавий мажбуриятни ўз ичига олмайди:

- бошқа ташкилотга пул маблағи ёки бошқа молиявий активни йетказиб бериш; ёки
- эмитент учун потенциал ноқулай бўлган шартларда бошқа ташкилот билан молиявий активларни ёки молиявий мажбуриятларни айирбошлаш.

(б) агар инструмент эмитентнинг ўз улушли инструментлари билан ҳисоб-китоб қилинса ёки қилиниши мумкин бўлса, у:

- нодеривативдир, қайсики эмитент учун ўз улушли инструментларининг ўзгарувчан миқдорини йетказиб бериш бўйича шартномавий мажбуриятни қамраб олмайди; ёки
- деривативдир, қайсики фақат эмитент томонидан ўз улушли

инструментларининг қатъий белгиланган миқдорига қатъий белгиланган пул маблағлари суммасини ёки бошқа молиявий активни айирбошлаш орқали ҳисобкитоб қилинади. Ушбу мақсад учун, ташкилотнинг ўз улушли инструментларининг қатъий белгиланган миқдорини ҳар қандай валютанинг қатъий белгиланган суммасига сотиб олиш бўйича ҳуқуқлар, опционлар ёки варрантлар улушли инструментлардир, агарда ташкилот ўзининг нодериватив улушли инструментларининг бир хил туркумининг амалдаги барча егаларига ҳуқуқлар, опционлар ёки варрантларни пропорционал равишда тақдим еца.

Емитентнинг ўз улушли инструментларини келгусида олиш ёки йетказиб беришга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган, аммо юқоридаги (а) ва (б) шартларни қаноатлантирмайдиган шартномавий мажбурият, жумладан дериватив молиявий инструментдан келиб чиқадиган мажбурият, улушли инструмент эмас.

Қайта сотиладиган инструмент қайта сотиш ҳуқуқидан фойдаланганда емитентнинг ушбу инструментни пул маблағига ёки бошқа молиявий активга қайта сотиб олиш ёки сўндириш бўйича шартномавий мажбуриятини ўз ичига олади. Молиявий мажбурият таърифига истисно тариқасида, бундай мажбуриятни ўз ичига оладиган инструмент улушли инструмент сифатида таснифланади, агарда у қуйидаги барча жиҳатларга ега бўлса:

(а) У егасига ташкилотнинг ликвидацияси пайтида ташкилот соф активларининг пропорционал улушига ҳуқуқ беради. Ташкилотнинг соф активлари бу унинг активларига нисбатан бошқа барча талабларни чегириб ташлагандан сўнг қоладиган активлардир. Пропорционал улуш қуйидагича аниқланади:

- ликвидация жараёнидаги ташкилотнинг соф активларини тенг миқдордаги бирликларга бўлган ҳолда; ва

- ушбу миқдорни молиявий инструмент егаси егалигидаги бирликлар сонига кўпайтирган ҳолда.

(б) Инструмент бошқа барча инструментлар туркумларига субординация бўлган инструментлар туркумига киради. Бундай туркум таркибида бўлиш учун инструмент:

- ликвидация жараёнида ташкилотнинг активларига нисбатан бошқа талаблардан устиворликка ега эмас ва

- бошқа барча инструментлар туркумларига субординация бўлган инструмент туркуми таркибида бўлишидан олдин инструмент бошқа инструментга айлантирилиши зарур бўлмаслиги керак.

(в) Бошқа барча инструментлар туркумларига субординация бўлган инструментлар туркумидаги барча молиявий инструментлар бир хил жиҳатларга егадир. Масалан, уларнинг барчаси қайта сотиладиган бўлиши шарт ҳамда қайта сотиб олиш ёки сўндириш нархини ҳисоблаш бўйича формула ёки бошқа усул ушбу туркумдаги барча инструментлар учун бир хилдир.

(г) Емитент томонидан инструментни пул маблағига ёки бошқа активга қайта сотиб олиш ёки сўндириш бўйича шартномавий мажбуриятдан ташқари, инструмент бошқа ташкилотга пул маблағи ёки бошқа актив йетказиб бериш ёки ташкилот учун потенциал ноқулай бўлган шартларда бошқа ташкилот билан

молиявий активларни ёки молиявий мажбуриятларни айирбошлаш бўйича ҳар қандай шартномавий мажбуриятни ўз ичига олмайди, ҳамда у молиявий мажбурият таърифининг (б) қуйи бандида белгиланганидек ташкилотнинг ўз улушли инструментлари билан ҳисоб-китоб қилинадиган ёки қилиниши мумкин бўлган шартнома емас.

(д) Инструментнинг муддати давомида унга тегишли бўлган жами кутилаётган пул оқимлари сезиларли тарзда инструмент муддати давомида фойда ёки зарарга, ташкилотнинг тан олинган соф активлардаги ўзгаришга ёки тан олинган ва тан олинмаган соф активларининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришга асосланган бўлади (бунда инструментнинг ҳар қандай таъсирларини истисно қилган ҳолда).

Инструмент улушли инструмент сифатида таснифланиши учун, юқоридаги барча жиҳатларга ега бўлган инструментга қўшимча тарзда, эмитент қуйидагиларга ега бошқа молиявий инструмент ёки шартномага ега бўлмаслиги шарт:

(а) сезиларли тарзда фойда ёки зарарга, ташкилотнинг тан олинган соф активлардаги ўзгаришга ёки тан олинган ва тан олинмаган соф активларининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришга асосланган жами пул оқимлари (бунда бундай инструмент ёки шартноманинг ҳар қандай таъсирларини истисно қилган ҳолда) ва

(б) қайта сотиладиган инструмент егалари учун қолдиқ даромадни сезиларли тарзда чегаралайдиган ёки қатъий белгиладиган таъсир.

Мазкур шартни қўллаш мақсадларида, ташкилот инструмент егаси билан тузилган номолиявий шартномаларни кўриб чиқмаслиги лозим, қайсики инструмент егаси бўлмаган билан эмитент ташкилот ўртасида содир бўлиши мумкин бўлган эквивалент шартноманинг шартномавий шартлари ва шароитларига ўхшаш шартномавий шартлар ва шароитларга ега. Агарда ташкилот мазкур шарт бажарилганлигини аниқлай олмаса, у қайта сотиладиган инструментни улушли инструмент сифатида таснифламаслиги лозим.

Фақат ликвидация жараёнида ташкилотга унинг соф активларидаги пропорционал улушни бошқа томонга йетказиб бериш мажбуриятини юклайдиган инструментлар ёки инструментнинг таркибий қисмлари

Баъзи молиявий инструментлар фақат ликвидация жараёнида эмитент ташкилотнинг унинг соф активларидаги пропорционал улушни бошқа томонга йетказиб бериш бўйича шартномавий мажбуриятини ўз ичига олади. Мажбурият юзага келади, чунки ликвидациянинг содир бўлиши аниқ ёки ташкилот назоратидан ташқарида бўлади (масалан, муддати чекланган ташкилот) ёки содир бўлиши аниқ емас, аммо инструмент егаси ихтиёрида бўлади. Молиявий мажбурият таърифига истисно тариқасида, бундай мажбуриятни ўз ичига оладиган инструмент улушли инструмент сифатида таснифланади, агар у қуйидаги барча жиҳатларга ега бўлса:

(а) У егасига ташкилотнинг ликвидацияси пайтида ташкилот соф активларининг пропорционал улушига ҳуқуқ беради. Ташкилотнинг соф активлари бу унинг активларига нисбатан бошқа барча талабларни чегириб ташлагандан сўнг қоладиган активлардир. Пропорционал улуш қуйидагича

аниқланади:

- ликвидация жараёнидаги ташкилотнинг соф активларини тенг миқдордаги бирликларга бўлган ҳолда; ва

- ушбу миқдорни молиявий инструмент егаси егалигидаги бирликлар сонига кўпайтирган ҳолда.

(б) Инструмент бошқа барча инструментлар туркумларига субординация бўлган инструментлар туркумига киради. Бундай туркум таркибида бўлиш учун инструмент:

- ликвидация жараёнида ташкилотнинг активларига нисбатан бошқа талаблардан устиворликка ега эмас ва

- бошқа барча инструментлар туркумларига субординация бўлган инструмент туркуми таркибида бўлишидан олдин инструмент бошқа инструментга айлантирилиши зарур бўлмаслиги керак.

(в) Бошқа барча инструментлар туркумларига субординация бўлган инструментлар туркумидаги барча молиявий инструментлар ликвидация жараёнида эмитент ташкилотнинг унинг соф активларидаги пропорционал улушни йетказиб бериш бўйича бир хил шартномавий мажбуриятига ега бўлишлари шарт.

Инструмент улушли инструмент сифатида таснифланиши учун, юқоридаги барча жиҳатларга ега бўлган инструментга кўшимча тарзда, эмитент қуйидагиларга ега бошқа молиявий инструмент ёки шартномага ега бўлмаслиги шарт:

(а) сезиларли тарзда фойда ёки зарарга, ташкилотнинг тан олинган соф активлардаги ўзгаришга ёки тан олинган ва тан олинмаган соф активларининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришга асосланган жами пул оқимлари (бунда бундай инструмент ёки шартноманинг ҳар қандай таъсирларини истисно қилган ҳолда) ва

(б) инструмент егалари учун қолдиқ даромадни сезиларли тарзда чегаралайдиган ёки қатъий белгилайдиган таъсир.

Мазкур шартни қўллаш мақсадларида, ташкилот инструмент егаси билан тузилган номолиявий шартномаларни кўриб чиқмаслиги лозим, қайсики инструмент егаси бўлмаган билан эмитент ташкилот ўртасида содир бўлиши мумкин бўлган эквивалент шартноманинг шартномавий шартлари ва шароитларига ўхшаш шартномавий шартлар ва шароитларга ега. Агар ташкилот мазкур шарт бажарилганлигини аниқлай олмаса, у инструментни улушли инструмент сифатида таснифламаслиги лозим.

Фақат ликвидация жараёнида ташкилотга унинг соф активларидаги пропорционал улушни бошқа томонга йетказиб бериш мажбуриятини юклайдиган инструментларни ва қайта сотиладиган инструментларни қайта таснифлаш

Молиявий инструмент мазкур бандларда келтирилган барча жиҳатларга ега бўлишдан ва ушбу бандлардаги шартларни қаноатлантиришдан тўхтаган санадан бошлаб, ташкилот молиявий инструментни қайта таснифлаши лозим.

Ташкилот инструментни қайта таснифлашни қуйидагича ҳисобга олиши лозим:

(а) Улушли инструмент ташкилот улушли инструментни молиявий мажбурият сифатида қайта таснифлаши лозим. Молиявий мажбурият қайта таснифланган санадаги инструментнинг ҳаққоний қиймматида баҳоланиши лозим. Ташкилот улушли инструментнинг баланс қиймати билан молиявий мажбуриятнинг қайта таснифланган санадаги ҳаққоний қиймати ўртасидаги ҳар қандай фарқни капиталда тан олиши лозим.

(б) Молиявий мажбурият ташкилот ушбу молиявий мажбуриятни капитал сифатида қайта таснифлаши лозим. Улушли инструмент қайта таснифланадиган санадаги молиявий мажбуриятнинг баланс қиймматида баҳоланиши лозим.

Пул маблағини ёки бошқа молиявий активни йетказиб бериш бўйича шартномавий мажбуриятнинг мавжуд эмаслиги.

Молиявий мажбуриятнинг улушли инструментдан фарқлашнинг муҳим жиҳати шундаки, молиявий инструмент бўйича бир томоннинг (эмитент) бошқа томонга (инструмент егаси) пул маблағини ёки бошқа молиявий активни йетказиб бериш бўйича ёки эмитент учун потенциал ноқулай бўлган шартларда инструмент егаси билан молиявий активларни ёки молиявий мажбуриятларни айирбошлаш бўйича шартномавий мажбуриятининг мавжудлигидир. Улушли инструмент егаси ҳар қандай дивидендларнинг ёки бошқа капитал тақсимотларнинг пропорционал улушини олиш ҳуқуқига ега бўлиши мумкинлигига қарамасдан, эмитент бундай тақсимотларни амалга ошириш бўйича шартномавий мажбуриятга ега эмас чунки ундан бошқа томонга пул маблағини ёки бошқа молиявий активни йетказиб беришни талаб қилиб бўлмайди.

Молиявий инструментнинг юридик мақоми эмас, балки унинг моҳияти ташкилотнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботида унинг таснифланишини таъкидлайди. Моҳият одатда юридик мақомга мутаносибдир, аммо ҳар доим ҳам эмас. Баъзи молиявий инструментлар капиталнинг юридик мақоми олади, аммо улар моҳиятан мажбуриятлардир ва бошқалари еса улушли инструментлар билан боғлиқ жиҳатларни ҳамда молиявий мажбуриятлар билан боғлиқ жиҳатларни қамраб олиши мумкин. Масалан:

(а) қатъий белгиланган ёки аниқланадиган келгуси санада қатъий белгиланган ёки аниқланадиган суммасида эмитент томонидан мажбурий сўндиришни таъминлайдиган, ёки егасига эмитентдан маълум санада ёки ундан кейин қатъий белгиланган ёки аниқланадиган суммасида инструментни сўндириш бўйича талаб етиш ҳуқуқини берадиган, имтиёзли акциялар молиявий мажбурият ҳисобланади.

(б) Егаси учун молиявий инструментни эмитентга пул маблағи ёки бошқа молиявий актив евазига қайтариш ҳуқуқини берадиган молиявий инструмент (қайта сотиладиган инструмент) молиявий мажбуриятдир. Пул маблағи ёки бошқа молиявий активлар суммаси индекс ёки бошқа кўтарилиши ёки пасайиши мумкин бўлган модда асосида аниқланганда ҳам, молиявий инструмент молиявий мажбурият бўлади. Егасида инструментни пул маблағи ёки бошқа молиявий актив евазига қайтариш ихтиёри мавжудлиги шуни англатадики, қайта сотиладиган инструмент молиявий мажбурият таърифини

қаноатлантиради. Масалан, очик ўзаро фондлари, бирлик трастлари, ширкатлар ҳамда баъзи кооператив хўжалик субъектлари ўзларининг бирлик егаларини ёки аъзоларини ҳар қандай вақтда эмитентдаги ўз улушларини пул маблағига сўндириш ҳуқуқлари билан таъминлашлари мумкин, қайсики бирлик егалари ёки аъзолар улушларини молиявий мажбурият сифатида таснифлашга олиб келади. Бироқ, молиявий мажбурият сифатида таснифлаш қўйилган капиталга ега бўлмаган ташкилот молиявий ҳисоботларида “бирлик егаларига тегишли соф актив қиймати” ва “бирлик егаларига тегишли соф актив қийматидаги ўзгариш” га ўхшаш изоҳлардан фойдаланишни ёки жами аъзолар улушлари капитал таърифини қаноатлантирадиган резервлар ва қаноатлантирмайдиган қайта сотиладиган инструментларига ўхшаш моддаларни қамраб олишини кўрсатиш бўйича қўшимча маълумотлар очиб берилишини тақиқламайди.

Агар ташкилот шартномавий мажбуриятни ҳисоб-китоб қилишда пул маблағи ёки бошқа молиявий активни йетказиб беришдан қочиш бўйича шарциз ҳуқуқга ега бўлмаса, мажбурият молиявий мажбурият таърифини қаноатлантиради. Масалан:

(а) Ташкилотнинг шартномавий мажбуриятни бажариш қобилиятига чеклов, масалан, хорижий валютага ега бўлиш ҳуқуқининг мавжуд эмаслиги ёки назорат органларидан тўлов учун рухсат олиш зарурлиги, ташкилотнинг шартномавий мажбуриятларини ёки ушбу инструмент бўйича егасининг шартномавий ҳуқуқларини инкор етмайди.

(б) Контрагент сўндириш бўйича ўз ҳуқуқини амалга ошириши шarti асосида бўлган шартномавий мажбурият молиявий мажбурият ҳисобланади, чунки ташкилот пул маблағи ёки бошқа молиявий активни йетказиб беришдан қочиш бўйича шарциз ҳуқуқга ега емас.

Пул маблағи ёки бошқа молиявий активни йетказиб бериш бўйича шартномавий мажбуриятни аниқ белгиламайдиган молиявий инструмент ўзининг шартлари ва шароитлари орқали мажбуриятни билвосита белгилаши мумкин. Масалан:

(а) молиявий инструмент фақатгина ташкилот тақсимотларни амалга ошира олмаганда ёки инструментни сўндира олмаганда ҳисоб-китоб қилинадиган номолиявий мажбуриятни ўз ичига олиши мумкин. Агар ташкилот фақатгина номолиявий мажбуриятни ҳисоб-китоб қилиш орқали пул маблағи ёки бошқа молиявий активнинг ўтказилишига йўл қўймаслик имконияти бўлса, молиявий инструмент молиявий мажбурият ҳисобланади.

(б) молиявий инструмент молиявий мажбурият ҳисобланади, агарда у ҳисоб-китобда ташкилот томонидан қуйидагилардан бирининг йетказиб берилишини таъминласа:

- ёки пул маблағи ёки бошқа молиявий актив; ёки
- қиймати сезиларли тарзда пул маблағи ёки бошқа молиявий актив қийматидан ошиши аниқ бўлган ўз акциялари.

Ташкилот пул маблағи ёки бошқа молиявий активни йетказиб бериш бўйича аниқ шартномавий мажбуриятга ега эмаслигига қарамасдан, акция билан ҳисоб-китоб қилиш муқобилининг қиймати ташкилот пул маблағида ҳисоб-китоб қилганидек бўлади. Ҳар қандай ҳолатда, инструмент егаси моҳиятан

камида пул маблағида ҳисоб-китоб қилиш имконига тенг суммани олиши кафолатланган.

Шартнома фақат ташкилотнинг ўз улушли инструментларини олиш ёки йетказиб бериш натижасига олиб келиши билан улушли инструмент бўлиб қолмайди. Ташкилот ўз акцияларининг ёки бошқа улушли инструментларнинг ўзгарувчан миқдорини олиш ёки йетказиб бериш бўйича шартномавий ҳуқуқ ёки мажбуриятга ега бўлиши мумкин, бунда олиниши ёки йетказиб берилиши керак бўлган ташкилотнинг ўз улушли инструментларининг ҳаққоний қиймати шартномавий ҳуқуқ ёки мажбуриятнинг қийматига тенг бўлади. Бундай шартномавий ҳуқуқ ёки мажбурият қатъий белгиланган қийматда ёки ташкилотнинг ўз улушли инструментларининг бозор нархидан ташқари ўзгарувчининг ўзгаришларига боғлиқ тарзда қисман ёки тўлиқ тебранади қийматда бўлиш мумкин (масалан, фоиз ставкаси, товар нархи ёки молиявий инструмент нархи). Иккита мисол: (а) 100ВБ қийматига тенг миқдорда ташкилотнинг ўз улушли инструментларини йетказиб бериш бўйича шартнома; ва (б) 100 унция олтин қийматига тенг миқдорда ташкилотнинг ўз улушли инструментларини йетказиб бериш бўйича шартнома. Ташкилот бундан шартномани ўзининг улушли инструментларини йетказиб бериш орқали бажариши шартлигига ёки бажара олишига қарамасдан, бундай шартнома ташкилотнинг молиявий мажбурияти ҳисобланади. У улушли инструмент емас, чунки ташкилот шартномани бажаришда ўз улушли инструментларининг ўзгарувчан миқдоридан шартномани ҳисоб-китоб қилиш воситалари сифатида фойдаланади. Шу туфайли, шартнома ташкилотнинг барча мажбуриятлари чегирилгандан сўнг унинг активидаги қолдиқ улушни тасдиқламайди.

Ташкилот томонидан ўз улушли инструментларининг қатъий белгиланган миқдорини пул маблағи ёки бошқа молиявий активнинг қатъий белгиланган қиймати евазига (олиш ёки) йетказиб бериш орқали бажариладиган шартнома улушли инструмент ҳисобланади. Масалан, контрагентга ўрнатилган нархда ёки облигациянинг ўрнатилган асосий суммасида ташкилот акцияларининг қатъий белгиланган миқдорини сотиб олиш ҳуқуқини берадиган чиқарилган акция опционни улушли инструмент ҳисобланади. Шартномани бажаришда тўланадиган ёки олинадиган пул маблағи ёки бошқа молиявий активнинг қийматига ёки олинадиган ёки йетказиб берилладиган улушли инструментларнинг миқдorigа таъсир қилмаган ҳолда, бозор фоиз ставкасининг тебранишлари натижасида юзага келадиган шартноманинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар шартноманинг улушли инструмент бўлишидан тўсмайди. Ҳар қандай олинган бадал (масалан, чиқарилган опцион учун олинган мукофот ёки ташкилотнинг ўз акцияларига варрант) бевосита капиталга қўшилади. Ҳар қандай тўланган бадал (масалан, сотиб олинган опцион учун тўланган мукофот) бевосита капиталдан чегирилади. Улушли инструментнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар молиявий ҳисоботларда тан олинмайди.

Ташкилот учун ўз улушли инструментларини пул маблағи ёки бошқа молиявий активга сотиб олиш мажбуриятини қамраб оладиган шартнома сўндириш суммасининг келтирилган қийматига тенг бўлган (масалан, форвардни қайта сотиб олиш қийматининг, опционни бажариш қийматининг ёки

бошқа сўндириш суммасининг келтирилган қийматига тенг) молиявий мажбурият юзага келишига сабаб бўлади. Ҳаттоки шартноманинг ўзи улушли инструмент бўлса ҳам бу ҳолат содир бўлади. Бунга мисол сифатида, форвард шартномаси бўйича ташкилотнинг ўз улушли инструментларини пул маблағига сотиб олиш мажбуриятни келтириши мумкин. Молиявий мажбурият дастлаб сўндириш суммасининг келтирилган қийматида тан олинади ва у капитал таркибидан мажбуриятларга ўтказилади (қайта таснифланади). Сўнгра, молиявий мажбурият МҲХС 9 га мувофиқ баҳоланади. Агар шартноманинг муддати ушбу мажбурият бажарилмасдан тугаса, молиявий мажбуриятнинг баланс қиймати капитал таркибига қайта таснифланади. Ташкилотнинг ўз улушли инструментларини сотиб олиш бўйича шартномавий мажбурияти сўндириш суммасининг келтирилган қийматига тенг молиявий мажбурият юзага келишига сабаб бўлади, агарда сотиб олиш бўйича мажбурият контрагент томонидан сўндириш ҳуқуқи амалга оширилишига шартли равишда боғлиқ бўлса ҳам (масалан, контрагентга ташкилотнинг ўз улушли инструментларини белгиланган нархда ташкилотга сотиш ҳуқуқини берадиган чиқарилган “пут” опциони).

Ташкилот томонидан пул маблағи ёки бошқа молиявий активнинг ўзгарувчан қиймати евазига ўз улушли инструментларининг қатъий белгиланган миқдорини йетказиб бериш ёки олиш орқали бажариладиган шартнома молиявий актив ёки молиявий мажбурият бўлиб ҳисобланади. Мисол тариқасида, ташкилот учун 100 та ўз улушли инструментларини 100 унция олтин қийматига тенг қийматдаги пул маблағи евазига йетказиб бериш шартномасини келтириш мумкин.

Молиявий инструмент ташкилотдан емитент билан инструмент егасининг назоратидан ташқарида бўлган ноаниқ келгуси ходисаларнинг, масалан фонд биржаси индекси, истеъмол нарх индекси, фоиз ставкаси ёки солиқ талаблари ёки емитентнинг келгуси даромадлари, соф фойда ёки қарзни-капиталга коэффициентига ўзгариш, содир бўлиши ёки содир бўлмаслиги пайтида (ёки ноаниқ ҳолатлар оқибатида) пул маблағлари ёки бошқа молиявий активни йетказиб бериш билан ҳисоблашиш ёки ушбу молиявий инструмент молиявий мажбурият сифатида тан олинисига олиб келадиган бошқа йўл билан ҳисоблашишни талаб етиши мумкин. Бундай инструментнинг емитенти пул маблағи ёки бошқа молиявий активни йетказиб беришдан (ёки молиявий инструментни молиявий мажбурият сифатида тан олинисига олиб келадиган бошқа йўл билан ҳисоблашишдан) қочиш бўйича шарқиз ҳуқуққа ега емас. Шунинг учун у молиявий мажбурият бўлиб ҳисобланади, бундан қуйидаги ҳолатлар истисно:

(а) пул маблағлари ёки бошқа молиявий актив билан ҳисоблашиш (ёки молиявий мажбуриятга олиб келадиган бошқа йўл билан ҳисоблашиш)ни талаб қилиши мумкин бўлган шартли ҳисоблашиш шартли шарноманинг ягона қисми емас;

(б) фақат емитентнинг ликвидация ҳолатида емитентдан мажбуриятни пул маблағлари тўланиши ёки бошқа молиявий актив берилиши (ёки молиявий инструментни молиявий мажбурият сифатида тан олинисига олиб

келадиган бошқа йўл билан ҳисоблашиш) орқали бажариш талаб қилиниши мумкин.

Қачонки дериватив тусидаги молиявий инструмент шартноманинг бир томонига у бўйича ҳисоб-китоблар қандай тарзда амалга оширилиши юзасидан танлаш имконини берса (масалан, эмитент ёки инструмент егаси ҳисоб-китобдаги фарқни соф асосда пул маблағлари билан тўлашни ёки акцияларни пул маблағларига айирбошлаш орқали ҳисоб-китоб қилишни танлаши мумкин), барча ҳисоб-китоб муқобиллари ушбу инструментни улушли инструмент бўлишига олиб келмагунча, у молиявий актив ёки молиявий мажбурият бўлиб ҳисобланади.

Молиявий мажбурият бўлган ҳисоб-китоб имконига ега дериватив молиявий инструментга мисол сифатида, эмитент ҳисоб-китобдаги фарқни соф асосда пул маблағлари билан тўлашни ёки ўзининг акцияларини пул маблағига айирбошлаш орқали ҳисоб-китоб қилишни танлай оладиган акция опционини келтириш мумкин. Худди шунингдек, номолиявий моддани ташкилотнинг улушли инструментлари евазига сотиб олиш ёки сотиш бўйича баъзи шартномалар мазкур Стандартнинг қўллаш доирасидадир, чунки улар номолиявий моддани йетказиб бериш орқали ёки пул маблағларида соф асосда ҳисоблашиш ёки бошқа молиявий инструментни бериш орқали ҳисоб-китоб қилиниши мумкин. Бундай шартномалар молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар ҳисобланади ва улушли инструмент ҳисобланмайди.

Нодериватив молиявий инструмент эмитенти молиявий инструмент ҳам мажбурият ҳам капитал таркибий қисмини қамраб олишини аниқлаш учун унинг шартларини баҳолаши лозим. Бундай таркибий қисмлар алоҳида молиявий мажбуриятлар, молиявий активлар ёки улушли инструментлар сифатида таснифланиш лозим.

Ташкилот молиявий инструментнинг шундай таркибий қисмларини алоҳида тан оладигани, қайсики (а) ташкилотнинг молиявий мажбуриятини вужудга келтиради ва (б) инструмент егасига уни ташкилотнинг улушли инструментида айлантириш имконини беради. Маасалан, егаси томонидан ташкилотнинг оддий акцияларининг қатъий белгиланган миқдорига айлантириладиган облигация ёки шунга ўхшаш инструмент мураккаб молиявий инструмент ҳисобланади. Ташкилот нуқтаи назаридан, бундай инструмент иккита таркибий қисмни қамраб олади: молиявий мажбурият (пул маблағи ёки бошқа молиявий инструментни йетказиб бериш бўйича шартномавий келишув) ва улушли инструмент (егасига уни, белгиланган давр мобайнида, ташкилотнинг оддий акцияларининг қатъий белгиланган миқдорига айлантириш ҳуқуқини берадиган “колл” опциони). Бундай инструмент чиқаришнинг иқтисодий натижаси муддатидан олдин ҳисоб-китоб қилиниш мумкин бўлган қарз инструменти ҳамда оддий акцияларни сотиб олиш варрантларини бир вақтни ўзида чиқариш, ёки ажраладиган акция сотиб олиш варрантларига ега қарз инструменти чиқариш билан сезиларли тарзда бир хилдир. Демак, барча ҳолатларда, ташкилот ўзининг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида мажбурият ва капитал таркибий қисмларини алоҳида тақдим этади.

Конвертация қилинадиган инструментнинг мажбурият ва капитал

таркибий қисмларининг таснифланиши конвертация опциони амалга оширилишининг еҳтимолидаги ўзгариш натижасида қайта кўриб чиқилмайди, бунда ҳаттоки опционни амалга ошириш баъзи инструмент егаларига иқтисодий жиҳатдан афзалроқ бўлиб кўриниши мумкин бўлганда ҳам. Инструмент егалари доимо кутилиши мумкин бўлган йўналишда ҳаракат қилмасликлари мумкин, чунки, масалан, конвертациядан юзага келадиган солиқ оқибатлари инструмент егалари орасида турлича бўлиши мумкин. Бундан ташқари, конвертация еҳтимоли вақтдан вақтга ўзгариб туради. Ташкилотнинг келгуси тўловларни амалга ошириш бўйича шартномавий мажбурияти, у конвертация орқали сўндирилмагунча, инструментнинг муддати келмагунча, ёки айрим бошқа операция амалга оширилмагунча, амалда қолаверади.

МҲҲС 9 да молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг баҳоланиши кўриб чиқилади. Улушли инструментлар ташкилотнинг барча мажбуриятлари чегирилгандан сўнг унинг активдаги қолдиқ улушни тасдиқловчи инструментлардир. Шу туфайли, қачон мураккаб молиявий инструментнинг дастлабки баланс қиймати унинг капитал билан мажбурият таркибий қисмларга тақсимланаётганда, капитал таркибий қисм бутун инструментнинг ҳаққоний қийматидан мажбурият таркибий қисм учун алоҳида аниқланган қийматни чегирилгандан сўнгги қолдиқ қийматга тенг бўлади. Капитал таркибий қисмдан (масалан, капитал конвертацияси опциони) ташқари мураккаб молиявий инструментга сингдирилган ҳар қандай дериватив жиҳатларнинг (масалан, “колл” опциони) қиймати мажбурият таркибий қисмга киритилади. Мажбурият ва капитал таркибий қисмларга тегишли дастлабки тан олишдаги баланс қийматларининг йиғиндиси доимо инструмент бутун бир инструмент бўлгандаги ҳаққоний қийматга тенг бўлади. Инструментнинг таркибий қисмларини алоҳида дастлабки тан олишда ҳеч қандай фойда ёки зарар вужудга келмайди.

Оддий акцияларга конвертация бўладиган облигация эмитенти аввал мажбурият таркибий қисмнинг баланс қийматини бирлашган капитал таркибий қисмга ега бўлмаган ўхшаш мажбуриятнинг (жумладан ҳар қандай сингдирилган но-капитал дериватив жиҳатлар) ҳаққоний қийматини баҳолаш орқали аниқлайди. Сўнгра, инструментни оддий акцияларга конвертация қилиш опциони кўринишидаги улушли инструментнинг баланс қиймати бутун бир мураккаб молиявий инструментнинг ҳаққоний қийматидан молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қийматини чегирган ҳолда аниқланади.

Агар ташкилот ўз улушли инструментларини қайта сотиб олса, ушбу инструментлар (“қайта сотиб олинган ўз акциялари”) капиталдан чегирилиши лозим. Ташкилотнинг ўз улушли инструментларини сотиб олишда, сотишда, чиқаришда ёки бекор қилишда фойда ёки зарар таркибида ҳеч қандай фойда ёки зарар тан олинмаслиги лозим. Бундай қайта сотиб олинган ўз акциялари ташкилот ёки жамланган гуруҳнинг бошқа аъзолари томонидан сотиб олиниши ва егалик қилиниши мумкин. Тўланган ёки олинган товон (қоплаш қиймати) бевосита капиталда тан олиниши лозим.

Сақланаётган қайта сотиб олинган ўз акциялари миқдори БҲҲС 1 “Молиявий ҳисоботларни тақдим етиш” га мувофиқ алоҳида молиявий ҳолат

тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда очиб берилди. Агар ташкилот ўз улушли инструментларини ўзаро боғлиқ шахслардан қайта сотиб олса, у БҲХС 24 “Ўзаро боғлиқ шахсларга тегишли маълумотларни очиб бериш”га мувофиқ маълумотлар очиб берилишини таъминлайди.

Молиявий инструментга ёки молиявий мажбурият бўлган таркибий қисмга тегишли фоиз, дивидендлар, фойда ва зарарлар даромад ёки харажат сифатида фойда ёки зарар таркибида тан олинishi лозим. Улушли инструмент егаларига тақсимланадиган суммалар ташкилот томонидан бевосита капиталда тан олинishi лозим. Капиталга тегишли операция бўйича битимга оид харажатлар капиталдан камайиш сифатида ҳисобга олинishi лозим.

Улушли инструмент егаларига тақсимланадиган суммаларга ва капитал операция бўйича битимга оид харажатларига тегишли фойда солиғи БҲХС 12 “Фойда солиқлари” га мувофиқ ҳисобга олинishi лозим.

Молиявий инструментнинг молиявий мажбурият ёки улушли инструмент сифатида таснифланиши ушбу инструментга тегишли фоиз, дивидендлар, фойда ва зарарлар даромад ёки харажат сифатида фойда ёки зарар таркибида тан олинishiни белгилайди. Шундай экан, бутунлигича мажбурият сифатида тан олинган акциялар бўйича дивиденд тўловлари облигация бўйича фоиз тўловларидек харажат сифатида тан олинади. Шунингдек, улушли инструментларнинг сўндирилишлари ёки қайта молиялаштирилишлари капиталдаги ўзгаришлар сифатида тан олинса, молиявий мажбуриятларнинг сўндирилишлари ёки қайта молиялаштирилишлари билан боғлиқ фойда ёки зарарлар фойда ёки зарар таркибида тан олинади. Улушли инструментнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар молиявий ҳисоботларда тан олинмайди.

Ташкилот одатда ўз улушли инструментларини чиқаришда ёки сотиб олишда турли хил харажатларни амалга оширади. Ушбу харажатлар рўйхатга олиш ва бошқа мажбурий йиғимлари, юридик, бухгалтерия ва бошқа профессионал маслаҳатчиларга тўланган тўловлар, чоп этиш харажатлари ва муҳр йиғимларини қамраб олиши мумкин. Капиталга тегишли операция бўйича битимга оид харажатлар капиталдан камайиш сифатида шундай даражада ҳисобга олиндики, бунда улар капитал операцияга бевосита тегишли қўшимча харажатлар бўлиб, агарда бундай операция бўлмаганда вужудга келмайдиган харажатлар ҳисобланади. Натижасиз тугатилган капиталга тегишли операция бўйича харажатлар харажат сифатида тан олинади.

Мураккаб молиявий инструментни чиқариш билан боғлиқ битимга оид харажатлар тушумларнинг тақсимланишига пропорционал равишда инструментнинг мажбурият ва капитал таркибий қисмларига тақсимланади. Биттадан ортиқ бўлган операцияларга (масалан, бир вақтни ўзида айрим акцияларни чиқариш харажатлари ва бошқа акцияларнинг биржа листинги харажатлари) тегишли бирлашган битимга оид харажатлар ушбу операцияларга оқилона ва уларга ўхшаш операцияларга мутаносиб тарзда бўлган тақсимот асосида тақсимланади.

Давр мобайнида капиталдан камайиш сифатида ҳисобга олинган битимга оид харажатларининг қиймати БҲХС 1 га мувофиқ алоҳида очиб берилди.

Харажатлар сифатида таснифланган дивидендлар фойда ёки зарар ва

бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот(лар)ида бошқа мажбуриятлар бўйича фоизли харажатлар билан бирга ёки алоҳида модда сифатида акс еттирилиши мумкин. Мазкур Стандартнинг талабларига қўшимча тарзда, фоизли харажатлар ва дивидендларнинг очиб берилишига нисбатан БҲҲС 1 ва МҲҲС 7 нинг талаблари қўлланилади. Баъзи ҳолатларда, солиқ чегирмалари каби масалаларга нисбатан фоизли харажатлар билан дивидендлар ўртасидаги фарқ туфайли, уларни фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот(лар)ида алоҳида очиб бериш маъқулдир. Солиқ оқибатларини очиб бериш БҲҲС 12 га мувофиқ амалга оширилади.

Молиявий мажбуриятнинг баланс қийматидаги ўзгаришларга тегишли фойда ва зарарлар фойда ёки зарар таркибида даромад ёки харажат сифатида тан олинади, бунда ҳаттоки улар пул маблағи ёки бошқа молиявий актив евазига ташкилотнинг активларидаги қолдиқ улушга нисбатан ҳуқуқни ўз ичига олган инструментга тегишли бўлса ҳам. БҲҲС 1 га асосан ташкилот бундай инструментни қайта баҳолашдан вужудга келадиган ҳар қандай фойда ёки зарарни умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида тақдим этади, қачонки у ташкилотнинг фаолият натижасини тушунтиришда ўринли бўлса.

Молиявий актив ва молиявий мажбурият ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши ва бунинг натижасида соф фарқ молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс еттирилиши лозим, фақатгина қачонки ташкилот:

(а) жорий пайтда тан олинган қийматларни ҳисобга олиш учун юридик бириктирган ҳуқуққа ега бўлганда; ва

(б) ёки нетто асосда ҳисоб-китобни амалга оширишни ёки активни сотиш ва бир вақтни ўзида мажбуриятни ҳисоб-китоб қилишни кўзлаганда.

Ҳисобдан чиқариш мезонига тўғри келмайдиган молиявий активнинг ўтказилишини ҳисобга олишда, ташкилот ўтказилган актив ва унга боғланган мажбуриятни ўзаро ҳисоб-китоб қилмаслиги лозим.

Мазкур Стандарт молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни нетто (соф) асосда акс еттиришни талаб этади, қачонки ушбу ҳисоб-китобни амалга ошириш ташкилот томонидан икки ёки ундан ортиқ алоҳида молиявий инструментларни ҳисоб-китоб қилишдан кутилган келгуси пул оқимларини акс еттирса. Қачонки ташкилот ягона соф қийматни олиш ёки тўлаш ҳуқуқига ега бўлса ва буни амалга оширишни кўзласа, ташкилот моҳиятан фақат ягона молиявий активга ёки молиявий мажбуриятга ега бўлади. Бошқа ҳолатларда, молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар бир биридан алоҳида тарзда ташкилотнинг ресурслари ёки мажбуриятлари сифатидаги уларнинг хусусиятларига мувофиқ тақдим етилади. Тан олинган молиявий актив билан тан олинган молиявий мажбуриятни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ва соф қийматни акс еттириш молиявий активни ёки молиявий мажбуриятни ҳисобдан чиқаришдан фарқ қилади. Ўзаро ҳисоб-китоб фойда ёки зарарни тан олишга олиб келмаса ҳам, молиявий инструментнинг ҳисобдан чиқарилиши нафақат молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдан олдин тан олинган моддани чиқариб ташлашга, балки фойда ёки зарарни тан олинишига ҳам олиб келиши мумкин.

Ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқи – шартнома асосида ёки бошқа ўрнатилган тартибда, кредиторга тўланиши лозим бўлган қийматнинг бир

қисмига ёки барчасига нисбатан кредитордан олинishi лозим бўлган қиймат орқали қоплаш ёки бошқа ҳолларда бекор қилиш бўйича қарздорнинг юридик ҳуқуқи ҳисобланади. Одатдан ташқари ҳолатларда, қарздор кредиторга тўланиши лозим бўлган қийматга нисбатан учинчи томондан олинishi лозим бўлган қийматдан фойдаланиш бўйича юридик ҳуқуққа ега бўлиши мумкин, агарда уччала томон ўртасида қарздорнинг ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқини белгилайдиган келишув мавжуд бўлса. Ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқини юридик ҳуқуқ бўлганлиги туфайли, ҳуқуқни тасдиқловчи шартлар бир юридик юрисдикциядан бошқасига қараб ўзгариши мумкин ва томонлар ўртасидаги муносабатларга нисбатан қўлланиладиган қонунлар еътиборга олинishi зарур.

Молиявий актив билан молиявий мажбуриятнинг ўзаро ҳисоб-китоби бўйича юридик ҳуқуқнинг мавжудлиги молиявий актив ва молиявий мажбурият билан боғлиқ ҳуқуқлар ва мажбуриятларга таъсир қилади ҳамда ташкилотнинг кредит ва ликвидлилик рискига дучорлигига таъсир етиши мумкин. Бироқ, ҳуқуқ мавжудлигининг ўзи ҳисобга олиш учун йетарли асос эмас. Ҳуқуқдан фойланиш ва айна пайтда ҳисоб-китобни амалга ошириш кўзда тутилмаса, ташкилотнинг келгуси пул оқимларининг қиймати ва муддатига таъсир етилмаган бўлади. Қачонки ташкилот ҳуқуқдан фойланиш ва айна пайтда ҳисоб-китобни амалга оширишни кўзда туца, актив ва мажбуриятнинг нетто асосда тақдим етилиши кутилган келгуси пул оқимларининг қиймати ва муддатини ҳамда ушбу пул оқимлари дучор бўлган рискларни аниқроқ акс еттиради. Нетто асосда ҳисоб-китоб қилишнинг юридик ҳуқуқисиз бир ёки иккала томоннинг буни амалга ошириш ҳоҳиши ўзаро ҳисоб-китоб қилишни тасдиқлаш учун йетарли эмас, чунки алоҳида молиявий актив ва молиявий мажбурият билан боғлиқ ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ўзгармасдан қолади.

Маълум активлар ва мажбуриятларни ҳисоб-китоб қилишга нисбатан ташкилотнинг ҳоҳиши унинг одатий бизнес амалиёти, молиявий бозорлар талаблари ҳамда нетто ҳисоб-китоб қилиш ёки бир вақтни ўзида ҳисоб-китоб қилиш имкониятини чегаралайдиган бошқа ҳолатлар таъсири остида бўлиши мумкин.

Иккита молиявий инструментларнинг бир вақтни ўзида ҳисоб-китоб қилиниши, масалан, тартибли молиявий бозорда клиринг марказининг фаолият кўрсатиши орқали ёки юзма-юз айирбошлаш орқали содир бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда, пул оқимлари натижада ягона соф қийматга тенг бўлади ва бунда кредит ёки ликвидлилик рискига дучорлик мавжуд бўлмайди. Бошқа ҳолатларда, активнинг тўлиқ қиймати учун кредит рискига ёки мажбуриятнинг тўлиқ қиймати учун ликвидлилик рискига дучор бўлган ҳолда, ташкилот иккита молиявий инструментларни алоҳида миқдорларни олиш ва тўлаш орқали ҳисоб-китоб қилиши мумкин. Бундай риск дучорлари нисбатан қисқа муддатли бўлишига қарамасдан сезиларли бўлиши мумкин. Демак, фақатгина қачон операциялар бир пайтда содир бўлганда, молиявий активнинг сотилиши ва молиявий мажбуриятнинг ҳисоб-китоб қилиниши бир вақтда амалга оширилган деб ҳисобланади.

Бир қанча молиявий инструментларни битта контрагент билан амалга оширадиган ташкилот ушбу контрагент билан “бош ҳисоб-китоб келишуви” ни

тузиши мумкин. Бундай келишув, ҳар қандай бир шартноманинг дефолт ҳолатида ёки тўхтатилганида, келишувда қамраб олинган барча молиявий инструментларнинг ягона нетто ҳисоб-китобини таъминлайди. Ушбу келишувлар одатда молиявий институтлар томонидан касод ҳолатидаги зарарга қарши ёки контрагентнинг ўз мажбуриятларини бажара олмасликка олиб келадиган бошқа ҳолатлардан ҳимояни таъминлаш учун фойдаланилади. Бош ҳисоб-китоб келишуви одатда ҳисобга олиш ҳуқуқини юзага келтиради, қайсики юридик кучга ега бўлади ҳамда фақат дефолтнинг белгиланган ҳолати ёки оддий бизнес фаолиятида содир бўлиши кутилмаган бошқа ҳолатлар содир бўлгандан сўнг алоҳида молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг сотилишига ёки ҳисоб-китоб қилинишига таъсир кўрсатади.

Валюта (пул маблағи) молиявий активдир, чунки у ўзида айирбошлаш воситасини акс еттиради ва шу туфайли молиявий ҳисоботларда барча операциялар баҳоланиши ва тан олинishi учун асос ҳисобланади. Банкдаги ёки шунга ўхшаш молиявий ташкилотдаги пул маблағи депозити молиявий актив ҳисобланади, чунки у депозиторнинг ташкилотдан пул маблағи олиши ёки чек ёзиб бериши бўйича шартномавий ҳуқуқини ёки шунга ўхшаш молиявий инструментни, яъни молиявий мажбуриятни тўлашда кредитор манфаати учун ҳисобдаги маблағга нисбатан молиявий инструментни, акс еттиради.

Келгусида пул маблағи олиш бўйича шартномавий ҳуқуқни акс еттирадиган молиявий активларга ва мос равишда келгусида пул маблағи йетказиб бериш бўйича шартномавий мажбуриятни акс еттирадиган молиявий мажбуриятларга қуйидагилар оддий мисол бўлади:

- (а) савдо бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарзлари;
- (б) олинishi ёки тўланиши лозим бўлган векселлар;
- (в) олинishi ёки тўланиши лозим бўлган кредитлар; ва
- (г) олинishi ёки тўланиши лозим бўлган облигациялар.

Ҳар бир ҳолатда, бир томоннинг пул маблағини олиш бўйича шартномавий ҳуқуқи (ёки тўлаш бўйича мажбурияти) бошқа томоннинг пул маблағини тўлаш бўйича мос шартномавий мажбуриятига (ёки олиш бўйича ҳуқуқига) тўғри келади.

Молиявий инструментнинг бошқа тури шундайки, у учун олинадиган ёки тақдим етиладиган иқтисодий манфаат пулдан ташқари молиявий актив ҳисобланади. Масалан, давлат облигацияларида тўланадиган вексел ўз егасига пул маблағини емас, балки давлат облигацияларини олиш бўйича шартномавий ҳуқуқни, эмитентга еса уларни йетказиб бериш бўйича шартномавий мажбуриятни тақдим этади. Облигациялар молиявий активлар ҳисобланади, чунки улар эмитент ҳукуматнинг пул маблағини тўлаш мажбуриятларини акс еттиради. Шу туфайли, вексел егалик қилувчи ташкилот учун молиявий актив ва вексел эмитенти учун молиявий мажбурият ҳисобланади.

“Муддациз” қарз инструментлари (масалан, муддациз облигациялар, таъминланмаган қарз мажбуриятлари ва капитал векселлари) одатда ноаниқ келажакка чўзилган ҳолда белгиланган саналарда фоиз ҳисобида тўловларни олиш бўйича шартномавий ҳуқуқни беради, бунда у асосий (номинал) қарзни қайтариб олиш ҳуқуқисиз ёки келажакда асосий (номинал) қарзни қайтариб

олиш еҳтимоли жуда кам ёки узоқ келажакка чўзиладиган шартлар асосидаги ҳуқуқ билан бирга бўлиши мумкин. Масалан, ташкилот муддаициз даврда 1000ВБ номинал қийматидаги асосий қарзга нисбатан олдиндан белгиланган 8 фоизлик йиллик тўловни таъминлайдиган молиявий инструмент чиқариши мумкин.¹⁵ Инструмент чиқарилган пайтда бозор фоиз ставкаси 8 фоиз деб фараз қилиб, эмитент дастлабки тан олишда ҳаққоний қиймати (келтирилган қиймати) 1000ВБ га тенг бўлган бир қатор келгуси фоиз тўловларини амалга ошириш бўйича шартномавий мажбуриятни қабул қилади. Инструмент егаси ва эмитенти мувофиқ тарзда молиявий активга ва молиявий мажбуриятга ега бўлади.

Молиявий инструментларни олиш, йетказиб бериш ёки айирбошлаш бўйича шартномавий ҳуқуқ ёки шартномавий мажбуриятнинг ўзи молиявий инструментдир. Шартномавий ҳуқуқлар ёки шартномавий мажбуриятлар занжири молиявий инструмент таърифини қаноатлантиради, агарда у охириги натижада пул маблағи олиш ёки тўлаш ёки улушли инструмент сотиб олиш ёки чиқаришга олиб келса.

Шартномавий ҳуқуқдан фойдаланиш имконияти ёки шартномавий мажбуриятни бажариш талаби аниқ бўлиши мумкин ёки шартли равишда келгуси ҳодисанинг содир бўлишига боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, агар қарздор қарзни тўлай олмаса, молиявий кафолат кредиторнинг кафолатчидан пул маблағи олиш бўйича шартномавий ҳуқуқини ва мос равишда кафолатчининг кредиторга тўлаш бўйича шартномавий мажбуриятини англатади. Кредиторнинг ҳуқуқдан фойдаланиш имконияти ёки кафолатчининг ўз мажбуриятини бажаришига талаб, иккаласи ҳам шартли равишда қарздорнинг келгусида қарзни тўлай олмаслигига боғлиқ бўлишига қарамасдан, олдинги операция ёки ҳодиса (кафолат фаразида) туфайли шартномавий ҳуқуқ ва мажбурият мавжуд. Молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар ҳар доим ҳам молиявий ҳисоботларда тан олинмаслигидан қатъий назар, шартли ҳуқуқ ва мажбурият молиявий актив ва молиявий мажбурият таърифини қаноатлантиради. Ушбу шартли ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг айримлари МҲҲС 4 нинг қўллаш доирасидаги суғурта шартномалари бўлиши мумкин.

БҲҲС 17 “Ижара” асосидаги молиявий ижара, аввало, бир қатор тўловлар бўйича ижарага берувчининг олиш ҳуқуқи ва ижарага олувчининг тўлаш мажбурияти ҳисобланади, бунда ушбу тўловлар кредит шартномасидаги асосий қарз ва фоизларнинг бирлашган тўловлари билан деярли бир хилдир. Ижарага берувчи ўз инвестициясини, ижарага берилган активни ўзини емас, балки ижара шартномаси асосида олинishi лозим бўлган тўловлар қийматида ҳисобга олади. Операцион ижара еса, хизматларга тўланадиган ҳаққа ўхшаш тўловлар евазига ижарага берувчи томонидан активни келуси даврлар учун фойдаланишга топшириш мажбуриятини юклайдиган тугалланмаган шартнома ҳисобланади. Ижарага берувчи ўз инвестициясини, ижара шартномаси асосида келгусида олинадиган ҳар қандай қийматда емас, балки ижарага берилган активни ҳисобга олади. Демак, молиявий ижара молиявий инструмент ҳисобланади ва операцион ижара молиявий инструмент ҳисобланмайди (жорий

¹⁵Мазкур Стандартада монетар суммалар “валюта бирликлари (ВБ)” да белгиланган.

ва келгусида тўланадиган алоҳида тўловлардан ташқари).

Моддий активлар (масалан, асосий воситалар), ижарага берилган активлар ва номоддий активлар (масалан, патентлар ва савдо белгилари) молиявий актив ҳисобланмайди. Бундай моддий ва номоддий активларни назорат қилиш пул оқимини ёки бошқа молиявий активни юзага келтириш имкониятини яратади, аммо у пул маблағи ёки бошқа молиявий активни олишнинг жорий пайтдаги ҳуқуқини юзага келтирмайди.

Келгуси иқтисодий манфаати пул маблағи ёки бошқа молиявий активни олиш эмас, балки товарлар ёки хизматларни қабул қилиш ҳисобланган активлар (масалан, олдиндан тўланган харажатлар) молиявий активлар ҳисобланмайди. Шунингдек, муддати узайтирилган даромад ва кўпгина варрант мажбуриятларига ўхшаш моддалар молиявий мажбурият ҳисобланмайди, чунки улар билан боғлиқ иқтисодий манфаатларнинг чиқими пул маблағи ёки бошқа молиявий активни тўлаш бўйича шартномавий мажбурият эмас, балки товарлар ёки хизматларни йетказиб бериш ҳисобланади.

Шартномавий бўлмаган мажбуриятлар ёки активлар (масалан, ҳукумат томонидан ўрнатиладиган қонуний талаблар натижасида юзага келадиган даромад солиқлари) молиявий мажбуриятлар ёки молиявий активлар ҳисобланмайди. Даромад солиқларини ҳисобга олиш БҲХС 12 орқали амалга оширилади. Шунингдек, БҲХС 37 *“Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар”* да таърифланганидек, билвосита мажбуриятлар шартномалардан келиб чиқмайди ва улар молиявий мажбуриятлар ҳисобланмайди.

Улушли инструментларга мисоллар қайта сотилмайдиган оддий акцияларни, баъзи қайта сотиладиган инструментларни, ликвидация жараёнида ташкилотга унинг соф активларидаги пропорционал улушни бошқа томонга йетказиб бериш мажбуриятини юклайдиган баъзи инструментларни, имтиёзли акцияларнинг айрим турларини, ўз егасига пул маблағи ёки бошқа молиявий активнинг қатъий белгиланган қиймати евазига эмитент ташкилотнинг қайта сотилмайдиган акцияларининг қатъий белгиланган миқдорини сотиб олиш ёки сотиб олишга аъзо бўлиш ҳуқуқини берадиган варрантлар ёки чиқарилган “колл” опционларни ўз ичига олади. Ташкилотнинг пул маблағи ёки бошқа молиявий активнинг қатъий белгиланган қиймати евазига ўз улушли инструментларининг қатъий белгиланган миқдорини чиқариш ёки сотиб олиш мажбурияти ташкилотнинг улушли инструменти ҳисобланади. Бироқ, агар бундай шартнома ташкилотнинг пул маблағи ёки бошқа молиявий активни тўлаш мажбуриятини қамраб олса, у сўндириш суммасининг келтирилган қийматига тенг мажбуриятни ҳам юзага келтиради. Қайта сотилмайдиган оддий акциялар эмитенти мажбуриятни ҳисобга олади, қачонки у расман тақсимотни амалга ошираётганда ва акциядорлар олдида ушбу тақсимотни амалга ошириш бўйича юридик жиҳатдан мажбур бўлганда. Бу дивиденд еълон қилингандан сўнг юзага келадиган ҳолат бўлиши ёки қачон ташкилот ликвидация қилингандан ва мажбуриятлар бажарилгандан сўнг қоладиган ҳар қандай активлар акциядорлар ўртасида тақсимлангандаги ҳолат бўлиши мумкин.

Ташкилотга пул маблағи ёки бошқа молиявий активнинг қатъий

белгиланган қийматини йетказиб бериш евазига ўз улушли инструментларининг қатъий белгиланган миқдорини қайта сотиб олиш ҳуқуқини берадиган харид қилинган “колл” опционни ёки у томонидан сотиб олинган бошқа шунга ўхшаш шартнома ташкилотнинг молиявий активи ҳисобланмайди. Аксинча, бундай шартнома учун тўланган ҳар қандай тўлов капиталдан чегирилади.

Молиявий инструмент субординация туркумига киришини аниқлашда, ташкилот инструментнинг ликвидация жараёнидаги даввосини худди у инструментни таснифлаш санасида ликвидация жараёнида бўлгандек баҳолайди. Агар тегишли ҳолатларда ўзгариш бўлса, ташкилот таснифлашни қайта баҳолаши лозим. Масалан, ташкилот бошқа молиявий инструментни чиқарса ёки сўндирса, бу инструмент бошқа барча инструментлар туркумига субординация бўлган инструментлар туркумига кириш ёки кирмаслигига таъсир қилиши мумкин.

Ташкилот ликвидациясида имтиёзли ҳуқуққа ега бўлган инструмент ташкилотнинг соф активларининг пропорционал улушига ҳуқуқи мавжуд инструмент эмас. Масалан, ликвидация жараёнида инструмент имтиёзли ҳуқуққа ега бўлади, агарда у егасига ликвидация жараёнида, ташкилотнинг соф активларининг улушига қўшимча тарзда, қатъий белгиланган дивиденд миқдорига егаллик қилиш ҳуқуқини таъминласа, қачонки ташкилот соф активларининг пропорционал улушига нисбатан ҳуқуққа ега субординация туркумидаги бошқа инструментлар ликвидация жараёнида айнан шу ҳуқуққа ега бўлмаганда.

Агар ташкилот фақат бир туркумдаги молиявий инструментларга ега бўлса, ушбу туркум худдики у бошқа барча туркумларга субординация бўлгандек инобатга олинади лозим.

Инструментнинг муддати давомида инструментнинг жами кутилган пул оқимлари сезиларли тарзда инструмент муддати давомида фойда ёки зарарга, ташкилотнинг тан олинган соф активлардаги ўзгаришга ёки тан олинган ва тан олинмаган соф активларининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришга асосланиши шарт. Фойда ёки зарар ва тан олинган соф активлардаги ўзгариш тегишли МҲҲСларга мувофиқ баҳоланиши лозим.

Ташкилотнинг мулк егаси сифатида эмас, балки инструмент егаси томонидан тузилган битимлар

Қайта сотиладиган молиявий инструмент ёки ликвидация жараёнида ташкилотга унинг соф активларидаги пропорционал улушни бошқа томонга йетказиб бериш мажбуриятини юклайдиган инструмент егаси ташкилот билан ташкилотнинг мулк егаси сифатидан ташқари бошқа ролда битим тузиши мумкин. Масалан, инструмент егаси ташкилот ходими бўлиши мумкин.

Мисол тариқасида, масъулияти чекланган ва бош ҳамкорларга ега масъулияти чекланган ширкатни келтириш мумкин. Айрим бош ҳамкорлар ташкилотни кафолат билан таъминлаши мумкин ва ушбу кафолат учун ҳақ олиши мумкин. Бундай ҳолатларда, кафолат ва у билан боғлиқ пул оқимлари инструмент егаларига ташкилотнинг мулк егаси сифатидаги ролига эмас, балки уларнинг кафолатчи сифатидаги ролига тегишлидир. Шу туфайли, бундай кафолат ва у билан боғлиқ пул оқимлари бош ҳамкорларнинг масъулияти

чекланган ҳамкорларга нисбатан субординация бўлиб қолишига олиб келмайди ҳамда масъулияти чекланган ширкат инструментлари ва бош ширкат инструментлари бир хиллигини баҳолашда еътиборга олинмайди.

Бошқа мисол сифатида фойда ёки зарарни тақсимлаш келишувини келтириш мумкин, қайсики жорий ва олдинги йиллар мобайнида кўрсатилган хизматлар ёки амалга оширилган фаолиятлар асосида фойда ёки зарарни инструмент егалари ўртасида тақсимлайди. Бундай келишувлар инструмент егалари билан улар ташкилотнинг мулк егаси сифатида бўлмаган операциялар ҳисобланади ҳамда бундай келишувлар еътиборга олинмаслиги керак. Бироқ, туркумдаги бошқаларга нисбатан фойда ёки зарарни инструмент егалари ўртасида улар инструментларининг номинал қиймати бўйича тақсимлайдиган фойда ёки зарарни тақсимлаш келишувлари инструмент егалари билан улар ташкилотнинг мулк егаси сифатида бўлган операцияларни акс еттиради.

Инструмент егаси (ташкилотнинг мулк егаси сифатида бўлмаган) билан емитент ташкилот ўртасидаги операциянинг пул оқимлари ва шартномавий шартлари ва шароитлари инструмент егаси бўлмаган томон ва емитент ташкилот ўртасида амалга оширилиши мумкин бўлган эквивалент операцияга ўхшаш бўлиши шарт.

Инструмент егаси учун қолдиқ даромадни сезиларли даражада қатъий белгилайдиган ёки чегаралайдиган жами пул оқимларига ега бошқа молиявий инструмент ёки шартноманинг мавжуд емаслиги.

Молиявий инструментни капитал сифатида таснифлаш шarti шуки, ташкилот бошқа молиявий инструмент ёки шартномага ега емас, қайсики (а) сезиларли даражада ташкилотнинг фойда ёки зарарига ёки тан олинган соф активларининг ўзгаришига ёки тан олинган ва тан олинмаган соф активларининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришга асосланган жами пул оқимларига ега ва (б) қолдиқ даромадни сезиларли даражада чегаралаш ёки қатъий белгилаш таъсирига ега.

Молиявий инструментлар асосий инструментларни (масалан, дебиторлик қарзлари, кредиторлик қарзлари ва улушли инструментлар) ҳамда дериватив молиявий инструментларни (масалан, молиявий опционлар, фючерслар ва форвардлар, фоиз ставкаси своплари ва валюта своплари) қамраб олади. Дериватив молиявий инструментлар молиявий инструмент таърифини қаноатлантиради ва демак, улар мазкур Стандартнинг қўллаш доирасидадир.

Дериватив молиявий инструментлар инструмент томонлари ўртасида таянч асосий молиявий инструментга тааллуқли бир ёки бир неча молиявий рискларни ўтказиш таъсирига ега ҳуқуқлар ва мажбуриятларни вужудга келтиради. Бошланғич босқичда, дериватив молиявий инструментлар бир томонга қулай бўлган шартларда бошқа томон билан молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятларни айирбошлаш бўйича шартномавий ҳуқуқни, ёки қулай бўлмаган шартларда бошқа томон билан молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар айирбошлаш бўйича шартномавий мажбуриятни тақдим етади. Бироқ, улар умуман олганда шартнома асосидаги таянч молиявий инструментнинг ўтказилишига олиб келмайди ва бундай ўтказманинг шартнома муддати тугашида амалга оширилиши шарт ҳам емас. Баъзи

инструментлар айирбошлашни амалга ошириш бўйича ҳам ҳуқуқ ҳам мажбуриятни қамраб олиши мумкин. Айирбошлаш шартлари дериватив инструментнинг бошланишида аниқланиши туфайли, молия бозорларида нархлар ўзгариши билан ушбу шартлар қулай ёки ноқулай бўлиши мумкин.

Молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни (ташкилот ўз улушли инструментларидан ташқари молиявий инструментлар) айирбошлаш бўйича сотиш “пут” ёки “колл” опцион ўз егасига шартнома асосида бўлган молиявий инструментнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар билан боғлиқ потенциал келгуси иқтисодий манфаатларга ега бўлиш ҳуқуқини беради. Аксинча, опцион сотувчи таянч молиявий инструментнинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар билан боғлиқ потенциал келгуси иқтисодий манфаатлардан воз кечиш ёки иқтисодий манфаатларнинг потенциал зарарларини тан олиш мажбуриятини олади. Опцион егасининг шартномавий ҳуқуқлари ва сотувчининг шартномавий мажбуриятлари мос равишда молиявий актив ва молиявий мажбурият таърифини қаноатлантиради. Опцион шартномаси асосидаги молиявий инструмент ҳар қандай молиявий актив, масалан, бошқа ташкилотлардаги улушлар ва фоизли инструментлар, бўлиши мумкин. Опцион унинг сотувчисидан молиявий актив ўтказмаси ўрнига қарз инструменти чиқаришни талаб этиши мумкин, аммо опцион асосидадаги инструмент опцион егаси ихтиёрига ўтиши мумкин, агарда опцион амалга оширилса. Опцион егасининг қулай бўлган шартларда молиявий активни айирбошлаш ҳуқуқи ва опцион сотувчисининг қулай бўлмаган шартларда молиявий активни айирбошлаш мажбурияти опцион амалга оширилганда айирбошланадиган таянч молиявий активдан ажралиб туради. Опцион егаси ҳуқуқининг ва опцион сотувчиси мажбуриятининг хусусиятига опционнинг амалга оширилиш еҳтимоли таъсир етмайди.

Дериватив молиявий инструментларга яна бир мисол олти ойлик даврда бажариладиган форвард шартномаси ҳисобланиб, бунда бир томон (харидор) номинал қиймати 1,000,000ВБ бўлган қатъий белгиланган фоизли давлат облигациялари евазига 1,000,000ВБ пул маблағи йетказиб беришни ваъда беради ва бошқа томон (сотувчи) 1,000,000ВБ пул маблағи евазига номинал қиймати 1,000,000ВБ бўлган қатъий белгиланган фоизли давлат облигациялари йетказиб беришни ваъда беради. Олти ой мобайнида, иккала томон молиявий инструментларни айирбошлаш бўйича шартномавий ҳуқуқ ва шартномавий мажбуриятга ега бўладилар. Агарда давлат облигацияларининг бозор нархи 1,000,000ВБ дан ошса, шартлар харидорга қулай бўлади ва сотувчига ноқулай бўлади; агар давлат облигацияларининг бозор нархи 1,000,000ВБ дан пастга тушса, тесқари ҳолат бўлади. Харидор “колл” опциондаги ҳуқуқ каби шартномавий ҳуқуққа (молиявий активга) ва “пут” опциондаги мажбурият каби шартномавий мажбуриятга (молиявий мажбуриятга) ега бўлади; сотувчи “пут” опциондаги ҳуқуқ каби шартномавий ҳуқуққа (молиявий активга) ва “колл” опциондаги мажбурият каби шартномавий мажбуриятга (молиявий мажбуриятга) ега бўлади. Опционлардагидек, ушбу шартномавий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар таянч молиявий инструментлардан алоҳида ва фарқли молиявий активларни ва молиявий мажбуриятларни (айирбошланадиган облигациялар ва

пул маблағларини) ташкил этади. Форвард шартномасида иккала томон белгиланган санада уни амалга ошириш бўйича мажбуриятга ега бўлса, опцион шартномасида агар ва қачонки опцион егаси уни амалга оширишни танласа, опцион шартномасининг бажарилиши юз беради.

Дериватив инструментларнинг бошқа кўпгина турлари ўзларида келгуси айирбошлашни амалга ошириш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятни акс еттириши мумкин, жумладан, фоиз ва валюта своплари, фоизли “кеп”, “коллар” ва “флор” шартномалари, қарз мажбуриятлари, вексел чиқариш дастурлари ва аккредитивлар. Фоиз своп шартномаси форвард шартномасининг бир тури сифатида инобатга олиниши мумкин, бунда томонлар бири сўзиб юрувчи фоиз ставкаси орқали ҳисобланган бошқаси еса қатъий белгиланган фоиз ставкаси орқали ҳисобланган пул маблағи қийматларининг бир қатор келгуси айирбошлашларини амалга оширишга келишадилар. Фьючерс шартномалари еса форвард шартномасининг бошқа бир тури бўлиб, асосан улар стандартлашганлиги ва савдолари биржада амалга оширилиши билан фаркланадилар.

Номолиявий моддаларни сотиб олиш ва сотиш шартномалари молиявий инструмент таърифини каноатлантирмайдилар, чунки бир томоннинг номолиявий моддани ёки хизматни қабул қилиш бўйича шартномавий ҳуқуқи ва бошқа бир томоннинг мос равишдаги мажбурияти ҳеч қайси бир томоннинг молиявий активни олиш, йетказиб бериш ёки айирбошлаш бўйича жорий пайтдаги ҳуқуқ ёки мажбуриятини юзага келтирмайди. Масалан, фақат номолиявий моддани қабул қилиш ёки йетказиб бериш орқали бажариладиган шартномалар (масалан, кумуш бўйича опцион, фьючерс ёки форвард шартномаси) молиявий инструментлар ҳисобланмайди. Кўпчилик маҳсулот шартномалари ушбу турга тегишлидир. Баъзилари шакл жиҳатдан стандартлашган бўлади ҳамда тартибли бозорда айрим дериватив молиявий инструментлар савдоси каби савдо қилинади. Масалан, маҳсулот фьючерс шартномаси пулда еркин олди-сотди қилиниши мумкин, чунки у биржада савдо учун листинг қилинган ва бир неча бор қулдан қулга ўтиши мумкин. Бироқ, шартномаларни харид қилаётган ва сотаётган томонлар аслида таянч маҳсулотни савдо қиладилар. Маҳсулот шартномасининг пулда олди-сотдиси йенгил бўлиб, уни пулда сотиб олиш ёки сотиш қобилияти ва маҳсулотни қабул қилиш ёки йетказиб бериш мажбуриятини пулда ҳисоб-китоб қилишга келишиш имконияти шартноманинг фундаметал жиҳатларини молиявий инструмент вужудга келадиган даражада ўзгартирмайди. Шунга қарамасдан, баъзи номолиявий моддаларни сотиб олиш ва сотиш шартномалари, қайсики нетто ёки молиявий инструментларни айирбошлаш орқали ёки номолиявий моддани пул маблағига еркин айланттириш орқали ҳисоб-китоб қилинадиган шартномалар, худдики улар молиявий инструментлардек мазкур Стандартнинг қўллаш доирасидадир.

Моддий активларни қабул қилиш ёки йетказиб беришни қамраб оладиган шартнома, у билан боғлиқ ҳар қандай тўлов моддий активларнинг ўтказма санасидан кейин кечиктирилмагунча, бир томоннинг молиявий активи ва бошқа томоннинг молиявий мажбурияти кўпайишига олиб келмайди. Бу савдо

кредитида товарларни сотиб олиш ёки сотиш билан боғлиқ ҳолатда бўлиши мумкин.

Баъзи шартномалар маҳсулотга-боғланган бўлади, аммо маҳсулотни моддий кўринишда қабул қилиш ёки йетказиб бериш орқали ҳисоб-китоб қилишни қамраб олмайди. Улар қатъий белгиланган қийматлар орқали тўловни ҳисоб-китоб қилиш ўрнига, шартномадаги формулага асосан аниқланадиган пул маблағи тўловлари орқали ҳисоб-китоб қилишни белгилайди. Масалан, облигациянинг номинал қиймати унинг сўндириш санасида мавжуд бўлган қатъий белгиланган миқдордаги нефтнинг бозор нарҳини қўллаш орқали ҳисобланиши мумкин. Номинал маҳсулотнинг нарҳига тегишли тарзда индексация қилинади, аммо фақат пулда ҳисоб-китоб қилинади. Бундай шартнома молиявий инструментни ташкил этади.

Молиявий инструментнинг таърифи шундай шартномани ҳам қамраб оладики, қайсики молиявий актив ёки молиявий мажбуриятга қўшимча тарзда, номолиявий актив ёки номолиявий мажбуриятнинг кўпайишига олиб келади. Бундай молиявий инструментлар бир томонга молиявий активни номолиявий активга айирбошлаш имконини беради. Масалан, нефтга-боғланган облигация ўз егасига номинал қийматни нефтнинг қатъий белгиланган миқдорига айирбошлаш опционни билан бирга, бир қатор даврий қатъий белгиланган фоиз тўловларини ва сўндириш санасида пулда қатъий белгиланган қийматни олиш ҳуқуқини бериши мумкин. Ушбу опционни амалга оширишнинг афзаллиги вақти вақти билан облигацияга хос пул маблағини нефтга айирбошлаш коэффициенти (айирбошлаш нарҳи) нисбатан нефтнинг ҳаққоний қийматида боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Облигация егасининг опционни амалга ошириш билан боғлиқ мақсади таркибий қисм активларининг моҳиятига таъсир етмайди. Активлар ва мажбуриятларнинг бошқа турлари вужудга келишига қарамасдан, облигация егасининг молиявий активи ва эмитентнинг молиявий мажбурияти облигацияни молиявий инструмент бўлишини таъминлайди.

Имтиёзли акциялар турли хил ҳуқуқлар билан чиқарилиши мумкин. Имтиёзли акция молиявий мажбурият ёки улушли инструмент эканлигини аниқлашда, эмитент имтиёзли акция молиявий мажбуриятнинг фундаментал жиҳатини акс еттиришини аниқлаш учун акцияга бириктирилган маълум ҳуқуқларни баҳолайди. Масалан, белгиланган санада ёки акция егасининг хоҳишига кўра сўндириладиган имтиёзли акциялар молиявий мажбуриятни ташкил этади, чунки эмитент акция егаси ихтиёрига молиявий активларни ўтказиш мажбуриятига ега. Шартномавий тарзда талаб етилган пайтда эмитентнинг имтиёзли акцияларни сўндириш мажбуриятини бажариш имконсизлиги, масалан, маблағ йетишмаслиги, қонуний чеклов ёки фойда ёки заҳиранинг йетарсизлиги мажбуриятни инкор етмайди. Эмитентнинг акцияларни пул маблағига сўндириш (опционни) имкони молиявий мажбурият таърифини қаноатлантирмайди, чунки эмитент акциядорлар ихтиёрига молиявий активларни ўтказиш бўйича жорий пайтдаги мажбуриятига ега эмас. Бундай ҳолатда, акцияларни сўндириш тўлалигича эмитент ихтиёридадир. Бироқ, мажбурият вужудга келади, қачонки эмитент, одатда акцияларни сўндириш режаси акциядорларга расман ёллон қилинган ҳолда, сўндириш (опционни)

имконидан фойдаланса.

Имтиёзли акциялар қайта сўндирилмайдиган бўлганда, ўринли таснифлаш уларга бириктирилган бошқа ҳуқуқлар орқали аниқланади. Таснифлаш шартномавий келишувларнинг моҳиятини ва молиявий мажбурият ва улушли инструмент таърифларини баҳоланишига асосланади. Қачонки кумулятив ёки нокумулятив имтиёзли акциялар егаларига тақсимотлар емитент ихтиёрида бўлса, акциялар улушли инструментлардир. Қуйидагилар, масалан, имтиёзли акцияни улушли инструмент ёки молиявий мажбурият сифатида таснифлашга таъсир етмайди:

- (а) тақсимотларни амалга ошириш тарихи;
- (б) келажакда тақсимотларни амалга оширишни кўзлаш;
- (в) агар тақсимотлар амалга оширилмаса, емитентнинг оддий акциялари нархига салбий таъсир еҳтимоли (оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш чекловлари туфайли, агарда имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўланмаса);
- (г) емитентнинг захиралар миқдори;
- (д) емитент томонидан давр учун фойда ёки зарар кутилишлари; ёки
- (е) емитентнинг давр учун фойда ёки зарарлар миқдорига таъсир кўрсатиш қобилияти ва қобилиятизизлиги.

Қуйидаги мисоллар ташкилотнинг ўз улушли инструментлари бўйича турли хил шартномаларни қандай таснифлашни акс еттиради:

(а) Ташкилот томонидан ҳеч қандай келгусидаги қийматни қоплашсиз, ёки ўз улушли инструментларининг қатъий белгиланган миқдорини пул маблағи ёки бошқа молиявий активнинг қатъий белгиланган қийматиغا айирбошлаш орқали, ўз улушли инструментларининг қатъий белгиланган миқдорини олиш ёки йетказиб бериш орқали ҳисоб-китоб қилинадиган шартнома улушли инструмент ҳисобланади. Ўз навбатида, бундай шартнома учун олинган ёки тўланган ҳар қандай қийматни қоплаш бевосита капиталга қўшилади ёки ундан чегирилади. Мисол тариқасида, чиқарилган акция опционини келтириш мумкин, қайсики контрагентга ташкилотнинг белгиланган миқдордаги акцияларини белгиланган қийматдаги пул маблағига сотиб олиш ҳуқуқини беради. Бироқ, агар шартнома белгиланган ёки аниқланадиган санада ёки талаб қилинганда ташкилотдан ўз акцияларини пул маблағи ёки бошқа молиявий активга сотиб олишни (сўндиришни) талаб еца, ташкилот сўндириш суммасининг келтирилган қиймати миқдорида молиявий мажбуриятни ҳам тан олади. Яна бир мисол сифатида, ташкилотнинг форвард шартномасига асосан белгиланган миқдордаги ўз акцияларини белгиланган қийматдаги пул маблағига қайта сотиб олиш мажбуриятини келтириш мумкин.

(б) Ташкилотнинг пул маблағига ўз акцияларини сотиб олиш мажбурияти сўндириш суммасининг келтирилган қийматиغا тенг молиявий мажбуриятни кўпайишига олиб келади, ҳаттоки агарда ташкилот қайта сотиб олишга мажбур бўлган акциялар миқдори белгиланмаган бўлса ҳам ёки мажбурият контрагентнинг ўз сўндириш ҳуқуқидан фойдаланишига шартли равишда боғлиқ бўлса ҳам. Шартли мажбуриятга мисол сифатида, агар контрагент опционни амалга оширганда, ташкилотдан ўз акцияларини пул маблағига қайта сотиб олишни талаб етадиган чиқарилган опционни келтириш

мумкин.

(в) Пул маблағи ёки бошқа молиявий актив орқали ҳисоб-китоб қилинадиган шартнома молиявий актив ёки молиявий мажбурият ҳисобланади, ҳаттоки агарда олинадиган ёки йетказиб бериладиган пул маблағи ёки бошқа молиявий активнинг қиймати ташкилот ўз акциясининг бозор нархидаги ўзгаришларига асосланган бўлса ҳам. Мисол тариқасида, пул маблағида нетто ҳисоб-китоб қилинадиган акция опционини келтириш мумкин.

(г) Қиймати қатъий белгиланган суммага ёки таянч ўзгарувчининг (масалан, маҳсулот нархи) ўзгаришларига асосланган суммага тенг бўлган ҳолда, ташкилот ўз акцияларининг ўзгарувчан миқдори билан ҳисоб-китоб қилинадиган шартнома молиявий актив ёки молиявий мажбурият ҳисобланади. Мисол тариқасида, олтин сотиб олишга чиқарилган опционни келтириш мумкин, қайсики амалга оширилишида ташкилотнинг ўз инструментлари билан нетто ҳисоб-китоб қилинади ва бунда ташкилот томонидан ушбу инструментлар опцион шартномаси қийматига тенг миқдорда йетказиб берилади. Бундай шартнома молиявий актив ёки молиявий мажбурият ҳисобланади, ҳаттоки агарда таянч ўзгарувчи олтин бўлмасдан ташкилотнинг ўз акцияси нархи бўлса ҳам. Шунингдек, ташкилот ўз акцияларининг қатъий белгиланган миқдоридида ҳисоб-китоб қилинадиган, аммо ушбу акцияларга бириктирилган ҳуқуқлар шундай ўзгарадики, натижада ҳисоб-китоб қиймати қатъий белгиланган қийматга ёки таянч ўзгарувчининг ўзгаришларига асосланган қийматга тенг бўладиган, шартнома молиявий актив ёки молиявий мажбурият ҳисобланади.

Агар пул маблағи ёки бошқа молиявий актив орқали ҳисоб-китоб қилишни талаб қилиши мумкин бўлган (ёки бошқа усулда инструментни молиявий мажбурият бўлишига олиб келиши мумкин бўлган) шартли ҳисоб-китоб шартининг бир қисми мавҳум бўлса, ҳисоб-китоб қилиш шарти молиявий инструментнинг таснифланишига таъсир етмайди. Шундай экан, факт жуда камдан-кам, юқори даражада ғайриоддий ва содир бўлиш еҳтимоли жудаям паст ҳолат юз берган пайтда пулда ёки ташкилот ўз акцияларининг ўзгарувчан миқдоридида ҳисоб-китоб қилишни талаб етадиган шартнома улушли инструмент ҳисобланади. Шунингдек, ташкилотнинг назоратидан ташқари ҳолатларда ташкилот ўз акцияларининг қатъий белгиланган миқдоридида ҳисоб-китоб қилиш шартномавий тарзда тақиқланиши мумкин, лекин ушбу ҳолатларнинг содир бўлиш еҳтимоли ҳақиқатдан йироқ бўлса, улушли инструмент сифтида таснифлаш ўринлидир.

БҲҲС 1 ва БҲҲС 10 га мувофиқ, ташкилот жамланган молиявий ҳисоботларда назорат қилинмайдиган улушларни – капиталдаги ва ўз бўлинмаларининг даромадларидаги бошқа томонларнинг улушларини – акс еттиради. Молиявий инструментни (ёки унинг таркибий қисмини) жамланган молиявий ҳисоботларда таснифлашда, бутун бир гуруҳни инструмент бўйича пул маблағи ёки бошқа активни йетказиб бериш ёки мажбурият таснифига олиб келадиган тарзда ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятига ега бўлишини аниқлаш учун, ташкилот гуруҳ аъзолари билан инструмент егалари ўртасида келишилган барча шартлар ва шароитларни еътиборга олади. Қачонки гуруҳдаги шўъба ташкилот молиявий инструмент чиқарса ва бош ташкилот ёки гуруҳнинг бошқа

ташкilotи бевосита инструмент (масалан, кафолат) егаси билан кўшимча шартларни келишиб олса, гуруҳ тақсимот ёки сўндириш бўйича ихтиёрга ега бўлмаслиги мумкин. Шўъба ташкilotи ўзининг алоҳида молиявий ҳисоботларида ушбу кўшимча шартларни еътиборга олмасдан инструментни тегишли тартибда таснифлаши мумкин бўлса ҳам, жамланган молиявий ҳисоботларда бутун бир гуруҳ томонидан тузилган шартномалар ва битимларни акс еттиришни таъминлаш мақсадида гуруҳ аъзолари билан инструмент егалари ўртасидаги бошқа келишувлар таъсири инобатга олинади. Бундай мажбурият ёки ҳисоб-китоб қилиш шарти мавжуд бўлганда, инструмент (ёки унинг мажбуриятга тегишли таркибий қисми) жамланган молиявий ҳисоботларда молиявий мажбурият сифатида таснифланади.

7.2. БҲҲС (IAS) 39 “Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш”

Мазкур Стандарт барча тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий инструментларнинг барча турларига нисбатан қўлланилиши лозим, қуйидагилар бундан мустасно:

(а) БҲҲС 10 “Жамланган молиявий ҳисоботлар”, БҲҲС 27 “Алоҳида молиявий ҳисоботлар” ёки БҲҲС 28 “Қарам тадбиркорлик субъектларидаги ва кўшма корхоналардаги инвестициялар” га мувофиқ ҳисобга олинadиган шўъба тадбиркорлик субъектларидаги, қарам тадбиркорлик субъектларидаги ва кўшма корхоналардаги улушлар. Бироқ, тадбиркорлик субъектлари БҲҲС 27 ёки БҲҲС 28 га мувофиқ мазкур Стандарт бўйича ҳисобга олинadиган шўъба тадбиркорлик субъектидаги, қарам тадбиркорлик субъектидаги ёки кўшма корхонадаги улушга нисбатан ушбу Стандартни қўллаши лозим. Тадбиркорлик субъектлари шўъба тадбиркорлик субъектидаги, қарам тадбиркорлик субъектидаги ёки кўшма корхонадаги улуш бўйича деривативларга нисбатан ҳам ушбу Стандартни қўллаши лозим, бунда деривативлар БҲҲС 32 “Молиявий инструментлар: тақдим етиш” даги тадбиркорлик субъектининг улушли инструменти таърифини қаноатлантирмагунча.

(б) БҲҲС 17 “Ижара” қўлланиладиган ижара келишувлари бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятлар. Бироқ:

- ижарага берувчи томонидан тан олинган ижара бўйича дебиторлик қарзларига нисбатан мазкур Стандартнинг ҳисобдан чиқариш ва қадрсизланишга тегишли шартлари қўлланилади;

- ижарага олувчи томонидан тан олинган молиявий ижара бўйича мажбуриятларга нисбатан мазкур Стандартнинг ҳисобдан чиқаришга тегишли шартлари қўлланилади; ва

- ижараларга сингдирилган деривативларга нисбатан мазкур Стандартнинг сингдирилган деривативлар шартлари қўлланилади.

(в) БҲҲС 19 “Ходимларнинг даромадлари” қўлланиладиган ходимларга ҳақ (ва нафақа) тўлаш тизимларига асосан ходимлар ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

(г) тадбиркорлик субъекти томонидан чиқарилган молиявий инструментлар, қайсики БҲҲС 32 даги улушли инструментнинг таърифини қаноатлантиради. Бироқ, бундай улушли инструментларнинг егаси ушбу

инструментларга нисбатан ушбу Стандартни қўллаши лозим, бунда улар юқоридаги (а) да келтирилган истиснони қаноатлантирмагунча.

(д) ҳуқуқлар ва мажбуриятлар, қайсики - МҲХС 4 “Суғурта шартномалари” да таърифланган суғурта шартномаси асосида юзага келади, бунда МҲХС 9 “Молиявий инструментлар” нинг А-илоvasида келтирилган молиявий кафолат шартномаси таърифини қаноатлантирадиган суғурта шартномаси асосида юзага келадиган ҳуқуқлар ва мажбуриятлардан ташқари, ёки - МҲХС 4 қўллаш доирасидаги шартнома асосида юзага келади, чунки у ихтиёрий иштирок етиш имкониятини ўз ичига олади. Бироқ, мазкур Стандарт МҲХС 4 қўллаш доирасидаги шартномага сингдирилган деривативга нисбатан қўлланилади, агарда деривативнинг ўзи МҲХС 4 қўллаш доирасида алоҳида шартнома бўлмаса. Бундан ташқари, агарда молиявий кафолат шартномаларининг эмитенти бундай шартномаларни суғурта шартномалари сифатида инобатга олганини ва суғурта шартномаларига хос равишда ҳисобга олганини олдинроқ аниқ тарзда тасдиқлаган бўлса, эмитент бундай молиявий кафолат шартномаларига нисбатан мазкур Стандартни ёки МҲХС 4 ни қўллашни танлаши мумкин. Эмитент ушбу танловни шартномага қараб амалга ошириши мумкин, аммо ҳар бир шартнома учун танланган ёндашув кейинчалик ўзгартирилмайди.

(е) сотиб олувчи ва сотувчи акциядор ўртасидаги сотиб олинувчини сотиб олиш ёки сотиш бўйича ҳар қандай форвард шартномаси, қайсики келгуси харид санасида бизнес бирлашувига олиб келади. Форвард шартномасининг муддати одатда талаб етилган ҳар қандай тасдиқлашлар ва операцияни тугатиш учун зарур бўлган ўринли муддатдан ошмаслиги керак.

(ж) Кредит мажбуриятларнинг эмитенти ушбу Стандартнинг қўллаш доирасида бўлмаган кредит мажбуриятлари учун БҲХС 37 “Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” ни қўллаши лозим. Бироқ, барча кредит мажбуриятларига нисбатан мазкур Стандартнинг ҳисобдан чиқаришга тегишли шартлари қўлланилади.

(з) МҲХС 2 “Акцияга асосланган тўлов” қўлланиладиган акцияга асосланган тўлов операцияларидаги молиявий инструментлар, шартномалар ва мажбуриятлар.

(и) шундай мажбуриятни ҳисоб-китоб қилишни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектидан талаб етилган сарфларни қоплаш бўйича тўловларни олиш ҳуқуқларики, бунда тадбиркорлик субъекти ушбу мажбуриятни БҲХС 37 га мувофиқ резерв сифатида тан олади ёки ушбу мажбурият учун олдинги даврда БҲХС 37 га мувофиқ резервни тан олган.

Қуйидаги кредит мажбуриятлари ушбу Стандартнинг қўллаш доирасидадир:

(а) Тадбиркорлик субъекти ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар фойда ёки зарарда ҳисобга олинadиган молиявий мажбуриятлар сифатида белгилайдиган кредит мажбуриятлари. Кредит мажбуриятларидан юзага келадиган активларни уларни шакллантиришдан қисқа муддатдан сўнг сотиш бўйича олдинги амалиётларга ега бўлган тадбиркорлик субъекти айнан шу туркумдаги ўзининг барча кредит мажбуриятларига нисбатан ушбу Стандартни

қўллаши лозим.

(б) Ҳисоблашишдаги фарқи соф асосда пул маблағлари билан тўланиши ёки бошқа молиявий инструментни йетказиб бериш ёки эмиссия қилиш орқали ҳисоб-китоб қилиниши мумкин бўлган кредит мужбуриятлари. Ушбу кредит мужбуриятлари деривативлардир. Кредит мажбурияти кредит бўлиб-бўлиб тўланганлиги туфайлигина соф ҳолда ҳисоб-китоб қилинди деб ҳисобланмайди (масалан, қурилишни амалга ошириш давомида қисмларга бўлиб-бўлиб тўлаб бориладиган қурилиш ипотека кредити).

(в) Бозор фоиз ставкасидан паст даражада кредит ажратиш бўйича мажбуриятлари.

Мазкур Стандарт пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструмент билан соф асосда, ёки молиявий инструментларни айирбошлаш орқали, худдики шартномалар молиявий инструментлар бўлганидек, ҳисоб-китоб қилиниши мумкин бўлган номолиявий моддани сотиб олиш ёки сотиш шартномалари учун қўлланилиши лозим, бундан тадбиркорлик субъекти кўзда тутган харид, сотув ёки фойдаланиш талабларига мувофиқ номолиявий моддани қабул қилиш ёки йетказиб бериш мақсадида тузилган ва сақланаётган шартномалар мустасно.

Бир неча усуллар мавжудки, бунда номолиявий моддани сотиб олиш ёки сотиш шартномаси пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструмент билан соф асосда, ёки молиявий инструментларни айирбошлаш орқали, ҳисоб-китоб қилиниши мумкин. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

(а) қачонки шартнома шартлари бирор томонга пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструмент билан соф асосда, ёки молиявий инструментларни айирбошлаш орқали, ҳисоб-китоб қилишга имкон берганида;

(б) қачонки пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструмент билан соф асосда, ёки молиявий инструментларни айирбошлаш орқали ҳисоб-китоб қилиш имконияти шартнома шартларида аниқ белгиланмаган, аммо тадбиркорлик субъекти шунга ўхшаш шартномаларни пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструмент билан соф асосда, ёки молиявий инструментларни айирбошлаш орқали ҳисоб-китоб қилиш амалиётига ега бўлганида (контрагент билан ўзаро ҳисоб-китоб шартномаларини тузиш орқали ёки шартноманинг ҳисоб-китоб қилинишидан ёки муддати тугашидан олдин шартномани сотиш орқали);

(в) ўхшаш шартномалар бўйича, қачонки тадбиркорлик субъекти асосдаги активнинг йетказиб берилишини қабул қилиш ва йетказиб берилгандан сўнг қисқа муддат ичида нархдаги қисқа муддатли тебранишлар ёки дилер маржасидан фойдага еришиш мақсадида уни сотиш тажрибасига ега бўлганда; ва

(г) қачонки шартнома предмети бўлган номолиявий модда пул маблағига тезда айлантирилганда.

(б) ёки (в) қўлланиладиган шартномалар тадбиркорлик субъекти кўзда тутган харид, сотув ёки фойдаланиш талабларига мувофиқ номолиявий моддани қабул қилиш ёки йетказиб бериш мақсадида тузилган шартномалар эмас, ва шу туфайли, у мазкур Стандартнинг қўллаш доирасидадир.

(а) ёки (г) бандга мувофиқ пул маблағлари ёки бошқа молиявий инструмент билан соф асосда, ёки молиявий инструментларни айирбошлаш

орқали ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлган номолиявий моддани сотиб олиш ёки сотиш бўйича чиқарилган опцион мазкур Стандартнинг қўллаш доирасидадир. Бундай шартнома тадбиркорлик субъекти кўзда тутган харид, сотув ёки фойдаланиш талабларига мувофиқ номолиявий моддани қабул қилиш ёки йетказиб бериш мақсадида тузилмайди.

МҲХС 9 ва БҲХС 32 да таърифланган атамалар ушбу стандартда МҲХС 9да белгиланган маъноларда фойдаланилади: МҲХС 9 ва БҲХС 32 куйидаги атамаларни таърифлайди:

- ҳисобдан чиқариш
- дериватив
- улушли инструмент
- ҳаққоний қиймат
- молиявий актив
- молиявий кафолат шартномаси
- молиявий инструмент
- молиявий мажбурият

ва ушбу таърифларни қўллаш бўйича қўлланмани таъминлайди.

Ушбу стандартда куйидаги белгиланган маънодаги атамалардан фойдаланилади:

Молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг амортизацияланган қиймати - бу молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг дастлаб тан олинганда баҳоланган қиймати минус асосий қарз тўловлари, плюс ёки минус эффектив фоиз ставкасини қўллаган ҳолда бошланғич қиймат билан сўндириш қиймати орасидаги аниқланган ҳар қандай фарқнинг йиғилган амортизацияси ҳамда минус қадрсизланиш ёки умидсиз қарзлар бўйича ҳар қандай камайиш суммаси (бевосита ёки резерв счётидан фойдаланган ҳолда).

Еффектив фоиз усули - бу молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг (ёки молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар гуруҳининг) амортизацияланган қийматини ҳисоблаш ва фоизли даромад ёки фоизли харажатни тегишли даврда тақсимлаш усулидир.

Еффектив фоиз ставкаси - бу молиявий инструментнинг кутилган хизмат муддати, ёки ўринли бўлганда, қисқароқ муддат давомида баҳоланган келгуси пул тўловлари ёки тушумларини молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг соф баланс қийматигача мутлақо тўғри дисконтлайдиган фоиз ставкасидир. Еффектив фоиз ставкасини ҳисоблашда, тадбиркорлик субъекти молиявий инструмент шартномасининг барча шартларини (масалан, олдиндан тўлов, “колл” ва шунга ўхшаш опционларни) инобатга олган ҳолда пул оқимларини баҳолаши лозим, аммо келгуси кредитзарарларини еътиборга олмаслиги лозим. Ҳисоблаш шартнома томонлари ўртасида тўланган ёки олинган ҳамда эффектив фоиз ставкасининг ажралмас қисми ҳисобланадиган барча ҳақлар ва йиғимларни (БҲХС 18 “Даромад” га қаранг), битимга доир харажатларни ва бошқа барча мукофотлар ёки дисконтларни қамраб олади. Бунда шундай фараз мавжудки, пул оқимлари ва ўхшаш молиявий инструментлар гуруҳининг кутилган хизмат муддати ишончли баҳоланади. Бироқ, пул оқимларини ёки молиявий инструментнинг (молиявий инструментлар гуруҳининг) кутилган хизмат

муддатини ишончли баҳолаш имкони бўлмаган айрим ҳолатларда, тадбиркорлик субъекти молиявий инструментнинг (молиявий инструментлар гуруҳининг) тўлиқ шартномавий муддати давомидаги шартномавий пул оқимларидан фойдаланиши лозим.

Битимга оид харажатлар - бу молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг хариди, эмиссияси ёки чиқиб кетиши билан бевосита боғлиқ қўшимча харажатлардир. Қўшимча харажат бу шундай харажатки, қайсики сарфланмаган бўлар еди, агарда тадбиркорлик субъекти молиявий инструментни сотиб олмаганда, эмиссия қилмаганда ёки чиқиб кетишини амалга оширмаганда еди.

Қатъий келишув - бу белгиланган келгуси сана ёки саналарда белгиланган нархда ресурсларнинг белгиланган миқдорининг алмашинуви бўйича мажбурият юклайдиган келишувдир.

Режалаштирилган операция - бу мажбурий бўлмаган, аммо кутилган келгуси операциядир.

Хежлаш инструменти - бу белгиланган дериватив ёки (фақат хорижий валюта курсидаги ўзгариш рискининг хеджи учун) белгиланган но-дериватив молиявий актив ёки белгиланган но-дериватив молиявий мажбурият бўлиб, уларнинг ҳаққоний қиймати ва пул оқимлари белгиланган хежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги ёки пул оқимларидаги ўзгаришларни қоплаши кутилади.

Хежланган модда - бу актив, мажбурият, қатъий келишув, юқори еҳтимолли режалаштирилган операция ёки хориждаги бўлинмага соф инвестиция бўлиб, бунда у (а) тадбиркорлик субъектини ҳаққоний қийматдаги ёки пул оқимларидаги ўзгаришлар рискига дучор етади ва (б) хежланадиган сифатида белгиланади.

Хеж самарадорлиги - бу хежланган рискга тегишли бўлган хежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги ёки пул оқимларидаги ўзгаришларнинг хежлаш инструментининг ҳаққоний қийматидаги ёки пул оқимларидаги ўзгаришлар билан қопланиш даражасидир.

Амортизацияланган қийматда баҳоланган молиявий активлар бўйича қадрсизланиш ва умидсиз қарзлар.

Тадбиркорлик субъекти ҳар бир ҳисобот даври охирида амортизацияланган қийматда баҳоланган молиявий активнинг ёки молиявий активлар гуруҳининг қадрсизланганлигини тасдиқловчи ҳар қандай объектив далил мавжуд ёки мавжуд емаслигини баҳолаши лозим. Агар бундай далил мавжуд бўлса, тадбиркорлик субъекти ҳар қандай қадрсизланиш зарари суммасини аниқлаш учун қўллаши лозим.

Молиявий актив ёки молиявий активлар гуруҳи қадрсизланган бўлади ва қадрсизланиш зарарлари ҳисобга олинади, фақатгина агарда актив дастлаб тан олингандан сўнг содир бўлган бир ёки бир неча ҳодисалар (“зарарли ҳодиса”) натижасида қадрсизланишнинг объектив далили мавжуд бўлса ва зарарли ҳодиса (ёки ҳодисалар) ишончли баҳоланиши мумкин бўлган молиявий актив ёки молиявий активлар гуруҳининг баҳоланган келгуси пул оқимларига нисбатан таъсирга ега бўлса. Қадрсизланишга сабаб бўлган ягона, аниқ бир ҳодисани аниқлаш имкони бўлмаслиги мумкин. Балки бир неча ҳодисаларнинг

умумлашган таъсири қадрсизланишга сабаб бўлиши мумкин. Келгуси ҳодисалар натижасида кутилаётган зарарлар, еҳтимоли қанчалик бўлишидан қатъий назар, тан олинмайди. Молиявий актив ёки молиявий активлар гуруҳи қадрсизланганлигини билдирадиган объектив далил қуйидаги зарарли ҳодисалар тўғрисида актив егасининг еътиборидаги кузатиладиган маълумотларни ўз ичига олади:

- (а) эмитент ёки кредитдорнинг сезиларли молиявий қийинчилиги;
- (б) шартноманинг бузилиши, масалан, асосий қарз ёки фоиз бўйича дефолт ёки тўлаш муддатининг чузилиши;
- (в) қарздорнинг молиявий қийинчилигига боғлиқ иқтисодий ёки юридик сабаблар туфайли, кредитор томондан қарздорга бошқа ҳолатларда тақдим этилмайдиган имтиёз тақдим этилиши;
- (г) қарздорнинг банкрот бўлиши ёки молиявий қайта ташкил этилишининг еҳтимоли юзага келиши;
- (д) молиявий қийинчиликлар туфайли ушбу молиявий актив бўйича фаол бозорнинг йўқ бўлиши; ёки
- (е) молиявий активлар гуруҳининг баҳоланган келгуси пул оқимларида, улар дастлаб тан олингандан буён, сезиларли камайиш мавжудлигини намоён этаётган кузатиладиган маълумот, бунда камайиш гуруҳдаги алоҳида молиявий активлар орқали аниқланмаса ҳам, жумладан:

- гуруҳдаги қарздорларнинг тўлов қобилиятида салбий ўзгаришлар (масалан, кечиктирилган тўловларнинг кўпайган миқдори ёки ўзларининг кредит лимитига еришган ва ойлик минимум суммасини тўлаётган кредит карта қарздорларининг кўпайган миқдори); ёки

- гуруҳдаги активлар бўйича дефолтлар билан боғлиқ миллий ёки маҳаллий иқтисодий ҳолатлар (масалан, қарздорларнинг географик жойида ишсизлик даражасининг ўсиши, тегишли жойдаги ипотекалар учун кўчмас мулк нархларида камайиш, нефт қазиб чиқарувчиларга берилган кредит активлар учун нефт нархларида камайиш ёки гуруҳдаги қарздорларга таъсир этадиган соҳа ҳолатларидаги салбий ўзгаришлар).

Тадбиркорлик субъектининг молиявий инструментларининг бундан буён очик бозорда савдо қилинмаслиги туфайли фаол бозорнинг йўқ бўлиши қадрсизланишнинг далили ҳисобланмайди. Тадбиркорлик субъектининг кредит рейтингининг пасайиши, бошқа мавжуд маълумотлар билан кўрилганда қадрсизланиш далили бўлса ҳам, ўзи алоҳида қадрсизланишнинг далили бўлиб ҳисобланмайди. Молиявий активнинг ҳаққоний қиймати унинг таннархидан ёки амортизацияланган қийматидан паст даражада камайиши қадрсизланиш далили бўлиши шарт эмас (масалан, рискдан-ҳоли фоиз ставкасининг кўтарилиши натижасида қарз инструментидаги инвестициянинг ҳаққоний қийматида камайиш).

Айрим ҳолатларда, молиявий актив бўйича қадрсизланиш зарари суммасини баҳолашда талаб этилган кузатиладиган маълумотлар чекланган бўлиши ёки бундан буён жорий шарт-шароитлар учун тўлиқ ўринли бўлмаслиги мумкин. Масалан, бундай ҳолат қарздор молиявий қийинчиликларда бўлганда ва ўхшаш қарздорларга тегишли кам тарихий маълумотлар мавжуд бўлганда содир

бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда, тадбиркорлик субъекти кадрсизланиш зарари суммасини баҳолашда ўзининг тажрибаси асосида мулоҳаза қилиб ҳукм чиқаради. Худди шунингдек, тадбиркорлик субъекти жорий шарт-шароитларни акс еттириш учун молиявий активлар бўйича кузатиладиган маълумотларни тўғрилашда ўзининг тажрибаси асосида мулоҳаза қилиб ҳукм чиқаради. Ўринли тахминий баҳолашлардан фойдаланиш молиявий ҳисоботларнинг асосий қисми бўлиб, уларнинг ишончлилигига путур йетказмайди.

Агарда амортизацияланган қийматда баҳоланган молиявий активлар бўйича кадрсизланиш зарари йетказилганлиги тўғрисида объектив далил мавжуд бўлса, зарар суммаси активнинг баланс қиймати билан молиявий активнинг дастлабки эффектив фоиз ставкасида (яъни дастлаб тан олишда ҳисобланган эффектив фоиз ставкасида) дисконтланган ҳолда баҳоланган келгуси пул оқимларининг келтирилган қиймати ўртасидаги фарқ сифатида баҳоланади. Активнинг баланс қиймати бевосита ёки резерв счётидан фойдаланган ҳолда камайтирилиши лозим. Зарар суммаси фойда ёки зарарда тан олиниши лозим.

Тадбиркорлик субъекти дастлаб кадрсизланишнинг объектив далили алоҳида муҳим бўлган молиявий активлар учун алоҳида тарзда мавжудлигини ва алоҳида муҳим бўлмаган молиявий активлар учун алоҳида ёки бирлашган тарзда мавжудлигини баҳолайди. Агарда тадбиркорлик субъекти кадрсизланишнинг ҳеч қандай объектив далили алоҳида баҳоланган молиявий актив учун, актив муҳим ёки муҳим эмас бўлишидан қатъий назар, мавжуд емаслигини аниқласа, у активни ўхшаш кредит рискининг хусусиятларига ега молиявий активлар гуруҳига киритади ва уларнинг кадрсизланишини бирлашган тарзда баҳолайди. Кадрсизланиши алоҳида баҳоланган ва кадрсизланиш зарари тан олинган ёки тан олиниши давом этадиган активлар кадрсизланишнинг бирлашган тарзда баҳоланишига киритилмайди.

Кейинги даврда, агарда кадрсизланиш зарарининг суммаси камайса ва камайиш кадрсизланиш тан олингандан сўнг содир бўладиган ҳодисага объектив тарзда тегишли бўлиши мумкин бўлса (масалан, қарздор кредит рейтингда яхшиланиш), олдин тан олинган кадрсизланиш зарари бевосита ёки резерв счётини тўғрилаш орқали қайта тикланиши лозим. Қайта тикланиш натижасида молиявий активнинг баланс қиймати агарда кадрсизланиш у қайта тикланган санада тан олинмаганда бўлиши мумкин бўлган амортизацияланган қийматдан ошмаслиги керак. Қайта тиклаш қиймати фойда ёки зарарда тан олиниши лозим.

Мазкур Стандарт дериватив хежлаш инструменти сифатида белгиланиши мумкин бўлган ҳолатларни чекламайди. Бироқ, нодериватив молиявий актив ёки нодериватив молиявий мажбурият фақатгина хорижий валюта рискининг жежида хежлаш инструменти сифатида белгиланиши мумкин.

Хеж ҳисоби мақсадларида, фақатгина ҳисобот берадиган тадбиркорлик субъектига (яъни, гуруҳга ёки фаолияти бўйича ҳисобот бериладиган алоҳида тадбиркорлик субъектига) нисбатан ташқи томонни ўз ичига оладиган инструментлар хежлаш инструментлари сифатида белгиланиши мумкин. Жамланган гуруҳ ичидаги алоҳида тадбиркорлик субъектлари ёки тадбиркорлик субъекти ичидаги бўлинмалар бошқа гуруҳ ичидаги тадбиркорлик субъектлари ёки тадбиркорлик субъекти ичидаги бўлинмалар билан хежлаш операцияларни

амалга ошириши мумкин бўлсада, бундай гуруҳ ичидаги операциялар жамлашда чиқариб ташланади. Шу туфайли, бундай хежлаш операциялари гуруҳнинг жамланган молиявий ҳисоботларидаги хеж ҳисоби сифатида таснифланмайди. Бироқ, улар гуруҳ ичидаги алоҳида тадбиркорлик субъектларининг алоҳида ёки ажратилган молиявий ҳисоботларидаги хеж ҳисоби сифатида таснифланиши мумкин, агарда улар фаолияти бўйича ҳисобот бериладиган алоҳида тадбиркорлик субъектига нисбатан ташқи томон бўлса.

Одатда бутун хежлаш инструменти учун ягона ҳаққоний қиймат мавжуд бўлади ва ҳаққоний қийматдаги ўзгаришларга сабаб бўладиган омиллар бир бирига боғлиқдир. Шу туфайли, хежлаш алоқаси тадбиркорлик субъекти томонидан бутун хежлаш инструменти учун белгиланади. Бунда рухсат етилган истиснолар қуйидагилардир:

(а) опцион шартномасининг ички қийматини ва муддатдаги қийматини ажратиш ва хежлаш инструменти сифатида фақатгина опционнинг ички қийматидаги ўзгаришни белгилаш ва унинг муддатдаги қийматидаги ўзгаришни истисно етиш; ва

(б) форвард шартномасининг фоиз жиҳати билан спот нархини ажратиш.

Опционнинг ички қиймати ва форвард бўйича мукофот умуман олганда алоҳида баҳоланиши мумкинлиги сабабли, ушбу истисноларга рухсат етилади. Опцион шартномасининг ҳам ички қийматини ҳам муддатдаги қийматини баҳолайдиган динамик хежлаш стратегияси хеж ҳисоби сифатида таснифланиши мумкин.

Бутун хежлаш инструменти қисми, масалан номинал қийматнинг 50 фоизи, хежлаш алоқасида хежлаш инструменти сифатида белгиланиши мумкин. Бироқ, хежлаш алоқаси хежлаш инструменти амалда бўлган муддатнинг фақатгина маълум қисми учун белгиланиши мумкин эмас.

Ягона хежлаш инструменти бирдан ортиқ риск турининг хежи сифатида белгиланиши мумкин, агарда (а) хежланган рисклар аниқ аниқланиши мумкин бўлса; (б) хеж самарадорлигини намоён етиши мумкин бўлса; ва (в) хежлаш инструменти ва турли риск ҳолатларининг муайян белгиланиши мавжуд бўлишини таъминлаш имкони бўлса.

Икки ёки ундан ортиқ деривативлар, ёки уларнинг қисмларлари (ёки валюта рискининг хежи ҳолатида, икки ёки ундан ортиқ нодеривативлар ёки уларнинг қисмларлари, ёки деривативлар ва нодеривативлар бирлашмаси ёки уларнинг қисмлари), биргаликда инобатга олинishi ва хежлаш инструменти сифатида биргаликда белгиланиши мумкин, масалан айрим деривативлардан юзага келадиган риск(лар) бошқа деривативлардан юзага келадиган риск(лар)ни ўзаро қоплайдиган ҳолат шу жумладандир. Бироқ, фоиз ставкаси «коллар»и ёки чиқарилган опцион билан сотиб олинган опционни бирлаштирадиган бошқа дериватив инструмент хежлаш инструменти сифатида таснифланмайди, агарда у ҳақиқатда соф чиқарилган опцион (соф мукофот олинадиган опцион) бўлса. Худди шунингдек, икки ёки ундан ортиқ инструментлар (ёки уларнинг қисмларлари) хежлаш инструменти сифатида биргаликда белгиланиши мумкин, фақатгина агарда уларнинг ҳеч бири чиқарилган опцион ёки соф чиқарилган

опцион бўлмаса.

Хежланган модда тан олинган актив ёки мажбурият, тан олинмаган қатъий келишув, юқори еҳтимолли режалаштирилган операция ёки хориждаги бўлинмага соф инвестиция бўлиши мумкин. Хежланган модда (а) ягона актив, мажбурият, қатъий келишув, юқори еҳтимолли режалаштирилган операция ёки хориждаги бўлинмага соф инвестиция, (б) ўхшаш риск хусусиятларига ега активлар, мажбуриятлар, қатъий келишувлар, юқори еҳтимолли режалаштирилган операциялар ёки хориждаги бўлинмага соф инвестициялар гуруҳи ёки (с) фақат фоиз ставкаси rischi бўйича портфел хежида, хежланадиган риск тақсимланган молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар портфелининг қисми бўлиши мумкин.

Хеж ҳисоби мақсадларида, фақатгина тадбиркорлик субъектига нисбатан ташқи томонни ўз ичига оладиган активлар, мажбуриятлар, қатъий келишувлар ёки юқори еҳтимолли режалаштирилган операциялар хежланган моддалар сифатида белгиланиши мумкин. Бундан келиб чиқадики, хеж ҳисоби айнан бир гуруҳдаги тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги операцияларга нисбатан гуруҳнинг жамланган молиявий ҳисоботларида емас, балки фақатгина ушбу тадбиркорлик субъектларининг алоҳида ёки ажратилган молиявий ҳисоботларида қўлланилади, бундан БҲҲС 10 да таърифланган инвестицион тадбиркорлик субъектининг жамланган молиявий ҳисоботлари мустасно бўлиб, БҲҲС 10 га мувофиқ инвестицион тадбиркорлик субъекти билан ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар фойда ёки зарарда ҳисобга олинадиган унинг шуъбалари ўртасидаги операциялар жамланган молиявий ҳисоботлардан чиқариб ташланмайди. Истисно тариқасида, гуруҳ ичидаги монетар моддага тегишли (масалан, иккита шуъба тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги дебиторлик/кредиторлик қарзи) хорижий валюта rischi жамланган молиявий ҳисоботларда хежланган модда сифатида таснифланиши мумкин, агарда у ҳисоботларни жамлашда БҲҲС 21 «*Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари*» га мувофиқ тўлиқ чиқариб ташланмайдиган валюта курси ошиши ёки камайиши таъсирига дучор бўлишга олиб келса. БҲҲС 21 га мувофиқ, гуруҳ ичидаги монетар моддалар бўйича валюта курси ўзгаришидан олинадиган фойда ёки зарарлар жамлашда тўлиқ чиқариб ташланмайди, қачонки гуруҳ ичидаги монетар модда бўйича операция турли функционал валюталарга ега гуруҳнинг икки тадбиркорлик субъектлари ўртасида амалга оширилганда. Шу билан бирга, юқори еҳтимолли режалаштирилган гуруҳ ичидаги операция бўйича хорижий валюта rischi жамланган молиявий ҳисоботларда хежланган модда сифатида таснифланиши мумкин, агарда операция операцияни амалга ошираётган тадбиркорлик субъектининг функционал валютасидан бошқа валютада ифодаланган бўлса ва хорижий валюта rischi жамланган фойда ёки зарарга таъсир қилса.

Агарда хежланган модда молиявий актив ёки молиявий мажбурият бўлса, у фақатгина унинг пул оқимларининг ёки ҳаққоний қийматининг қисми (масалан, бир ёки ундан ортиқ танланган шартномавий пул оқимлари ёки уларнинг қисмлари ёки ҳаққоний қийматнинг улуши) билан боғлиқ рискларга нисбатан хежланган модда бўлиши мумкин, агарда хежлашнинг

самарадорлигини баҳолаш мумкин бўлса. Масалан, фоизли актив ёки фоизли мажбурият бўйича фоиз ставкаси рискнинг аниқланадиган ва алоҳида баҳоланадиган қисми хежланган риск сифатида белгиланиши мумкин (масалан, рискдан-ҳоли фоиз ставкаси ёки хежланган молиявий инструмент бўйича жами фоиз ставкаси рискнинг таянч фоиз ставкаси қисми).

Молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар портфели бўйича фоиз ставкаси рискнинг ҳаққоний қиймат хежида (ва фақатгина бундай хежда), хежланган қисм алоҳида активлар (ёки мажбуриятлар) сифатида емас, балки валюта суммаси сифатида (масалан, доллар, йевро, фунт стерлинг ёки ренд суммасида) белгиланиши мумкин. Портфел, рискни бошқариш мақсадларида, активларни ва мажбуриятларни ўз ичига олиши мумкин бўлсада, белгиланган сумма активлар суммаси ёки мажбуриятлар суммасига тенг бўлади. Активлар билан мажбуриятлар ўртасидаги фарққа тенг бўлган соф суммани хежланган модда сифатида белгилашга рухсат етилмайди. Тадбиркорлик субъекти ушбу белгиланган сумма билан боғлиқ фоиз ставкаси рискнинг қисмини хежлаши мумкин. Масалан, олдиндан тўланадиган активларни қамраб оладиган портфел хежи ҳолатида, тадбиркорлик субъекти, шартномавий емас, балки кутилган қайта нархлаш саналари асосида хежланган фоиз ставкасидаги ўзгаришга тегишли бўлган ҳаққоний қийматдаги ўзгаришни хежлаши мумкин. Қачонки хежланган қисм кутилган қайта нархлаш саналарига асосланса, хежланган фоиз ставкасидаги ўзгаришларнинг ушбу кутилган қайта нархлаш саналарига нисбатан таъсири хежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришни аниқлашда инобатга олиниши лозим. Ўз навбатида, агарда олдиндан тўланадиган моддаларни қамраб оладиган портфел олдиндан тўланмайдиган дериватив билан хежланган бўлса, самарадорсизлик юзага келади агарда хежланган портфелдаги моддаларнинг олдиндан тўланиши кутилган саналар ўзгартирилса, ёки ҳақиқий олдиндан тўлов саналари кутилган саналардан фарқ қилса.

Номолиявий моддаларни хежланган моддалар сифатида белгилаш

Агарда хежланган модда номолиявий актив ёки номолиявий мажбурият бўлса, у қуйидагилар учун хежланган модда сифатида белгиланиши лозим: (а) хорижий валюта рисклари учун; ёки (б), хорижий валюта рискларидан бошқа муайян рискларга тегишли бўлган пул оқимларининг ёки ҳаққоний қийматдаги ўзгаришларнинг ўринли қисмини ажратиш ва баҳолаш қийин бўлгани сабабли, хежланган модданинг бутун ҳолатида у билн боғлиқ бўлган барча рисклар учун.

Моддалар гуруҳларини хежланган моддалар сифатида белгилаш

Ўхшаш активлар ёки ўхшаш мажбуриятлар умумлаштирилиши ва гуруҳ сифатида хежланиши лозим, фақатгина агарда гуруҳдаги алоҳида активлар ёки алоҳида мажбуриятлар ўртасида хежланадиган сифатида белгиланган риск тақсимланса. Бундан ташқари, гуруҳдаги ҳар бир алоҳида модда бўйича хежланган рискга тегишли ҳаққоний қийматдаги ўзгариш моддалар гуруҳининг хежланган рискига тегишли ҳаққоний қийматдаги умумий ўзгаришга тахминан пропорционал бўлиши кўзда тутилиши лозим.

Тадбиркорлик субъекти хеж самарадорлигини хежлаш инструментининг ҳаққоний қийматидаги ёки пул оқимидаги ўзгаришни хежланган модда билан

қийёслаш орқали баҳолаши туфайли, хежлаш инструментини муайян хежланган модда билан емас, балки умумий соф позиция (масалан ўхшаш сўндириш муддатларига ега барча фоизлари қатъий белгиланган активлар билан фоизлари қатъий белгиланган мажбуриятлар ўртасидаги фарққа тенг соф позиция) билан қийёслаш хеж ҳисоби сифатида таснифланмайди.

Хежни ҳисобга олишда хежлаш инструменти билан хежланган модданинг ҳаққоний қийматларидаги ўзгаришларнинг ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши натижасида фойда ёки зарарга бўлган таъсир тан олинади.

Хежлаш алоқалари уч хил бўлади:

(а) *ҳаққоний қиймат хежи*: тан олинган активнинг ёки мажбуриятнинг ёки тан олинмаган қатъий келишувнинг, ёки бундай активнинг, мажбуриятнинг ёки қатъий келишувнинг аниқланадиган қисмининг, ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларга дучорлик рискининг хежи бўлиб, у муайян рискга тегишли бўлади ва фойда ёки зарарга таъсир етиши мумкин.

(б) *пул оқими хежи*: пул оқимларидаги ўзгарувчанликка дучорлик рискининг хежи бўлиб, у - тан олинган актив ёки мажбурият (масалан ўзгарувчан фоизли қарз бўйича барча ёки айрим келгуси фоиз тўловлари) ёки юқори еҳтимолли режалаштирилган операция билан боғлиқ муайян рискга тегишли бўлади ва - фойда ёки зарарга таъсир етиши мумкин.

(в) *хориждаги бўлинмага соф инвестициянинг хежи*, бунда БҲХС 21 да таърифлангандек.

Қатъий келишув бўйича хорижий валюта рискининг хежи ҳаққоний қиймат хежи сифатида ёки пул оқими хежи сифатида ҳисобга олиниши мумкин.

Хежлаш алоқаси хеж ҳисоби сифатида таснифланади, фақатгина агарда куйидаги барча шартлар қаноатлантирилса.

(а) хеж бошланишида, хежлаш алоқасининг ва тадбиркорлик субъектининг хежни амалга ошириш бўйича рискни бошқариш мақсади ва стратегиясининг расмий белгиланган ва ҳужжатлаштирилган бўлса. Ушбу ҳужжатлаштириш хежлаш инструментини, хежланган модда ёки операцияни, хежланадиган риск хусусиятини ва тадбиркорлик субъекти хежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги ёки хежланган рискга тегишли пул оқимларидаги ўзгаришларга дучорликни ўзаро қоплаш бўйича хежлаш инструментининг самарадорлигини қандай баҳолашини аниқлашни ўз ичига олади.

(б) Муайян хежлаш алоқаси бўйича дастлабки ҳужжатлаштирилган рискни бошқариш стратегиясига мос тарзда, хеж хежланган рискга тегишли ҳаққоний қийматдаги ёки пул оқимларидаги ўзгаришларни ўзаро қоплашга еришишда юқори самарадор бўлиши кутилади.

(в) Пул оқими хежларида, хежнинг предмети бўлган режалаштирилган операция юқори еҳтимолли бўлиши шарт ва якуний босқичда фойда ёки зарарга таъсир етиши мумкин бўлган пул оқимларининг ўзгаришига нисбатан дучорликни акс еттириши шарт.

(г) Хежнинг самарадорлиги ишончли баҳоланиши мумкин, яъни хежланган рискга тегишли хежланган модданинг ҳаққоний қиймати ёки пул оқимлари билан хежлаш инструментининг ҳаққоний қиймати ишончли

баҳоланиши мумкин.

(д) Хеж уклуксиз баҳоланиб, у хеж белгиланган молиявий ҳисобот даврлари мобайнида юқори самарадор бўлгани учун аниқланади.

Ҳаққоний қиймат хежлари

Агарда ҳаққоний қиймат хежи давр мобайнида у қуйидагича ҳисобга олиниши лозим:

(а) хежлаш инструментини ҳаққоний қийматда (дериватив хежлаш инструменти учун) ёки БҲХС 21 га мувофиқ баҳоланган унинг баланс қийматининг хорижий валюта қисмини (нодериватив хежлаш инструменти учун) қайта баҳолашдан юзага келадиган фойда ёки зарар фойда ёки зарар таркибида тан олиниши лозим; ва

(б) хежланган рискга тегишли хежланган модда бўйича фойда ёки зарар хежланган модданинг баланс қийматини тўғрилаши ва фойда ёки зарар таркибида тан олиниши лозим. Бу қўлланилади, агарда хежланган модда таннархда баҳоланган бўлса.

Молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар портфелининг қисми бўйича фоиз ставкаси рискининг ҳаққоний қиймат хежида фойда ёки зарарни қуйидагича акс еттириш орқали қаноатлантирилиши мумкин:

(а) хежланган модда актив бўлган қайта нархлаш даврлари учун, активлар ичидаги битта ажратилган қатор моддаси; ёки

(б) хежланган модда мажбурият бўлган қайта нархлаш даврлари учун, мажбуриятлар ичидаги битта ажратилган қатор моддаси.

(а) ва (б) да келтирилган ажратилган қатор моддалари молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар акс еттирилган қаторлар тагида акс еттирилиши лозим. Ушбу қатор моддаларида киритилган суммалар молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботдан чиқариб ташланиши лозим, қачонки улар тегишли бўлган активлар ёки мажбуриятлар ҳисобдан чиқарилса.

Агарда фақатгина хежланган моддага тегишли муайян рисклар хежланган бўлса, хежланган рискга тегишли бўлмаган хежланган модданинг ҳаққоний қийматидаги тан олинган ўзгаришлар МҲХС 9 да белгилангандек тан олинади.

Тадбиркорлик субъекти хеж ҳисобини проспектив тарзда тўхтатиши лозим, агарда:

(а) хежлаш инструментининг муддати тугаса ёки у сотилса, бекор қилинса ёки амалга оширилса (ушбу мақсад учун, хежлаш инструментини бошқа хежлаш инструменти орқали алмаштириш ёки муддатини узайтириш хежлаш инструментининг муддати тугагини ёки у бекор қилинишини англатмайди, агарда бундай алмаштириш ёки муддатини узайтириш тадбиркорлик субъектининг ҳужжатлаштирилган хежлаш стратегиясининг қисми бўлса);

(б) хеж ҳисобининг мезонларини бундан буён қаноатлантирмаса; ёки

(в) тадбиркорлик субъекти белгиланиши бекор қилади.

Эффектив фоиз усули қўлланилган хежланган молиявий инструментнинг баланс қийматига (ёки фоиз ставкаси риски бўйича портфел хежи ҳолатида, юзага келадиган ҳар қандай тузатиш амортизация қилиш орқали фойда ёки зарарга олиб борилиши лозим. Амортизациялаш тузатиш пайдобўлиши билан бошланиши мумкин ва хежланган модданинг хежланадиган рискга тегишли

унинг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришларга тузатилиши тўхтатилишидан кечиктирмасдан бошланиши лозим. Тузатиш амортизациялаш бошланадиган санадаги қайта ҳисобланган эффектив фоиз ставкасига асосланади. Бирок, молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар портфели бўйича фоиз ставкаси рискнинг ҳаққоний қиймат ҳежи ҳолатида (ва фақат бундай ҳежда), агарда қайта ҳисобланган эффектив фоиз ставкаси орқали амортизациялаш амалий имконсиз бўлса, тузатиш бир текис маромда амортизацияланиши лозим. Тузатиш молиявий инструментнинг сўндирилишига қадар ёки, фоиз ставкаси rischi бўйича портфел ҳежи ҳолатида, тегишли қайта нархлаш даврининг тугашига қадар тўлиқ амортизацияланиши лозим.

Қачонки тан олинмаган қатъий келишув ҳежланган модда сифатида белгиланса, ҳежланган рискга тегишли қатъий келшувнинг ҳаққоний қийматидаги кейинги йиғилган ўзгариш фойда ёки зарарда тан олинган мос равишдаги фойда ёки зарар билан бирга актив ёки мажбурият сифатида тан олинади. Ҳежлаш инструментининг ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар ҳам фойда ёки зарарда тан олинади.

Қачонки тадбиркорлик субъекти ҳаққоний қиймат ҳежида ҳежланган модда бўлган актив сотиб олиш ёки мажбуриятни тан олиш бўйича қатъий келишувни имзоласа, тадбиркорлик субъекти қатъий келишувни бажариши натижасида юзага келадиган актив ёки мажбуриятнинг дастлабки баланс қиймати шундай мақсадда тўғриланадики, бунда у молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган ҳежланган рискга тегишли қатъий келишувнинг ҳаққоний қийматидаги йиғилган ўзгаришни ўз ичига олади.

Агарда пул оқими ҳежи давр мобайнида қуйидагича ҳисобга олиниши лозим:

(а) самарали ҳеж деб аниқланган ҳежлаш инструменти бўйича фойда ёки зарарнинг қисми бошқа умумлашган даромадда тан олиниши лозим; ва

(б) ҳежлаш инструменти бўйича фойда ёки зарарнинг самарасиз қисми фойда ёки зарарда тан олиниши лозим.

Янада аниқроқ қилиб, пул оқими ҳежи қуйидагича ҳисобга олинади:

(а) капиталнинг ҳежланган модда билан боғлиқ алоҳида қисми қуйидагиларнинг камроғида тўғриланади (мутлақ суммаларда):

- ҳеж бошланишидан буён ҳежлаш инструменти бўйича йиғилган фойда ёки зарар; ва

- ҳеж бошланишидан буён ҳежланган модда бўйича кутилган келгуси пул оқимларининг ҳаққоний қийматидаги (келтирилган қийматидаги) йиғилган ўзгариш;

(б) ҳежлаш инструменти ёки унинг белгиланган қисми (қайсики самарасиз ҳеж) бўйича ҳар қандай қолдиқ фойда ёки зарар фойда ёки зарар таркибида тан олиниши лозим; ва

(в) агарда тадбиркорлик субъектининг муайян ҳежлаш алоқаси бўйича ҳужжатлаштирилган рискни бошқариш стратегияси ҳеж самарадорлигини баҳолашда ҳежлаш инструменти бўйича фойда ёки зарарнинг ёки тегишли пул оқимларининг маълум қисмини инобатга олмаса фойда ёки зарарнинг ушбу инобатга олинмаган қисми МҲХС 9 га мувофиқ тан олинади.

Агарда режалаштирилган операциянинг хежи кейинчалик молиявий актив ёки молиявий мажбуриятни тан олиншига олиб келса, умумлашган даромадда тан олинган тегишли фойда ёки зарарлар қайта таснифлашнинг тўғриланиши сифатида капиталдан фойда ёки зарарга шундай даврда ёки даврларда олиб борилиши (қайта таснифланиши) лозимки, бунда ушбу давр ёки даврлар мобайнида хежланган режалаштирилган пул оқимлари фойда ёки зарарга таъсир этади (масалан, фоизли даромад ёки фоизли харажат тан олинган даврлар). Бирок, агарда тадбиркорлик субъекти бошқа умумлашган даромадда тан олинган зарарнинг барчаси ёки қисми бир ёки ундан ортиқ келгуси даврларда тикланмаслигини кўзда туца, у фойда ёки зарарда қайта таснифлашнинг тўғриланиши сифатида тикланиши кутилмаган суммани қайта таснифлаши лозим.

Агарда режалаштирилган операциянинг хежи кейинчалик номолиявий актив ёки номолиявий мажбуриятни тан олиншига олиб келса, ёки режалаштирилган операция номолиявий актив ёки номолиявий мажбурият учун ҳаққоний қиймат хежи ҳисоби қўлланиладиган қатъий келишувга айланса, тадбиркорлик субъекти қуйидаги (а) ёки (б) ни қабул қилиши лозим:

(а) умумлашган даромадда тан олинган тегишли фойда ёки зарарларни қайта таснифлашнинг тўғриланиши сифатида фойда ёки зарарга шундай даврда ёки даврларда олиб борилиши (қайта таснифлаши) лозимки, бунда ушбу давр ёки даврлар мобайнида хежланган режалаштирилган пул оқимлари фойда ёки зарарга таъсир этади (масалан, ескириш харажати ёки сотувлар таннархи тан олинган даврлар). Бирок, агарда тадбиркорлик субъекти бошқа умумлашган даромадда тан олинган зарарнинг барчаси ёки қисми бир ёки ундан ортиқ келгуси даврларда тикланмаслигини кўзда туца, у фойда ёки зарарда қайта таснифлашнинг тўғриланиши сифатида тикланиши кутилмаган суммани қайта таснифлаши лозим.

(б) у умумлашган даромадда тан олинган тегишли фойда ёки зарарларни чиқариб ташлайди ва уларни активнинг ёки мажбуриятнинг дастлабки таннархига ёки бошқа баланс қийматида киритади.

Тадбиркорлик субъекти (а) ёки (б) ни ўзининг ҳисоб сиёсати сифатида қабул қилиши лозим ва уни бир меъёрда барча хежларга нисбатан қўллаши лозим.

Пул оқими хежларидан бошқа пул оқими хежларида, бошқа умумлашган даромадда тан олинган суммалар қайта таснифлашнинг тўғриланиши сифатида капиталдан фойда ёки зарарга шундай даврда ёки даврларда қайта таснифланиши лозимки, бунда ушбу давр ёки даврлар мобайнида хежланган режалаштирилган пул оқимлари фойда ёки зарарга таъсир этади (масалан, режалаштирилган сотув содир бўлганда).

Қуйидаги ҳолатларнинг бирортасида тадбиркорлик хеж ҳисобини проспектив тарзда тўхтатиши лозим:

(а) Хежлаш инструментинг муддати тугаса ёки у сотилса, бекор қилинса ёки амалга оширилса (ушбу мақсад учун, хежлаш инструментини бошқа хежлаш инструменти орқали алмаштириш ёки муддатини узайтириш муддат тугашини ёки хежлаш инструментининг бекор қилинишини англамайди, агарда бундай

алмаштириш ёки муддатини узайтириш тадбиркорлик субъектининг ҳужжатлаштирилган хежлаш стратегиясининг қисми бўлса). Бундай ҳолатда, хеж амалда бўлган даврдан бошлаб бошқа умумлашган даромадда тан олинган хежлаш инструменти бўйича йиғилган фойда ёки зарар режалаштирилган операция содир бўлгунга қадар капитал таркибида ажратилган ҳолда қолиши лозим. (б) Хеж бундан буён хеж ҳисобининг мезонларини қаноатлантирмайди. Бундай ҳолатда, хеж амалда бўлган даврдан бошлаб бошқа умумлашган даромадда тан олинган хежлаш инструменти бўйича йиғилган фойда ёки зарар режалаштирилган операция содир бўлгунга қадар капитал таркибида ажратилган ҳолда қолиши лозим.

(в) Режалаштирилган операциянинг бундан буён содир бўлиши кутилмайди ва бундай ҳолатда хеж амалда бўлган даврдан бошлаб бошқа умумлашган даромадда тан олинган хежлаш инструменти бўйича ҳар қандай тегишли йиғилган фойда ёки зарар қайта таснифлашнинг тўғриланиши сифатида капиталдан фойда ёки зарарга олиб борилиши (қайта таснифланиши) лозим. (г) Тадбиркорлик субъекти хежни белгилашни бекор қилади. Режалаштирилган операция хежларида, хеж амалда бўлган даврдан бошлаб бошқа умумлашган даромадда тан олинган хежлаш инструменти бўйича йиғилган фойда ёки зарар режалаштирилган операция содир бўлгунга қадар ёки унинг содир бўлиши бундан буён кутилмаслигига қадар капитал таркибида алоҳида модда бўлиб қолиши лозим. Агарда операциянинг содир бўлиши бундан буён кутилмаса, бошқа умумлашган даромадда тан олинган йиғилган фойда ёки зарар қайта таснифлашнинг тўғриланиши сифатида капиталдан фойда ёки зарарга олиб борилиши (қайта таснифланиши) лозим.

Хориждаги бўлинмага соф инвестициянинг хежлари, жумладан соф инвестициянинг қисми сифатида ҳисобга олинган монетар модда (БҲХС 21) хежи, пул оқими хежларига ўхшаш тарзда ҳисобга олиниши лозим:

(а) самарали хеж деб аниқланган хежлаш инструменти бўйича фойда ёки зарарнинг қисми бошқа умумлашган даромадда тан олиниши лозим; ва

(б) самарасиз қисм фойда ёки зарарда тан олиниши лозим.

Бошқа умумлашган даромадда тан олинган хежнинг самарали қисмига тегишли бўлган хежлаш инструменти бўйича фойда ёки зарар қайта таснифлашнинг тўғриланиши ифатида капиталдан фойда ёки зарарга БҲХС 21 га мувофиқ хориждаги бўлинманинг чиқиб кетишида ёки қисман чиқиб кетишида қайта таснифланиши лозим.

7.3. МҲХС (IFRS) 7 “Молиявий инструментлар: маълумотларни очиб бериш”

МҲХС (IFRS) 7 “Молиявий инструментлар: маълумотларни очиб бериш” номли стандартнинг мақсади бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

(а) тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларига молиявий инструментларнинг таъсири қанчалик катта эканлигини; ва

(б) тадбиркорлик субъекти ҳисобот даври мобайнида ва охирида дучор бўлган ва молиявий инструментлардан юзага келадиган рискларнинг хусусияти

ва даражасини ҳамда тадбиркорлик субъекти ушбу рискларни қандай қилиб бошқаришини

Баҳолаши учун имкон берадиган маълумотлар тадбиркорлик субъектлари томонидан уларнинг молиявий ҳисоботларида очиб берилишини талаб этиш ҳисобланади.

Ушбу МҲҲСдаги тамойиллар БҲҲС 32 “Молиявий инструментлар: тақдим этиш” ва МҲҲС 9 “Молиявий инструментлар” даги молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни тан олиш, баҳолаш ва тақдим этиш бўйича тамойилларни тўлдиради.

Ушбу МҲҲС барча тадбиркорлик субъектлари томонидан қуйидагилардан ташқари барча турдаги молиявий инструментларга нисбатан қўлланилиши керак:

(а) МҲҲС 10 «Жамланган молиявий ҳисоботлар», БҲҲС 27 “Алоҳида молиявий ҳисоботлар” ёки БҲҲС 28 “Қарам тадбиркорлик субъектларидаги ва қўшма корхоналардаги инвестициялар” га мувофиқ ҳисобга олинadиган шуъба тадбиркорлик субъектлари, қарам тадбиркорлик субъектлари ёки қўшма корхоналарга инвестициялар. Бироқ, айрим ҳолатларда, БҲҲС 27 ёки БҲҲС 28 шуъба тадбиркорлик субъектлари, қарам тадбиркорлик субъектлари ёки қўшма корхоналарга инвестицияларнинг МҲҲС 9 га мувофиқ ҳисобга олинишига рухсат беради; бундай ҳолатларда, тадбиркорлик субъектлари ушбу МҲҲСнинг талабларини қўллаши керак ҳамда ҳаққоний қийматда баҳоланадиган бундай инвестицияларга нисбатан МҲҲС 13 “Ҳаққоний қийматни баҳолаш” нинг талабларини қўллаши керак. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ушбу МҲҲСни шуъба тадбиркорлик субъектлари, қарам тадбиркорлик субъектлари ёки қўшма корхоналарга инвестициялар билан боғлиқ барча деривативларга нисбатан, ушбу дериватив БҲҲС 32 даги улушли инструментнинг таърифига мос келган ҳолатлардан ташқари ҳолатларда, қўллаши керак.

(б) БҲҲС 19 “Ҳодимларнинг даромадлари” қўлланиладиган ҳодимларнинг даромадлари бўйича иш берувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

(в) МҲҲС 4 “Суғурта шартномалари” да таърифланган суғурта шартномалари. Бироқ, ушбу Стандарт бундай суғурта шартномаларида сингдирилган деривативларга нисбатан қўлланилади, агар МҲҲС 9 уларнинг алоҳида ҳисобга олинишини талаб еца. Бундан ташқари, эмитент ушбу МҲҲСни молиявий кафолат шартномаларига нисбатан қўллаши керак, агар у ушбу шартномаларни тан олишда ва баҳолашда МҲҲС 9 ни қўлласа. Бироқ, эмитент МҲҲС 4 га мувофиқ бундай шартномаларни тан олиш ва баҳолаш учун МҲҲС 4 ни танлаганида (қарор қилганида), у бу шартномаларга нисбатан МҲҲС 4 ни қўллаши керак.

(г) МҲҲС 2 “Акцияга-асосланган тўлов” қўлланиладиган акцияга асосланган тўловлар бўйича операциялардан юзага келадиган молиявий инструментлар, шартномалар ва мажбуриятлар. Бироқ МҲҲС 9 нинг қўллаш доирасидаги шартномаларга нисбатан ушбу МҲҲС қўлланилади.

(д) улушли инструментлар сифатида таснифланиши талаб этиладиган инструментлар.

Ушбу МҲХС тан олинган ва тан олинмаган молиявий инструментларга нисбатан қўлланилади. Тан олинган молиявий инструментлар ўз ичига МҲХС 9 нинг қўллаш доирасидаги молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни олади. Тан олинмаган молиявий инструментлар, МҲХС 9 нинг қўллаш доирасидан ташқарида бўлишидан қатъий назар, ушбу МҲХС нинг қўллаш доирасига кирадиган баъзи молиявий инструментлар (масалан, айрим кредит мажбуриятларини) олади.

МҲХС 9 нинг қўллаш доирасидаги номолиявий моддаларни харид қилиш ёки сотиш бўйича шартномаларга нисбатан ушбу МҲХС қўлланилади.

Ушбу МҲХСда молиявий инструментлар маълумотларни очиб бериш талаб етилганида, тадбиркорлик субъекти молиявий инструментларни очиб бериладиган маълумотнинг хусусиятига хос бўлган ва мазкур молиявий инструментларнинг хусусиятларини ҳисобга оладиган туркумларга гуруҳлаши керак. Тадбиркорлик субъекти молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс еттириладиган моддаларнинг солиштирмасини шакллантириш учун йетарли бўлган маълумотларни таъминлаши керак.

Тадбиркорлик субъекти молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар унинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларига молиявий инструментларнинг таъсири қанчалик катта эканлигини баҳолаш иконини берадиган маълумотларни очиб бериши керак.

Молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг тоифалари

Молиявий инструментларнинг МҲХС 9 да белгиланган қўйидаги тоифаларининг ҳар бириси бўйича уларнинг баланс қийматлари молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда очиб берилиши керак:

(а) ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар фойда ёки зарарда ҳисобга олинмаган молиявий активлар. Бунда ушбу активларнинг қўйидаги турлари алоҳида кўрсатилиши керак: - дастлабки тан олишда бундай активлар сифатида белгиланган молиявий активлар, ва - МҲХС 9 га мувофиқ мажбурий равишда ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланмаган молиявий активлар.

(б) ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар фойда ёки зарарда ҳисобга олинмаган молиявий мажбуриятлар. Бунда ушбу мажбуриятларнинг қўйидаги турлари алоҳида кўрсатилиши керак: - дастлабки тан олишда бундай мажбуриятлар сифатида белгиланган молиявий мажбуриятлар, ва - МҲХС 9 га мувофиқ олди-сотди учун мўлжалланган молиявий мажбуриятлар таърифига мос келадиган молиявий мажбуриятлар.

(е) амортизацияланган қиймат бўйича баҳоланмаган молиявий активлар.

(ё) амортизацияланган қиймат бўйича баҳоланмаган молиявий мажбуриятлар.

(ж) ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар бошқа умумлашган даромадда ҳисобга олинмаган молиявий активлар.

Ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар фойда ва зарарда ҳисобга олинмаган молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар

Тадбиркорлик субъекти молиявий актив (ёки молиявий активларнинг гуруҳини) ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланмаган сифатида белгилаганида

(улар бошқа ҳолатда амортизацияланган қийматда ҳисобга олинадиган бўлганида), қуйидагиларни очиб бериши керак:

(а) ҳисобот даври охирида молиявий актив.

(б) ушбу максимал кредит рискни камайтирадиган ва ушбу молиявий активга (ёки молиявий активлар гуруҳига) боғлиқ бўлган ҳар қандай кредит деривативлари ёки шунга ўхшаш инструментларнинг суммаси.

(в) молиявий актив бўйича кредит рискининг ўзгариши туфайли ушбу молиявий активнинг (ёки молиявий активлар гуруҳининг) ҳаққоний қийматидаги давр мобайнидаги ёки жамғарилган ўзгариш суммаси. Ушбу сумма қуйидагича аниқланади:

- бозор рискни юзага келтирадиган бозор шароитларининг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳаққоний қийматнинг ўзгариши суммаси сифатида; ёки

- тадбиркорлик субъектининг фикри бўйича кредит рискидаги ўзгаришлар туфайли ҳаққоний қийматнинг ўзгаришини тўғрироқ кўрсатадиган муқобил усулдан фойдаланган ҳолда.

Бозор рискни юзага келтирадиган бозор шароитларидаги ўзгаришлар кузатиладиган (таянч асос бўладиган) фоиз ставкасининг ўзгариши ҳамда товарларнинг нархларидаги, валюта курсларидаги ёки нархлар ёхуд курслар индексларидаги ўзгаришларни қамраб олади.

(г) ҳар қандай боғлиқ бўлган кредит деривативининг ёки шунга ўхшаш инструментларнинг ҳаққоний қийматидаги молиявий активнинг ҳисобга олиниши белгиланганидан кейин жамғарилган ёки давр мобайнида содир бўлган ўзгариш суммаси.

Тадбиркорлик субъекти МҲХС 9га мувофиқ молиявий мажбуриятни ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар фойда ёки зарарда ҳисобга олинадиган молиявий мажбурият сифатида белгилаганида ва ушбу мажбурият бўйича кредит рискидаги ўзгаришлар таъсирини бошқа умумлашган даромадда акс еттириши талаб етилганида, у қуйидагиларни очиб бериши керак:

(а) молиявий мажбурият бўйича кредит риск туфайли молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қийматидаги жамғарилган ўзгариш суммасини.

(б) молиявий мажбуриятнинг баланс қиймати ва бу мажбуриятнинг сўндириш муддати охирида ушбу мажбурият шартномаси бўйича тадбиркорлик субъекти тўлаши керак бўлган сумма орасидаги фарқ.

(в) жамғарилган фойда ёки зарарнинг давр мобайнида капитал ичидаги ҳар қандай бир моддадан бошқа моддага ўтказилиши ва бундай ўтказишнинг сабаби.

(г) мажбурият давр мобайнида ҳисобдан чиқарилган бўлса, ҳисобдан чиқаришда ўзлаштирилган ва бошқа умумлашган даромадда акс еттирилган сумма (агар мавжуд бўлса).

Тадбиркорлик субъекти МҲХС 9 га мувофиқ молиявий мажбуриятни ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар фойда ёки зарарда ҳисобга олинадиган молиявий мажбурият сифтиад белгилаганида ва ушбу мажбуриятнинг ҳаққоний қийматидаги ҳамма ўзгаришларни (шу жумладан, мажбуриятнинг кредит рискидаги ўзгаришларнинг таъсирини) фойда ёки зарарда акс еттириши талаб

етилганида, у қуйидагиларни очиб бериши керак:

(а) молиявий мажбурият бўйича кредит рискдаги ўзгаришлар туфайли молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қийматидаги давр мобайнидаги ва жамғарилган ўзгаришлар сумаси; ва

(б) молиявий мажбуриятнинг баланс қиймати ва бу мажбуриятнинг сўндириш муддати охирида ушбу мажбурият шартномаси бўйича тадбиркорлик субъекти тўлаши керак бўлган сумма орасидаги фарқ.

Шунингдек, тадбиркорлик субъекти қуйидагиларни очиб бериши лозим:

(а) МҲХС 9 га риоя этиш учун қўлланилган усулларнинг батафсил баёни, шу жумладан ушбу усул нима учун тўғри еканлигининг тушунтирилиши.

(б) тадбиркорлик субъектининг фикрича, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ҳамда МҲХС 9га риоя этиш учун очиб берилган маълумотлар молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қийматидаги ушбу актив ёки мажбурият бўйича кредит рискнинг ўзгаришларига боғлиқ бўлган ўзгаришларни тўғри кўрсатмаса, бундай фикрга нима учун келгани сабаблари ва унинг фикрича ўринли бўлган омиллар.

(в) мажбурият бўйича кредит рискдаги ўзгаришлар таъсирини бошқа умумлашган даромадда кўрсатиш фойда ёки зарарда ҳисобдаги номувофиқликни яратиши ёки кўпайтиришини аниқлаш учун қўлланилган методология ёки методологияларнинг батафсил баёни. Тадбиркорлик субъекти мажбурият бўйича кредит рискдаги ўзгаришларни фойда ёки зарарда акс еттириши талаб етилганида, очиб бериладиган маълумотлар ўз ичига МҲХС 9 да тавсифланган иқтисодий боғлиқликнинг батафсил баёнини олиши керак.

Ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар бошқа умумлашган даромадда ҳисобга олинадиган молиявий активлар

Тадбиркорлик субъекти улушли инструментларга инвестицияларни ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар бошқа умумлашган даромадда ҳисобга олинадиган инструментлар сифатида, МҲХС 9да рухсат етилганидек, белгилаганида, у қуйидагиларни очиб бериши керак:

(а) қайси улушли инструментларга инвестициялар ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар бошқа умумлашган даромадда ҳисобга олинадиган инструментлар сифатида белгиланган.

(б) инструментларни бундай тақдим этиш муқобилини танлашнинг сабаблари.

(в) бундай ҳар бир инвестициянинг ҳисобот даври охиридаги ҳаққоний қиймати.

(г) давр мобайнида тан олинган дивидендлар, бунда ҳисобот даври мобайнида ҳисобдан чиқарилган ҳамда ҳисобот даври охирида сақлаб турилган инвестицияларга тегишли бўлган дивидендларни алоҳида кўрсатган ҳолда.

(д) жамғарилган фойда ёки зарарнинг давр мобайнида капитал ичидаги ҳар қандай бир моддадан бошқа моддага ўтказилиши ва бундай ўтказишнинг сабаби.

Тадбиркорлик субъекти ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар бошқа умумлашган даромадда ҳисобга олинадиган улушли инструментларга инвестицияларни ҳисобот даври мобайнида ҳисобдан чиқарганида, у

қуйидагиларни очиб бериши керак:

- (а) инвестицияларнинг чиқиб кетиши сабаблари.
- (б) инвестиция ҳисобдан чиқарилган санадаги унинг ҳаққоний қиймати.
- (в) инвестиция чиқиб кетишидаги жамғарилган фойда ёки зарар.

Тадбиркорлик субъекти жорий ёки олдинги ҳисобот даврларида қандайдир молиявий активларни МҲҲС 9 га мувофиқ қайта таснифлаганини очиб бериши керак. Бундай ҳар бир қайта таснифлаш бўйича тадбиркорлик субъекти қуйидагиларни очиб бериши керак:

- (а) қайта таснифлаш санаси.
- (б) бизнес моделнинг ўзгариши тўғрисида батафсил тушунтириш ва бу ўзгаришнинг тадбиркорлик субъекти молиявий ҳисоботларига таъсирини тавсифлайдиган сифатий маълумотлар.
- (в) ҳар бир тоифага ва тоифадан қайта таснифланган модданинг суммаси.

Қайта таснифлашдан кейин ҳисобдан чиқаришгача ҳар бир ҳисобот даври учун, тадбиркорлик субъекти МҲҲС 9 га мувофиқ амортизацияланган қиймат бўйича баҳоланадиган активлар сифатида қайта таснифлаган активлар бўйича қуйидагиларни очиб бериши керак:

- (а) қайта таснифлаш санасида аниқланган еффе́ктив фоиз ставкаси; ва
- (б) тан олинган фоизли даромад ёки харажат.

Тадбиркорлик субъекти молиявий активларни улар амортизацияланган қиймат бўйича баҳоланадиган активлар сифатида охи́рги йиллик ҳисобот санасидан кейин қайта таснифлаганида, у қуйидагиларни очиб бериши керак:

(а) молиявий активларнинг ҳисобот даври охиридаги ҳаққоний қиймати; ва

(б) молиявий активлар қайта таснифланмаганида ҳисобот даври мобайнида фойда ёки зарарда тан олинган бўлган ҳаққоний қийматнинг ўзгаришидан фойда ва зарарлар.

МҲҲСдаги очиб берилиши талаб етиладиган бошқа маълумотларни тўлдирари ҳамда БҲҲС 32 га мувофиқ ўзаро ҳисоб-китоб қилинадиган ва тан олинадиган барча молиявий инструментлар бўйича очиб берилиши талаб етилади. Ушбу маълумотларни очиб бериш соф асосда ҳисоблашишни кўзда тутадиган асосий келишув ёки шунга ўхшаш келишув доирасида бўлган ва тан олинган молиявий инструментларга ҳам, улар БҲҲС га мувофиқ ўзаро ҳисоб-китоб қилинишидан қатъий назар, тегишлидир.

Тадбиркорлик субъекти молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар соф асосда ҳисоблашишни кўзда тутадиган келишувларнинг тадбиркорлик субъекти молиявий ҳолатига бўлган таъсирини ёки потенциал таъсирини баҳолашга имкон берадиган маълумотларни очиб бериши керак. Бу еса тадбиркорлик субъекти томонидан тан олинган ва молиявий активлар ва тан олинган молиявий мажбуриятлар билан боғлиқ ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқларининг таъсирини ёки потенциал таъсирини қамраб олади.

Тадбиркорлик субъекти ҳисобот даврининг охирида молиявий активлар ва тан олинган молиявий мажбуриятлар бўйича қуйидаги миқдорий маълумотларни алоҳида очиб бериши керак:

- (а) ушбу тан олинган молиявий активлар ва тан олинган молиявий

мажбуриятларнинг ялпи баланс қийматини;

(б) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс еттирилган соф суммаларни аниқлашда БҲХС 32 мезонларига мувофиқ ўзаро ҳисоб-китоб қилинган суммаларни;

(в) молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс еттирилган соф суммаларни;

(г) соф асосда ҳисоблашни кўзда тутадиган асосий келишув ёки шунга ўхшаш келишувларнинг доирасида бўлган, шу жумладан:

- БҲХС 32 даги ўзаро ҳисоб-китоб қилиш мезонларнинг ҳаммасига ёки айримларига мос келмайдиган ва тан олинадиган молиявий инструментларга тегишли суммалар; ва

- молиявий активлар кўринишидаги гаровга тегишли бўлган суммалар (шу жумладан, пул маблағлари гарови); ва

(д) юқоридаги (г) дан (в) даги суммаларни чегиргандан кейин қолган соф сумма.

Ушбу бандда талаб етилган маълумотлар алоҳида молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар бўйича жадвал шаклида, бошқа шакл ўринлироқ бўлмаганида, келтирилиши керак.

Тадбиркорлик субъекти қуйидагиларни очиб бериши керак:

(а) мажбуриятлар ёки шартли мажбуриятлар бўйича гаровга қўйилган молиявий активларнинг баланс суммасини, шу жумладан МҲХС 9 га мувофиқ қайта таснифланган суммаларни; ва

(б) бундай гаровнинг шартлари ва муддатларини.

Тадбиркорлик субъекти (молиявий ёки номолиявий активларни) гаровга олган бўлса ва унга гаров егаси тўловларни кечиктирмаганда ҳам ушбу гаровни сотишга ёки қайтадан гаровга қўйишига рухсат етилса, у қуйидагиларни очиб бериши керак:

(а) гаровнинг ҳаққоний қийматини;

(б) ҳар қандай бундай гаров сотилганида ёки қайта гаровга қўйилганида унинг ҳаққоний қийматини ҳамда тадбиркорлик субъекти бу гаровни қайтариб бериш мажбуриятига ега эканлигини; ва

(в) гаровдан фойдаланиш шартлари ва муддатларини.

Кредит зарарлари туфайли молиявий активлар қадрсизланганида ва тадбиркорлик субъекти қадрсизланишни, активнинг баланс қийматини тўғридан-тўғри камайтирмасдан, алоҳида счетда акс еттирганида (масалан, алоҳида активнинг қадрсизланиши акс еттириш учун ишлатиладиган резерв счетида ёки активлар гуруҳинининг биргаликдаги қадрсизланишини акс еттириш учун ишлатиладиган резерв счетида), у молиявий активларнинг ҳар бир тоифаси бўйича ушбу счетдаги ҳисобот давридаги ўзгаришларнинг солиштирмасини очиб бериши керак.

Тадбиркорлик субъекти капитал ва мажбурият таркибий қисмларига ега бўлган инструментни чиқарганида ва инструмент бир нечта сингдирилган деривативларга ега бўлиб, бу деривативларнинг қийматлари бир бирига боғлиқ бўлганида (масалан, қайта сотиб олиниши мумкин конвертация қилинадиган қарз инструменти), у ушбу хусусиятларнинг мавжудлигини очиб бериши керак.

Ҳисобот даври охирида тан олинган *тўланадиган кредитлар* бўйича, тадбиркорлик субъекти қуйидагиларни очиб бериши керак:

(а) ушбу тўланадиган кредитларнинг сўндириш шартлари, қарзни узиш фонди, асосий қарз суммаси, фоизларни тўлаш шартларини ҳар қандай бузиш ҳолатининг тафсилотлари;

(б) ҳисобот даври охирида шартлари бузилган тўланадиган кредитларнинг баланс қиймати; ва

(в) молиявий ҳисоботлар еълон қилиш учун тасдиқланишидан олдин шартлари бузилган кредит бўйича зарарни камайтиришга қаратилган чоралар қабул қилинганлиги ёки тўланадиган кредитларнинг шартлари ўзгартилганлигини.

Тадбиркорлик субъекти умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда қуйидаги даромадлар, харажатлар, фойда ёки зарарлар моддаларини очиб бериши керак:

(а) қуйидагилар бўйича соф фойда ёки соф зарарлар:

- ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар фойда ёки зарарда ҳисобга олинадиган молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар. Бунда дастлабки тан олишда бундай молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар сифатида белгиланганлар ва МҲХС 9 га мувофиқ мажбурий равишда ҳаққоний қиймат бўйича баҳоланадиган молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятлар (масалан, МҲХС 9 бўйича олди-сотди учун мўлжалланган таърифига мос келадиган молиявий мажбуриятлар) бўйича маълумотлар алоҳида очиб берилади. Ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар фойда ёки зарарда ҳисобга олинадиган молиявий мажбуриятлар бўйича, тадбиркорлик субъекти бошқа умумлашган даромадда тан олинадиган суммани ва фойда ёки зарарда тан олинадиган суммани алоҳида кўрсатиши керак.

- амортизацияланган қиймат бўйича баҳоланадиган молиявий мажбуриятлар.

- амортизацияланган қиймат бўйича баҳоланадиган молиявий активлар.

- ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар бошқа умумлашган даромадда ҳисобга олинадиган молиявий активлар.

(б) амортизацияланган қиймат (еффе́ктив фоиз усули асосида ҳисобланган) бўйича баҳоланадиган молиявий активлар ёки ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлари фойда ёки зарарда ҳисобга олинмайдиган молиявий мажбуриятлар бўйича жами фоизли даромадлар ва жами фоизли харажатлар.

(в) қуйидагилардан юзага келадиган комиссиян даромадлар ва харажатлар (еффе́ктив фоиз ставкасини аниқлашда ҳисобга олинган суммалардан ташқари):

- амортизацияланган қиймат бўйича баҳоланадиган молиявий активлар ёки ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлари фойда ёки зарарда ҳисобга олинмайдиган молиявий мажбуриятлар; ва

- алоҳида шахслар, трастлар, пенсион тизимлар ва бошқа ташкилотлар номидан активларни инвестиция қилиш ёки сақлаб туришга олиб келадиган ишонч ва бошқа фидуциар операциялар.

(г) қадрсизланган молиявий активлар бўйича БҲХС 39 “Молиявий

Инструментлар: тан олиш ва баҳолаш”га мувофиқ ҳисобланган фоида даромадлар

(д) молиявий активларнинг ҳар бир тоифаси бўйича ҳар қандай қадрсизланиш зарарининг суммаси.

Тадбиркорлик субъекти умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботда тан олинган ва амортизацияланган қиймат бўйича баҳоланадиган молиявий активларни ҳисобдан чиқаришдан юзага келадиган фойда ёки зарарнинг таҳилини очиб бериши керак, бунда у ушбу молиявий активларнинг ҳисобдан чиқарилишидан олинган фойда ва зарарларни алоҳида кўрсатиши керак. Ушбу очиб бериладиган маълумотлар молиявий активларнинг ҳисобдан чиқарилишининг сабабларини қамраб олиши керак.

БҲХС 1 “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш”га мувофиқ, тадбиркорлик субъекти муҳим ҳисоб сиёсатларнинг қисқача баёнида молиявий ҳисоботларни тайёрлашда фойдаланилган баҳолаш асосини (ёки асосларини) ва молиявий ҳисоботларни тушуниш учун ўринли бўлган бошқа қўлланилган ҳисоб сиёсатларини очиб бериши керак.

Тадбиркорлик субъекти БҲХС 39 да тавсифланган хежларнинг ҳар бир тури бўйича қуйидагиларни алоҳида очиб бериши керак (яъни, ҳаққоний қиймат хежлари, пул оқимлари хежлари, хорижий бўлинмага соф инвестициялар хежлари):

(а) ҳар бир турдаги хежнинг тавсифи;

(б) хежлаш инструментлари сифатида белгиланган молиявий инструментларнинг тавсифини ва уларнинг ҳисобот даври охиридаги ҳаққоний қийматларини; ва

(в) хежланган рискларнинг хусусиятини.

Пул оқимларининг хежи бўйича, тадбиркорлик субъекти қуйидагиларни очиб бериши керак:

(а) пул оқимлари юзага келиши кутилган даврлар ва ушбу пул оқимлари фойда ёки зарарга таъсир этиши кутилган даврлар;

(б) олдин хеж ҳисоби қўлланилган, лекин бошқа содир бўлиши кутилмайдиган ҳар қандай прогноз қилинадиган операциянинг тавсифи;

(в) давр мобайнида бошқа умумлашган даромадда тан олинган сумма;

(г) давр давомида капиталдан фойда ёки зарарга ўтказилган (қайта таснифланган) сумма, бунда умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳар бир сатрда кўрсатиладиган моддасига киритилган суммани алоҳида очиб берган ҳолда; ва

(д) давр давомида капиталдан чиқариб ташланган ва сотиб олинган ёки содир бўлиши хежланган еқори еҳтимолга ега ва прогноз қилинадиган операция бўлган номолиявий активнинг ёки номолиявий мажбуриятнинг бошланғич қийматига ёки бошқа баланс қийматига киритилган сумма.

Тадбиркорлик субъекти қуйидагиларни алоҳида очиб бериши керак:

(а) ҳаққоний қийматнинг хежларида, қуйидагилар бўйича фойда ёки зарарларни:

- хежлаш инструменти; ва

- хежланган рискка тегишли хежланган модда.

(б) пул оқимларининг жежи бўйича келиб чиққан ва фойда ёки зарарда тан олинган самарасизлик.

(в) хорижий бўлинмага соф инвестициядан келиб чиққан ва фойда ёки зарарда тан олинган самарасизлик.

Тадбиркорлик субъекти, молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларнинг ҳар бир туркуми бўйича, ушбу активлар ва мажбуриятлар туркумининг ҳаққоний қийматини уларнинг баланс қиймати билан солиштириб бўладиган тарзда очиб бериши керак.

Ҳаққоний қиймат тўғрисидаги маълумотларни очиб берганда, тадбиркорлик субъекти молиявий активлар ва молиявий мажбуриятларни туркумларга гуруҳлаши керак, лекин уларнинг баланс қийматлари молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда ўзаро ҳисоб-китоб қилинган даражадагина уларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиши керак.

Баъзи ҳолатларда, молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг ҳаққоний қиймати у билан бир хил активнинг ёки мажбуриятнинг фаол бозордаги котировка қилинадиган баҳоси (яъни ҳаққоний қиймат иерархиясининг 1-чи даражаси) билан тасдиқланмаганлиги ёки фақат кузатиладиган бозорлардан олинган маълумотлар асосидаги баҳолаш усулларига асосланмаганлиги туфайли тадбиркорлик субъекти молиявий актив ёки молиявий мажбуриятнинг дастлабки тан олишда фойда ёки зарарни тан олмайди. Бундай ҳолатларда, тадбиркорлик субъекти молиявий активлар ёки молиявий мажбуриятларнинг туркумлари бўйича қуйидагиларни очиб бериши керак:

(а) бозор иштирокчилари мазкур актив ёки мажбуриятларнинг нархини белгилашда ҳисобга олган бўлган омилларнинг (шу жумладан, вақтнинг) ўзгаришини акс еттириш мақсадида дастлабки тан олишдаги ҳаққоний қиймат ва операция баҳоси ўртасидаги фарқни фойда ёки зарарда тан олиш бўйича ҳисоб сиёсатини.

(б) давр боши ва охирида фойда ёки зарарда ҳали тан олиниши керак бўлган умумий фарқни ва ушбу фарқ қолдиғидаги ўзгаришларнинг солиштирмасини.

(в) тадбиркорлик субъекти операция баҳоси ҳаққоний қийматнинг енг яхши далили емас деган хулосага келганлигининг сабабини, шу жумладан ҳаққоний қийматни исботлайдиган далилнинг тавсифини.

Ҳаққоний қиймат бўйича маълумотлар қуйидаги ҳолатларда очиб берилиши талаб етилмайди:

(а) баланс қиймати ҳаққоний қийматнинг оқилона таҳмини бўлганида, масалан, савдога оид қисқа муддатли дебиторлик қарзлари ва кредиторлик қарзлари каби молиявий инструментлар бўйича;

(б) ихтиёрий иштирок имконини берадиган хусусиятга ега шартнома (МҲХС 4 да тавсифлангандек) ҳолатида, агар ушбу хусусиятнинг ҳаққоний қиймати ишончли даражада баҳолана олмаса.

Тадбиркорлик субъекти молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар бундай шартномаларнинг баланс қиймати ва ҳаққоний қиймати ўртасидаги мумкин бўлган фарқлар суммаси тўғрисида ўз мулоҳазаларини чиқариши учун имкон берадиган маълумотларни очиб бериши керак, шу жумладан:

(а) ушбу инструментлар бўйича ҳаққоний қиймат ишончли даражада баҳола олинмаганлиги туфайли ушбу ҳаққоний қиймат очиб берилмаганлиги фактини;

(б) молиявий инструментларнинг тавсифини, уларнинг баланс қийматини, ва ҳаққоний қиймат нима сабабларга кўра ишончли даражада баҳолана олинмаганилиги бўйича тушунтиришни;

(в) ушбу инструментлар бўйича бозорнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар;

(г) тадбиркорлик субъекти молиявий инструментларнинг чиқиб кетишини режалаштирганлиги ва қандай қилиб чиқиб кетишини режалатираётганини; ва

(д) агар олдин ҳаққоний қийматини ишончли баҳолаб бўлмаган молиявий инструментлар ҳисобдан чиқарилса, ушбу ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги факт, ҳисоб чиқариш пайтида инструментларнинг баланс қиймати, ва тан олинган фойда ёки зарар.

Тадбиркорлик субъекти молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларга молиявий инструментлар бўйича юзага келадиган ва тадбиркорлик субъекти давр охирида дучор бўладиган рискларнинг хусусиятини ва даражасини баҳолашга имкон берадиган маълумотларни очиб бериши керак.

Микдорий маълумотлар очиб берилганида уларга тегишли сифатий маълумотларни ҳам очиб бериш фойдаланувчиларга тегишли маълумотларни ўзаро боғлаш ва шу тариқа молиявий инструментлардан юзага келадиган рискларнинг хусусияти ва даражаси тўғрисида тўлиқ тасаввурни шакллантиришга ёрдам беради. Очиб бериладиган микдорий ва сифатий маълумотларнинг ўзаро боғлиқлиги фойдаланувчиларга тадбиркорлик субъектининг рискларга дучорлигини яхшироқ баҳолашга имкон беради.

Молиявий инструментлардан юзага келадиган рискнинг ҳар бир тури бўйича, тадбиркорлик субъекти қуйидагиларни очиб бериши керак:

(а) рискка дучорликни ва рисклар қандай қилиб пайдо бўлишини;

(б) рискларни бошқариш мақсадлари, сиёсатлари ва жараёнларини ҳамда рискни баҳолаш учун қўлланилган усуллар; ва

(в) олдинги даврга нисбатан (а) ёки (б) даги ҳар қандай ўзгариш.

Молиявий инструментлардан юзага келадиган рискнинг ҳар бир тури бўйича, тадбиркорлик субъекти қуйидагиларни очиб бериши керак:

- ҳисобот даврининг охирида ушбу рискка дучорлик бўйича йиғма микдорий маълумотлар. Ушбу очиб бериладиган маълумотлар тадбиркорлик субъектининг асосий раҳбариятига (БҲХС 24 “*Ўзаро боғлиқ томонлар тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш*” да таърифланган), масалан, тадбиркорлик субъектининг бошқаруви ёки бош ижрочи директориغا, тақдим қилинадиган ички маълумотларга асосланиши керак.

Агар ҳисобот даври охирида очиб берилган микдорий маълумотлар тадбиркорлик субъектининг давр мобайнида рискларга дучорлиги бўйича тўғри тасаввурни бермаса, тадбиркорлик субъекти бундай тўғри тасаввурни шакллантирадиган қўшимча маълумотларни таъминлаши керак.

Тадбиркорлик субъекти молиявий инструментларнинг туркумлари бўйича

қуйидагиларни очиб бериши керак:

(а) ушбу тадбиркорлик субъектининг ҳисобот даври охирида кредит рискига дучорлигининг максимал даражасини енг аниқ кўрсатадиган суммани, бунда ҳар қандай олинган гаров ёки кредит сифатини оширадиган бошқа механизмлар ҳисобга олинмайди (масалан БҲХС 32 га мувофиқ ўзаро ҳисоб-китоб шартларига мос келмайдиган ва соф асосда ҳисоблашишни кўзда тутадиган шартномалар). Бундай маълумотларни очиб бериш, агар молиявий инструментнинг баланс қиймати кредит рискига дучорликнинг максимал даражасини енг аниқ қилиб кўрсатадиган бўлса, бундай молиявий инструментлар бўйича талаб етилмайди.

(б) таъминот сифатида олинган гаров ва кредит сифатини оширадиган бошқа механизмларни ҳамда уларнинг кредит рискига дучорликнинг максимал даражасини енг аниқ кўрсатадиган суммага ((а) бандга мувофиқ очиб бериладиган суммага ёки молиявий инструментининг баланс қийматига) молиявий таъсирини (масалан, гаров ва кредит сифатини оширадиган бошқа механизмлар кредит рискини қай даражада пасайтириши миқдори).

(в) муддати ўтган бўлиб ҳам қадрсизланган бўлиб ҳам ҳисобланмайдиган молиявий активларнинг кредит сифати тўғрисида маълумотлар.

Тадбиркорлик субъекти молиявий активларнинг туркумлари бўйича қуйидагиларни очиб бериши керак:

(а) ҳисобот даври охирида муддати ўтган лекин қадрсизланмаган молиявий активлар бўйича тўловларни кечиктириш муддатларининг таҳлили; ва

(б) ҳисобот даври охирида қадрсизланиши алоҳида актив бўйича аниқланган молиявий активларларнинг таҳлили, шу жумладан тадбиркорлик субъекти томонидан уларнинг қадрсизланиши аниқланганида ҳисобга олинган омиллар.

Тадбиркорлик субъекти таъминот сифатида олинган гаровни ёки кредит сифатини оширадиган бошқа механизмларни (масалан, кафолатларни) ўндириш орқали молиявий ёки номолиявий активларни давр мобайнида олганида ҳамда бундай активлар бошқа МҲХСлардаги тан олиш мезонларига мос келганида, тадбиркорлик субъекти ҳисобот санасида бундай егалик қилинаётган активлар бўйича қуйидагиларни очиб бериши керак:

(а) активларнинг хусусияти ва баланс қиймати; ва

(б) активлар пул маблағларига осон айлантира олинмаганида, бундай активлар чиқиб кетиши ёки улардан фаолият давомида фойдаланиш бўйича ушбу тадбиркорлик субъектининг сиёсатлари.

Тадбиркорлик субъекти қуйидагиларни очиб бериши керак:

(а) нодериватив молиявий мажбуриятлар бўйича (шу жумладан, чиқарилган молиявий кафолат шартномалар бўйича) сўндириш муддатларининг таҳлили, қайсики уларнинг шартнома бўйича қолган муддатларини кўрсатади.

(б) дериватив молиявий мажбуриятлар бўйича сўндириш муддатларининг таҳлили. Сўндириш муддатларнинг таҳлили пул оқимлари юзага келиши пайтини тушуниш учун шартнома бўйича сўндириш муддатини билиш муҳим бўлган дериватив молиявий мажбуриятларнинг сўндириш

муддатларини қамраб олиши керак.

(в) (а) ва (б) даги молиявий мажбуриятларга хос ликвидлилик даражаси тадбиркорлик субъекти томонидан қай тарзда бошқарилишининг тавсифи.

Тадбиркорлик субъекти юқоридаги талабларга риоя қилмаганида, у қуйидагиларни очиб бериши керак:

(а) тадбиркорлик субъекти ҳисобот даври охирида дучор бўлган бозор рискининг ҳар бир тури бўйича сезувчанлик таҳлили. Бунда риск даражаси боғлиқ бўлган тегишли ўзгарувчан кўрсаткичнинг ҳисобот санасида оқилона равишда кутилиши мумкин бўлган ўзгаришлари фойда ёки зарарга ва капиталга қандай таъсир қилиши мумкинлигини кўрсатиш лозим;

(б) сезувчанлик таҳлилини тайёрлашда фойдалаланилган усуллар ва таҳминлар; ва

(в) фойдалаланилган усуллар ва таҳминларнинг олдинги даврга нисбатан ўзгариши, ва бундай ўзгаришларнинг сабаблари.

Тадбиркорлик субъекти риск-остидаги-қиймат каби сезувчанлик таҳлилини тайёрлаганида, ва бундай таҳлил риск даражаси боғлиқ бўлган ўзгарувчан кўрсаткичлар (масалан, фоиз ставкалари, валюта курслари) ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни акс еттириб, ушбу тадбиркорлик субъекти ундан молиявий рискларни бошқариш учун фойдаланганида, у мазкур сезувчанлик таҳлилидан фойдаланиши керак. Тадбиркорлик субъекти, шунингдек, қуйидагиларни очиб бериши керак:

(а) бундай сезувчанлик таҳлилини тайёрлашда фойдаланилган усулнинг тушунтирилиши, ҳамда тақдим етилган маълумотларни асословчи асосий кўрсаткичлар ва таҳминлар; ва

(б) қўлланилган усулнинг мақсадини тушунтириш ҳамда бундай таҳлил билан боғлиқ активлар ва мажбуриятларнинг ҳаққоний қийматини тўлиқ акс еттирмайдиган маълумотлар тақдим қилинишига олиб келиши мумкин бўлган чекловлар.

Тадбиркорлик субъекти молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларга қуйидагиларга имкон берадиган маълумотларни очиб бериши керак:

(а) ўтказилган, лекин тўлиқ ҳисобдан чиқарилмаган молиявий активлар ва улар билан боғлиқ мажбуриятлар ўртасидаги боғлиқликни тушунишга; ва

(б) ҳисобдан чиқарилган молиявий активларда тадбиркорлик субъектининг давом қилаётган иштирок даражаси хусусиятини ва бу иштирок билан боғлиқ рискларни баҳолашга.

Тадбиркорлик субъекти ўтказилган молиявий активда давом қилаётган иштирок даражасига ега деб ҳисобланади, агар тадбиркорлик субъекти, ўтказишнинг бир қисми сифатида, ўтказилган молиявий активга тегишли ҳар қандай шартномавий ҳуқуқларни ёки мажбуриятларни сақлаб қолса ёки ўтказилган молиявий активга тегишли ҳар қандай янги шартномавий ҳуқуқларни ёки мажбуриятларни олса, қуйидагилар давом қилаётган иштирок даражасини англамайди:

(а) фирибгарлик билан амалга оширилган ўтказишларга нисбатан одатий билдиришлар ва кафолатлар ҳамда ўтказишни суд жараёни натижасида бекор қилиши мумкин бўлган асосланганлик, ҳолис ниятлар, операцияларни

ҳалол амалга ошириш каби тушунчалар;

(б) ўтказилган молиявий активни қайта сотиб олиш бўйича форвард, опцион ва бошқа шартномалар, бунда шартноманинг баҳоси (ёки операцияни амалга ошириш баҳоси) бўлиб ўтказилган молиявий активнинг ҳаққоний қиймати хизмат қилганида; ёки

(в) тадбиркорлик субъекти шартнома бўйича молиявий активдан пул оқимларини олиш ҳуқуқларини сақлаб қоладиган, лекин бир ёки ундан ортиқ тадбиркорлик субъектларига ушбу пул оқимларини тўлаш мажбуриятини оладиган, ҳамда бунда МҲХС 9даги шартлар бажариладиган келишув.

Тадбиркорлик субъекти молиявий активларни шундай ўтказиши мумкинки, бунда ўтказилган молиявий активларнинг бутун ёки қандайдир қисми уни ҳисобдан чиқариш шартларига мос келмаслиги мумкин. Тадбиркорлик субъекти ўтказилган, лекин тўлиқ ҳисобдан чиқарилмаган молиявий активларнинг ҳар бир туркуми бўйича ҳар ҳисобот санасида қуйидагиларни очиб бериши керак:

(а) ўтказилган активларнинг хусусиятини,

(б) тадбиркорлик субъекти дучор бўлган ва егалик ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган рисклар ва мукофотларнинг хусусиятини,

(в) ўтказилган активлар ва улар билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар ўртасидаги боғлиқлик хусусиятининг тавсифи, шу жумладан ҳисобот берадиган тадбиркорлик субъекти ўтказилган активлардан фойдаланишининг чекловларини,

(г) боғлиқ бўлган мажбуриятлар бўйича шартнома томони (томонлари) фақат ўтказилган активларга даъво қилиши мумкин бўлганда, ўтказилган активларнинг ҳаққоний қийматларни акс еттирадиган жадвал, боғлиқ бўлган мажбуриятларнинг ҳаққоний қийматини ва соф позицияни (ўтказилган активлар ва улар билан боғлиқ бўлган мажбуриятларнинг ҳаққоний қийматлари ўртасидаги фарқни).

(д) тадбиркорлик субъекти барча ўтказилган активларни тан олишни давом қилганида, у ўтказилган активларнинг ва улар билан боғлиқ мажбуриятларнинг баланс қийматларини.

(е) тадбиркорлик субъекти унинг давом қилаётган иштироки даражасида активларни тан олишни давом қилганида активларнинг ўтказишдан олдинги жами баланс қийматини, активларнинг тадбиркорлик субъекти томонидан тан олиниши давом қилаётган баланс қийматини ҳамда улар билан боғлиқ мажбуриятларнинг баланс қийматини.

Тадбиркорлик субъекти молиявий активларни бутунлигича ҳисобдан чиқарганида, лекин уларда давом қиладиган иштирок даражасини сақлаб қолганида, тадбиркорлик субъекти давом қилаётган иштирокнинг ҳар бир тури бўйича камида қуйидагиларни ҳар ҳисобот санасида очиб бериши керак:

(а) тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида тан олинган ва унинг ҳисобдан чиқарилган молиявий активларда давом қилаётган иштирок даражасини акс еттирадиган активлар ва мажбуриятларнинг баланс қийматларини, ҳамда ушбу активлар ва мажбуриятларнинг баланс қийматлари тан олинган (ҳисоботнинг) сатр моддаларини.

(б) тадбиркорлик субъектининг ҳисобдан чиқарилган молиявий активларда давом қилаётган иштирокини акс еттирадиган активлар ва мажбуриятларнинг ҳаққоний қийматини.

(в) тадбиркорлик субъектининг ҳисобдан чиқарилган молиявий активларда давом қилаётган иштирокидан олинадиган максимал зарарни енг аниқ кўрсатадиган суммани, ва ушбу максимал зарар суммаси қандай қилиб аниқланганлиги кўрсатадиган маълумотларни.

(г) ўтказилган ва ҳисобдан чиқарилган молиявий активларни қайта сотиб олиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган ёки талаб етиладиган дисконтланмаган пул чиқимларини (масалан, опцион шартномасида страйк-нархни) ёки ўтказилган активлар бўйича ўтказилаётган томонга тўланиши лозим бўлга бошқа суммаларни. Агар пул чиқими ўзгарувчан кўрсаткич бўлса, очиб бериладиган сумма ҳар ҳисобот санасида мавжуд бўлган шарт-шароитларга асосланиши керак.

(д) ўтказилган ва ҳисобдан чиқарилган молиявий активларни қайта сотиб олиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган ёки талаб етиладиган дисконтланмаган пул чиқимлари ёки ўтказилган активлар бўйича ўтказилаётган томонга тўланиши лозим бўлган бошқа суммалар бўйича сўндириш муддатларининг таҳлили, бунда тадбиркорлик субъектининг бу активларда давом қилаётган иштирок даражаси бўйича қолган сўндириш муддатини алоҳида кўрсатган ҳолда.

(е) (а)–(д) бандларда талаб етилган миқдорий маълумотларни тушунтирадиган ва асослайдиган сифатий маълумотлар.

Тадбиркорлик субъекти муайян ҳисобдан чиқарилган молиявий активда бирдан ортиқ давом қилаётган иштирок даражасининг турига ега бўлганида, у актив бўйича талаб етилган маълумотларни умумлаштириши ва уларни давом қилаётган иштирок даражасининг бир тури бўйича акс еттириши мумкин.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъекти давом қилаётган иштирок даражасининг ҳар бир тури бўйича қуйидагиларни очиб бериши керак:

(а) активлар ўтказилиши санасида тан олинган фойда ёки зарарни.

(б) ҳисобдан чиқарилган молиявий активларда тадбиркорлик субъектининг давом қилаётган иштирокидан ҳисобот даврида ва жамғарилган ҳолда тан олинган даромадлар ва харажатларни (масалан, дериватив инструментлар ҳаққоний қийматининг ўзгаришлари).

(в) агар (ҳисобдан чиқариш шартларига жавоб берадиган) активларни ўтказиш операциялардан ҳисобот давридаги жами тушимларнинг суммаси ҳисобот даври давомида бир текис тақсимланган бўлмаса (масалан, ўтказиш бўйича операциянинг жами суммасининг катта қисми ҳисобот даврининг ёпилиши кунларига тўғри келса), қуйидагиларни очиб бериши керак:

- ушбу ҳисобот даври давомида ўтказиш бўйича енг катта операциянинг содир бўлиши пайтини (масалан, ҳисобот даври охиридан беш кун аввал),

- ҳисобот даврининг ўша қисмида ўтказиш бўйича операциядан тан олинган суммани (масалан, тегишли фойда ёки зарарларни), ва

- ҳисобот даврининг ўша қисмида ўтказиш бўйича операциядан жами

тушимлар суммасини.

Тадбиркорлик субъекти ушбу маълумотларни умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот тақдим қилинадиган ҳар бир давр учун таъминлаши керак.

Таянч сўзлар

Молиявий инструмент - бу бир ташкилотнинг молиявий активини ва бошқа ташкилотнинг молиявий мажбурияти ёки улушли инструментини кўпайишига олиб келадиган шартномадир.

Молиявий актив – шундай активки, бунда у:

(а) пул маблағидир;

(б) бошқа ташкилотнинг улушли инструментидир;

Молиявий мажбурият – шундай мажбуриятки, бунда у:

(а) қуйидагилар бўйича шартномавий мажбуриятдир:

- бошқа ташкилотга пул маблағи ёки бошқа молиявий активни йетказиб бериш; ёки

- ташкилот учун потенциал ноқулай бўлган шартларда бошқа ташкилот билан молиявий активларни ёки молиявий мажбуриятларни айирбошлаш; ёки

(б) ташкилотнинг ўз улушли инструментлари билан ҳисоб-китоб қилинадиган ёки қилиниши мумкин бўлган шартнома ва у:

- шундай нодеривативдирки, бунда у бўйича ташкилотга ўз улушли инструментларининг ўзгарувчан миқдорини қабул қилиш мажбурияти юклатилади ёки юклатилиши мумкин; ёки

- деривативдир, қайсики ташкилотнинг ўз улушли инструментларининг қатъий белгиланган миқдорига қатъий белгиланган пул маблағлари суммасини ёки бошқа молиявий активни алмашишдан ташқари бошқа усулда ҳисоб-китоб қилинади ёки қилиниши мумкин.

Улушли инструмент - бу ташкилотнинг барча мажбуриятлари чегирилгандан сўнг унинг активидаги қолдиқ улушни тасдиқловчи ҳар қандай шартномадир.

Ҳаққоний қиймат - бу баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишда олиниши мумкин бўлган ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши мумкин бўлган нархдир (МҲХС 13 “Ҳаққоний қийматни баҳолаш” га қаранг).

Қайта сотиладиган (қайта сотиш ҳуқуқини берадиган) инструмент - бу молиявий инструмент егасига уни емитентга пул маблағига ёки бошқа молиявий активга қайта сотиш ҳуқуқини берадиган, ёки ноаниқ келгуси ҳодиса содир бўлганда ёки инструмент егасининг вафоти ёки нафақага чиқиши билан емитентга автоматик тарзда қайта сотиладиган молиявий инструментдир.

Дериватив инструмент – бу молиявий актив:

(а) қиймати фоиз ставкасининг, қимматли қоғозлар курси, товарлар нархи, валюта курси, нарх индекси ёки кредит рейтингининг ставкаси ўзгариши натижасида ўзгарадиган;

(б) харид қилиш учун ҳеч қандай бошланғич инвестиция ёки бошқа шартномаларга нисбатан салмоқли бўлмаган бошланғич инвестицияларни талаб этадиган ва унинг курси молия конъюнктурасининг ўзгаришиги боғлиқ бўлган

инструментлар;

(в) уларни тўлаш келгусида амалга ошириладиган

8- МАВЗУ. КОНСОЛИДАЦИЯЛАШ АСОСЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СТАНДАРТЛАРИНИНГ ТАВСИФИ

8.1. БҲҲС (IAS) 28 “Қарам ташкилотлардаги ва қўшма корхоналардаги инвестициялар”

Мазкур Стандартнинг мақсади қарам ташкилотлардаги инвестицияларга нисбатан бухгалтерия ҳисобини белгилаш ҳамда қарам ташкилотлар ва қўшма корхоналардаги инвестицияларни ҳисобга олишда улуш бўйича ҳисобга олиш усули қўлланилишига нисбатан талабларни белгилашдан иборатдир.

Агарда ташкилот, бевосита ёки билвосита (масалан шўъба ташкилотлари орқали), инвестиция объектида 20 фоиз ёки ундан кўпроқ овоз бериш ҳуқуқига ега бўлса, бундай ташкилот жиддий таъсирга ега деб ҳисобланади, агарда бундай таъсир мавжуд эмаслиги яққол намоён бўлмаса. Аксинча, агарда ташкилот, бевосита ёки билвосита (масалан шўъба ташкилотлари орқали), инвестиция объектида 20 фоиздан камроқ овоз бериш ҳуқуқига ега бўлса, бундай ташкилот жиддий таъсирга ега эмас деб ҳисобланади, агарда бундай таъсир яққол намоён бўлмаса. Бошқа инвестор инвестиция объектида сезиларли ёки кўпчилик егаллик ҳуқуқига ега бўлиши ташкилотнинг жиддий таъсирга ега бўлишига тусқинлик қилишини англамайди.

Ташкилот томонидан жиддий таъсирнинг мавжудлиги одатда қуйидаги ҳолатнинг бирида ёки бир нечасида намоён бўлади:

- (а) инвестиция объектининг директорлар кенгашида ёки шўъбага ўхшаш бошқарув органида вакилга ега бўлиш;
- (б) сиёсатни ишлаб чиқиш жараёнида иштирок етиш, жумладан дивидендлар ёки бошқа тақсимотлар бўйича муҳокамаларда иштирок етиш;
- (в) ташкилот билан унинг инвестиция объекти ўртасидаги аҳамиятли операциялар;
- (г) раҳбарият ходимларининг ўзаро алмашинуви; ёки
- (д) муҳим техник маълумотларни таъминлаш.

Ташкилот акция варрантларини, акция “колл” опционларини, оддий акцияларга конвертация қилинадиган қарз ёки улушли инструментлар, ёки, агарда қўлланилганда ёки конвертация қилинганда, ташкилотга бошқа ташкилотнинг молиявий ва операция сиёсатлари бўйича қўшимча овоз бериш ҳуқуқини берадиган ёки бошқа томоннинг овоз бериш ҳуқуқини камайтирадиган потенциалга ега бошқа шўъбага ўхшаш инструментларга (яъни потенциал овоз бериш ҳуқуқларига) егаллик қилиши мумкин. Жорий даврда қўлланилиши ёки конвертацияланиши мумкин бўлган потенциал овоз бериш ҳуқуқларининг, жумладан бошқа ташкилотлар томонидан егаллик қилинадиган потенциал овоз бериш ҳуқуқларининг мавжудлиги ва таъсири ташкилот жиддий таъсирга ега бўлиши ёки бўлмаслигини баҳолашда инобатга олинади. Потенциал овоз бериш ҳуқуқлари жорий даврда қўлланилмайди ёки конвертация қилинмайди деб ҳисобланади, қачонки улар, масалан, келгуси санагача ёки келгуси ҳодисагача қўлланилмаса ёки конвертация қилинмаса.

Потенциал овоз бериш ҳуқуқлари жиддий таъсирга олиб келишини баҳолашда, ташкилот потенциал ҳуқуқларга таъсир етадиган барча

маълумотларни ва ҳолатларни (жумладан, потенциал овоз бериш ҳуқуқларини қўллаш шартлари ҳамда алоҳида ёки биргаликда инобатга олинишидан қатъий назар, ҳар қандай бошқа шартномавий келишувларни) таҳлил қилади, бундан ушбу потенциал ҳуқуқларни қўллаш ёки конвертация қилиш бўйича раҳбариятнинг хоҳиши ва молиявий имкониятлар истисно.

Қачонки ташкилот инвестиция объектининг молиявий ва операцион сиёсатининг қарорларида иштирок этиш ҳуқуқини йўқоца, у ушбу инвестицион объект устидан жиддий таъсирни йўқотади. Жиддий таъсирнинг йўқотилиши мутлақ ёки нисбий егалик ҳуқуқининг даражасидаги ўзгариш билан ёки ушбу ўзгаришсиз содир бўлиши мумкин. Бундай ҳолат, масалан, қарам ташкилот ҳукумат, суд, маъмурият ёки тартибга солувчи орган назорати остида бўлганида содир бўлиши мумкин. Бундай ҳолат шартномавий келишув натижасида ҳам содир бўлиши мумкин.

Улуш бўйича ҳисобга олиш усулида, дастлабки тан олинишда қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестиция таннархда тан олинади, ва унинг баланс қиймати харид санасидан сўнг инвестиция объектининг фойда ёки зараридаги инвесторнинг улушини тан олиш пайтида қўпаяди ёки камаяди. Инвестиция объектининг фойда ёки зараридаги инвесторнинг улуши инвесторнинг фойда ёки зарари таркибида тан олинади. Инвестиция объекти томонидан тақсимланган суммаларни олиш натижасида инвестициянинг баланс қиймати камаяди. Инвестиция объектининг бошқа умумлашган даромадидаги ўзгаришлардан юзага келадиган инвестиция объектидаги инвесторнинг улушидаги ўзгаришлар натижасида ҳам инвестициянинг баланс қийматини тўғрилаш зарур бўлиши мумкин. Бундай ўзгаришлар асосий воситаларни қайта баҳолашдан ва бир валютадан бошқа валютага ўтказишдаги валюта курси фарқларидан юзага келадиган ўзгаришларни ўз ичига олади. Ушбу ўзгаришлардаги инвесторнинг улуши инвесторнинг бошқа умумлашган даромадида тан олинади (БҲХС 1 “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш” га қаранг).

Инвестиция объекти томонидан тақсимланган суммаларни олиш натижасида тан олинган даромад қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестициядан инвестор томонидан ишлаб топилган даромаднинг мақбул ўлчовини англатмаслиги мумкин, чунки олинган суммалар қарам ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг фаолияти натижаларини йетарлича акс еттирмаслиги мумкин. Инвестор инвестиция объекти устидан биргаликдаги назоратга, ёки жиддий таъсирга, ега бўлганлиги туфайли, инвестор қарам ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг фаолияти натижасида улушга, ва бунинг натижасида, ўз инвестицияси бўйича фойдалиликка егадир. Инвестор ушбу улушни шундай ҳисобга оладики, бунда ушбу инвестиция объектининг фойда ёки зараридаги инвесторнинг улушини молиявий ҳисоботларда акс еттириш натижасида инвесторнинг молиявий ҳисоботлари кўлами кенгайди. Натижада, улуш бўйича ҳисобга олиш усули инвесторнинг соф активлари ва фойда ёки зарари тўғрисида кўпроқ маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботни таъминлайди.

Баъзи ҳолатларда, ташкилот унинг егалик улуши билан боғлиқ

даромадларга унга айти пайтда ҳуқуқ берадиган операция натижасида, аслида, мавжуд бўлган егалик улушига ега бўлади. Бундай ҳолатларда, инвестиция объекти томонидан тақсимланадиган суммаларнинг ташкилотга тегишли улуши ушбу потенциал овоз бериш ҳуқуқларининг амалга оширилиши ҳамда айти пайтда даромадларни олишга ҳуқуқ берадиган бошқа дериватив инструментлардан амалда фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

МҲҲС 9 “Молиявий инструментлар” улуш бўйича ҳисобга олиш усули бўйича ҳисобга олинган қарам ташкилотлардаги ва қўшма корхоналардаги улушларга нисбатан қўлланилмайди. Қачонки потенциал овоз бериш ҳуқуқларини қамраб оладиган инструментлар мазмунан қарам ташкилотдаги ва қўшма корхонадаги егалик улуши билан боғлиқ даромадларга нисбатан ҳуқуқни таъминласа, инструментлар МҲҲС 9 нинг қўллаш доирасида бўлмайди. Бошқа барча ҳолатларда, қарам ташкилотдаги ва қўшма корхонадаги потенциал овоз бериш ҳуқуқларини қамраб оладиган инструментлар МҲҲС 9 га мувофиқ ҳисобга олинади.

Қарам ташкилотдаги ва қўшма корхонадаги инвестиция, ёки инвестициянинг қисми, МҲҲС 5 “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва тугатилган фаолиятлар” га мувофиқ сотишга мўлжалланган сифатида таснифланмагунча, инвестиция, ёки сотишга мўлжалланган сифатида таснифланмаган инвестициядаги ҳар қандай қолдиқ улуш, узоқ муддатли актив сифатида таснифланиши лозим.

Инвестиция объекти устидан биргаликдаги назоратга, ёки жиддий таъсирга, ега ташкилот улуш бўйича ҳисобга олиш усули бўйича ўзининг қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестициясини ҳисобга олиши лозим.

Ташкилот ўзининг қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестициясига нисбатан улуш бўйича ҳисобга олиш усулини қўллаши талаб этилмайди, агарда ташкилот МҲҲС 10даги истисно доирасида жамланган молиявий ҳисоботларни тайёрлашдан озод этиладиган бош ташкилот бўлса ёки агарда қуйидагиларнинг барчаси қўлланилса:

(а) Ташкилот тўлиқ егалик қилинадиган шўъба ташкилотидир, ёки бошқа ташкилотнинг қисман егалик қилинадиган шўъба ташкилотидир ва унинг бошқа мулк егалари, жумладан бошқа ҳолларда овоз бериш ҳуқуқига ега бўлмаган мулк егалари, ташкилотнинг улуш бўйича ҳисобга олиш усулини қўллаши тўғрисида хабардор қилинган ва бунга қаршилик қилмайдиган бўлса.

(б) Ташкилотнинг қарз ёки улушли инструментлари очиқ бозорда (ички ёки ташқи фонд биржаси ёки биржадан ташқари бозор, жумладан маҳаллий ва ҳудудий бозорларда) савдо қилинмаса.

(в) Ташкилот очиқ бозорда инструментларнинг ҳар қандай туркумини эмиссия қилиш мақсадида қимматли қоғозлар қумитасига ёки бошқа тартибга солувчи ташкилотга ўзининг молиявий ҳисоботларини тақдим етмаган бўлса ҳамда тақдим этиш жараёнида бўлмаса.

(г) Ташкилотнинг якуний ёки ҳар қандай оралиқ бош ташкилот МҲҲСларга мос келадиган жамланган молиявий ҳисоботларни аҳоли фойдаланиши учун чоп еца.

Қачонки қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестиция

бевосита, ёки билвосита, венчур капитал ташкилоти бўлган ташкилот, ёки ўзаро фонд, бирлик траст фонди ва шўнга ўхшаш ташкилотлари, жумладан инвестицияга-боғланган суғурта фондлари, орқали егалик қилинса, ташкилот ушбу қарам ташкилотлардаги ёки қўшма корхоналардаги инвестицияларни МҲХС 9 га мувофиқ ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар фойда ёки зарарда ҳисобга олинган инвестиция сифатида акс еттиришни танлаши мумкин.

Қачонки ташкилот қарам ташкилотда инвестицияга ега бўлиб, унинг маълум қисми билвосита венчур капитал ташкилоти, ёки ўзаро фонд, бирлик траст фонди ва шўнга ўхшаш ташкилотлари, жумладан инвестицияга-боғланган суғурта фондлари, орқали егалик қилинса, бунда венчур капитал ташкилоти, ёки ўзаро фонд, бирлик траст фонди ва шўнга ўхшаш ташкилотлари, жумладан инвестицияга-боғланган суғурта фондлари, инвестициянинг ушбу қисми устидан жиддий таъсирга ега бўлишидан қатъий назар, ташкилот қарам ташкилотдаги инвестициянинг ушбу қисмини МҲХС 9 га мувофиқ ҳаққоний қийматидаги ўзгаришлар фойда ёки зарарда ҳисобга олинган инвестиция сифатида акс еттиришни танлаши мумкин. Агарда ташкилот ушбу танловни амалга оширса, ташкилот венчур капитал ташкилоти, ёки ўзаро фонд, бирлик траст фонди ва шўнга ўхшаш ташкилотлари, жумладан инвестицияга-боғланган суғурта фондлари, орқали егалик қилинмайдиган қарам ташкилотдаги ўз инвестициясининг ҳар қандай қолдиқ қисмига нисбатан улуш бўйича ҳисобга олиш усулини қўллаши лозим.

Ташкилот сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланиш мезонини қаноатлантирадиган қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестицияга, ёки инвестициянинг қисмига, нисбатан МҲХС 5 ни қўллаши лозим. Сотиш учуна мўлжалланган сифатида таснифланмаган қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестициянинг ҳар қандай қолдиқ қисми сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган қисмининг чиқиб кетиши содир бўлгунга қадар улуш бўйича ҳисобга олиш усулида ҳисобга олиниши лозим. Чиқиб кетиш содир бўлгандан сўнг, ташкилот қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги ҳар қандай қолдиқ улушни МҲХС 9 га мувофиқ ҳисобга олиши лозим, бунда қолдиқ улуш ташкилот улуш бўйича ҳисобга олиш усулидан фойдаланадиган ҳолатдаги қарам ташкилот ёки қўшма корхона бўлишда давом етмагунча.

Қачонки олдин сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестицияга, ёки инвестициянинг қисми, бундан буён бундай таснифланиш мезонини қаноатлантирмаса, у сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланган санадан бошлаб ретроспектив тарзда улуш бўйича ҳисобга олиш усули ёрдамида ҳисобга олиниши лозим. Сотиш учун мўлжалланган сифатида таснифланишдан кейинги даврлардаги молиявий ҳисоботлар ўз навбатида ўзгартирилиши лозим.

Ташкилот улуш бўйича ҳисобга олиш усулидан фойдаланишни шундай санадан бошлаб тўхтатиши лозимки, бунда унинг инвестицияси қарам ташкилот ёки қўшма корхонага инвестиция бўлиб бошқа ҳисобланмайди:

(а) Агар инвестиция шўъба ташкилотга инвестиция бўлиб ўзгарадиган бўлса, ташкилот ўз инвестициясини МҲХС 3 “Бизнес бирлашувлари” ва МҲХС 10 га мувофиқ ҳисобга олиши лозим.

(б) Агарда собиқ қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги қолдиқ улуш молиявий актив бўлса, ташкилот қолдиқ улушни ҳаққоний қийматда баҳолаши лозим. Қолдиқ улушнинг ҳаққоний қиймати, худди МҲХС 9 га мувофиқ молиявий активдек, дастлабки тан олинишда унинг ҳаққоний қиймати сифатида ҳисобланиши лозим. Ташкилот фойда ёки зарарда қуйидагилар ўртасидаги ҳар қандай фарқни тан олиши лозим:

- ҳар қандай қолдиқ улушнинг ҳаққоний қиймати ва қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги улуш қисмининг чиқиб кетиши бўйича ҳар қандай тушумлар билан

- улуш бўйича ҳисобга олиш усули тўхтатилган санадаги инвестициянинг баланс қиймати.

(в) Қачонки ташкилот улуш бўйича ҳисобга олиш усулидан фойдаланишни тўхтаца, ташкилот ушбу инвестицияга нисбатан олдин бошқа умумлашган даромадда тан олинган барча миқдорларни шундай бир хил асосда ҳисобга олиши лозимки, худди инвестиция объекти тегишли активларни ёки мажбуриятларни бевосита ҳисобдан чиқарганда талаб етилган каби асосда.

Шу туфайли, агарда инвестиция объекти томонидан олдин бошқа умумлашган даромадда тан олинган фойда ёки зарар тегишли активлар ёки мажбуриятлар ҳисобдан чиқарилганида фойда ёки зарар таркибида қайта таснифланадиган бўлса, ташкилот олдин капиталда акс етирилган фойда ёки зарарни улуш бўйича ҳисобга олиш усули тўхтатилганида фойда ёки зарар таркибига ўтказди (қайта таснифлаш бўйича тузатиш сифатида). Масалан, агарда қарам ташкилот ёки қўшма корхона хориждаги бўлинмага тегишли йиғилган курс фарқларига ега бўлса ва ташкилот улуш бўйича ҳисобга олиш усулидан фойдаланишни тўхтаца, ташкилот хориждаги бўлинмага нисбатан олдин бошқа умумлашган даромадда тан олинган фойда ёки зарарни фойда ёки зарарга ўтказиши (қайта таснифлаши) лозим.

Агарда қарам ташкилотдаги инвестиция қўшма корхонадаги инвестицияга ўзгарса ёки қўшма корхонадаги инвестиция ташкилотдаги инвестицияга ўзгарса, ташкилот улуш бўйича ҳисобга олиш усулини қўллашни давом еттиради ва қолдиқ улушни қайта баҳоламайди.

Агарда ташкилотнинг қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги егалик улуши камайса, аммо ташкилот улуш бўйича ҳисобга олиш усулини қўллашни давом еттирса, ташкилот егалик улушидаги ушбу камайишга нисбатан олдин бошқа умумлашган даромадда тан олинган фойда ёки зарарнинг қисмини фойда ёки зарарга ўтказиши (қайта таснифлаши) лозим, худдики ушбу фойда ёки зарар тегишли активлар ёки мажбуриятларнинг чиқиб кетишида фойда ёки зарарга ўтказилиши (қайта таснифланиши) талаб етилганидек.

Улуш бўйича ҳисобга олиш усулини қўллаш учун ўринли бўлган амалларнинг кўпчилиги БҲХС 10 да изоҳланган жамлаш амалларига ўхшашдир. Бундан ташқари, шўъба ташкилотини сотиб олишни ҳисобга олишда қўлланиладиган амалларни белгилайдиган тушунчалар қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестицияни сотиб олишни ҳисобга олишда ҳам қабул қилинади.

Гуруҳнинг қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги улуши бош

ташкилот ва унинг шўъба ташкилотлари томонидан ушбу қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги егалик ҳуқуқларининг жамланмасидир. Гуруҳнинг бошқа қарам ташкилотлардаги ёки қўшма корхоналардаги егалик ҳуқуқлари ушбу мақсадда инобатга олинмайди. Қачонки қарам ташкилот ёки қўшма корхона шўъба ташкилотларга, қарам ташкилотларга ёки қўшма корхоналарга ега бўлса, улуш бўйича ҳисобга олиш усулини қўллашда ҳисобга олинмаган фойда ёки зарар, бошқа умумлашган даромад ва соф активлар бўлиб молиявий ҳисоботларда бир хил ҳисоб сиёсатлари акс еттирилиши учун зарур бўлган ҳар қандай тузатишлар киритилишидан кейин қарам ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг молиявий ҳисоботларида тан олинган фойда ёки зарар, бошқа умумлашган даромад ва соф активлари ҳисобланади (жумладан қарам ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг унинг қарам ташкилотлар ёки қўшма корхоналари фойда ёки зараридаги, бошқа умумлашган даромадидаги ва соф активларидаги улуши) .

Ташкилот (жумладан унинг жамланган шўъба ташкилотлари) билан унинг қарам ташкилоти ёки қўшма корхонаси ўртасидаги “Пастдан юқорига қаратилган” ва “Юқоридан пастга қаратилган” операциялардан юзага келадиган фойда ёки зарарлар ташкилотнинг молиявий ҳисоботларида фақатгина ўзаро боғлиқ бўлмаган инвесторларнинг қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги улушлари даражасида тан олинади. “Пастдан юқорига қаратилган” операциялар, масалан, қарам ташкилотдан ёки қўшма корхонадан инвесторга активларнинг сотилишидир. “Юқоридан пастга қаратилган” операциялар, масалан, инвестордан унинг қарам ташкилотга ёки қўшма корхонасига активларнинг сотилиши ёки тақдим етилишидир. Ушбу операциялардан юзага келадиган инвесторнинг қарам ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг фойда ёки зарарларидаги улуши чиқариб ташланади.

Қачонки юқоридан пастга қаратилган операциялар сотиладиган ёки тақдим етиладиган активларнинг соф сотиш қийматида камайишни, ёки ушбу активларнинг қадрсизланиши натижасида олинмаган зарарни, акс еттирса, ушбу зарарлар инвестор томонидан тўлиқ тан олинмиши лозим. Қачонки пастдан юқорига қаратилган операциялар сотиб олинмаган активларнинг соф сотиш қийматида камайишни, ёки ушбу активларнинг қадрсизланиши натижасида олинмаган зарарни, акс еттирса, инвестор ушбу зарарлардаги ўз улушини тан олиши лозим.

Номонетар активнинг қарам ташкилотга ёки қўшма корхонага қарам ташкилот ёки қўшма корхона капиталидаги улуш евазига берилиши БҲХС 16 “Асосий воситалар” да изоҳлангандек ушбу номонетар активнинг капиталга қўйилма сифатида берилиши тижорат мақсадларида амалга оширилмаган ҳолатдан ташқари. Агарда ушбу қўйилма тижорат мақсадида амалга оширилмаган бўлса, фойда ёки зарар ўзлаштирилмаган деб ҳисобланади. Бундай ўзлаштирилмаган фойда ва зарарлар улуш бўйича ҳисобга олиш усули ёрдамида ҳисобга олинган инвестициядан чегириб ташланиши лозим ва ташкилотнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги жамланган ҳисоботида ёки ташкилотнинг инвестициялари улуш бўйича ҳисобга олиш усули ёрдамида ҳисобга олинган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида муддати кечиктирилган фойда ёки

зарарлар сифатида тақдим етилмаслиги лозим.

Агар ташкилот қарам ташкилот ёки қўшма корхона капиталидаги улушга ега бўлишга қўшимча тарзда, монетар ёки номонетар активларни ҳам олса, ташкилот олинган монетар ёки номонетар активларга тегишли бўлган номонетар қўйилма бўйича фойда ёки зарарнинг қисмини ўзининг фойда ёки зарарида тўлиқ тан олади.

Инвестиция қарам ташкилот ёки қўшма корхонани ташкил етадиган санадан бошлаб улуш бўйича ҳисобга олиш усули асосида ҳисобга олинади. Инвестиция сотиб олинганида, инвестициянинг таннархи билан инвестиция объектининг аниқланадиган активлари ва мажбуриятларининг соф ҳаққоний қийматларидаги ташкилотнинг улуши ўртасидаги ҳар қандай фарқ қуйидагича ҳисобга олинади:

(а) Қарам ташкилотга ёки қўшма корхонага тегишли гудвилл инвестициянинг баланс қийматига киритилади. Ушбу гудвиллни амортизация қилишга рухсат етилмайди.

(б) инвестиция объектининг аниқланадиган активлари ва мажбуриятларининг соф ҳаққоний қийматидаги ташкилот улушининг инвестиция таннаридан ҳар қандай ортиқ қисми инвестиция сотиб олинган даврда қарам ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг фойда ёки зараридаги ташкилотнинг улушини аниқлашда даромад сифатида ҳисобга олинади.

Қарам ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг фойда ёки зараридаги ташкилотнинг улушига харид санасидан сўнгги тегишли тузатишлар, масалан, харид санасидаги ескириш ҳисобланадиган активларнинг ҳаққоний қийматларига асосланган уларнинг ескиришини ҳисобга олиш мақсадида амалга оширилади. Худди шунингдек, қарам ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг фойда ёки зараридаги ташкилотнинг улушига харид санасидан сўнгги тегишли тузатишлар гудвилл ёки асосий воситалар кабилар учун қадрсизланишдан олинган зарарларни ҳисобга олиш мақсадида амалга оширилади.

Қарам ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг енг яқин орадаги олдинги давр учун молиявий ҳисоботлари ташкилот томонидан улуш бўйича ҳисобга олиш усулини қўллашда фойдаланилади. Қачонки ташкилотнинг ҳисобот даврининг охири қарам ташкилотнинг ёки қўшма корхонанининг ҳисобот даври охиридан фарқ қилса, қарам ташкилот ёки қўшма корхона ташкилотнинг фойдаланиши учун ташкилотнинг молиявий ҳисоботларининг санаси билан бир хил бўлган сана ҳолатига ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлайди, бунда уни тайёрлаш амалий имконсиз бўлмагунча.

Қачонки улуш бўйича ҳисобга олиш усулини қўллашда фойдаланилган қарам ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг молиявий ҳисоботлари ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари санасидан фарқ қиладиган санада тайёрланган бўлса, тузатишлар ушбу сана билан ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари санаси орасида содир бўладиган муҳим операциялар ёки ҳодисалар таъсирларига нисбатан амалга оширилиши лозим. Ҳар қандай ҳолатда, қарам ташкилотнинг ёки қўшма корхонанининг ҳисобот даври охири билан ташкилотнинг ҳисобот даврининг охири ўртасидаги фарқ уч ойдан ортиқ бўлмаслиги лозим. Ҳисобот даврларининг узунлиги ва ҳисобот даврлари

охирлари ўртасидаги ҳар қандай фарқ даврдан даврга бир хил бўлиши лозим.

Ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари бир хил бўлган операциялар ва ходисалар учун ягона ҳисоб сиёсатлари асосида тайёрланиши лозим.

Агарда қарам ташкилот ёки қўшма корхона бир хил операциялар ва ходисалар учун ташкилотнинг ҳисоб сиёсатларидан фарқ қиладиган сиёсатлардан фойдаланса, тузатишлар қарам ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг ҳисоб сиёсатларини ташкилотнинг сиёсатларига мос келишини таъминлаш учун амалга оширилади, қачонки қарам ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг молиявий ҳисоботлари ташкилот томонидан улуш бўйича ҳисобга олиш усулини қўллашда фойдаланилса.

Агарда қарам ташкилот ёки қўшма корхона ташкилотдан ташқари бошқа томонлар томонидан егалик қилинадиган амалдаги кумулятив имтиёзли акцияларга ега бўлса ва улар капитал сифатида таснифланган бўлса, ташкилот фойда ёки зарардаги ўзининг улушини бундай акциялар бўйича дивидендларга нисбатан тўғрилагандан сўнг ҳисоблайди, бунда дивидендлар еълон қилинган ёки қилинмаганлигидан қатъий назар.

Агарда қарам ташкилотнинг ёки қўшма корхонанинг зарарларидаги ташкилотнинг улуши унинг қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги улушига тенг ёки ортиқ бўлса, ташкилот кейинги зарарлардаги ўз улушини тан олишни тўхтатади. Қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги улуш, улуш бўйича ҳисобга олиш усули асосида аниқланган қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги инвестициянинг баланс қиймати бўлиб, унга қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги ташкилотнинг соф инвестициясининг қисмини, мохиятан, ташкил етадиган ҳар қандай узоқ муддатли улушлар қўшилади. Масалан, яқин келажакда ҳисоб-китоб қилиниши режалаштирилмаган ёки содир бўлиш еҳтимоли мавжуд бўлмаган модда, мохиятан, ушбу қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги ташкилотнинг инвестициясининг кўпайишига олиб келади. Бундай моддалар имтиёзли акцияларни ва узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ёки кредитларни ўз ичига олиши мумкин, аммо савдо бўйича дебиторлик қарзлари, савдо бўйича кредиторлик қарзларини ёки кафолатланган кредитлар каби тегишли гаров мавжуд бўлган ҳар қандай узоқ муддатли дебиторлик қарзларини ўз ичига олмайди. Оддий акциялардаги ташкилотнинг инвестициясидан ортиқ миқдорда улуш бўйича ҳисобга олиш усули орқали тан олинган зарарлар қарам ташкилотдаги ёки қўшма корхонадаги ташкилот улушининг бошқа таркибий қисмларига уларнинг муддатига тесқари (яъни ликвидацияда афзаллиги) тарзда қўлланилади.

Ташкилотнинг инвестиция объектидаги улуши нолгача камайтирилганидан сўнг, фақатгина ташкилот юридик ёки конструктив мажбуриятларга ега бўлган ёки қарам ташкилот ёки қўшма корхона номидан тўловларни амалга оширган даражада қўшимча зарарлар қопланади, ва мажбурият тан олинади. Агарда қарам ташкилот ёки қўшма корхона кейинчалик фойдаларни ҳисоботда акс еттирса, ташкилот фақатгина фойдалардаги ўзининг улуши тан олинмаган зарарлардаги улушига тенг бўлгандан сўнг ушбу фойдалардаги ўз улушини тан олишни бошлайди.

Улуш бўйича ҳисобга олиш усулини қўллашдан, жумладан қарам

ташкilotнинг ёки қўшма корхонанинг зарарларини ташкilot қарам ташкilotдаги ёки қўшма корхонадаги ўзининг соф инвестициясининг қўшимча қадрсизланиши бўйича зарарни тан олиши керак ёки керак емаслигини аниқлаш учун БҲХС 39 “Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш” ни қўллайди.

Ташкilot соф инвестициянинг маълум қисмини ва қадрсизланиш бўйича зарар миқдорини ташкilot етмайдиган қарам ташкilotдаги ёки қўшма корхонадаги ўзининг соф инвестициясига нисбатан ҳар қандай қўшимча қадрсизланиш зарарини тан олиши зарурлигини аниқлаш учун БҲХС 39 ни қўллайди.

Қарам ташкilotдаги ёки қўшма корхонадаги инвестициянинг баланс қийматининг қисмини ташкilot етадиган гудвилл алоҳида тан олинмаслиги туфайли, у БҲХС 36 “Активларнинг қадрсизланиши” даги қадрсизланишга текшириш талабларини қўллаш мақсадида унинг қадрсизланганлиги текширилмайди. Аксинча, инвестициянинг бутун баланс қиймати БҲХС 36 га мувофиқ ягона актив сифатида унинг қопланадиган суммасини (фойдаланишдаги қиймат билан сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймат ўртасидаги кўпроғи) унинг баланс қийматига таққослаш йўли билан инвестициянинг қадрсизланганлиги текширилади, агар БҲХС 39 нинг талаблари қўлланилиши натижасида инвестиция қадрсизланган бўлиши мумкинлиги аниқланса. Ушбу ҳолатларда тан олинган қадрсизланиш бўйича зарар қарам ташкilotдаги ёки қўшма корхонадаги инвестициянинг баланс қийматининг маълум қисмини ташкilot етадиган ҳар қандай актив, жумладан гудвил, ҳисобидан қопланмайди. Ўз навбатида, ушбу қадрсизланиш бўйича зарарнинг тикланиши БҲХС 36 га мувофиқ инвестициянинг қопланадиган суммаси ошиши даражасида тан олинади. Инвестициянинг фойдаланишдаги қийматини аниқлашда, ташкilot қуйидагиларни баҳолайди:

(а) қарам ташкilot ёки қўшма корхона томонидан ҳосил қилиниши кутилган келгуси пул оқимларининг жорий қийматидаги ўзининг улушини, жумладан қарам ташкilot ёки қўшма корхона фаолиятларидан пул оқимлари ва инвестициянинг якуний чиқиб кетишидан тушумлардаги улушини; ёки

(б) инвестициядан ва унинг якуний чиқиб кетишидан олинандиган дивидендлардан юзага келиши кутилган баҳоланган келгуси пул оқимларининг жорий қийматини.

Тўғри фаразлардан фойдаланган ҳолда, иккала усул ҳам бир хил натижани таъминлайди.

Қарам ташкilotдаги ёки қўшма корхонадаги инвестициянинг қопланадиган қиймати ҳар бир қарам ташкilot ёки қўшма корхона учун баҳоланиши лозим, бунда қарам ташкilot ёки қўшма корхона ўз фаолиятида ташкilotнинг бошқа активлари бўйича пул оқимларидан сезиларли даражада мустақил бўлган пул оқимларини юзага келтирмагунча.

8.2. БҲХС (IFRS) 10 “Жамланган молиявий ҳисоботлар”

Ушбу стандартнинг мақсади тадбиркорлик субъекти бир ёки бир нечта бошқа тадбиркорлик субъектларини назорат қилган ҳолларда жамланган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш принципларини белгилашдан

иборат.

Ушбу стандарт мақсадга еришиш учун:

(а) бир ёки бир нечта бошқа тадбиркорлик субъектлари (шўъба тадбиркорлик субъектлари)ни назорат қилувчи тадбиркорлик субъекти (бош ташкилот) жамланган молиявий ҳисоботлар тақдим етишини талаб қилади;

(б) назорат қилиш принципини таърифлайди ва назорат қилишни жамлаш учун асос сифатида белгилайди;

(в) инвестор инвестициялар объектини назорат қилаётгани ёки қилмаётгани ва, бинобарин, инвестициялар объектини жамлашни амалга ошириши ёки амалга оширмаслиги лозимлигини аниқлаш учун назорат қилиш принципини қандай қўллашни кўрсатади;

(г) жамланган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш мақсадида бухгалтерия ҳисобига қўйиладиган талабларни белгилайди; ва

(д) инвестицион тадбиркорлик субъекти тушунчасига таъриф беради ва инвестицион тадбиркорлик субъектининг муайян шўъба тадбиркорлик субъектларини жамлашга нисбатан истисно ҳолатни белгилайди.

Инвестор ўзининг бирон-бир тадбиркорлик субъекти (инвестициялар объекти)да иштироки хусусиятидан қатъи назар, у инвестициялар объекти устидан назоратга ега ёки ега емаслигини баҳолаб, ўзи бош ташкилот ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигини аниқлаши лозим.

Инвестор, агар у инвестициялар объектида иштирок етишдан ўзгарувчан даромадлар олиш билан боғлиқ рискларга йўлиққан ёки бундай даромадни олиш ҳуқуқига ега, шунингдек инвестициялар объектига нисбатан ўз ваколатларини амалга ошириш орқали даромадга таъсир кўрсатиш имкониятига ега бўлса, инвестициялар объекти устидан назоратга ега бўлади.

Шундай қилиб, инвестор фақат қуйидаги ҳолларда инвестициялар объекти устидан назоратга ега бўлади:

инвестициялар объектига нисбатан ваколатларга ега бўлса;

объектда иштирок етишдан ўзгарувчан даромадлар олиш билан боғлиқ рискларга йўлиққан ёки бундай даромадни олиш ҳуқуқига ега бўлса; ва

инвесторнинг даромадлари миқдорига таъсир кўрсатиш мақсадида инвестициялар объектига нисбатан ўз ваколатларини амалга ошириш имкониятига ега бўлса.

Инвестор, агар унда ҳозир аҳамиятга молик фаолиятни, яъни инвестициялар объектининг даромадига жиддий таъсир кўрсатадиган фаолиятни бошқариш имкониятини берадиган мавжуд ҳуқуқлар бўлса, инвестициялар объектига нисбатан ваколатларга ега бўлади.

Ваколатлар ҳуқуқлар натижасида юзага келади. Айрим ҳолларда ваколатларни баҳолаш қийинчилик туғдирмайди, масалан, инвестициялар объектига нисбатан ваколатлар улушли инструментлар, хусусан акциялар яратадиган овоз бериш ҳуқуқларининг бевосита маҳсули ҳисобланса ва ваколатларни баҳолаш фақат тегишли акциялар пакети билан боғлиқ овоз бериш ҳуқуқларини кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бошқа ҳолларда баҳолаш бу қийинроқ бўлади ва бир нечта омилларни кўриб чиқишни талаб қилиши мумкин (масалан, ваколатлар бир ёки бир нечта шартнома бўйича

келишувлар маҳсули бўлса).

Инвестор, агар у инвестициялар объектига нисбатан ваколатларга ега бўлиш, инвестициялар объектида иштирок етишдан ўзгарувчан даромадлар олиш билан боғлиқ рискларга йўлиқиш ёки бундай даромадни олиш ҳуқуқига ега бўлиш билан бир қаторда, инвестор инвестициялар объектида иштирок етишдан оладиган даромадга таъсир кўрсатиш мақсадида ўз ваколатларидан фойдаланиш имкониятига ҳам ега бўлса, инвестициялар объекти устидан назоратга ега бўлади.

Шундай қилиб, қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига ега бўлган инвестор ўзи принципал ёки агент ҳисобланишини аниқлаши лозим.

Бош ташкилот ўхшаш операциялар ҳамда ўхшаш вазиятлардаги бошқа ходисалар учун ягона ҳисоб сиёсати ёрдамида жамланган молиявий ҳисоботларни тайёрлаши лозим.

Инвестициялар объектини жамлаш инвестор инвестициялар объекти устидан назоратни қўлга киритган пайдан бошланади ва инвестор инвестициялар объекти устидан назоратни йўқотган пайтда тугалланади.

Бош ташкилот молиявий ҳолат тўғрисидаги жамланган ҳисоботда капитал таркибидаги назорат кучига ега бўлмаган улушларни бош ташкилот мулкдорларининг капиталидан алоҳида ифодалаши лозим.

Бош ташкилотнинг шўъба тадбиркорлик объектида иштирокчи сифатидаги улушида юз берган, бош ташкилот шўъба тадбиркорлик объекти устидан назоратни йўқотишига олиб кемайдиган ўзгаришлар капитал билан операциялар (яъни мулкдорлар билан операциялар) сифатида ҳисобга олинади.

Агар бош ташкилот шўъба тадбиркорлик субъекти устидан назоратни йўқотган бўлса, бош ташкилот:

(а) собиқ шўъба тадбиркорлик субъектининг активлари ва мажбуриятларини молиявий ҳолат тўғрисидаги жамланган ҳисоботда ҳисобдан чиқаради.

(б) назорат йўқотилган санада собиқ шўъба тадбиркорлик субъектида қолган ҳар қандай инвестицияларнинг ҳаққоний қийматда тан олишни тўхтатади ва кейинчалик бундай инвестицияларни, шунингдек собиқ шўъба тадбиркорлик субъектидан ёки унинг фойдасига тўланиши лозим бўлган ҳар қандай суммаларни ҳисоб юритишда тегишли МХХСда белгиланган тартибда акс еттиради. Мазкур ҳаққоний қиймат молиявий активни МХСС 9 га мувофиқ дастлабки тан олишда ҳаққоний қиймат ёки, зарур ҳолда, қарам тадбиркорлик субъекти ёки биргаликдаги фаолиятга инвестициялар таннархи сифатида баҳоланади.

(в) назоратни йўқотиш билан боғлиқ бўлган, собиқ назорат пакетида ҳисобга олинандиган фойда ёки зарарни тан олади.

8.3. БҲХС (IAS) 29 “Гиперинфляция шароитида молиявий ҳисобот”

29-сон БҲХС “Гиперинфляция шароитида молиявий ҳисобот” гиперинфляцияни бошидан кечираётган мамлакатлар валютасида ҳисобот тузадиган корхоналарнинг (консолидацияланган молиявий ҳисоботни ҳам ўз ичига олган) молиявий ҳисоботига нисбатан қўлланилади.

Ушбу стандарт инфляциянинг абсолют темпини аниқламайди. 24-сон БХХСга мувофиқ молиявий ҳисоботни қайта ҳисоблаш заруриятини аниқлаш субъектив қарорлар тоифасига таллуқли ҳисобланади. Гиперинфляциянинг мавжудлигини давлат томонидан кўриб чиқиладиган иқтисодий ҳолат тавсифлари кўрсатиб беради. Улардан асосийларига қуйидагилар киради:

а) Аҳоли ўз жамғармаларини пул шалида эмас ёки нисбатан турғун хорижий валютада сақлашни афзал деб билади. Миллий валютадаги мавжуд суммалар харид қобилиятини сақлаб қолиш учун дарҳол инвестицияланади;

б) аҳоли пул маблағларини маҳаллий валютада эмас балки нисбатан турғун хорижий валютада ҳисоб-китоб қилади. Баҳолар ушбу хорижий валютада кўрсатилиши мумкин;

с) кредитга сотиш ва сотиб олиш кредит муддати давомида харид қобилиятининг йўқотишларини компенсациялайдиган нархларда амалга оширилади;

д) фоиз ставкаси, иш ҳақи ва баҳолар баҳо индекси билан боғлиқ бўлади;

е) уч йил давомида инфляциянинг ўсиши 100%га яқинлашади ёки ундан ошади.

Кўпчилик мамлакатларда бошланғич молиявий ҳисобот айрим қайта баҳоланиши мумкин бўлган асосий воситалар ва инвестициялардан ташқари мавжуд активларнинг умумий баҳо ёки алоҳида баҳоларнинг ўсишини ҳисобга олмаган ҳолдаги бошланғич (тарихий) қиймати асосида тузадилар. Бироқ айрим корхоналар бошланғич молиявий ҳисоботни мавжуд активларнинг аниқ нархларининг ўзгаришини ўзида ифода етган тикланган қийматда тақдим этадилар.

Гиперинфляцияли иқтисодиётга ега мамлакатлар валютасида ҳисобот берадиган корхоналар молиявий ҳисоботи у бошланғич ва тикланган қийматга асосланишидан қатъий назар ҳисобот санасида амал қиладиган ўлчов бирликларида тақдим қилиниши лозим. БХХСларига мувофиқ ўтган даврга таллуқли бўлган молиявий ҳисоботларда очиқланиши талаб қилинадиган ахборотлар ҳамда анча олдинги даврларга оид бўлган ҳар қандай ахборотлар ҳисобот санасида амал қиладиган ўлчов бирликларида акс еттирилиши лозим.

Пул моддалари бўйича даромад ва харажатлар соф даромадга кўшилиши ва алоҳида очиқланиши лозим.

Молиявий ҳисоботни қайта ҳисоблашда ҳисоботлар 1) бошланғич қийматда ва 2) тикланган қийматда тузилганлиги инобатга олинади.

Бошланғич қиймат асосида тузилган молиявий ҳисоботда бухгалтерия балансининг ҳисобот санасида амал қиладиган ўлчов бирликларида ифодаланмаган суммалари умумий баҳо индекси асосида қайта ҳисобланади.

Пул маблағлари қайта ҳисобланмайди, чунки улар ҳисобот санасида амал қиладиган пул ўлчовида ифодаланган.

Баҳолар ўзгариши асосидаги шартномалар билан боғлиқ активлар ва мажбуриятлар жумладан, индекс облигациялари ва займлар ҳисобот санасида тўланмай қолган қисмини аниқлаш учун шартномага мувофиқ тўғирланади.

Бошқа барча қолган пул бўлмаган активлар ва мажбуриятлар қайта ҳисобланади.

Кўпчилик пул бўлмаган моддалар бошланғич қийматда ёки ескириши чиқарилган бошланғич қийматда ҳисобга олинади. Шу боис, улар харид қилиб олиш санасидаги суммада ифодаланган. Ҳар бир модда қийматининг ёки ескириш чиқарилган қийматининг қайта ҳисобланган натижаси бошланғич қийматига ва жамғарилган ескиришига умумий баҳо индексини қўллаш орқали аниқланади. Шу боис, асосий воситалар, инвестициялар, хом-ашё ва товарлар захиралари, ишбилармонлик репутацияси, патентлар, савдо маркалари ва шунга ўхшаш активлар харид қилиб олиш санасидан тўғирланади. Захиралар, қисман тайёр ва тайёр маҳсулотлар қиймати уларни харид қилиш ва қайта ишлаш харажатлари вужудга келган санадан еътиборан қайта ҳисобланади.

Айрим турдаги асосий воситалар турларини харид қилиш санаси тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда қайта баҳолаш учун асос бўладиган қийматни аниқлаш ҳолисона профессионал баҳолаш орқали амалга оширилади. Агар кам учрайдиган ҳолларда маълум даврлар учун умумий баҳо индекси бўлмаган тақдирда ҳисобот валютаси ва турғун хорижий валюта алмаштириш курсининг ўзгариши олиншига рухсат етилади.

Пул бўлмаган моддалар қайта ҳисобланган суммалари таллуқли БҲХСга мувофиқ активлардан келгусида фойдаланиш (сотиш ва бошқа шаклда тассаруф етиш) ҳисобидан қопланадиган суммадан катта бўлган ҳолларда камайтиради. Шу боис, ушбу ҳолатларда асосий воситалар, ишбилармонлик репутацияси, патентлар ва савдо маркаларининг қайта ҳисобланган суммалари қопланадиган суммага қадар камайтиради, захираларнинг қайта ҳисобланган суммаси реализациянинг соф қийматига қадар камайтиради, қисқа муддатли инвестицияларнинг қайта ҳисобланган суммаси бозор қийматига қадар камайтиради.

Корхона келишувга мувофиқ қўшимча ҳисобланган фоизлар тўловсиз активларни харид қилиши бўйича тўловлар муддатини узайтириш асосида харид қилиши мумкин. Ушбу ҳолатларда, қайсики фоизлар суммасини ёзиш мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолларда ушбу активлар харид қилиб олинган санадан эмас, балки тўловлар санасидан қайта ҳисобланади.

Ушбу стандартни қўллашнинг биринчи даври бошида хусусий капитал элементлари, тақсимланмаган фойда ва бошқа оширилган қайта баҳолаш суммаларидан ташқари таллуқли саналардаги умумий баҳо индексини қўллаш ёрдамида қайта ҳисобланади. Олдинги даврларда юзага келган ошириладиган қайта баҳолаш суммалари бекор қилинади (тўғирланади). Тақсимланмаган фойданинг қайта ҳисобланган миқдори баланснинг бошқа барча қайта ҳисобланган моддалари асосида ҳисобланади.

Ушбу стандарт фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг ҳамма моддалари ҳисобот санасида амал қиладиган ўлчов бирликларда ифодаланишини талаб этади. Шундай қилиб, барча суммалар даромад ва харажатларнинг моддалари қачонки, молиявий ҳисоботда бошланғич ёзилган санадан еътиборан умумий баҳо индекси ўзгаришини қўллаш ёрдамида қайта ҳисобланади.

Инфляция даврида пул активларининг пул мажбуриятларидан ошишига ега бўлган корхоналар тўлов қобилиятини йўқотади. Пул мажбуриятларининг

пул активларидан ошишига ега бўлган корхоналар актив ва мажбуриятлар баҳолар даражасига боғлиқ бўлмаган даражада тўлов қобилиятини кўпайтиришга еришади. Ушбу соф пул моддалари бўйича даромад ёки харажатлар пул бўлмаган активларни, хусусий капитал, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот моддаларини қайта ҳисоблаш ва индексладиган активлар ва мажбуриятларни тўғирлаш ўртасидаги фарқ сифатида жорий қилиниши мумкин.

Соф пул маблағлари бўйича даромад ва харажатлар соф фойдага киритилади.

Тикланиш қиймати асосида тузилган молиявий ҳисоботда баланснинг тикланиш қийматида кўрсатилган моддалари қайта ҳисобланмайди, чунки улар ҳисобот санасида амал қилаётган ўлчов бирликларида ифода етилган.

Тикланиш қийматидаги фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи одатда қайта ҳисобга қадар операциялар ва ҳодисалар асосида ётадиган ҳақиқатда юз берган моментдага харажатларни акс еттиради. Реализация қилинган маҳсулот таннархи ва ескириши уларни ишлатиш momentiдаги жорий харажатлар бўйича ҳисобга олинади. Реализация ва бошқа харажатлар улар юз берган моментдаги пул ўлчовларида ёзиб борилади. Шундай қилиб, барча суммалар умумий баҳо индексини қўллаш орқали ҳисобот санасида амал қиладиган ўлчов бирликларига қайта ҳисобланади.

29-сон БҲХС мувофиқ ҳолда молиявий ҳисоботни қайта ҳисоблаш солиққа тортиладиган даромад ва бухгалтерия даромади ўртасида фарқни юзага келтириш мумкин. Ушбу фарқ 12-сон БҲХСга мувофиқ ҳисобга олинади.

Ушбу стандарт пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги барча моддалар ҳисобот санасида амал қилаётган пул бирликларида ифодаланишини талаб етади.

Қачонки мамлакат иқтисодиёти гиперинфляциядан чиқса корхона ушбу стандартга мувофиқ молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилишни тўхтатади.

Таянч сўзлар.

Қарам ташкилот - бу шундай ташкилотки, бунда инвестор унинг устидан жиддий таъсирга егадир.

Жамланган молиявий ҳисоботлар - бу гуруҳнинг молиявий ҳисоботлари бўлиб, унда бош ташкилот ва унинг шўъба ташкилотларининг активлари, мажбуриятлари, капитали, даромадлари, харажатлари ва пул оқимлари ягона иқтисодий фаолият юритувчи субъектга тегишли сифатида тақдим етилади. Улуш бўйича ҳисобга олиш усули - бу бухгалтерия ҳисобининг усули бўлиб, ушбу усул бўйича инвестиция дастлаб таннархда ҳисобга олинади ва сўнгра инвесторнинг инвестиция объектининг соф активларидаги улушининг сотиб олишдан сўнгги ўзгаришларига тўғриланади. Инвесторнинг фойда ёки зарари унинг инвестиция объектининг фойда ёки зараридаги улушини ўз ичига олади ва инвесторнинг бошқа умумлашган даромади унинг инвестиция объектининг бошқа умумлашган даромаддаги улушини ўз ичига олади.

Биргаликдаги фаолият бўйича келишув - бу икки ёки ундан кўпроқ томонлар биргаликдаги назоратга ега бўлган келишувдир.

Биргаликдаги назорат - бу келишув устидан назоратнинг шарномада келишилган тақсимланиши. Бундай тақсимлаш фақат тегишли операциялар тўғрисидаги қарорлар назоратни тақсимлаб олган томонларнинг яқдил розилигини талаб етадиган ҳолатда мавжуд бўлади.

Қўшма корхона - бу биргаликдаги фаолият бўйича келишув бўлиб, бунда ушбу келишув бўйича биргаликдаги назоратга ега томонлар келишувнинг соф активларига нисбатан ҳуқуқларга ега бўлади.

Қўшма корхона иштирокчиси - бу қўшма корхонадаги томон бўлиб, у ушбу қўшма корхона устидан биргаликдаги назоратга егадир.

Жиддий таъсир - бу инвестиция объектнинг молиявий ва операцион сиёсатининг қарорларида иштирок етиш даражасидир, аммо у ушбу сиёсатлар устидан назорат ёки биргаликдаги назорат бўлиб ҳисобланмайди.

Гиперинфляция шароитида молиявий ҳисобот – бу гиперинфляцияни бошидан кечираётган мамлакатлар валютасида ҳисобот тузадиган корхоналарнинг (консолидацияланган молиявий ҳисоботни ҳам ўз ичига олган) молиявий ҳисоботи

Тугалланадиган фаолият – бу корхонанинг қайсики (а) ягона режа асосида тўлиқ реализация қиланадиган, қисмлар бўйича сотиладиган ҳамда ундан бош тортиш орқали фойдаланишни тўхтатадиган, (б) алоҳида ажратиладиган йирик фаолият йўналиши ҳамда фаолиятни юритишнинг географик раёни, шунингдек, (с) операцион ва молиявий ҳисобот мақсадларида ажратилиши мумкин бўлган компонентларини ўз ичига олган мажмуадир.

9- МАВЗУ. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

9.1. МҲХС бўйича ҳисоботни тузишнинг услублари

МҲХС бўйича ҳисоботни тузишнинг усуллари

- Параллел Молиявий
ҳисоб ҳисоботнинг
Трансформацияси

Параллел ҳисобни юритиш – МҲХСнинг қоидаларига мувофиқ равишда хўжалик фаолиятидаги далилларни бухгалтерия ҳисобининг регистрларида акс еттиришни англатади.

Шундай қилиб, ҳар бир хўжалик операцияси икки марта ҳисобга олинади (такрорланади): биринчи марта - ... иккинчи марта - ...

Параллел ҳисобни ташкиллашда, МҲХС бўйича молиявий ҳисобот курсаткичлари МҲХС бўйича юритилган бухгалтерия ҳисобининг маълумотлари асосида шакллантирилади.

БҲХС бўйича тузилган ҳисобот ва ҳисобнинг қоидалари қай даражада МҲХС бўйича юритиладиган ҳисобга яқин бўлса,

шунчалик ...

- **Танлов:**

Параллел ҳисоб еки трансформация (узгартириш)?

Таққослама характеристика

	Параллел ҳисоб	ҳисоботнинг трансформацияси
ҳисоботнинг ишончилиги	Ишончилиқнинг юқори даражаси	Юқори информацион хавф
Юқори нарх	Ташкилотнинг йирик харажатлари	Ташкилотдан йирик харажатларни талаб етмайди.
ҳисоботни тузишдаги тезкорлик	БҲХС бўйича тайёрланган ҳисобот билан деярли бир вақтда	Фақатгина БҲХС бўйича ҳисоботни тайёрлагандан сўнг

Қулайлиги:

ҳисоботдаги ҳар бир рақам ортида МҲХС бўйича акс еттирилган хўжалик операцияси турганлиги учун ҳисоботда акс еттириладиган ноаниқ ахборотнинг паст таваккалчилик даражаси кўпроқ хос.

Камчилиги:

Ташкилот томонидан қилинадиган йирик қўшимча харажатларни талаб этади (МҲХС бўйича малакали ходимларга қилинадиган харажатлар, дастурий таъминот, ташкилот бўлинмаларини қайтадан ташкиллаш ва б.)

- Ташкилот молиявий-хўжалик фаолиятининг кўпгина соҳаларига алоқадор бўлганлиги учун узоқ вақтни талаб этади.

Ҳисоботни МҲХСга мувофиқ тузилган ҳисоботга трансформация қилиниши бу – БҲХС бўйича тузилган ҳисобот маълумотлари асосида қуйидагиларни ўзгартириш асосида МҲХСга мувофиқ ҳисобот тузиш жараёнидир:

- Тан олиш (таснифлаш ва баҳолаш) ва
- МҲХС талабларига мувофиқ ҳолда, бухгалтерия ҳисобининг объектлари ҳақидаги ахборотни очиш

2 хил усулда амалга оширилиши мумкин:

- Компаниянинг ўзи томонидан;
- Ташқи мутахассисларни жалб етган ҳолда.

МҲХСнинг қандай ҳужжатлари ҳисобот трансформацияси бўйича тушунтиришларни ўз ичига олади?

Жавоб:

Ташкилот МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботини тайёрлаётган санадан кучга кириб бўлган ҳамма МҲХСларни қўллаши керак.

МҲХСга ўтиш қуйидагиларнинг шаклланишини ўз ичига олади:

1. Ҳисобот санасида барча стандарт талабларига жавоб берадиган ҳисоб сиёсатининг шаклланиши;
2. Ўтиш санасида МҲХС бўйича кириш баланси.
3. МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисобот тайёрланган санадан ҳеч булмаганда бир йил олдинги йил учун киёсий маълумотлар;
4. МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисобот;
5. МҲХСга ўтишнинг таъсирини тушунтирадиган қўшимча маълумотларни очиш.

Ҳисобот трансформацияси жараёни (трансформация босқичлари ёки шакллари) стандарт кетма-кетликка ега.

Бироқ, трансформация босқичларининг мазмуни кўплаб омилларнинг уйғунлашувига боғлиқ.

Трансформация жараёнларининг мазмунини аниқлайдиган омиллар:

1. Компаниянинг молиявий-хўжалик фаолияти хусусиятлари
2. Ташкилот бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусияти

Биринчиси, тузатишларнинг йўналишини аниқлаб беради;

Иккинчиси, ахборотни йиғиш техникасини

Трансформация ҳисоботи

1. Тайёрлов
2. Ишчи босқичи
3. Гиперинфляция таъсирининг ҳисоби
4. Хорижий валютага ўтказиш
5. Молиявий ҳисоботнинг шаклланиши

Қуйидагини аниқлаш зарур:

- ҳисобот трансформациясининг мақсадини;

(стандартлар тизимини танлашга, тузиш ва тақдим этиш бўйича талабларга, амалга ошириш усулларига сезиларли таъсир кўрсатади)

Мисол учун:

Ташкилот (шуба корхона) учун МХХС бўйича ҳисобот тузишдан мақсад, гуруҳнинг консолидаллашган ҳисоботини шакллантириш ҳисобланади.

Бу трансформация жараёнларига қай тарзда таъсир кўрсатади?

Бош компания ва унинг филиаллари учун ягона ҳисоб сиёсатини қўллаш зарур ҳисобланади.

Айни вақтда ушбу талабни амалга оширишнинг иккита варианты мавжуд.

Биринчиси – гуруҳ учун ягона ҳисоб сиёсати ишлаб чиқиладиганда, гуруҳнинг барча корхоналари бир хил талаблар бўйича индивидуал ҳисоботни тузадилар ва ҳисобни юритадилар.

Иккинчиси – бунда индивидуал ҳисобот маълумотлари мустақил ҳисоб сиёсати бўйича шакллантирилади, консолидация мақсадлари учун еса ягона ҳисоб сиёсатининг талабларига мувофиқ маълумотларни киритиш бўйича кўшимча тузатишлар амалга оширилади.

Қуйидагиларни аниқлаб олиш зарур:

- МХХСга мувофиқ тузиладиган биринчи ҳисобот қайси давр учун тузилишини;
- МХХСга ўтиш муддатини қиёсий маълумотлар тақдим этиладиган даврлар сони
- Компаниянинг функционал валютасини (баҳолаш валютасини) ва ҳисобот валютасини;
- ҳисоботни тақдим этиш тилини;
- Аудиторлик текширувига бўлган зарурият, баҳоловчиларнинг жалб қилиниши
- Трансформацияни амалга ошириш усулини;
- Ишнинг умумий қийматини

Ташкилот МХХС бўйича ҳисобот трансформацияси хизматини кўрсатишга оид консултация шартномасини тузиш ҳақидаги масалани кўриб чиқади (ташқаридан мутахассисларнинг жалб қилиниши).

Шартномани тузишда нималарга эътибор қаратиш керак?

Трансформация натижалари бўйича бериладиган маълумотларнинг ҳажми:

Агарда буюртмачи ҳисобот трансформациясининг натижалари бўйича МХХСга мувофиқ ҳисоботни фақатгина бир бутун ҳолда, ҳисобот элементлари бўйича аналитик маълумотлар ва трансформацион ўтказмаларнинг тавсифисиз олса, айниқса муҳим аҳамиятга ега.

Кейинги параллел ҳисобнинг юритилиши ва навбатдаги ҳисобот трансформацияси ижрочи – компанияга мурожаатиз деярли мумкин эмас.

Ишчи босқичнинг мақсади – БХХС ва МХХС бўйича юритиладиган ҳисоблар ўртасидаги асосий фарқларни аниқлаш ва баҳолаш.

Бу трансформациянинг енг масъулиятли, узоқ давом этадиган ва кўп меҳнатни талаб этадиган босқичидир.

Компания молиявий-хўжалик фаолиятининг ва бухгалтерия ҳисоби тизимининг БХМС бўйича таҳлили:

Шу жумладан, ҳисоб сиёсати, ишчи счётлар режаси таҳлили, операциялар таҳлили.

МХХС бўйича ҳисоб сиёсатининг шаклланиши

Миллий ҳисоботни трансформация қилишда компаниялар БҲМС га оид счётлар режаси билан МҲХСга мувофиқ ҳисоб объектларининг рўйхати ўртасидаги фарқка дуч келадилар.

Бу масалани қандай ҳал қилиш мумкин?

Жавоб:

1. МҲХСга мувофиқ счётлар режасини миллий асосдаги аналогларга мос ҳолда мустақил қўллаш.

2. Ҳисобот моддалари даражасида ишлаш
(МҲХС бўйича счётлар режасини ишлаб чиқмаслик)

Ташкилот МҲХСга мувофиқ ҳисоб усулининг у ёки бу турини танлашда қийинчиликка дуч келади.

Савол:

МҲХС бўйича ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда қандай ҳолатларни еътиборга олиш керак?

Жавоб:

Юқори меҳнат талаблиги –

МҲХСга мувофиқлиги → ...

МҲХСга мувофиқ ҳисобот тузишдан мақсад → ...

Савол:

Агар компания ўз диққат еътиборини компаниянинг капиталлашув даражасини оширишга қаратган бўлса, МҲХСга мувофиқ қандай ҳисоб сиёсатини танлаш керак ?

Жавоб:

Кайта баҳоланган қиймат бўйича ҳисоб Модели

МҲХС 16, МҲХС 38

Заҳираларни баҳолаш методи – ФИФО

МҲХС 40 “Инвестициялар ва кўчмас мулк”

Ўртача қиймат бўйича ҳисоб юритиш модели.

БҲМС ва МҲХСларга кўра юритилган ҳисоблардаги фарқлар асосига кўрилган трансформация ёзувларини шакллантириш учун маълумотларни йиғиш (ишчи ҳужжатларни тўлдириш).

Ишчи трансформация жадваллари объект мувофиқ ёки операцион асос бўйича тузилади.

Асосий воситалар бухгалтерия ҳисоби бўйича ишчи трансформация жадвалларининг тузилиши:

- Бошланғич қиймати;
- Амортизация (давр бошига, давр учун, давр охирига;) қадрсизланишдан зарарлар.
- Ишга тушириш санаси
- Баланс қиймати
- Ва бошқалар

Трансформация қайдлари (2 турда):

1. Молиявий ҳисобот элементларининг таснифланиши ўзгариши билан боғлиқ бўлганлари

2. Молиявий ҳисобот элементларини баҳолашни ўзгартирадиган ўтказмалар.

1. Молиявий ҳисобот элементларининг таснифланиши ўзгариши билан боғлиқ бўлганлар:

Қайта таснифлаш

Янги ҳисоб объектларининг жорий етилиши

МҲҲСга мувофиқ тан олишнинг талабларини қондирмайдиган истиснолар Жамловчи трансформация жадвалини тўлдириш (фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисобот ва балансни тайёрлаш)

Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот ва капитал ҳаракати ҳақидаги ҳисоботни тузиш учун маълумотларни тўплаш

МҲҲСга мувофиқ тайёрланган капиталдаги ўзгаришлар ҳақидаги ҳисобот ва пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичлари қуйидагилар асосида шаклланади:

▪ Трансформация қилинган фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисобот ҳамда баланс

▪ Шунингдек, ишчи босқичда тўпланган қўшимча маълумотлар

Трансформацияни амалга оширишда қабул қилинган, баҳоланган муҳокама ва соддалаштириш, трансформация тавсифлари бўйича матнли файл яратиш.

МҲҲС 29 «Гиперинфляция шароитида молиявий ҳисобот»

МҲҲС 29 инфляцияни Гиперинфляцияга ўтишининг абсолют даражасини белгиламайди.

Гиперинфляция иқтисодиётининг характеристикаси:

1. Аҳоли ўзининг жамғармаларини пулсиз шаклда ёки барқарор хорижий валютада сақлашни афзал кўради.

2. Пул маблағлари маҳаллий валютада эмас, балки турғун чет ел валютасига нисбатан қаралади (нархлар ушбу валютада ўрнатилиши мумкин).

3. Кредитга сотиш ва етказиб бериш кредит муддати давомида харид қобилиятининг кутилаётган йўқотишларни ўрнини қоплайдиган нархларда амалга оширилади, хаттоки бу муддат давомий бўлмаса ҳам.

4. Фоиз ставкалари, иш ҳақи ва нархлар баҳо индексига боғланади

5. Уч йил давомида инфляциянинг умумий даражаси 100 % дан ортади ёки шунга яқинлашади.

МҲҲС 29 га мувофиқ, қуйидагилар зарур:

▪ Умумий харид қобилиятидаги ўзгаришларни акс еттирадиган умумий баҳолар индексини танлаш (қоидага кўра, истеъмол баҳолари индексини).

▪ Балансдаги номонетар моддаларни қайта ҳисоб-китобини амалга ошириш.

▪ Фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисобот моддаларини қайтадан ҳисоблаш.

Монетар моддалар ўз ичига пул моддаларини ва пул маблағлари билан сўндириладиган моддаларни, яъни дебитор ҳамда кредитор қарздорликларни, молиявий инвестицияларни ўз ичига олади.

Пул моддалари ўз ичига пул воситаларини ҳамда пул воситаларининг эквивалентларини олади (юқори ликвидли қимматли қоғозлар).

Монетар моддалар таркибига кирмайдиган активлар ва мажбуриятлар номонетар моддалар ҳисобланади.

Функционал валюта (баҳолаш валютаси) бўлиб, қўлланилиши компанияга муҳим таъсир кўрсатадиган ва компаниянинг кўпчилик операциялари амалга ошириладиган валютаси ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш валютаси функционал валютага мос келмаслиги мумкин (тақдим этишдаги қулайлик учун).

Масалан, функционал валютаси сўм бўлган компания, молиявий ҳисоботни еврода тақдим этиши мумкин.

МҲХС 21 га мувофиқ:

- Чет ел валютасига ўтказиш методикаси - компаниянинг функционал валютаси иқтисодий гиперинфляцияли мамлакатнинг валютаси еканлиги ёки йўқлигига боғлиқ бўлади.

Агар компаниянинг функционал валютаси гиперинфляцион валюта бўлса:

- У ҳолда, дастлаб МҲХС 29 даги вазиятлар қўлланилади,
- Сўнг ҳисобот маълумотлари ҳисобот санасидаги курс бўйича хорижий валютага ўгирилади (масалан, АҚШ долларига).

МҲХСга мувофиқ ахборотни очиб бериш:

1. Ҳисоб сиёсати
2. Молиявий ҳисоботга изохлар
3. МҲХС бўйича ҳисобот шаклининг кўрсаткичлари миллий ва ёки тақдимот валютадаги жамловчи трансформация жадвалининг устуни бўлган «МҲХС бўйича маълумотлар» асосида шаклланади.

Агарда ҳисоботни чет тилида (масалан, инглиз тилида) тақдим этишга зарурият бўлса, профессионал таржимани амалга ошириш керак.

9.2. Молиявий ҳисоботни трансформация бўйича тартибга солиш

Халқаро молиявий ҳисоботни тақдим қилиш масалалари бевосита 1-сон БҲХС, 8-сон БҲХС ва 7-сон БҲХСларда кўзда тутилган. Бундан ташқари, 2.4-жадвалда кўрсатилганидек, молиявий ҳисоботнинг алоҳида компонентлари ва айрим объектлар тўғрисидаги ахборотларни тавсифлаш масалалари 10, 30, 14, 26, 29, 34, 35, 15, 21, 24, 33-сонли БҲХСларида ҳам ёритилган.

1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим қилиш” стандартида молиявий ҳисоботни тақдим қилишнинг умумий қоидалари, ҳисоботларнинг таркиби ва мазмунига қўйиладиган минимал талаблар келтирилган.

Ушбу стандартнинг мақсади корxonанинг ўз молиявий ҳисоботининг ўтган даврлардаги молиявий ҳисоботига ҳамда бошқа корxonаларнинг молиявий ҳисоботларига таққосланувчанлигига еришиш учун умумий мақсадлардаги молиявий ҳисоботни тақдим қилишнинг негизини таъмин этиш бўлиб ҳисобланади.

Компания раҳбарияти ҳар бир қўлланиладиган БҲХС ва Интерпритация бўйича Доимий Қўмитанинг интерпритациялари талабларига тўлиқ мувофиқ ҳолда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши керак.

БҲХСларида аниқлашлар бўлмаган ва Интерпритациялар берилмаган ҳолларда раҳбарият ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда молиявий ҳисоб

фойдаланувчилари учун фойдали ахборотларни таъмин етишда ўзларининг мушоҳадаларидан келиб чиқади. Ушбу мушоҳадаларни тайёрлашда корхона раҳбарияти қўйидагилардан келиб чиқади: **фаолиятнинг узлуксизлиги; жамғарилиш; тақдим қилишнинг кетма-кетлиги; салмоқлилиқ; ўзаро қоплаш ва ахборотларнинг таққосланишлиги киритилган.** Молиявий ҳисоботнинг ҳар бир компоненти аниқ белгиланиши лозим. Молиявий ҳисоботнинг барча шаклларида тақдим қилинаётган ахборотларнинг етарли даражада тушунилишини таъмин етиш мақсадида (5, 95-бет):

- а) ҳисобот бераётган компаниянинг номи ёки унинг бошқа еътироф етиш белгилари;
- б) молиявий ҳисобот алоҳида мустақил компанияни қамраб оладими ёки компаниялар гуруҳини;
- с) ҳисобот санаси ёки молиявий ҳисоботнинг тааллуқли компонентига мувофиқ келишига боғлиқ ҳолда молиявий ҳисобот қамраб олган ҳисобот даври;
- д) ҳисобот даври;
- е) молиявий ҳисоботда акс еттириладиган рақамларнинг аниқлик даражаси.

Молиявий ҳисоботнинг тўлиқ комплекти қўйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

- а) бухгалтерия баланси;
- б) фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот;
- с) қўйидагилардан бирини акс еттирувчи ҳисобот

(и) хусусий капиталнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; ёки

(ии) мулкдорлар билан капитал характердаги ва улар ўртасидаги тақсимлаш операцияларидан фарқ қиладиган хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот;

е) пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

с) ҳисоб сиёсати ва ҳисоботга тушунтиришлар.

Кўпчилик ташкилотлар молиявий ҳисоботдан ташқариташкилот раҳбариятига молиявий обзор берилади, қайсики унда ташкилотнинг молиявий хўжалиқ фаолияти тавсиф ва тушунтиришлар берилади, унинг молиявий ҳолати ва асосий муаммолар ва ноаниқликлар тавсифи келтирилади. Ушбу ҳисобот қўйидаги мазмундаги ахборотларни қамраб олади.

(а) молиявий натижаларни белгиловчи асосий омиллар ва уларнинг таъсири, шу жумладан конъюктуранинг ўзгариши, қайсики корхона шу шароитда фаолият кўрсатади, ушбу ўзгаришларга ташкилотнинг реакцияси ва уларнинг таъсири ҳамда ташкилотнинг молиявий натижаларни қўллаб-қуватлаш ва яхшилашга қаратилган сиёсати, шу жумладан дивиденд соҳасидаги сиёсати ҳам;

(б) ташкилотнинг молиялаштириш манбалари, унинг мажбуриятлар ва хусусий капиталга нисбатан режадаги кўрсаткичлари; ва

(с) БҲХСларига мувофиқ бухгалтерия балансида ташкилотнинг тан олинмаган маблағлари (9).

Молиявий ҳисобот албатта корxonанинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисида **виждонан тақдим этишлари** шарт. Виждонан тақдим этиш ҳисоб тамойилларида мужассамлашган активлар, мажбуриятлар, даромад ва харажатларни ҳисобга олиш қоидалар ва мезонларига тўлиқ риоя қилган ҳолда ҳаққоний акс еттиришни англатади.

Молиявий ҳисобот **минимум ҳар йили** тақдим қилиниши лозим. Компания айрим ҳолларда истисно тариқасида ҳисобот даврини бир йилдан ошадиган ёки кам даврини ҳам белгилаши мумкин. Бундай ҳолларда бир йилдан фарқ қиладиган даврдан фойдаланиш сабаблари кўрсатилиб берилиши талаб қилинади (5, 96-б.).

Ҳалқаро компаниялар раҳбарияти корxonанинг **ҳисоб сиёсатини** ишлаб чиқиши зарур, қайсики барча молиявий ҳисоботлар ҳар бир қўлланилаётган БҲХСлар ҳамда Доимий Қўмитанинг стандартларга келтирган интерпритацияларига тўлиқ мувофиқ келсин. Агарда аниқ талаблар бўлмаган ҳолларда корхона раҳбарияти молиявий ҳисоботларда тақдим қилинаётган ахборотларнинг

(а) фойдаланувчилар томонидан қарорлар қабул қилинганда **уйғунлиги** ва

(в) **ишончлигини**

таъмин этишлари лозим.

Ҳисоб сиёсати – бу корхона томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим қилишда қабул қилинган аниқ тамойиллар, негизлар, қоида ва тажрибалар мужмасидан иборат ҳужжатдир.

Корхона раҳбарияти молиявий ҳисоботни тайёрлашда корхона ўз фаолиятини давом еттира олиш қобилиятини баҳолай олиши лозим. Молиявий ҳисобот корхона ўз фаолиятни **узлуксиз давом еттириши** тўғрисидаги, яъни раҳбарият корxonанинг ликвидация қилиниши ёки ўз фаолиятини тўхтатишини мўлжалламаган ёки ушбу масалани кўриб чиқиш сабаблари бўлмаган йўл қўйилишларга асосан тузилиши лозим. Агарда ушбу ҳолатлар мавжуд бўлса корхона ҳисоб сиёсатида уларни баён этиши лозим бўлади.

Корхона молиявий ҳисоботини пул маблағларига доир ахборотлардан ташқарисини **ҳисоблаш методига** асосан тузишлари лозим. Ушбу методга асосан операция ва жараёнлар улар қачон юз берган бўлса (пул келиб тушуши ва пул маблағларининг тўланиши қатъий назар) шу пайтда тан олинади ва улар таллуқли бўлган даврларидаги ҳисоб регистларида қайд қилинади ва молиявий ҳисоботларда тақдим етилади. Харажатлар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда сарфланган харажатлар билан ишлаб топилган

даромадларнинг аниқ моддалри ўртасидаги *мувофиқлик концепциясига* асосан тан олинади.

Молиявий ҳисоботларда моддаларни тақдим қилиниши ва уларнинг таснифи бир даврдан иккинчи даврда сақланиши лозим (*тақдим қилишнинг кетма-кетлиги*). Корхона молиявий ҳисоботларни тақдим қилишда усулларнинг ўзгартириш киритиш керак бўлади, агарда ўзгарган таркиб еҳтимол тўлиқ сақланилса ёки муқобил вариантда тақдим қилишдан олинандиган наф муқаррар бўлса.

Молиявий ҳисобот *салмоқли* бўлган моддаларнигина акс еттириши лозим. Салмоқли бўлмаган моддалар анологик характердаги моддалардаги суммалар билан бирлаштирилиши ва алоҳида тақдим етилмаслиги лозим.

Ҳисоботларда активлар ва мажбуриятларнинг *бир бирини қоплаган* ҳолда акс еттирилишига йўл қўйилмаслиги лозим (БҲХСлари талаб қилган ёки рухсат берган ҳоллардан ташқари). Даромад ва харажатларнинг моддалари бир-бирини қоплашга агарда БҲХСларида талаб етилса ёки рухсат етилса ҳамда салмоқли бўлмаган операциялар натижасида юзага келган фойда ва зарарлар, қайсики анологик операциялар натижалари билан бирлаштириладиган ҳолларда йўл қўйилади.

Молиявий ҳисоботларда тақдим қилинаётган ахборотларнинг ўтган давр ҳисоботларидаги маълумотлари билан *таққосланувчанлиги* таъмин етилади, агарда БҲХСларида бошқача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса.

Ҳисоб сиёсати юқоридаги тамойилларга таяниши унинг БҲХСларига мувофиқлигини таъмин етади.

8-сон БҲХСга кўра, ҳисоб сиёсатини ўзгартиришга – “компаниялар ишлаб чиққан янги бухгалтерия ҳисоби сиёсати амалдаги қонунчиликка ва бухгалтерия ҳисоби стандартлари тизими талабларига мувофиқ ёки ўзгартириладиган ҳисоб сиёсати молиявий стейтментлар тақдим қилиш ҳалотини яхшилашга олиб келган ҳолларда”- рухсат берилади. Бунда ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар - “(а) жорий ва келгуси молиявий стейтментларда акс еттириш, яъни янги ҳисоб сиёсати жорий қилинган вақтдан еътиборан моддаларни ҳисобга олишда қўлланилади, (б) ретроактив, янги ҳисоб сиёсати қўлланилган вақтдан емас, балки ҳисобга олинандиган моддалар юзага келган вақтдан еътиборан қўлланилади, (с) Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида моддаларга таъсирини аниқлаш ва шу асосда ҳисобот даври бошидаги тақсимланмаган фойда суммасига ўзгартириш киритиш” - орқали амалга оширилиши кўзда тутилган.

1-сон БҲМСда молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври 1 январдан 31 декабргача белгиланган. Ҳисоботни тақдим қилиш муддати еса кейинги ҳисобот даврининг 15-февралигача белгиланган. Халқаро стандартларда молиявий ҳисобот енг камида ҳар йили тақдим қилиниши қайд қилинган (унинг саналари кўрсатилмаган) ва тақдим қилиш муддатлари кўрсатилмаган.

Компаниянинг *бухгалтерия баланси* минимум куйидаги чизиқли моддаларни ўз таркибига олиши шарт: (а) асосий воситалар; (б) инвестицион мулк;; (с) номоддий активлар; (д). (е), (х), (и)дан ташқари молиявий активлар; (е) ҳиссали қатнашиш методи бўйича ҳисобга олинган инвестициялар; (ф) биологик активлар (г) захиралар; (х) савдо ва бошқа дебиторлик қарзлари; (и) пул маблағлари ва уларнинг эквиваленти; (ж) савдо ва бошқа кредиторлик қарзлари; (к) баҳоланадиган мажбуриятлар; (л) молиявий мажбуриятлар ((ж) ва (к) бандларидан ташқари) (м) солиқ мажбуриятлари ва 12-сон БҲХС талаблари, фойда солиғи; (н) муддати узайтирилган солиқ мажбуриятлари ва муддати узайтирилган солиқ активлари, 12-сон БҲХС. (о) хусусий капитал таркибида берилган озчилик ҳиссаси; ва (р) жорий қилинган капитал ва резервлар (1-сон БҲХС, 68).

1-сон БҲХСда 74-77-моддаларида компаниянинг тўғридан тўғри бухгалтерия балансида ёки бўлмаса ҳисоботларга изоҳларда акс еттириши талаб этиладиган ахборотлар қатори ҳам келтирилган.

Бухгалтерия балансининг халқаро стандартлар талаблари асосида тузилган шаклини куйидаги ОРЗУ компаниясининг мисолида келтирамыз (2.7-жадвал):

2.7-жадвал

ОРЗУ

Бухгалтерия баланси

31 декабр 2005

(минг АҚШ доллари ҳисобида, акциялардаги рақамлардан ташқари)

	Дек. 31, 2005	Дек. 31, 2004
Активи		
<i>Узоқ муддатли активлар</i>		
1. Номоддий активлар		
2. Мулк, бино, машина ва асбоб-ускуналар	212,196	210,486
3. Минус: жамғарилган депресиация ва амортизация	1,579,580	1,623,113
4. Инвестициялар		
5. (1+2-3+4)	(183,792)	(178,260)
<i>Айланма активлар</i>		
6. Захиралар	<u>694,276</u>	<u>685,150</u>
Олинадиган счётлар:		
7. Олинадиган савдо счётлари	2,302,260	2,340,489

8. Олинадиган бошқа счётлар		
9. Пул маблағлари ва эквивалентлари		
10. Бошқа жорий активлар	961,689	925,026
11. (6+7+8+9+10)		
12. Муддат узайтирилган солиқлар	177,502	182,406
13. Муддати узайтирилган харажатлар (5+11+12+13)	4,203	3,205
Акционерлик капитали ва мажбуриятлар		
<i>Акционер капитал:</i>		
14. Имтиёзли акция – Бир донаси қиймати - 100\$, 6%, кумлятив, конвертабил (ёлон қилинган, ишлаб чиқарилган ва муомаладаги акция 10000)	<u>30,452</u>	<u>25,450</u>
15. Оддий акциялар – Бир донаси қиймати – 10 \$, ёлон қилинган 350,000,000 акция, ишлаб чиқарилган ва муомаладаги акция 200000,000	1295,590	1,254,533
16. Тақсимланмаган фойда	<u>4,475</u>	<u>4,475</u>
17. Соф фойда	<u>3602,325</u>	<u>3,599,497</u>
18. Қайта баҳолашдаги фарқлар		
19. Акционер камчилигининг ҳиссаси		
20. (14+15+16+17+ёки-18+19)	1,000	
21. Резервлар		1,000
Мажбуриятлар		
22. Тўланадиган савдо счёти		
23. Бошқа тўланадиган счётлар		
24. Фойда солиғи бўйича мажбуриятлар	2,000,000	
25. Узок муддатли дебитлар		2,025,000
26. (22+23+24+25)	1,015,382	
27. Муддати узайтирилган солиқлар		1,008,317
28. (20+21+26+27)	14,800	12,845
	_____	_____

	3,031,182	3,047,162
	16,450	15,250
	309,563	320,500
	85,480	74,285
	2,960	3,020
	<u>155,450</u>	<u>138,040</u>
	553453	535,845
	<u>1,240</u>	<u>1,240</u>
	<u>3,602,325</u>	<u>3,599,497</u>

“Фойда ва зарарлар тўғрисидаги” ҳисобот минимум қуйидаги моддаларни ўз таркибига олиши лозим: (а) тушум; (б) операцион фаолият натижалари; (с) молиялаштириш бўйича харажатлар; (д) иштирок етиш методи бўйича ҳисобга олинган ассоциациялашган ва шўъба корхоналарнинг фойда ва зарарларидаги ҳиссаси; (е) солиқлар бўйича харажатлар; (ф) одатдаги фаолиятдан олинган фойда ёки зарарлар; (г) фавқулоддаги ҳолатлар; (х) озчиликнинг ҳиссаси; (и) ҳисобот давридаги фойда ёки зарарлар (1-сон БҲХС, 81,82).

1-сон БҲХСнинг 86-95 моддаларида тўғридан-тўғри “фойда ва зарарлар тўғрисидаги” ҳисоботда ёки бўлмаса ҳисоботларга берилган изоҳларда акс еттирилиши талаб етиладиган моддалар қайд етилган.

Компаниялар “фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ҳисоботида ёки унга берилган изоҳларида *харажатларнинг характери* ёки уларнинг корхона доирасидаги *функцияларига* асосланган харажатлар таснифидан фойдаланган ҳолда харажатлар таҳлилини келтиришлари лозим.

Таҳлилнинг биринчи методи *харажатларнинг характери методи* деб аталади. Бу методда “фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ҳисоботда харажатлар характериға кўра (масалан, депрессия ва амортизация, материаллар хариди, транспорт харажатлари, иш хақи, реклама харажатлари) ва корхона ичида турли хил функционал йўналишлар бўйича тақсимланмайди. Бу метод унча

катта бўлмаган корхоналарда қўллаш қўлайдир. Харажатларнинг характери методи ёрдамида таснифланиши қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

1. Тушум		X
2. Бошқа операцион даромад		X
3. Тайёр маҳсулотлар ва тугалланмаган ишлаб чиқариш заҳираларидаги ўзгаришлар	X	
4. Хом-ашё ва материаллардан фойдаланиш	X	
5. Иш хақи	X	
6. Депресиация ва амортизация харажатлари	X	
7. Бошқа операцион харажатлар	<u>X</u>	
8. Жами операцион харажатлар (+ёки-3+4+5+6+7)		<u>X</u>
9. Операцион фаолиятдан олинган фойда (1+2-8)		<u>X</u>

Иккинчи метод харажатларнинг ёки “*сотиш таннархи*” функцияси методи деб аталиб, бунда харажатлар уларнинг функциясига кўра, сотиш таннархи, реализация ва маъмурий фаолиятига оид харажатларга таснифланади. Ушбу метод ахборот фойдаланувчиларга уйғун ахборотларни таъмин етишда енг синалган ва умуметироф усул ҳисобланади. Ушбу усулда харажатларнинг таснифи фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидаги кўринишда акс еттирилиши мумкин:

1. Тушум		X
2. Сотиш таннархи (реализация қилинган товарлар таннархи)		<u>X</u>
3. Ялпи фойда (1–2)		X
4. Бошқа операцион даромад		X
5. Реализация (тақсимлаш) бўйича харажатлар		X
6. Маъмурий харажатлар		X
7. Бошқа операцион харажатлар		<u>X</u>
8. Операцион фаолиятдан олинган фойда (3-4-5-6-7)		X

Ушбу методда тузилган фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни Рескитт & Солман плс компанияси мисолида кўрамиз (2.8-жадвал):

2.8-жадвал

ОРЗУ

2005 ҳисобот йили учун
Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот
(минг АҚШ доллар ҳисобида)

	2005 й.	2004 й.
1. Соф реализация	4,308,4	4,285,44
2. Сотиш таннари	90	5
3. Ялли фойда (1-2)	<u>2,712,5</u>	<u>2,695,40</u>
	<u>70</u>	<u>0</u>
4. Реализация бўйича харажатлар	1,595,9	1,590,04
5. Тадқиқот ва ишланмалар харажатлари	20	5
6. Умумий маъмурий харажатлар	1,145,1	1,137,68
7. Бошқа операцион даромадлар	71	1
8. Бошқа операцион харажатлар		
9. Операцион фаолият натижалари (3-4-5-6+7-8)	6,415	3,485
10. Шўъба компанияларга инвестициядан олинган даромад	256,035	265,436
11. Фоизлар бўйича соф харажатлар	15,650	15,323
12. Бошқа операцион бўлмаган харажатлар-соф	<u>180,200</u>	<u>179,381</u>
13. Операцион бўлмаган фаолият натижалари (10-11-12)	23,749	19,385
14. Фойда солиғига қадар фойда (9+ёки-13)		
15. Фойда солиғи	2,845	4,245
16. Солиқдан кейинги фойда (14-15)		
17. Акционер камчилигининг ҳиссаси	415	377
18. Соф фойда (16-17)	<u>8,419</u>	<u>7,839</u>
19. Акцияга фойда	5,989	3,971
	17,760	15,414
	2,960	2,569

	14,800	12,845
	—	—
	—	—
	14,800	12,845
	0.074	0.063

Изоҳ: Харажатлар функцияси бўйича таснифланган

Стандарт талабларига мувофиқ “*Хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот*”да куйидаги минимум ахборотлар акс еттирилади: (а) ҳисобот даврида соф фойда ва зарарлар; (б) бошқа стандартлар талабларига мувофиқ тўғридан-тўғридан хусусий капиталда тан олинадиган даромад ва харажатлар, фойда ва зарарларнинг ҳар бир моддаси ҳамда бундай моддаларнинг суммалари; ва (с) ҳисобга олиш тартиби 8-сон БҲХСда кўзда тутилган ҳисоб сиёсатидаги ўзгартиришлар ва фундаментал хатоларни тўғирлашлар.

Бундан ташқари компаниялар ушбу ҳисоботнинг ўзида ёки унга бериладиган изоҳларда куйидагиларни акс еттириши лозим: (д) мулкдорлар билан капитал характеридаги операциялар ва улар томонидан тақсимланиши; (е) ҳисобот даврининг бошида ва ҳисобот санасига жамғарилган фойда ва зарарларнинг салдоси ва ҳисобот даврида ўзгариши; ва (ф) ҳисобот даври боши ва охирида акционерлик капитали ҳар бир классси, эмиссион даромад ва ҳар бир резерв баланс қиймати ҳар бир ўзгаришни очиб бериш билан ўртасидаги текширув (2.9-жадвал).

2.9-жадвал

ОРЗУ 2005 ҳисобот йили учун

Хусусий капитал ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот

(минг АҚШ доллар ҳисобида)

	Акционер капитал	Резерв капитал	Тақсимланмаг ан фойда	Соф фойда	Рескитт & Солман плс хусусий капитали	Акционер камчилигинин	Қайта ҳисоб- лашдаги фарк	Жам и
31/12/2004	2,02		1,00	12,	3,047,1			3,04
Капиталга бадал	6,00 0		8,31 7	84 5	62			7,16 2

киритиш ва дивиденд тўлаш натижасид а ўзгариши:							
Капиталга бадал	(25, 000)			(5, 78 0)	(25,000)		(25, 000)
Дивидендтў ловлари					(5,780)		(5,7 80)
Фойдада акс еттирилма ган акционер капиталдаг и бошқа ўзгаришла р:							
Курс фарқи							
Бошқа фарқлар							
Фойдада акс еттирилма ган акционер капиталдаг и ўзгаришла р:			7,06 5	(7, 06 5)			
Тақсимланм аган фойдага олиб бориш	2,00 1,00				14,800		14,8 00
2005 йил солиқдан кейинги фойдаси	0	1,01 5,38 2			3,031,1 82		3,03 1,18
				14, 80			

31/12/2005				0				2
-------------------	--	--	--	----------	--	--	--	----------

Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари билан бир қаторда ахборот фойдаланувчиларга компаниянинг соф активлари, молиявий таркиби (ликвидлик ва тўлов қобилиятини ҳам ўз ичига олган ҳолда) ўзгаришини ҳамда ўзгарувчан шароитга ва имкониятларга мослашиш учун пул маблағларининг келиб тушуши ва тўлови ҳажми ва муддатига таъсир кўрсатиш қобилиятини баҳолаш имкониятини беради.

Ушбу ҳисоботда акс еттириладиган ахборотлар таркибини ОРЗУ компанияси мисолида кўриб ўтайлик (2.10-жадвал).

2.10-жадвал

ОРЗУ **Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот**
2005 молиявий ҳисобот йили учун

	2005	2004
Ҳисобот йилининг бошида пул маблағлари	118,446	108,016
Операцион фаолият натижалари	25,991	19,400
Тўланадиган фойда солиғи	60	60
Депресиация ва амортизация	(6,600)	(4,200)
Узоқ муддатли резевлардаги ўзгаришлар	(150)	120
Узоқ муддатли активларни ҳисобдан чиқаришдан	50	(70)
Олинган фойда (зарар)		
Операцион фаолиятдан олинган пул маблағларининг ялпи суммаси	19,351	15,310
Заҳираларнинг кўпайиши	(26,633)	(15700)
Савдо дебитор қарзларининг кўпайиши	4,904	5,600
Савдо кредитор қарзларининг кўпайиши	258	250
Айланма капиталдаги бошқа ўзгаришлар	998	250
Операцион фаолиятдан олинган пул маблағларининг соф суммаси	(1,122)	5,710
Асосий воситаларни ошиши бўйича пул тўловлари	(18,940)	(14,400)
Асосий воситаларни сотишдан тушган пул маблағлари		9,200
Инвестицияларга қўшимча пул тўловлари	18,920	(1,200)

Харидлар бўйича пул тўловлари		
Олинган фоизлар ва дивидендлар	(2,200)	2,200
Қимматли қоғозлар савдосидаги пул оқими		220
Инвестицион фаолиятда фойдаланилган пул маблағларининг соф суммаси	2,400	
	420	1,730
Капиталга бадаллар		(2,500)
Компания дивиденди ва акционер камчиликка тўланган дивидендлар	(522)	
Қарз мажбуриятларини чиқариш	(5,000)	(5,800)
Қарз мажбуриятларини тўлаш		(120)
Тўланган фоизлар	(5,780)	2,200
	2,300	220
Молиялаштириш бўйича фаолиятда ишлатилган пул маблағларининг соф суммаси	(1,400)	
	(850)	(4,270)
Тижорат фаолияти натижасида пул маблағлари ва эквивалентлари қолдиғининг ўзгариши	(11,252)	5.200
Консолидациялашган компанияларда ўзгариши натижасида пул маблағлари ва эквивалентлари қолдиғининг ўзгариши	5,150	
Валюта курси ўзгариши натижасида пул маблағлари ва эквиваленти қолдиғининг ўзгариши		9,500
Йил охирида пул маблағлари ва эквиваленти	9,400	118,446
Савдо қимматли қоғозлар ва бошқа инструментлар	121,744	
Балансда кўрсатилган ликвидли активлар		

Молиявий ҳисоботнинг изоҳларида фойдаланувчиларга фойдали бўлган қўшимча ахборотларни ўз ичига олади. Молиявий ҳисоботга берилган изоҳларда қуйидаги ахборотлар ўз аксини топади: (а) молиявий ҳисоботни тайёрлаш асослари тўғрисидаги ахборотлар ва салмоқли операциялар ва ҳодисалар учун танланган ва қўлланиладиган ҳисоб сиёсати; (б) молиявий ҳисоботда акс еттирилмай қолган, лекин БҲҲСлари талаби билан тақдим қилинадиган ахборотларни очиб бериш; (с) молиявий ҳисоботда акс еттирилмаган, лекин объектив тасаввур учун зарур бўлган қўшимча ахборотларни тақдим қилиш.

9.3. Ҳисоботларни шакллантириш ва назорат жараёнлари

Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар жалб қилиш учун муайян шароит яратиш, жумладан, ватанимиз иқтисодий субъектлари фаолиятининг шаффофлиги ва аниқлигига еришиш зарур. Бу масалани амалга ошириш молиявий ҳисоботларнинг умумқабул қилинган жаҳон стандартларини – молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллаш билан боғлиқ. Бу “Корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларига замонавий халқаро корпоратив менежмент стандартларини жорий етиш жиддий еътиборни талаб қилади”¹⁶.

Мустақиллигимизнинг дастлабки даврдан бошлаб бу борада кўплаб ишлар амалга оширилди, жумладан, 1994 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялаш, халқаро статистик таққослашларни ўтказиш, истиқболни белгилаш - таҳлил қилиш ишлари даражасини ошириш ва халқ хўжалиги бошқаришнинг иқтисодий услубларига ўтиш учун ишончли ахборот базаси билан таъминлаш мақсадида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг халқаро амалиётида қабул қилинган ҳисобга олиш ва статистика тизимида ўтиш давлат дастури тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори асосида бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Хусусий инвестициялар, жумладан хорижий инвестициялар учун қулай муҳитни таъминлаб, бозор инфратузилмасининг муҳим элементи сифатида шаклланиши лозим бўлган бозор иқтисодиётида **бухгалтерия ҳисоби концепцияси** Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги қошидаги бухгалтерия ҳисоби бўйича методологик кенгаш ва Профессional бухгалтерлар институти Миллий Кенгаши (ҳозирги Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси) томонидан 1994 йил 29 декабрда тасдиқланган еди. Унда республикамизда ендигина вужудга келаётган бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоби тизимини қуриш асослари мустаҳкамлаб берилган.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини ривожлантириш стратегияси, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида шаклланадиган ҳисоб ахборотининг сифатини ошириш ҳамда ушбу ахборотдан манфаатдор фойдаланувчиларнинг кафолатли фойдалана олишларини таъминлаб беришга қаратилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот соҳасида 1994 йилда қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш” дастурида кўзда тутилган анча-мунча ўзгаришлар амалга оширилди.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий натижалари ва молиявий ҳолати ҳақидаги манфаатдор фойдаланувчилар учун фойдали бўлган ахборотни шакллантиришни таъминлашга қаратилди. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ислоҳ қилишнинг асосий инструменти сифатида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари асосида миллий стандартлар қабул қилинди.

¹⁶ Karimov I.A. Mamlakatimizni 2014-yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish yakunlari va 2015-yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining majlisidagi ma'ruzasi. //Xalq so'zi gazetasi. 2015 yil 18 yanvar

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тараққиётида муайян ютуқларга еришилган бўлса-да, шу билан бирга жиддий муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, уларга:

- МҲХС асосида тузиладиган бухгалтерия ҳисоботларининг расмий статуси, шунингдек МҲХСни қўллашнинг зарурий инфратузилмасининг мавжуд эмаслигини;

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан, миллий стандартлар асосида тайёрланган бухгалтерия ҳисоботларини трансформация қилиш орқали МҲХС бўйича жамланган молиявий ҳисоботлар тайёрлаш учун асосиз катта харажатларни;

- бухгалтерия ҳисоботлари сифатини назорат қилиш тизимининг кучсизлиги, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоботлари аудити сифатининг юқори эмаслигини;

- касбий жамоат бирлашмалари ва бошқа манфаатдор бирлашмаларнинг, шу билан бирга бухгалтерия ҳисоботидан фойдаланувчиларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш, ҳамда бухгалтерлик ва аудиторлик касбини ривожлантиришда иштирокининг етарли эмаслигини;

- кўпчилик бухгалтер ва аудиторларни касбий тайёрлаш даражасининг паст даражадалиги, шунингдек МҲХС бўйича тайёрланган ахборотдан фойдаланиш кўникмаларининг етарли эмаслигини киритиш мумкин.

Мавжуд юзага келган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизими унда шаклланган ахборотнинг ишончилиги ва тегишли даражадаги сифатини таъминлаб бера олмайди, шунингдек, ушбу ахборотдан фойдалана олиш имкониятларини сезиларли даражада чеклайди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг келгуси тараққиёти учун қулай шароит вужудга келмоқда. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи объектларининг аксарият қисмини ўз ичига олувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар амалга киритилган, аммо ушбу ҳужжатларни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга бўлган талабларнинг ўзгариб бораётганлиги нуқтаи-назаридан тубдан кўриб чиқиш лозим. Чунки ушбу меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг МҲХСларда катта ўзгаришлар бўлган.

Республикамизда 2015-2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр етиши ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисоб стандартларига мувофиқ ташқи аудит ўтказиши¹⁷ белгиланган. Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив тизимини такомиллаштириш мақсадида акциядорлик жамиятларининг йиллик молиявий ҳисоботларини молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларга мувофиқ тайёрлаш ҳамда нашр қилиш кўзда тутилмоқда.

Бугунги кунда нафақат акциядорлик жамиятларида, балки бошқа хўжалик жамиятлари, хусусий корхоналар, оилавий корхоналар каби ташкилий-ҳуқуқий шаклга ега тадбиркорлик субъектларида ҳам МҲХСдан фойдаланишга ўтишни суръатини ошириш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ўрта муддатли истиқболда (яқин 5-10 йилда) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ривожлантириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимининг ўзига хос функцияларини Ўзбекистон иқтисодиётида муваффақиятли ва изчил

¹⁷ “Aktsiyadorlik jamiyatlarida zamonaviy korporativ boshqaruv uslublarini joriy etish chora tadbirlari to’g’risida”gi O’zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-4720-sonli Farmoni.

бажарилиши учун мақбул замин ва шароит яратиш зарур. Хусусан, манфаатдар ички ва ташқи фойдаланувчилар (мулкдорлар, инвесторлар, кредиторлар, давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқарув ходимлари ва б.) томонидан иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун зарур бўладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти тўғрисидаги аниқ ва шаффоф ахборотни шакллантириш имкониятини яратиш лозим. Келгуси тараққиётнинг моҳияти, самарали ҳисоб жараёнини тузиш ва зарурий инфратузилмани яратиш йўли билан МҲХСдан фойдаланишни фаоллаштириш ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни қуйидаги асосий йўналишларда ривожлантириш зарур:

- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларда шаклланадиган ахборот сифатини ошириш;
- МҲХСни қўллаш инфратузилмасини яратиш;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш тизимини ўзгартириш;
- бухгалтерия ҳисоботлари сифат назоратини кучайтириш;
- ташкилотларда бухгалтерия ҳисоботлари аудити, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш билан банд бўлган мутахассисларнинг, шунингдек бухгалтерия ҳисоботларидан фойдаланувчиларнинг малакасини сезиларли даражада ошириш.

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби, ўз ичига статистик ва оператив-техник ҳисобни ҳам оладиган, ягона ҳисоб ва ҳисобот тизимининг бир бўлаги сифатида ривожланиши зарур. Ушбу тизимнинг бирлигини таъминловчи муҳим омил бўлиб бошланғич ҳисоб ҳисобланиб, у ҳар бир ҳисоб тури еҳтиёжи, вазифалари ва методологиясига мос ҳолда умумлаштириш, тизимлаштириш ва келгуси йиғиш учун маълумотлар манбаси сифатида хизмат қилади.

Ривожланиш жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизими бирлиги ва яхлитлигини қўллаб қувватлаш учун ушбу тизим барқарорлигини таъминлаш алоҳида долзарблик касб этади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ривожланиши мамлакатдаги иқтисодий жараёнларнинг ўзгариши билан узвий алоқадорликда амалга оширилиши ва хўжалик механизми ривожланиш даражаси ва характериға жавоб бериши лозим. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ўзгартириш жараёнларини асосиз пайсалға солишға йўл қўйиб бўлмайди. Шу билан бирға бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботидаги ўзгаришларни хўжалик механизмидаги ўзгаришлар ва бозор институтларининг реал иш олиб боришиға мос бўлмаган ҳолда жадаллаштириш иқтисодиётдаги молиявий ахборотнинг сифатини пасайишиға, МҲХСнинг обрўсизланишиға, шунингдек молиявий тартиб-интизомнинг сусайишиға олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари МҲХСға ўтиш, ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш жараёнларининг янгича методларини амалда қўллашни ўзлаштириб олиш маълум вақт талаб қилади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботидаги ўзгаришлар, жумладан МҲХСға ўтиш жараёни жамоатчиликнинг касбий тайёргарлиги, шунингдек давлат ҳокимияти органларининг еҳтиёжи ва имкониятларини ҳисобға олган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилиши лозим.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барча тармоқ ва соҳаларига тааллуқли. Шу билан биргаликда бухгалтерия ҳисоби соҳасида ислохотларни амалга ошириш иқтисодиётнинг айрим тармоқ ва соҳаларида (жумладан, нотижорат ташкилотлари, банк тизими) ўзига хос хусусиятларга эга.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ривожлантиришнинг асосий йўналиши – унда шаклландирган ахборот сифатини ошириш. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ахборотнинг фойдалилигига бевосита МҲХСдан фойдаланиш орқали ёки улар асосида миллий бухгалтерия ҳисоби тизимини қуриш асоси сифатида фойдаланиш орқали еришиш мумкин.

Замонавий бухгалтерия ҳисоби ўзида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан юридик шахс бухгалтерия ҳисоботларини (индивидуал бухгалтерия ҳисоботи) ва жамланма молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланиладиган ахборот базасини ифода этади. Бундан ташқари бухгалтерия ҳисоботида шаклландирган ахборотдан бошқарув, солиқ, статистик ҳисоботлар, назорат қилувчи органлар учун ҳисоботлар тайёрлаш учун фойдаланилади. Зарурат туғилганда ушбу маълумотлар асосида бошқа шаклдаги ҳисоботлар тайёрланиши лозим.

Шу сабабдан бухгалтерия ҳисоби соҳасида асосий вазифа бу ҳисоб жараёнини ташкил қилишнинг бирор-бир ҳисобот шаклини тузишга бевосита боғланиб қолмаслигини таъминлашдан иборат. Ҳисоб жараёнини ташкил қилишнинг талаб ва принциплари, шунингдек бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари МҲХС талаб ва принципларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилиши лозим-ки, бу хўжалик юритувчи субъектлар турли хил ҳисобот шакллари, жумладан МҲХС учун ахборотни шакллантириш имконига эга бўлсин. Хўжалик юритувчи субъектларни айрим тоифалари бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тартибни кўллашлари мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби методи элементи сифатида *индивидуал бухгалтерия ҳисоботи* иккита ахборот ва назорат функцияларини бажаради. Бир томондан у хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятининг молиявий натижалари ва молиявий ҳолатини тавсифлайди. Бошқа томондан еса у ҳар бир ҳисоб цикли якунида бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг аниқлиги ва тўғрилигини тизимли назорат қилиш имконини беради. Бундан келиб чиқиб барча хўжалик юритувчи субъектлар ҳар бир ҳисобот даври учун индивидуал бухгалтерия ҳисоботлари тузишлари шарт.

Индивидуал бухгалтерия ҳисоботи қуйидагилар учун мўлжалланган:

- Хўжалик юритувчи субъектнинг якуний молиявий натижаси – соф фойда (зарар)ни аниқлаш ва уни мулкдорлар ўртасида тақсимлаш учун;
- Назорат қилувчи органларга тақдим қилиш учун;
- Хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротлик белгиларини аниқлаш учун;
- Статистик кузатиш ва макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ягона давлат базасини шакллантириш учун;
- Хўжалик юритувчи субъектни бошқаришда ишлатиш, суд ишларида ва солиққа тортишда фойдаланиш учун.

Индивидуал бухгалтерия ҳисоботи соҳасида асосий вазифа манфаатдор

фойдаланувчиларни сифатли, ишончли ва хўжалик юритувчи субъект ҳақида солиштириш мумкин бўлган, уни жонли акс еттирадиган ахборотдан кафолатли фойдалана олиш имкониятини яратиб беришдан иборат. Ушбу масалани ҳал қилиш учун индивидуал бухгалтерия ҳисоботини халқаро стандартлари (IAS, IFRS) асосида ишлаб чиқиладиган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) бўйича тузиш лозим. Келажақда тажрибанинг ортиб бориши натижасида айрим хўжалик юритувчи субъектлар доираси томонидан индивидуал бухгалтерия ҳисоботини бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ўрнига МҲХС (IAS, IFRS) бўйича тузиш имкониятларини баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Айрим ҳолларда БҲМС бухгалтерия ҳисоботларида ахборотни шакллантириш ва тақдим қилишга бир қанча муқобил ёндашувларни кўзда тутиши мумкин. Шундай бўлса ҳам, турли хил хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерия ҳисоботларини солиштириш имкониятини ошириш учун юқоридаги ҳолатлар чекланиши ва келгусида узлуксиз қисқартириб бориш лозим.

БҲМС айрим тоифа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тайёрланадиган индивидуал бухгалтерия ҳисоботида очиб бериладиган турли хил ҳажмдаги ахборотни назарда тутиши мумкин, жумладан, соддалаштирилган бухгалтерия ҳисоботи тузишни.

Жамланган молиявий ҳисобот, бухгалтерия ҳисоботларининг бир тури бўлиб, назорат қилиш муносабатларига асосланган хўжалик юритувчи субъектлар гуруҳи фаолиятининг молиявий натижалари ва молиявий ҳолатини тавсифлаш учун мўлжалланган. Жамланган молиявий ҳисобот фақат ахборот функциясини бажаради ва у манфаатдор ташки фойдаланувчиларга тақдим қилинади. Бундай ҳисобот фойдаланувчилар томонидан иқтисодий қарор қабул қилишда асосий молиявий ахборот манбаларидан бири бўлиши лозим.

Жамланган молиявий ҳисоботлар соҳасида асосий вазифа манфаатдор фойдаланувчиларни хўжалик юритувчи субъектлар гуруҳи ҳақида сифатли, ишончли ва солиштириш мумкин бўлган ахборотдан кафолатли фойдалана олиш имконини яратишдан иборат. Ушбу вазифани ҳал қилиш учун жамланган молиявий ҳисоботни МҲХС бўйича тузишни ҳамда мажбурий аудит ва ҳисоботларни чоп қилишни мажбурий қилиб белгилаш лозим.

Бошқарув ҳисоботи хўжалик юритувчи субъектни бошқаришда (раҳбарият, бошқа бошқарув ходимлари) фойдаланиш учун мўлжалланган. Шунинг учун ушбу ҳисоботнинг таркиби, даврийлиги, муддати, шакли ва уни тузиш тартибини хўжалик юритувчи субъект мустақил белгилайди. Шу билан бирга бошқарувнинг илғор амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, бошқарув ҳисоботларини тузиш тартиби ва таркиби, индивидуал бухгалтерия ҳисоботлари ва жамланма молиявий ҳисоботларни тайёрлашда фойдаланиладиган принциплар асосида ишлаб чиқилса, бундай тайёрланган бошқарув ҳисоботлари янада фойдали ва самарали бўлади.

Бошқарув ҳисоботи соҳасида асосий вазифа бўлиб, бошқарув ҳисобини ташкил қилишдаги илғор тажрибаларни, ҳамда хўжалик юритувчи субъектларни бошқаришда бошқарув ҳисобидан фойдаланиш тажрибаларини кенг оммалаштириш ҳисобланади.

Солиқ ҳисоботларини (солиқ декларациялари) тузиш солиқ қонунчилиги билан белгиланган ҳўжалик юритувчи субъектлар учун мажбурий ҳисобланиб, фискал (ҳазина) мақсадлари учун мўлжалланган. Солиқ ҳисоботлари бухгалтерия ҳисобида шаклланадиган ахборот асосида уларни солиқ қонунчилиги қоидалари бўйича тузатиш йўли билан тузилиши шарт.

Солиқ ҳисоботи соҳасида асосий вазифа – солиқ ҳисоби қоидаларини бухгалтерия ҳисоби қоидаларига янада яқинлаштириш йўли билан уни тузиш харажатларини камайтиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида МҲХСларини кенг жорий қилишнинг зарурий шarti бевосита ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солишда ушбу стандартлардан фойдаланиш имконини берадиган инфраструктурани яратишдан иборат.

Асосий элементлар:

- Ўзбекистонда МҲХСларни қонунан еътироф етиш;
- МҲХСни қўллаш тажрибасини оммалаштириш ва умумлаштириш механизми;
- МҲХС бўйича тайёрланган бухгалтерия ҳисоботлари сифатини назорат қилиш, шу жумладан аудит;
- МҲХСни ўқитиш.

Ўзбекистон Республикасида МҲХСни кенг қўллаш учун унинг қонунан еътироф қилиниши муҳим аҳамиятга ега. Жумладан, МҲХС бўйича тайёрланган жамланма молиявий ҳисобот расмий ҳисоботларнинг бир шакли сифатида еътироф қилиниши лозим.

Ҳар бир МҲХСни (шу жумладан шарҳларни ҳам) маъқуллаш жараёнининг мақсади – уларни Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлари тизимига киритиш. Бундай тартиб(жараён) профессионал жамоатчилик экспертизаси ва ҳар бир стандартни амалга киритишни ўз ичига олиши лозим.

Ушбу жараён:

- МҲХСни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний кучга киритишни;
- МҲХСдан четга чиқишга йўл қўймасликни;
- Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишни;
- молиявий ахборотнинг иқтисодиётга мос келишини таъминлаши лозим.

Фавқулодда ҳолатларда Ўзбекистон Республикасида вужудга келган иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда муаяян бир МҲХСни маъқуллашни маълум муддатга тўхтатиб туриш (рад қилиш) мумкин. Шу билан бирга бирон-бир стандартнинг бир қисмини маъқуллаш ҳам мумкин емас.

МҲХСни қўллаш тажрибасини оммалаштириш ва умумлаштириш механизми ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан стандартларни бир хил ва навбати билан қўллаш ва улар ҳақида мос молиявий ахборот бериш учун муҳим. Бундай механизм МҲХСни қўллаш бўйича турли хил ахборот-методик материаллар бўлишини назарда тутиб, улар фақат тавсиявий характерга ега.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш тизимини ривожлантириш шундай моделни яратишга қаратилиши лозимки, у барча манфаатдор томонлар қизиқишларини ҳисобга олиб, харажатларни камайтириб ва тартибга солиш

самарадорлигини ошириши лозим. Ушбу модел асосида давлат ҳокимияти органлари ва касбий бирлашмаларнинг (Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Аудиторлар Палатаси, Ўзбекистон бухгалтерлар федерацияси ва бошқа манфаатдар жамоат ташкилотлари) оқилона бирлиги ётади.

Давлат ҳокимияти органлари ва касбий бирлашмалар ўртасида функцияларнинг тақсимланиши қуйидагича бўлиши лозим. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи иқтисодиёт ва тадбиркорлик фаолияти соҳасида ахборотга бўлган конституцион ҳуқуқни таъминлаган ҳолда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий макон ва бозор бирлигининг кафолатидан бири ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ягоналигини ва ушбу тизимни ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлаб бериши, кўплаб манфаатдор фойдаланувчилар қизиқишларини ҳисобга олиши ҳамда изчилликни таъминлаши лозим. Ушбу жараёнда Давлат ҳокимияти органлари ва Касбий бирлашмалар зиммасига юклатиладиган вазифаларни қуйидаги чизмалардан кўриш мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи стандартларининг жамият учун аҳамиятини еътиборга олган ҳолда, биринчи навбатда стандартларнинг адекватлиги ва сифатига қатъий ишонч ҳамда уларга тўлиқ ишониш мумкинлигига асосланган ҳолда уларни ҳар тарафлама еътироф етиш. Стандартларни тан олиш (еътироф етиш) учун уларни қабул қилиш *жараёнига* касбий ҳамжамиятни жалб қилиш лозим. Улар миллий стандартлар лойиҳаларини тайёрлашади ва (ёки) стандартларнинг касбий жамоатчилик экспертзасини ўтказишади. Ўз навбатида давлат ҳокимияти органлари миллий стандартларни ишлаб чиқишни ташкил қилади, стандартларни тасдиқлашга тайёрлайди ва уларни тасдиқлайди, юридик жиҳатдан расмийлаштириш, рўйхатдан ўтказиш ва стандартлар реестрига киритиш ишларини амалга оширади. Касбий ҳамжамиятнинг стандартларни қабул қилиш жараёнида, бухгалтерия ҳисоботларидан фойдаланувчилардан ҳамда касбий ҳамжамиятнинг юқори малакали, машҳур ва обрўли вакилларида иборат бўлган махсус органи орқали қатнашишлари мақсадга мувофиқ.

9.4. Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим етиш тартиби, унинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси

2015 йил 24-апрелида ПФ-4720 «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий етиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони еълон қилинди.

Мазкур Фармон талабларидан келиб чикиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб етиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиклиги ва жозибadorлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида қуйидагилар

корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари етиб белгиланди:

- халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий етиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- чет ел капиталли иштирокида акциядорлик жамиятларини ташкил етиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш;

- ески бўлинмалар ва лавозимларни тугатиш, замонавий халқаро стандартлар ва бозор иқтисодиёти талабларига мос янги бўлинма ва лавозимларни жорий етишни инobatга олган ҳолда, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил етиш;

- акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорлар, жумладан, миноритар акциядорлар ролини ошириш;

- етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш, шунингдек, акциядорлик жамиятларида раҳбарлик лавозимларига чет еллик юқори малакали менежерларни жалб қилиш.

Мазкур Фармоннинг 9 бандида: «2015 — 2018 йилларда барча акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботни нашр етиши ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудитни ўтказиши маълумот учун қабул қилинсин.

Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси 2015 йилнинг 1 июлига қадар акциядорлик жамиятларининг йиллик молиявий ҳисоботини халқаро стандартларга мувофиқ нашр етиш жадвалини тасдиқласин».

1-МХХС га биноан молиявий ҳисобот корхонада амалга оширилган муомалалар ва молиявий ҳолатнинг тизимлаштирилган тақдимотиدير. Молиявий ҳисоботнинг мақсади кенг доирадаги фойдаланувчилар иқтисодий қарорлар қабул қилишлари учун аҳамиятли бўлган молиявий ҳолат, молиявий натижалар ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ахборотни тақдим етишдир. Бу мақсадга еришиш учун молиявий ҳисобот қуйидаги кўрсаткичлар ҳақида маълумотлар беради:

- 1- Активлар;
- 2- Мажбуриятлар;
- 3- Хусусий капитал;
- 4- Даромадлар ва харажатлар, шунингдек фойда ва зарарлар;
- 5- Пул маблағлари ҳаракати.

Бу маълумотлар бошқа тушунтириш ва изоҳлар билан бирга фойдаланувчиларга ёрдам беради.

Молиявий ҳисоботга жавобгарлик

Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим етишга директорлар кенгаши ёки корхонанинг бошқа раҳбар ташкилоти жавоб беради.

Молиявий ҳисоботнинг компонентлари

Молиявий ҳисоботнинг тўла компоненти қуйидаги компонентларни ўз ичига олади:

а) Бухгалтерия баланси;

б) Фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисобот;

в) Қуйидагилардан бирини кўрсатувчи ҳисобот:

* хусусий капиталдаги барча ўзгаришлар;

* мулкдорлар билан амалга оширилган капитал характердаги муомала ва тақсимотлардан фарқ қилувчи хусусий капиталдаги ўзгаришлар.

г) пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

д) ҳисоб юритиш сиёсати ва тушунтиришлар ҳамда изоҳлар.

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ

МҲХС компаниялардан активларни жорий ва узоқ муддатлиларга бўлишни талаб қилмайди. Шунга қарамай компаниялар муомалаларнинг характерига қараб активлар ва мажбуриятларни жорий ва узоқ муддатлиларга бўлиб кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир.

Айланма активлар

Активларни туркумлашда қуйидаги қоидаларга амалқилиш тавсия қилинади.

Активлар айланма деб ҳисобланади, агар:

а) компания нормал операцион фаолиятида ишлатиш ёки сотиш мўлжалланаётган бўлса;

б) агар актив савдо мақсадларида ёки ўн икки ой ичида сотиш учун харид қилинган бўлса;

в) агар у пул маблағлари ёки унинг эквивалентлари кўринишида мавжуд бўлса.

Бошқа барча активлар узоқ муддатли деб туркумланади.

Қисқа муддатли мажбуриятлар

Мажбуриятлар қисқа муддатли деб тавсифланади, агар:

а) компания нормал операцион фаолияти давомида тўлашни мўлжалланаётган бўлса;

б) агар ҳисобот санасидан ўн икки ой ичида бажарилиш кутилаётган бўлса.

Бошқа барчамажбуриятлар узоқ муддатли деб туркумланади.

Бухгалтерия балансида акс еттирилиши лозим бўлган ахборотлар:

а) асосий воситалар;

в) номоддий активлар;

с) молиявий активлар;

д) улуш усулида кўрсатилган инвестициялар;

е) заҳиралар;

ф) савдо ва бошқа дебиторлик қарзлари;

г) пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари;

- ҳ) мол етказиб берувчилар ва бошқалардан кредиторлик қарзлари;
- и) солиқ бўйича мажбуриятлар ва активлар;
- ж) резервлар;
- к) узоқ муддатли мажбуриятлар ва улар бўйича фоизлар;
- л) озчилик улуши;
- м) чиқарилган капитал ва фондлар.

Бухгалтерия балансига изоҳларда қуйидагилар берилиши керак:

- * Чиқаришга рухсат етилган акциялар миқдори;
- * Чиқарилган ҳамда тўланган, чиқарилган ва тўланмаган акциялар миқдори;
- * Акциянинг номинал қиймати ёки номинал қийматнинг мавжуд емаслиги;
- * Йил бошига ва йил охирига муомаладаги акциялар миқдори;
- * Дивидендлар ва капитални қоплаш бўйича ҳуқуқлар, имтиёзлар ва чекловлар;
- * Компаниянинг ўзига ёки фарзанд корхонасига тегишли акциялар;
- * Опцион ёки сотиш шартномалари бўйича захирада қолган акциялар миқдори ҳақида маълумот.

ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ҲАҚИДАГИ ҲИСОБОТ

Фойда ва зарарлар ҳақитдаги ҳисоботда минимум даражада қуйидаги ахборотлар берилиши керак:

- а) тушум;
- в) операцион фаолият натижалари;
- с) молиялаштириш бўйича харажатлар;
- д) иштирок етиш усули билан уюшган компаниялар ва қўшма корхоналар фойда ва зарардаги улушлари;
- е) солиқ бўйича харажатлар;
- ф) одатдаги фаолиятдан фойда ва зарарлар;
- г) фавқулодда ҳолатлар натижалари;
- ҳ) озчилик улуши;
- и) ҳисобот давридаги соф фойда ёки зарар.

КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДАГИ ҲИСОБОТ

МҲХС капиталдаги ўзгаришлар ҳақидаги ҳисоботни асосий молиявий ҳисоботлардан бири деб тан олади. Компания қуйидагиларни акс еттирувчи ҳисоботни тақдим етиши керак:

- * Ҳисобот давридаги соф фойда ёки зарар;
- * Капиталда тан олинган барча даромадлар ва харажатлар, фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳар бир модда ҳақидаги маълумот;
- * 8-МҲХСга биноан фундаментал хатоларни тузатишлар ва ҳисоб юритиш сиёсатидаги ўзгаришлар натижаларининг кумулятив самараси.

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

7-МҲХС га биноан барча компаниялар молиявий ҳисоботнинг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тақдим етишўлари шарт.

7-МҲХСда қуйидаги атамалардан фойдаланилади:

* **Пул маблағлари** – компаниянинг кассаси ва жорий счётидаги пул маблағлари;

* **Пул маблағлари эквивалентлари** - қисқа муддатли, юқори ликвидли, аввалдан маълум пул маблағига айланадиган, қиймат нуқтаи назаридан риски кам бўлган инвестициялар;

* **Пул маблағлари оқимлари** – пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларининг келиши ва тўланиши;

* **Операцион фаолият** – компаниянинг тушум келтирадиган асосий фаолияти;

* **Инвестицион фаолият** – узоқ муддатли активларни ва бошқа инвестицияларни харид қилиш ва сотиш;

* **Молиявий фаолият** – компания капитал ёки қарз маблағлари таркиби ва ҳажмидаги ўзгаришга олиб келадиган фаолият.

Пул маблағлари тўғрисидаги ҳисобот икки хил усул билан тақдим етилиши мумкин:

1) тўғри усул – асосий ялпи тушумлар ва киримларнинг турлари ҳақидаги маълумот;

2) егри усул – инвестицион ва молиявий фаолиятга алоқадор ҳар қандай кирим ва чиқимларнинг ўтган ва келгуси давр учун натижалари ҳисобига соф фойдани тузатиш орқали маълумот тайёрлаш.

Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар ва изоҳлар

Молиявий ҳисоботга тушунтиришлар ва изоҳлар қуйидагиларни қамраб олиши керак:

* Компания молиявий ҳисоботи учун асослар ва танланган ҳисоб юритиш сиёсати ҳиқидаги ахборотни тақдим етиши;

* Молиявий ҳисоботда акс еттирилмаган, лекин МҲХСга биноан талаб қилинадиган ахборотни ёритиши керак;

* Молиявий ҳисобот таркибида акс еттирилмаган, лекин объектив ҳисобот топшириш учун зарур бўлган ахборотни тақдим етиши керак.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича ҳисоботлар

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида қуйидаги ҳисоботлар тақдим етилиши керак:

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот

(минг ўзбек сўмларида)

Илова	31 декабр 20X3 йил	31 декабр 20X2 йил	31 декабр 20X1 йил
-------	-----------------------	-----------------------	-----------------------

АКТИВЛАР**Жорий активлар**

Пул маблағлари ва эквивалентлари	5
Қисқа муддатли инвестициялар	6
Олинадиган ва бошқа ҳисобварақлар	7
Берилган бўнақлар	8

Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича бўнақлар	9
Товар моддий заҳиралар	10

Жами жорий активлар**Узоқ муддатли активлар**

Асосий воситалар	11
Гудвилл	
Номоддий активлар	

Жами узоқ муддатли активлар**ЖАМИ АКТИВЛАР****МАЖБУРИЯТЛАР****Қисқа муддатли мажбуриятлар**

Мол етказиб берувчиларга қарзлар	14
Молиявий ижара бўйича мажбуриятлар	15
Солиқ бўйича қарздорлик	16
Бюджетдан ташқари тўловлар	17
Олинган бўнақлар	18
Ходимлар билан ҳисоб-китоблар	19

Жами қисқа муддатли мажбуриятлар**Узоқ муддатли мажбуриятлар**

Молиявий ижара бўйича мажбуриятлар	15
------------------------------------	----

Жами узоқ муддатли мажбуриятлар**КАПИТАЛ**

Акционерлик капитали	20
Қўшилган ва заҳира капитали	21
Тақсимланмаган фойда	22

Жами капитал**ЖАМИ ПАССИВ**

Бошқарув раиси

Бош ҳисобчи

Жами даромадлар тўғрисидаги ҳисобот

(минг ўзбек сўмларда)

	Илова	31 декабр 20X3 йил	31 декабр 20X2 йил
Сотишдан олинган даромад	23		
Сотилган маҳсулотнинг таннархи	24		
ЯЛПИ ФОЙДА			
Бошқа даромадлар	25		
Сотиш харажатлари	26		

Маъмурий харажатлар	27		
Бошқа харажатлар	28		
Асосий фаолиятнинг фойдаси		_____	_____
Молиявий фаолият даромадлари	29		
Молиявий фаолият харажатлари	30	_____	_____
ЗАХИРА ВА СОЛИҚҚА ТЎЛАГУНГА ҚАДАР ФОЙДА		=====	=====
Шубҳали қарзлар бўйича захиралар		_____	_____
ФОЙДА СОЛИҒИ ТЎЛАНГУНГА ҚАДАР ФОЙДА		=====	=====
Фойда солиғи			
Бошқа солиқлар			
СОФ ФОЙДА	22	_____	_____
Бошқа ялпи даромад		=====	=====
ЖАМИ ЯЛПИ ДАРОМАД		=====	=====

Бошқарув раиси

Бош ҳисобчи

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот

(минг ўзбек сўмларда)

	Илова	31 декабр 20X3 йил	31 декабр 20X2 йил
Маҳсулот сотишдан тушумлар		23, 7	
Мол етказиб берувчиларга тўловлар		24, 14	
Ходимлар ва улар номидан тўловлар		19, 24	
Бошқа пул тушумлари			
Бошқа пул тўловлари			
Тўланган фойда солиғи			
Фойдадан тўланган бошқа солиқлар			
ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ СОФ ПУЛ ХАРАКАТИ			
ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ			
Асосий воситаларнинг харид қилиш			
Асосий воситаларни сотиш			
Номоддий активларни харид қилиш			
Инвестицияларни харид қилиш			
Инвестицияларни сотиш			
Капитал қўйилмаларни сотиш			
Инвестиция фаолиятининг бошқа тушумлари			
Инвестиция фаолиятининг бошқа чиқимлари			
Инвестиция фаолиятининг соф пул харакати			
МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ			
Олинган дивидендлар			
Тўланган дивидендлар			
Олинган фоизлар			
Тўланган фоизлар			
Қарзлар бўйича тўловлар			
Қарзлар бўйича тушумлар			
Молиявий ижара бўйича тушумлар (тўловлар)			
Ўз акцияларин сотиб олиш бўйича тўловлар			
Молиявий фаолиятнинг бошқа тўловлари			
Молиявий фаолиятнинг бошқа тушумлари			
Молиявий фаолиятнинг соф пул харакати			
Курс фарқи ўзгариши			
Пул маблағлари кўпайиши (камайиши)			
ДАВР БОШИГА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ			
	5		
ДАВР ОХИРИГА ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ			
	5		

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот

(минг ўзбек сўмларда)

	Акционерлик Капитали	Қўшилган капитал	Заҳира Капитали	Тақсимланмаган foyда	Бошқа мақсадли тушумлар	Жами ўзгаришлар
1 январ 20X2 йил ҳолатига қолдик						
Асосий воситаларни шайта ба+олаш						
Заҳира капиталига ажратмалар						
Жорий даврнинг соф фойдаси						
Бағараз олинган мол мулк						
Тўланган дивидендлар						
Бошқалар						
1 январ 20X3 йил ҳолатига қолдик						
Асосий воситаларни шайта ба+олаш						
Заҳира капиталига ажратмалар						
Жорий даврнинг соф фойдаси						
Бағараз олинган мол мулк						
Тўланган дивидендлар						
Бошқалар						
31 декабр 20X3 йил ҳолатига қолдик						
Бошқарув раиси	Бош ҳисобчи					

Таянч атамалар:

- 1. 1-сон БҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим қилиш” стандартининг мақсади** корxonанинг ўз молиявий ҳисоботининг ўтган даврлардаги молиявий ҳисоботига ҳамда бошқа корxonаларнинг молиявий ҳисоботларига таққосланувчанлигига еришиш учун умумий мақсадлардаги молиявий ҳисоботни тақдим қилишнинг негизини таъмин этиш бўлиб ҳисобланади.
- 2. Ҳисоб сиёсати** – бу корxона томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим қилишда қабул қилинган аниқ тамойиллар, негизлар, қоида ва тажрибалар мужмасидан иборат ҳужжатдир.
- 3. Узликсиз давом еттириши** – молиявий ҳисоботнинг корxона ўз фаолиятни тўғрисидаги, яъни раҳбарият корxonанинг ликвидация қилиниши ёки ўз фаолиятини тўхтатишини мўлжалламаган ёки ушбу масалани қўриб чиқиш сабаблари бўлмаган йўл қўйилишларга асосан тузилишидир.
- 4. Ҳисоблаш методи** – бу операция ва жараёнларнинг улар қачон юз берган бўлса (пул келиб тушуши ва пул маблағларининг тўланиши қатъий назар) шу пайтда тан оlinиши ва улар таллуқли бўлган даврларидаги ҳисоб регистларида қайд қилиниши ва молиявий ҳисоботларда тақдим этиш тамойилидир.
- 5. Мувофиқлик концепцияси** харажатларни фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда сарфланган харажатлар билан ишлаб топилган даромадларнинг аниқ моддалари ўртасидаги боғлиқликка асосан ҳисобга олиш тамойилидир.
- 6. Тақдим қилишнинг кетма-кетлиги** молиявий ҳисоботларда моддаларни тақдим қилиниши ва уларнинг таснифи бир даврдан иккинчи даврда сақланиши тамойилидир. Корxона молиявий ҳисоботларни тақдим қилишда усулларнинг ўзгартириш киритиш керак бўлади, агарда ўзгарган таркиб еҳтимол тўлиқ сақланилса ёки муқобил вариантда тақдим қилишдан олинадиган наф муқаррар бўлса.

**«МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ»
фанидан
МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАШҒУЛОТЛАРИ**

Мустақил таълим ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил ишнинг асосий мақсади - талабалар томонидан мазкур фанни чуқур ўзлаштиришлари учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда ривожлантиришдан иборатдир. Бунда талабалар куйидагиларни бажаришлари: янги билимга ега бўлиши учун мустақил равишда кўшимча мавзуларни ўзлаштириш кўникмаларига, зарурий маълумотларни излаб топишнинг қулай ва самарали усулларидан фойдаланиш ҳамда топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёдошишлари лозим. Мустақил ишнинг ташкилий шакллари бўлиб, айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлар ёрдамида мустақил ўзлаштириш, берилган мавзу бўйича ахборот (реферат) тайёрлаш, назарий билимларини амалиётда қўллаш ва илмий мақола, анжуманга маъруза, тезислар тайёрлаш кабилар ҳисобланади. Талабанинг мустақил ишини қабул қилиш маъруза ёки амалий машғулоти олиб боровчи ўқитувчи томонидан кафедрада ишлаб чиқилган маслаҳатлар бериш жадвали асосида амалга оширилади ва улар гуруҳ журналида қайд этилади.

Мустақил таълимнинг махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича фанларнинг бўлимлари ҳамда мавзулари устида ишлаш; янги техникалар, аппаратуралар, илм талаб жараёнлар ва технологияларни ўрганиш; талабанинг илмий тадқиқот ишларини (ТИТИ) бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ёки мавзуларни чуқур ўрганиш; фаол ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулоти (хизмат ўйинлари, дискуссиялар, семинарлар, коллоквиумлар; масофавий (дистанцион) таълим усулларидан кенг фойдаланилади.

«Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари» фанидан мустақил ишларни ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари

Мустақил ишининг мақсади-талабани назарий ва амалий тайёргарлигини аниқлаш, унинг фикрлаш қобилиятини ва олинган билимларининг чуқурлигини ва сифатини белгилаш ҳисобланади.

Мустақил ишининг мақсадидан келиб чиқадиган асосий вазифалар куйидагилардан иборат:

➤ «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари» фанидан танланган мустақил иши мавзуси бўйича тарбиявий муаммолар моҳиятини назарий ва амалий асослаш ва мазмунли ёритилиши;

➤ миллий истиқлол ғояси ва мафқуранинг асосий қоидалари ҳамда таълим-тарбияни тўғри шакллантириш асосида ҳозирги замон ривожланган малакали ўқитишни шакллантириш ва ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини сингдириш;

➤ таълим ва тарбиявий муносабатлар тўғрисида амалий кўникмалар ҳосил қилиши;

➤ Республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган таълим-тарбияга тегишли қонунларни ва Вазирлар Маҳкамаси чиқарган меъёрий ҳужжатларни ишда ўзлаштириши;

➤ интернет маълумотлари, ҳисоботлар ва ҳужжатларни таҳлил қилиш;

➤ ишлаб чиқариш ва хизма кўрсатиш ҳамда таълим самарадорлигини оширишга қаратилган йўл-йўриқ, хулосалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқиш;

Мустақил ишини бажариш жараёни ўқув жараёнининг ажралмас қисми бўлгани учун тўғри ташкил етиш, ёритилаётган мавзунинг сифатли баён етилишига таъсир кўрсатади.

Шунинг учун мустақил ишини бажариш давомида талаба ўз меҳнатини қуйидаги босқичлар бўйича тўғри тақсимлаши катта аҳамиятга эга:

- мустақил иш мавзусини танлаш;
- ахборот услубий таъминоти (адабиётлар, интернет) маълумотларини йиғиш ва уларни ўрганиш;
- мустақил иш мавзуси режасини тузиш;
- мавзуга оид турли маълумотлар тўплаш ва қайта ишлаш;
- мустақил иш матнини ёзиш;
- мавзу матнини акс еттирувчи 10-15 та слайддан иборат презентацияни шакллантириш;
- мустақил ишни расмийлаштириш;
- белгиланган мавзу доирасида асосий тушунчаларни ўз ичига олган тест саволларини тўғри тузиш;
- мавзу бўйича кейсини шакллантиришда белгиланган қоидаларга риоя қилиш;
- мустақил ишнинг ҳимояси.

Мустақил ишни бажаришда талаба ўз устида ишлаши билан бир қаторда Мустақил иши раҳбарлари билан маслахатлашиши ва тегишли кўрсатмалар асосида фаолият кўрсатиши зарур ҳисобланади.

Мустақил иши мавзусини танлаш

«Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари» фанидан мустақил ишини муваффақиятли бажарилишининг муҳим омили – бу талабанинг ўз қизиқиши ва қобилиятига қараб мос мавзунини танлаши ҳисобланади. Шунинг учун ушбу босқичда талаба мавзу танлашда синчков ва маъсулиятли бўлиши лозим.

Мустақил иш мавзулари кафедра томонидан ишлаб чиқилади ва фаннинг ишчи дастури таркибида тасдиқланади. Мавзулар сони талабалар сонидан кўп бўлиши керак, уларнинг йўналиши ўқув дастури доирасида ва талабанинг қобилияти ҳамда имкониятлари даражасида бўлиши керак.

Мустақил иш мавзуси талабаларни назарий билимларини мустаҳкамлашга ва ижодий фикрлашга қаратилган бўлиши билан бир қаторда, бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб белгиланиши керак.

Мустақил иш раҳбари талабага танланган мавзу бўйича мустақил иш топшириғини расмийлаштиради ва кафедра мудири тасдиқлагандан сўнг топшириқни талабага беради.

Мустақил иш топшириғида талабанинг исми шарифи, мутахассислиги, босқич, гуруҳи, фан номи, мустақил иш мавзуси, топшириш муддати билан бир қаторда адабиётлар рўйхати, меъёрий ҳужжатлар ва шу кабилар акс етиши лозим.

Мустақил ишни бажариш жараёнида мустақил иш мавзусини ўзгартириш ёки бошқа мавзу танланишига рухсат етилмайди.

Мустақил иш мавзусини танлаш тартиби талабалар учун ихтиёрий, лекин гуруҳда бир мавзуниники талаба ёзиши мумкин эмас.

Талабалар мустақил таълимнинг мазмуни ва ҳажми

«Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари» фанидан талаба мустақил ишининг мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув ишларини мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир.

Мустақил иш айрим назарий модулларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, берилган модул бўйича реферат тайёрлаш, кейс-стадилар тайёрлашда иштирок етиш, илмий мақолалар ёзиш, анжуманларда тезислар тайёрлаш, берилган модуллар бўйича компютер дастурларида тақдимотлар тайёрлаш шаклида ташкил етилади.

Ахборот услубий таъминотини яратиш ва уларни ўрганиш

Талаба мустақил иши мавзусини танлаб олгандан сўнг раҳбар билан маслаҳатлашиб, адабиётлар тўплашига киришиши керак. Бунда фақат дарслик, балки бошқа фанларни ўрганиш давомида кўрсатилган адабиётлар, статистик ва интернет маълумотлари, қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва бошқаларни ҳам ўрганиши лозим.

Ундан сўнг уларнинг ичидан мустақил иши мавзусига бевосита алоқадор бўлган адабиётлар рўйхатини тузиш ва уларни топиб бир қатор танишиб чиқиши керак, чунки бошланғич танишув натижасида талаба мустақил иши режасини мустақил равишда тузади.

Адабиётлар ва интернет маълумотлари билан ишлашни мамлакатимиздаги таълим қонунчилигига таълуқли бўлган қонун ва меъёрий ҳужжатларни ўрганишдан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Хар томонлама мукамал ёритилган ва илмий ижодий ёндошилган мустақил ишини баён етиш учун иқтисодий ва тарбиявий, педагогик қонуниятларни билиш ва уларни қўллаш катта аҳамиятга ега.

Мустақил ишини бажаришда фақат услубий қўлланмаларда ва мустақил иши топшириғида тавсия қилинган адабиётлардан фойдаланиш билан чегараланиб қолмасдан, имкони борича мустақил холда танланган адабиётларга асосланиш лозим, хатто хорижий адабиётлардан ҳам фойдаланиш ишни мазмунини бойишига ва янада мукамал бажарилишига ёрдам беради.

Мустақил таълимнинг шакл ва мазмуни

“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари” фани бўйича 5A230901 - “Бухгалтерия ҳисоби” (тармоқлар ва соҳалар бўйича) мутахассисигида ўқув режага мувофиқ 42 соат мустақил таълим соатларида мустақил ишлар режалаштирилган.

Мустақил таълим талабанинг бажарадиган илмий изланиши бўлиб,

иқтисодиёт субъектларида солиқ ҳисоботи ни юритиш фаннинг бирор бир мавзусини тўлароқ ўрганади ва ўрганилган мавзу белгиланган шаклда баён этилиб, илмий раҳбардан маслаҳатлар олиб борилади. Мустақил ишни бажаришдан мақсад, талабанинг ўқиши давомида олган билимини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва умумлаштиришдан иборатдир.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг мазмуни: талабалар мустақил ишлари мавзулари келгусида бажариладиган диссертация ишлари мавзулари билан узвийликда бажарилади.

**“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари” фани бўйича
мустақил таълимнинг мазмуни**

	Фани бўйича мазмуни	Мустақил таълимга оид бўлим ва мавзулари	Мустақил таълимга оид топшириқ ва тавсиялар	Дарс соатлари ҳажми
3-семестр				
	«Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари» фанининг предмети, объекти ва методи	МХХС ва БҲМСларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари	Лойиҳа иши тайёрлаш, тақдимот ва слайдлар	4
	Молиявий ҳисоботни тузиш бўйича тайёргарлик ишлари ўтказиш ва уни тақдим қилиш.	Молиявий ҳисоботни тузиш ва уни тақдим қилиш.	Лойиҳа иши тайёрлаш, тақдимот ва слайдлар	4
	Молиявий ҳисоботни тақдим этиш (1-сон МХХС). Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларини ўзгартириш ва хатолар (8-сон МХХС).	1-сон МХХС, 8-сон МХХС	Лойиҳа иши тайёрлаш, тақдимот ва слайдлар	4
	Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (7-сон МХХС). Баҳоланган мажбуриятлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар (37-сон МХХС). Валюта курси ўзгаришининг таҳсири (21-сон МХХС).	7-сон МХХС, 37-сон МХХС, 21-сон МХХС	Лойиҳа иши тайёрлаш, тақдимот ва слайдлар	6
	Захиралар (2-сон МХХС). Қурилиш шартномалари (11-сон МХХС). Асосий воситалар (16-сон МХХС). Ижара (17-сон МХХС).	2-сон МХХС, 11-сон МХХС, 16-сон МХХС, 17-сон МХХС	Лойиҳа иши тайёрлаш, тақдимот ва слайдлар	4
	Активларни қадрсизланиши (36-сон МХХС). Номоддий активлар (38-сон МХХС). Инвестициявий кўчмас мулк (40-сон МХХС). Давлат субсидияларининг ҳисоби ва давлат ёрдами ҳақидаги маълумотни ёритиш (20-сон МХХС)	36-сон МХХС, 38-сон МХХС, 40-сон МХХС, 20-сон МХХС	Лойиҳа иши тайёрлаш, тақдимот ва слайдлар	6
	Тушум (18-сон МХХС). Фойда солиғи (12-сон МХХС). Қарзлар	18-сон МХХС, 12-сон МХХС, 23-	Лойиҳа иши тайёрлаш,	4

	бўйича харажатлар (23-сон МҲҲС)	сон МҲҲС	тақдимот ва слайдлар	
	Молиявий инструментлар: маълумотни тақдим этиш ва ёритиш (32-сон МҲҲС). Молиявий инструментлар: тан олинishi ва ўлчаниши (39-сон МҲҲС). Гиперинфляция иктисодиёти шароитида молиявий ҳисобот (29-сон МҲҲС).	32-сон МҲҲС, 39-сон МҲҲС, 29-сон МҲҲС	Лойиҳа иши тайёрлаш, тақдимот ва слайдлар	4
	Бизнесни бирлаштириш (22-сон МҲҲС). Жамлама ва алоҳида молиявий ҳисоботни тузиш (27-сон МҲҲС). Ассоциацияланган корхоналарга инвестициялар (28-сон МҲҲС). Гиперинфляция иктисодиёти шароитида молиявий ҳисобот (29-сон МҲҲС). Қўшма фаолиятда иштирок этиш (31-сон МҲҲС).	22-сон МҲҲС, 27-сон МҲҲС, 28-сон МҲҲС, 29-сон МҲҲС, 31-сон МҲҲС	Лойиҳа иши тайёрлаш, тақдимот ва слайдлар	6
	ЖАМИ			42

**« МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ »
фанидан
ГЛОССАРИЙ**

Активлар - аввалги даврларда содир этилган ҳодисалар натижасида олинган ва корхона томонидан назорат қилинадиган, уларни фойдаланишдан келажакда иқтисодий наф олиниши кутиладиган ресурслардир.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича халқаро ташкилотлар- Бухгалтерия ҳисоби халқаро интеграциялашуви жараёни, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳисобининг халқаро муаммолари билан шуғулланувчи нотижорат профессионал ташкилотлар.

Бухгалтерия ҳисобининг профессионаллашуви - бу бухгалтерия ишларининг ушбу соҳада маълум профессионал билимларга ега бўлган мутахассислар томонидан бажарилиши ҳамда мамлакат даражасида бухгалтерия ҳисобининг муаммолари, жумладан стандартлаштириш, бухгалтерларнинг профессионал малакасини ошириш, ушбу профессиянинг ахлоқ қоидаларини такомиллаштириш билан шуғулланадиган нотижорат ва нодавлат ташкилотларнинг фаолият юритиши.

Даромадлар – бу активларни келиб тушиши ёки кўпайиши ёхуд мажбуриятларни камайиши шаклида вужудга келадиган ва пировард натижасида хусусий капитални оширадиган иқтисодий нафларни кўпайиши, аммо акциядор капиталга таъсисчилар томонидан тўланадиган бадаллар бундан мустаснодир.

Фойда - бу хўжалик субъектига таъсир этадиган асосий ва асосий бўлмаган фаолият, ҳодисалар шароитлар натижасида капиталнинг кўпайиши бўлиб, хусусий капиталга тўланадиган капитал бундан мустаснодир.

Мажбуриятлар – бу аввалги даврларда содир этилган ҳодисалар натижасида пайдо бўлган корхонанинг жорий қарзи, ушбу қарзлар қайтарилиши натижасида корхонанинг иқтисодий нафни ўз ичига олган ресурсларни камайишига олиб келади.

МҲХСК – мустақил нотижорат ташкилот бўлиб, у бутун жаҳонда тижорат корхоналари ва бошқа ташкилотлар томонидан молиявий ҳисоботларни тузиш жараёнида қўлланиладиган бухгалтерлик принципларини мувофиқлаштиришга еришиш мақсадида тузилгандир.

Харажатлар - бу активларни сарфланиши ёки йемирилиши ёхуд мажбуриятларни кўпайиши шаклида вужудга келадиган ва пировард натижасида хусусий капитални камайтирадиган иқтисодий нафларни камайиши, аммо акциядор капитални таъсисчилар орасида тақсимланиши бундан мустаснодир.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона – бу қатнашчиларидан бири албатта хорижий инвестор бўлган, хорижий инвестициянинг акция (ҳисса, пай)лар ёки устав капиталидаги ҳиссаси 30 фоиздан ва миқдори қонунчиликда белгиланган суммадан кам бўлмаган ва устав капиталини ўз вақтида шакллантирган ҳуқуқий шахс.

Хусусий капитал – бу барча мажбуриятларни айргандан кейин корхонанинг активлардаги бўлган улуши.

Зарарлар – бу асосий фаолият ва барча хўжалик муомалалари, ҳодисалар, шароитлар натижасида хусусий капиталнинг камайиши бўлиб, харажатлар ёки

хусусий капиталнинг тақсимланиши натижасидаги камайиш бундан мустаснодир.

Инглиз тилида	Рус тилида	Атаманинг ўзбек тилидаги изоҳи
Ассец	Активы	Активлар - аввалги даврларда содир етилган ҳодисалар натижасида олинган ва корхона томонидан назорат қилинадиган, уларни фойдаланишдан келажакда иқтисодий наф олиниши кутиладиган ресурслардир.
Интернационал организационс фор ассоунтинг	Международные организации по бухгалтерскому учету	Бухгалтерия ҳисоби бўйича халқаро ташкилотлар - Бухгалтерия ҳисоби халқаро интеграциялашуви жараёни, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳисобининг халқаро муаммолари билан шуғулланувчи нотижорат профессионал ташкилотлар.
Профессионализация оф ассоунтинг	Профессионализация бухгалтерского учета	Бухгалтерия ҳисобининг профессионаллашуви - бу бухгалтерия ишларининг ушбу соҳада маълум профессионал билимларга ега бўлган мутахассислар томонидан бажарилиши ҳамда мамлакат даражасида бухгалтерия ҳисобининг муаммолари, жумладан стандартлаштириш, бухгалтерларнинг профессионал малакасини ошириш, ушбу профессиянинг ахлоқ қоидаларини такомиллаштириш билан шуғулланадиган нотижорат ва нодавлат ташкилотларнинг фаолият юритиши.
Ревенуес	Доходы	Даромадлар – бу активларни келиб тушиши ёки кўпайиши ёхуд мажбуриятларни камайиши шаклида вужудга келадиган ва пировард натижасида хусусий капитални оширадиган иқтисодий нафларни кўпайиши, аммо акциядор капиталга

		таъсисчилар томонидан тўланадиган бадаллар бундан мустаснодир.
Профит	Прибыль	Фойда - бу хўжалик субъектига таъсир этадиган асосий ва асосий бўлмаган фаолият, ходисалар шароитлар натижасида капиталнинг кўпайиши бўлиб, хусусий капиталга тўланадиган капитал бундан мустаснодир.
Лиабилитиес	Обязательства	Мажбуриятлар – бу аввалги даврларда содир етилган ходисалар натижасида пайдо бўлган корхонанинг жорий қарзи, ушбу қарзлар қайтарилиши натижасида корхонанинг иқтисодий нафни ўз ичига олган ресурсларни камайишига олиб келади.
Интернационал Ассунтинг Стандардс Соммитее, IASC)	Комитет по Международным стандартам финансовой отчётности	МҲХСК – мустақил нотижорат ташкилот бўлиб, у бутун жаҳонда тижорат корхоналари ва бошқа ташкилотлар томонидан молиявий ҳисоботларни тузиш жараёнида қўлланиладиган бухгалтерлик принципларини мувофиқлаштиришга еришиш мақсадида тузилгандир.
ехпенсес	расходы	Харажатлар - бу активларни сарфланиши ёки йемирилиши ёхуд мажбуриятларни кўпайиши шаклида вужудга келадиган ва пировард натижасида хусусий капитални камайтирадиган иқтисодий нафларни камайиши, аммо акциядор капитални таъсисчилар орасида тақсимланиши бундан мустаснодир.
Ентерприсес витх фореигн инвестмент	Предприятия с иностранными инвестициями	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона – бу қатнашчиларидан бири албатта хорижий инвестор бўлган, хорижий инвестициянинг акция (ҳисса, пай)лар ёки устав капиталидаги ҳиссаси 30 фоиздан ва миқдори қонунчиликда белгиланган суммадан кам бўлмаган ва устав капиталини ўз вақтида шакллантирган ҳуқуқий

		шахс.
Екуитй	Собственный капитал	Хусусий капитал – бу барча мажбуриятларни айргандан кейин корхонанинг активлардаги бўлган улуши.
лоссес	потери	Зарарлар – бу асосий фаолият ва барча хўжалик муомалалари, ходисалар, шароитлар натижасида хусусий капиталнинг камайиши бўлиб, харажатлар ёки хусусий капиталнинг тақсимланиши натижасидаги камайиш бундан мустаснодир.

тушириб қолдирилиши ёки бузилиши аҳамиятли бўлиб ҳисобланадики, агарда улар фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисоботлар асосида қабул қиладиган иқтисодий қарорларига, алоҳида ёки биргаликда, таъсир ета олганда.

Бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашдаги ўзгариш - активлар ва мажбуриятларнинг жорий ҳолатини ҳамда улар билан боғлиқ бўлган, келгусида кутилаётган манфаат ва мажбуриятларни баҳолаш натижасида, актив ёки мажбуриятнинг баланс қийматини, ёки активдан даврий фойдаланиш суммасини тузатишдир.

Дисконтланган қиймат- Активлар, ишларни одатий тартибда юритилганини тахмин қилган тақдирда, ушбу актив томонидан яратилиши мумкин бўлган пул маблағларининг бўлғуси соф келиб тушишипи дисконтланган суммаларида акс еттирилади.

Фойда ёки зарар – бубошқа умумлашган даромаднинг таркибий қисмларидан ташқари жами даромаддан харажатлар чегирилганидан кейин қолган натижа.

Ҳисоб сиёсати – бу хўжалик субъекти томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ва тақдим етишда қўлланиладиган муайян тамойиллар, усуллар, одатлар, қоидалар ва амалиётлардир.

Ҳисобот давридан кейинги ходисалар - ҳисобот даври тугаган сана билан молиявий ҳисоботларни еълон қилиш учун тасдиқлаш санаси ўртасидаги ораликда юзага келган, ижобий ва салбий, ходисалардир.

Инвестицион фаолият - узоқ муддатли активларнинг ҳамда пул эквивалентларига кирмайдиган бошқа инвестицияларнинг сотиб олиниши ва чиқиб кетиши.

Жами умумлашган даромад – бу капиталдаги давр мобайнида операциялар ва бошқа ходисалар натижасида юзага келадиган ўзгариш бўлиб, мулк егалари билан уларнинг мулк егалари сифатида амал қилишидаги операциялардан юзага келадиган ўзгаришлар бундан мустаснодир.

МҲХС бўйича биринчи ҳисобот даври - Тадбиркорлик субъектининг МҲХС бўйича биринчи молиявий ҳисоботлари қамраб олган енг охириги

ҳисобот даври.

МҲХС бўйича молиявий ҳолат тўғрисидаги бошланғич ҳисобот - Тадбиркорлик субъектининг МҲХСларга ўтиш санасига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи.

МҲХСлар бўйича биринчи молиявий ҳисоботлар - Тадбиркорлик субъекти МҲХСларга мувофиқлик тўғрисида аниқ ва шарқиз билдириб Молиявий Ҳисоботларнинг Халқаро Стандартлари (МҲХСлар)ни қўллаган биринчи йиллик молиявий ҳисоботлар.

Молиявий фаолият - хўжалик субъектининг қўйилган капитали ва қарз маблағларининг миқдори ва таркибидаги ўзгаришларни келтириб чиқарувчи фаолият.

Молиявий ҳисоботлар - хўжалик субъектининг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларининг тартибга солинган ҳолда ифодаланишидир.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХСлар) – бу Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари Кенгаши (МҲХСК) томонидан чиқарилган Стандартлар ва Шарҳлардир.

Мулк егалари – бу улушли инструментлар сифатида таснифланган инструментларнинг егалари.

Олдинги БХУТ - МҲХСларни биринчи марта қўллайдиган тадбиркорлик субъекти МҲХСларни қабул қилишидан бевосита олдин қўллаган бухгалтерия ҳисобининг асоси.

Операцион фаолият - хўжалик субъектининг асосий даромад келтирувчи фаолияти ҳамда инвестицион ва молиявий фаолият ҳисобланмаган бошқа фаолият турлари.

Пул маблағлари - нақд пул ва талаб қилиб олгунча депозитларни ўз ичига олади.

Пул маблағларининг эквивалентлари - белгиланган суммадаги пул маблағларига осон айлантириладиган ва қийматининг ўзгариши жиҳатидан сезиларсиз даражадаги ҳатарга ега бўлган, қисқа муддатли ва юқори ликвидли инвестициялардир.

Пул оқимлари - пул маблағлари ва пул эквивалентларининг кирими ва чиқими.

Қайта таснифлаш бўйича тузатишлар – бу жорий ёки олдинги даврлардаги бошқа умумлашган даромадда тан олинган, лекин жорий даврда фойда ёки зарар сифатида қайта таснифланган суммалар.

Рестроспектив қўллаш - янги ҳисоб сиёсатини операциялар, бошқа ходисалар ва вазиятларга нисбатан ушбу сиёсат олдин ҳам ҳар доим қўлланилганидек тарзда қўллаш.

Ретроспектив қайта ҳисоблаш - молиявий ҳисоботлардаги элементлар суммаларинининг тан олиниши, баҳоланиши ва ошкор қилинишини олдинги даврда хатога ҳеч қачон йўл қўйилмаганидек тарзда тузатиш.

Шартли таннарх - берилган санага таннархнинг ёки амортизацияланган қийматнинг ўрнини босувчи сумма.

Сотиш (қоплаш) қиймати- Активлар, уларни одатий шароитда сотиб олишда тўланиши зарур бўлган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари

бўйича акс еттирилади.

Тиклаш қиймати- Активлар, уларни сотиб олиш вақтида ҳозирги пайтда худди шунга ўхшаш актив сотиб олингандаги тўланиши керак бўлган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари бўйича акс еттирилади.

Умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисоботлар (“молиявий ҳисоботлар” деб аталади) – бу шундай фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган талабларини қондиришга қаратилган молиявий ҳисоботларки, бу фойдаланувчилар уларнинг ахборотга бўлган махсус талабларига мослаштирилган ҳисоботларни хўжалик субъектидан талаб қила олмайди.

Ижара - ижарага берувчи ижарачига бир ёки бир неча тўловлар евазига келишилган муддат давомида активдан фойдаланиш ҳуқуқини беришини кўзда тутадиган келишувдир.

Активларга тегишли грантлар - бу давлат грантлари бўлиб, уларнинг асосий шарти уларни олиш талабларига жавоб берадиган ташкилот узоқ муддатли активларни сотиб олиши, барпо этиши ёки бошқа шаклларда харид қилиши керак.

Даромадга тегишли грантлар - бу активларга тегишли грантлардан ташқари давлат грантларидир.

Дастлабки бевосита харажатлар – ижара келишувини тайёрлаш ва тузиш билан бевосита боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар, бундан ишлаб чиқарувчи ёки дилерлар бўлган ижарага берувчилар томонидан амалга оширилган бу каби харажатлар мустасно.

Давлат - давлат, давлат идоралари ва маҳаллий, миллий ёки халқаро миқёсдаги ўхшаш органларини англатади .

Давлат грантлари - бу ташкилотнинг фаолиятларига тегишли маълум шартларга ўтган даврда ёки келгусида риоя этиш евазига ташкилотга тақдим этиладиган ресурслар ўтказмалари шаклидаги давлат ёрдамидир.

Давлат ёрдами - бу маълум мезонларга жавоб берадиган ташкилотга ёки бир қатор хўжалик субъектларига хос иқтисодий нафни тақдим этишга мўлжалланган давлат ҳатти-ҳаракатидир.

Фойдали хизмат муддати – ижара муддати бошланишидан кейин қолган, лекин ижара муддати билан чегараланмаган, баҳоланган давр бўлиб, бу давр мобайнида активда мужассамланган иқтисодий наф ташкилот томонидан фойдаланиши кутилади.

Функционал валюта - бу ташкилот фаолият юритадиган асосий иқтисодий муҳитнинг валютасидир.

Гуруҳ - бу бош ташкилот ва унинг барча шўъбаларидир.

Ҳаққоний қиймат - бу яхши хабардор бўлган ва бундай операцияни амалга оширишни хоҳловчи мустақил томонлар ўртасида умумий шартлар асосида битимни амалга оширишдаги активни алмаштириш ёки мажбуриятни тўлаш мумкин бўлган сумма.

Ижара муддати – ижарачи активни ижарага олишга келишилган, муддатидан олдин бекор қилинмайдиган давр билан ижарачи активнинг ижарасини қўшимча тўловни амалга ошириб ёки оширмасдан давом қилиш

хукуқиға еға бўлган ва ижаранинг бошланишида ижарачи ушбу хукуқдан фойдаланиши йетарли даражада аниқ бўлган ҳар қандай қўшимча муддат

Ижара муддатининг бошланиши – ижарачи ижарага олинган активдан фойдаланиш хукуқини амалга ошириб бошлаши мумкин бўлган сана.

Ижарачи учун қарз капиталнинг ўсиб боровчи фоиз ставкаси – худди шундай ижара келишуви бўйича ижарачи томонидан тўланиши талаб етилган бўлиши мумкин бўлган фоиз ставкаси.

Ижарада кўзда тутилган фоиз ставкаси - минимал ижара тўловлари ва кафолатланмаган қолдиқ қиймати йиғиндисининг келтирилган қиймати, ижарага олинган активнинг ҳаққоний қиймати ва ижарага берувчининг дастлабки бевосита харажатлари йиғиндисига ижара бошланиши пайтига тенг бўлишини таъминлайдиган дисконт ставкасидир.

Ижарага соф инвестиция – ижарада кўзда тутилган фоиз ставкаси бўйича дисконтланган ижарага ялпи инвестиция.

Ижарага ялпи инвестиция – ижарага берувчи томонидан молиявий ижара бўйича олинадиган минимал ижара тўловлари, ва ижарага берувчи фойдасига ҳисобланадиган кафолатланмаган қолдиқ қиймати.

Иқтисодий фойдаланиш муддати – бир ёки ундан ортиқ фойдаланувчилар томонидан активдан иқтисодий мақсадларда фойдаланиш кутилаётган давр; ёки бир ёки ундан ортиқ фойдаланувчилар томонидан активдан олиниши кутилаётган ишлаб чиқариш ёки шунга ўхшаш бирликларининг сони.

Кафолатланмаган қолдиқ қиймати – ижарага берилган актив қолдиқ қийматининг бир қисми бўлиб, у ижарага берувчи томонидан пулланиши кафолатланмайди ёки холос ижарага берувчи билан боғлиқ тараф томонидан кафолатланади.

Курс фарқи - бу бир валюта бирликларининг маълум суммасини бошқа валютага турли валюта курсларида ўтказишдан юзага келадиган фарқдир.

Минимал ижара тўловлари – ижара муддати давомида ижарачи томонидан тўланадиган ёки тўланиши талаб етилиши мумкин бўлган тўловлар

Молиявий ижара – активга еғалик қилиш билан боғлиқ деярли барча хатарлар ва мукофотларни келишувнинг бир томонидан бошқа томонига ўтказувчи ижара. Еғалик хукуқи пировардида ўтказилиши ёки ўтказилмаслиги мумкин.

Монетар моддалар - бу еғалик қилинаётган валюта бирликлари ҳамда валюта бирликларининг ўзгармас ёки аниқланадиган суммасида олинадиган ёки тўланадиган активлар ва мажбуриятлардир.

Муддати кечиктирилган молиявий даромад – бу қуйидагилар орасидаги фарқ: ижарага ялпи инвестиция ва ижарага соф инвестиция.

Оператив ижара – молиявий ижарадан ташқари бошқа ҳамма ижара келишувлари.

Охирги курс - бу ҳисобот даври охиридаги спот валюта курсидир.

Шартли ижара – бу ижара тўловларининг қатъий белгиланмаган қисми бўлиб, у вақт ўтиши билан емас, балки бошқа сабабларга кўра ўзгарадиган омилнинг келгуси суммасига боғлиқ бўлади (масалан, келгуси сотувларнинг

фоизи, келгуси фойдаланиш суммаси, келгуси нархлар индекси, келгусидаги бозор фоиз ставкалари).

Солиққа тортиладиган фойда – бу солиқ органлари томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ аниқланадиган ҳисобот даври фойдаси бўлиб, ушбу суммага нисбатан фойда солиғини тўлаш амалга оширилади.

Спот валюта курси - бу тезда йетказиб бериш бўйича валюта курсидир.

Тақдим қилиш валютаси - бу молиявий ҳисоботлар тақдим етиладиган валютадир.

Валюта курси - бу икки валюта учун айирбошлаш коэффициентидир.

Воз кечиладиган кредитлар - бу шундай кредитларки, бунда кредитор маълум белгиланган шартлар остида улар бўйича тўловни бекор қилади.

Хориждаги бўлинмага соф инвестиция - бу ҳисобот берувчи ташкилотнинг ушбу фаолиятнинг соф активларидаги улушининг суммасидир.

Хорижий валюта - бу ташкилотнинг функционал валютасидан ташқари бўлган валютадир.

Дивидендлар— улушли инвестицияларнинг егаларига уларнинг айрим турдаги капиталдаги улушига мутаносиб равишда фойданинг тақсимланиши.

Роялти— Ташкилотга қарашли бўлган узоқ муддатли активлар, масалан патентлар, савдо белгилари, авторлик ҳуқуқлари ва дастурий таъминотлардан фойдаланилгани учун олинадиган ҳақ; ва

Даъволар бўйича даромадлар - бу шартнома нархига киритилмаган харажатларнинг буюртмачи ёки бошқа шахс томонидан қопланиши сифатида пудратчи томонидан олинishi кутилаётган сумма.

BHXS-7 Pul mablag'lari harakati to'g'risidagi hisobot

BHXS-8 Hisob siyosati, hisobli baholashlardagi o'zgarishlar va xatolar

BHXS-10 Hisobot sanasidan keyingi hodisalar

BHXS- 30 Banklar va boshqa analogik muassasalar moliyaviy hisobotlaridagi axborotlarni ochiqlash.

BHXS-14 Segmentlash hisoboti

BHXS-26 Pensiya ta'minoti (pensiya rejalari) dasturlari bo'yicha hisob va hisobot

BHXS-29 Giperinflyatsiya sharoitida moliyaviy hisobot

BHXS-34 Oraliq moliyaviy hisobot

BHXS-35 Tugallanayotgan faoliyat (2003 yil 1 yanvar holati bo'yicha)

BHXS-15 Baholar o'zgarishi ta'sirini aks ettiruvchi axborotlar (2003 yil 1 yanvar holati bo'yicha)

BHXS- 21 Valyuta kurslari o'zgarishining ta'siri

BHXS- 24 Bog'liq tomonlar to'g'risida axborotlar tavsifi

BHXS-33 Aktsiyalarga foyda

III. Aktivlar, majburiyatlar va sarmoyalar standartlari

BHXS-2 Zahiralar

BHXS-16 Asosiy vositalar

BHXS-40 Sarmoyali mulk

BHXS-38 Nomoddiy aktivlar

BHXS-36 Aktivlarning qadrsizlanishi

BHXS-12 Foyda solig'i hisobi

BHXS-37 Baholangan majburiyatlar, shartli majburiyatlar va shartli aktivlar

BHXS- 17 Ijara

BHXS-19 Xodimlarni rag'barlantirish

IV. Daromad va xarajatlar

BHXS-18 Tushumlar

BHXS-11 Qurilishdagi bitimlar

BHXS-20 Davlat subsidiyalari hisobi va davlat yordami to'g'risidagi axborotlar tavsifi (ochiqdash)

BHXS-23 Qarzarlar bo'yicha xarajatlar

BHXS-41 Qishloq xo'jaligi

V. Moliyaviy instrumentlar

BHXS-32 Moliyaviy instrumentlar: axborotlarni ochiqdash va taqdim qilish

BHXS-39 Moliyaviy instrumentlar: tan olish va baholash

VI. Biznes birlashishlari va moliyaviy hisobot konsolidatsiyasi

BHXS-22 Kompaniyalarni birlashtirish

BXXS-27 Konsolidatsiyalashgan va alohida moliyaviy hisobot

BXXS-28 Assotsiatsiyalashgan kompaniyalarda sarmoyalar hisobi

BXXS-31 Qo'shma korxonalarda ishtirok etish to'g'risida moliyaviy hisobot

B. Moliyaviy Hisobot Xalqaro Standartlari (IFRS) tarkibi

MHXS-1 Birinchi marta Moliyaviy Hisobot Xalqaro Standartlarini qabul qilish

MHXS-2 Hissali instrumentlar asosida to'lovlar

MHXS-3 Korxonalarining birlashishi

MHXS-4 Sug'urta shartnomalari

MHXS-5 Sotish uchun mo'ljallangan uzoq muddatli aktivlar va tugallangan faoliyat

<i>Buxgalteriya Hisobi Milliy Standartlari Qatori Buxgalteriya Hisobi Milliy Stnadartlari (BHMS)</i>	Sanasi
Moliyaviy hisobotni tuzish va taqdim qilishning kontseptual asoslari	14.08.1998
№1 BHMS Hisob siyosati va moliyaviy hisobot	14.08.1998
№2 BHMS Asosiy xo'jalik faoliyati daromadlari	26.08.1998
№3 BHMS Moliyaviy natijalar to'g'risidagi hisobot	27.08.1998
№4 BHMS Tovar-moddiy zahiralari	17.07.2006
№5 BHMS Asosiy vositalar	20.01.2004
№6 BHMS Ijara hisobi	22.06.2004
№7 BHMS Nomoddiy aktivlar	27.06.2005
№8 BHMS Konsolidatsiyalangan moliyaviy hisobot va sho''ba xo'jalik jamiyatlarida sarmoyalar hisobi	28.12.1998
№9 BHMS Pul oqimi to'g'risidagi hisobot	04.11.1998
№10 BHMS Davlat subsidiyalari hisobi va davlat yordamlari tavsifi	03.12.1998
№11 BHMS Ilmiy-tadqiqot va tajriba-konstruktorlik ishlanmalari xarajatlari	28.12.1998
№12 BHMS Moliyaviy investitsiyalar hisobi	16.01.1999
№14 BHMS Xususiy kapital to'g'risidagi hisobot	17.04..2004
№15 BHMS Buxgalteriya balansi	20.03.2003
№16 BHMS Oldindan ko'ra bilinmagan holatlar va buxgalteriya balansini tuzish sanasidan keyingi xo'jalik faoliyatida yuz bergan hodisalar	23.12.1998
№17 BHMS Kapital qurilishda pudrat shartnomalari	23.12.1999
№19 BHMS Inventarizatsiyani tashkil qilish va o'tkazish	2.11.1999
№20 BHMS Kichik tadbirkorlik sub'ektlari tomonidan hisobni yuritish va hisobotni tuzishning ixchamlashtirilgan tartibi to'g'risida	23.11.1999
№21 BHMS Xo'jalik sub'ektlari moliyaviy-xo'jalik faoliyati buxgalteriya hisobi schyotlar rejasi va uni qo'llash bo'yicha yuriqnoma	23.10.2002
№22 BHMS Xorijiy valyutada ifodalangan aktivlar va majburiyatlar hisobi	21.05..2004
№23 BHMS Qayta tashkil etishni amalga oshirishda moliyaviy hisobotni shakllantirish	27.06..2005

<i>BHXS va BHMS muvofiqligini solishtirish jadvali Buxgalteriya Hisobi Xalqaro Standartlari (BHXS)</i>	<i>Buxgalteriya Hisobi Milliy standartlari (BHMS)</i>
I. Moliyaviy buxgalteriya hisobi fundamental asoslari .	I. Moliyaviy buxgalteriya hisobi fundamental asoslari
Moliyaviy Hisobotni tuzish va taqdim qilishning kontsepti	Moliyaviy Hisobotni tuzish va taqdim qilishning kontseptual asoslari
II. Moliyaviy hisobot va axborotlarni taqdim qilish	II. Moliyaviy hisobot va axborotlarni taqdim qilish
BHXS№1 Moliyaviy hisobotni taqdim qilish	BHMS№1 Xisob siyosati va moliyaviy hisobot
BHXS№7 Pul mablag'lari harakati to'g'risidagi hisobot	BXMS№9 Pul oqimi to'g'risidagi hisobot
BHXS№8 Hisob siyosati, hisobli baholashdagi o'zgarishlar va xatolar	BXMS№3 Moliyaviy natijalar to'g'risidagi hisobot
BHXS№10 Hisobot sanasidan keyingi hodisalar	BXMS№16 Oldindan ko'ra bilinmagan holatlar va buxgalteriya balansini tuzish sanasidan keyingi xo'jalik faoliyatida yuz bergan hodisalar
BHXS№30 Banklar va boshqa analogik muassasalar moliyaviy hisobotlaridagi axborotlar tavsifi.	
BHXS№14 Segmentlash hisoboti	
BHXS№26 Pensiya ta'minoti (pensiya rejalari) dasturlari bo'yicha hisob va hisobot	
BHXS№29 Giperinflyatsiya sharoitida moliyaviy hisobot	
BHXS№34 Oraliq moliyaviy hisobot	
BHXS№34 Tugallanayotgan faoliyat	
BHXS№15 Baholar o'zgarishi ta'sirini aks ettiruvchi axborotlar (2003)	
BHXS№21 Valyuta kurslari o'zgarishining ta'siri	№22 Xorijiy valyutada aks ettirilgan aktialar va majburiyatlar hisobi
BHXS№24 Bog'liq tomonlar to'g'risida axborotlar tavsifi	
BHXS№33 Aktsiyalarga foyda	
III. Aktivlar, majburiyatlar va sarmoyalar standartlari	III. Aktivlar , majburiyatlar va sarmoyalar standartlari

BHXS№2 Zapaslar	BXMS№34 Tovar-moddiy zahiralalar
BHXS№16 Asosiy vositalar	BXMS №5 Asosiy vositalar
BHXS№40 Sarmoyali mulk	
BHXS№38 Nomoddiy aktivlar	BXMS№7 Nomoddiy aktivlar
BHXS№36 Aktivlarning qadrsizlanishi	

Korporativ boshqaruv modellarining qiyosiy hususiyatlari

Modellarning hususiyatlari	Ingliz-Amerika modeli	Nemis modeli	Yapon modeli
Ijtimoiy qadriyatlar tizimi	SHaxsiyatparastlik, Tanlov erkinligi	Ijtimoiy hamkorlik	Hamkorlik va ishonch
Mehnat jamoasining roli	Passiv	Faol	Faol qatnashuv
Moliyalashtirishning asosiy usuli	Fond bozori	Banklar	Banklar
Ahborotiy nomutanosiblik	Menejment	Menejment, «uy» banki	Bosh bank
Investitsiyalash muddatlari	Qisqa muddatli	Uzoq muddatli	Uzoq muddatli
Kapitalning qiymati	Yuqori	O'rta	Past
Kapital bozori	Yuqori likvidli	Likvidli	Nisbatan likvidli
Asosiy iqtisodiy birlik (yirik biznesda)	Kompaniya	Xolding	Moliyaviy-sanoat guruhi
Investitsiya turlari	Radikal	Murakkab	Inkremental
Menejmentni taqdirlash	Yuqori	O'rta	Past
Aktsiyadorlik kapitalining tuzilmasi	Sochilgan	Kuchli jamlangan	Jamlangan

«МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ» фанидан тестлар

1. Компания мол етказиб берувчилардан 1 500 000 сўмга автомобил сотиб олди. Автомобилни олиб келиш харажатлари 50 000 сўмни ташкил этади. Расмийлаштириш харажатлари 5 000 сўм. Экспедиторнинг хизмат сафари харажатлари 10 000 сўм. Бундан ташқари компания автомобилни сотиб олиш учун банкдан 1 000 000 сўм узоқ муддатли кредит олган. Кредит шартномасида кредитнинг йиллик фоиз ставкаси 10% деб белгиланган ва у 3 йилдан кейин қайтарилиши кўрсатилган. Бунда «Машина ва ускуналар» счёти қайси сумага дебетланади?

- а) 1 500 000
- б) 1 885 000
- в) 1 665 000
- г) 1 565 000

2. 2003 йилнинг 1 январиди қиймати 2 000 000 сўм бўлган ускуна сотиб олинган. Ускунанинг кутилаётган хизмат муддати - 10 йил, унумдорлиги - 20 000 000 дона, тугатиш қиймати- 500 000 сўм. Агар амортизация ҳисоблашнинг тўғри чизиқли усули қўлланилганда 2003 йил учун амортизация харажатлари қанчани ташкил қилади?

- а) 200 000
- б) 150 000
- в) 100 000
- г) 50 000

3. 2003 йилнинг 15 февралда «Обод» ХЖнинг Директорлар Кенгаши 5 мартгача рўйхатга олинган акциядорлар ўртасида номинал қиймати 50 сўм бўлган муомаладаги акцияларнинг 5% миқдорида акциялар тарзида 15 мартда тўланиши кўзда тутилаётган дивидендларни эълон қилди. 2003 йилнинг 15 февралда муомалада 100 000 дона акция бўлган, акцияларнинг ушбу санадаги бозор қиймати 80 сўм бўлган.

15 февралда операцияларни акс эттириш журналидаги бухгалтерия ёзувлари қуйидагич бўлган:

	Дебет	Кредит
а) Тақсимланмаган фойда	400 000	
Оддий акциялар		250 000
Эмиссион даромад		
150 000		
б) Тақсимланмаган фойда	400 000	
Тўланадиган дивидендлар		250 000
Эмиссион даромад		
150 000		
в) Оддий акциялар	250 000	
Эмиссион даромад		
150 000		
Тақсимланмаган фойда		400 000
г) Тақсимланмаган фойда	400 000	
Тўланадиган дивидендлар		250 000
Оддий акциялар		150 000

4. Мувофиқлик тамойилига асосан ҳисоблаш усули бўйича харажатлар қуйидаги ҳолатларда тан олинади:

- а) Харажатлар пул маблағлари билан тўланган бўлса.
- б) Улар жорий ҳисобот давридаги ишлаб топилган даромадлар билан боғланган бўлса.

- в) Улар фақат ишлаб топшган даромадлар билан боғланган бўлса.
 г.) Улар фақат жорий ҳисобот даври билан боғланган бўлса.

5. Жорий активлари 20 000 сўм, жами активлари 50 000 сўм, жорий мажбуриятлари - 15 000 сўм ва жами мажбуриятлари 30 000 сўм бўлган компаниянинг жорий ликвидлик коэффициенти қуйидагича:

- а) 2,00
 б) 1,66
 в) 1,33
 г) 3,33

б. «Фарғона Манюфэжчуринг» компанияси бошқа компанияга унга зарур бўлмаган ва аввал 18 ой хизмат қилган ишлаб чиқариш ускунасининг бир қисмини сотди. Ускунанинг қиймати - 1 000 000 сўм, тўпланган эскириши - 200 000 сўм. Ускуна 900 000 сўмга сотилди. Пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда бу операция қуйидагича акс эттирилади:

- а) 900 000 сўм, пул маблағлари манбаи сифатида молиявий бўлимида.
 б) 100 000 сўм, пул маблағлари манбаи сифатида инвестициялар бўлимида.
 в) 100 000 сўм, пул маблағлари манбаи сифатида молиявий бўлимида.
 г) 900 000 сўм, пул маблағлари манбаи сифатида инвестициялар бўлимида.

7. 2003 йилнинг 1 январида «Мармар» компанияси «Миллий банк»дан йиллик 40 % ставка бўйича 3 йил муддатга 3 000 000 сўм кредит олган. Кредит шартномасининг шартларига мувофиқ компания ҳар ярим йиллик якунига кўра, асосий қарзнинг 500 000 сўми ва қолган қарз сўммасидан ҳисобланган фоизлар миқдорида тўловларни амалга ошириши лозим. 2003 йилнинг 1 январида расмийлаштирилган журнал ёзувлари қуйидаги кўринишга эга:

	Дебет	Кредит
а) Пул маблағлари	3 000 000	
Узоқ муддатли банк кредитлари		3 000 000
б) Пул маблағлари	3 000 000	
Узоқ муддатли қарз мажбуриятларининг жорий қисми		1 000 000
Узоқ муддатли банк кредитлари		2 000 000
в) Пул маблағлари	3 000 000	
Узоқ муддатли қарз мажбуриятларининг жорий қисми		1 000 000
Қисқа муддатли банк кредитлари		2 000 000
г) Пул маблағлари	3 000 000	
Қисқа муддатли банк кредитлари		1 000 000
Узоқ муддатли банк кредитлари		2 000 000

8. Шарқ гиламлари билан савдо қилувчи воситачи ўзининг потенциал мижозига гиламни, унинг уйига қандай мос келишини билиш учун олиб кетишга руҳсат берди. Гиламнинг сотиш баҳоси 15000 сўм, воситачи учун эса гилам 7000 сўмга тушган. Бу ҳолда воситачи учун тан олинган даромад сўммаси қуйидагини ташкил қилади:

- а) 7 000 сўм
 б) 15 000 сўм
 в) 8 000 сўм
 г) 0 сўм

9. Компания сотиш ҳажмидан 7% миқдорида соф фойда олди. Сотиш ҳажми 500 000 000 сўмни ташкил қилган. Бунда соф фойда суммаси қуйидагини ташкил этади:

- а) 35 000 000
 б) 35 000
 в) 71 285 000

г) 11 285

10. Қуйида келтирилган шартлардан қайси бири ижарани операцион ёки молиявий ижарага ажратишда керак бўлмаган шартлардан бўлиб ҳисобланади?

- а) Ижара муддати охирида мулк ҳуқуқи ижарачига ўтади.
- б) Ижара муддати активлар хизмат муддатининг асосий қисми ҳисобланади.
- в) Ижара ижарачига ижара муддати охирида активларни ҳаққоний бозор баҳосидан юқори баҳода сотиб олиш ҳуқуқини беради.
- г) Лизинг шароитида ижара тўловларининг энг кам миқдори ижарага олинган активлар ҳаққоний бозор баҳосининг 90% дан юқори ёки унга тенг бўлган сўммани ташкил қилади.

11. Компанияда ТМЗлар бўйича бошланғич қийматига эга бўлмаган:

ТМЗ сотиб олиш санаси	Бирликлар сони сотиб олинган	Ҳар бир бирлик таннархи
15.01	2 000	2,00
20.07	3 000	2,20
03.09	1000	2,30
29.10	5 000	2,50
12.12	1000	2,60

ТМЗнинг якуний қолдиғи 2 500тани ташкил қилади. ТМЗ қийматини баҳолаш учун ФИФО усулини қўллаганда сотилган товарлар қиймати қандай эди?

- а) 5 100
- б) 6 350
- в) 21 650
- г) 22 167

12. «Андижон» компанияси ТМЗ ҳисобини асосий товарлар гуруҳи усулини қўллаган ҳолда таннарх ёки сотишнинг соф қийматидан энг кичиги бўйича ҳисоб юритади. Бош бухгалтер ёрдамчиси қуйидаги таҳлилини тайёрлади:

ТМЗ туркуми	Бошланғич қиймати	Сотишнинг соф қиймати
А	22 000	20 000
Б	45 000	95 000
В	18 000	36 000
Г	56 000	55 000
Жами:	141 000	206 000

Бухгалтерия балансида ТМЗ бўйича қуйидаги сумма кўрсатилиши керак:

- а) 138 000
- б) 141 000
- в) 206 000
- г) 209 000

13 ва 14 саволларга жавоб бериш учун қуйидаги ахборотни қўлланг. 2001 йил 1 январда қиймати 2 000 000 сўм бўлган асбоб-ускуналар сотиб олинди. Кутилаётган хизмат қилиш муддати - 10 йил, унумдорлиги - 20 000 000 бирлик, тугатиш қиймати - 500 000 сўм.

13. Агар эскиришнинг бир текис ҳисобдан чиқариш усули қўлланилган бўлса, 2001 йилда амортизация харажатлари қанча бўлади?

- а) 200 000
- б) 150 000
- в) 100 000

г) 50 000

14. Йиллар йиғиндиси усули қўлланилган бўлса, 2002 йилдаги амортизация харажатлари қандай бўлади?

- а) 272 728
- б) 245 455
- в) 363 636
- г) 327 273

15. Компания 1 500 000 сўмга автомобил сотиб олди. Автомобилни олиб келиш учун 50 000 сўм сарфланди. Расмийлаштириш харажатлари 5 000 сўм. Божхона расмийлаштириш харажатлари 100 000 сўм. Бундан ташқари компания автомобил сотиб олиш учун банкдан 1 000 000 сўм узок муддатли кредит олган. Кредит шартномасида берилган кредит учун йиллик тўлов 10%ни ташкил қилиши ва кредит уч йилдан сўнг қайтарилиши кўрсатилган. «Машина ва асбоб-ускуналар» счёти қайси суммага дебетланади?

- а) 1 500 000
- б) 1 565 000
- в) 1 655 000
- г) 1 885 000

16. А компания Б компанияни 15 000 000 сўмга сотиб олди. Сотиб олиш қунига Б компания активларининг дастлабки қиймати 20 000 000 сўмга, ҳаққоний бозор қиймати эса 22 000 000 сўмга тенг. Шунингдек, Б компаниянинг 7 500 000 сўмлик мажбуриятлари ҳам мавжуд. «Гудвилл» счёти дебитида қайси сумма кўрсатилиши керак?

- а) 2 200 000
- б) 2 000 000
- в) 5 000 000
- г) 500 000

17. Компания даргумон қарзлар бўйича захирани олинадиган счёتلарнинг 10% миқдорда баҳолаб боради. Йил охирида олинадиган счёتلардаги (Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёتلар) қолдиқ 5 000 000 сўмни ташкил қилади, даргумон қарзлар бўйича захиралар счётида эса (Даргумон қарзлар бўйича захира) 100 000 сўмлик кредит қолдиғи бор. Йил охирида даргумон қарзлар бўйича харажатлар учун журнал ўтказмаси ўз ичига «Даргумон қарзлар бўйича захира» счётининг кредитига қуйидаги сўмmani олади:

- а) 500 000
- б) 600 000
- в) 400 000
- г) 300 000

18. 30 декабрда олинадиган счёتلар счётида қолдиқ 10 000 сўмни ташкил қилган, миждоз ўзининг инкирозга учраганлиги ҳақида эълон қилди. Миждоз кейинги йилнинг 15 январиди 10 000 сўм миқдорида қисман тўловни амалга оширди. «Даргумон қарзлар бўйича захира» счётидаги қолдиқ ушбу операцияларни ёзгунгача 20 000 сўмлик кредит қолдиғини ташкил қилган эди. 30 декабрга бўлган ушбу операцияни акс эттириш учун журнал ўтказмаси қуйидагича бўлиши керак:

а) олинадиган счёتلар	10 000	
даргумон қарзлар бўйича харажатлар		10 000
б) даргумон қарзлар бўйича, харажатлар олинадиган счёتلар	10 000	10 000
в) даргумон қарзлар бўйича захира даргумон қарзларга харажатлар	10 000	10 000

г) даргумон қарзлар бўйича захира
олинадиган счётлар-

10 000

10 000

19. «Зарафшон» савдо фирмаси 1999 йилда Ургенч гилам фабрикасидан 600 000 сўмга 100 та гилам сотиб олди. Гиламни олиб келиш учун 60 000 сўм сарфланди. Шундай қилиб 1 та гиламнинг таннари 6 600 сўмга тенг. Йил мобайнида фирма 80 та гиламни 7 500 сўмдан сотди. Йил охирида «Зарафшон» фирмасида 20 та гилам бўлиб, шундан 5 таси шикастланган. Шикастланган гиламларнинг донасини 3 500 сўмдан сотиш мумкин. Қолган 15 та гиламнинг ҳар бир донасининг 7 500 сўмдан сотиш мумкин. Йил охирида товарларнинг қолдиғи балансда қайси суммада ҳисобга олинади?

- а) 132 000
- б) 116 500
- в) 92 500
- г) 99 000

20. Компания янги ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини сотиб олиш ва ўрнатиш муносабати билан қуйидаги харажатлар қилди:

Харид қиймати	2 500 000
Етказиб бериш харажатлари	100 000
Янги асбоб-ускуналарни ўрнатиш	500 000
Бошланғич синовлар ва созлаш	400 000
Ўрнатиш оқибатида келиб чиққан девор ва пол шикастларининг таъмири	70 000

Асбоб-ускуналар счётига дебетланиши керак бўлган сумма:

- а) 3 000 000
- б) 3 070 000
- в) 3 500 000
- г) 3 570 000

20. Компания дастгоҳнинг унумдорлиги (операциялар тезлиги) ва қувватини ошириш учун 500 000 сўм сарфлади. Ушбу қиймат қуйидаги счётга дебетланиши керак:

- а) Машина ва асбоб-ускуналар
- б) Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар
- в) Бошқа маъмурий харажатлар
- г) Бошқа операцион харажатлар

21. Фабрика асбоб-ускуналари амортизациясини акс эттириш учун журнал ўтказмаси ўз ичига қуйидаги счёт дебетини олиши керак:

- а) Машина ва асбоб-ускуналар
- б) Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши
- в) Тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги ТМЗ
- г) Асосий воситаларнинг эскириши

22. Компания ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарининг қувватини ва бажариладиган операциялар тезлигини ошириш учун ва улардан фойдаланиш бўйича қуйидаги харажатларни амалга оширди:

Жорий тамирлаш	100 000
Техник қаров	200 000
Капитал таъмирлаш	200 000
Реконструкцияга	500 000

Қайси суммага «Машина ва асбоб-ускуналар» счёти дебетланади:

- а) 100 000

- б) 300 000
- в) 320 000
- г) 500 000

23. Гудвилл бўйича амортизацияни ҳисоблаш учун журнал ўтказмаси қуйидаги сўтнинг кредитини ўз ичига олади:

- а) Гудвилл
- б) Гудвиллнинг эскириши
- в) Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даври харажатлари
- г) Курсдаги (ижобий) фарқлардан тушган даромадлар

24. «Алмаз» компанияси «Ситора» компаниясини сотиб олди ва 15 000 000 сўм тўлади. Сотиб олиш санасига «Ситора» компанияси 1 450 000 сўмлик жорий активларга ва дастлабки қиймати 11 000 000 сўмлик узоқ муддатли активларга эга бўлган. Жорий активларнинг бозор қиймати 17 000 000 сўмга ва узоқ муддатли активларники эса 9 000 000 сўмга тенг бўлган. Сотиб олиш санасига «Ситора» компаниясининг мажбуриятлари 12 500 000 сўм бўлган. Компания унинг эгаларидан сотиб олинди. Гудвилл сифатида қайси сумма кўрсатилиши керак?

- а) 1 500 000
- б) 500 000
- в) 10 500 000
- г) 2 500 000

25. Компаниянинг тузатилган синов балансидан қуйидаги ахборот олинган эди:

	Дебет	Кредит
Сотиш		500 000
Сотилган товарнинг таннархи	300 000	
Маъмурий харажатлар	70 000	
Сотиш харажатлари	80 000	
Бошқа операцион харажатлар	20 000	
Сотилган товарларнинг қайтарилиши ва чегирмалар	2 000	

Ушбу счетларни ёпиш учун журнал проводкаси қуйидаги счетларнинг дебетини ўз ичига олиши керак:

- а) сотилган товарлар таннархи 300 000 сўм
- б) якуний даромадлар 28 000 сўм
- в) сотиш 498 000 сўм
- г) сотиш 500 000 сўм

26. «Матиз» автомобилни сотиш бўйича автосалон автомобилни 500 000 сўмга сотди. Автомобилнинг таннархи 350 000 сўм. Харидор 100 000 сўм миқдордаги биринчи бадални тўлади ва қолган суммани 12 ой давомида тўлашга рози бўлди. Ушбу операцияни акс эттириш учун қуйидаги журнал проводкалари берилди:

а) Пул маблағлари	100 000	
Олинадиган счетлар	50 000	
Сотиш		150 000
б) Пул маблағлари	100 000	
Олинадиган счетлар	400 000	
Сотиш		500 000
Сотиш	350 000	
Сотилган товарлар таннархи	350 000	
в) Пул маблағлари	100 000	
Олинадиган счетлар	400 000	
Сотиш		500 000

Сотиш	350 000	
ТМЗ		350 000
г) Пул маблағлари	100 000	
Олинадиган счетлар	400 000	
Сотиш		500 000
Сотилган товарлар таннархи	350 000	
ТМЗ		350 000

27. Компания шубҳали қарзлар бўйича харажатларни кредитга соф сотишдан 2% миқдорда баҳолайди. Ҳамма товарлар кредитга сотилади. Счетда сотиш кўрсатилмаган. Тузатилмаган синов балансида қуйидаги счетлардаги қолдиқлар кўрсатилган:

	Дебет	Кредит
Олинадиган счетлар	200 000	
Шубҳали қарзалар бўйича заҳира	5 000	
Сотиш		2 000 000
Товарларнинг қайтариб берилиши ва чегирмалар	10 000	

Даргумон қарзлар бўйича харажатларни акс эттириш учун журнал ўтказмаси ўз ичига «Даргумон қарзлар бўйича харажатлар» счётининг дебетини қуйидаги суммани олади:

- а) 39 800
- б) 40 000
- в) 45 000
- г) 44 800

28. Компания 5 йил давомида йилига 300 000 сўм қайтимга эга бўладиган лойиҳага инвестиция қилишни кўриб чиқаяпти. Компания ўз инвестициялари учун 12% миқдордаги қайтимни талаб қилаяпти. Дисконтланган қиймат жадваллари бўйича 12% ва 5 давр учун қуйидаги омиллар аниқланди:

Бир вақтнинг ўзидаги тўловнинг жорий қиймати	0,5674
Аннуитетнинг жорий қиймати	3,6048
Бир вақтнинг ўзидаги тўловнинг келгуси қиймати	1,7623
Аннуитетнинг келгуси қиймати	6,3528

Ушбу инвестициялар қилинган даврдаги инвестицияларнинг ҳар йиллик қайтимининг қандай?

- а) 170 220
- б) 1 081 440
- в) 528 690
- г) 1 905 840

29. «Бухоро Мармар» компанияси ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини 6 йилга ижарага берди. Молиявий ижаранинг йиллик ставкаси 15%. Олинадиган лизинг ижара муддатининг бошига 4 200 000 сўм ва йиллик ижара тушумлари 1 110 000 сўм. Биринчи йилнинг охирига ижара тушумларини акс эттиришнинг журнал ўтказмаси қуйидагича бўлади:

а) Д-т Пул маблағлари	1 110 000	
К-т Фоиз кўринишидаги даромадлар		1 110 000
б) Д-т Фоиз кўринишидаги даромадлар	1 110 000	
К-т Пул маблағлари		1 110 000
в) Д-т Пул маблағлари	1 110 000	
К-т Фоиз кўринишидаги даромадлар		630 000
К-т Олинадиган лизинг – жорий		480 000
г) Д-т Пул маблағлари	1 110 000	
К-т Олинадиган лизинг - жорий		630 000
К-т Фоиз кўринишидаги даромадлар		480 000

30. 29-саволнинг маълумотларидан фойдаланиб ижара шартномасининг биринчи йилининг охирига олинадиган лизингнинг жорий қисмини тузатиш бўйича журнал ўтказмасини акс эттиринг:

а) Д-т Олинадиган лизинг - жорий қисми	1 110 000	
К-т Фоиз кўринишидаги даромадлар		1 110 000
б) Д-т Пул маблағлари	630 000	
К-т Олинадиган лизинг- жорий қисми		630 000
в) Д-т Олинадиган лизинг - жорий қисми	3 090 000	
К-т Пул маблағлари		3 090 000
г) Д-т Олинадиган лизинг - жорий қисми	552 000	
К-т Олинадиган лизинг - узоқ муддатли қисми		552 000

Қуйидаги маълумотларни 31 ва 32 саволларга жавоб бериш учун қўлланг: "SALVE" компанияси 2 ойдан кейин нақд пулда АҚШ долларида тўлаш шарти билан \$100 000га янги асбоб-ускуналар сотиб олди. Харид 2001 йил 1 декабрда, алмаштириш курси 1 доллар 900 сўм бўлганда амалга оширилган эди. 31 декабрда алмаштириш курси 890 сўмгача тушган эди, 31 январда, тўлов кунида эса 910 сўмгача кўтарилди.

31. Асбоб-ускуналар харидини 1 декабрда акс эттириш учун журнал ўтказмаси «Машина ва ускуналар» сўрагининг дебетини қуйидаги суммада ўз ичига олади:

- а) \$10 000
- б) 9 000 000 сўм
- в) 8 900 000 сўм
- г) 9 100 000 сўм

32. 31 декабрда алмаштириш курсининг ўзгаришини акс эттириш учун журнал ўтказмаси:

- а) машина ва асбоб-ускуналар сўрагининг 100 000 сўмга кредити
- б) валюта алмаштириш (ижобий) сўрагининг 100 000 сўмга кредити
- в) курс фарқларидан зарар сўрагининг 100 000 сўмга дебети
- г) ўтказма берилмайди

33 ва 34 саволларга жавоб бериш учун қуйидаги маълумотлардан фойдаланинг: Корхона 2000 йилнинг 1 мартада номинал қиймати 6 000 000 сўм ва йиллик фоиз ставкаси 20% бўлган облигацияни сотиб олди. Облигацияни тўлаш муддати 2002 йил 31 декабр. Шартнома шартига мувофиқ облигация учун йилига 2 марта фоиз тўланади (30 июн ва 31 декабр). Облигацияни 6200 000 сўмга сотиб олинди, шу жумладан 2 ойлик ҳисобланган фоиз даромади учун 200 000сўм.

33. Харидни акс эттиришнинг журнал ўтказмаси қуйидагича бўлади:

а) Д-т Қимматли қоғозлар	6 200 000	
К-т Пул маблағлари		6 200 000
б) Д-т Қимматли қоғозлар	6 000 000	
Д-т Бошқа дебиторлик қарзлари	200 000	
К-т Пул маблағлари		6 200 000
в) Д-т Қимматли қоғозлар	6 000 000	
Д-т Олинадиган сўраглр	200 000	
К-т Пул маблағлари		6 200 000
г) Д-т Пул маблағлари	6 000000	
Д-т Олинадиган фоизлар	200 000	
К-т Пул маблағлари		6 200 000

34. 2000 йил 30 июнда олинган фоизларни акс эттириш учун журнал проводкаси пул маблағлари «Ҳисоб-китоб» счeтининг дебети ва қуйидаги счeтнинг кредитини ўз ичига олади:

- а) Қимматли қоғозлар 600 000 ;
- б) Бошка дебиторлик қарзлари 200 000 сўм ва Қимматли қоғозлар 400 000 ;
- в) Бошка дебиторлик қарзлари 200 000 сўм ва Фоиз кўринишидаги даромадлар 400 000 ;
- г) Қимматли қоғозлар 400 000 .

35. Мустакил аудитор компанияни текшириш пайтида бош бухгалтер 2001 йил 31 декабрда хизмат учун олинган 10 000 сўм аванс суммасини «Ишларни бажаришдан ва хизматларни кўрсатишдан олинган даромадлар» счeтида хизмат кўрсатишдан олинган даромад сифатида акс эттирган. Даромад солиғи 25%ни ташкил қилади. Компаниянинг 2001 йилдаги соф фойдаси 150 000 сўмни ташкил қилади. Аудитор қандай тузатишни амалга ошириши керак?

а) Д-т Хизмат кўрсатишдан олинган даромад	10 000	
К-т Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар		10 000
б) Д-т Хизмат кўрсатишдан олинган даромад	10 000	
Д-т Солиқлар бўйича аванс тўловлар	2 500	
К-т Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар		10 000
К-т Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси		2 500
в) Д-т Тақсимланмаган фойда	10 000	
Д-т Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар	2 500	
К-т Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар		10 000
К-т Тақсимланмаган фойдаси		2 500
г) Д-т Тақсимланмаган фойдаси	7 500	
Д-т Солиқлар бўйича аванс тўлов	2 500	
К-т Харидорлар ва буюртмачилардан олинган аванслар		10 000

36. Қуйидаги суммалардан қайси бири молиявий лизингда капиталлаштириш учун қўлланилиши керак?

- а) Келгуси ижара тўловлари суммаси
- б) Ижарага олинган активнинг ҳаққоний бозор қиймати
- в) Энг кам ижара тўловларининг келгуси қиймати
- г) Энг кам ижара тўловларининг жорий қиймати

37. Молиявий лизинг шартномасига мувофиқ 5 йил мобайнида компания йилига 600 000 сўмлик ижара тўловини амалга ошириши зарур. Кўзга тутилган фоиз ставкаси йилига 12%. Ижара шартномасининг бошига қайси сумма мажбурият сифатида тан олинди (дисконтлаш жадвалидан фойдаланинг).

- а) 1 057 380
- б) 340 440
- в) 2 162 880
- г) 3 811 680

38. 2000 йилнинг 20 февралда «Бухоро текстл» АЖ обуна бўйича ҳар бирининг номинал қиймати 100 сўм бўлган 50 000 дона акцияни 150 сўмдан сотди. Битим шарти бўйича акция учун тўлов бир ойдан сўнг олинади. Акцияни сотилишини акс эттирувчи журнал ўтказмаси қуйидагича бўлади:

а) Д-т Пул маблағлари	7 500 000
К-т Оддий акциялар	7 500 000
б) Д-т Пул маблағлари	7 500 000
К-т Оддий акциялар	5 000 000
К-т Эмиссион даромад	2 500 000

в) Д-т Оддий акциялар	7 500 000
К-т Эмиссион даромадлар	2 500 000
К-т Пул маблағлари	5 000 000
г) Д-т Таъсисчиларнинг қарзи	7 500 000
К-т Оддий акциялар	5 000 000
К-т Эмиссион даромадлар	2 500 000

39. «Мармар» компанияси 2001 йилнинг 1 январидан «Миллий банк»дан 3 йил муддатга йилига 40% ставка бўйича 3 000 000 сўм кредит олди. Кредит шартномасининг шарти бўйича компания ҳар ярим йилликнинг охирида қарзнинг асосий суммасидан 500 000 сўм ва қолган қарз суммасига тегишли фоиз суммаси тўланади. 2001 йилнинг 1 январига журнал ўтказмаси куйидагича бўлади:

а) Д-т Пул маблағлари	3 000 000	
К-т Узоқ муддатли кредитлар		3 000 000
б) Д-т Пул маблағлари	3 000 000	
К-т Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми	1 000 000	
К-т Узоқ муддатли қарзлар	2 000 000	
в) Д-т Пул маблағлари	3 000 000	
К-т Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми	1 000 000	
К-т Қисқа муддатли кредитлар	2 000 000	
г) Д-т Пул маблағлари	3 000 000	
К-т Қисқа муддатли кредитлар	1 000 000	
К-т Узоқ муддатли кредитлар	2 000 000	

40. «Шохрух»АЖ директорлар кенгаши 2000 йил 15 февралда дивидендлар тўловини эълон қилди. Дивидендлар номинал қиймати 50 сўм бўлган акциялар кўринишида, муомаладаги акцияларнинг 5% ҳажмида 5 мартгача қайд қилинган акционерлар ўртасида 15 мартда тўланади. 2000 йил 15 февралда муомаладаги акцияларнинг сони 100 000 дона, бу акцияларнинг ушбу санадаги бозор қиймати эса 80 сўмни ташкил қилган. 15 февралдаги операцияни акс эттиришнинг журнал ўтказмаси куйидагича бўлади:

а) Д-т Тақсимланмаган фойда	400 000	
К-т Оддий акциялар		250 000
К-т Эмиссион даромад		150 000
б) Д-т Тақсимланмаган фойда	400 000	
К-т Тўланадиган дивидендлар		250 000
К-т Эмиссион даромад		150 000
в) Д-т Оддий акциялар	250 000	
Д-т Эмиссион даромад	150 000	
К-т Тақсимланмаган фойда		400 000
г) Д-т Тақсимланмаган фойда	400 000	
К-т Тўланадиган дивидендлар		250 000
К-т Оддий акциялар		150 000

41. Компания банкдан 1 000 000 сўм қисқа муддатли кредит олди. Банк кафолат сифатида тақсимланмаган фойдадан 1 000 000 сўмни ажратма қилишни талаб қилди. Ушбу операция куйидаги бухгалтерия ўтказмаларида акс этган:

а) Д-т Банк кредити	1 000 000	
К-т Тақсимланмаган фойда	1 000 000	
б) Д-т Тақсимланмаган фойда	1 000 000	
К-т Резерв капитали	1 000 000	
в) Д-т Тақсимланмаган фойда	1 000 000	
К-т Банк кредити	1 000 000	

г) Д-т Резерв капитали	1 000 000	
К-т Тақсимланмаган фойда		1 000 000

42. Компаниянинг директорлар кенгадш дивиденд суммасини 1 000 000 сўм деб эълон қилди ва уни тайёр маҳсулот билан тўлашга қарор қилди. Тайёр маҳсулотнинг таннари 800 000 сўм. Дивидендни тайёр маҳсулот сифатида олганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаларида бирини тузишни талаб қилинади:

а) Д-т Тўлашга тегишли дивидендлар 1 000 000		
К-т Сотишдан олинган даромад		1 000 000
б) Д-т Тўлашга тегишли дивидендлар 1 000 000		
К-т Сотишдан олинган даромад		1 000 000
Д-т Сотилган маҳсулотнинг таннари 800 000		
К-т Тайёр маҳсулот		800 000
в) Д-т Тўлашга тегишли дивидендлар 800 000		
К-т Тайёр маҳсулот		800 000
г) Д-т Тўлашга тегишли дивидендлар 1 000 000		
К-т Тайёр маҳсулот		1 000 000

43. 2001 йилда компания фойда солиғини тўлагандан сўнг 2000 йил 15 апрелда олинган йиллик ставкаси 12% бўлган 100 000 сўм қарз учун фоиз тўлови ҳисобланмаганлиги аниқланди. 2000 йилда соф фойда 16 000 сўм деб кўрсатилган. Компания 2000 йилнинг молиявий ҳисоботин ўзгартирмоқчи эмас. 2001 йилда солиқ ставкаси ўзгармаган ва 30%ни ташкил қилади. Хатоларни тузатиш қуйидаги ўтказмалардан бири билан амалга оширилади:

а) Д-т Фоиз кўринишидаги харажатлар	8581	
К-т Ҳисобланган фоизлар		8581
б) Д-т Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси 8581		
К-т Ҳисобланган фоизлар		8581
в) Д-т Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси 6007		
К-т Ҳисобланган фоизлар		6007
г) Д-т Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси 6007		
Д-т Солиқлар бўйича аванс тўловлар	2574	
К-т Ҳисобланган фоизлар		8581

44. Компания ҳисоботларда солиқлар тўлангунча бўлган фойдани 100 000 сўм миқдорида ва фойда солиғи бўйича харажатни - 30 000 сўм деб кўрсатди. Солиққа тортиш мақсадларидаги ҳисобланган амортизация - 12 000 сўмни, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда эса - 10 000 сўмни ташкил этган. Солиқлар бўйича компания мажбурияти қуйидагини ташкил қилади:

- а) 30 000 сўм
- б) 29 400 сўм
- в) 30 600 сўм
- г) 28 800 сўм

45. Компания солиқлар бўйича харажатларни 350 000 сўм деб кўрсатди, солиқлар бўйича мажбурият жорий йилда -380 000 сўм. Компания қуйидагини амалга ошириши керак:

- а) Вақтинчали фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад солиғи счётини 30 000 сўмга дебетлаш
- б) Вақтинчали фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад солиғи счётини 30 000 сўмга кредитлаш
- в) Вақтинчали фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад солиғи бўйича мажбурият счётини 30 000 сўмга дебетлаш
- г) Вақтинчали фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад солиғи бўйича мажбурият счётини 30 000 сўмга кредитлаш

46. Корхонанинг устав капитали ҳар бирининг номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 15 000та оддий акциядан ва 2 000та имтиёзли акциядан ташкил топган. 2001 йилда корхонанинг фойдаси 8 600 000 сўм. Ўз маблағларига тегишли фойда қуйидагича бўлади:

- а) 0,57
- б) 0,5
- в) 4,3
- г) 0,45

47. Жорий активлар - 20 000 сўм, жами активлар - 50 000 сўм, жорий мажбуриятлар - 15000 сўм ва жами мажбуриятлар - 30 000 сўм бўлган компания учун жорий ликвидлик коэффиценти қуйидагича:

- а) 1,33: 1
- б) 1,66: 1
- в) 2,00: 1
- г) 3,33:1

48. Компания 500 000 сўмлик солиқлар тўлангунча бўлган фойдани кўрсатди. Солиқ ставкаси 30% эди ва фоизлар кўринишидаги харажатлар йилига 125000 сўмни ташкил қилган эди. Фоизларни қоплаш коэффиценти қуйидагини ташкил қилди:

- а) 3,6
- б) 4,0
- в) 5,0
- г) 6,7

49. Санаб ўтилганлардан қайси бири пул маблағлари оқими тўғрисидаги ҳисоботнинг инвестициялар бўлимида акс эттирилмаслиги керак?

- а) асосий воситаларни сотиб олиш
- б) бошқа компания акцияларни узоқ муддатли инвестициялар сифатида сотиб олиш
- в) янги акцияларнинг сотилиши
- г) бошқа компанияга ссуда бериш

50. В компания С компанияни 10 000 000 сўмга сотиб олди. Сотиб олиш кунига С компаниянинг дастлабки қиймати 15 000 000 ва бозор қиймати 17 000 000 сўмлик активлари мавжуд бўлган. С компаниянинг мажбуриятлари 8 000 000 сўмни ташкил қилади. Ягона баланс тузиш учун қуйидаги бухгалтерия ўтказмаларини тузиш зарур:

	Дебет	Кредит
а) Активлар	10 000 000	
Пул маблағлари		10 000 000
б) Активлар	18 000 000	
Мажбуриятлар		8 000 000
Пул маблағлар		10 000 000
в) Активлар	17 000 000	
Гудвилл	1 000 000	
Пул маблағлари		10 000 000
Мажбуриятлар		8 000 000
г) Активлар	15 000 000	
Гудвилл	3 000 000	
Пул маблағлари		10 000 000
Мажбуриятлар		8 000 000

51. «Амир» компанияси 2001 йилнинг бошида «Бўстон» компаниясининг 51% акцияси сотиб олди. Бу баҳоси 1 000 сўм бўлган 1 200та акцияни ташкил қилади. 2002 йилда «Бўстон»

компанияси 2001 йилнинг соф фойдасини 500 000 сўм кўрсатган ва «Амир» компаниясига 100000 сўм дивиденд тўлаган. «Амир» компанияси сотиб олинган «Бўстон» компаниясини улушли қатнашиш усулида акс эттирди.

	Дебет	Кредит
а) Жорий инвестициялар	1 200 000	
Пул маблағлари		1 200 000
Олинадиган дивидендлар	100 000	
Дивиденд кўринишидаги даромад		100 000
Пул маблағлари	100 000	
Олинадиган дивидендлар		100 000
б) Узоқ муддатли инвестициялар	1 200 000	
Пул маблағлари		1 200 000
Олинадиган дивидендлар	100 000	
Дивиденд кўринишидаги даромад		100 000
Пул маблағлари	100 000	
Олинадиган дивидендлар		100 000
в) Узоқ муддатли инвестициялар	1 200 000	
Пул маблағлари		1 200 000
Олинадиган дивидендлар	100 000	
Узоқ муддатли инвестициялар		100 000
Пул маблағлари	100 000	
Олинадиган дивидендлар		100 000
Узоқ муддатли инвестициялар	255 000	
Дивиденд кўринишидаги даромад		255 000
г) Жорий инвестициялар	1 200 000	
Пул маблағлари		1 200 000
Олинадиган дивидендлар	100 000	
Жорий инвестициялар		100 000
Пул маблағлари	100 000	
Олинадиган дивидендлар		100 000
Узоқ муддатли инвестициялар	255 000	
Дивиденд кўринишидаги даромад		255 000

52. Компания 50 000 000 сўмлик товарлар сотди, улардан 80% - кредитга сотилди. Йил бошида олинадиган счетлар 8 000 000 сўмни ташкил этган эди ва у йил охиригача 17 000000 сўмгача кўпайди. Компания олинадиган счетларнинг айланиш коэффициенти қуйидагича:

- а) 4 марта
- б) 3,2 марта
- в) 3,9 марта
- г) 2,3 марта

53. Корхонанинг реализация рентабеллигини ҳисобланг. Соф фойда 550 000 сўм, ялпи тушум 2 750 000 сўм. Устав капитали ҳар бирининг номинал қиймати 100 сўм бўлган 100 000 дона оддий акциядан ташкил топган.

- а) 0,2
- б) 0,04
- в) 0,15
- г) 0,1

54. 2000 йилнинг 6 ойида сотишдан келган соф тушум 1 350 000 сўм, олинадиган счетлар давр бошига 140 000 сўм ва давр охирига 88 000 сўм бўлган. Сотишдан келган пул оқимларини ҳисобланг.

- а) 1 122 000
- б) 1 298 000
- в) 1 402 000
- г) 1 438 000

55. Агар давр мобайнида ҳисобланган даромад солиғи 173 000 сўмни ташкил қилган ва ушбу даврда ҳисобланган даромад солиғи 16 000 сўмга камайган (давр бошига қолдиқ - 36000, давр охирига эса - 20 000). Давр учун фойда солиғи бўйича пул оқимларини ҳисобланг.

- а) 189 000
- б) 157 000
- в) 193 000
- г) 153 000

56. В компанияси Г компаниясининг тўлиқ шўъба корхонасидир ва у Г компаниясига 400000 сўм қарз. В компанияси ва Г компанияси олинадиган счетларларидаги қолдиқ мос равишда - 500 000 сўм ва 2 000 000 сўмга тенг. Консолидация қилинган баланс ҳисоботида олинадиган счетлар қолдиғи қуйидагича бўлиши керак:

- а) 2 500 000
- б) 2 400 000
- в) 2 100 000
- г) 2 000 000

57. А компания В компаниясини 150 000 сўмга сотиб олди.

А компаниясининг баланси:

Активлар - 700 000	Хусусий капитал - 300 000
	Мажбуриятлар - 400 000

В компаниясининг баланси:

Активлар - 300 000	Хусусий капитал - 130 000
	Мажбуриятлар - 170 000

Сотиб олиш санасига консолидация қилинган баланс тузинг.

- | | |
|-------------------------|---------------------------|
| а) Активлар - 1 000 000 | Хусусий капитал - 430 000 |
| | Мажбуриятлар - 570 000 |
| б) Активлар – 1 000 000 | Хусусий капитал - 300 000 |
| | Мажбуриятлар - 700 000 |
| в) Активлар – 850 000 | Хусусий капитал - 300 000 |
| Гудвилл - 150 000 | Мажбуриятлар - 570 000 |
| г) Активлар - 850 000 | Хусусий капитал - 300 000 |
| | Мажбуриятлар - 550 000 |

58. Компаниянинг молиявий ҳисоботини тайёрлаш даврида қуйидаги ҳодисалар содир бўлди. Улардан қайси молиявий ҳисоботда коррективроқ қилишни талаб қилади?

- а) Компания бошқа корхонанинг акциясини сотиб олган;
- б) Компаниянинг омборларидан бири ёниб кетган;
- в) Компания асосий воситалар бўйича амортизация ҳисоблаш усулини ўзгартиришга қарор қилди
- г) Компания ўзига тегишли бинони юқори нархда сотди.

59. «Мерри» компанияси ишлаб чиқариш мақсадида 125000 сўмда ускуна сотиб олди ва 20000 сўм транспорт харажатларини тўлади. Компания ускунани тестдан ўтказиш ва фойдаланишга тайёр қилиш мақсадида 10000 сўм тўлади. «Мерри» компанияси ускунанинг қиймати сифатида қайси суммани акс эттириши лозим?

- а) 155000

- б) 145000
- в) 135000
- г) 125000

60. Куйидаги ахборот «Менинг ватаним» компаниянинг 2001 йил ҳисоботидан олинган:
- | | |
|----------------------------------|---------|
| - хариднинг етказилиши | 30 000 |
| - хариднинг қайтарилиши | 75 000 |
| - реализация харажатлари | 150 000 |
| - ҳисобот йилининг охиридаги ТМЗ | 260 000 |

Сотилган маҳсулотнинг таннархи сотиш бўйича харажатларнинг 300% ташкил қилади. Сотишга тайёр товарларнинг таннархи қанча?

- а) 450000
- б) 740000
- в) 665000
- г) 710000

61. "Ария" компанияси ишлаб чиқариш ускунасини сотиб олди. Ушбу сотиб олишлар билан куйидаги харажатларни амалга оширди: с/фактура бўйича ускуна қиймати 25 000 сўм, транспорт харажатлари 2000 сўм, боғжона божи 500 сўм, ходимларни ўқитиш 4000 сўм, ускуна синаб кўриш бўйича материал харажатлари 1000 сўм. "Ария" компанияси ускунанинг қиймати сифатида қайси қийматни кўрсатиши лозим.

- а) 25 000
- б) 32 500
- в) 28 500
- г) 31 500

62. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг асосий мақсади бўлиб нима ҳисобланади?

- а) Ҳисобот даври давомида инвестицион ва молиявий фаолият ахборотни тақдим этиш
- б) Соф фойда мавжуд бўлганда даромадлар харжатларга нисбатан кўплигини тасдиқлаш учун
- в) Ҳисобот даври давомида пул маблағларининг кирим ва чиқим оқимлари тўғрисидаги ахборотни тақдим қилиш
- г) Банк билан муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашиш

63. Ҳисобот даври давомида дебиторлик қарзларнинг кўпайиши бу

- а) ҳисоблаш принципи бўйича ҳисобланган тушум касса усули бўйича ҳисобланган тушумдан паст
- б) ҳисоблаш принципи бўйича ҳисобланган тушум касса усули бўйича ҳисобланган тушумдан кўра юқори
- в) ҳисоблаш принципи бўйича ҳисобланган тушум касса усули бўйича ҳисобланган тушумга тенг
- г) ҳисоблаш принципи бўйича ҳисобланган харажатлар касса усули бўйича ҳисобланган харажатлардан кўра юқори

64. Пул эквивалентларига киритилмайди:

- а) қисқа муддатли векселлар
- б) хазина мажбуриятлари
- в) пул маблағлари бозорининг воситалари
- г) тўлаш муддати икки йил бўлган депозит сертификатлари

65. Сотиб олиш пайтида тўланган фрахт суммаси

- а) сотиб олинган товар қийматини оширади
- б) сотиб олиш счётига нисбатан контр счёти ҳисобланади
- в) доимий счёти ҳисобланади
- г) кредит сальдога эга бўлади

66. Инвентаризация ўтказиш пайтида у ёки бу товарни товар моддий захиралар таркибига қўшиш учун ҳал қилувчи омил бўлиб ... ҳисобланади

- а) унинг мавжудлиги
- б) ушбу товарга эгалик ҳуқуқи
- в) менежернинг профессионал мулоҳазаси
- г) сотиб олиш қийматининг тўланганлиги ва тўланмаганлиги

67. ТМЗларни баҳолаш учун ялпи идентификация усули қуйидаги ҳолларда қўлланилади, қачонки

- а) ТМЗлар бирлигининг ҳақиқатдаги ҳаракатини белгилаш мумкин бўлмаган тақдирда
- б) Компания таннархи паст бўлган бир типдаги товарларнинг катта миқдордаги ҳажмини сотганда
- в) Компания таннархи паст бўлган ҳар хил типдаги товарларнинг катта миқдордаги ҳажмини сотганда
- г) Компания миқдорлари чекланган қиммат товарларни сотганда

68. Келгуси давр харажатлари ҳисобланган муддат охирида қуйидаги тузатувчи ўтказмаларни бериш керак

- а) дебет актив счёти ва кредит харажат счёти
- б) дебет харажат счёти ва кредит актив счёти
- в) дебет ва кредит актив счёти
- г) дебет ва кредит харажат счёти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ МД-5А230901– 2,04

2018 йил "06" 05



МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО
СТАНДАРТЛАРИ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси:	230 000 – Иқтисод
Мутахассислик:	5А230901 – Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича); 5А230902 – Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Тошкент – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил "14" 26 даги 531 - сонли буйруғининг 10 - иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2018 йил "26" 05 даги 2 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Тошкент молия институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

- Норбеков Д. – Тошкент молия институти "Бухгалтерия ҳисоби" кафедраси доценти, и.ф.н.
Мисиров К. – ТМИ "Бухгалтерия ҳисоби" кафедраси доценти, и.ф.н.

Такризчилар:

- Ризаев Н. – Ўзбекистон Республикаси Банк молия академияси "Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит" кафедраси доценти, и.ф.н. (турдош ОТМ);
Каримов Н. – Ўзбекистон аудиторлар палатаси раиси, и.ф.д., профессор (кадрлар истеъмолчиси).
Қулжонов О. – ТМИ "Бухгалтерия ҳисоби" кафедраси доценти, и.ф.н.

Фан дастури Тошкент молия институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил 22 " 03 даги 8/910 - сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари” фани магистратура талабасиларга ўқитиш республикамизда бухгалтерия ҳисоби тизимини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш заруратини тақозо этади.

“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари” фани “Бухгалтерия ҳисоби” ва “Аудит” мутахассислиги бўйича таълим олаётган магистратура талабасиларга асосий ихтисослик фани ҳисобланади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган математика ва табиий, умумкасбий ва ихтисослик фанлари билан ўзаро боғлиқ ва услубий жиҳатидан узвий кетма-кетликда ўрганилади. Ушбу фан бўйича магистратура талабалардан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишнинг талаб этилади.

II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси

“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари” фанининг асосий мақсади – магистратура талабаларида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича назарий ва амалий билимларни шакллантиришдан иборат.

Фанининг вазифаси – молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини уйғунлаштирган ҳолда магистратура талабаларига молиявий ҳисоботларни халқаро даражада тайёрлаш ва тақдим этиш, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари асосида фаолият юритаётган корхоналарни халқаро стандартларга мувофиқ трансформация қилишни ўргатишдан иборат.

“Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари” фанини ўзлаштириш жараёнида магистратура талабаси:

- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига кириш;
- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида умумий масалалар *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*
- тушумларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи;
- номолиявий активларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи;
- баҳолашни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи;
- номолиявий мажбуриятларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*
- молиявий инструментларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи;
- консолидациялаш асосларини ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи;
- молиявий ҳисобот трансформацияси бўйича *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-Модуль. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида умумий масалалар

1-мавзу. “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари” фанига кириш

Молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг асосий мазмуни ва унинг бухгалтерларни тайёрлаш тизимидаги ўрни. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг яратилиш тарихи. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича кўмита(МХХС)нинг мақсади ва унинг тавсифи. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва фойдаланиш имкониятлари. Молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг концептуал асослари. МХХС (IFRS) 1 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини биринчи марта қўллаш”.

2-мавзу. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларида умумий масалалар

БХХС №1 “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши. БХХС (IAS) 7 “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши. БХХС (IAS) 8 “Ҳисоб сийёсатлари, бухгалтерия ҳисоби мақсадида баҳолашлардаги ўзгаришлар ва хатолар” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши. БХХС (IAS) 10 “Ҳисобот давридан кейинги ҳодисалар” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши. БХХС (IAS) 21 “Валюта курсларидаги ўзгаришларнинг таъсирлари” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши.

2-Модуль. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари тавсифи

3-мавзу. Тушумларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи

БХХС (IAS) 11 “Қурилиш шартномалари” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши. БХХС (IAS) 18 “Тушум” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши.

4-мавзу. Номолиявий активларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи

БХХС (IAS) 2 “Захиралар” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши. БХХС (IAS) 16 “Асосий воситалар”. БХХС (IAS) 23 “Қарзлар бўйича харажатлар” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши. БХХС (IAS) 40 “Инвестицион мулк” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши. БХХС (IAS) 38 “Номоддий активлар” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши. МХХС (IFRS) 5 “Сотиш учун мўлжалланган узок муддатли активлар ва давом эттирилмайдиган фаолият” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши.

5-мавзу. Баҳолашни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи
БХХС (IAS) 36 “Активларнинг қадрсизланиши” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши. МХХС (IFRS) 13 “Ҳаққоний қийматни баҳолаш” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши.

6-мавзу. Номолиявий мажбуриятларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи

БХХС (IAS) 37 “Резервлар, шартли мажбуриятлар ва шартли активлар” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши. БХХС (IAS) 12 “Фойда солиқлари” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши.

7-мавзу. Молиявий инструментларни ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи

БХХС (IAS) 32 “Молиявий инструментлар: тақдим этиш” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши. БХХС (IAS) 39 “Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши. МХХС (IFRS) 7 “Молиявий инструментлар: маълумотларни очиқ бериш” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши.

8-мавзу. Консолидациялаш асосларини ҳисобга олувчи стандартларининг тавсифи

БХХС (IAS) 28 “Қарам ташкилотлардаги ва қўшма корхоналардаги инвестициялар” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши. МХХС (IFRS) 10 “Жамланган молиявий ҳисоботлар” стандартининг мазмуни ва қўлланилиши.

79. Moliyaviy natijalar to'g'risidagi hisobotni umumlashtirilgan holda tuzish tartibi.
80. Tadqiqot va konstruktorlik ishlariga qilingan xarajatlar hisobi.
81. Obligatsiyalar bo'yicha muomalalar hisobi.
82. Aktsiyalarning chiqarilishi va sotilishining hisobi.
83. Korxonalarni bo'lish shaklida qayta tashkil etishni amalga oshirishda moliyaviy hisobot.
84. Moliyaviy natijalarni shakllantirish hisobini rivojlantirish istiqbollari.
- 85. Homiylik yordamlari hisobi.**

**Fanning ishchi o'quv dasturini ishlab chiqishda kurs ishi mavzularida qo'shimcha va o'zgarishlar kiritilishi mumkin.*

6. Fan bo'yicha talabalar bilimini baholash va nazorat qilish me'zonlari

Fandan talabalarining bilimini baholash 5 baholik tizimda amalga oshiriladi.

Fandan nazorat turlari. Fandan talabalarining bilimini nazorat qilish oraliq va yakuniy nazorat turlarini o'tkazish orqali amalga oshiriladi. Fandan nazorat turlari bo'yicha topshiriqlarning mazmuni talabaning bilimini xolis, obyektiv va aniq baholash imkoniyatini ta'minlaydi.

Oraliq nazorat (ON) semestr davomida o'quv jarayoni jadvaliga muvofiq o'quv mashg'ulotlari davomida 2 martagacha o'tkaziladi. (O'quv semestri davomida haftasiga 2 akademik soatdan kam bo'lgan fanlar bo'yicha ON o'tkazilmaydi).

ON bo'yicha talabalarining bilimini baholash fandan o'quv mashg'ulotlarini olib borgan professor-o'qituvchi tomonidan amalga oshiriladi. Talaba fandan yakuniy nazorat turi o'tkaziladigan muddatga qadar ONni topshirgan bo'lishi shart. ONni topshirmagan, shuningdek undan "2" (qoniqarsiz) baholangan talaba yakuniy nazoratga kiritilmaydi.

Yakuniy nazorat (YaN) talabalarining bilimini baholash o'quv mashg'ulotlarini olib bormagan professor-o'qituvchi tomonidan amalga oshiriladi. Fandan o'quv mashg'ulotlarini olib borgan professor-o'qituvchi yakuniy nazoratni o'tkazishda ishtirok etmaydi.

YaN shakli kafedra tomonidan belgilanadi hamda u semestr yakunida o'quv jarayoni jadvaliga muvofiq quyidagi mezonlarga asoslanib o'tkaziladi:

Baho	Talabaning bilimiga qo'yilgan talablarning asoslanishi
5 (a'lo)	talaba mustaqil xulosa va qaror qabul qiladi, ijodiy fikrlay oladi, mustaqil mushohada yuritadi, olgan bilimini amalda qo'llay oladi, fanning (mavzuning) mohiyatini tushunadi, biladi, ifodalay oladi, aytib beradi hamda fan (mavzu) bo'yicha tasavvurga ega deb topilganda;
4 (yaxshi)	talaba mustaqil mushohada yuritadi, olgan bilimini amalda qo'llay oladi, fanning (mavzuning) mohiyatni tushunadi, biladi, ifodalay oladi, aytib beradi hamda fan (mavzu) bo'yicha tasavvurga ega deb topilganda;
3 (qoniqarli)	talaba olgan bilimini amalda qo'llay oladi, fanning (mavzuning) mohiyatni tushunadi, biladi, ifodalay oladi, aytib beradi hamda fan (mavzu) bo'yicha tasavvurga ega deb topilganda;
2 (qoniqarsiz)	talaba fan dasturini o'zlashtirmagan, fanning (mavzuning) mohiyatini tushunmaydi hamda fan (mavzu) bo'yicha tasavvurga ega emas deb topilganda.

Talaba fandan baholanishi natijasidan norozi bo'lgan taqdirda, baholash natijasi e'lon qilingan vaqtdan boshlab 24 soat davomida apellyatsiya berishi mumkin.

YaNga kirmagan yoki kiritilmagan, shuningdek ushbu nazorat turi bo'yicha "2" (qoniqarsiz) baholangan magistrant akademik qarzdor hisoblanadi. Fandan akademik qarzdor magistrantga nazorat turlari (ON va YaN)ni qayta topshirish uchun 1 oy muddat beriladi.

Nazorat turlarini o'tkazilish tartibi buzilganligi aniqlangan hollarda o'tkazilgan nazorat turlarining natijalari bekor qilinishi hamda tegishli nazorat turi qaytadan o'tkazilishi mumkin. Fandan nazorat turi bo'yicha magistrantning bilimi "3" (qoniqarli) yoki "4" (yaxshi) yoxud "5" (a'lo)ga baholanganda, nazorat turini qayta topshirishga yo'l qo'yilmaydi.

Baholash natijalarini qayd qilish. Fandan talabalarning bilimini baholash shu kunning o'zida (yozma ish shaklida amalga oshirilgan hollarda 3 kundan ko'p bo'lmagan muddatda) akademguruh jurnalida qayd etib boriladi. Talaba nazorat turi o'tkazilgan vaqtda uzrli, sabablarsiz qatnashmagan hollarda akadem guruh jurnaliga "0" belgisi yozib qo'yiladi.

7. Asosiy va qo'shimcha o'quv adabiyotlar hamda axborot manbalari

Asosiy adabiyotlar

1. Karimov A., Kurbanbayev J., Jumanazarov S. Buxgalteriya hisobi: Darslik /; - T.: "Iqtisod-Moliya", 2018. – 416 b.
2. Karimov A., Muqumov Z, Tulayev M., Kurbanbayev J., Raxmonov Sh. Buxgalteriya hisobining axborot tizimlari. O'quv qo'llanma. –T.: Iqtisod-moliya, 2018. –194 b
3. Kuljonov O., Xusinov I., Jumanazarov S. Buxgalteriya hisobi nazariyasi. O'quv qo'llanma. –T.: Iqtisod-moliya, 2018. –237 b.
4. Kuljonov O., Ortiqov X., Yugay L., Tuxsanov X. Moliyaviy hisob. O'quv qo'llanma. –T.: Iqtisod-moliya, 2018. –246 b
5. Narbekov D., Misirov K., Tashmanov G'. Moliyaviy va boshqaruv hisobi. O'quv qo'llanma. –T.: Iqtisod-moliya, 2018. –194 b
6. Narbekov D., To'raev A., Raxmonov Sh. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari. O'quv qo'llanma. –T.: Iqtisod-moliya, 2018. –350 b
7. Narbekov D., Maxmudov A., Muxammedova D. Buxgalteriya hisobi. O'quv qo'llanma. –T.: Iqtisod-moliya, 2018. –236 b
8. Pardayev M.Q., Isroilov J.I., Isroilov B.I. Iqtisodiy tahlil. O'quv qo'llanma. T.:Print Line Group, 2017.-533 b.
9. Raximov M.Yu., Kalandarova N.N. Moliyaviy tahlil. Darslik–T.: Iqtisod-moliya, 2019. –752 b
10. Raximov M.Yu. Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. T.: Iqtisod -moliya. 2015. 386 b.
11. Сотволдиев А.С. Финансовый и управленческий учет. Учебник. Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2012 г. – 280 ст.
12. Шагиясов Т.Ш., Сагдиллаева З.А., Урманбекова И.Ф. Экономический анализ. /Учебник –Т.: Иқтисод-Молия, 2017. – 428 с.
13. Xasanov B., G'aniyev Z., Muxammedova D. Boshqaruv hisobi. O'quv qo'llanma. –T.: Iqtisod-moliya, 2018. –279 b
14. Roman Chychyla, Andrew J. Leone, Miguel Minutti-Meza. Complexity of financial reporting standards and accounting expertise. Journal of Accounting and Economics, Volume 67, Issue 1, February 2019, Pages 226-253 <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0165410118301101>
15. Gissel J.L. A case of fixed asset accounting: Initial and subsequent measurement. Journal of Accounting Education (37) 2016. 61-66 p.
16. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0748575116300422>

Qo‘shimcha adabiyotlar

17. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. - T.: O‘zbekiston, Yangi taxriri. 2017 yil tasdiqlangan.
18. O‘zbekiston Respublikasining Soliq Kodeksi. Yangi taxriri. 2013 yil.
19. O‘zbekiston Respublikasi Mehnat Kodeksi. 21.12.1995 yil tasdiqlangan, 01.04.1996 yildan kuchga kirgan.
20. O‘zbekiston Respublikasi “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi Qonuni, Yangi taxriri. 2016 yil 13 aprel.
21. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli Farmoniga 1-ilova. 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi.
22. O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining «1 yanvar’ holati bo‘yicha asosiy fondlarni har yili qayta baholashni o‘tkazish tartibi to‘g‘risida» nizom. O‘Z AV tomonidan 1192-son bilan ro‘yxatga olingan –T.: 2002 y.
23. O‘zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligi tomonidan tasdiqlangan “Buxgalteriya hisobining milliy standartlari” 1998-2011 yillar.
24. O‘zbekiston Respublikasi asosiy vositalarni hisobga olish to‘g‘risidagi yo‘riqnomasi. 2002y 188 b.
25. Karimov I.A. Ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot – pirovard maqsadimiz. – T.: “O‘zbekiston”, 2000 y., 15-b.
26. Mirziyoyev.Sh.M. “Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik-xar bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak”. T.: “O‘zbekiston” 2017 yil. 103 bet
27. Mirziyoyev.Sh.M. “Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz”. T.: “O‘zbekiston” 2017 yil. 54 bet.
28. Mirziyoyev Sh.M. Oliy Majlisga Murojaatnomasini o‘rganish va keng jamoatchilik o‘rtasida targ‘ib etishga bag‘ishlangan. Ilmiy-ommabop qo‘llanma. – Toshkent.: “O‘zbekiston”, 2018. - 135 b.

Internet saytlari

29. <http://www.gov.uz>. (O‘zbekiston Respublikasi hukumat portali)
30. <http://www.mf.uz> (O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi).
31. <http://www.ziyonet.uz> (Axborot ta’lim tarmog‘i)
32. <http://www.lex.uz> (O‘z R. Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi).
33. <http://www.sciencedirect.com>
34. <http://www.ifac.org>
35. <http://www.bem.uz> (BEM trening sentri)

36. [http:// www.buh.uz](http://www.buh.uz). (buxgalterlar uchun maslahat sayti)
37. <http://www.accounting.com>. (buxgalterlar uchun maslahat sayti)
38. <http://www.fasb.org>. MHHS bo'yicha rasmiy sayt

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA
MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI

«BUXGALTERIYA HISOBI» KAFEDRASI

D.E.Norbekov, I.K.Ochilov

**“MOLIYAVIY HISOBOTNING
XALQARO STANDARTLARI”**

fanidan mustaqil ta‘limni tashkil etish bo‘yicha

USLUBIY QO‘LLANMA

TOSHKENT - 2019

**D.E.Norbekov, I.K.Ochilov “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari”.
Uslubiy qollanma. T.:“” 2019.**

Ushbu uslubiy qollanma “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari” fanining magistratura ta’lim yo’nalishlarining o’quv rejasi va dasturiga muvofiq tayyorlangan bo’lib magistratura bo’limining 5A230901 – “Buxgalteriya hisobi” (tarmoqlar va sohalar bo’yicha) va 5A230902 – “Audit” (tarmoqlar va sohalar bo’yicha) mutaxassisilari bo’yicha ta’lim olayotgan talabalariga mo’ljallangan.

Mazkur uslubiy qollanma buxgalteriya hisobi va audit yo’nalishida mutaxassislarni tayyorlashda asosiy uslubiy qollanma hisoblanadi. Dasturda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari va uning konseptual asoslari, moliyaviy hisobotni tuzish bo’yicha tayyorgarlik ishlarini va uni taqdim qilish, moliyaviy hisobotni taqdim etish, pul mablag’lari harakati to’g’risidagi hisobot, baholangan majburiyatlar, shartli majburiyatlar va shartli aktivlar, valyuta kursi o’zgarishining ta’siri, zaxiralar, qurilish shartnomalari, asosiy vositalar, ijara, aktivlarning qadrsizlanishi, investitsiyaviy ko’chmas mulk, davlat subsidiyalarining hisobi, tushum, foyda solig’i kabi masalalarni qamrab olishga qaratilgan.

Ushbu uslubiy qollanma Toshkent moliya instituti qoshidagi Oliy o’quv yurtlararo Ilmiy-uslubiy Kengash majlisida (2019 yil “__” _____) muhokama qilingan va nashrga tavsiya etilgan.

Taqrizchilar: i.f.n. dots. I.I.Xusinov
i.f.n., dots. O.M.Kuljonov

KIRISH

Iqtisodiyotni modernizatsiyalash sharoitida xalqaro hisob tizimi taraqqiy ettirilishida buxgalteriya hisobining xalqaro standartlari (BHXS) muhim o‘rin tutadi. BHXSlar mamlakatlar o‘rtasidagi hamkorlikni, jumladan iqtisodiy munosabatlarni rivojlantirish va mamlakatlarda investitsion muhitni yaxshilashda muhim vosita sifatida xizmat qilmoqda. Shuning uchun ham kun sayin xalqaro standartlarni e’tirof etuvchi mamlakatlar soni oshib bormoqda. O‘zbekiston Respublikasi ham BHXSga o‘tishning o‘ziga xos yo‘lini tanladi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015 yil 24 apreldagi PF-4720-sonli “Aksiyadorlik jamiyatlarida zamonaviy korporativ boshqaruv uslublarini joriy yetish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga asosan, 2015-2018 yillarda barcha aksiyadorlik jamiyatlari yillik moliyaviy hisobotni nashr etishi va Xalqaro audit standartlari hamda Xalqaro moliyaviy hisobot standartlariga muvofiq tashqi auditni o‘tkazishi va aksiyadorlik jamiyatlari faoliyatining samaradorligini oshirish va korporativ boshqaruv tizimini takomillashtirish komissiyasi 2015 yilning 1 iyuliga qadar aksiyadorlik jamiyatlarining yillik moliyaviy hisobotini xalqaro standartlarga muvofiq nashr etish jadvalini tasdiqlanishi lozimligi belgilangan.

Bundan so‘ng, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015 yil 21 dekabrda PQ-2454-sonli “Aksiyadorlik jamiyatlariga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish borasidagi qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Qaroriga asosan, aksiyadorlik jamiyatlarining ustav kapitaliga 15 foizdan kam bo‘lmagan miqdorda xorijiy investorlarning ulushi jalb qilinishi lozimligi belgilangan.

Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, aksiyadorlik jamiyatlarida moliyaviy hisobotni tuzish va taqdim etish moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari asosida tuzilishiga to‘g‘ri keladi. Chunki, undan xorijiy investorlar aksiyadorlik jamiyatlarining moliyaviy hisobotlarini to‘g‘ridan to‘g‘ri tushunishiga va ishonch hosil qilish lozimligiga erishadi.

O‘zbekiston Respublikasida Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari bo‘yicha 612 ta aksiyadorlik jamiyati bo‘lib, ularning moliyaviy hisobotlari auditorlik tashkilotlari tomonidan transformatsiya qilinib, elektorn saytlarida e‘lon qilingan hamda investorlarning ishonchini oqlash maqsadida xalqaro standartlar asosida tayyorlangan hisobotlar jahon tili – ingliz tilida tarjima qilinib, 2016 yildan boshlab amalga oshirib kelinmoqda. Respublikamizda bu yangi bosqich bo‘lganligi sababli, MHXS 1 “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlarini birinchi marta qo‘llash” nomli standartiga asosan transformatsiya jarayonlari amalga oshirildi. Shu sababli, ushbu masalalar to‘plamida talabalar amaliy jarayonlarni o‘rganish maqsadida bilimlarni oshirib borish imkoniyati yuzaga keladi.

MUNDARIJA

1	«Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari» fanining predmeti, obhkti va metodi	
2	Moliyaviy hisobotni tuzish bo'yicha tayyorgarlik ishlari o'tkazish va uni taqdim qilish.	
3	Moliyaviy hisobotni taqdim etish (1-son MHXS). Hisob siyosati, hisob baholarini o'zgartirish va xatolar (8-son MHXS).	
4	Pul mablag'lari harakati to'g'risidagi hisobot (7-son MHXS). Baholangan majburiyatlar, shartli majburiyatlar va shartli aktivlar (37-son MHXS). Valyuta kursi o'zgarishining ta'siri (21-son MHXS).	
5	Zaxiralar (2-son MHXS). Qurilish shartnomalari (11-son MHXS). Asosiy vositalar (16-son MHXS). Ijara (17-son MHXS).	
6	Aktivlarni qadrsizlanishi (36-son MHXS). Nomoddiy aktivlar» (38-son MHXS). Investitsiyaviy ko'chmas mulk (40-son MHXS). Davlat subsidiyalarining hisobi va davlat yordami haqidagi ma'lumotni yoritish (20-son MHXS)	
7	Tushum (18-son MHXS). Foyda solig'i (12-son MHXS). Qarzlarni bo'yicha xarajatlar (23-son MHXS)	
8	Moliyaviy instrumentlar: ma'lumotni taqdim etish va yoritish (32-son MHXS). Moliyaviy instrumentlar: tan olinishi va o'lchanishi (39-son MHXS). Giperinflyatsiya iqtisodiyoti sharoitida moliyaviy hisobot (29-son MHXS).	
9	Biznesni birlashtirish (22-son MHXS). Jamlama va alohida moliyaviy hisobotni tuzish (27-son MHXS). Assotsiatsiyalangan korxonalariga investitsiyalar (28-son MHXS). Giperinflyatsiya iqtisodiyoti sharoitida moliyaviy hisobot (29-son MHXS). Qo'shma faoliyatda ishtirok 3tish (31-son MHXS).	

1-mavzu. “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari” fanining predmeti, ob’ekti va metodi

1-masala. Hozirgi kunda tasdiqlangan “Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlar”ni nomlari keltirilgan.

MHXS (IAS) 1. Moliyaviy hisobotlarni taqdim etish

MHXS (IAS) 2. Zaxiralar

MHXS (IAS) 7. Pul mablag‘lari harakati to‘g‘risida hisobot

MHXS (IAS) 8. Hisob siyosatlarini, hisoblab chiqilgan baholardagi o‘zgarishlar va xatolar

MHXS (IAS) 10. Hisobot davridan keyingi hodisalar

MHXS (IAS) 11 Qurilish shartnomalari

MHXS (IAS) 12. Foyda soliqlari

MHXS (IAS) 14. Segmentar hisobot

MHXS (IAS) 16. Asosiy vositalar

MHXS (IAS) 17. Ijara

MHXS (IAS) 18. Odatdagi faoliyatdan olinadigan daromad

MHXS (IAS) 19. Xodimlarning daromadlari

MHXS (IAS) 20. Davlat grantlarini hisobga olish va davlat yordami to‘g‘risida ma‘lumotlarni ochib berish

MHXS (IAS) 21. Valyuta kurslaridagi o‘zgarishlarning ta‘sirlari

MHXS (IAS) 23. Qarzar bo‘yicha xarajatlar

MHXS (IAS) 24. O‘zaro bog‘liq tomonlar to‘g‘risidagi ma‘lumotlarni ochib berish

MHXS (IAS) 26. Pension tizimlar bo‘yicha buxgalteriya hisobi va hisobot

MHXS (IAS) 27. Alohida moliyaviy hisobotlar

MHXS (IAS) 28. Qaram tadbirkorlik sub’ektlaridagi va qo‘shma korxonalaridagi investitsiyalar

MHXS (IAS) 29. Giperinflyatsiyali iqtisodiyotlarda moliyaviy hisobot berish

MHXS (IAS) 31. Tadbirkorlik faoliyatidagi ishtirok

MHXS (IAS) 32. Moliyaviy instrumentlar: taqdim etish

MHXS (IAS) 33. Bir aksiyaga to‘g‘ri keladigan foyda

MHXS (IAS) 34. Oraliq moliyaviy hisobotlar

MHXS (IAS) 36. Aktivlarning qadrsizlanishi

MHXS (IAS) 37. Rezervlar, shartli majburiyatlar va shartli aktivlar MHXS (IAS) 38. Nomoddiy aktivlar

MHXS (IAS) 39. Moliyaviy instrumentlar: tan olish va baholash

MHXS (IAS) 40. Investitsion mulk

MHXS (IAS) 41. Qishloq xo‘jaligi

MHXS (IFRS) 1. Moliyaviy hisobotlarni taqdim etish

Masalaning sharti: MXXS bilan BHMSning o‘zaro bir-biriga o‘xshashlik va farqini aniqlang hamda nomlanishini o‘rganing.

2-mavzu. Moliyaviy hisobotni tuzish bo‘yicha tayyorgarlik ishlari o‘tkazish va uni taqdim qilish.

2- masala. Moliyaviy hisobotni tuzish bo‘yicha tayyorgarlik ishlari o‘tkazish va uni

taqdim qilish «Spektor» kompaniyasi bo'yicha qo'shimcha materiallar quyida keltiriladi.

"Spektor" kompaniyasining BHMS bo'yicha tuzgan balansi

Aktiv	Satr kodi	31.12.17 ga
1	2	3
I. OBOROTDAN TASHKARI AKTIVLAR		
Nomoddiy aktivlar	110	3 084
Asosiy vositalar	120	600 035
Tugallanmagan qurilish	130	64 275
Material qiymatliklarga foydali qo'yilmalar	135	-
Uzoq muddatli moliyaviy qo'yilmalar	140	64 541
Kechiktirilgan soliq aktivlari	145	-
Boshqa oborotdan tashkari aktivlar	150	-
Jami 1 bulim buyicha	190	731 935
II. AYLANMA AKTIVLAR		
Zaxiralar	210	164 880
shu jumladan:		
xom ashyo va materiallar	211	113 871
o'stirishdagi va bokuvdagi xayvonlar	212	-
tugallanmagan ishlab chikarish xarajatlari	213	-
tayyor maxsulot va sotishga tayyor tovarlar	214	51 009
ortib jo'natilgan tovarlar	215	-
kelgusi davr xarajatlari	216	-
boshka zaxiralar va xarajatlar	217	-
Debitor karzdorlik (tulovi xisobot sanasidan 12 oydan ortik muddatda kutilayotgan karzdorlik)	230	-
shu jumladan xaridor va buyurtmachilar	231	-
Debitor karzdorlik (tulovi xisobot sanasidan keyin 12 oy ichida kutilayotgan karzdorlik) (minus 5000 sh.b. rezerv)	240	187 588
shu jumladan xaridor va buyurtmachilar	241	159 462
qisqa muddatli moliyaviy qo'yilmalar	250	11 232
Pul mablag'lari	260	20 586
Boshqa aylanma mablag'lar	270	-
Jami 2 bo'lim bo'yicha	290	384 286
B A L A N S	300	1 116 21

Passiv	Satr kodi	31.12.17 ga
1	2	3
III. KAPITAL I RYeZYeRVLAR		

		100
Ustav kapitali	410	000
Sotib olingan xususiy aksiyalari	411	-
qo'shilgan kapital	420	10 575
Rezerv kapitali	430	-
Taqsimlanmagan foyda (qoplanmagan zarar)	470	440 822
Jami III bulim bo'yicha	490	551 397
IV. UZOK MUDDATLI MAJBURIYATLAR		
Karzarlar va kreditlar	510	334 672
Kechiktirilgan solik majburiyatlari	515	3 600
Boshka uzoq muddatli majburiyatlar	520	-
Jami IV bo'lim bo'yicha	590	338 272
V. qISQA MUDDATLI MAJBURIYATLAR		
qarzarlar va kreditlar	610	43 330
Kreditor qarzdorlik	620	183 222
shu jumladan:		
mol yetkazib beruvchi va pudratchilar	621	110 059
korxonada xodimlari oldidagi qarzdorlik	622	5 861
budjetdan tashkari fondlar oldidagi qarzdorlik	623	2 231
budjet oldidagi qarzdorlik	624	7 942
boshka kreditorlar	625	57 129
Tasishchilar oldidagi qarzdorlik	630	-
Kelgusi davr daromadlari	640	-
Kelgusi davr rezervlari	650	-
Boshka kiska muddatli majburiyatlar	660	-
Jami V bo'lim bo'yicha	690	226 552
BALANS	700	1116 221

Masalaning sharti: BHMS asosida tuzilgan hisobotni MHXSga o'tkazish bo'yicha korxonada tayyorgarlik ishlarini ko'rishning rejasini tuzing. MHXS bo'yicha tuzilgan chet el adabiyotlaridan keltirilgan balanslar asosida xalqaro standartlar asosida hisobotlarga asoslanib, hisobotlarni taqqoslang.

3-mavzu. Moliyaviy hisobotni taqdim etish (1-son MHXS). Hisob siyosati, hisob baholarini o'zgartirish va xatolar (8-son MHXS).

3-masala. Moliyaviy hisobotni taqdim etish, hisob siyosati, hisob baholarini o'zgartirish va xatolar bo'yicha «Spektor» kompaniyasining ma'lumotlari berilgan.

4-mavzu. Pul mablag'lari harakati to'g'risidagi hisobot (7-son MHXS). Baholangan majburiyatlar, shartli majburiyatlar va shartli aktivlar (37-son MHXS). Valyuta kursi o'zgarishining ta'siri (21-son MHXS).

4-masala. Pul mablag‘lari harakati to‘g‘risidagi hisobot, baholangan majburiyatlar, shartli majburiyatlar va shartli aktivlar, valyuta kursi o‘zgarishining ta‘siri yuzasidan ma‘lumotlar berilgan.

MHXS da (IAS) 7 pul mablag‘lari xarakatiga bag‘ishlangan.Unda pul mablag‘larining ekvi-valentlariga tushuncha berilgan.Unga ko‘ra Pul mablag‘larining ekvivalentlari – belgi-langan summadagi pul mablag‘lariga oson aylantiriladigan va qiymatining o‘zgarishi jihatidan sezilarsiz darajadagi riskka ega bo‘lgan, qisqa muddatli va yuqori likvidli investitsiyalardir.Masalan, investitsiya odatda uning so‘ndirish muddati qisqa bo‘lsagina, ya‘ni xarid qilingan paytdan boshlab taxminan uch oy yoki undan kam muddat ichida to‘lanadigan bo‘lsa, pul mablag‘larining ekvivalenti deb hisoblanishi mumkin. Ayrim davlatlarda, talab qilinganda to‘lanadigan bank overdraftlari tadbirkorlik sub‘ektining pul mablag‘larini boshqarish jarayonining ajralmas qismi Hisoblanadi. Ushbu xollarda, bank overdraftlari pul mablag‘lari va ularning ekvivalentlari tarkibiga kiritiladi.

Bundan tashqari, agar pul mablag‘lariga taqiq qo‘yilgan bo‘lsa, ulardan foydalanish imkoni bo‘lmaydi, yani ular likvidligini yo‘qotadi.Bunday xolatda ularni pul mablag‘lari tarkibida ko‘rsatib bo‘lmaydi.

Masalaning sharti:

«Alfa» korxonasi balansidagi qisqa muddatli moliyaviy quyilmalar moddasida 31.11.2017 y sanasiga quyidagi summalardagi depozitni o‘z ichiga oladi.

- qaytarish muddati 31.07.2017 y bo‘lgan 3 000 ming so‘mlik

- qaytarish muddati 28.02.2017 y bo‘lgan 500 ming so‘mlik

31.12.2017 y sanasida kompaniyaning umumiy summasi 1 500 ming so‘m bo‘lgan bankdagi pul mablag‘iga taqiq mavjud.

31.12.2017 y sanasiga pul mablag‘larida qo‘yilgan taqiq yechilmagan.

Vazifa: Tegishli reklassifikatsiya yozuvlarini amalga oshiring

5-mavzu. Zaxiralar (2-son MHXS). Qurilish shartnomalari (11-son MHXS). Asosiy vositalar (16-son MHXS). Ijara (17-son MHXS).

5.1-masala. Zaxiralar, qurilish shartnomalari, asosiy vositalar, ijara bo‘yicha «Spektor» kompaniyasining ma‘lumotlari berilgan.

Asosiy vositalarni aktiv sifatida tan olishda BXXS 16 da BXMS 5 dagi kabi qiymat mezoni mavjud emas.Shunga ko‘ra, ehtiyot qismlar, yordamchi va ta‘mirlovchi jihozlar kabi moddalar asosiy vositalar ta‘rifiga mos kelganida ushbu BHXS ga muvofiq asosiy vosita sifatida tan olinadi. Aks hollarda bunday moddalar tovar-moddiy zaxiralar tarkibiga kiritiladi.

Shuning uchun, MXXS bo‘yicha hisobot tayyorlashda ushbu modda bo‘yicha farq chiqishi mumkin.

Masalaning sharti:

2014 yilning yanvar oyida qiymati 3 mln so‘m va rejalashtirilgan xizmat qilish muddati 3 yil bo‘lgan yirik extiyot qism sotib olindi. Shu oyning o‘zida u xarajatga chiqarildi.

Vazifa:

MXXS maqsadlarida yirik extiyot qismni asosiy vosita tarkibiga tiklash va undan 1 va 2 yil davomida foydalanish bo‘yicha tegishli tuzatish yozuvlarini amalga oshirish.

Yechim:

1. Xarajatga chiqarilgan yirik extiyot qismni asosiy vositalar tarkibiga tiklash bo‘yicha buxgalteriya yozuvlari
2. Foydalanishga berilgan asosiy vosita (yirik extiyotqism) ga 1 yil uchun eskirish hisoblash.
3. 2- yil uchun MXXS bo‘yicha hisobot tayyorlashda tuzatish yozuvlarini amalga oshirish

Asosiy vositalarni qayta baholash operatsiyalarning amalga oshirish va aks ettirish
bo‘yicha talablar

Qayta baholash modeli

- 31 Aktiv sifatida tan olinganidan so‘ng, haqqoniy qiymati ishonchli tarzda baholanishi mumkin bo‘lgan asosiy vosita ob‘ekti qayta baholangan qiymati bo‘yicha hisobga olinishi kerak. Bunda uning qayta baholangan qiymati bo‘lib uni qayta baholash sanasiga bo‘lgan haqqoniy qiymatidan keyinchalik jang‘arilgan eskirish summasi va keyinchalik yig‘ilgan qadrsizlanish bo‘yicha zararlar chegirilgan-dagi qiymati hisoblanadi.
- Aktivning balans qiymati hisobot davri oxiridagi haqqoniy qiymati asosida aniqlanadigan qiymatidan muhim darajada farq qilmasligi uchun qayta baholashlar yetarlicha muntazam ravishda o‘tkazilishi kerak.
- 35 Asosiy vosita ob‘ekti qayta baholanganida, qayta baholash sana-sigacha jang‘arilgan har qanday eskirish summasi quyidagi usullarning biri yordamida tuzatiladi:
- (a) aktivning yalpi balans qiymatidagi o‘zgarishga proporsional tarzda qayta hisoblanadiki, natijada qayta baholashdan so‘ng aktivning balans qiymati uning qayta baholangan qiymatiga teng bo‘ladi. Ushbu usuldan aktivning qayta tiklash qiymatini aniqlash uchun indeks qo‘llanilganida ko‘pincha foydalaniladi (MHXS 13 ga qarang).
 - (b) jang‘arilgan amortizatsiya aktivning yalpi balans qiymatidan chegirib tashlanadi va sof balans qiymati aktivning qayta baholangan qiymati summasida aks ettiriladi. Ushbu usuldan ko‘pincha binolar uchun **foydalaniladi.**

Jamg'arilgan eskirishni qayta hisoblash yoki chegirib tashlashda yuzaga keladigan tuzatish summasi balans qiymatining qo'payishi yoki kamayi-shining bir qismini tashkil etadi hamda 39 va 40 bandlarga muvofiq hisobga olinadi.

5.2-masala.

2017 yilning 1 yanvarida Triiks kompaniyasi asosiy vosita sotib oldi. Uning dastlabki qiymati 100 sh.b., foydalanish muddati-5 yil. 31.12.2017 y sanasiga asosiy vositaning bozor qiymati professional baholovchining hisobotiga ko'ra 90 sh.b. ga teng. Foydali xizmat kilish muddati qayta ko'rib chiqilmadi.

Misolning yechimi

1. Proporsional usul

a) 31.12.2017 y sanasiga asosiy vositaga 20 sh.b. eskirish hisoblangan.

100 sh.b. : 5 yil q 20 sh.b.

b) qayta baholashgacha obektning qoldiq qiymati 80 sh.b. (100 – 20)

v) qayta baholash koeffitsiyenti 1,125 (90 sh.b.:80 sh.b.) ga teng

Shunga ko'ra

Asosiy vosita boshlang'ich qiymatining qayta baholash koeffitsiyentiga tuzatilgan summasi

100 sh.b. x 1,125 – 100 sh.b. q 12,5 sh.b.

Asosiy vosita eskirish qiymatining qayta baholash koeffitsiyentiga tuzatilgan summasi

20 sh.b. x 1,125 – 20 sh.b. q 2,5 sh.b.

Dt Asosiy vosita	12,5
Kt Asosiy vositaning eskirishi	2,5
Kt Asosiy vositani qayta baholash bo'yicha rezerv	10,0

Asosiy vositani "yangi" dastlabki qiymati va eski foydalanish muddatidan kelib chiqqan holda 2015 yildan xarajatga olib boriladigan yangi eskirish summasi

112,5 : 5 yil q 22,5 sh.b.

2. Jamg'arilgan eskirish summasini asosiy vosita qiymatiga hisobdan chiqarish usuli qayta baholash sanasiga jamg'arilgan eskirish summasi asosiy vosita qiymatiga hisobdan chiqariladi

Dt Asosiy vositaning jamg'arilgan eskirishi 20 sh.b

Kt Asosiy vosita 20 sh.b.

qoldiq qiymat (80 sh.b.) bozor bahosi (90 sh.b.) ga qadar ko'tariladi

Dt Asosiy vosita 10 sh.b.

Kt Asosiy vositani qayta baholash bo'yicha rezerv 10,0

2015 yildan asosiy vositaga qolgan foydalanish muddati (5-1q 4 yil) asosida hisoblanadigan eskirish summasi aniqlanadi

90 sh.b. : 4 yil q 22,5 sh.b.

5.3-masala.

2014 yilning 31 dekabr holatiga kompaniya balans qiymati 1 mln sh.b. bo'lgan binoga ega. Uning dastlabki qiymati 3 mln sh.b. va jamg'arilgan eskirish summasi 2 mln sh.b.

ga teng.

Ushbu sanaga binoning haqqoniy qiymati 2,5 mln sh.b. ni tashkil qiladi.

Masalaning sharti:

Asosiy vositalarni qayta baholash muomalalarini

a) proporsional qayta baholash

b) jamg'arilgan eskirishni hisobdan chiqarish

usullari bilan aks ettiring

Yechim:

A. Proporsional qayta baholash usuli

Ko'rsatkichlar	qayta baholashgacha	Koef.	qayta baholashdan so'ng
Boshlang'ich (qayta baholangan) qiymat			
(-) Jamg'arilgan eskirish			
Balans qiymati			

Buxgalteriya yozuvlari :

1. Dt

Kt

2. Dt

Kt

A. Jamg'arilgan eskirish summasini asosiy vosita qiymatiga Hisobdan chiqarish usuli

Ko'rsatkichlar	qayta baholashgacha	o'rtadagi farq	qayta baholashdan so'ng
Boshlang'ich (qayta baholangan) qiymat			
(-) Jamg'arilgan eskirish			
Balans qiymati			

Buxgalteriya yozuvlari :

1. Dt

Kt

2. Dt

Kt

5.4-masala. Zaxiralar

«Avtotexxizmat Lyuks» AJ Rossiya Federatsiyasida ishlab chiqarilgan avtomashinalarni so-tishga ixtisoslashgan. 31.12.2014 y sanasiga kompaniya omborida

Narxi 35 mln soʻmlik- 1 dona VAZ-21093 avtomashinasi

Narxi 31 mln soʻmlik - 1 dona VAZ-21007 avtomashinasi

Narxi 24 mln soʻmlik - 1 dona VAZ-2106 avtomashinasi mavjud boʻlgan

Shu kuni VAZ-21093 avtomashinasi 36 mln soʻmga, VAZ-2106 avtomashinasi esa 24 mln soʻmga sotildi. Ombordagi qoldiq tovarlar qiymati qanchaga teng?

a) 30 mln soʻm

b) 24 mln soʻm

c) 35 mln soʻm

d) 31 mln soʻm

5.5-masala. Kompaniya 1 birlik tovarni 150 sh.b ga sotib oldi. Ushbu tovar birligining sotib olish muddatidagi bozor baxosi 180 sh.b.ga teng. Xisob davri oxiriga uning bozor baxosi 140 sh.b.ni tashkil kildi va kompaniya bu tovarni sotishga qaror kildi. Tovarni sotishga tayyorlash va sotish xarajatlari 10 sh.b.ga teng.

Masalaning sharti:

Kompaniya yil oxirida tovar qiymatini balansda kaysi qiymatda aks ettiradi ?

5.6-masala.

Zaxiralar Hisobi 4-sonli «Tovar moddiy zaxiralar» deb nomlangan BXMS va shu «Zaxiralar» deb nomlangan 2-sonli MXXS orqali tartibga solinadi.

BXMS № 4 ga asosan material qiymatliklar buxgalteriya xisobiga tannarxda qabul qilinadi.

MHXS № 2 ga asosan tovar-moddiy zaxiralari tannarxi yoki sof sotish qiymatidan qaysi biri

kamroq boʻlsa, oʻsha boʻyicha baholanishi lozim.

Sof sotish qiymati - bu odatdagi faoliyat davomida ishlab chiqarishni oxiriga yetkazish boʻyicha xarajatlar va sotishni amalga oshirish uchun zarur boʻlgan va taxminiy baholangan xarajatlar chegirib tashlangan sotish bahosidir.

BXMS da shunga oʻxshash yondashuv Hisobot davrining oxirida TMZ ni baholash uchun qoʻllaniladi. Unga koʻra tovar-moddiy zaxiralar, agar sotishning sof qiymati ularning haqiqiy tannarxidan past boʻlsa, sotishning sof qiymati boʻyicha aks ettiriladi.

Manaviy eskirgan, boshlangʻich sifatini toʻliq yoki qisman yoʻqotgan yoki ularni sotishning sof qiymati pasaygan TMZ buxgalteriya balansida ularni qadrsizlanishi boʻyicha tuzilgan rezerv summasi-ni ayirgan holda koʻrsatiladi. TMZ ni qadrsizlanishi boʻyicha rezerv kompaniyaning moliyaviy nati-jalari hisobidan ularning bozor hamda haqiqiy tannarxi oʻrtasidagi farq summasiga tashkil qilinadi. Ammo, amaliyotda hamma vaqt ham bu qoʻllanilmaydi.

Masalaning sharti:

1. 2017 yilning yanvar-fevral oylarida balans qiymati (tannarxi) 300 ming soʻm boʻlgan «A» nomli TMZ 100 ming soʻmlik tijorat xarajatlari bilan birga 300 ming soʻmga sotildi.

31.12.16sanasiga «A» zaxiraning qoldigʻi 3 mln soʻmni tashkil qiladi.

2. 2017 yilning yanvar-fevral oylarida balans qiymati 3 650 ming so‘m bo‘lgan «B» nomli TMZ qoldig‘i 500 ming so‘mlik tijorat xarajatlari bilan birga 4 500 ming so‘mga sotildi.

31.12.16 sanasiga «B» zaxiraning qoldig‘i 10 mln so‘mni tashkil qiladi.

3. 31.12.2016 y sanasiga nolikvid zaxiralar qiymati 15 ming so‘mni tashkil qildi va ular 2017yili xarajatlarga hisobdan chiqarildi.

4. Kompaniya 2017 yildan MXXS bo‘yicha hisobot tayyorlashga qaror qildi

Masalaning sharti: TMZ ni qadrsizlanish darajasini aniqlang, tegishli bux.yozuvlari rasmiylashtiring.

6-mavzu. Aktivlarni qadrsizlanishi (36-son MHXS). Nomoddiy aktivlar» (38-son MHXS). Investitsiyaviy ko‘chmas mulk (40-son MHXS). Davlat subsidiyalarining hisobi va davlat yordami haqidagi ma'lumotni yoritish (20-son MHXS)

6.1-masala. Aktivlarni qadrsizlanishi, nomoddiy aktivlar, investitsiyaviy ko‘chmas mulk, davlat subsidiyalarining hisobi va davlat yordami haqidagi ma'lumotni yoritish bo‘yicha «Spektor» kompaniyasining ma'lumotlari berilgan.

«Spektor» kompaniyasida may oyida dasturiy ta‘minot xisobdan chiqarildi: balans qiymati 2000ming sum, eskirish qiymati 1500ming sum. Nomoddiy aktiv sotish qiymati 3000ming sum. Moliyaviy natijani aniqlab, muomalaga quyidagicha provodka (ming so‘mda) beramiz:

◆ dasturiy ta‘minotning sotish qiymatiga:

D-t 4890-«Boshqa shaxslarning qarzlari-joriy kismi» - 3000 sum

K-t 9220-«Boshqa aktivlarning realizatsiyasi va boshqacha chiqib ketishi» - 3000 sum.

◆ balans qiymati hisobdan chiqarildi:

D-t 9220-«Boshqa aktivlarning realizatsiyasi va boshqacha chiqib ketishi» - 2000 sum

K-t 0430-«Dasturiy ta‘minot» - 2000 sum.

◆ eskirish qiymati hisobdan chiqarildi:

D-t 0530-«Dasturiy ta‘minotning eskirishi» -1500 sum

K-t 9220-«Boshqa aktivlarning realizatsiyasi va boshqacha chiqib ketishi» - 1500 sum.

◆ dasturiy ta‘minotni sotishdan foyda olindi $(3000+1500-2000)=2500$ sum:

D-t 9220-«Boshqa aktivlarning realizatsiyasi va boshqacha chiqib ketishi» - 2500 sum

K-t 9320-«Boshqa aktivlarning realizatsiyasi va boshqacha chiqib ketishidan olingan foy

2500 sum.

Agarda korxonada dasturiy ta‘minotni 300 ming sumga sotganida, moliyaviy na quyidagiga teng bo‘lar edi:

◆ dasturiy ta‘minotning sotish qiymatiga;

D-t 4890-«Boshqa shaxslarning qarzlari-joriy kismi» - 300 ming sum

K-t 9220-«Boshqa aktivlarning realizatsiyasi va boshqacha chiqib ketishi» - 300ming sum.

- balans qiymati hisobdan chiqarildi:

D-t 9220-«Boshka aktivlarning realizatsiyasi vaboshqacha chiqib ketishi» - 2000 sum

K-t 0430-«Dasturiy ta'minot» - 2000 sum.

◆ eskirish qiymati hisobdan chiqarildi:

D-t 0530-«Dasturiy ta'minotning eskirishi» - 1500 sum

K-t 9220-«Boqaa aktivlarning realizatsiyasi va boshqacha chiqib ketishi» - 1500 sum.

◆ dasturiy ta'minotni sotishdan zarar kurildi $(300+1500-2000) = -200$ ming sum:

D-t 9430-«Boshqa operatsion xarajatlar» - 200 ming sum

K-t 9220-«Boshqa aktivlarning realizatsiyasi va boshqacha chiqib ketishi» - 200 ming sum.

6.1-masala. Quyida keltirilgan malumotlardan foydalanib aktivlarni qadrsizlanishini testdan o'tkazing va ularning testdan keyingi balans qiymatini aniqlang.

Variant	Foydalanish qiymati	Sotish xarajatlari ayrilgan xakkoniy qiymat, m.sh.b	Koplana - digan qiymat, m.sh.b	Balans qiymati, m.sh.b	Kadrsizlanish -dan zarar m.sh.b (5-4)	Aktivning kadrsizlanish bo'yicha utkazilgan testdan keyingi balans qiymati
1	2	3	4	5	6	7
1	200	190		100		
2	200	150		300		
3	200	250		300		

6.3-masala. Kompaniya 20 000 sh.b. ga mualliflik huquqini sotib oldi. Shartnoma shartlariga ko'ra kompaniya ushbu huquqdan 4 yil mobaynida foydalanadi.

Foydalanish muddati (4 yil) dan keyin shunga o'xshash mualliflik huquqining joriy bozor qiymati 6 000 sh.b. ga teng.

Ushbu summa mualliflik huquqining tugatish qiymati sifatida qabul qilinishi mumkin. 4 yildan keyin kompaniya NMA ni sotib yubordi. qo'shimcha sotish xarajatlari yuzaga kelmadi.

Masalaning sharti:

1. NMA ning amortizatsiyalanadigan qiymati va yillik amortizatsiya summasini aniqlash

2. Ushbu xo'jalik muomalalari bilan bog'liq buxgalteriya yozuvlarini rasmiylashtirish.

Ko'rsatkichlar	FZX/ BB	DT	KT

--	--	--	--

7-mavzu. Tushum (18-son MHXS). Foyda solig'i (12-son MHXS). Qarzlari bo'yicha xarajatlar (23-son MHXS)

7.1- masala. MXXS xam BXXS Ham to'lanishi dargumon debitorlik qarzlari bo'yicha rezerv tuzishni nazarda tutadi.

Masalaning sharti:

«Spektor» kompaniyasi dargumon debitor qarzlari bo'yicha 2016 va 2017 yillarda rezerv tashkil qilmagan. 2017 yildan esa MXXS ga o'tishni rejalashtirgan.

MXXS maqsadlari uchun kompaniya debitorlik qarziniquadrsizlanishi nuqtai nazaridan taxlil qilmoqda. Debitorlik qarzi va rezerv summasini hisoblab chiqishda qo'llaniladigan stavkalar strukturasi quyida keltirilgan.

Ko'rsatkichlar	Debitorlik qarzi qoldig'i		Rezervlashtirish stavkasi	
	31.12.16 y	31.12.17 y	31.12.16 y	31.12.17 y
muddati o'tmagani	14 880	15 879	0 %	0 %
muddati o'tgan qarzdorlik				
1 kundan 30 kungacha	2000	5000	5%	10%
31 kundan 90 kungacha	1200	3000	25%	30%
91 kundan 180 kungacha	500	1000	50%	50%
181 kundan yuqori	1300	20	100%	100%

Masalaning sharti: Dargumon debitorlik qarzlari bo'yicha rezerv summasini aniqlang va rezerv tashkil qilish bo'yicha tegishli buxgalteriya yozuvlarini rasmiylashtiring.

Masalani yechimi:

1. 2016 y uchun dargumon debitorlik qarzlari bo'yicha rezerv summasini aniqlash

Ko'rsatkichlar	31.12.2016 y	Rezervlashtirish stavkasi	MHXS bo'yicha rezerv
muddati o'tmagani			
muddati o'tgan qarzdorlik			
1 kundan 30 kungacha			
31 kundan 90 kungacha			
91 kundan 180 kungacha			
181 kundan yuqori			
Jami			

2. 2016 y uchun MXXS ga asosan dargumon debitorlik qarzlari bo'yicha rezerv tashkil ki-lish bo'yicha buxgalteriya yozuvi

3. 2017 y uchun dargumon debitorlik qarzlari bo'yicha rezerv summasini aniqlash

Ko'rsatkichlar	31.12.2017 y	Rezervlashtirish stavkasi	MHXS bo'yicha rezerv
muddati o'tmagani			
muddati o'tgan qarzdorlik			
1 kundan 30 kungacha			
31 kundan 90 kungacha			
91 kundan 180 kungacha			
181 kundan yuqori			
Jami			

4. 2014 y uchun MXXS ga asosan dargumon debitorlik qarzlari bo'yicha rezerv tashkil ki-lish bo'yicha buxgalteriya yozuvi

7.2- masala.

Kompaniya mijozlariga sotilgan maxsulotlarining barchasiga sotish sanasidan boshlab 2 yillik ka-folat taqdim qiladilar. Sotish xajmi 2012 yili - 1500 dona, 2013 yili -2100 donani tashkil qil-gan. Bir dona sotilgan maxsulot uchun kafolatli tamirlash xarajatlari 1 000 so'm, extiyot qismlar uchun 2000 so'mni tashkil qiladi. Taxlil, maxsulot sotilgach, kafolatli tamirlash uchun o'rtacha 1- yili xaridorlarning 10%, 2 - yili esa 5 % murojaat qilayotganligini ko'rsatgan.

Kompaniya 2014 yildan MXXS bo'yicha hisobot tayyorlashga qaror qildi.

Kompaniya mutaxassislarining taxliliga ko'ra 2013 yili sotilgan tovarlarni kafolatli tamirlash bo'yicha amalga oshiriladigan xarajatlar

1- yilning oxiriga qadar – 60% ni

2- yilning oxiriga qadar - 40 % ni

Kompaniya chiqib ketadigan pul oqimlarining sof keltirilgan qiymatini aniqlash uchun 7% li bir yillik va 9 % li ikki yillik bank kredit stavkasidan foydalanadi.

Kafolatli tamirlash uchun rezerv hisoblashda barcha sotuv **yilning oxirida** amalga oshirilgan deb hisoblash tavsiya etiladi.

Masalaning sharti: Kompaniya malumotlaridan foydalanib kafolatli tamirlash bo'yicha rezervning diskont qiymatini aniqlang.

Yechim:

Kompaniya 2014 yildan MXXS bo'yicha hisobot tayyorlashga qaror qildi. Demak, 2013 yil MXXS ga o'tish sanasi hisoblanadi.

1. Kafolatli tamirlash bo'yicha 2013 yilga tegishli rezerv summasini aniqlash, ming so'm

	2013	2014	2015
Kafolat parki			
2012 y dan			
2013 y dan			
Xarajatlar			
2012 y dan			
2013 y dan			
Jami xarajatlar			
Kafolatli tamirlash bo'yicha rezerv summasi			

2. 2013 yili kafolat bilan sotilgan maxsulotlarga bog'liq holda kutilayotgan pul oqimlari chiqimi quyidagi tartibda aniqlanadi:

Yillar	Xisob-kitob	Kutilayotgan pul to'lovlari	Diskont-lash stavkasi	Diskont koeffitsiyenti	Keltiril-gan sof qiymat
1- yil					
2- yil					
JAMI	x		x	x	

3. Kafolatli tamirlash bo'yicha 2016 yil uchun diskontlangan rezerv summasini tashkil qilish bo'yicha tegishli buxgalteriya yozuvlarini amalga oshirish, ming so'm

7.3- masala. Kompaniya o'z maxsulotini mijozlariga 3 yillik kafolatli tamirlab berish sharti bilan taqdim qiladi. 2017 yildan boshlab kompaniya tasischilari MXXS bo'yicha hisobot tuzishga qaror qildilar.

Kompaniya 2016 yili 1 000 000 sh.b. qiymatida maxsulotini sotdi.

Tajriba ko'rsatishiga sotilgan maxsulotning:

90% kafolatli tamirlashni talab qilmaydi

6% ayrim nuqsonlarga ega bo'lib, uni bartaraf qilish sotish bahosining 30% ni tashkil kiladi

4% muxim nuqsonlarga ega bo'lib, uni bartaraf qilish sotish bahosining 70% ni tashkil kiladi

Shunga ko'ra kafolat bo'yicha xarajatlarni quyidagi tartibda hisoblab chiqish mumkin:

1 000 000 sh.b. * 90 % * 0 q	0 sh.b.
1 000 000 sh.b. * 6% * 30% q	18 000 sh.b.
1 000 000 sh.b. * 4% * 70% q	28 000 sh.b.
Jami	46 000 sh.b.

Kompaniya mutaxassislarining taxliliga ko'ra 2016 yili sotilgan tovarlarni kafolatli tamirlash bo'yicha amalga oshiriladigan xarajatlar

2016 yilning oxiriga qadar – 60% ni

2017 yilning oxiriga qadar - 30 % ni

2018 yilning oxiriga qadar- 10 % ni tashkil qiladi.

Hisob kitoblar pul oqimlarini chiqib ketishini ko'rsatmoqda.

Kompaniya chiqib ketadigan pul oqimlarining sof keltirilgan qiymatini aniqlash uchun 6% li bir yillik va 7 % li ikki va uch yillik obligatsiyalarning diskont stavkasidan foydalanadi.

2016 yili kafolat bilan sotilgan maxsulotlarga bog'liq holda kutilayotgan pul oqimlari chiqimini quyidagi tartibda aniqlanadi:

Yillar	Xisob-kitob	Kutilayotgan pul to'lovlari	Diskontlash stavkasi	Diskont koeffitsiyenti	Keltirilgan sof qiymat
2016					
2017					
2018					
JAMI	x		x	x	

Shunga ko'ra, kompaniya kafolatli xizmat ko'rsatish bo'yicha _____ qiymatidagi majburiyatni tan oladi va shu summaga rezerv tashkil qiladi.

DT

KT

7.4-Masala.

"Z" aksiyadorlik jamiyati 2016 yilning 01 fevralida jamiyat bino qurilishini boshladi. qurilishni 3 yildan so'ng bitkazish rejalashtirilgan.

Olingan qarzlarni bo'yicha foizlar hisobot yilining oxirgi sanasi (31 dekabr) da to'lanadi.

2016 yil bo'yicha qurilish borasidagi xarajatlar quyidagilarni tashkil qildi:

01.02.2016 y 40 mln so'm

01.05.2016 y 20 mln so'm

01.10.2016 y 50 mln so'm

01.12.2016 y 30 mln so'm **Jami 140 mln so'm**

Jamiyat quyidagi qarz mablag'lariga ega

Qarz mablag'lari turi	Olingan sana	qarz summasi, mln so'm	Samarali foiz stavkasi, %	2017 yil uchun foizlar summasi, mln so'm
qarz qimmatli qog'ozlar	01.06.2013 y	300	18	54
Bank krediti	01.02.2014 y	100	18	16,5
Bank krediti	01.03.2012 y	200	12	24
JAMI	x	600	x	94,5

Masalaning yechimi: Aktiv qiymatiga kapitalizatsiya qilinadigan summani aniqlang

Masalaning yechimi:

Sana	Bino qurilishi bo'yicha xarajatlari, mln so'm	Maxsus qarz mablag'lari Hisobidan, mln so'm	Umumiy qarz mablag'lari hisobidan, mln so'm	Maxsus qarz mablag'lari bo'yicha kapitalizatsiya qilinadigan xarajatlari, mln so'm	Umumiy qarz mablag'lari bo'yicha kapitalizatsiya qilinadigan xarajatlari, mln so'm
01.02.2014					
01.05.2014					
01.10.2014					
01.12.2014					
JAMI					

7.5- Masala

Asosiy vositalarning dastlabki qiymati- 100 sh.b.

Moliyaviy Hisob mahsablari uchun jamg'arilgan eskirish – 30 sh.b.

Soliq hisobi mahsablari uchun jamg'arilgan eskirish – 20 sh.b.

Foyda soli'i stavkasi- 30 %

Muddati kechiktirilgan soliq aktivi (majburiyati) summasini aniqlang.

7.6- Masala

Bino Hisobot yilining 1 yanvarida 100 000 sh.b. ga sotib olingan va shu yilning 31 dekabrda baholovchilar uni 150 000 sh.b. qayta baholangan.

Binoning foydali xizmat muddati- 50 yil

Vaqtinchalik farq qanchani tashkil qiladi ?

8-mavzu. Moliyaviy instrumentlar: ma'lumotni taqdim etish va yoritish (32-son MHXS). Moliyaviy instrumentlar: tan olinishi va o'lchanishi (39-son MHXS). Giperinflyatsiya iqtisodiyoti sharoitida moliyaviy hisobot (29-son MHXS).

8.1-masala. Moliyaviy instrumentlar: ma'lumotni taqdim etish va yoritish, moliyaviy instrumentlar: tan olinishi va o'lchanishi, giperinflyatsiya iqtisodiyoti sharoitida moliyaviy hisobot bo'yicha "Spektor" kompaniyasi ma'lumotlari berilgan.

Masalaning sharti.

Kompaniya 01.01.2009 y sanasida 2018 yilning 31 dekabriga qadar, 10 yil muddatga binoni operativ ijaraga oldi. Shu zaxotiyok xodimlarning extiyojlaridan kelib chiqib uning intereriga 100 ming sh.b. qiymatida o'zgartirish kiritdi. Shartnoma shartlariga

ko'ra 10 yildan keyin kompaniya binoni uning egasiga asl holatda topshirish majburiyati yuklatilgan.

Ushbu majburiyatni bajarish uchun 10 yildan keyin 2500 ming sh.b. mablag' zarur bo'ladi.

Ijaraga olish sanasidagi yillik diskontlash stavkasi 7% ga teng.

Ushbu diskontlash stavkasini qo'llaganda 9 yildan keyin keltirilgan sof qiymat 1\$ q54,4 tsentga va 10 yildan keyin bu ko'rsatkich 1\$ q50,8 tsentga teng.

Masalaning sharti.

Ushbu operatsiyalar mazmunini 2009 yilning Hisobotida aks ettiring.

Masalaning yechimi.

8.2-masala. Kompaniyaga 2017 yilning 2 yanvarida davo bildirilgan va u sudda ko'rib chiqilmoqda. Kompaniya huquqshunosi ushbu davo bo'yicha kompaniya sudda yutqazadi deb hisoblaydi va baholangan , hamda keyingi 2 yilda ko'riladigan zarar summasini 1 200 sh.b. darajasida belgilamoqda.

Majburiyat diskontlash asosida tan olinadi.

Tegishli diskont stavkasi-4,5 % ga teng.

Yechim:

Yillar	4,5% li diskont stavkasidagi koef.	Keltirilgan sof qiymat	Pul mabla\lari oqimi	Foiz xarajatlari
2017- yil boshi				
2017- yil oxiri				
2018- yil oxiri				

Kompaniya raxbariyati boshida diskont qiymat Hisoblanuvchi _____ sh.b summani tan oladi va shu summaga rezerv tashkil qiladi.

DT

KT

Hisob-kitoblarga ko'ra 2017yil oxirida rezerv summasi _____ sh.b ni, 2015 yil-ning oxirida esa _____ sh.b ni tashkil qilishi lozim

Shunga ko'ra 2017yil oxirida quyidagi buxgalteriya yozuvi qilinadi

Dt

KT

Shunga ko'ra 2018 yil oxirida quyidagi buxgalteriya yozuvi qilinadi

Dt

KT

8.3-masala.

MXXS (IAS) 32 ning 33-34 punktlari kompaniyaning o'z aksiyalarini sotib olish va sotish muomala-larini tartibga soladi.

Unga ko'ra agar kompaniya o'z aksiyalarini ulushli instrumentlarini sotib oladigan bo'lsa, unda bu instrumentlar qiymati kapitaldan ayirilishi lozim.

Kompaniyaning o'z ulushli instrumentlarini sotib olish, sotish, chiqarish va bekor qilish jarayon-larida yuzaga kelgan har qanday daromad yoki zarar foyda va zararlar tarkibidan tan olinmasligi lozim.

Ushbu operatsiyalar bo'yicha to'lanayotgan yoki olinayotgan mablag'lar faqat **KAPITAL** da tan olinishi lozim.

8.4-masala.

Kompaniya ustav kapitali donasi 1 000 sh.b bo'lgan 100 ta aksiyadan iborat.

2017 yilning mart oyida 5 ta aksiya aksiyadorlardan donasi 1 000 sh.b sotib olindi.

2017 yilning sentabr oyida kompaniya ularning 4 donasining xar biri 1 500 sh.b. sotildi

2017 yilning boshiga taqsimlanmagan foyda summasi 500 ming sh.b.ni tashkil qiladi.

2017yillik foyda 1500 ming sh.b. tashkil qildi.

Masalaning sharti: Tegishli buxgalteriya yozuvlari va kapitalning xarakati to'g'risidagi hisobotni tuzing.

3.Kapitalning o'zgarishi to'g'risidagi hisobotni tuzish.

Ko'rsatkichlar	Ustav kapitali	O'z aksiyalari	Taqsimlanmagan foyda	Jami kapital
01.01.2014 y.sanasiga qoldiq				
